

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:**

**Бош мухаррир:**

проф. Набиев Д.Х.

**Бош мухаррир ўринбосари**

доц. Холмирзаев Н.С.

**Масъул котиб**

ф.ф.д. Жумаев Т.Ж.

**Таҳририят ҳайъати аъзолари:**

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

п.ф.д. Орирова Н.Х.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов А.И.

ф.ф.д. Тоғиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайдиддинов Б.Х.

проф. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Қурбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

**Журнал 2009 йилда**

**ташкил этилган**

Манзил: 180003, Қарши, Кўчабог, 17.  
Қарши давлат университети,  
Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,  
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu\_xabarlari

**4/2(60) 2023**  
**Июль–август**

**Муассис: Қарши давлат университети**

**Журнал Қашқадарё вилояти  
Матбуот ва ахборот бошқармаси  
томонидан 17.09.2010 йилда  
№ 14-061 рақамли гувоҳнома  
билин қайта рўйхатдан ўтган.**

**Мусахҳилар:**

М.Набиева  
З. Кенжаева

Ж. Буранова  
Б.Турсунбоев

**Саҳифаловчи**

Я.Жумаев

**Навбатчи**

Т.Жумаев

**Техник мухаррир**

М.Рахматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарорлари билан *физика-математика, кимё, биология, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, филология, педагогика-психологи ва иқтисод* фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**Йилига 6 марта  
чоп этилади**

Журналдан олинган материалларга “ҚарДУ ҳабарлари” журналидан олинди”, деган ҳавола берилishi шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма материаллар эгаларига қайтарилмайди.

**Ижтимоий-  
гуманистар фанлар**

# МУНДАРИЖА

## ТАРИХ

Пардаев А. Мустақиллик йилларида Қашқадарё воҳасида соғлиқни сақлаш тизимидағи ислохотлар.....	4
Поёнов Т. Поён Равшоновнинг ҳаёти ва ижодиёти тарихига назар.....	8
Қосимов А. Мустақиллик йилларида Жиззах маҳаллалари.....	11
Джураев Р. Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида ташки савдо масаласи ва унда чорва маҳсулотларининг ўрни.....	15
Бабаджанов Х.Б. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда юзага келган муаммолар.....	19
Раҳмонов Ҳ. Ўзбекистонда гендер тенглиknни таъминлашга оид давлат сиёсати: ютуқ ва муаммолар.....	24
Абдурашидов А.А. Россия империясининг Сурхон воҳаси қишлоқ хўжалиги ва ирригация тизимидағи сиёсати тарихи.....	29
Хайназаров Б.Б. Туркистон генерал губернаторлигидаги туб бўлмаган аҳолининг тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларда тутган ўрни.....	36
Ходжайева S.N. Qayta qurish yillarida Buxoro muzeylari.....	41
Ҳаққулов С. Ўзбекистонда замонавий шаҳарсозлик ва меъморчилик соҳасининг ривожланиши (1991-2021).....	46
Каромов Ш. Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги тарихий-маданий ва сиёсий жараёнлар.....	50
Худойқулов Т.Д. Марказий Осиё давлатларида қўшин ва бошқарув тизими.....	54
Хошимов С. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага асакаликларнинг қўшган ҳиссаси.....	61
Раупов Ҳ.Р. Навоийда саноат корхоналарини кадрлар билан таъминлаш масалалари.....	67
To‘rayev Sh.G. XX asr boshlarida Surxon vohasida tojiklar joylashuvni etnograf B.X.Karmisheva talqinida.....	71
Хўжаёров А. Насаф воҳасида тасаввuf таълимоти тарихи ва мутасаввufлар фаолияти.....	75
Отахонов А.М. Мирзо Улугбекнинг илмий мактаби ҳақида айрим мулоҳазалар.....	79
Shoyimov S.S. Hozirgi tolbon hokimiyati ostidagi Afg’oniston va unda O‘zbekistonning siyosiy qarashlari.....	84

## ФАЛСАФА

Норов Т.О. Навоий меросида иктисадий масалаларининг гуманистик талқини.....	89
Абдумажида Ҳ. Марказий Осиё мамлакатлари модернизациялашувининг ижтимоий-сиёсий муносабатлар фаоллашувига таъсири.....	95
Мелибоев А.Н. Янги Ўзбекистонда сифатли таълим орқали камбагалликка қарши курашда хорижий тажрибаларнинг ўрни ва аҳамияти.....	98
Elmurodova S.A. Madaniyatga asoslangan ta’limning ahamiyati.....	103
Ashurova X.S. Samarqand jadidlari ijtimoiy-siyosiy qarashlarining o‘ziga xos xususiyatlari.....	106
Оқюлов Ҳ.О. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ўрта ижтимоий қамламнинг роли: ҳалқаро тажриба ва миллий ривожланиш.....	110
Каршиев Б.Э. Дунёвийлик ва динийлик уйғунлигининг жамият барқарорлигидаги ўрни.....	114

## СИЁСАТШУНОСЛИК

---

<b>Qarshiyev N.</b> Jamiyat barqarorligini ta'minlashda siyosiy partiya va partiyaviy tizimning ahamiyati.....	118
<b>Мирзабаев К.Б.</b> Давлат бошқарувини модернизациялаш жараёнида давлат хизматчиларини тайёрлашнинг истиқболи.....	122
<b>Burxanov T.M.</b> Bo'lajak ofitserlarning ma'naviy tafakkurini takomillashtirish omillari....	128

## ФИЛОЛОГИЯ

---

<b>Baxriddinova B.M.</b> Zamonaviy o'zbek punktuatsiyasining g'oyaviy-etnik taraqqiyoti va dolzarb muammolariga doir.....	133
<b>Temirova F.</b> Bolalar latifalarining o'ziga xos xususiyatlari.....	137
<b>Shermamatova Sh.B.</b> Muhammad Aminxo'ja Muqimiy g'azalining o'quv adabiyotlardagi talqinlariga oid.....	140
<b>Равшанова Г.Қ.</b> Ҳажвиётда давр ва замон ифодаси.....	144
<b>Акрамов Ш.Х.</b> Миллий озодлик курашчилари образи генезиси ва унинг тарихий манбалари.....	148
<b>Бобоев У.Н.</b> К проблеме обеспечения эквивалентности и адекватности перевода.....	151
<b>Usmonova M. K.</b> Morfem strukturada soddalashish tamoyillari.....	155
<b>Намозова К.Б.</b> Замонавий тилшуносликда тўй маросимлари лексикасининг миллий-маданий хусусиятлари.....	160
<b>Beginov O. T.</b> Konversiya tushunchasi va uning oronim yasash xususiyatlari.....	165
<b>Yaxshiyeva Z.R.</b> Tarixiy romanlarga ko'chgan Amir Temur siymosi.....	170
<b>Кенжакеева З. С.</b> Тилда фенотипик тафовутларнинг келиб чиқиши билан боғлик генеологик талқин.....	174
<b>Mo'minova M.G'.</b> Suv konseptiga oid tadqiqotlar tavsifi.....	178
<b>Базарова Д.</b> Ўзбек тилидаги вариантилилк ҳодисасига доир муаммолар хусусида.....	181
<b>Kenjayev Z.O.</b> Qayta tug'ilgan "Alisher Navoiy" romanı.....	185
<b>Қаххорова Ш.А.</b> Алишер Навоий достонларида беранглик, беҳижоблик, беҳушлик ҳамда фано ва мавт масаласи.....	187
<b>Базарова Н.Ш.</b> Сопоставительный анализ русских и узбекских пословиц.....	192
<b>Мустафаева С.Б.</b> Салим Ашур шеъриятининг мавзу ўлами.....	196

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Пардаев А. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, ихтисослашган тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш борасида амалга оширилган тадбирлар тадқиқ қилинган.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон, Қашқадарё, Қарши, Шахрисабз, Гузор, Яккабог, вилоят, шаҳар, қишилоқ, тиббиёт, шифокор, касалхона, КВП, поликлиника, вирусли гепатит, соғлиқни сақлаш.

### РЕФОРМЫ В СИСТЕМЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В КАШКАДАРЬИНСКОМ ОАЗИСЕ ЗА ГОДЫНЕЗАВИСИМОСТИ

**Аннотация.** В данной статье изучены реформы в системе здравоохранения Кашкадарьинской области, специализированной медицинской службы, охраны материнства и детства, принятые меры по воспитанию физически и духовно здорового поколения за годы независимости.

**Ключевые слова:** Узбекистан, Кашкадарья, Карши, Шахрисабз, Гузар, Яккабаг, область, город, село, медицина, врач, больница, ВПСМ, поликлиника, вирусный гепатит, здравоохранение.

### REFORMS IN THE HEALTH CARE SYSTEM IN THE KASHKADARYA OASIS DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

**Anotation.** In this article, over the years of independence, reforms in the healthcare system of Kashkadarya region, specialized medical services, maternity and childhood protection, measures taken to educate a physically and spiritually healthy generation have been studied

**Keywords:** Uzbekistan, Kashkadarya, Karshi, Shakhrisabz, Guzar, Yakkabag, region, city, village, medicine, doctor, hospital, KVP, polyclinic, viral hepatitis, healthcare.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликни қўлга киритгандан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилиб, ихтисослашган тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш борасида кўпгина тадбирлар олиб борилди. Шу мақсадда 1994 йилда республика соғлиқни сақлаш соҳаси учун миллий даромаднинг 4,1 фоизи микдорида маблағ ажратилган бўлса, 2000 йил бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил қилган<sup>1</sup>.

Республиканинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам мустақилликнинг дастлабки вақтларида талайгина муаммолар мавжуд эди. Жумладан, 1992 йилда Нишон, Баҳористон, Усмон Юсупов, Чироқчи туманларида аҳолига тиббиёт хизмат кўрсатишда талай камчиликлар мавжуд бўлган. Кўриқ туманларда кадрларга танқислик сезилган. Баҳористон туманидаги касалхонада врач-лаборант бўлмаган. Шунингдек, вилоядада болалар ўлими бир мунча кўпайганлиги сезилган. Чироқчи туманида сарик касаллиги камаймаган. Сарик билан оғриётганларнинг эса 70 %ини болалар ташкил қилган. Юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари тўғри ва сифатли ташкил этилмаслиги натижасида айrim касаллик турлари, жумладан, кизамиқ 1991 йилда 1990 йилдагига нисбатан 3,5 баравар ортган<sup>2</sup>.

Вилоядада 1995 йилда 1994 йилга нисбатан баъзи юқумли касалликлар Косон, Шахрисабз, Дехқонобод туманларида ичтерлама касаллиги, Яккабог туманида салмонеллэз касаллиги, Қамаши, У Юсупов, Муборак туманларида ичбуруғ касалликлари вилоят ўртача кўрсаткичидан анча юқорилиги қайд этилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Мўминова Г. Ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг бош йўналиши. – Қарши: Насаф, 2007, – Б. 23.

<sup>2</sup> Қашқадарё ҳақиқати 1992 йил 23 апрел.

<sup>3</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 1995 йил 14 октябрь.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш баробарида қабул қилинган чоратадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда ахолининг ўртacha умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртacha умр кўриши - 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртacha умр кўриши 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди<sup>1</sup>.

Қашқадарё вилоятида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида, 1999 йилда 1 та касалхона, 14 та қишлоқ врачлик пункти, куриб фойдаланишга топширилган. Умуман, вилоят бўйича 1991-2000 йиллар давомида 30 та янги касалхона, 31 та қишлоқ врачлик пункти, курилиб аҳолига хизмат кўрсатган<sup>2</sup>.

Аҳоли соғлигини муҳофазалаш борасидаги асосий вазифалар орасида профилактик йўналишни такомиллаштириш, биринчи навбатда инсон организми учун ҳавфли ва зарарли атроф-муҳит омиллари таъсирида юзага келадиган касалликларнинг олдини олиш, камайтириш ва йўқотиш катта аҳамиятга эга. Мисол учун, 2005 йилда вилоят ахолисининг санитария-эпидемиологик жиҳатдан хотиржамлигини таъминлаш учун 15 та, жумладан, 1 та вилоят, 1 та шаҳар, 13 та туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази фаолият кўрсатган. Уларнинг таркибида 7 та санитария-гигиена, 2 та радиология, 2 та токсикология, 1 та электромагнит нурлари ва физик омиллар, 19 та бактериология, 15 та паразитология, 7 та вирусология ва 2 та ўта ҳавфли юқумли касалликлар қўзғатувчиларини аниқлайдиган лабораториялар ишлаб турган<sup>3</sup>.

Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар шифо масканларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, тиббий хизмат самарадорлигини янада ошириш имконини берди. Вилоят П-шифохонасининг қайта таъмирланиб, 1 -навбати ишга туширилиши ҳам бунинг амалдаги намунаси бўлди. 60 ўринга мўлжалланган ушбу шифохона “Қашқадарё нефтгазқурилиш-таъмирлаш” ва Косон туманидаги 232-хўжаликларо механизациялашган курилиш корхоналари томонидан таъмирланиб, бу ишларга 250 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Шунингдек, шифохонага 100 миллион сўмлик жиҳозлар ва 3 миллион 600 минг сўмлик тиббий анжомлар келтирилган<sup>4</sup>.

2007 йилда вилоядта 11510 ўринли 89 та шифохона, 3 та санаторий, бир сменада 26346 қатновга мўлжалланган 363 та амбулатория-шифохона, 252 та ҚВП, 5 та ШВП, 27 та қишлоқ участка шифохонаси, 43 та фельдшерлик-акушерлик пункти фаолият кўрсатиб, уларда 5199 нафар врач ва 24700 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига хизмат кўрсатган. Тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўғини бўлган қишлоқ врачлик пунктлари 2007 йил феврал ойидан бошлаб алоҳида молиялаштирилиб банкларда ҳисоб рақамлари очилган. Шу муносабат билан ҳар бир қишлоқ врачлик пунктида молиялаштирувчи менежер иш бошлаган. Натижада, иқтисод қилинган маблағ мазкур муассаса моддий-техник ҳолатини яхшилаш ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришга сарфланган<sup>5</sup>.

“Саломатлик-2” лойиҳаси асосида эса Жаҳон таракқиёт банкининг моддий қўмаги билан вилоят ҚВПларида ишлайдиган 174 нафар шифокор 10 ойлик маҳсус курсларда малака оширган. Аҳоли замонавий диагностик, даволаш ускуналари ва умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктларида юқори малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлган.<sup>6</sup>

2012 йилда вилоядта жами шифокорлар сони 5,4 минг кишини ташкил этиб, ҳар 10 минг кишига 19,1 нафар шифокор тўғри келган, шунингдек битта шифокорга 524 та бемор тўғри келган. Ўрта тиббий ҳодимлар сони 2012 йилда 29,3 минг кишини ташкил этиб ҳар

<sup>1</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2007 йил 19 октябр.

<sup>2</sup> Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000, – Б. 128.

<sup>3</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2005 йил 17 июнь.

<sup>4</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2007 йил 23 октябрь.

<sup>5</sup> Эркаев А. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида. – Т.: Маънавият, 2007. – Б. 37.

<sup>6</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2007 йил 26 октябрь.

10 минг аҳолига 103,5 минг кишини ташкил қилган, бундан ташқари битта ўрта тиббий ходимга 97 та bemor тўғри келган<sup>1</sup>.

2012 йилда вилоятда 100 минг аҳолига нисбатан 46070,4 нафар касаллик қайд этилган, шундан юқумли касаллик билан оғриганлар 921,8 киши, ўсмалар билан касалланганлар 96,7 нафар, асаб тизимлари билан касалланганлар 1431,7 нафар, руҳий бузилишлар ва хулқ-атвор бузилишлари билан касалланганлар 141,4 нафарни, эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги, модда алмашиниви бузилишлари билан касалланганлар 2048,6 нафарни, қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмини жалб этувчи айрим бўзилишлар билан касалланганлар 7225,5 нафарни ташкил этган<sup>2</sup>

2013 йил вилоятдаги шифохоналар сони 86 та ташкил этиб, улардаги ўринлар сони 11,0 мингтани ташкил қилган, ҳар 10 минг аҳолига 38,0 та ўрин тўғри келган<sup>3</sup>.

2014 йилда вилоятда ҳар 10 минг кишига 38,3 даволаш ўрни тўғри келган. Шифокорлар ҳар 10 минг кишига 18,3 нафар, ўрта тиббиёт ходимлари 100,7 нафарни ташкил қилган.

Республикада соғлиқни сақлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда вилоятда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 60 та шифохона, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти ва яна қўплаб даволаш-профилактика муассасалари фаолият юритиши натижасида аҳолининг ўртacha умр кўриш даражаси узайди, оналар ва болалар ўлими икки баробардан ортиқка камайди, ўта мураккаб жарроҳлик амалиётларини ҳам шу ерда амалга ошириш имкони туғилди<sup>4</sup>.

Буни, Касби тумани мисолида кўрадиган бўлсак, худудда 26 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, шундан Месит қишлоғида қишлоқ врачлик пунктида қишлоқ аҳлига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келди. 2001 йилда ташкил этилган ва 12 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатган ушбу муассаса 50 қатновга мўлжалланган булиб, 5 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатди. 4 нафар патронаж ҳамшира хонадонма-хонадон юриб, кексалар, ёш болали оналар ҳамда ҳомиладор аёлларнинг ҳолидан доимий равишда хабардор бўлди<sup>5</sup>.

Ёки, Гузор туманида 25 йил ичida худудда мутлақо янги талаблар асосида фаолият кўрсатадиган 31 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Шулардан 11 тасининг биноси янгидан қурилган бўлса, мавжудлари тубдан реконструкция қилинди. Туман марказий шифохонаси ва марказий поликлиникаси ҳам 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига қайта таъмирланди<sup>6</sup>.

2020 йилда 15 марта республикамида коронавирус қайд этилгандан бошлаб барча худудларда унга қарши астойдил кураш амалга иширилди. Қашқадарёда ҳам дастлаб 14 апрелда касалликни юқтириб олган bemor, яъни чироқчилик 14 ёшли фуқаро 28 апрель куни касалликдан буткул фориғ бўлган<sup>7</sup>.

Вилоятда вирус кенг тарқаб кетмаслиги учун касалликни юқтирганларни тезкорлик билан аниқлаш, уларни зудлик билан изоляциялаш, четдан кириб келган фуқароларни, коронавирус аниқланган фуқаролар билан мулоқотда бўлганлар ва гумонланувчиларни мажбурий карантинга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида 2020 йил 1 майгача вилоят бўйича 11 минг 697 нафар киши карантинга олинди. Уларнинг 3 минг 338 нафарини эпидемик вазият бекарор давлатлардан келганлар ташкил этди. Карантинга

<sup>1</sup> Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014, – Б. 60.

<sup>2</sup> Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014. – Б. 63-65.

<sup>3</sup> Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014. – Б. 61.

<sup>4</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2016 йил 18 июнь.

<sup>5</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2016 йил 18 июнь.

<sup>6</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2016 йил 11 август.

<sup>7</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2020 йил 1 май..

олинган шахслар 14 кунлик тиббий кузатув муддатини ўтаб бўлгач, яна бир бор текширилиб, ўз худудларидағи оилавий поликлиникалар назоратига ўтказилди<sup>1</sup>.

Афсуски, 2020 йил 1 июля коронавирус инфекцияси юқтирган вилоятдаги беморлар орасида биринчи ўлим холати қайд этилди. Ғузор туманида яшовчи 64 ёшли эркак бемор ўткир юрак-қон томир ва нафас етишмовчилигидан вафот этган. Бемор Ўзбекистонда коронавирусдан вафот этган 27-бемор эди. 2020 йил 2 июль соат 17:00 ҳолатида вилоятда коронавирус инфекцияси юқирганлар сони 201 нафарни ташкил этди. Улар орасидан 74 нафар бемор даволаниб, касалликдан тузалиб чиқди<sup>2</sup>.

2020 йил 15 августан барча худудларда даволаш ўринлари ва нафас бериш аппаратлари сони бир неча баробар қўпайтирилгани, муолажа қилиш усууллари янгилангани ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати кучайтирилгани натижасида мамлакатимиз буйича коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи 59 фоиздан 78 фоизга етди. Вирус юқтирганлар сони 32 мингдан ошган бўлса- да, уларнинг 25 мингдан зиёди соғайди. Шундан келиб чиқкан ҳолда Республика маҳсус комиссиясининг қарорига кўра бир қатор карантин чекловлари бекор қилинди<sup>3</sup>.

2020 йилда вилоятда 62 та шифохона, 83 та қишлоқ врачлик пункти да 72 та қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолият кўрсатган. Уларда 5 минг 475 нафар врач ҳамда 35 минг 99 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. Шунингдек, вилоятда аҳолига турли ихтисосликлар буйича хизмат кўрсатувчи хусусий тиббиёт муассасалар сони ҳам кескин ортиб, улар сони 485 тани ташкил этди<sup>4</sup>.

Лекин шунга қарамасдан, 2020 йилда вилоятда шифокорлар билан таъминланиш даражаси 65 фоизни ташкил этди. Тор соҳалар бўйича 257 та, бирламчи бўғинда 855 та шифокор етишмайди. Вилоятда қўшимча 18 та оилавий поликлиника ва 30 та оилавий шифокорлар пунктларига талаб мавжуд.

Ҳар бир оилавий поликлиникага ўртacha 25-30 минг нафардан фуқаро тўғри келиши лозим бўлса-да, вилоятда бу кўрсаткич 90 мингтани ташкил этди<sup>5</sup>. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида ечимини кутаётган муаммолар етарлича.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилиб, ихтисослашган тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш борасида кўпгина тадбирлар олиб борилди. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар шифо масканларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, тиббий хизмат самарадорлигини янада ошириш имконини берди. Натижада 2016 йилда вилоятида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 60 та шифохона, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти ва яна кўплаб даволаш-профилактика муассасалари фаолият юритиши натижасида аҳолининг ўртacha умр кўриш даражаси узайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд.  
– Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Мўминова Г. Ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг бош йўналиши. – Қарши: Насаф, 2007.
3. СолиевА. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т., 2014.
4. Эркаев А. Қашқадарё вилояти истиклол йилларида. – Т.: Маънавият, 2007.
5. Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014.

***Наширга т.ф.д. Г.Мўминова тавсия этган***

<sup>1</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2020 йил 1 май..

<sup>2</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2020 йил 3 июль.

<sup>3</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2020 йил 14 август.

<sup>4</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2020 йил 28 август.

<sup>5</sup> «Қашқадарё ҳақиқати», 2020 йил 20 ноябрь.

## ПОЁН РАВШАНОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЁТИ ТАРИХИГА НАЗАР

Поёнов Т. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, тарихшунос, матншунос олим Поён Равшановнинг ҳаёт йўли ҳамда илмий, маънавий-маърифий, ўқув соҳасида амалга оширган ишлари, унинг Қашқадарё воҳаси тарихига оид асарлари ва уларнинг аҳамияти ҳакида баён этилган.

**Таянч сўзлар:** Қашқадарё адабий муҳити, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, илмий-адабий муҳит, адабиётшунос олим, илмий тадқиқот, Қашқадарё тарихи, Қарши тарихи, Шаҳрисабз тарихи, маданият тарихи, шоир, манбашибунос, матншунос, адабий мерос.

### ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВА ПОЁНА РАВШАНОВА

**Аннотация.** В данной статье описывается жизненный путь Поёна Равшанова, члена Союза писателей Узбекистана, историка, текстолога, и его научная, духовно-просветительская деятельность, труды по истории Кашкадарьинского оазиса и их особенности.

**Ключевые слова:** литературная среда Кашкадарья, Союз писателей Узбекистана, научная и литературная среда, литературовед, научные исследования, история Кашкадарья, история Карши, история Шаҳрисабза, история культуры, поэт, источникoved, текстолог, литературовед.

### A LOOK AT THE HISTORY OF POYON RAVSHANOV'S LIFE AND CREATION

**Annotation:** This article describes the life path of Poyon Ravshanov, a member of the Writers' Union of Uzbekistan, a historian, a textual scholar, and his scientific, spiritual-educational, educational work, his works on the history of the Kashkadarya oasis, and their importance.

**Key words:** Literary environment of Kashkadarya, Writers' Union of Uzbekistan, scientific and literary environment, scholar of literature, scientific research, history of Kashkadarya, history of Karshi, history of Shahrisabz, history of culture, poet, source scholar, textologist, literary critic.

Поён Равшанов Қамаши туманидаги Чимқўргон сув омбори ёнгинасидаги Катта Дўстберди қишлоғида 1941 йилнинг 20 июлида таваллуд топган. Ўрта мактабни тамомлаганидан сўнг, 1958-1963 йиллар давомида Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таҳсил олди. Поён Равшанов дастлаб Самарқанд вилоятининг “Ленин йўли” газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. 1964 йилда Қарши давлат педагогика институтида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Домла узоқ йиллар университетда тер тўкиб меҳнат килди, минглаб талабаларни бадиий адабиёт сирларидан воқиф этди, айниқса, ўзбек классик адабиёти тарихи катта билимдони сифатида ўқиган маърузалари талабаларнинг бир умр ёдида қолди.

П.Равшанов оддий ўқитувчиликдан бошлаб кафедра мудири, факультет декани, ўқув ишлари проректори лавозимларида узоқ вақт ишлаб муносиб шогирдлар тайёрлади, илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, олимлик илмий даражаларини олди [1:92-93], хукуматимиз томонидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Поён Равшанов “Ўзбек адабиёти тарихидан амалий машғулотлар”, “Болаликнинг сехрли олами”, “Адабий сахифалар”, “Тарих бадиияти”, “Дўст қомуси”, “Мозийга нигоҳ”, “Адабиёт ва таълим” каби қатор монография ва ўқув кўлланмалар муаллифиdir.

Адабиётшунос олим Поён Равшанов Қарши олийгоҳида, унда қарор топган илмий-адабий муҳитда улғайди. Поён Равшанов илмий тадқиқот ишни 1965 йилдан, сиртқи аспирантура таҳсили билан уйғун олиб борганди. У номзодлик ишини ўзбек болалар адабиётидан, қиссанчилик жанри шаклланиши ва тараққиётидан бажариши лозим бўлганди. Бу соҳада бирқанча мақолалар ва рисола яратишга муваффақ бўлган Поён Равшанов кейинчалик, ўзи ёқтирган мумтоз адабиёт йўлидан кетди [1:92].

Қашқадарё воҳасида, олийгоҳда ва кафедрада шаклланган, тараққий эта борган илмий муҳит қадамни республика доирасида ташлашга даъват этиши табиий ҳодиса эди.

Кўпчилик сафдошлар, касбошлар худди шу даъват сабаб, танилдилар, баракали илмий маҳсулот яратдилар. Поён Равшанов кафедрада бир умр мумтоз адабиёт фанидан талаба ёшларга сабоқ бериб келди. Унинг таълим - тарбияда, илмий тадқиқотда ўз йўлини топиши, ижод билан машғул бўлиши бош омили муҳит билан узвий боғлиқдир.

Поён Равшанов – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси, Республика ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. 2002-йилда унга университет илмий кенгаши томонидан фаҳрий профессор унвони берилган. Олимнинг бугунги кунда нашр эттирган асарлари сони 60 дан ортиқдир. Матбуотда эълон қилган мақолалари адади мингдан ошади. Республика илмий жамоатчилиги Поён Равшановни серкирра олим сифатида яхши билади. Адабиётшунослик (мумтоз адабиёт) [1:109], матншунослик, тарихшунослик соҳасида яратган асарлари, монографиялари, мақолалари салмоқли ва мавзу нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Қашқадарё воҳасининг ўтмиш адабий ҳаёти, маданияти тарихи, ижтимоий-сиёсий тарихига бағишлиланган қатор китоблари яхши маълум ва ўз ўрнига эга эканлиги билан ажралиб туради. Мен бу олимни жуда хурмат қиласман, у ҳакиқий ватанпарвар, фидойи инсон. Ёзган асарлари “Қашқадарё тарихи” орқали ёшларимиз ўтмишни ўрганаётирлар. Поён Равшановнинг китобларини мактаблarda ўқитишими, хурмати ва хизматини жойига қўйишимиз керак, деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов.

Адабиётшунос олим Поён Равшанов асарларига республикамизнинг таникли ва етакчи олимлари, шоир ва адилари юксак баҳо берганлар. Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Пиримқул Қодиров, Азиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Шариф Юсупов, Исроил Мирзаев, Акмал Саидов, Нурбой Жабборов, Бойназар Йўлдошев ва бошқа бир қатор олимларнинг фикрлари, берган баҳолари илмни, меҳнатни қадрлаш намуналариdir.

Ўтган асрнинг 60-йилларига қадар ўзбек мумтоз адабиётининг йирик бўгинларидан бири[2:4] – Қашқадарё адабий муҳити деярли ўрганилмасдан келган эди. Бу воҳада ёзма адабиёт намуналари эрта шаклланган, IX-X асрларда Абу Макхул ан – Насафий, Шаҳобиддин Насафий, Нажмиддин ан – Насафий, Ҳофизиддин ан-Насафий каби шоирлар ижоди кенг ёйилган эди. XIII- XIV асрлардан - XX аср бошларига қадар Зиёуддин Нахшабий, Мир Қарший, Абулбарака Фироқий, Мавлоно Сойилий, Ломейй Насафий, Сайдо Насафий, Муштоқ Шахрисабзий, Хиромий, Тоҳира Насафий, Рожий Шахрисабзий[2:9] сингари йигирмадан ортиқ ижод аҳли исми шарифи, асарлари маълум ва машҳурлик касб этганди.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатди, XVIII-XX асрларда Қашқа воҳасидан Миршариф Неъматуллоҳ, Касбигий, Ҳофиз Рўзибай Машраби Соний, Ҳаёлий, Ботирхўжа Холис, Аваз Бадал Маҳзун Шахрисабзий, Файзуллоҳ Равнақий, Абдулла Гулшаний каби ўнлаб етук шоирлар, адилар етишиб чиққанлар.

Ўтмишда Қашқадарё воҳасидан, айниқса, Насаф-Қарши, Кеш- Шахрисабз, Яккабоғ ва бошқа мавзелардан хаттотлар кўплаб чиққан. Алишер Навоий асарларини кўчириш амалга оширилган. Саидназар Насафий, Иброҳим Девона Шахрисабзий, Бобобек Иштабир, Муқима отин, Муҳаммад Латиф ва яна қанча котиблар, хушнавис хаттотлар ўзбек мумтоз адабиётининг энг нодир намуналарини кўчириб, кўлёзмалар шаклида авлодларга мерос қилиб колдирганлар.

Ўзбек адабиётининг катта бир қисмини ташкил этувчи Қашқа воҳаси адабий ҳаёти, афсуски, мустабид Совет даврида деярли эътиборни тортмади. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида эҳтиром билан тилга олиб ўтган Мир Қарший, Мавлоно Сойилий, Абулбарака Фироқийлар ҳам ўз авлодларига узоқ вақтлар номаълумлигига қолиб келди.

Қашқадарё вилоятида адабиётшунослик фани олий таълим муассасаси ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиш ўйлига кирган эди. Олий таълим муассасаси – педагогика институти ўтган асрнинг 40-йиллари сўнгларида филиал тарзида (Бухоро давлат педагогика институти) ташкил топган эди. Унинг мустақил олий ўқув юртига айланиши эса, 50-йиллар иккинчи ярми бошларига тўғри келади. Тошкентда, Республика Фанлар академиясининг илмий-текшириш институти мавжудлигига қарамай,

Қашқадарё воҳасида узқ асрлар давомида ўз ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлган адабий ҳаёт ўрганиш доирасига кирмасдан қолиб келди.

Қарши давлат педагогика институтида таълим ва таҳсил асосий ўринга қўйилган, илмий тадқиқотчилик ҳали тетапоя даражасида бўлиб, кўп йиллар шундай даражада давом этди. Табиийки, илмни олимлар, олимларни эса, имл-фан юзага чиқазади. Шу жиҳатдан, ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи мутасаддилигида мунтазам нашр этиб келинган “Адабий мерос” мажмуасида келтирилган илмий тадқиқотлар - диссертациялар мундарижаси диккатга лойиқ. Мундарижада зикр этилган илмий ишлар ва уларнинг муаллифлари билан танишиш мустабид Қизил салтанат даврида жойларда (аникроғи, вилоятларда) адабиётшунослик фанига бўлган “эътибор”ни яққол кўрсатишга, маълум хulosалар чиқаришга хизмат қилади.

“Адабий мерос”нинг 1978 йил 10-сонида 1941-1977 йиллар давомида (мазкур мундарижа Мухаммаджон Ҳакимов [3:111] томонидан тузилган бўлиб, “Адабий мерос”нинг 1978 йилги 6, 7, 8, 9, 10 –сонларида тўлиқ берилган) ўзбек адабиётшунослиги масалалари бўйича ёқланган диссертациялар мавзулари, фан номзодлари, докторлари исми шарифлари хусусида маълумот беради. Бу далолатнома ўтган асрнинг 60-70 йилларида Қашқадарёда [3:111-116] (бу хисобга Тошкент ва бошқа шаҳарларда Қашқадарё вакиллари томонидан ҳимоя этилган ишлар кирмайди) адабиётшунос олимларнинг етишиб чиқиши тадрижини белгилашда ҳам муҳим манба бўла олади.

1940-1960 йилларда қашқадарёлик адабиётшунослардан бирортаси номзодлик ишини ҳимоя қилганлиги маълум эмас. Қарши давлат педагогика институти 50-йилларнинг иккинчи ярмида мустақил олий ўкув юртига айлантирилгач, дастлабки йилларда ўзбек тили ва адабиёти кафедраси бирга бўлган. 1964 -1965 йилларда институтда ўзбек адабиёти кафедраси алоҳида бўлиб, ажralиб чиқади. Кафедранинг биринчи мудири кейинчалик профессор, фан доктори даражасига кўтарилиган, ўша пайтда мазкур институтида ректор бўлган Ориф Икромов эди. Кафедрага кейинчалик филология фанлари номзоди Қаҳҳор Расулов бошчилик қилади. 60-йиллар охирларига келиб, КДПИИ ўзбек адабиёти кафедрасида илмий салоҳият сезиларли равишда орта боради. Аспирантура ва илмий тадқиқотчилик таҳсили, изланишларини ўтаган Турсун Бозоров, Чўлпоной Султонова, Маҳкамой Олимова, Абдимўмин Қаҳҳоровлар [3:128] бирин-кетин драматургия, болалар адабиёти, ҳалқ оғзаки ижодиётига оид диссертация ишларини ҳимоя қиладилар. Кафедранинг аъзоларидан Камол Очилов, Поён Равшанов, Дамин Тўраев, Бойназар Йўлдошев, Файзула Эшимивларҳам номзодлик диссертацияларини муваффақиятли яқунлайдилар. 70- йилларда Қарши педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси илмий кўрсаткичи юқори даражада бўлиб, кўпгина вилоят педагогика олийгоҳлари учун намуна эди. Шу йилларда Қашқадарё вилоятининг айрим мактабларида фаолият кўрсатадилар. 70- йилларда Қарши педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасида илмий тадқиқот йўлидан бориб, фан номзоди даражасига эришадилар. Ҳалим Худойназаров (Қарши), Шарофжон Орифий, Олимжон Қобулов (Шахрисабз) вилоятнинг илмий муҳити юксалишига хисса қўшган олимлар бўлган эди.

Қарши педагогика олийгоҳида дастлабки даврларда таникли олимлардан Абдуғофур Расулов, Аъло Ашрафов, Клара Ризаева, Рауф Мажидов, Ўрол Носиров каби илмий-тадқиқот йўналишига катта ҳисса қўшган фан фидойилари ҳам ишлаган эди.

Кафедра йиллар давомида илмий салоҳиятни ошириб борди. Олтиной Қосимхўжаева, Гулчехра Имомова олимлар сафига қўшилди. Ёш ўқитувчилар, тадқиқотчилар, олимлар кўпая борди. Ўзбек адабиёти кафедрасида ўтган асрнинг 60-йиллари сўнгларида айниқса қизгин тус олган илмий-тадқиқий муҳит ўз самараларини бера бошлади. Кафедра олимлари таълим-тарбия, жамоатчилик ишлари билан бир қаторда, илмий изланиш йўлидан ҳам оғишмай олдинга қараб бордилар. Улар томонидан илмий-услубий қўлланмалар, рисолалар, монографиялар яратилди, бу саъй-ҳаракатлар илмий жамоатчилик томонидан маъқулана бошланди. Энди қаршилик олимларни етакчи илмий

муассасалар, таҳририятлар, нашриётлар таний ва хурматлай бошлади. Докторлик ишлари ҳам мувоффақиятли ҳимоя қилинди. Дамин Тўраев, Бойназар Йўлдошевлар бу борада ўрнак кўрсатган бўлса, кейинчалик Нафасхон Шодмонов бу қаторни тўлдирди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, шубҳасиз, илмий тадқиқот бобида ҳам улкан ижобий ўзгаришларларга йўл очди. Эндиликда, адабиётимизнинг ҳамма соҳасида, жумладан, мумтоз адабиёт бобида ҳам илм-фан ва жамият маънавияти тараққиётига ҳисса бўлиб кўшиладиган долзарб, ўта муҳим мавзулар ўрганилмоқда. Юқоридаги фикрларни жамлаб шуни айтиш лозимки, Поён Равшанов олим ва адаб сифатида ўзбек классик адабиёти тарихининг катта билимдони сифатида ном қолдирди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Йўлдошев Б. Қашқадарё адаблари. – Тошкент: Олтин нашр, 2020, – Б. 92-93.
2. Равшанов О. Эътироф. – Т., 2004. – Б. 4.
3. Адабий мерос. – Тошкент., 1978. 10-сон, – Б. 111-116.

*Наирга проф. Б.Эшов тавсия этган*

### **МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ МАҲАЛЛАЛАРИ**

**Қосимов А. (ЖДПИ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармасининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётидаги ўрни, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантаришдаги аҳамияти Жиззах шаҳри маҳаллалари мисолида кўриб чиқилиб, таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** маҳалла, оқсоқол, маҳалла оқсоқоли, сайлов, ўзини ўзи бошқарии органи, Қалия-мўлканлик, Кўттарма маҳалласи, Заргарлик, Қассоблик, Равотлик.

#### **ОКРЕСТНОСТИ ДЖИЗЗАКА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается и анализируется роль Благотворительного фонда Узбекистана «Маҳалла» в социально-экономическом и культурном развитии общества, его значение в формировании и развитии гражданского общества в нашей окрестности города Джизак.

**Ключевые слова:** окрестность, староста, окрестный староста, выборы, орган самоуправления, Калия-молканлик, Котарминская волость, Ювелирная, Мясная, Равотлик.

#### **NEIGHBORHOODS OF JIZZAH IN THE YEARS OF INDEPENDENCE**

**Annotation.** In this article, the role of the "Mahalla" Charitable Fund of Uzbekistan in the socio-economic and cultural development of the society, its importance in the formation and development of the civil society in our country is considered and analyzed on the example of the neighborhoods of the city of Jizzakh.

**Key words:** Neighborhood, elder, neighborhood elder, election, self-governing body, Kaliya-molkanlik, Kotarma neighborhood, Jewelry, Butchery, Ravotlik.

Маҳалла – инсон ақл-заковатининг маҳсули бўлиб, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларни кузатиш асосида одамларнинг бир-бирига бўлган ишончи ҳамда муносабатлари маданий тараққиётининг ривожланишига имконият яратиб ақл ва идрок билан иш юритишни таъминлаган.

“Маҳалла” сўзи арабча “маҳаллун” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, аҳоли яшайдиган жой, гузар, уй-жой мавзелари деган маънони билдиради. Маҳаллалар шаҳар ичидаги аҳоли яшайдиган [1:29] манзилгоҳ, гузардир.

Маҳалла ўтмишдан мерос бўлиб келмоқда. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи одамлар фақат кўни-кўшничилик ришталари билангида эмас, балки ички тартиб-коида, маънавият, ахлоқий нормалар ва мажбуриятлар билан чамбарчас боғланган ҳолда ҳаёт кечиришмоқда. Шу билан биргалиқда маҳалла - унинг аъзоларини ягона оиласа бирлантирувчи ўзига хос тарбия маскани ҳамдир. Қадим замонлардаёқ маҳаллага эл

ишенчини, хурматини қозонган оқсоқоллар, унинг маслаҳатгўйлари бошчилик қилиб келишган. Катта-кичикнинг бошини ковуштириб, маҳалладошларнинг оғирини енгиллаштириш, уларнинг тўй, маъракалари, расм-русумларини ўтказишга, рўзгор буюмлари билан таъминлашга бош-кош бўлишган. Маҳалла оқсоқоллари оиласвий низоларни бартараф этишга, қўни-қўшилар ўртасидаги низоларни бартараф қилишга ҳакамлик қилишган. Ёшларни тарбиялашда, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишган. Маҳаллада ҳар қандай маросимлар кўпчиликнинг саъй-харакати билан амалга оширилган. Бас, шундай экан, маҳалла азалдан[2:126] кишиларнинг эзгулик ва ўзаро меҳр-оқибат маскани бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон мустакилликни кўлга киритгач, маҳаллага муносабат тубдан ўзгарди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчilarини сайлайди”, деб белгилаб қўйилди.

1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан Жizzах шаҳридаги маҳаллалар таркиби қайта кўриб чиқилди. 1994 йилда бўлиб ўтган сайлов асосида ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла қўмиталари шакллантирилди. Маҳалла қўмиталари аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш, қонунчиликни таъминлашда Давлат ҳокимияти органларига қўмаклашиб ишларida фаол қатнашиб келди.

2004 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчilarи сайлови тўғрисида”ги Қонунида фуқаролар йигини раиси [3:79] (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчilarи сайлови билан боғлиқ нормалар мустаҳкамланган бўлиб, бу қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини муҳим манбаси ҳисобланади.

Шу ўринда Жizzах шаҳрида маҳаллаларнинг ташкил топиши тарихи ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Жizzах шаҳридаги маҳаллаларнинг тарихи, археологияси, этнографияси яхши ўрганилмаганлиги, илмий адабиётларда етарлича ёритилмагани сабабли бўлса керак, яқин йилларгача нафакат оддий фуқаролар, айрим тарихчилар ўртасида ҳам Жizzах шаҳридаги “Тошкентлик”, “Ўратепалик”, “Ховослик” ва бошқа маҳаллаларнинг номларига нисбат берилиб, “Жizzах шаҳар тарихининг таг-замини йўқ, аҳолининг сунъий кўчиб келиши ҳисобига шаҳар юзага келган” деган гайри-илмий қарашлар мавжуд эди. Бироқ, Жizzахда олиб борилган этнографик-археологик қазилмалар натижасида кўлга киритилган тарихий ашёвий топилмалар, ёзма манбалар, ҳалқ орасидаги турли хил ривоят ва афсоналар Жizzах шаҳри худудида кишилик жамияти цивилизациясининг қадимги босқичларида ҳам аҳоли истиқомат килганлигини кўрсатмоқда.

Тарих фанлари номзоди М.Пардаев, А.Пардаевларнинг ёзишича, шаҳарда XVI – XIX асрларда гузарлар [4:119], маҳаллалар юзага келгани, улар ўзбек урууглари, қўшни туман-шаҳарлардан кўчирилган қишлоқлар номи билан, географик, турли афсоналар, ақида ва ривоятлар билан асосланиб номланган маҳаллалар фаолият кўрсатмоқда. Жizzах шаҳрида касб-хунар, турмуш тарзига қараб номланган маҳаллалар (“Совунгарлик”, “Заргарлик”, “Кассоблик”, “Кимёгар”), тарихий-географик хусусиятлар, гидроним сифатлар, турли хил афсоналар асосида номланган маҳаллалар (“Гандумгош”, “Сўлокли”, “Сангзор”, “Сайхон”) кўшни шаҳар ва қишлоқлардан мажбуран кўчириб келтирилган ва жойлашган гузарни уларнинг олдинги яшаган жойлари номи билан атаган маҳаллалар (“Мўлканлик”, “Чўл мўлканлик”, “Оққўрғонлик”, “Саройлик”, “Ўратепалик”, “Раваллик”) юзага келганини тарихий маълумотлар тасдиқлайди. Бу маҳаллаларнинг кўпчилик қисми Жizzах шаҳрининг Ўрда кўргони қальаси ичida, унинг мудофаа деворлари атрофидан ўрин олган.

Қалия-Мўлканлик маҳалласи қадимги маҳаллалардан бири бўлиб, М.Пардаев, А.Пардаевларнинг маълумотларига қараганда, мазкур маҳалла аҳолисининг асли макони

Тошкент шаҳридаги “Софбон” маҳалласи (Арнапоя) бўлган. Маҳалла аҳолиси хукмдорларга қарши курашганлиги учун Чипоз туманидаги Ниёзбоши қишлоғига кўчирма қилинади. Кейинчалик Бухоро хукмдори Муҳаммад Шайбонийхон Самарқанд шахрини З.М.Бобурдан тортиб олгач, 1501-1502 йиллари Тошкент шаҳрида кўтарилиган кўзғолонни бостириш учун Сирдарёдан ўтиб, Шоҳруҳиянинг (Тошкент) Мўлкент қишлоғини ҳам босиб олгач, аҳолисини талаб, кирғин қилиб, бир қисм аҳолини Жиззахга кўчирма қилади.

Жиззахга кўчирилган мўлкентлик аҳолининг бир қисми шаҳарнинг Қалия қўргони атрофида жойлашган. Бир қисм аҳоли эса шаҳарнинг шимолий қисмига ўрнашиб, чўл ерларни ўзлаштириб, дехқончилик қилиб, Чўлмўлканлик қишлоғига асос солади. Шундай қилиб, шаҳарда “Мўлканлик” ва “Чўлмўлканлик” маҳаллалари ташкил топади.

Бугунги кунда “Қалия” маҳалласи шаҳардаги йирик маҳаллалардан бири бўлиб, 7500 дан зиёд аҳоли истиқомат[5:129] қилишади. Маҳалладаги 20 дан зиёд хушманзара кўчаларнинг юзага келиши ва уни ободонлаштиришда турли йилларда маҳалла оқсоқоли бўлиб фаолият кўрсатган Парда Ортиқов, Маматқул ва Ҳазратқул полвонлар, Нормат Абдуолимов, Бойкўзи Олимов, Парда Ҳакимов, Хидир Пирназаров, таниқли шифокорлар Асадулла Саъдуллаев, Мамадали Комилов, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Жўракул Тўраевлар муносиб ҳисса кўшганлар.

Маҳалладаги Парда Ҳакимов номли ўрта мактабда таҳсил олган ўкувчилар орасида тибиёт фанлари доктори, профессор Саримбек Наврӯзов, тарих фанлари номзодлари акаука Мухтор ва Аҳрор Пардаевлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Иброҳим Дониш, режиссер И.Норматов, кўплаб иқтисодчи, муаллим, шифокор, савдо ходимлари етишиб чиққан. Маҳаллани янада обод, аҳолининг тинч-тотув истиқомат қилиши, кулаги тибиёт ва савдо хизмати кўрсатишни таъминлашда маҳалла фуқаролар йигини раиси лавозимида фаолият кўрсатган Махмуд Бегматовнинг хизмати катта бўлди.

Бугунги кунда Ўратепа маҳалласида 6300 га яқин фуқаро истиқомат қилади. Маҳаллада ҳар бир масала баҳамжиҳат, бамаслаҳат ҳал қилинади. Шу боис маҳалла аҳли биринчилардан бўлиб 2000 йили аҳолига кулагийлик маскани бўлган гузар қурилишини амалга оширган эди. Маҳалла марказида умумий қиймати 8 млн. сўм маблағ сарфланаб, гузар барпо этилди. 1 гектарлик майдонда 70 ўринли клуб, маҳалла 14-Жиззах тарихи фуқаролар йиғини биноси, қабулхона, сухбатхона, майшӣ савдо бинолари қурилиши амалга оширилди. Қурилиш ишларига шаҳардаги 2-курилиш бошқармаси, “Оҳак” хиссадорлик жамияти, 54-кўчма механизациялашган корхонаси, вилоят йўл қурилиш бошқармаси, “Нормат бобо” кичик хусусий корхонаси, шаҳар йўл қурилиш идораси ҳомийлик қилди. Гузар қурилишига вилоят ҳокимлиги 500 минг, Жиззах Паҳта тозалаш заводи 300 минг, вилоят Газлаштириш бошқармаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлими, “Зилола” хиссадорлик жамияти, 52-кўчма механизациялашган корхонаси, “Юлдуз” хиссадорлик жамияти, шаҳар “Саноат қурилиш банки” каби ташкилотлардан 1миллион 200 минг сўм маблағ сарфланди. Аҳолининг хайрия маблағлари ҳам 100 минг сўмдан кўпроқ миқдорни ташкил қилди.

“Кўтарма” маҳалласи ҳам энг йирик обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳаллада 1772 та оила истиқомат қилиб, бугунги кунда шарқона усулда қурилган муҳташам чойхона, сартарошхона, озиқ-овқат, нон ва сут маҳсулотлари дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ўратепа ҳокимларининг ўзаро кирғин-барот, талончилик урушларидан азият чеккан Равот қишлоғида яшовчи юз уруғига мансуб аҳолининг бир қисми Жиззахга кўчиб келиб “Раваллик” (аслида “Равотлик”) маҳалласини ташкил қилган. Аҳоли, асосан, савдо-сотик, ҳунармандчилик, дехқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлишган.

Алишер Навоий номли маҳалла шаҳарнинг марказидан ўрин олган. Кўркам ва обод бу маҳалла 1992 йил 19 сентябрда ташкил килинган. Фуқаролар йиғинига уруш ва меҳнат [5:142] фаҳрийси Низом Сувонкулов 10 йил бошлилик қилиб, маҳаллада кўкаламзорлаштириш, мевазор боғлар ташкил қилишга, маҳалла гузарини қуришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Маҳалла шаҳар, вилоят миқёсида “Обод маҳалла”

кўрик-тандловларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келди. 1999 йилда Республика кўрик-тандловида, “Ибратли маҳалла” номини олишга муваффақ бўлди. Фуқаролар йигини раиси Н.Сувонкулов қимматбаҳо совға ва “Фахрий ёрлик” билан тақдирланди. Маҳалла фуқаролар йигинига илгарилари вилоят миқёсида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, халқ орасида катта иззат-хурматга сазовор бўлган Фозилжон Бобумуродов 2007 йилга қадар раҳбарлик қиласди. 2003 йилда маҳалла вилоят кўрик тандловида қатнашиб биринчи, Республикада эса совринли ўринни эгаллади ва қимматбаҳо совға билан тақдирланган эди.

З.М.Бобур номли маҳалланинг обод бўлишини таъминлашда турли йилларда маҳалла фуқаролар йигинига раислик килган Маматкул Охунов, Хайрулла Жўраев, Ўқтам Жўраевларнинг хизматлари катта бўлди. 1998 йили маҳалла гузари қурилиб ишга туширилди, 12 та савдо дўкони, чойхона, сартарошхона, тикувчилик-бичувчилик цехлари ахолига хизмат кўрсата бошлади. Маҳалла гузарининг қурилиб, ишга туширилишида Юсуф Усмонов, Хўжабек Дониёров, Мақсуд Камолов, Нишонали Азимов, Туроб Турсунов, Улуғбек Дониёровларнинг хизматлари катта бўлди.

Эски шаҳарда жойлашган энг қадимги “Жиззахлик” маҳалласи ҳам обод маҳаллалардан бири. У “Кўпчилик”, “Совунгарлик”, “Тошкентлик”, “Ховослик”, “Қаландархона” гузарлари бирикуvida ташкил қилинган. Маҳалла ҳудудидан “Оқбозор” номли бозор, “Камолот” табобатхонаси, “Ўзбекистон” меҳмонхонаси, умумтаълим ўрга мактаблари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Ҳ.Олимжон, Ш.Рашидов, Зулфия ёдгорлик музейлари, Ўрда тарихий музейи, Оромгоҳ, Нуриддин ҳожи мадрасаси ва бошқа кўплаб савдо, майший хизмат шохобчалари ўрин олган.

“Жиззахлик” маҳалласини обод қилишда бу ерда умргузаронлик қилган Қобул, Тўракул, Юнус полвонлар, Мулла Шоди, Абдужалил Шодиев, Мамашариф Хусаинов, Нарзикул Йўлчибоев, Рашид Халилов, Хидир Халилов, Пўлат Шарипов сингари марҳум оқсоқоллар номини тилга олиш жоиз. “Жиззахлик” маҳалласи фуқаролар йигинига халқ орасида катта хурмат ва иззатга сазовор бўлган Маматкул Орифжонов 1992-2005 йилларда раҳбарлик қилиб, маҳалланинг кўрకам ва обод бўлишини таъминлашда муносиб ҳисса кўшган бўлса, сўнгра, Илҳом Иномов бошчилик қилди. Узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб, катта тажрибага эга бўлган Эломон Эштоев эса фуқаролар йигини масъул котиблигига сайланиб, у кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишда, ҳисоб-китоб ишларини пухта ташкил қилишда, фуқароларнинг талабларини ўз вақтида амалга оширишда, ахоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришида фаол қатнашди.

Маҳаллада тарбиявий-ташкилий ишларни олиб бориш учун катта эътиборга эга бўлган кишилардан иборат кенгаш фаолият кўрсатди. Кенгаш аъзолари, меҳнат фахрийларидан Илҳом Иномов, Шохусрав Облоқулов, Акмал Жўраев, Тўлқин Маҳкамов, Ризо Жўраевлар бошчилигига ўтказилган шанбаликларда мевали ва манзарали дараҳт кўчатлари ўтказилиб, маҳалла хушманзара масканга айлантирилмоқда. “Обод маҳалла йили” муносабати билан ўтказилган шаҳар кўрик-тандловида “Жиззахлик” маҳалласи биринчи ўринни эгаллаб, бosh соврин рангли телевизор ва шаҳар Ҳокимининг “Фахрий ёрлиги” билан тақдирланди.

Шаҳардаги “Тошлок”, “Сайилжойи”, “Оққўрғонлик”, “Жилли-гули”, “Қассоблик”, “Халқобод”, “Қипчок”, “Маданият” маҳаллалари ҳам қадимий тарихга эга бўлган маҳаллалардан ҳисобланади.

Маҳаллага ўзини ўзи бошқариш мақомининг берилиши маҳаллаларнинг фаолиятини яхшилашда муҳим роль ўйнади. Бу борада “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ташкил қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди, Жиззах шаҳрида 32 та ўзини ўзи бошқарадиган маҳалла фуқаролар йигини фаолият кўрсатди. Жиззах шаҳар маҳалла Оқсоқоллар кенгашига турли йилларда раҳбарлик қилган Истам Назаров, Шермат Маманазаров, Нормат Фозилов, Абдусалом Норматов, Мехри Умаровалар шаҳардаги маҳаллаларнинг обод бўлишига муносиб ҳисса кўшдилар.

Мустақиллик йилларида вилоят ва шаҳар ҳокимлиги кўмагида (Ш.Мирзиёев, Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Президенти), (Олий Мажлис депутати, мархум С.Худоёров), ҳомий ташкилотлар кўмаги билан шаҳарда аҳоли учун янгидан 21 та обод ва қўркам маҳалла гузарлари қурилиб ишга туширилди, маҳалла гузарларида аҳолига савдо, алокা, майший хизмат кўрсатиш амалга оширилди.

Шаҳарда (1998) “Оила йили”, (1999) “Аёллар йили”, (2000) “Соғлом авлод йили”, (2001) “Оналар ва болалар йили”, (2002) “Карияларни қадрлаш йили”, (2003) “Обод маҳалла йили”, (2005) “Сиҳат-саломатлик йили”, (2006) “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” (2007) “Ижтимоий химоя йили” деб эълон қилинган йилларда оилани мустаҳкамлаш, кам таъминланган аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдамни кучайтириш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кўтариш, соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш, қарияларни эъзозлаш, шаҳардаги барча маҳаллаларни ободонлаштириш, улар фаолиятини янада жонлантириш йўлида аниқ белгилаб олинган дастурлар асосида хайрли ишлар амалга оширилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ҳайдаров X., Усмонов Қ. Жиззах тарихи (Жиззах шаҳри ҳакида тарихий лавҳа ва хотиралар). – Т.: Ўқитувчи, 2009.
2. Бўриев О., Саидов Б. Маҳалла – миллӣ тарихий институти. – Тошкент: Янги нашр, 2012.
3. Бўриев О., Турсунов А., Шаропов Х. Ўзбек маҳалласи. – Тошкент: Тафаккур, 2016.
4. Ҳайдаров X. Жиззах вилояти тарихи. – Тошкент, 1996.
5. Пардаев М., Пардаев А. Джизакский оазис в эпоху поздняго средневековья (по материалам письменных археологических источников). – Самарканд, 2000.

*Наирга проф. Б.Эшов тавсия этган*

### **ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА ТАШҚИ САВДО МАСАЛАСИ ВА УНДА ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Джураев Р. (ЎзМУ)**

**Аннотация.** 1917-1941 йиллардаги Ўзбекистоннинг ташқи савдосига оид муҳим ва қимматли маълумотлар ҳам архив ҳужжатларида ўз аксини топган. Айниқса, Ўзбекистон Миллӣ Архивидаги фондларда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР нинг иқтисодий соҳасида устувор йўналишга эга бўлган йўналиш чорва маҳсулотларининг экспорти ва импорти тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Мазкур мақолада шулар ҳакида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** ташқи савдо, чорва маҳсулотлари, архив ҳужжатлари, қорамоллар, отлар, туялар, қўй ва эчкилар, Эрон, Афғонистон, Ҳитой, қоракўл ва қўзи терилари, “Дюришидт”.

### **ВОПРОС ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ И МЕСТО В НЕМ ПРОДУКЦИИ ЖИВОТНОВОДСТВА**

**Аннотация.** Важные и ценные сведения о внешней торговле Узбекистана в 1917-1941 гг. нашли отражение и в архивных документах. В частности, фонды Национального архива Узбекистана содержат ценные сведения об экспорте и импорте продукции животноводства, имеющей приоритетное значение в сфере экономики Туркестанской АССР и Узбекской ССР. В этой статье речь пойдет о них.

**Ключевые слова:** внешняя торговля, продукты животноводства, архивные документы, крупный рогатый скот, лошади, верблюды, овцы и козы, Иран, Афганистан, Китай, шкуры крупного рогатого скота и ягнят, «Дюришидт».

### **THE ISSUE OF FOREIGN TRADE IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF SOVIET AUTHORITY AND THE PLACE OF LIVESTOCK PRODUCTS IN IT**

**Аннотатион.**Important and valuable information about Uzbekistan's foreign trade in 1917-1941 is also reflected in archive documents. In particular, the funds in the National Archives of Uzbekistan contain

valuable information on the export and import of livestock products, which have priority in the economic sphere of Turkestan ASSR and Uzbekistan SSR. Of the number of livestock before the First World War.

**Key words:** *foreign trade, livestock products, archival documents, cattle, horses, camels, sheep and goats, Iran, Afghanistan, China, cattle and lamb skins, "Durschmidt".*

1917-1930 йилларда ташқи савдо муносабатларида аграр тармоқ маҳсулотлари асосий ўрин тутган. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жами товарларнинг 65 фоизини ташкил этган бўлса, саноат маҳсулотларининг 10 фоизи ташқи савдо товарлари хисобланган[1]. Ўзбекистон минтақада савдо йўллари кесишган худудда жойлашганлиги учун ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш имконияти мавжуд бўлган. Жумладан, Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР Эрон, Афғонистон ва Хитой каби кўшни давлатлар билан ташқи савдо алоқаларини олиб борган. Мазкур ташқи сақдо алоқаларида чорва моллари ва уларнинг хомашёси асосий савдо маҳсулотлари бўлиб хизмат килган.

Большевиклар ҳокимиятга келгандан сўнг ташқи савдода чорва маҳсулотларига бўлган талабнинг ошганлиги ёки камайганлигини таҳлил қилиш учун 1917 йилдан аввал ҳолат қандай бўлганлигини кўриб ўтиш лозим. Архив манбаларига кўра, 1914 йилда 1 млн. 400 минг пуд жун, 2 млн 500 минг дона ичак-чавоқ, 6 млн. 500 минг дона барра кўзи териси, 6 минг пуд от ёли, 2 млн. дона қорақўл ва кўзи терилари хамда 1 млн. дона атрофида ҳар хил ёввойи ҳайвон терилари Ўзбекистон худудидан чет давлатларга экспорт қилинган. Мазкур савдо муносабатларида Эрон, Афғонистон ва Хитой давлатлари алоҳида аҳамият касб этган бўлиб, асосий савдо-сотик ишлари мазкур мамлакатлар савдогарлари билан олиб борилган.

Хорижий давлатлар билан ташқи савдо муносабатлари бир қанча йўллар билан амалга оширилган бўлиб, унда катта компания ва фирмаларнинг алоҳида ўрни бўлган. Уларнинг аксарияти катта маблағларга эга бўлган ва бу ҳолат уларнинг чорва маҳсулотлари билан ташқи савдо ишларини олиб бориш имконини берган. Хусусан, Германиянинг “Дюршмидт” номли фирмаси Ўзбекистон худудидаги чорва ичак-чавоқ савдосининг асосий иштирокчиси хисобланган. Бундан ташқари, хомашё ва мўйна савдо-сотигида “Зальм” ва “Эрман Гликин” каби фирмалар асосий ўрин тутган бўлса, “Дюршмидт” ва “Стукен” каби фирмалар бу маҳсулотлар савдосида онда-сонда қатнашган. Ўлкада жун маҳсулотларининг асосий олиб-сотарлари “Асаевлар” ва “Кузнецов” каби фабрикалар бўлиб, улар чорва жунларини чет давлатларга экспорт қилиш билан шуғулланган. Мазкур ташқи савдо-сотик ишларида “Стукен” фирмаси иштирокининг аҳамияти сезиларли даражада катта бўлган, бу фирма Эрон ва Каспийорти худудлари бозорида монопол мавқега эга бўлган.

Ташқи савдо географиясида товарлар нафақат маҳсулот турлари, балки ўша маҳсулот қайси чорвадан олинганлиги хам аҳамият касб этган. Хусусан, қорамоллардан олинган маҳсулотларнинг катта қисми Россияга юборилган бўлса, фақатгина 20 фоиз корамол маҳсулотлари Германияга экспорт қилинган. Қўй ва эчкидан олинган маҳсулотлар географияси аксинча бўлиб, бунда Ғарб давлатларининг улуши кўпроқ бўлган. Жумладан, қўй жунлари ва териларининг 50 фоизи ва эчкидан олинган маҳсулотларнинг 70 фоизи Германияга сотиш учун юборилган. Бундан ташқари, қўй ва эчкидан олинган маҳсулотларнинг бир қисми АҚШга экспорт қилинган [2]

Биринчи жаҳон уруши дунёдаги ташқи савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатди ва бу ҳолат ҳозирги Ўзбекистон худудида хам сезилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, чорва маҳсулотларининг асосий қисми Германияга экспорт қилинган ва Биринчи жаҳон уруши бошланиши натижасида Германия ўз чегараларини ёпган хамда оқибатда Ўзбекистон худудидан Европага маҳсулотларни экспорт қилиш қийинлашган. Бошқа томондан, Биринчи жаҳон урушида ҳарбий мақсадларда отларга бўлган талаб ошиб кетган ва Россия империяси бу талабни Ўрга Осиёдаги мавжуд отлардан фойдаланиш орқали муаммога ечим топган. Бу ўз навбатида ўлкадаги отлар миқдори камайишига ва йилқиличикнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган. Мазкур жараёнлар оқибатида Ўзбекистон худудида от савдосида муаммолар юзага кела бошлади. Бундан ташқари, Ўрга

Осиёдаги 1916 йил қўзголонлари натижасида маҳаллий чорвадорлар ўз йилқиларини Хитой ва Афғонистон каби қўшни давлатларга олиб чиқиб кетганлар. Шунингдек, 1917-1918 йилда минтақада очарчилик хавфи юзага келиши натижасида кўплаб қорамоллар нобуд бўлган. Бундай воеалар минтақадаги ташқи савдода чорва ва чорва маҳсулотларига бўлган қарашларга салбий таъсир кўрсатган [3].

1920-йилларнинг дастлабки даврларида ҳам чорвачилик соҳасини қайта тиклаш ишлари етарли даражада олиб борилмади ва бу ҳолат чорва маҳсулотлари савдосига ўзининг таъсирини ўтказди. Айниқса қорамол ва отлар миқдори бошқа даврлар билан солиштирганда анча кам бўлган. Архив манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1920 йилга келиб отлар сони 1917 йилдаги миқдорнинг 43 фоизини ва қорамоллар 61 фоизни ташкил этган. Агар чорва миқдорини 1915 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, чорва моллари сони уч бараварга тушиб кетганлигини кўришимиз мумкин. 1921 йилда ҳам ўлкадаги чорвачилик соҳасига большевиклар томонидан эътибор берилмади. Бу ҳолат эса чорваларни озука билан таъминлашда қийинчиликларга олиб келди. Натижада аксарият чорвадор хўжаликлар чорваларини ўтлатиш ва озука билан таъминлай олмаганлиги оқибатида чорвалар нобуд бўлиши давом этди. Бундан ташқари, большевиклар чегараларни ёпиб қўйганлиги учун ўлкага четдан хомашё келиши қийинлашди ва бу ўз навбатида ташқи савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. 1918 йилга келиб Туркистон чегараларида назорат кучайиши ва кириб-чиқишида қийинчиликларнинг вужудга келиши натижасида ўлкадаги хомашё захираларининг омборларда тўпланиб қолишига олиб келди. Кейинчалик мазкур товарлар большевиклар саъй-ҳаракатлари натижасида давлат тасарруфига ўтказилди [4].

Ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг чорва маҳсулотларини жойлардан ийгиш ва уларни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни чет давлатларга сотиши жараёнида катта ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларнинг дастлабкиси мазкур бозорга янги кучлар кириб келиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосий ташқи савдо алоқаларида асосий воситачи бўлиб қолди. Бу воситачилар ҳукуматга тегишли бўлган идора ва ташкилотлар бўлиб, улар мазкур бозорларда ўз монополияларни ўрнатганлар. Улар бу ишларни ўзларининг маъмурий ҳукуқларидан фойдаланган ҳолда амалга оширган ва жойлардан чорва маҳсулотларини ийгиб олган.

Бошқа томондан, бу воситачилар давлат муассасалари бўлганлиги учун чорва маҳсулотларини жойлардан ийгиш жараёни секин кечган ва бу ўз навбатида ташқи савдо алоқаларида салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлган. Бундан ташқари, чорва маҳсулотлари савдосида қатъий белгиланган нархлар мавжудлиги, совет ҳокимиятининг бошқарув ва ижро этувчи аппарат механизми суст ишлаганлиги бу йўналишдаги оғриқли муаммоларга айланиб қолди. Шунингдек, транспорт муаммолари ва турли ҳарбий ҳаракатлар оқибатида чет давлатлар билан савдо алоқаларини олиб бориш имконияти мавжуд эмас эди. [5]

Чорва маҳсулотларидан бу даврда фақатгина жун ишлаб чиқариш ва унинг савдоси бир мунча амалга оширилган бўлиб, бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Жумладан, большевикларга тегишли фабрикаларнинг жунга бўлган эҳтиёжи катта эди ва ҳукумат бу талабни ўлкадаги чорвачилик соҳасидан олишга ҳаракат қилди. Хусусан, Ўзбекистон худудида 1919 йилда 110 минг пуд, 1920 йилда 180 минг пуд ва 1921 йилда 90 минг пуд жун тайёрланган [6].

1919 йилдан Туркистон АССР Афғонистон ва Эрон билан савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳаракат қилди. Хусусан, Турккомиссия Эрон ва Афғонистон билан савдо муносабатлари имкониятини ўрганиш мақсадида чегараларга комиссиялар юборди. Натижада 1919 йилнинг охирида Туркистон-Эрон чегарасида жойлашган Полторацк, Марв ва Тахтабазарда Эрон ва афғон товарларини сотиб олиш мумкин бўлган савдо конторалари ташкил этилди. 1919 йилнинг декабрь ойида Эрон ва Афғонистон билан савдода хизмат қилиш учун Полторацк ва Душакс божхона муассасалари ташкил этилди ҳамда Favdan, Xivaobod ва Серахс чегара ўтказиш пунктлари юзага келди [7].

Туркистонда ташқи савдо алоқаларини Ташқи Савдо бўлими амалга оширган бўлиб, бу ташкилот савдо билан шуғулланувчи томонларга лицензия тақдим этган ҳамда савдо алоқаларини назорат қилиб турган. 1919 йил 12 декабрда Ташқи Савдо бўлими савдо билан шуғулланувчи барча муассасалар ва якка тартибдаги шахсларга чегаралардаги савдо қилиш ҳолати ва шартлари бўйича маълумотлар бериш бўйича кўрсатма беради. Бўлим мазкур ҳаракатларининг дастлабки ойларида афғон савдогарларидан биринчи савдо таклифларини қабул қилишни бошлади. Жумладан, афғон савдогарлари Тахтабозор ва Керки чегара пунктлари орқали турли хилдаги савдо молларини Туркистонга юборишини сўрайди. Ташқи Савдо бўлими бу йўналишда муваффакиятли ишлайди ҳамда дастлабки 3-4 ой ичida Афғонистондан турли товарларни қабул қилиб олиш бўйича шартномалар тузилади.

Масалан, 1920 йил 23 марта Ташқи Савдо бўлими ва Нурмуҳаммад исмли афғон савдогари ўртасида жами 506 800 рубль қийматидаги 10 500 пуд ҳажмли чорва терилари ва 150 пуд жун товарлари савдоси бўйича шартнома тузилади. Мазкур даврда Туркистон-Афғонистон чегарасида асосан Ўрта Осиёда жойлашган қизил армия қисмларини керакли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида чорва, гуруч, буғдой ва чой маҳсулотлари сотиб олинган [8]. Афғон савдогарлари асосан чорва ва чорва маҳсулотларини Туркистондаги турли идиш-товоқ, керосин ва металлдан ясалган товарларга алмашган. Чунки Москвада жойлашган Ташқи Савдо комиссирияти Тошкентдаги Ташқи Савдо бўлимига Эрон ва Афғонистон билан ўзаро савдо товарларини алмашишга рухсат берган эди.

1920 йилнинг иккинчи ярмида Ташқи Савдо бўлими Афғонистон билан жами 17 793 пуд чорва гўштлари ва Эрон билан 34 701 пуд гўшт маҳсулотларини сотиб олиш бўйича шартнома тузади ва мазкур гўштларни Туркистондаги муассасаларга ўз эҳтиёжи учун сотиб олишни таклиф қиласди [9]. Чунки мазкур ташкилотнинг вазифаларидан бири ўлгадаги зарурияти бўлган товарларни олиб келиш ва муассасаларни мазкур маҳсулотлар билан таъминлаш ҳисобланган.

1920 йилларда Туркистон АССРда чорва микдори камайганлиги сабабли чорва маҳсулотларини қўшни ҳудудлардан олиб келишга мажбур бўлинган. 1919 йилнинг охири ва 1920 йилнинг ўрталарида Туркистонга Эрон ва Афғонистондан жами 5 105 бош чорва, 193 831 пуд гўшт, 3 084 дона тери, 107 633 дона қоракўл териси ва 2 904 пуд жун маҳсулотлари олиб келинган. Мазкур йилда фақатгина Туркистонга товарлар олиб келиниб қолмасдан, балки айрим товарларларни қўшни давлатларга сотган. Масалан, 1920 йилнинг биринчи ярим йиллигига жами 117 622 бош қоракўл қўйлари экспорт қилинган [10].

1920-йилларда Туркистон АССРдан Россия фабрикаларига чорва жунларини юбориш давом этаётган эди. Мазкур даврда Россиянинг тўқимачилик ва терини қайта ишлаш завод ҳамда фабрикалари Туркистон хомашёсисиз фаолият юрита олмас эди. Архив манбаларига кўра, 1920-1921 йилларда Туркистон АССР дан Россияга 520 минг пуд жун, 750 минг дона қўй териси ва 350 минг дона қорамол териси экспорт қилинган. Бундан ташқари, мазкур йилларда 5297 пуд от жуни Россия бозорларига юборилган. Мазкур жун ва тери маҳсулотлар аксар қисми аввал үйифиб қўйилиб, омборларда сақланаётган товарлар бўлган. Чунки 1917-1919 йиллардаги турли ҳарбий ва сиёсий низолар оқибатида бу маҳсулотлар чет давлатларга экспорт қилинмай қолинган [11].

Янги иқтисодий сиёsat натижасида Туркистон АССРдаги савдо алоқаларида бир қанча ижобий ўзгаришлар юзага келди. Мазкур ўзгаришлар ичидаги энг биринчиси ҳукумат томонидан ўрнатилган қатъий белгиланган нархларнинг бекор қилиниши бўлиб, бу савдо муносабатларига ижобий таъсир қўрсатган. Бундан ташқари, чорва маҳсулотларини үйифиб, уларни қайта ишлаш ва сотиши билан эндиликда фақатгина давлат ташкилотлари шуғулланмасдан, балки чорвадорларнинг ўзлари ҳам шуғулланиши мумкин эди. Бу ўз навбатида харидорлар ўртасида рақобатга олиб келди. Шунингдек, бу тармоқда фаолият юритган ходимлар моддий қўллаб-қувватланиши натижасида ишга бўлган муносабат ўзгарган. Ташқи савдо алоқаларига таъсир қўрсатган энг асосий омил бу

чегараларнинг савдо алоқалари учун очилиши ҳамда транспорт тизимининг ривожланиши бўлган, чорва маҳсулотлари билан савдо қилувчи ташкилот ва фирмаларга катта имконият яратган [12].

Хулоса қилиб айтганда, архив манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, 1920-йилларнинг бошида чорва маҳсулотлари билан боғлиқ ташки савдо муносабатларининг ривожланишини талаб қилган бир қанча омиллар юзага келган бўлиб, улар қуидагилардан иборатдир. Биринчى омил 1922-1923 йилларда жаҳон бозорида ичак-чавоқ ва чорва териларига бўлган талаб кескин ошиб кетган ва бу ҳолат ўлкада чорва маҳсулотларининг савдосига эътибор қаратишга унданган. Иккинчى омил Россиядаги хукуматга тегишли кўплаб фабрика ҳамда заводлар жун ва тери маҳсулотларига бўлган талаби кучайган ва натижада Туркистон АССРдан ушбу ишлаб чиқариш саноатларига чорва маҳсулотлари юборилган. Энг муҳим омилларидан яна бири бу большевиклар қўшни давлатлар билан яхши ташки алоқаларни ривожлантириш учун қўшни давлатларга турли хомашёларни етказиб беришни кучайтирган

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Чеботарева В.Г. Из истории взаимоотношений СССР со странами сопредельного Среднего Востока в 1918-1924 гг. через Среднюю Азию. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1963. – С.139.
2. Ўз МА, И.18-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 321-варақ.
3. Ўз МА, И.18-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 321-варақ орқаси.
4. Чеботарева В.Г. Из истории взаимоотношений СССР со странами сопредельного Среднего Востока в 1918-1924 гг. через Среднюю Азию. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1963. – С.130.
5. Ўз МА, И.18-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 321-варақ орқаси.
6. Агзамов К., Склэр И. Племенное, молочное скотоводство в совхозе “Чиназ”. – Ташкент: Узбекистан, 1965. – 51 с.
7. Алексеева Н. Химия в животноводстве. –Ташкент: Узбекистан, 1965. – 50 с.
8. Безверхов А. Развитие животноводства на промышленной основе. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – 63 с.
9. Ишкуватов Б. Животноводство на промышленной основе. – Ташкент: Узбекистан, 1977. – 31 с.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.
11. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 222 б.
12. Хайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 й.). – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2012. – 272 б.

***Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган***

#### **ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЮЗАГА КЕЛГАН МУАММОЛАР**

**Бабаджанов Х.Б. (ТАТУ)**

**Аннотация.** Мақолада Иккинч жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда юзага келган муаммолар кўриб чиқилади. Уруш даврида юзага келган озиқ-овқат танқислигини бартараф этишда республика хукуматининг амалга оширган чора-тадбирлари ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** Иккинч жаҳон уруши, озиқ-овқат таъминоти, аҳолининг моддий аҳволи, қишилоқ хўжалиги.

## ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫМИ ТОВАРАМИ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы, возникшие в обеспечении продовольственными товарами населения Узбекистана в годы Второй мировой войны. Анализируются меры, предпринятые правительством республики в устранении дефицита продовольственного снабжения и эффективность предпринятых мер.

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, продовольственное снабжение, материальное положение населения, сельское хозяйство.

### PROBLEMS ARISING IN SUPPLYING THE POPULATION OF UZBEKISTAN WITH FOOD PRODUCTS DURING WORLD WAR II

**Annotation.** The article deals with the problems that arose in providing food products to the population of Uzbekistan during the Second World War. The measures taken by the government of the republic in eliminating the shortage of food supply and the effectiveness of the measures taken are analyzed.

**Key words:** World War II, food supply, material situation of the population, agriculture.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган давлатлар қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатди. Ҳарбий ҳаракатлар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш жараёнининг бузилишига олиб келди. Натижада озиқ-овқат тақчиллиги юзага келди (ҳарбий ҳаракатлар масштаби ва интенсивлиги қанчалик юкори бўлса вазият шунчалик ёмонлашди). Шунинг учун давлатларда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти ва тақсимотининг мураккаб бюрократик тизими юзага келди.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларида фашистик Германия қўшинлари томонидан собиқ Иттифоқ гарбий худудларининг босиб олиниши қишлоқ хўжалиги аҳволига салбий таъсир этиб, озиқ-овқат таъминотини издан чиқарди. Оккупация қилинган худудларда собиқ Иттифоқдаги жами экин майдонларининг 47 фоизи, шу жумладан, буғдои экиладиган майдонларнинг 38%и қолиб кетди [1; 22-23]. Шунингдек, фашистик Германия босиб олган худудлар салмоқли моддий-техника базасига эга эди. 1940 йилмаълумотларига кўра, оккупация худудларида 190 минг трактор (СССР даги жами тракторларнинг 28 фоизи), 63,5 минг комбайн (жами комбайнларнинг 35 фоизи), 16,1 минг юк автомобиллари (жами юк машиналари паркининг 7 фоизи) ва 12 млн. от (жами отларнинг 57 фоизи) мавжуд бўлган [2; 155].

Фашистик Германия хужуми озиқ-овқат саноатига ҳам катта зарар келтирди. Озиқ-овқат Халқ Комиссарлиги тасарруфидаги 50фоиздан ортиқ корхоналар оккупация худудида қолиб кетди. Айниқса, шакар ишлаб чиқариш катта зарар кўрди. Шу даврда собиқ Иттифоқда мавжул жами 210 та шакар заводидан 196 таси тўлиқ ёки кисман вайрон этилди [3; 282].

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги асосан пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари собиқ Иттифоқнингбошка худудларидан келтириларди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда Ўзбекистон аҳолиси истеъмолидагиасосий дон маҳсулотлари РСФСР ва Украинадан келтирилган. Уруш бошлангач, республикага бошқа худудлардан дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтириши тўхтатилди.

Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ички имкониятларни топиш ва уларни тезлиқда ишга солиш зарур эди. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган режаларга кўра, 1942 йилдан Ўзбекистон ўзини тўлиқ ғалла билан таъминлаши керак эди. Бу дегани, республикада ғалла ялпи хосилини 5-6 миллион центнердан 12-15 миллион центнерга кўтариш шарт эди [4; 127].

Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг эвакуация қилинганлар ҳисобига ортишиозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни оширди. Ўзбекистонга аҳолининг тез суръатларда кўчирилиши озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласини янада мураккаблаштириди.

Масалан, 1941 йил 10 ноябрдаги тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, Ўзбекистонга кўчиб келганлар сони 300 мингдан ошиб кетди [5]. Эвакуация режаларига кўра, 1941 йил 15 декабргача республикага 525000 нафар киши кўчиб келиши режалаштирилган бўлса-да,

амалда республикага эвакуация қилинган ва жойлаштирилган аҳоли сони 665419 нафарни ташкил этди [6; 39-40].

Маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, 1941 йилда Ўзбекистоннинг 6,5 миллионлик аҳолиси 5 ой ичида эвакуация қилинганлар ҳисобига тахминан 10%га кўпайди. Республика аҳоли сонининг қисқа муддатда ўзгариши таъминот режаларини қайта кўриб чиқиши ва мавжуд захиралар микдорини кўпайтиришни талаб этди.

Уруш йилларида Ўзбекистон иҳтиёридаги ғалла захиралари аҳолини нон билан таъминлан учун бир неча кунгагина етган. Масалан, 1942 йил 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда (Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятини ҳисобга олмагандা) 10000 тоннагина ғалла захираси мавжуд эди. Шу даврда Ўзбекистон аҳолисининг ғаллага бўлган саккиз кунлик эҳтиёжи 16000 тоннани ташкил этарди [7].

Ўзбекистонда фавқулодда ҳолатлар учун ғалла захиралари яратилмаган бўлиб, ғалла таъминотидаги ҳар қандай узилишлар нон танқислигини келтириб чиқариши мумкин эди. 1942 йил январида Ўзбекистонга буғдой ташиб келишини тезлаштириш мақсадида республиканинг тўрт вакили бошқа иттифоқдош республикаларга хизмат сафари билан юборилди [8].

Бундан ташкири Ўзбекистонга танқис ғаллани тезрок республикага ташиб келтиришда бошқа тадбирлардан фойдаланилди. Бу тадбирларга республика маълум маблағ сарфласа-да, асосийси иш тезлашуви кузатилди. Масалан, 1942 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон ССР Савдо XКнинг 435 ва 436-сонли буйруқларида, Қозогистоннинг ички худудларида Тошкент шаҳрига мўлжалланган ғалла ташиш ташкил этиш ишларига 500 кг. ёрмалар, 100 кг ўсимлик ёғи ва 2 тонна сабзавотлар ажратилиши кўрсатилди [9].

Ўзбекистон қишлоқ ҳўялигини уруш шароитларига мослаштириши ва ғалла майдонларининг кенгайтирилиши шароитида ҳам урушнинг дастлабки даврларида республиканинг ўзиниўзи ғалла билан мустақил таъминлашни уddyдлай олмади. Чунки саноатдан фарқли равишда қишлоқ ҳўялигини маълум мақсадда қайта ташкил этиш маълум вақтни талаб этади. Айниқса, 1941 ва 1942 йиллар республика ғаллачилиги учун мураккаб бўлди. Ғаллачиликда маҳсус техника ва мутахассислар етишмас ҳамда бу соҳада аждодлар тажрибаси анча унутилган эди.

Шу йилларда Ўзбекистон ғаллачилиги аҳолини тўлиқ нон билан таъминлашга қодир эмас эди. Бу масалани Андижон вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, 1941 йилнинг 15 августидан 1942 йил 1 январгача вилоят аҳолисининг ғаллага талаби 33724 тоннани, олинган ғалла ҳосили эса 7642,8 тоннани ташкил этди вавилоят аҳолисининг талабини 22,6 фоизгагина таъмин этди [10; 13].

Умумий ҳолатда, 1941 йил Ўзбекистон ғаллачилик учун кам ҳосил йил бўлганлиги ҳам инобатга олиш лозим. 1941 йилда республика савхозларида ғалла экинлари ҳосилдорлиги амалда режага нисбатан икки баробар паст бўлди [11]. 1941 йил иккичи ярмида белгиланган тадбирлар Ўзбекистон ўз аҳолисини мустақил ғалла билан таъминлашда етарли бўлиб чиқмади. 1942 йил 29 июлдаги ССРХКС ва ВКП(б) МҚнинг 1282-сонли қарори асосида 1943 йилда Ўзбекистон бўйича ғалла майдонлари 1942 йилга нисбатан яна 500 минг гектарга кенгайтирилди [12].

Уруш йилларида турли табиат ҳодисалари ва зааркунданалар ҳам ғаллачилик ҳолатига салбий таъсир этди. 1945 йилнинг ўзида Ўзбекистон бўйича 595,0 минг гектар майдонда ғалла экинларини совук урди, шулардан 359,8 минг гектарида экин 100% нобуд бўлди [13]. Ғалла зааркунанда ҳашоратлари ҳам маълум даражада ҳосилнинг нобуд бўлиши салбий таъсир кўрсатди. Республика майдонларида энг кенг тарқалган ғалла зааркунандаси – хасва канаси эди. Бу зааркунанда рус тилида “клоп-черепашка” ёки лотинча “Scutelleridae” деб номланиб, ғалла экинларидан буғдой, жавдар ва арпага зарар етказади. Хасва канаси билан заарланган буғдой ёки арпа унидан нон ёпиш ва бошқа истеъмол мақсадларида фойдаланиб бўлмайди [14].

1942 йилда хасва канаситарқалиши туфайли республиканинг бир неча вилоят ва туманларида ғалла қайтадан экилди. Жумладан, шу йили заарланган майдонларда қайта экиш ишларини бажариш учун Бухоро вилоятининг Китоб туманига – 60 тонна,

Сурхондарё вилоятига – 10 тонна, Самарқанд вилоятига – 40 тонна, Тошкент вилоятига – 10 тонна қўшимча уруғлик ғалла ажратилди [15]. Ҳар бир килограмм дон ҳисоб-китобли бўлган бўлган вақтда республика майдонларидағи ғаллани зараркунандалардан асраш жиддий муаммога айланди.

Республикада зараркунандаларга қарши кимёвий заҳарлар етишмаслиги шароитида муаммони ҳал этишининг осон йўли топилди. Хонаки товуқлар хасва канаси кушандаси эканлиги аниқланиб, ғалла далаларига қўйиб юборилган миллионга яқин товуқлар зараркунандаларни йўқ қилди.

Ўзбекистон аҳолининг дон маҳсулотларига талабини қондириши учун экстенсив хўжалик юритиш усусларини танлади. Республика бўйича ғаллага ажратилган ер майдонлари кўпайтирилди. Масалан, Андижон вилоятида ғаллага ажратилинадиган ерлар 1941 йилда 2375 гектардан 1942 йилда 38146 гектаргача кўпайтирилди [10; 131].

Ғалла ва сабзавот-полиз экинлари майдонлари ҳам кенгайтирилиб, пахта учун ажратиладиган ерлар камайтирилди. 1942 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХҚСнинг 571-сонли қарори билан республика колхозларига озиқ-овқат экинларини экиш учун қўшимча 147,9 минг гектар (шулардан, 122,6 минг гектар ғалла ва дуккаклиларга, 14,8 минг гектар шолига, 9,1 минг гектар зигирга) ажратилди [16].

Уруш йилларида пахта ялпи ҳосилини камайишини аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилади, деган фикрига келиш нотўғри бўлади. Чунки пахта чигитини қайта ишлаганда ўсимлик ёғи ҳосил бўлади. Пахта ялпи ҳосилини камайиши эса республикада ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш хажмини камайишига олиб келди. 1941 йилда республикада 123,4 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган эди. 1942 йил эса ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 85 минг тоннага тушди [17].

Маълумки, ёғ килокалория бирлигига ҳисобланганда оқсил ва углеводлар нисбатан тўйимлилигини ҳам инобатга олиш лозим. Шунингдек, қайта ишланган пахта чигитидан чорва моллари учун тўйимли озуқа олиш мумкин бўлиб, пахта ялпи ҳосилининг камайиши маълум маънода чорвачиликни озуқа билан таъминлашда салбий таъсири этди.

Шу усуслар билан Ўзбекистон аҳолиси уруш йиллари танқис бўлган нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарли даражада таъминланди. 1942 йилда 1941 йилга нисбатан умумий ғалла ҳосили 60 фоизга кўпайди [18; 56]. 1940-1943 йиллар оралигига Ўзбекистонда ғалла ялпи ҳосили 53 миллион пуддан 104 миллион пудга кўпайди. Республикада ғалла асосан Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида экилди ва ғаллачиликда бўғдой (52,3 фоиз) ва арпа экиш етакчи ўрин эгаллади [19; 142].

Урушнинг дастлабки йилидан Ўзбекистонда ғалла майдонларини кенгайтириш учун бир неча муаммоларни ҳал этиш керак эди. Улардан биринчиси, уруғлик муаммоси эди. Агар республика иқлими ва тупроқ шароитларига мос равишида ғалла нави танланмаса, ёки уруғлик сифатсиз бўлса, ғаллачиликни ривожлантиришга йўнтирилган барча тадбирлар натижасиз бўлиши мумкин эди. Шу мақсадда 1943 йилда республика колхозларига ғалла ёки дуккаклиларга айрбошлиш шарти билан уруғлик учун 200 минг центнер яхшиланган бўғдой ажратилди [20].

Хукумат режаларида белгиланганидек, 1942 йилдан Ўзбекистон ўзини мустакил ғалла билан таъминлай олмади. Кўрилган чора-тадбирлар етарли бўлмай, ғаллачиликдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар етмади. Республикага ҳамон бошқа худудлардан ғалла ва ун келтирилди. Ўзбекистонга ғалла келтиришда узилишлар содир бўлиши, аҳолини нон билан таъминлашда муаммоларга сабаб бўлди. Масалан, 1942 йил апрель ойи учун Ўзбекистонга келтирилиши зарур бўлган ғалла режаси 113000 тонна этиб белгиланди. Режа 53%га бажарилиб, республикага 60000 тоннагина ғалла келтирилди [21]. Натижада Ўзбекистон ихтиёрида мавжуд сўнгги ғалла захиралар сарфланди.

1941 йилга нисбатан 1942 йилда Ўзбекистонда ғалла экинларига ажратилган майдонлар 1559,2 минг гектардан 2050,5 минг гектарга оширилса-да [22], ялпи ғалла ҳосили кўпайтирилган майдонларга нопропорционал равишида 100057,7 млн. пуддан 12583 млн. пудга кўпайди [23]. Юқоридаги икки маълумотни таҳлил этсак, 1941-1942 йилларда

Ўзбекистонда ғалла майдонлари 31,5 фоизга, ғалла ялпи ҳосил эса 25,1 фоизга кўпайгани маълум бўлади.

Бундай фоизлар номутаносиблигининг асосий сабабини ғалла ҳосилдорлигини тушишида кўриш мумкин. Яъни, 1941-1942 йилларда Ўзбекистонда ғалла ҳосидорлиги 6,5 центнер/гектардан 6,2 центнер/гектарга тушиб, 1942 йил режадаги ўсиш даражасига (8,6 центнер/гектар) умуман эришилмади [24]. Уруш йилларида Ўзбекистонда ғалла майдонларини кенгайтириш 1943 йилгача давом этиб, 1943 йилда ўзининг максимал кўрсаткичига кўтарилди. Яъни, 1943 йил режаси бўйича Ўзбекистонда ғалла экинлари майдонлари 2200,0 минг гектар этиб тасдиқланди [25].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мураккаб холат юзага келди. Республика ҳукуматининг амалга оширган барча тадбирларига қарамасдан, Ўзбекистон ахолисини тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга республика имкониятлари етмади. Шундай бўлса-да, уруш даврида ўзбекистонликларнинг мардонавор меҳнати эвазига максимал равишда маҳаллий ва кўчирилган аҳоли учун озиқ-овқат манбаларини яратишга эришилди.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – 235 с.
2. Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – 521 с.
3. Экономический фундамент Победы: параллели истории и современности: Монография / Под общей редакцией И.В. Караваевой. – Москва: Институт экономики Российской академии наук, 2015. – 344 с.
4. Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1967. – 186 с.
5. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787-йигмажилд, 213-варак.
6. Азимов Ҳ.И. Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 180 б.
7. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3143- йигмажилд, 61-варак.
8. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3260 йигмажилд, 178-варак.
9. Ўз МА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 301 йигмажилд, 7-8-варак.
10. Пўлатов И. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўшган хиссалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 104 б.
11. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2787 йигмажилд, 190-варак.
12. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3143 йигмажилд, 110-варак.
13. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 4647 йигмажилд, 173-варак.
14. [www.floranimal.ru/families/2912.html](http://www.floranimal.ru/families/2912.html)
15. Ўз МА, Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-йигмажилд, 28-варак.
16. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3270 йигмажилд, 106-варак.
17. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йигмажилд, 15-варак.
18. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. – Ташкент: Фан, 1975. – 250 с.
19. Тилеуколов С. Социалистические преобразования орошаемого земледелия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1981. – 191 с.
20. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 2289 йигмажилд, 238-варак.
21. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3143- йигмажилд, 70-варак.
22. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йигмажилд, 16-варак.
23. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йигмажилд, 16-варак.
24. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йигмажилд, 15об-варак.
25. Ўз МА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740 йигмажилд, 1-варак.

**Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

**Раҳмонов X.** (Ўзбекистонни Республикаси Президенти ҳузуридаги Илмий маърифий ёдгорлик мажмуаси)

**Аннотация.** Ушбу маколада Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга оид давлат сиёсати, соҳага оид ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар йиллар кесимида мавжуд манбалар, статистик маълумотлар асосида ўрганилиб, дунё мамлакатлари билан киёсий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ННТ, Гендер, Хотин-қизлар, Олий Мажлис, Парламент, Сенат, сенатор, сайловлар, БМТ, ҳимоя ордери.

### ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ: ДОСТИЖЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ

**Аннотация.** В данной статье изучаются государственная политика по обеспечению гендерного равенства в Узбекистане, наряду с достижениями в сфере, имеющиеся недостатки на основе доступных источников, статистических данных и в сравнении с другими странами мира.

**Ключевые слова:** НПО, гендер, женщины, Олий Мажлис, парламент, сенат, сенатор, выборы, ООН, охранный ордер.

### PUBLIC POLICY ON ENSURING GENDER EQUALITY IN UZBEKISTAN: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS

**Anotation.** In this article, the state policy to ensure gender equality in Uzbekistan, along with achievements in the field, examines the existing shortcomings based on available sources, statistical data and in comparison with other countries of the world.

**Key words:** NPO, gender, female, Oliy Majlis, parliament, senate, senator, vybory, OON, okhrannyy order.

**Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни.** Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб гендер масалаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол иштирок эта бошлади. Бу республикада турли ижтимоий институтлар фаолиятига кенг йўл очилгани билан бевосита боғлиқ. Жумладан, 1991 йилда мамлакатда жами 100 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2015 йил 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси адлия органлари томонидан рўйхатга олинган ННТларнинг умумий сони 8200 тадан ортиб кетди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан бир қаторда рўйхатта олинган хотин-қизларнинг 300 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам республика аёлларининг хукуқ ва манфаати йўлида фаолият олиб борди. Улардан Қорақалпоғистонда 19, Андижонда 23, Бухорода 26, Жиззахда 19, Қашқадарёда 17, Навоийда 11, Наманганда 16, Самарқандда 21, Сурхондарёда 32, Сирдарёда 12, Тошкент вилоятида 28, Фарғонада 28, Хоразмда 20, Тошкент шаҳрида 17 та хотин-қизлар масалалари билан шугилланадиган ННТлар рўйхатдан ўтган. Мана шу ННТлар орасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси “Тадбиркор аёл” ва Республика олима аёллар уюшмаси “Олима” энг катта ННТлар бўлиб, уларнинг хотин-қизлар фаолиятидаги улуси 50 % ни ташкил этганлигини [3; 415] ўзи ҳам мазкур ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги ўрни катта эканлигини белгилайди.

Бундан ташқари 1995 йилда Хотин-қизлар ресурс маркази, 1996-2000 йилларда “Сабр”, “Мехри”, “Аёл ва жамият”, “Ҳамдард” ва бошқа хотин-қизлар ННТлари тузилди. Шу билан бирга Ҳалқаро агентликлар ва ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланаётган ва молиялаштирилаётган хотин-қизлар ННТлари республикада гендер тенглик foяларининг тарқалиши ва фуқаролик жамиятини қуришда хотин-қизларнинг муҳим роли тан олинишига кўмаклашди. Ўзбекистонда 1991–2016 йилларда хотин-қизларини хукукий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, давлат бошқаруви соҳасига жалб этиш, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, 1999 йил

EXХТ дастури доирасида Республика хотин-қизлари ННТларининг биринчи каолицион лойиҳаси – “Ўзбекистон хотин-қизлари учун фуқаролик ва хукукий таълим” амалга оширилди, унинг биринчи босқичида 24 та хотин-қизлар ташкилоти иштирок этди. Бу каби тадбирлар кўп бора ўтказилишига қарамасдан республикада гендер тенгликни таъминлашда ижобий натижаларга секинлик билан эришилмоқда. Буни бир қанча сабаблари бор. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам бошқа мусулмон мамлакатлари сингари жамият ҳаётида аёллар мақомини эркакларга нисбатан паст деган ақидани сақланиб қолаётганлиги, хотин-қизлар аксарият ҳолларда ҳақ тўланмайдиган меҳнатга тортилиши яъни кўпроқ фарзанд тарбияси ва уй ишлари билан банд бўлиши, хотин-қизлар манфаатлари билан шуғулланадиган ННТлар ва бошқа ташкилотлар асосан йирик шаҳарлардагина фаолият олиб бориб, қишлоқларда уларнинг фаолияти деярли кўзга ташланмайди. Ваҳоланки, мамлакат аҳолисини 60 фоиздан кўпроги қишлоқларда яшаса, уларнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу маънода хотин-қизлар манфаатлари билан шуғулланадиган ННТлар республиканинг марказдан олис туман ва шаҳарларида яшовчи хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, хукукий саводхонлигини оширишга эътибор қаратсалар маълум ижобий натижаларга, гендер камситишларни олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллашувига хизмат қилади. Ҳозирда хотин-қизлар орасида хукукий саводхонлик даражасини пастлиги республиканинг қишлоқ жойларида аёлларнинг ижтимоий камситишлар ва зўравонликларни турли кўринишлари қурбони бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бизнингча, аёллар манфаатларини химоя қиладиган ННТлар ўз фаолияти давомида масаланинг ана шу жиҳатларни ҳисобга олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ўзбекистонда 2016 йилдан бошланган ислоҳотларнинг хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишдаги ўрни.** Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни таҳлилидан келиб чиқиб, замонавий ва янги босқичларга ўтишда, хукукий демократик давлатни янада мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёлларга ҳам бир қанча вазифалар юклайди. Сўнгги йилларда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар иштирокини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, вилоят, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси раисларига ҳоким ўринбосари мақомининг берилиши ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси худудий ташкилотлари ваколатларини кенгайиши хотин-қизлар билан боғлиқ ҳар қандай масала ва муаммоларини аниклаб уни қисқа муддатларда бартараф этилишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Шавкат Мирзиёев бошқаруви давридан Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлат бошқаруvida хотин-қизлар иштироки йилдан йилга ортиб бормоқда. Республика раҳбари хотин-қизлар фаолияти масалалари борасида фикр юритиб, асосан жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида фаол иштирок этаётгани аммо, сиёсий жараёнларда, давлат бошқаруvida хотин-қизлар фаолиятини қониқарли эмаслигини танқидий таҳлил қилиб “...ҳозирги вақтда мамлакатимизда 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоиздан зиёди, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни саклаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи хотин-қизлар” [1; 343-345] ташкил этишини таъкидлаб, хотин-қизларни сиёсий фаолигини ошириш муҳим эканлигини қайд этиб ўтди. Бу маълум вақт талаб этадиган масала бўлғанлиги учун ҳам республикада босқичма-босқич гендер тенгликни таъминлашда амалий ишлар қилинмоқда. Биргина оммавий аҳборот воситаларида эскича ишлаш, факатгина ижобий ҳолатларни халқ эътиборига ҳавола қилиш, мавжуд муаммоларни четлаб ўтиш ҳолатларига барҳам берилди. Эндиликда турли соҳалардаги камчиликлар қаторида хотин-қизлар муаммоларини ҳам бартараф этишга қаратилган мақолалар чоп этилмоқда, телерепортажлар мунтазам эфирга узатилмоқда. Шу ўринда

дунёнинг айрим мамлакатлари ва Ўзбекистондаги гендер тенглик масалалари қиёсий таҳлилига тўхтalamиз.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат раҳбарлари, хукумат раҳбарлари, парламент аъзолари, айрим поитахт шаҳарларининг раҳбарлари аёл кишилар эканлиги ва улар жаҳон ҳамжамияти сиёсий майдонида ҳам ўз мамлакатлари сиёсий ҳаётида ҳам уларнинг олиб бораётган сиёсати эътироф этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ узоқ йиллар давомида республикамизда ўтгиз тўрт миллионлик аҳоли орасидан сиёсий партия етакчилигига, вилоят ҳокимлигига ёки Ўзбекистоннинг чет давлатларда элчиси лавозимига аёл кишиларни муносиб кўрилмаган. Дарҳақиқат, 1991 йилдан 2020 йилгача ўтган вақт давомида чет давлатларда Ўзбекистоннинг бирорта аёл элчи фаолият олиб бормаган.

2020 йилнинг 19 июнь куни Парламент юкори палатасининг аъзолари Феруза Юлдашевна Махмудовани Ўзбекистоннинг Истроил давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда «Феруза Юлдашевна мустакил Ўзбекистоннинг биринчи аёл элчиси сифатида тарихда қолади. Бу шараф бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Қолаверса, унинг бундай масъулиятли лавозимга лойик топилгани мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ишонч ва эътироф намунасиdir. Ишонамизки, бундай эътибор ва эътирофга бундан кейин ҳам кўп маротаба гувоҳ бўламиз. Зоро, ўзбек аёллари бунга муносибdir», – деб фикр билдирган Сенат Раиси Т.Нарбаева.

Халқaro ҳамжамиятда гендер тенглик ва феминизм масалалари тобора долзарблашиб бормоқда. Айрим шарқ мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам хотин-қизлар имкониятига ишончсизлик билдириш, оиласда иккинчи даражали инсон сифатида қараш табиий ҳисобланади. Бундай қарашлардан воз кечиб, мамлакат сиёсий ҳаётида ҳамдошошқарувида хотин-қизлар иштирокини таъминлашга эътибор қаратиб, Маргарет Тетчер, Тансу Чиллер, Беназир Бхутто, Индира Ганди, Ангела Меркіл каби дунёга машҳур аёл сиёсатчилар фаолиятини ўрганиш ютуқларини ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Маълумки, Финландия давлати ёш аёллар бошқарувидаги мамлакат ҳисобланиб, бош вазир, таълим вазири, молия вазири ҳатто ички ишлар вазири каби мухим лавозимларга 32-34 ёш оралиғидаги аёл кишилар тайинлангани жамиятда гендер тенгликни амалий натижаси ҳисобланади. Ушбу давлат бош вазири 34 ёшли Санна Марин дунёдаги энг ёш аёл бош вазир ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишга, давлат бошқаруви соҳасига жалб этишга эътибор қаратила бошлади.

2018 йилда давлат ҳокимияти органларида фаолият юритаётган хотин-қизлар 321 нафарни ташкил этган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқори Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари ва Халқ депутатлари туман шаҳар кенгашларида депутат хотин-қизлар 1516 нафарни, тармоқлар бўйича раҳбарлик лавозимидағи фаолият юритаётган хотин-қизлар 30414 нафарни ташкил қиласди [8; 14]. Бироқ республика Хотин-қизларини сиёсий ва давлат бошқарувидаги фаолиятини вилоятлар кесимида таҳлил қилганда, умумий аҳоли сонига нисбатан аёллар салмоғи билан солиштирганда уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини ижобий баҳолаб бўлмайди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 35 нафар аёллар ўрин эгаллаган бўлиб, республиканинг Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларидан бирорта аёл номзодлар сайланмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибида 45 нафар Хотин-қизлар фаолият олиб бораётган бўлса-да, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларидан бирорта Хотин-қизлар ўрин эгалламаган. Ҳоким ўринbosарлари орасида (вилоят хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларидан ташқари) хотин-қизлар республика бўйича 20 нафарни ташкил этиб, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташқари бирорта вилоятда ушбу лавозимга аёллар муносиб кўрилмаган.

2018 йил ҳолатига кўра, мамлакатда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этган. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1400 га яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати бўлиб, 1075 нафари эса ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритган. Айни пайтда республикамиз хотин-қизларининг кариб 80 фоизи асосан, икки ижтимоий соҳа – таълим ва соғлиқни сақлашда фаолият юритади. Энди давлат ва жамият бошқарувидаги аҳамиятга эга лавозимларда ҳам хотин-қизларнинг сонини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунга келиб тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг 37,3 фоиз, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларининг 46 фоиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 48 фоиз, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоларининг 51 фоиз, хотин-қизлар эканлиги ва уларнинг салмоғи доимий ортиб бораётганлиги сиёсий партиялар ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси ўртасидаги доимий ҳамкорлик натижасидир. Шундан келиб чиқиб сиёсий партиялар мамлакатдаги ижтимоий муаммолар билан бир қаторда мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувининг турли бўғинларида хотин-қизлар иштирокини таъминлаш, уларни сиёсий саводхонлигини ошириш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратса, бу жамиятда хотин-қизларни мавқеи мустахкамланиши ва мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ташаббусда белгиланган соҳага тегишли вазифаларни бажаришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Сўнгги йилларда Республикаизда жамиятнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган Хотин-қизлар фаолияти эътироф этилмоқда, муносиб тақдирланмоқда. Хотин-қизларни давлат ва жамият бошқарувида иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг йигирманчи ялипи мажлисида сўзлаган нутқида билдирилган таклифига биноан Сенатда янги – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузилди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти республика аҳолисини деярли ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётидаги фаолиятини етарли даражада эмаслигини қайд этиб, шу мажлисда Олий Мажлис Сенати раислигига мустакил Ўзбекистон тарихида илк бор Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб келаётган Танзила Норбоевани номзоди илгари сурилди. Ушбу таклиф депутатлар томонидан бир овоздан тасдиқланиши мамлакатда гендер тенглигини таъминлаш йўлидаги муҳим сиёсий кадам бўлди. Сенат раислигига аёл кишининг сайланиши орқали Ўзбекистон палата раҳбари аёл киши бўлган саноқли 56 та давлат сафига кирди. Маълумки, БМТнинг барқарор ривожланиши мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистон ҳам фаол ҳаракат олиб бормоқда. Хусусан, бу мақсадларнинг 16 тасини миллийлаштириш ва амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётта татбиқ этиляпти, ва бу борада бир қатор натижаларга ҳам эришилди.

2014 йилги сайловлар якуни буйича миллий парламентда хотин-қизлар 17,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилги сайлов натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Конунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатларнинг 48 нафари ёки 32 фоизини, 100 нафар сенаторларнинг 24 нафарини хотин-қизлар ташкил этиши Ўзбекистон парламенти тарихида биринчи марта кузатилмоқда ва гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш учун олиб борилаётган ислоҳотлар самарааси ҳисобланади.

2019 йил 1 февраль ҳолатига кўра дунё мамлакатлари парламентида хотин-қизларни ўрни буйича тузилган рейтингда Ўзбекистон 129-ўринни қайд этган бўлса, 2019 йил декабрда бўлиб ўтган сайлов натижалари бўйича парламентда аёллар салмоғи ортиб, 2020 йил 1 май ҳолатига кўра дунё мамлакатлари рейтингида 44-ўринга кўтарилди.

Ўзбекистонда сўнгти йилларда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Хотин-қизларни ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ислоҳот ва янгиланишларни янада ривожлантиришга хизмат қиласди. Ўзбекистон тарихида биринчи мартаҳимоя ордери бериш тартиби “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилди. Хотин-қизлар хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ушбу қонуннинг қабул қилиниши сўнгти йилларда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижаси бўлиб, бу тартиб ўйлаймизки келажақда республикада хукуқлари топталган аёлларни хукуқлари тикланишига ва кўплаб оиласарда ажримларни олдини олишга хизмат қиласди.

Республика хотин-қизларининг қарийб 80 фоизи асосан, икки ижтимоий соҳа – таълим ва соглиқни сақлашда фаолият юритади. Хусусан, халқ таълими тизими ходимларининг 71 фоиз, соглиқни сақлаш соҳаси ходимларининг 62 фоиз хотин-қизлардир. Шундан келиб чиқиб қўйидаги таклифларни илгари сурамиз:

**Биринчидан**, аёлларнинг ижтимоий, оиласий ва шахсий муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга қаратилган социологик, ижтимоий ва аноним сўровнома ва илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш орқали уларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш;

**Иккинчидан**, давлат бошқаруви соҳасида, сиёсий партиялар етакчилари, элчилар, тадбиркорлар орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун аввало республикани барча минтақаларида, таълим муассасаларида хотин-қизларни сиёсий саводхонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътиборни кучайтириш, янги сиёсий фанларни жорий қилиш ва ўқув қўлланмаларни яратиш;

**Учинчидан**, республиканинг ҳар бир вилоятида мавжуд Хотин-қизлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ва уларнинг худудий бўйлимлари, Ўзбекистон Ёшлилар Иттифоқи ҳамда унинг бўйлимлари томонидан ижтимоий сиёсий жиҳатдан фаол, етарли билим ва тажрибага эга, ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг номзодни турли раҳбарлик лавозимларга илгари суриш, давлат бошқаруви соҳасидаги турли бўғинларда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритишига кўмаклашиш республикада олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишига хизмат қиласди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- Мирзиёев Ш Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, – Т.: Ўзбекистон, – Б-343-345.
- Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан рўйхатга олиш масалалари бўйича амалий қўлланма. –Ташкент: ART FLEX, 2015. – Б. 12.
- Аёллар жамоат ташкилотлари Форуми. // <http://wcu/uz/uz/pages/Fo-rum>
- Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётiga кириш. – Т., 2007, –Б. 416.
- Негосударственный, некоммерческие организации Узбекистана. – Т., 2002, – С.308–317.
- <https://kun.uz/news/2019/12/17/finlandiya-mojizasi-yosh-ayollar-qanday-qilib-taxtni-egallashgani-haqida>.
- Республика Хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йил ҳисоботлари. 5-йиғма жилд, 14-бет.
- [https://uz.fundamental-economic.uz/?page\\_id=1454](https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1454).
- <https://human.uz/news/3/170/>
- [https://www.uz24.uz/politics/prezident-senatda-hotin-uizlar-va-gender-tenglik-masalalari-bgyicha-ugmita-tuzishni-taklif-uildi.\(06.26.2019\)](https://www.uz24.uz/politics/prezident-senatda-hotin-uizlar-va-gender-tenglik-masalalari-bgyicha-ugmita-tuzishni-taklif-uildi.(06.26.2019))
- <https://kun.uz/news/2019/06/26/senat-raisligiga-ayol-kishining-saylanishi-gender-tengligi-sari-muhim-siyosiy-qadamdir-inson-huquqlari-boyicha-milliy-markaz>.
- <http://archive.ipu.org/wmn-e/classif.htm>.
- <https://data.ipu.org/women-ranking?month=5&year=2020>.

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИННИГ СУРХОН ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ СИЁСАТИ ТАРИХИ

Абдурашидов А.А. (Термиз давлат педагогика институти)

**Аннотация.** Бухоро амирлиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида аграр давлат эди, аҳоли катта қисмининг иқтисодий ҳаёти бевосита дехқончиликнингривожи билан боғлиқ бўлган. Бухоро амирлигининг чор Россияси вассалига айланиши билан, қишлоқ хўжалигига пахта монокультурасига айланиши, Сурхон воҳасида етиштирилган маҳсулотлар арzon, паст нархларда хомашё сифатида марказга жўнатилганлиги Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган қишлоқ хўжалиги ва ирригатсия тизимидағи сиёсати доирасида Сурхон воҳасини ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон Марказий давлат архиви ва тарихчи олимларнинг асарлари асосида ўлка ҳаёти тўғрисида маълумотлар берилган.

**Таянч сўзлар:** *Бухоро амирлиги, қишлоқ хўжалиги ва ирригатсия, Сурхон воҳаси, Шеробод беклиги, Кофирниҳон, Тўпаланг, мустамлакачилик сиёсати, пахта экин майдонлари.*

### ИСТОРИЯ ПОЛИТИКИ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ОРОШЕННОЙ СИСТЕМЕ СУРХАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация.** Бухарский эмират был аграрным государством во второй половине 19 - начале 20 веков, хозяйственная жизнь большинства населения была непосредственно связана с развитием сельского хозяйства. С превращением Бухарского эмирата в вассала царской России, введением монокультуры хлопка в земледелие, тем, что продукция, выращенная в Сурханском оазисе, направлялась в центр в качестве сырья по низким ценам, в рамках Российской Политика империи в области земледелия и ирригации в Средней Азии не оставила в стороне и Сурханский оазис. Информация о жизни страны представлена на основе работ Центрального государственного архива Узбекистана и историков.

**Ключевые слова:** *Бухарский эмират, земледелие и ирригация, Сурханский оазис, Шерабад-беклиги, Кафирниҳон, Тўпаланг, колониальная политика, хлопковые плантации.*

### THE HISTORY OF THE RUSSIAN EMPIRE'S POLICY IN THE AGRICULTURE AND IRRIGATION SYSTEM OF THE SURKHAN REGION

**Annotation.** The Emirate of Bukhara was an agrarian state in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century, the economic life of a large part of the population was directly related to the developing agriculture. With the transformation of the Bukhara Emirate into a vassal of Tsarist Russia, the introduction of cotton monoculture in agriculture, and the fact that the products grown in the Surkhan oasis were sent to the center as raw materials at low prices, Surkhan oasis was not left out of the Russian Empire's agricultural and irrigation system policy in Central Asia. Information about the life of the country is based on the works of the Central State Archive of Uzbekistan and historians.

**Key words:** *Bukhara Emirate, agriculture and irrigation, Surkhan Oasis, Kafirnihan, Topalang, colonial policy, cotton plantations.*

#### Кириш

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари чукурлашиб бораётган айни пайтда дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги ва ирригация тизимини интенсив равишда ривожлантириш, сув хўжалигини самарали бошқариш ва сугориши инфраструктурасини такомиллаштириш, дехқончиликда агротехник тадбирларни қўллаш, сугорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича инновацияларни татбиқ этиш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона тарзда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аграр ва саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаёт ривожланишининг асосини, шубҳасиз, сув хўжалиги тизими ташкил этади.

Зоро, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг тараққий этиши бевосита ирригация-мелиорация соҳалари билан узвий боғлиқdir [1; 115-117]. Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган Сурхон воҳаси қишлоқ хўжалиги ва ирригация тизимидағи сиёсати 1867 – 1917йилларни қамраб олади. Россия империясининг минтақадаги қишлоқ хўжалиги ва ирригация тизимидағи сиёсати Туркистон ўлкаси забт этилганлигининг илк

даврлариданоқ амалга оширила бошлаган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. 1917 йилга қадар метрополиянинг қишлоқ хўжалиги бошқарув тизими тўлиқ шаклланган ва иктисодий жараёнларга кучли таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг соҳани ривожлантириш асосий кун тартибига қўйилди. Сурхон воҳасининг XVIII асрнинг иккинчи ярми –XX аср бошларидағи хўжалик муносабатларини тарихий-хронологик изчиллик, худудий-муаммовий ёндашув асосида очиб бериш Ўзбекистон тарихини янги маълумотлар билан бойитиш имконини беради. Мухтарам юргбошимиз таъкидлаганларидек, “Сурхондарё вилояти – ўзининг иктисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётida алоҳида аҳамиятга эга” [2; 279].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартағи 119-сон “Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дараҳт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя килиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгилангандан вазифаларни бажаришга хизмат қиласди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда маҳаллий муаллифлар томонидан ёритилган асарлар, юқорида таъкидланганидек, алоҳида аҳамиятга эга. XVII аср охири – XVIII аср бошлари Сурхон воҳасининг сиёсий тарихини ўрганишда Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асари муҳим манбалардан бири [3; 271]. Хожа Самандар Термизий 1630 йил охирларида Термизда туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, Нарпайда қози ва қозилик маҳкамасида ишлаган. Субҳонқулихон даврида катта обрўга эришиб, икки марта Насаф шаҳрига дин раиси этиб тайинланади.

Аштархонийлар давридаги сиёсий ҳаётни ўз кўзи билан кўрган Хожа Самандар Термизий XVIII аср бошида Бухорода, Қаршида, жумладан, Термизда ҳам сиёсий нотинчлик кучайгани учун Ҳисори Шодмонга кўчгани, у ерда бек билан мунозара олиб борганидан сўнг Карвонтушдига келганини ёзб қолдирган[4]. Чорвачилик, деҳқончиллик ривожланганини ҳам қайд этади [5; 19].

Ўрганилаётган воҳасининг сиёсий ҳаётига оид зарур маълумотлар Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини мангитий” асарида келтирилган. У Бухоро тарихнавислик мактабининг йирик вакилларидан бири бўлиб, 1838 йил Бухородан унча узоқ бўлмаган Бўстон қишлоғида туғилган. Дастлаб ўз қишлоғида, сўнг Бухорода таҳсил олган. Сомий таҳаллуси унга устози олим ва шоир Садриддин Моҳир томонидан берилган. Шуни таъкидлаш жоизки, Бухоро амирлари саройида, хусусан, амир Музаффар (1860–1885) ва амир Абдулаҳад (1885–1910)лар хукмронлиги даврида сарой муншийси вазифасида ишлаган. Саройдаги ҳаётни ўз кўзи билан кўрган Сомий “Тарихи салотини мангитий” асарини саройдан қувилгандан кейин ёзган ва шу сабабли анча реал манзарани бера олади. Асарда воқеалар баёни Аштархонийларнинг сўнгги хукмдори Абулфайзхон давридан бошланади. Сомий Абулфайзхон давридаги сиёсий бўшлиқни тадқиқ килгани ҳолда қандай қилиб Муҳаммад Раҳимбийнинг ҳокимиятни эгаллашини ишончли маълумотлар билан кўрсатиб беради. Сомий ўз асарида Абдулмалик тўра фаолиятини анча чукур таҳлил қилган. Хусусан, амир Музаффарнинг Россия билан тузган шартномасидан норози бўлган кучларнинг Абдулмалик атрофида тўпланишини кўрсатиб ўтади. Асарда ёзилишича, Ҳисор, Шеробод, Денов бекликларнинг амир томонидан тайинланган амалдорлари вазифани бажара олмай қолганлиги ва ҳаттоқи Шеробод беги Каримкул бийнинг вазифасидан озод қилиниб, ўрнига Астанақул бий буқажлининг тайинлашини кўрсатиб ўтади. Шеробод беклиги кўнғиротлари ва сарой қабилаларидан ўч олиш учун даставвал Қарши беги этиб Абдумўминтўра ва Ғузор ҳокими этиб Ёқубқушбегини тайинлаб, уларни ҳарбий куролланган қўшин билан Шерободга жўнатди. Мазкур асарнингкўп жойларида

маҳаллий хукмдорлар, бек ва амлокдорлар ҳақида ҳам маълумот беради. Мазкур манбанинг маълумотлари воҳанинг сиёсий тарихини янада кенгроқ ёритишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Бухоро амирлигининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидағи сиёсий тарихини ёритишида Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари тарихий тадқиқот вазифасини ўттай олади. Маълумки, Мирза Салимбек турли йилларда Яккабоғ, Нурота, Бойсун, Шеробод ва Шахрисабз бекликлари хукмдори бўлган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Сурхон воҳасининг тарихини, айниқса Бойсун ва Шеробод бекликлари бошидан кечирган, кўзи билан кўрган, ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида чиройли ва ҳаммага тушунарли тилда ёзган. Ўзи ҳақида қисқача маълумот берган. Бойсун ва Шеробод вилоятининг маъмурий тузилиши ҳақида куйидаги тарихий маълумотни келтириб ўтади: Бойсун вилояти беш амлокдан иборат бўлиб, майдони тўрт фарсахни ташкил этар эди. Бундан ташқари, ўнта қишлоқларга бўлинган 3 та амлокликлар бўлиб, улар 10 фарсахгacha чўзилган эди. Сурхон воҳасининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаётини ўрганишда россиялик олим, сайёҳ ва ўлкашуносларнинг асарлари ҳам катта аҳамиятга эга. Россия элчилари Шеробод беклиги худудига 1675 йили келди, элчилар Бухоро орқали Паттакесар кечуви орқали Афғонистонга ўтиш даврида Шеробод, Термиз, Бойсун бекликлари, унинг худуди, табиий имкониятлари хусусида анчагина маълумотлар тўплаган . Айниқса, Д.Н.Логофет томонидан ёзилган “Страна бесправия”, “Бухарское ханство под русским протекторатом”, “В горах и на равнинах Бухары”, “Орошение Термеза”, “Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары”, “В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии”, “Почтовотелеграфные участки в Бухарских владениях” асарлар воҳа тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Д.Н.Логофет Бухоро амирлигини Россия империяси таркибига қўшиб юбориш гоясининг ашаддий тарафдорларидан бўлиб, ўз тадқиқотларини стратегик мақсадларда ёзган муаллифлардан бири эди. Шу боис у ўз асарларида амирликдаги маъмурий бошқарув тизими, унинг чегаралари, табиати, иқлими, мамлакатнинг ички ва ташқи савдо алоқалари, табиий бойликлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти ҳақида маълумотлар тўплаган ва ўз асарларида батафсил ёритиб беришга ҳаракат қиласди. Аммо, унинг асарларида баъзи маълумотларни, хусусан, амир фаолияти ва ҳалқнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларни Бухородаги рус сиёсий агенти ва бошқалар томонидан томонидан ниҳоятда бўртириб кўрсатилганлиги боис, танқид остига олинган. Шунга қарамай, унинг асарлари тарихий фактларга ниҳоятда бойлиги билан муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Н.Н.Покотилонинг “Путешествие в Центральную и Восточную Бухару в 1886 г.” асарида Сурхон воҳаси хўжалигига доир қимматли ҳисобот маълумотлари берилган. 1805 йили Россия томонидан Бухоро амирлигининг жанубий худудларини ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш мақсадида Н.А.Маев бошчилигига топограф Д.М.Вишневский, таржимон Ю.Казбеков, сураткаш А.Кравцов, табиатшунос Ф.Шварц, ва А.А.Вайнберглардан иборат маҳсус экспедиция тузилади. Н.А.Маев воҳа табиати, тарихи, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Хусусан, Н.А.Маевнинг “Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства”, “Очерки горных бекств Бухарского ханства”, “Долина Сурхана”, “Реконносцировка горных путей в Бухарском ханстве”, “Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края” каби асарларида воҳа шаҳар ва қишлоқлари, аҳоли машғулотлари, сугориш тизими, савдо йўллари ҳамда воҳа қишлоқ ва шаҳар оралиқ масофалари каби масалалар ёритилган. Яна Кийик тоғда учта амлоклик бўлиб, уларнинг узунлиги 10 фарсах эди деб ёzáди.

Воҳанинг сиёсий ҳаёти ва маъмурий бошқарув тизими тарихини ўрганишда Ўзбекистон Марказий давлат архиви (ЎзМДА)да И-1 Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси, И-2 Туркистон генерал губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор, И-3 Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги, И-126 Бухоро амирлиги қўшбегиси, 1396 – Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архивининг “Туркистон ҳарбий округи штаби” фондидаги хужжатлар муҳим манбалар қаторида туради.

1396-Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архивининг “Туркистон ҳарбий округи штаби” фондидаги ҳужжатларда Чор ҳукумати Термизга ҳарбий қалъа сифатидагина эътибор бериб қолмасдан, балки Россиянинг марказий районларидан аҳолини қўчириб келтириши, шунингдек, келажақда Ҳиндистон йўналишида ҳарбий таянч марказ сифатида ҳам қараши. Шу сабабли, 1897 йилда Термизда узунлиги 10 км, қалинлиги 1,5 метр ва баландлиги 7 метр бўлган ҳарбий қалъа ва умумий майдони 6 гектардан иборат Амударё ҳарбий бригадаси учун Тупроққўргон барпо қилинганилиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

### Тадқиқот методологияси

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиянинг Ўрта Осиёдан кўзлаган мақсади очик аён бўла бошлади. Буни чор амалдори Кривошеиннинг қўйидаги сўзларидан ҳам билишимиз мумкин: Ҳар бир пуд Туркистон буғдойи рус ва Сибир буғдойига рақобатdir. Ҳар бир пуд Туркистон пахтаси Америка пахтасига рақобатdir. Шунинг учун ўлкага ташиб келтирилган ва қиммат нон бериб бўлса-да, у ердаги сугориладиган майдонларни пахта экиш учун бўшатиш керак” [6; 7]. Россия империяси даврига келиб қишлоқ хўжалик экин турларидағи ўзгаришлар натижасида, ўзини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириб келган воҳа аҳлининг бу маҳсулотларга бўлган талаби ошиб борди. Айниқса, XX аср бошларига келиб бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Агар 1909 йилда Шеробод беклигига 1 пуд буғдой – 1 рубл 10 копеек, арпа 90 копеек, ёрма – 2 рубл 20 копеек, 1910 йилда 1 пуд буғдой – 1рубл 40 копеек, арпа – 1 рубл 15 копеек, ёрма – 2 рубл 60 копеекни ташкил қилган бўлса, 1916 йилда 1 пуд буғдой – 2 рубл 66 копеек, арпа – 2 рубл яъни нархнинг 100 фоизга ошиши халқ оммасининг ҳақли норозилигига сабаб бўла бошлади [7]. 1917 йилга келиб аҳвол бундан ҳам оғирлашди, шу вақтда Термиз шаҳрида 1 пуд арпа – 3 рубл 30 копеек, буғдой – 5 рубл 20 копеек, гуруч 12 рубл бўлган [8]. Россия империяси ҳукумати туб ерлик аҳолини пахта етиштиришга қизиқтириш учун пахта нархини ошириб борди. 1860 йил 1 пуд пахта 4-6 рубль, 1861 йил 7 рубль 50 копеек, 1862 йил 12-13 рубль бўлса, 1864 йил 22-23 рублни ташкил этди. Пахта нархи йилига 12-13 рублдан кўтарилиб борди [9; 17]. Албатта, бу ҳолат ўз-ўзидан пахта етиштиришга бўлган қизиқишининг ортишига ва экиладиган майдонларнинг ва ҳосилдорлигини ўсишига ўз таъсирини кўрсатди. Бухоро амирлигига 1890 йилда 35 минг, 1900 йилда 50 минг, 1910 йилда 80 минг десятина ерга пахта экилиб, унинг ҳосилдорлиги 1890 йилда 800.000 пуд, 1900 йилда 1.000.000 пуд, 1910 йилда эса 1.300.000 пудни ташкил этгани фикримиз исботидир [10; 6]. Сурхон воҳаси бекликларида ҳам пахта экиладиган майдонлар кенгайиб борди. Буни полковник А.Матвеевнинг 1887 йилда Шеробод, Сурхон ва Кофарниҳон ҳудудлари ва Сурхон дарёси бўйларида [11; 21], капитан Б.Стеткевичнинг Денов ва Миршодида пахта кўп миқдорда экилганлиги тўғрисидаги маълумотларидан англаб олиш мумкин [12; 279]. Воҳада дастлаб, Шеробод беклигининг Термиз атрофидаги ерларида 1907 йилдан бошлаб, пахтанинг америка нави экила бошланди. Умуман воҳада пахта ҳосилдорлиги йилданйилга ўсиб борди. 1903 йилда 17 000 пуд, 1908 йил 22 100 пуд, 1909 йил 22 000 пуд, 1910 йил 34 000 пуд, 1911 йилга келиб 60 000 пудга етгани фикримиз исботидир [13; 25].

### Таҳлил ва натижалар

Бухоро амирлиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида аграр давлат эди, аҳоли катта қисмининг иқтисодий ҳаёти бевосита дехқончиликнинг ривожи билан боғлиқ бўлиб, XVII аср охири XVIII аср бошларидағи ўзаро урушлар нафақат иқтисодни издан чиқарди, балки аҳолини ўзи яшаб турган ҳудудларни ташлаб чиқиб кетишига мажбур этди. Манғитлар давридан бошлаб, мамлакатда ўтказилган сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар натижасида хўжалик ҳаётида, хусусан, қишлоқ хўжалигига ривожланиш кузатилади [14; 89].

Сурхон воҳаси ҳам Бухоро амирлигининг асосий дехқончилик ҳудуди ҳисобланиб, унинг суғорма экин майдони 100 минг десятинани ташкил этган [15; 386]. Воҳада суғорма дехқончилик қилишига қўйидаги омиллар имкон берган:

Биринчидан, Сурхон воҳаси бекликларида дехқончилик ривожи учун сувнинг мўлқуллиги, яъни ҳар бир беклик ҳудудида суформа дехқончилик воҳалари бўлган (Сурхон, Вахш, Кофирниҳон, Тўпаланг, Сангардақ, Қизилсув, Шеробод);

Иккинчидан, Бухоро амирлигининг Амударё бўйи бекликлари (Сурхон воҳаси бекликлари) Ўрта Осиёдаги энг иссиқ иқлим минтақаҳисобланиб, бу ерда пахта етишириш имкониятини берган. Бундан ташқари шоли ва буғдойга бой бўлиб, қорамол, қўй, от ва туяларни кўплиги билан ажралиб туради.

Учинчидан, ҳали ўзлаштирилмаган унумдор бўш ерларнинг кўплиги ва аҳоли сонининг камлигига эди[16].

Маълумки, дехқончиликнинг тараққиёти мазкур минтақанинг географик ирригация тизимиға ҳам боғлиқдир. Шу боис биз тадқиқ қилган Сурхон воҳаси Шерободдарё ва Сурхондарё оқадиган меридианал йўналишда чўзилган тоғлараро воҳадан иборат, воҳа шимоли-шарқдан Ҳисор ва Қабодиён бекликлари, фарб ва шимоли-фарбдан Ғузор беклиги ва фарбда Келиф беклиги билан, жанубдан эса Амударё бўйлаб Афғонистон билан чегарадош. Сурхон воҳасида текисликлар, қуруқ чўллар ва тоголди зоналарига, ер ости ва усти бойликларига эгалиги билан ажралиб турган. Воҳанинг адирли кенгликлари шимолдан жанубга томон пастлашиб текислик билан чегараланади. Уч томондан тоғ тизмалари билан ўралган ва бу тизмалардан Тўпаланг, Ҳўжаипок, Шеробод ва бошқа дарёлар оқиб тушади.

Сурхон воҳасининг дехқончилигини табиий-географик шароитига қараб қуйидаги типларга бўлиш мумкин: тоғ (лалми экинлар), суформа ерлар (дарё водийлари ва текислик массивлари), шартли сугориладиган (тоғ олди зоналари ва ирригация қурилиши яхши ривожланмаган ерлар). Н.Н.Александрова, Е.А.Смирнов, И.Н.Бродовский, А.И.Шахназаров ва В.И.Масальский маълумотларига асосан Ўрта Осиёдаги сугорилмайдиган ерлар 3 тоифага бўлинган.

Сурхон воҳаси дехқончилигига обикор ерларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шарқий Бухоро бекликларининг Ҳисор водийси, Сурхондарёнинг ўрта оқими водийлари, Шеробод ва Қабодиён воҳалари, Яхсув (Кўлоб) дарёсининг ўрта оқими бўйлари ва Вахш (Кўргонтепа) водийларида асосан суформа дехқончилик етакчи ўрин тутган [17; 116]. Обикор, яъни сунъий йўл билан сугориладиган ерларга инсон кўли билан сув келтирилган [18]. Турли хил қишлоқ хўжалик экинлари етишириш учун тоголди текисликлари ва йирик дарёларнинг қадимий, юқори ўзанлари қулай бўлган. Бу ерлар, одатда, йирик дарё ёқаларидағи ирмоқлардан сув олувчи каналлар орқали ўзлаштирилган.

Бундай дарё сувлари орқали дехқончилик қиласиган ерларга Тўпалангдарёси Миршоди ҳудудида 5000 десятина ерни эркин сугорган. Сўнгра Сурхондарёсининг соҳили бўйлаб, 2-3 верст доира кенглигидаги ерларни сугора бориб, 50 верст узунликка чўзилган ва Оққопчигай жарлигидан Жарқўргон қишлоғигача борган, бу ўртада 10000 десятина ер сугорилади. Сугориладиган ерларда донли экинлардан: буғдой, арпа, шоли, тарик; дуккакли экинлардан: мош, нўхат, ловия, йўнғичқа; майли экинлардан: кунжут, зифир; полиз ва сабзавот экинларидан: ковун, тарвуз, ҳандалак, ковоқ (ошқади, кади), бодринг, пиёз, сабзи, қизил қалампир ва бошқа экинлар экилган [19]. Колаверса, боф ва узумзорлар барпо қилинган, тут дараҳтлари нафақат меваси, балки ипак қуртларини боқиши учун ҳам экилган. Техник экинлардан гўза, маҳсар, рўян етиширилган.

Сурхон воҳасида суформа дехқончилик қилишга имкон берувчи омиллар, дехқончилик иқтисодий ҳаётда муҳим тармоқ эканлиги, экин турлари, лалми ерларда буғдой экиш агротехникаси, экин майдонлари ҳажми ва нархи, тарик экиладиган майдонлар, ирригация тизимидағи тадбирлар, Денов ва Бойсун бекликларидағи ўрмонзорлар ва у ерда етишириладиган писта, унинг харид қиммати, сабзавот экинлари ва унинг тур ҳамда навлари, пахта монокультурасининг шаклланиш жараёни, А.Ананьевнинг Сурхон воҳаси ерларини ўзлаштиришнинг истикболи каби масалалар И-1 Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси, И-2 Туркистон генерал губернаторлиги кошидаги дипломатик амалдор, И-3 Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги, И-126

Бухоро амирлиги қўшбеги, И-7 Туркистон ўлкасида ер эгалиги ва давлат мулки бошқармаси, 1396-Россия Давлат Ҳарбий Тарих Архивининг “Туркистон ҳарбий округи штаби” фондлари материалларида, Р-47 Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси Марказий ижроия комитети, Р-53 Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси савдо ва саноат ҳалқ нозирлиги фондларида ўз аксини топган бўлса, Ф-596 Туркистон ўлкасининг Бутунrossия мануфактура кўргазмасида иштироки комиссияси фондларида сақланаётган ҳужжатларда эса Сурхон воҳаси бекликларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугорма экин ерлари, сув учун тўланадиган солик қиймати, чорва молларининг туёқ сони ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг экспортдаги улуси, қўйчилик ва у билан боғлиқ барча жараёнлар ўз аксини топган. Тарихий манбаларда қайд этилишича XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигига ирригация тизими оталиқ томонидан бошқарилган. “Мажма ал-Аркам” асарида ёзилишича оталиқдан ташқари мироб, аминаоб ва арбоб лавозимлари бўлган [20; 99]. XIX асрда Бухоро хонлиги сув хўжалигига Шоҳруд канали мироби раҳбарлик қилган. У, албатта, мироҳўр ёки тўқсона унвонига эга бўлиши шарт бўлган [21]. Мироблик катта лавозим бўлгани сабабли, уни сайлаш мавсуми ҳам бўлган. Сурхон воҳасида бу тадбир қиши фаслида ариқ қазиш ишлари бошланишидан олдин декабрь ойининг охири ва январ ойининг бошларида ўтказилган [22]. Сув бериш тартиби ва унинг миқдорини мироблар белгилаган. Улар хизмати учун сув тегирмони ёки бир йилда 2 марта баҳор ва кузда йигилган таноба 500 тангадан ҳамда бирор бир қишлоқдан келадиган даромад берилган [23]. Бухоро амирлигига маҳсус миробона солиги бўлиб, у амирлик бўйича 1, 190 минг рублни ташкил этган [24].

Сунъий сугоришига асосланган дехқончилик хўжалигига сой, ҳавза дехқончилиги, булоқ, кориз, селовакорлик каби сугориши тизимининг устуворлиги ҳамда лалмикор дехқончилик анъаналаридан самарали фойдаланилганлиги тарихий манбалар асосида ёритилган. XIX аср охири XX аср бошларига келиб, аҳолининг 85 фоизини қишлоқ хўжалигига банд бўлиши [25; 85], бу Мейендорф таъкидлаганидек: “Бухорода қишлоқ хўжалиги-ҳалқ бойлигининг энг катта манбаидир, унда етиштирилган кўп ва турли хил маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини қондириш билан бирга савдо ривожида ҳам ўз ўрнига эга бўлган” [26; 106].

Умуман, Бухоро амирлигига қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи саналган боғдорчилик маҳсулотлари экспортда алоҳида ўрин туттган. Бухоро амирлиги боғларида ўрикнинг 3 тури кўпайтирилган: ҳасаки, ширпайванд, маҳмур. Сурхон воҳаси ҳам ўзининг ширин ўриклари билан машҳур бўлган. Салавот қишлоғи аҳолиси томонидан бузрукхони номи билан машҳур ўрик етиштирилган. Бу ўрикнинг муҳим жиҳати авваломбор унда қанд миқдори бошқа ўрикларга нисбатан икки баравар кўп ва данагининг эти ичидаги чақилиб туроди ҳамда унинг юрак ва қонтомир касалликларига даволигидир. Д.Н.Логофет 19 турдаги меваларнинг шифобахшлигини қайд этади [27; 131-133].

Бу даврда воҳа бекликлари сиёсий вазиятнинг ўзгариши натижасида улардаги амлокликлар сонида ҳам ўзгариш кўзга ташланади. Шеробод беклигига мавжуд амлокликлар ҳакида манбаларда турли рақамлар келтирилган. Рус сайдеҳи Н.А.Маевнинг “Очерки Бухарского ханства” асарида келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсан, XIX асрнинг 80-йилларида Шеробод беклигини ҳар бирида 3-5 тадан қишлоқ бўлиб, 5 амлокликтан иборат бўлган [28; 157]. Сиёсий вазиятдан келиб чиқкан ҳолда бекликлар ва амлокликлар сонида маълум ўзгаришлар юз бериб турган. XIX асрнинг охирига келиб Шеробод беклигига 6 амлоклик мавжуд бўлган.

Булар:

1. Таллашқон – 2800 та хонадон;
2. Сайдобод – 3300 та хонадон;
3. Таллимарон – 2600 та хонадон;
4. Гиламбоб – 3000 та хонадон;
5. Жарқўргон – 2000 та хонадон;
6. Солиҳобод – 300 та хонадон.

Шеробод шаҳрида 1000 та хонадон бўлиб, у ўз бошқарувига эга эди [29; 399-402]. Ўз навбатида бекликлар амлоқдорликларга бўлинган ва бек томонидан тайинланган амлоқдор томонидан бошқарилган. Шуни қайд этиш лозимки, Бухоро амирлигига амлоқдорликлар иккига бўлинган, биринчиси бекка, иккинчиси бевосита амирга бўйсунган [30]. Ўз навбатида, амлоқдорлик ҳам маъмурий бирликларга бўлинган. Фарбий Бухорода бу бирликкент, Шарқий Бухорода ҳар хил, Қоратегинда мириҳазор [31; 57], Ҳисор, Қабодиёндасаад [32; 38], Сурхон воҳасида эса қишлоқ ва мавзеларга бўлинган. Сурхон воҳасида бутун Бухоро амирлигига бўлгани сингари қишлоқ ёки овул бошлиғи мингбоши деб аталган [33; 241].

### Хулоса ва таклифлар

Россиянинг мустамлакачилик сиёсати таъсирида Сурхон воҳасида етиширилаётган маҳсулотлар арzon, паст нархларда хомашё сифатида марказга жўнатилди. Пахтага бўлган талаб эҳтиёжлардан келиб чиқиб, янги ерларни ўзлаштириш, бепоён серҳосил ерларга сув чиқариш бўйича зарурий маблағларни ажратиш ҳамда лойиҳалар бўйича ишларни кенгроқ олиб бориши масаласига жиддий киришилди. Чунки Сурхон воҳаси Туркистон ва Бухоро амирлигидаги бошқа ерларга нисбатан экинларни эрта экилиши, тез пишиб етилиши, сифатини юқори бўлиши билан ажралиб турганлиги Россия илмий тадқиқчилари томонидан асослаб берилиди.

Бухоро амирлигининг чор Россияси вассалига айланиши, биринчидан, қишлоқ хўжалигига пахта монокультураси шакллантирилди. Иккинчидан, пахта экин майдонларини кенгайтириш учун муҳим тадбирларни амалга оширилди. Учинчидан, бу даврга келиб ерсиз ва кам ерли дехқонлар сони янада кўпайди. Тўртинчидан, ерсиз ва кам ерли дехқонлар сонининг кўпайиб бориши дехқончилиқда ёлланма меҳнатни шакллантириди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Комилов О.К. Сурхондарё ирригацияси тарихидан (XX асрнинг 50-60 йиллари мисолида) // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар: замонавийлик ва анъанавийлик: Республика илмий-амалий анжумани маколалар тўплами. – Термиз, 2011. – Б.115-117.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – Б. 279.
3. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи Ж. Эсонов. – Тошкент:Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – 271 б.
4. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. – Б.19.
5. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестан. – СПб., 1912. – С. 7.
6. ЎзР МДА. И-3-жамғарма, 2-рўйхат, 449-иш, 43-варак.
7. ЎзР МДА. И-3-жамғарма, 2-рўйхат, 597-иш, 33-варак.
8. Костенко Л. Среднеазиатская торговля // ТВ. – 1871. – № 5.; Юферов В. И. Хлопководство в Туркестане. –Ленинград, 1925. – С. 17.
9. Масальский В.И. Богатства России хлопок. – С. 6.
10. Полк. Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1887. Вып. 57. – С. 21.
11. Кап. Стеткевичъ Бассейн Карагат-Дарьи. – С. 279.
12. Ананьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – С. 25.
13. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – С. 89.
14. Полк. Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. V. – СПб., 1883. – С. 22; Вся Средняя Азия. – Ташкент, 1926. – С. 386.
15. ЎзР МДА. И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 251-иш, 12-варак.
16. Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией / Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – Москва: Наука1979. – С. 116.
17. ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 15-рўйхат, 133-иш, 61-варак.
18. ЎзР МДА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 678-иш, 299-варак.

19. Мирза Бадиъ Диван. Маджмаъ ал-Аркам. – С. 99.
20. Ўз Р МДА.И- 1-жамгарма, 14-рўйхат, 681-иш, 145-варак.
21. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 4-жамгарма, 1-рўйхат, 5-иш, 3-варак.
22. Ўз Р МДА.И- 1-жамгарма, 14-рўйхат, 681-иш, 145-варак.
23. ЎзР МДА. 47-жамгарма, 1-рўйхат, 115<sup>а</sup>-иш, 73-варакнинг орқа томони.
24. Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б. 85.
25. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – С. 106.
26. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – СПб., 1911. – С. 131-133.
27. Маев Н. А. Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – С. 157.
28. Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекства Шерабадское и часть Байсунского // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 399-402.
29. ЎзР МДА. И-1.-34-рўйхат, 724-иш, 3– варакнинг орқа томони.
30. Кисляков Н.А. Патриархально- феодальные отношения среди оседлого населения Бухарского ханства в конце XIX и начале XX в. – Москва-Ленинград, 1962. – С. 57.
31. Хамраев М. Очерки истории Хисарского бекства конца XIX и начала XX вв. – С. 38.
32. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – С. 241.

*Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган*

## ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРЛИГИДАГИ ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИНИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ

**Хайназаров Б.Б. (ЎзМУ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳокимияти ташкил қилинганидан кейин тиббиёт соҳасида содир бўлган ўзгаришларда туб бўлмаган аҳолининг роли таҳлил қилинган. Ҳусусан, Туркистонга тиббиёт ходимларининг жўнатилиши, ўлкада тиббиёт муассасаларининг ташкил қилиниши, врачлар томонидан тиббий хизматни ташкил қилиниши, ўлка маъмурияти томонидан тиббиёт соҳасига муносабати кўриб чиқилган. Бу борада рус врачларининг мавжуд аҳволни ўнглашга интилишлари, тиббий хизматни туб аҳоли орасида ёйиш борасидаги саъй-харакатлари ҳамда ушбу ташабbusларга ўлка маъмурияти томонидан билдирилган муносабати ҳам таҳлилга тортилган.

**Таянч сўзлар:** Туркистон, Туркистон генерал-губернаторлиги, тиббиёт, врач, юқумли кассалликлар, касалхона, амбулатория, вабо.

## РОЛЬ НЕРЕЗИДЕНТНОГО НАСЕЛЕНИЯ В ИЗМЕНЕНИЯХ В МЕДИЦИНСКОЙ СФЕРЕ ГЕНЕРАЛЬНОГО ГУБЕРНАТОРСТВА ТУРКЕСТАН

**Аннотация.** В данной статье анализируется роль некоренного населения в изменениях, произошедших в области медицины после установления власти генерал-губернатора Туркестана в Туркестанской области. В частности, были рассмотрены отправка медицинского персонала в Туркестан, организация медицинских учреждений в стране, организация медицинского обслуживания от врачей, отношение областной администрации к сфере медицины. В связи с этим анализу также подверглись усилия российских врачей по исправлению сложившейся ситуации, их усилия по распространению медицинской помощи среди коренного населения, а также отношение, выраженное администрацией страны к этим инициативам.

**Ключевые слова:** Туркестан, Туркестанское генерал-губернаторство, медицина, врач, инфицированный, больница, поликлиника, холера.

## THE ROLE OF THE NON-RESIDENT POPULATION IN THE CHANGES IN THE MEDICAL FIELD OF THE GENERAL GOVERNORATE OF TURKESTAN

**Annotation.** This article analyzes the role of the non-indigenous population in the changes that occurred in the field of medicine after the establishment of the power of the Governor-General of Turkestan in the Turkestan region. In particular, the dispatch of medical personnel to Turkestan, the organization of medical

institutions in the country, the organization of medical care from doctors by volume, the attitude of the regional administration to the field of medicine were considered. In this regard, the efforts of Russian doctors to correct the current situation, their efforts to distribute medical care among the indigenous population, as well as the attitude expressed by the country's administration to these initiatives were also analyzed.

**Key words:** *Turkestan, Turkestan Governor General, medicine, doctor, infected, hospital, clinic, cholera.*

Туркистан ўлкасига рус медицинасининг тарқалиши ўлкада рус аҳолисининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган. Тошкент ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларини босиб олгандан кейин рус ҳарбий амалдорлари, зиёлилар ва қўчириб келтирилганлар қишлоқ жойларда ёки Туркистан генерал-губернаторлиги шаҳарларининг "рус қисмларида" янги ташкил этилган қўчириш пунктларида алоҳида анклавларга кўчиб ўтдилар. Ушбу "янги" шаҳар қисмларида рус аҳолиси учун барча шароитлар – мактаб, дорихона амбулатория, касалхона, театр, парк, магазинлар, музей, кутубхона, тариспорт ва коммуникация, водопроводлари билан европа типидаги уйлар, ёритилган катта кўчалар қилинган эди. Бу ўлкага Европа цивилизациясининг кириб келишини кўрсатар эди. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу қулайликлар фақатгина рус аҳолиси учунгина мўлжалланган эди. Туб аҳоли учун эса умуман мумкин эмас эди [3:5]. Рус тадқиқотчилари эса русларнинг янги ташкил этилган аҳоли пунктларида уюшган ҳолда жойлашишларини "хавфсизлик, иқтисодий ва маъмурый эҳтиёжлар, янги қўчиб келганлар урф-одатлари ва анъаналари ҳамда Исломга содиклиги билан ажралиб турадиган маҳаллий аҳоли яшайдиган минтақада талаб қилинганилиги" билан изоҳлашади [8:70].

Шаҳарлардаги "рус қисми"га Туркистан бошқарувчилари, зиёлилар, шифокорлар, истеъфодаги ҳарбийлар ва уларнинг оиласлари, хунармандлар билан бирга шифокорлар ҳам кириб келган. Минтақа босиб олинганидан кейин Туркистонда биринчи бўлиб ҳарбий шифокорлар пайдо бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар пайтида яралangan аскарларга, шунингдек, Туркистонга янги келган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатдилар. Туркистонда биринчи тиббий тиббиёт муассасаси 1868 йилда, ўрта Осиё хонликларини қўшиб олиш бўйича ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан бир неча йил ўтгач ва Туркистан Генерал-губернатори ташкил этилганидан бир йил ўтгач очилган. Бу 1870 йилда 415 ўринли иккинчи даражали Тошкент ҳарбий касалхонаси айлантирилган Тошкент ҳарбий касалхонаси эди. "Россия Тошкент" нинг бутун аҳолиси ҳарбий госпиталда хизмат қилган. XIX асрда ҳарбий касалхона(госпиталь) жойлашган кўча "Госпитальной", деб номланган [8:70].

Дастлаб ҳарбий-тиббий инспектор лавозими, кейинчалик эса ҳарбий тиббий бошқарма таъсис қилинган. Туркистонга келган тиббиёт хизматчиларига катта имтиёзлар тақдим қилинган. Ўлкадаги биринчи тиббий муассасалар мутлақ рус аҳолиси учун ташкил қилинган. Лекин вақтлар ўтиши юкумли касалликларнинг авж олиши, айниқса 1898 йили Самарқанд вилояти Анзоб қишлоғида ўлат, 1892 йили Тошкентда вабо тарқалиши маъмурият ўлкада фаолият оллиб бораётган тиббиёт ходимларининг талабига кўра туб аҳоли учун ҳам даволаш ишларини ташкил қилишга мажбур бўлади [3:5].

Ўлкада тиббий хизматларни йўлга қўйилишида Туркистонга Россия империясининг турли ҳудудларидан аҳолининг кўчиб келишлари янада қийинлашишга сабаб бўлади. XIX рининг иккинчи ярмидан бошлаб Сибирь ҳудудлари, Дашиб ўлкаси ва Узок шарқ ҳудудларига йўналтирилган 100 мингдан ортиқни ташкил этган аҳоли у ердаги иқлим шароитига кўника олмасдан, Туркистонга кўчиб кела бошлади. Туркистонга кўчиб келган рус аҳолисини хоҳ унинг кўчиш гувоҳномаси бўлсин, хоҳ у ўзбошимчалик билан рухсатсиз келган бўлсин, ўлкадаги вазият уларни қониқтирумади. Чунки бу ерда: биринчидан, маҳаллий аҳоли томонидан асосий ерлар ўзлаштирилган бўлган; иккинчидан, Туркистон ўлкасидаги ерларни ўзлаштириб, ишлов бериш учун кўчиб келувчиларда сунъий суғориш малакаси бўлмаган; учинчидан, мустамлака ҳукумати томонидан аҳолини кўчириш бўйича ишлаб чиқилган тартиблар амалдаги шароитга тўғри келмаган, маҳаллий маъмурият эса мавжуд вазиятга қараб ўз билганича иш тутган. Натижада ўз ерига эга бўлмаган аҳоли оғир вазиятга тушиб, орқага қайтиб кетишга мажбур ҳам бўлди. Кўчиб келувчиларнинг иқтисодий муаммоларига ижтимоий-тиббий қийинчилик ҳам кўшилди. Масалан, Андижон

хамда Ўш уездларида ишсиз мухтоjlар сони кўпайди, шунингдек, улар орасида турли тиф(ич терлама) каби касалликлар тарқалган [5:18]. Шунинг учун империя маъмуриятига Туркистонга кўчириш оқимини тўхтатиб туриш ҳақида номалар жунатилган.

1883 йилдан бошлаб Тошкентда “маҳаллий аёллар ва болалар учун амбулатория” иш бошлади, унинг гояси аёл шифокорлар Н. Н. Гундиус, А. В. Пославская ва Е. Н. Манделштамга тегишли бўлиб, улар минтақанинг автохтон аҳолиси аёлларининг дини ва урф-одатлари уларга эркак шифокорлардан ёрдам сўрашга имкон бермаганлигини пайкашди. Аёл шифокорлар дастлабки босқичда ўзларининг тиббий хизматларини бепул таклиф қилишиди. Татар Биби Гафифа Нургалиева касалхонада таржимон бўлиб ишлаган. 1905 йилдан бери амбулаторияда 4 та ётқ бор эди. Уларда вилоятнинг туб аҳолисининг аёллари туғруқ учун қабул килинган. Аммо бу жуда кам учрайдиган ҳолатлар бўлиб, аёллар туғруқ пайтида ёрдам сўраб рус шифокорларига мурожаат қилишган [8:70-71].

Амбулатория бошлиги туман ҳарбий тиббий инспектори томонидан танланган аёл шифокор сифатида ишлаши мумкин эди. Бундан ташқари, лавозимга тайинланган Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган. Штат жадвалига кўра, амбулаторияда 2 шифокор, 1 аёл фельдшер, 1 таржимон ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан 1 киши ишлаган [7:119].

Шифокорлар даволаниш учун қишлоққа борган ҳолатлар жуда кам бўлган, гарчи шаҳар шифокорлари вақти-вақти билан чечакка қарши эмлаш ва бошқалар учун округларга боришга мажбур бўлишган.

Туркистон ўлкасида 1880-1889 йиллар, яъни ўн йил давомида россиялик шифокорлардан тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар сони қўйидагича бўлган: 1889 йил – 94497, 1888 йил – 72558, 1887 йилда – 63205, 1886 йилда – 73492, 1885 йилда – 55254, 1884 йилда – 42344, 1883 йилда – 37211, 1882 йилда – 27211, 1881 йилда – 22219, 1880 йилда – 20757. маҳаллий аҳолининг россиялик шифокорларга мурожаатлари ортиб борганлиги, лекин аҳоли сонига нисбатан анча камчиликни ташкил этганлигини кузатишимиz мумкин. Масалан, 1889 йилда вилоят бўйича жами 34437 нафар аҳоли тиббий ёрдам учун ташриф буюришган. Бу даврда вилоят умумий аҳолиси сони 700 мингдан ортиқ эди [2:311].

Фарғона вилояти қўшинларида касаллар орасида ўлганлар сонига келсак жуда ўртача фоиз олинади ва бу Россияга қараганда анча кам. Бу ерда 1000 та ҳолатда 10,3, 1880 йилда - 9,0, 1884 йилда ўлганлар сони, Фарғонада esa 6 йил давомида 1000 та ҳолатда ўртача йиллик ўлим сони атиги 3,94 тани ташкил етган. Биз қўшинлар ва минтақа аҳолиси орасида касаллик ва ўлим ўртасида параллеллик ўрнатолмаяпмиз, чунки маҳаллий аҳоли ўлими ва ҳатто аҳоли сони бўйича статистик нашрлар жуда нотўғри; Россиянинг собиқ аҳолиси сони жуда оз [4:14].

1885 йилда бутун аҳолининг ўлими ҳақидаги расмий маълумотлардан 1000 кишига 21,30 киши вафот етганини кўриш мумкин. Олдинги йилларда ҳеч нарса маълум эмас. Россия аҳолиси, бу маълумотлар аниқроқ; шундай қилиб, 1882 йилда қўшинлар бундан мустасно, 31,82 та 1000 рус аҳолиси вафот этди; 1883 йилда 53,79; 1884 йилда 46,34; 1885 йилда 75,99. Агар маҳаллий аҳоли орасида ўлим даражаси кўпроқ ёки камрок тўғри бўлса, унда биз рус аҳолисининг ўлими ҳақида қайгули хуносага келишимиз керак, улар орасида маҳаллий аҳолига қараганда анча кўп ўлишади. Албатта, ўлимнинг энг кичик фоизи кичик болаларга нисбатан тўғри келади, уларнинг кўпчилиги ҳар ёзда маҳаллий диареядан вафот этади. Туб аҳолининг болалари эса маҳаллий нокулай иқлим шароитларига яхшироқ тоқат қиласидилар.. Аммо умуман олганда, ҳозирги вақтда аниқ статистик маълумотлар бўлмаса, ҳар қандай ижобий хуносалар эрта бўлади [4:15].

Шу даврдаги асарларда Фарғона вилоятидаги тиббий ҳолат бўйича ёзилган асарларда ҳақиқат ҳолат бўйича кўплаб объектив қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан, унда қайд этилган қўйидаги маълумотлар дикқатга сазовор. “Фарғонадаги шифокорларимиз шу пайтгача юқорида қайд этилган микроорганизмларни микроскопик текшириш, уларнинг ривожланиши ва тарқалишини кузатиш имконига эга эмас эдилар. Аммо ҳар биримиз мўл-кўл суғориш ва илиқ иқлим таъсирида бой ўсимликлар пайдо бўлган жойларда ишонч

хосил килишимиз керак эди. Бу органик моддаларнинг битмас-туганмас материалини беради, улар чириган пайтда безгак касалликларининг энг кучли ва хилма-хил шаклларини келтириб чиқаради [4:35].

XIX асрнинг 80-йилларидан областда маҳаллий аҳоли менталитетидан келиб чиққан ҳолда, аёллар ва болалар учун мўлжалланган шифохоналар очила бошлаган. Биринчи аёллар ва болалар шифохонаси 1887 йил Кўқон шаҳрида очилган бўлса, 1888 йил Андижонда, 1889 йил Намангандаги, 1891 йил Марғилонда бундай шифохоналар фаолият юрита бошлади 24 . Бу шифохоналарда М.И. Шишова, О.И. Солнишкина, М.С. Голошевская, М.К. Филиппова, М.А. Гейштор каби русийзабон шифокор-аёллар аҳолига тиббий хизмат кўрсатганлар [1:15].

Иван Петрович Охангарон водийсидаги Тошкент округининг Тиллау қишлоғини танлаган, чунки бу ер у окулист хақидаги билимларини амалиётда муваффақиятли кўллаши мумкин бўлганжой эди. И.П.Шевердин қишлоқ амбулатория касалхонасини очиб, ёшлигидан кўрликдан азият чекаётган ва бошқа турли касалликлардан азоб чекаётган туб аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишга муваффақ бўлди. У ўзбек тилини муваффақиятли ўзлаштирган ва беморлар билан таржимонсиз мулоқот қила олган. Кўз касалликларидан ташқари, Иван Петрович Шевердин безгак, тиф, шамоллашни даволаш билан шуғулланган, чечакка қарши эмлаш музолажалари ва операцияларини, шу жумладан, кесар кесиши амалиёти ва ҳоказоларни амалга оширган. Тиббиёт асосларини ўзлаштирган Олга Алексеевна эрига аёлларни даволашда ёрдам берган [8:70-72].

Самарқанд вилоятида фақат маҳаллий бемор аёлларни ва уларнинг ёш болаларини қабул қилиш учун маҳсус ажратилган амбулаториялар ҳам мавжуд бўлган. Мазкур шифохоналар 1886 йилдан вилоятнинг Самарқанд ва Хўжанд шаҳарларида фаолияти йўлга қўйилиб, улар фельдшерлар ёрдам берадиган аёл-шифокорлар томонидан бошқарилган. Самарқанд ва Хўжанд шаҳарларида аёл-шифокорлари бўлган маҳсус аёллар ва болалар шифохоналарининг ташкил этилиши мусулмон аёлларга нисбатан рационал тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини яратган. Бундан кўзланган асосий мақсад ёш авлод онгига ёшлигидан рус тиббиёти устун ва афзал деган гояни сингдириб бориш ҳамда рус маданиятини ёйиш, аҳоли ишончига кириш орқали ўз хукмронлигини янада мустаҳкамлаш бўлган [2:311].

Улардан бири Мусо Ильич Слоним (1875-1945) бўлиб, кўп йиллар Туркистонда ишлаган шифокордан ҳисобланади. У Тошкентда, матбаачи оиласида туғилган. Моисей Ильич Слоним 1893 йилда еркаклар гимназиясини тутатиб, ўша йили Қозон университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Уни тутатгандан сўнг, 1899 йилда у Тошкентга қайтиб келди ва у ерда тропик экспедицияда шифокор сифатида қабул қилинди. Слоним Барданқўл қишлоғига юборилди, у ерда бир ярим ой ичида у 2,3 мингга яқин bemorni, шу жумладан, безгакдан азият чекаётган деярли 1,4 минг bemorni қабул қилди.

Экспедицияда ўзини яхши кўрсатган Слоним Янкел Беркович Магнетштейн бош шифокор бўлган Тошкент шаҳар касалхонасига кўчиб ўтди. М. И. Слоним ҳам Европа, ҳам мусулмон аҳолиси орасида машхурликка эришиб, камбагалларга бепул рецептлар ёзар ва баъзан уларга сотиб олиш учун пул ҳам берган. Рус маъмурлари томонидан минтақада яхудийларга нисбатан ишончсизлик кайфияти кучайгач, М. И. Слонимнинг аҳволи янада мураккаблашди. Хавфсизлик бўлими уни "сиёсий ишончсизликда" гумон қилди ва 1908 йилдан 1910 йилгacha давом этган кузатув ўрнатилади. 1913 йилда шаҳар думасининг интилишларига қарамай, улар кетишга мажбур бўлган бўлса-да, кичик тиббиёт ходимларидан миннатдорчилик тилакларини олиб туришади.

Таҳлил қилинган даврда Туркистонда хусусий тиббиёт ривожлана бошлади. 1908 йилда Тошкентда шифокор А.Н.Предтеченская томонидан 5 ўринли, агар керак бўлса, у 12 тагача кенгайтирилиши мумкин бўлган биринчи хусусий аёллар шифохонаси очилди. Йил давомида унда 220 аёл даволанди, уларнинг ярмига яқини тутруқдаги аёллар бўлиб, улардан касалхонада 8 кун қолиш учун 25 дан 40 рублгача тўлов олинди. Стационар bemorlar кунига 3 рубл тўлашди. XX аср бошларида Тошкентда доя Ковалева ва шифокор

М.И. Горенштейн 4 ўринли хусусий гинекологик шифохона ва 6 ўринли туғруқхона очди. Улардан баъзилари ҳафтанинг маълум кунларида камбағалларга бепул хизматлар кўрсатдилар. "Туркистон Ведомости" газетасида сешанба ва жума кунлари А.З.Хавинанинг стоматология кабинетида тишларни бепул даволаш мумкинлиги ҳақидаги эълонни ўқишингиз мумкин. 1911 йил маълумотларига кўра, Тошкентда 48 нафар шифокор бўлиб, улардан 30 нафари хусусий тиббий хизмат кўрсатган [7:120].

1909 йил Тошкентда таниқли яхудий врачи М.И.Слонимнинг укаси Сулаймон Илич хусусий физиотерапия клиникасини очди, унда беморларга турли хил муолажалар – массаж, терапевтик лой, минерал сувлар, шарқона даволаш усуслари қўлланилган. Тошкентдаги бошқа шифохоналарда кўплаб шифокорлар – турли ихтиососликдаги европалик яхудийлар ишлаган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар кисмida А. Л.Шварцнинг эркаклар амбулаторияси бор эди, у мусулмон аҳолига ёрдам кўрсатди. Стоматологларнинг аксарияти яхудий эди. Масалан, Тошкент хайрия жамиятининг стоматологи В. М. Зелманович ҳар душанба, чоршанба ва шанба кунлари камбағал беморларни бепул қабул қиласа эди. Ўрга Осиёнинг бошқа шаҳарларида ҳам кўплаб яхудий шифокорлари бўлган.

1913 йилнинг 1 апрелида Кўқонда Ч.Ю.Норвилло ва Н.С.Качхоев томонидан 10 та доимий жойга эга бўлган биринчи хусусий шифохона очилган. Шифохона Уставига кўра касалхона жарроҳлик, ички касалликлар, аёллар касалликлари ва асад касалликлари билан оғриган беморларга замонавий илмий талабларга жавоб берадиган даволаш ва парвариш қилиш имкониятини яратиш мақсадида ташкил этилган. Ўша давр матбуотида хусусий шифохоналарнинг фаолияти ёритиб борилган. Чунончи, "Садои Фарғона" газетасида Кўқондаги Ч.Ю Норвилло ва Н.С. Качхоевларнинг хусусий шифохонасидан ташқари аёл шифокор Е.С. Мастеркова, шифокорлар Чернобородов ва Брайнштейнларнинг хусусий шифохоналари беморларни икки маҳал: эрталабки соат 9 дан соат 12 гача, кечқурун соат 17 дан соат 19 гача қабул қилишлари ҳақида хабарлар ҳам берилган [6:286].

Амбулатория поликлиникалари асосан Туркистон вилояти шаҳарларида очилган, қишлоқ аҳолиси тиббий ёрдамисиз қолган. Масалан, XIX аср охири - XX аср бошларида Самарқанд вилоятида атиги 11 та, Сирдарё вилоятида 15 та амбулатория мавжуд эди. Аксарият шифокорлар томонидан маҳаллий тилларни билмаслик ва таржимонларнинг етишмаслиги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни мураккаблаштириди. Буни 3 йил 1914 сентябрда "Садои Фарғона" газетасида чоп этилган мақола тасдиқлайди, унда маҳаллий аҳоли шифокорлари билан боғланмасликнинг сабабларидан бири тил муаммоси еканлиги айтилган. Беморлар ўз ҳолатларини имо-ишоралар билан тушунтиришди, лекин шифокорларнинг сўзларини тушунишмади ва тасодифий дори-дармонларни қабул қилишди. Ушбу мақоланинг номаълум музалифи Туркистон аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳатто юзлаб мусулмон шифокорлар ҳам етарли емаслигини ёзган [1:17].

Сирдарё Кўчириш Бошқармаси ҳудудида 1915 йилга келиб 15 та врачлик ва фелдшерлик хизмат кўрсатиш марказлари кўчиб келган аҳолига тиббий хизмат кўрсатган. Бу хизматлардан маҳаллий аҳоли ҳам фойдаланганлиги таъкидланади. Ушбу марказлар, асосан, Туркистонга кўчиб келганларнинг вақтингча яшаш жойи ҳисобланган бараклар яқинида жойлашган эди. 1915 йилда жами 52513 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатилган. Тошкент шаҳрида тиббий марказлар сифатли бўлган. Кўчиб келганлар бу ерда тиббий назоратдан ўтиб, асосан, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари уездларига жўнатилган [5:20].

### Хулоса

Туркистон вилояти шифокорлари ва тиббиёт ходимлари кўп ишларни амалга оширидилар, кўпинча энг зарур ёрдамни кўрсатдилар. Бунда айрим рус врачларининг фидокорона меҳнатлари, ўз хизмат вазифаларига чукур масъулият билан ёндашишларини ҳам эътироф этиб ўтиш жоиз. Бироқ, Россия империяси хукумати тиббий хизматни кенг аҳоли орасида ривожлантириш учун етарли маблағ ажратмади ва натижада таҳлил қилинган даврда тиббий ёрдамнинг бутун тизими оммавий характерга эга бўлмади. Натижада ўлгадаги янгидан йўлга кўйилган тиббий хизмат туб аҳоли ва туб бўлмаган тоифасининг ҳам эҳтиёжларини тўла қондира олмади. Октябрь тўнтарилишидан кейин тиббиёт

муассасаларининг Туркистон генерал-губернаторилиги томонидан молиялаштирилишига қарамлиги, кам сонли хусусий тиббиёт муассасаларининг буржуазия қолдиқлари сифатида қабул қилиниши ўлкадаги тиббий хизматга берилган катта бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бадалов А.А. Фаргона обласида соғлиқни сақлаш тизими ва ундаги ўзгаришлар: тарихий таҳлил (XIX аср охири – XX аср бошлари) мавзусидаги 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Андикон, 2022. – Б. 15.
2. Бўтаев Ж.Ш. XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилоятида тиббий ахвол (ЎЗМА ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА) // ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021 ISSN: 2181-1385. – Р. 311.
3. Зияева Д.Х. Медицина и здравоохранение в Средней Азии: традиции, модернизации и трансформация (конец 19 – начало XX вв.) Социальная жизнь в Центральной Азии в начале XX века. Материалы международной конференции. – Самарканд, 2010. – С. 5.
4. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т.III. Новый Маргелан, 1891. – С.14.
5. Равшанов Ш.Т.Туркистонга Россия империяси ахолиси кўчиб келишининг ижтимоий тарихи (XIX аср охири – 1917 йил) мавзусидаги 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. – Б. 20.
6. Суворов В.В. Медицинская помощь как фактор культурного и политического влияния в оценках отечественной публицистики рубежа XIX – начала XX века // Bulletin of Medical Internet Conferences (ISSN 2224-6150) 2017. Volume 7. Issue 3. – С. 647.
7. Шадманова С.Б. Медицина и население Туркестана: традиции и новации (конец XIX - начало XX вв.) // Историческая этнология. 2017. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/>
8. article/n/meditsina-i-naselenie-turkestana-traditsii-i-novatsii-konets-xix-nachalo-xx-vv (дата обращения: 20.05.2023).
9. Цыряпкина Ю.Н. Деятельность русских военных врачей в ходе организации медицинского дела в Ташкентском уезде Туркестана во второй половине XIX – начале XX вв. // Вестник Кемеровского государственного университета, 2017, – № 1. – С.70,

***Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган***

## **QAYTA QURISH YILLARIDA BUXORO MUZEYLARI**

**Xodjayeva S.N. (“TIQXMMI” MTU BTRBI)**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Buxoro muzeyi va filiallarining faoliyati ilmiy tahlil qilindi. O‘zaro hamkorlik qilinishi, yangi filiallarni tashkil etilishi haqida fikr yuritildi. Muzey fondini boyitish, ashyolarini qaytarish bo‘yicha qilingan say’-harakatlar to‘g’risida ma’lumot berildi.

**Tayanch so‘zlar:** *muzey, Ark, filial, Mohi Xosa muzeyi, San’at muzeyi, ko‘rgazma, eksponat, ekspozitsiya, muzey fondi, kolleksiya.*

## **МУЗЕИ БУХАРЫ В ГОДЫ ПЕРЕСТРОЙКИ**

**Аннотация.** В данной статье научно проанализирована деятельность Бухарского музея и его филиалов. Обсуждались вопросы взаимного сотрудничества и создания новых филиалов. Была дана информация о предпринимаемых усилиях по пополнению фонда музея и возврату его предметов.

**Ключевые слова:** *музей, Арк, филиал, музей Мухи Хоса, музей искусства, выставка, экспонат, экспозиция, музейный фонд, коллекция.*

## **BUKHARA MUSEUMS IN THE YEARS OF RECONSTRUCTION**

**Annotation.** This article scientifically analyzes the activities of the Bukhara Museum and its branches. Issues of mutual cooperation and creation of new branches were discussed. Information was given about the ongoing efforts to replenish the museum’s fund and return its items.

**Keywords:** *museum, Ark, branch, Mokhi Khosa Museum, Art Museum, exhibition, exhibit, exposition, museum fund, collection.*

Madaniy-oqartuv ishlarida muzeylar alohida o‘rin egallaydi. 1986-yil Buxoro viloyatida Buxoro Davlat tarixiy arxitektura muzey qo‘riqxonasi, uning beshta filiali va 20 ta xalq muzeylari faoliyat ko‘rsatdi [1]. Ularda 3 mingdan ortiq ashyo namoyishga qo‘yilgan edi. Tabiat bo‘limida 4 xonada 312 dona, sovetlarga gacha bo‘lgan davr tarixi bo‘limida 7 xonada 964 dona, sovet davri tarixi bo‘limida 14 ta xonada 713 dona eksponat qo‘yilgan. Sitorai Mohi Xosa muzeyi amaliy san’at bo‘limida 8 ta xonada 274 dona, San’at muzeyi 11 ta xonasida 475 dona, Zindon muzeyida 51 dona, Ibn Sino memorial muzeyida 7 ta xonada 120 dona va Rometan muzeyida 7 xonada 150 dan ortiq eksponatlar namoyish uchun qo‘yildi [2].

O‘zbekiston SSR Ministrler sovetining 1983-yil 16-maydagi 308-sonli qarori bilan muzey Buxoro davlat tarixiy-me’morchilik muzeyi-qo‘riqxonasi nomini oldi (1940-1945 yillarda Buxoro viloyat o‘lkashunoslik, 1945-1969 yillarda Buxoro tarixiy-o‘lkashunoslik muzeyi deb nomlangan bo‘lsa, 1969-1983 yillarda Buxoro viloyat o‘lkashunoslik muzeyi deb nomlangan). Uning tarkibiga filiallaridan tashqari mingdan ortiq madaniy yodgorliklar hamda 603 ta davlat muhofazasidagi obyektlar kiritilgan.

1985-yildan boshlab Buxoro muzeyining faoliyatida qator o‘zgarishlar sodir bo‘ldi. Sovet Ittifoqi davrida Buxoro muzeyidan boshqa viloyat muzeylariga olib ketilgan buyumlar qaytarildi. Yangi filiallari tashkil etildi, ayrim tarixiy yodgorliklar muzeyga aylantirildi hamda ko‘plab ko‘rgazmalar yangilandi. Shu yili muzey direktori lavozimiga tayinlangandan R. V. Almeyev [3] barcha ishlarda tasabbuskorlik qildi.

XX asr 80-yillarning oxiriga kelib muzey jamlanmasidagi ashylar soni yetmish mingdan, tashrif buyuruvchilar soni esa ikki milliondan oshdi. Uning filiallari ko‘payib, soni o‘n bittaga yetganligini quyidagi jadvaldan bilish mumkin.

1-jadval

**XX asr 80-90-yillar oraliq’ida tashkil qilingan Buxoro o‘lkashunoslik muzeyining filiallari[4]**

№	Tashkil etilgan yili	Muzey ochilgan bino	Muzey nomi
1	1980-yilda	Peshko‘ tumani Afshona qishlog’ida	Ibn Sino me’morial muzeyi
2	1982-yilda	Buxoro shahridagi davlat banki	San’atmuzeyi
3	1986-yilda	Govkushon madrasasida	“XIX-XX asrlarda Buxoroning misgarliksan` ati” muzeyi
4	1987-yilda	Chashmai Ayub yodgorligida	Buxoro suv ta’mintonimuzeyi
5	1986-87-yilda	Abdulazizzon madrasasida	Yog’och o‘ymakorligi ekspozitsiyasi
6	1988-1989-yilda	Ibrohim Oxun madrasasida	“Qadimgi Varaxsha” muzeyi
7	1987-yilda	Ko‘kaldosh madrasasida	“Sadreddin Ayniy hujrasi”, “Jalol Ikromiy” bo‘limi
8	1988-1989-yillarda	Bolohovuz masjidida	Kulolchilik muzeyi
9	1988-1989-yillarda	Labihovuz masjidida	Buxorolik hunarmand mahsulotlarining sotilishi ko‘rgazmasi
10	1989-yilda	Mag’oki Attor	Gilamko‘rgazmasi
11	1989-yilda	Buxoro shahridagi F.Xo‘jayev yashagan uyida	F.Xo‘jayev uy -muzeyi

1986-yil davomida joylarda 5 ta ko‘rgazma namoyish etildi. “Buxoro rassomlari - KPSS XXVII s’ezdiga”, “Buxoro yosh ijodkorlari tinchlik haqida”, “Muzeyning xalqaro muzeylar

kuniga tuhfasi” va “Buxoroning XIX-XX asrlardagi mis o‘ymakorligi san’ati”[5] singari tematik ko‘rgazmalar o‘tkazilganligini ta`kidlash mumkin. Shu yilning 20-iyulidan 15-oktabrigacha Tomsk va Kalpasheva shaharlarida “XIX-XX asrlarda Buxoroning amaliy-dekorativ san’ati” ko‘rgazmasi ham tashkil qilindi. Unda milliy erkaklar kiyimi, Buxoro sopol, mis va zargarlik buyumlari, O‘ba qishlog’ida Hamrobibi tomonidan yasalgan o‘yinchoqlar namoyish etildi. 13-dekabrdagi Gavkushon madrasasida “Buxoroning XIX-XX asrlardagi mis o‘ymakorligi san’ati” nomli ko‘rgazma tashkil qilindi va unda 70 dona eksponat qo‘yildi. Muzey va uning filiallarini bir million 960 ming kishi kelib ko‘rdi.

Kommunistik partiya har bir madaniyat o‘chog’i mehnatkashlarni kommunistik tarbiyalashda muhim rol o‘ynashi zarur, deb hisoblardi. Muzeylar ham bundan chetda qolmadni. Kishilarning ma‘naviy ehtiyojlarini qondirish bilan birga partiya boshchiligidagi olib borilayotgan siyosatni targ’ib qilishi kerak edi. Tadqiq etilayotgan davrda fondlardan mehnatkashlarni ateistik ruhda tarbiyalashda keng foydalanildi. 1986-yil muzey ilmiy xodimlari tomonidan komunistik va ateistik g’oyalarni targ’ib qiluvchi 45 ta tadbir tashkil qilindi. Unda institut va to‘rtta texnikum talabalari hamda 23 ta maktab o‘quvchilari qatnashdi. 1987-yil qishki ta‘til vaqtida maktab o‘quvchilari uchun “maktab haftaligi”da 7 ming o‘quvchiga 412 ta ekskursiya uyushtirildi va qo‘srimcha ravishda “yosh o‘lkashunos”, “yosh arxeolog” va “yosh tarixchi” to‘garaklari faoliyat yuritdi[6].

Muzeyda bir qator qiyinchiliklar va muammolar ham mavjud edi. Uning asosiy ekspozitsiyalari, idorasi, fondlari Ark qal’asida joylashgan. Kichik ekspozitsion xonalar yil sayin ko‘payib borgan. Bunday xonalarda ekspozitsiyani zamon talablariga mos darajada saqlash imkonni yo‘q edi. Zallar qishda sovuq, yozda issiq. Ark arxitektura yodgorligi bo‘lganligi uchun isitish sistemasini qurib bo‘lmashdi. Ekspozitsiyalarda normal temperatura faqat xodimlar va tomoshabinlar uchun emas, balki eksponatlar uchun ham g’oyat zarur hisoblanadi. Bundan tashqari fondlardagi o‘n minglab eksponatlar yerto‘la sharoitida saqlangan. Unda haroratni saqlash, binoni shamollatishning iloji yo‘q edi. Muzey ekspozitsiyalarini jihozlash uchun moddiy-texnik bazasi yetarli emasdi. Shunga qaramay ishchi-xodimlar belgilangan rejani bajarish uchun astoydil mehnat qilishgan.

1987-yil muzey fondiga 2391 dona ashyo qabul qilindi. Ulardan 611 tasi numizmatika, 600 tasi etnografiya, 97 tasi arxeologiyaga oid hujjalardir[7]. Fonddagi ashylar soni 70033 donaga yetkazildi. Qabul qilingan ashylarning 2105 donasiga topografik va kolleksion kartochka tuzildi[8]. 5 ming 932 ta eksponat muzey ekspozitsiyalarida namoyishga qo‘yildi. 1986-yilda 63 ming so‘mlik, 1987 yilda 80 ming 800 so‘mlik badiiy-tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan materiallar sotib olindi. Muzey fondining boyiganligi ekspozitsiyalarni qayta qurish, yangi ko‘rgazma va filiallar ochish imkonini berdi. Arkda “Numizmatika va epigrafika” bo‘limi ish boshladidi. 1986-yil muzey va uning filiallarida 24,5 ming ekskursiya tashkil qilindi[9]. Xodimlar tarixiy va madaniy yodgorliklarni ilmiy jihatdan o‘rgandilar. Badiiy kartinalar, mis o‘ymakorligi, kashtachilik bo‘yicha kataloglar tayyorlandi. O‘rtal Osiyo yozma yodgorliklari bo‘yicha kitob, Buxoro amirligining rasmiy muhrlari katalogi nashrdan chiqdi. 1987-yil muzey daromadi 1985-yilga nisbatan 115,5 ming so‘mga ortdi.

Muzeylar turli guruhlarga, toifalarga va kategoriyalarga bo‘linadi. O‘zbekiston Respublikasida davlat muzeylari toifalari darajalariga ko‘ra oliy toifa, I toifa, II toifa, III toifadan iborat. 1945-1969-yillarda Buxoro tarixiy-o‘lkashunoslik muzeyi deb nomlanib, respublikada III kategoriya kiritilgan bo‘lsa, 1969-1988-yillarda II kategoriya kiritilgan. O‘zbekiston SSR Ministrlar sovetining 1988-yil 21-martdagi 112-sonli qaroriga asosan Buxoro davlat badiiy-me’morchilik muzeyi-qo‘riqxonasi nomini oldi va 1989-yil 1-yanvardan respublikada I kategoriyaladagi muzey deb qayd qilindi[10].

1988-yil 21-martda O‘zbekiston SSR Ministrlar Soveti “Buxoro davlat arxitektura-badiiy muzey-qo‘riqxonasi faoliyatini takomillashtirish haqida” qaror qabul qildi. Undagi noyob yodgorliklar haqida har tomonlama g‘amxo‘rlik qilishga jamoatchilik fikrini qaratish kerakligi taklif etildi.

Muzey ashylari “yuqori” dan berilgan ko‘rsatmalarga muvofiq respublika va undan tashqaridagi muzey, teatr, ko‘rgazmalariga olib ketilgan. 90-yillarda ularni qaytarish bo‘yicha salmoqli ishlar amalga oshirildi. 1948-yilda poytaxtdagi Alisher Navoiy nomli kutubxonaga 14

ta Xitoy guldoni berilgan. Shulardan 6 tasi yana muzey xazinasidan joy oldi. 1955-yilda Surxondaryo viloyati o'lka o'rganish muzeyiga 26 ta eksponat olib ketilgan. Ular orasida Xitoy guldonlari, chinni tovoqlar, Rossiya shamdonlari, oftoba, piyola, choynak, marmar tovoqlar va zardo'zi oyoq kiyimlari bor edi. Shularning hammasini qaytarib olishga muvaffaq bo'lindi. Urush yillarida Sadriddin Ayniy nomidagi Buxoro davlat musiqali drama va komediya teatriga 46 ta eksponat berilgan. Ulardan paranji, kaltacha, erkaklar alacha choponi, bolalar xalatlari, zardo'zi peshonabandlar, zardo'zi chopon va so'zanadan 20 tasi qaytarib olindi. Biroq ularni namoyish etishning iloji bo'limgan. Chunki qariyib 50 yil davomida aktyorlar ularni sahnalarda kiyib, ba'zilarini qayta tiktilganlar. 1948-yilda Alisher Navoiy nomidagi davlat opera va balet teatriga berilgan 14 ta zardo'zi chopondan 3 tasi, O'zbekiston SSR Fanlar akademiyasining adabiyot muzeyidan oftoba, joynamoz, do'ppi, kuloh, gilamcha, farangi gul ro'mol, Ibn Sino nomidagi Buxoro viloyat kutubxonasidan 143 ta muhim qo'lyozma va tosh bosma kitoblardan 136 tasi qaytarib olindi[11]. 1984 yil O'zbekiston SSR Davlat san'at muzeyining qadimiy noyob buyumlar va zargarlik fondi (keyinchalik O'zbekiston SSR qadimiy noyob buyumlar va zargarlik san'ati muzeyi) tashkil etilishi munosabati bilan uchta – sof Buxoro tillasidan tayyorlangan brilliantli sulton toj, buxorolik zargar tomonidan yasalgan yoqut ko'zli va brilliantli ayollarning bo'yniga taqiladigan oltin bezakli "tavq", katta qiymatga ega bo'lган nafis isirg'ani olib ketishdi[12]. Ularni hozircha qaytarib olishning iloji bo'lmayapti, -deydi muzeyning ilmiy xodimi M.Nusratova o'zini 1991-yil 14-iyunda chop etilgan Buxoro haqiqati gazetasidagi "Muzeyning mulki o'ziga qaytarildi"[13] deb nomlangan maqolasida.

1980-yili tasviriy san'at kolleksiyasini yuqori darajada ko'rsatish, saqlash va ko'paytirish maqsadida O'zbekistonning sobiq rahbari Sharof Rashidovning tashabbusi bilan Buxoro san'at muzeyi tashkil qilinib, u uchun alohida bino ajratilgan edi. Ushbu bino ikki qavatli bo'lib, 1912-yilda rus injeneri Margulis va arxitektori Sakovichlar loyihasiga asosan qadimgi Shohrud (Rudizar) arig'i ustiga murakkab me'morchilik inshooti sifatida rus savdogari Savva Morozov firma magazini va Azov-Donskiyning bank bo'limi sifatida qurilgan. Ushbu binoda sho'rolar to'ntarishidan keyin 1980-yilgacha Davlat banki joylashgan edi. 1980-yilda Maxsus ta'mirlangan bino muzeyga moslashtirilib, Buxoro san'at muzeyining 3 ta bo'limi joylashtirildi. Bular: tasviriy san'at(kartinalar galleriyasi), o'zbek xalq amaliy san'ati, xorijiy Sharq xalqlari (Xitoy, Yaponiya,Eron, Hindiston va Rossiya) san'at bo'limlari[14].

1986-yilda "Muzeyning yangi eksponatlari" deb nomlangan ko'rgazma ochildi. U arxeologiya, xalq amaliy san'ati, tarix, sovet jamiyatি tarixiga oid bo'limlardan iborat edi. 1985-yilda xodimlar tomonidan 3020eksponat yig'ilgan edi. Ular yilning eng qimmatbaho eksponatlari ko'rgazma zalini bezab turgan. Arxeologiya bo'limida eramizdan oldingi 3-2 minginchi yillar bronza davriga mansub ayollar taqinchoqlari, qadimiy Poykent xarobalaridan topilgan nodir eksponatlар namoyish etildi. Ayniqsa, "usmajo'shak", "qaymoqkosa" singari topilmalar tashrif buyuruvchilarda qiziqish uyg'otdi. Shu yili Abu Ali ibn Sino nomidagi kutubxona muzeyga 600 dan ortiq noyob hujjatlarni taqdim etdi. Buxoro xonligi va Buxoro Xalq Soviet respublikasi haqida hikoya qiluvchi bu hujjatlar asosan vaqf qog'ozlari edi. Ular orasida Buxoro va Vobkent shaharlarining qurilish loyihasi hamda xonlikning Afg'on, Eron singari chet davlatlari bilan yozishmalaridan iborat hujjatlar bor edi.

XIX asrning oxiri XX asrning boshlarida Buxoro xalq amaliy san'ati va etnografiyasiga doir ko'rgazmadan nodir zargarlik buyumlari o'rın olgan. Buxoroning usta zargarlari asosan kumush, oz miqdorda oltin, asl metallar bilan turli toshlardan foydalanib buyumlar yasashgan.Ular orasida an'anaviy xotin-qizlar bezagi-firuza ko'zli bilaguzuk, qimmatbaho tosh qadalgan isirg'a, peshonaband taqinchoq—"mohi tillo" alohida ajralib turadi. Ko'rgazma kolleksiyasida qadimiy dekorativ kashtado'zlik san'atining noyob na'munalari ham qo'yilgan. Ular orasida zanjirkashta usulida tikilgan so'zanalar, do'ppi va boshqalar o'tmishda avlodlarimiz mahoratining yuksakligidan dalolatdir. Sovet tarixi bo'limida namoyish etilgan hujjatlar oblast hududida sovet hokimiyatining o'rnatilishi, yer islohoti, shahar va qishloq xo'jaligi mehnatkashlarining yutug'idan hikoya qiladi [15].

1986-yil avgust oyida San`at muzeyida yosh rassomlarning ijodiy ko‘rgazmasi ochildi. Unda6 ta rassomning asarlari namoyish qilindi. SSSR rassomlar soyuzining a’zosi, oblast komsomoli mukofoti laureati buxorolik Bahodir Salomov, SSSR rassomlar soyuzining yoshlari bo‘limi a’zosi Zelimxon Saidjonov, shuningdek A. Barnoyev, A.Hazratov, N.Boboyev, M.Abdullayevlar rangtashvir, peyzaj, natyurmort, grafik ishlari bilan qatnashdilar. Ko‘rgazma Bahodir Salomovning “Daraxt odam bilan barhayot”, “Xazonrezlik”, “Oqshomgi suhbat” kabi kartinalari namoyishi bilan boshlandi[16]. Shu yilning sentyabr oyi muzeyda zamonaviy tasviriy san`at bo‘limi tashkil etildi. O‘zbekiston SSR Madaniyat ministrligi eksponat komissiysi Bahodir Salomovning ijod na`munalari bilan birga Azim Hazratov (“Bolalikni eslash”), Asad Barnoyev (“Falastin hayoti”), Nison Boboyev (“Hovuz bo‘yida”, “Eski mahalla”), Muzaffar Abdullayev (“Dorbozlar”, “Kechki Buxoro”) Zelimxon Saidjonovlarning bir qator asarlarini tasviriy san`at bo‘limiga qo‘yishni lozim topdi[17].

1991-yilda muzeyga mashhur musavvir Kamoliddin Bekzod nomi berildi[19]. 1970-1980 yillarda o‘zbekistonlik tanqli rassomlar qatoriga Q.Basharov, R.Choriyev, T.A.Oganesov, I.I.Enin, R.Viko, Ch.Axmarov, A.N.Volkov va boshqalar qo‘shildilar. Ularning ijodiy izlanishlari natijasida dunyoga kelgan asarlari namunalari bilan muzey fondi boyitildi.

1984-yil Buxoro Davlat tarixiy arxitektura muzey qo‘riqxonasining tashkil qilinishi bilan Mohi Xosa filialini ham kengaytirish ko‘zda tutildi. Sitorai Mohi Xosa muzeyi Ministrlar sovetining 1983-yil 16-maydagi 308-sonli qaroriga asosan Buxoro davlat badiiy-me’morchilik muzey-qo‘riqxonasi tarkibiga kiritilgan edi. Saroyning 10-gektarga yaqin bog‘i rekonstruksiya qilinib, undagi pavilionlar ta‘mirlandi. Yozgi saroyni qurgan mashhur me`mor Usta Shirin Murodovning byusti o‘rnatildi. Saroy mebellari qayta tiklandi. Muzey xodimlari Ashxabod shahrida yashovchi B.Eleseevadan Mohi Xosa saroyidan tarqatilgan servant va stolni, serviz va boshqa buyumlarni sotib olib, muzeyni boyitdilar. 20-yillarda tarqatilgan saroy buyumlari oblastimizning turli burchaklarida yashovchi ayrim kishilarning uylarida saqlanayotgan bo‘lishi mumkin. Muzey mudiri Qoryog‘di Jumayev “Buxoro haqiqati” gazetasiga chop qilingan maqolalari orqali aholiga murojaat qilib, ular bu buyumlarni muzeyga sotsalar, beba ho durdonalar xazinasini boyitishga o‘zlarining ulushlarini qo‘shgan bo‘lur edilar, deydi[18].

1985-yil davomida muzeyni 282 ming kishi kelib ko‘rdi. Uning xodimlari 40 dan ortiq xorijiy davlatlardan kelgan 21 ming sayyohga xizmat ko‘rsatdi. 1985-yil va 1986-yilning to‘rt oylik rejali 120 foizga bajarildi. Muzeylarni oshib borayotgan ahamiyati ekspozitsiyalar namoyishining eski uslublarini qayta ko‘rib chiqish, eksponatlardan yangi talablar asosida foydalanishni taqozo etadi. 1985-yil Shofirkon, G‘ijduvon chevarlarining XIX asr oxiri va XX asr boshlarida tikkан noyob kashtachilik so‘zanalari, buxorolik zargarlar Sharif Baqoyev, Qosimjon Mirakov, Sadreddin Pochchayevlar tayyorlagan zargarlik buyumlari, zeb-u ziynatlardan tashkil topgan ko‘rgazma ochildi. Ish faoliyatida boshqa muzeylar bilan ko‘rgazma ayirboshlash muhim o‘rin tutadi. Iyun-sentyabr oylarida muzeyda tashkil qilingan “Buxoro xalq amaliy san`ati” ko‘rgazmasi Tomsk davlat muzeyi zallarida namoyish qilindi.

Muzey fondi yil sayin noyob eksponatlar hisobiga boyib bordi. Shofirkon rayoni kolxozlaridan 70 ga yaqin bezaklar, zardo‘zlik, kashtachilik buyumlari, sopol idishlar, kumush tangalar, noyob qo‘lyozmalar, jumladan, Mirzo Bedilning she`rlaridan iborat qo‘lyozma kitob, Buxoro shoirlarining asarlari ko‘chirilgan devonlar sotib olindi[19].

1987-yil Sitorai Mohi Xosaning yaqinda ta‘mirlangan mehmonxona binosi “Xonai hisht”da “XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida Buxoro shahri aholisining milliy kiyimlari” deb nomlangan yangi ekspozitsiya tashkil etildi. Ekspozitsiyaga erkaklar, ayollar va bolalarning o‘tgan asrda tayyorlangan kiyimlari qo‘yilgan bo‘lib, ular mahalliy matolardan, gazlamalardan tikilgan. Ko‘rgazmada 120 dan ortiq eksponatlar namoyish etildi[20].

1991-yil 21-yanvarda Xalq Deputatlari Buxoro shahar Kengashining “Tarixiy obidalarni muzeylashtirish to‘g’risida”gi qaroriga asosan “Temirchilik hunari tarixi” muzeyi, 1987-yilda Sitorai Mohi Xosa saroyining “Xonam halut” mehmonxonasida “Buxoroliklarning milliy kiyimlari” muzeyi, 1991-yilda esa kanizakxona binosida “Badiiy kashtachilik va uy-ro‘zg’or buyumlari” muzeylari tashkil etildi[21].

**Xulosa.** O‘rganilayotgan davrda Buxoroda muzeylarning faoliyatida qator o‘zgarishlar sodir bo‘ldi. Sovet Ittifoqi davrida boshqa viloyat muzeylariga olib ketilgan buyumlarning aksariyati qaytarildi. Yangi filiallari tashkil etildi, ayrim tarixiy yodgorliklar muzeyga aylantirildi hamda ko‘plab ko‘rgazmalar yangilandi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Buxoro viloyati davlat arxivsi. 1023-fond, 5-ro‘yxat, 564-hujjat, 32-varaq.
2. Klichev O. A., Boltayev A.H. Buxoro muzeyshunosligi va arxivshunosligi: o‘quv qo‘llanma. – Buxoro, 2020. – B.75.
3. Boltayev A., Ramazonova F. Buxoro o‘lkashunoslik muzeyi 100 yoshda (tarix va tahlil. Muzeyshunoslik XXI asrda: tadqiqotlar, an‘analar va innovatsiyalar. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. 2-kitob. O‘zRFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi. – Toshkent, 2022. – B. 211.
4. Klichev O. A., Boltayev A. H. Buxoro muzeyshunosligi va arxivshunosligi: o‘quv qo‘llanma. – Buxoro, 2020. – B.79.
5. Buxoro haqiqati. 1987-yil 3-fevral, – № 23 (17.059)
6. Klichev O. A., Boltayev A. H. Buxoro muzeyshunosligi va arxivshunosligi: o‘quv qo‘llanma. – Buxoro, 2020. – B.75.
7. Buxoro haqiqati, 1988-yil 18-may, – № 94 (17.380)
8. Klichev O. A., Boltayev A. H. Buxoro muzeyshunosligi va arxivshunosligi: o‘quv qo‘llanma. – Buxoro, 2020. – B.74.
9. Buxoro haqiqati.1988-yil 18-may, – № 94 (17.380).
10. Klichev O. A., Boltayev A. H. Buxoro muzeyshunosligi va arxivshunosligi: o‘quv qo‘llanma. – Buxoro, 2020. – B.17.
11. Buxoro haqiqati.1991-yil 14-iyun. – № 115 (18.146)
12. Buxoro haqiqati. 1988-yil 26-iyul. – № 142 (17.448)
13. Buxoro haqiqati. 1991-yil 14-iyun. – № 115(18.146)
14. Sulaymonova M. Muzey-madaniyat va ma’rifat maskani. Buxoro davlat muzey-qo‘riqxonasining 100 yilligi, 2021. – B.27.
15. Buxoro haqiqati. 1986-yil 7-iyun, – №111. (16. 897)
16. Buxoro haqiqati. 1986-yil 23-avgust, –№164.(16. 950)
17. Buxoro haqiqati. 1986-yil 27-sentyabr, – №188.(16. 974)
18. Buxoro haqiqati.1986-yil 11-yanvar, – № 8.(16. 794)
19. Buxoro haqiqati.1986-yil 1-may, – № 97. (16. 883)
20. Jumayev Q. Muzeyning yangi ko‘rgazmasi. Buxoro haqiqati. 1987-yil 17-noyabr.
21. Sulaymonova M. Muzey-madaniyat va ma’rifat maskani. Buxoro davlat muzey-qo‘riqxonasining 100 yilligi, 2021. – B. 11.

*Nashrga prof. B. Eshov tavsiya etgan*

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (1991-2021)

**Хакқулов С. (КарДУ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон маданият тарихининг таркибий қисми хисобланган шаҳарсозлик ва замонавий архитектуранинг ривожланиши хусусида кисқача тўхтаган.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон, қиёфа, меъморчилик, қурилиши соҳаси, тарих, меъмор, ландшафт, шаҳарсозлик, архитектура, мустақиллик, ўрганилиши.

### РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОГО ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВА И АРХИТЕКТУРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ (1991-2021 ГГ.)

**Аннотация:** В данной статье описывается историография истории архитектуры, которая считалась составной частью истории культуры Узбекистана в годы независимости.

**Ключевые слова:** Узбекистан, вид, независимость, архитектура, сфера строительства, история, историография, ландшафт, архитектор.

**DEVELOPMENT OF MODERN URBAN AND ARCHITECTURE IN UZBEKISTAN (1991-2021)**

**Annotation.** This article describes the historiography of the history of architecture, which was considered a component of the cultural history of Uzbekistan during the years of independence.

**Key words:** *Uzbekistan, independence, architecture, construction industry, history, historiography, architect.*

Мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллар кўп. Шулар орасида мъеморчилик соҳасининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, тинч-осойишта, жадал ривожланаётган ва мақсад-у мэрраларни юқори олган, келажакни ўйлаган давлатдагина бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилади<sup>1</sup>. Ҳар бир халқни ва мамлакатни миллий анъаналарини, маданияти, маънавияти ва урф-одатларини, илми-ютафаккурини намойиш этишда унинг санъати ва мъеморчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қатор катта ва кичик шаҳарларида мъеморчиликни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилди. Бугун юртимизнинг ҳар бир худудида, шаҳар марказларида катта-катта иморатлар барпо этиляпти. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмунмоҳият бағишиламоқда. Тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат ва давлат раҳбарининг фармон ҳамда қарорлари, қабул қилинган давлат дастурлари, улар ижросини таъминлаш, тармоқда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар натижада бунёдкорлик кўламлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу ислоҳотлар самараси ўлароқ шаҳарларимиз кўчалари кунданкунга гўзаллашиб салобат касб этмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаҳарсозлик ва мъеморчилик соҳаси тубдан ўзгариб, янги анъаналар билан бойиб борди. Бу даврда шаҳарсозликда халқ мъеморчилиги меросидан унумли фойдаланиш, маҳаллий шароитларга мос slab, кўркам ва шинам, жаҳон андозаларидан колишмайдиган биноларни барпо этишга катта эътибор қаратилди. Шаҳарсозлик мъеморчиликнинг катта ва алоҳида соҳаси хисобланади. Туар жойлар, мавзе (квартал), кичик микрорайон (маҳалла)лар, майдонлар ва боғлар, кўча ва хиёбонлар, саноат ва ижтимоий бинолар ҳамда транспорт магистраллари, турли коммуникация ишлари хисобга олиниб, келажакда ривожлантирилиши кўзда тутилган шаҳар лойиҳаси яратилади. Мана шу лойиҳа асосида шаҳарлар барпо этилади ёки қайта тикланади, таъмирланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, тадрижий ривожлантириб борилди. Хусусан 1995 йили “Архитектура ва шаҳарсозлик” бўйича, 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сон фармонига мувофиқ Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси негизида Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги ташкил этилди. Вазирликнинг асосий вазифалари этиб - шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёsatни олиб бориш, Республика худудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар худудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиши; шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёsatининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш (ва бошқа қатор йўналишлар) белгиланди<sup>3</sup>.

“Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги фармонига мувофиқ ишлаб чиқилиб, унга шаҳарсозлик соҳасини халқаро даражага қўтариш, шунингдек, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришга, Республика худудларини режалаштиришга нисбатан шаҳарсозлик талабларининг асосий қоидаларини қонуний равищда мустаҳкамлаш

<sup>1</sup>“Янги Ўзбекистон” газетаси. 2022 йил 13 август, 164-сон. – Б. 1-3.

<sup>2</sup>Абдуллаев.Ш. Архитектура тарихи. – Т.: Чўлпон нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 14.

<sup>3</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2020 йил 17 ноябрдаги 117-сони.

заруратидан келиб чиқиб ёндашилди. Бирок, қурилиш соҳасидаги янги даврнинг бошланиши, тизимдаги муаммоларни аниқлаш, тан олиш ва очиқлаш, айникса, уларни ечиш осон кечгани йўқ. Ушбу соҳани ривожлантиришга оид 2017 - 4 та, 2018 йилда - 13 та, 2019 йилда - 10 та ва 2020 йилнинг шу кунигача 10 дан ортиқ, 2017-2019 йиллар ва 2020 йилнинг шу кунига қадар қурилиш соҳасини тартибга солувчи жами 40 га яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарор ва фармонлар тизимда йиллар давомида сақланиб қолган муаммоларни тубдан ислоҳ қилишга қаратилди.

Шунингдек, 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сонли “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сонли “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.<sup>1</sup>

Бугунги кунда юртимизда янги қурилаётган айрим биноларда миллийлик руҳи сезиларли даражада намоён этилган. Биноларда ишлатилаётган миллӣ оргаментлар ва уларнинг замонавий кўринишдаги талқини диққатимизни ўзига жалб этади. Шуни таъкидлаш лозимки, бинода хоҳ у тарзда бўлсин, хоҳ интеръерда, анъанавий декоратив графика элементларининг замонавий қиёфадаги кўриниши биноларимизнинг кўркига кўрк қўшиб турибди<sup>2</sup>. Бундай биноларимиз қаторига меморчиликдаги замонавий ёндашувларни асосан истиқлол йилларида янгидан бунёд этилган “Олий Мажлис”, “Туркистон саройи”, “Миллӣ банк”, “Темурийлар тарихи музейи”, “Дедеман”, “Ле-Меридиан”, “Редиссон”, “Афросиёб”, “Бухоро”, “Шератон”, “Ислом сивилизацияси маркази”, “Хумо ариена”, “Халқаро форумлар саройи”, “Ёшлар ижод маркази”, “Либослар галлереяси” каби меморий иншоотлар хисобланмиш музейлар, меҳмонхоналар, турар жойлар, ижтимоий обьектлар ва спорт мажмуалари мисолида қўришимиз мумкин.

Шаҳарсозликда боғ-парк архитектураси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли бу соҳага ҳам этибор қаратилиб истиқлолнинг дастлабки йилларида Тошкент шахрининг марказида 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан “Алишер Навоий” номли миллӣ боғ барпо этилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Тошкент вилоятининг пойтакхта туташ қисмида, Қиброй туманида 104 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи бунёд этилди. Ушбу боғлар қурилишида ландшафт меморчилигидан мукаммал фойдаланилган. Қурилиш соҳаси замонавий ёндашувлар асосида жадал суратларда ўсиб борди. Шу маънода, сўнгги йилларда қурилиш бўйича Президентнинг 22 та хужжати ва хукуматнинг 21 та қарори қабул қилингани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, шаҳарсозлик кодекси янги таҳрирда қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 ноябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мӯлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси” тасдиқланган<sup>3</sup>. Замонавий шаҳарсозлик наъмуналари сифатида асосан жамоат бинолари, ижтимоий аҳамиятга эга бинолар ва турар жойларни мисол келтиришимиз мумкин.

Юртимизнинг чекка-чекка худудларидағи аҳоли манзилгоҳлари инфратузилмасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар доирасида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли юз берган ўзгаришлар ҳам ўзгача. Ушбу дастурлар доирасида аҳволи оғир 413 та маҳалланинг бош режаси ишлаб чиқилди. Шу асосида 18 та шаҳар бош режасига тузатиш киритиш, 228 та шаҳарча, 200 та мастер режа ва 465 та қишлоқ аҳоли пунктининг бош режалари билан бирга батафсил режалаштириш ва ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрда “Янги Ўзбекистон” масивларини куриш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони соҳадаги ишларни

<sup>1</sup> Конунлар тўплами.

<sup>2</sup> Кодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меморчилиги, – Тошкент, 2004.

<sup>3</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 13 августдаги 164-сони. – Б. 1-3.

юқори босқичга олиб чиқкан хужжатлар сирасидан бўлди десак, айни ҳақиқат. Чунки ушбу фармон туфайли ўша йилнинг ўзидаёқ Фаргона вилоятининг Боғдод туманида илк тамал тоши қўйилган “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши 2022 йилга келиб янада кенгайтирилди. Республикаиз вилоятларининг марказларида барча замонавий инфратузилмаларни ўзида мужассамлаштирган Массивлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бунинг натижасида худудлардаги ахолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжлари қондирилмоқда.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 1 464,5 мингтани ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 62,1 мингтага ошган. Худудлар бўйича кўп квартирали уйлардаги квартиралар сони:

- |                                    |                                   |
|------------------------------------|-----------------------------------|
| ◆ Қорақалпоғистон Р. – 44,1 мингта | ◆ Наманган вилояти – 49,6 мингта  |
| ◆ Андижон вилояти – 56,8 мингта    | ◆ Самарқанд вилояти – 97,7 мингта |
| ◆ Бухоро вилояти – 68,4 мингта     | ◆ Жиззах вилояти – 67,2 мингта    |
| ◆ Қашқадарё вилояти – 59,1 мингта  | ◆ Навоий вилояти – 77,7 мингта    |
| ◆ Сурхондарё вилояти – 45 мингта   | ◆ Сирдарё вилояти – 43,2 мингта   |
| ◆ Тошкент вилояти – 164,0 мингта   | ◆ Фаргона вилояти – 125,3         |
| ◆ Ҳоразм вилояти – 38,5 мингта     | ◆ Тошкент шаҳри – 527,9 мингтани  |
- ташкил этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда меъморчиликнинг ландшафт соҳаси ҳам янгидан йўлга қўйилиб, ривожлантирилиб борилмоқда. Шу боис кейинги йилларда меъморчиликнинг ушбу ўналишини ўрганишга бағишлиланган кўплаб, илмий ишлар эълон қилинди. Л.А.Одилов, Д.У.Исамухамедов, К.Д.Рахимов, А.С.Уралов, Н.В.Дробченко кабиларнинг ишлари шу мавзу ҳақидадир. Масалан, Л.А.Одиловнинг китобида ландшафт меъморчилигини ҳозирги замон шароитида йўлга қўйиш масаласи, шаҳар кўкаламзорлаштириш тизими, шарқ мамлакатлари боф-парк санъати, замонавий ландшафт меъморчилигининг асосий тенденциялари, парк ва боғларда кўкаламзорлаштириш тадбирлари ҳақида фикрлар билдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, мақоламиз дебочасида қайд этганимиздек, одамларга обод ва фаровон ҳаёт тарзини яратиш мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг енг устувор мақсади ҳисобланади. Янгиланиш, ўзгариш қайси соҳада бўлмасин, инсонга унинг турмуш тарзини ижобий томонга бурилишида хизмат қилиши шарт.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. “Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлиги муаммолари” мавзусидаги илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2003.
2. Азимов И. Архитектурные памятники Ферганской долины. – Т.: Узбекистан, 1982.
3. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2000.
4. Аскаров Ш. Генезис Архитектуры Узбекистана. – Т., 2014. – 224 б.
5. Абдуллаев.Ш. Архитектура тарихи. – Т.: Чўлпон нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
6. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2002. – 224 б.
7. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Ўқув қўллама. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 142 б.
8. Воронена В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. – М., 1965.
9. ҲаккуловА.Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 63.
10. Зоҳидов П.Ш. Меъмор санъати. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ап санъат нашриёти, 1978.
11. Кадырова Т.Ф. Архитектура и дизайн //Архитектура и строительство Узбекистана. – Ташкент, 2001, – № 1. – С.49-53.
12. Қодирова Т. Ўзбек совет архитектураси. – Т., 1966. – Б. 47.
13. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. – М., 1950.

14. Меморчиллик ва бинокорлик илмининг долзарб муаммолари. (Илмий ишлар тўплами). – Т., 1994. – Б. 115.
15. Миралимов М.М., Сайфиддинов С., Бабажанов М.В. Архитектура. Дарслик. – Т., 2016. – 316 б.
16. Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Т., 1984.
17. Нильсен А.В. Архитектура Средней Азии. – Ташкент, 1966.
18. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик асослари. – Тошкент, 1996.
19. Ўралов А.С. Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидағи архитектураси // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши, 2007, 3-сон. – Б. 23-28.
20. Нозилов Д. Халқ меморчилиги. – Т.: Фан, 1982. – 96 б.
21. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меморчилиги. – Тошкент, 2004.

*Наширга т.ф.д. Г.Мўминова тавсия этган*

## ҚАРШИ ШАҲРИ ВА УНИНГ АТРОФИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

**Каромов Ш. (КарДУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Қарши шаҳри ва атрофидаги бўлиб ўтган тарихий-маданий, сиёсий воқеликлар, бу жараёнларнинг тарихий илдизлари, асослари ва омиллари ҳакидаги фикр мулҳозалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** Еркўргон, Сўгд, Парфия, Наутака, Шуллуктепа, Қалъаи Захоки-Марон,

### ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ГОРОДЕ КАРШИ

**Аннотация.** В данной статье выражены историко-культурные, политические реалии, происходившие в городе Карши и его окрестностях, исторические корни, основы и факторы этих процессов.

**Ключевые слова:** Еркурган, Согд, Парфия, Наутака, Шуллуктепа, Калай Захоки-Марон,

### HISTORICAL-CULTURAL AND POLITICAL PROCESSES IN KARSHI CITY

**Annotation.** This article describes the historical, cultural and political realities of the city of Karshi and its surroundings, the historical roots, foundations and factors of these processes.

**Keywords:** Erkurgan, Sogd, Parthia, Nautaka, Shulluktепа, Qal'ai Zahoki-Maron,

Халкаро миқёсда глобаллашув жараёнлари тобора жадаллашиб бораётган бугунги кунда Фарб ва Шарқ цивилизацияларининг уйғунлашуви, турли худудларда яшаб, фарқли динларга эътиқод қилувчи халқларнинг ўзлигини англаши, халқаро майдондаги ўзаро муносабатларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги, маданий мерос ва маҳаллий маданиятларни сақлаб қолишга бўлган интилиши янада долзарб масалага айланмоқда. Хусусан, жаҳоннинг турли худудларида яшовчи аҳолининг этномаданий алоқалари, маҳаллий маданиятлар ва миграция жараёнларининг этномаданий муносабатларга таъсири масалалари тарихшуносликда муҳим ахамият касб этмоқда. Республикамиз худудларида бўлиб ўтган кўплаб турли-туман этник, маданий, ижтимоий-иктисодий, диний ва сиёсий жараёнларнинг илмий-қиёсий жиҳатларини очиб беришга сўнгги йилларда катта эътибор берилмоқда. «Янги жамият қурилиши жараёнида ҳалқимизнинг тарихидаги бой маданият ва бунёдкорлик анъаналарини ўрганиш ва улардан фойдаланиш катта ахамиятга эга»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон тарихи Марказий Осиё тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу борада Марказий Осиёда бўлиб ўтган тарихий-маданий воқеликлар, бу жараёнларнинг тарихий илдизлари, асослари ва омилларини янги илмий маълумотлар асосида тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни қўриб чиқиш ҳамда умумлаштирилган холда холосалар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонфармонининг 1-иловасида келтирилган «2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бойича Ҳаракатлар стратегияси» [Электронресурс]. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>. (Мурожаат килинган сана: 17.11.2019).

чиқариш, Марказий Осиё тарихининг Ўзбекистон цивилизацияси ривожига қўшган хиссасини илмий асосларда ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун хам Ўзбекистонда сўнгти йилларда антик ва ўрта асрлар даври билан боғлиқ илмий ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Зоро, “тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга колдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.”<sup>1</sup>

Қарши шахри Марказий Осиёда вужудга келган энг қадимги шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бу шаҳарнинг ёшини аниқлаш учун унинг атрофида бўлган бир қанча археология ёдгорликларида қазишмалар олиб борилган.

Қадимги Жанубий Сўғд худудида жойлашган Қашқадарёда қадимдан ибтидоий одамлар истикомат қилиб келганлиги бу ердаги туб маданиятнинг вужудга келиши маҳаллий аҳоли томонидан яратилишига асос бўлади Сўғд “Авесто”да “Гава Суғуда”, юонон ва рим манбаларида “Согдиана” тарзда берилган. “Сўғд” сўзининг этимологияси ҳозиргача аниқ ўз ифодасини топмаган<sup>2</sup>.

Қазишма материалларида кўрсатилганидек, қадимий аҳоли пункти Еркўргон милоддан аввалги VII-VI асрларда йирик қадимий дехкончилик манзилгоҳи сифатида вужудга келган. Милоддан аввалги VI-V асрларда кескин юксалишни бошдан кечирди. Бу даврда у асиметрик тўртбурчак шаклида девор билан ўралган бўлиб, шарқий юзида узилиш бўлиб, таҳминан 40 гектар майдонни ўраб олган<sup>3</sup>.

Наҳшабнинг иқлими Қашқадарёning юқори оқимида жойлашган Кеш вилоятидан кескин фарқ қиласди. Бу ерда асосан текислик ва чўлга туташиб кетганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Наҳшабнинг маркази бўлган шаҳарга эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда асос солинган. Бу шаҳар мустаҳкам икки қатор девор билан ўралган. Ўз даврининг йирик шаҳарларидан бўлган Еркўргон Жанубий Сўғднинг пойтахти ҳам бўлган. Кейинчалик эрамизнинг VI-VII асрларига келиб ўз ўрнини Шуллуктепа ўрнида бўлган шаҳарга бўшатиб беради. “Худуд ул-оламда” тилга олинган шаҳар айнан мана шу Шуллуктепага тўғри келади.

Шу ўринда Еркўргоннинг қадимги номи тўғрисида айрим фикрларни айтиб ўтиш жоиз. Шаҳарнинг антик даврдаги Ксениппа шаҳрига тўғри келишини кўпчилик тарихчилар таъкидлашади. Косон шаҳрининг номи шу сўзининг бузилиб айтилиши, унинг ўртасидан оқувчи дарёни эса қадимда Касанаб, яъни Косон дарёси деб аташган<sup>4</sup>. Қадимда Жанубий Сўғд Бактрия, Аҳамонийлар, Александр Македонский, Салавкийлар, Юнон-Бактрия ва Кушон давлати таркибиға кирган. Шубҳасиз, мана шу узок давр мобайнода Жанубий Сўғдда мулкий тенгсизлик жамиятга асос солинади, ички ва ташқи савдо йўллари пайдо бўлади ва ниҳоят хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Албатта, бу худуд ўз бошидан тинчгина ривожланиш ўйлени кечирган эмас. Маҳаллий аҳоли вужудга келтирган маданият ва хўжаликни бир неча марталаб чет эл босқинчилари томонидан вайрон этилиши ёки ўзаро урушлар оқибатида шаҳар ва қишлоқларнинг хароб бўлиши бунга мисол бўла олади<sup>5</sup>.

Аҳамонийлар империясининг 200 йиллик ҳукмронлиги вақти келиб, ёш ва навқирон Македониялик Александр томонидан тор-мор этилади. У ўз юришларини шарққа томон давом эттириб, Марказий Осиёга кириб келади. Маҳаллий аҳоли эса мустақилликни сақлаб қолиш учун муносиб тарзда қаршилик кўрсатади. Шундай қаршилик ҳаракатларидан

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга ўтамиш. 1-жилд. – Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ 2017. – Б. 29.

<sup>2</sup>Лившиц В.А. История изучения Согда. [www.kunstkamera.ru](http://www.kunstkamera.ru). – С. 5.

<sup>3</sup> Исамиддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана. История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 17.– Ташкент: Фан, 1982, – С. 77.

<sup>4</sup>Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX начала XIII вв.– Ташкент: Ўзбекистон, 1996. – С. 55.

<sup>5</sup>Яркулов А. Илк ўрта асрларда Жанубий Сўғд ижтимоий тузуми ва хўжалигининг ривожланиши. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. Илмий-назарий, услубий журнал. СамДУ ахборотномаси, 2004, 4-сон. – Б. 19.

бирига Спитамен бошчилик қилади. Унинг озодлик учун бошлаган ҳаракати бутун Сўғдга ёйлади. Албатта, Жанубий Сўғд ҳам бу жараёнда фаол қатнашади.

Шу даврда юон-рим тарихчилари томонидан унинг юришлари баён этилиши билан бирга, босиб олган вилоятлари қаторида Сўғдиёна ҳам тилга олинади. Илк марта Жанубий Сўғд худуди икки вилоятга ажратилган ҳолда таърифланади. Милоддан аввалги IV асрда Сўғднинг жанубий қисми-Қашқадарё воҳаси икки вилоятга – Наутака ва Ксениппага бўлинган бўлиб, бу ҳақда юон тарихшуноси Ариян ва римлик Квент Курций Руф маълумот беришади<sup>1</sup>.

Шарқдан янги қабилаларнинг кириб келиши кидарийлар, хионийлар ва эфталийлар билан боғлиқ. Уларнинг кириб келиши маҳаллий маданиятга, ижтимоий муносабатларга ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига ҳам таъсири кўрсатади.

Чорвадор аҳолининг ўтроқлашиши бир худудда ёнма-ён маданиятларнинг параллел ривожланиши ва бир-бирига таъсирини кучайтиради. Бу эса, илк ўрга асрларга келиб янги бир маданий анъаналарнинг вужудга келишига турткى бўлади. Кидарийлар ва хионийлар қисқа вақт давомида хукмронлик қилган бўлса, эфталийлар бу ерда 150 йил давомида фаолият кўрсатган. Бу давр мобайнида ўзлари хукмронлик қилиб турган барча жойлар қаторида Жанубий Сўғдда ҳам ўзларининг ўчмас изларини қолдиришган.

Эфталлар Шарқий Туркистондан Амударё бўйларигача бўлган улкан давлатга асос солган бўлсаларда, уларнинг жангавор қобилияtlари юқори баҳолансада, Кушон подшолиги худудидан каттароқ худудларни эгаллаган бўлсаларда, уларчалик сиёсий жиҳатдан мустаҳкам давлат тузу олмадилар. Бунга балки, уларнинг сиёсий тузумида қабилалар иттифоқи анъаналарининг сақланиб қолганлиги сабаб бўлса, ажаб эмас.

Эфталлар хукмронлик қилган даврда маҳаллий хукмдорларни ўзига қарам ҳолда сақлаб, фақатгина бож ва солиқ ундириш билангина кифояланганлар холос. Бу эса мамлакатда феодал тарқоқликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Маҳаллий хукмдорлар эса ҳамиша мустақил сиёsat юритишга интилиб келган.

Маркази Тоҳаристонда (Амударёнинг ўрга оқими) жойлашган эфталий-хионийлар давлати тараққиёт даражаси, тили ва маданияти турлича бўлган қабилалар ва халқларнинг мураккаб йигиндиси эди. Шаҳаншоҳ Пероз эфталийлар хужумига қаршилик қўрсатишга уриниб кўрмади, бундан ташқари, у улар томонидан икки марта асирга олинади ва сосонийлар асирга олинган подшоҳ учун жуда катта тўлов тўлашга мажбур бўладилар. Олимларнинг фикрича, Ўрга Осиёда Пероз тангаларининг яққол устунлигини айнан шу факт билан боғлаш мумкин. Эфталийларнинг танга зарб этиши бутунлай сосонийларнинг пул тизимиға, хусусан, Пероз драхмаларига қаратилган эди. Дастреб, эфталийлар хукмдорнинг тасвирлари ёки аждодлар тамғаси туширилган муҳрлар билан сосоний тангаларини зарб қилишган, кейин улар сосоний тангаларидан нусха кўчириб, ўзларининг, аммо аллақачон паст даражадаги тангаларни чиқаришни бошладилар. Давлат мавжудлигининг сўнгги ўн йилликларида хукмдорлар тасвирлари ва Бактрия тилидаги ёзувлар гарчи улар умуман тақлид бўлиб қолган бўлса-да, эфталит тангаларида акс эттирила бошланди

Эфталларнинг сиёсий ҳаётида Жанубий Сўғд марказий ўринда турган. Буни эфталларнинг турклар билан жангларининг асосийларидан бири Еркўргон яқинида бўлганлигидан ҳам билса бўлади. Еркўргонда ҳаёт фаолиятини тўхташига эфталийлар ва турклар ўртасидаги қақшатқич жанглар сабаб бўлган. Қалъаи Захҳоки-Марон эса араб истилоси давригача фаолият кўрсатган<sup>2</sup>.

Нахшаб ва унинг атрофидаги тарихий-маданий ва сиёсий жараёнлар шаҳарларнинг ривожланиши учун қай даражада таъсири кўрсатганлигини биз қўйида кўриб ўтамиш. Шимолий Бактрияда эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда Жарқўтон манзилгоҳини дастлабки шаҳар сифатида эътироф этилса, Самарқанд Сўғдида эрамизнинг биринчи минг

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Яркулов А. Нахшабнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихидан. Ўзбекистон археологияси, 2011, – №1 (2), – Б. 138.

йиллиги бошларида дастлабки шаҳарлар мавжуд бўлганлиги хозирги кунда барчага маълум. Шу қатори Жанубий Сўғдда ҳам эрамиздан аввалги биринчи минг йиллиқда дастлабки шаҳарлар пайдо бўла бошлайди.

Марказий Осиёда ташкил топган дастлабки давлатлар қадимги Бактрия, Хоразм давлатлари мавжуд бўлса-да, улар Эронда ташкил топган Аҳамонийлар давлати сингари марказлашган ёки қудратли давлат даражасига кўтарила олмаган. Натижада ушбу давлатлар, жумладан, Сўғдиёна ҳам аҳамонийлар давлатига босқинчилик йўли билан қўшиб олинган. Милоддан аввалги VI асрнинг охирги чорагида Сўғд, Парфия, Арея ва Хоразм билан биргаликда Аҳамонийлар давлати таркибига кириб, унинг XVI ўлка-сатраплигини ташкил қилган<sup>1</sup>.

Худуд ул-оламда Нахшаб – ноз-неъматлар фаровон, экинзорлар кўп обод шаҳар. Унинг бир дарёси бор, шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтади, деб таърифланади. Шунингдек, Нахшабга қарашли бир неча шаҳарлар ҳам санаб ўтилади: Сўнах, Базда ва Касба<sup>2</sup>. Булардан Касба ва Баздалар йирик шаҳарлар эканлиги таъкидланади<sup>3</sup>.

Касби Қарши ва Шуллуктепадан жануби-гарб томонда жойлашган бўлиб, қишлоқ атрофида хозиргача Касбитепа деб аталган шаҳар харобаси сақланиб колган. Унинг ўлчами 180x120 метрни ташкил этади. Касбитепа эрамизнинг биринчи асрларида пайдо бўлиб, мўғуллар давригача гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Бу борада шуни ҳам таъкидлаш керакки, Қашқадарёда ўша пайтларда мавжуд бўлган кўп сонли шаҳарлардан ҳаёт давом этган саноқлиларидан ҳисобланади.

Базда шаҳри хозирги Кўхна-Фазли шаҳар харобаси ўрнида бўлган деб ҳисобланади. У ўз даврининг йирик шаҳарларидан бўлиб, арк қисми 150x100 метр бўлган, шахристон қисми эса 55 га бўлган. Эрамизнинг биринчи асрларида вужудга келган<sup>4</sup>.

Жанубий Сўғдиёнанинг антик даврга оид қатор кўхна шаҳарлари - Қалъаи Захоки-Марон, Шуллуктепа, Кўхна Фазли, Киндиклитепа кабиларнинг ҳам дастлабки асосини мустаҳкамланган қалъа ва миноралар ташкил этган<sup>5</sup>.

Ҳофизи Абронинг 1414-1420 йилларда ёзилган “География” асарида айтилишича, - “Нахшаб, уни Насаф ҳам дейдилар, хозир Қарши номи билан машҳур...”

Хулоса қилиб айтганда, Қадимги ва ўрта асрлардаги Нахшаб худудлари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Шу билан бирга, умумий маданий макон бўлишидан ташқари унинг таркибидаги айrim худудлар, айникса, Қарши, Касби ва Косон худудлари ўзларининг нисбатан алоҳида ривожланиш ҳамда маданий ўзига хосликларга эгадир Қарши шаҳрининг ривожланиб боришини Еркўргон – Қалъаи Захоки Марон – Шуллуктепа – Қарши тарзи ифода этсак бўлади. Бу шаҳар Сўғддаги энг қадимги шаҳарлардан бўлиб, ривожланиш ва иқтисодий инқироз даврларини босиб ўтган бўлса-да, турли даврларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ вазифасини бажарган. Шаҳарларнинг ривожланиши Нахшаб-Насаф вилоятларининг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётининг гуллаб-яшнашига асос бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-иловасида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» [Электрон ресурс].<http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>. (Мурожаат килинган сана: 17.11.2019).

<sup>1</sup> Саъдуллаев А.С., Аминов Б.Б., Якубов Б.С. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997. – Б. 5.

<sup>2</sup> Худуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008.– Б. 13.

<sup>3</sup> Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв.– Ташкент: Ўзбекистон, 1996.– С. 62.

<sup>4</sup> Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв.– Ташкент: Ўзбекистон, 1996.– С.64.

<sup>5</sup> Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. – Б. 191.

<sup>6</sup> Раимкулов А.А., Мамадиев Б.Б. Қарши қальясининг тарихий топографиясига доир // O'zbekiston arxeologiyasi,– №1, – Самарқанд, 2010. – Б. 96.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлмизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга ўтамиз. 1-жилд. – Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ 2017. – Б. 29.
3. Ливицц В.А. История изучения Согда. [www.kunstkamera.ru](http://www.kunstkamera.ru). – С. 5.
4. Исамиддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана. История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 17. – Ташкент: Фан, 1982, – С. 77.
5. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX начала XIII вв. – Ташкент: Ўзбекистон, 1996. – С. 55.
6. Яркулов А. Илк ўрта асрларда Жанубий Сўфд ижтимоий тузуми ва хўжалигининг ривожланиши. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. Илмий-назарий, услубий журнал. СамДУ ахборотномаси, 2004, 4-сон. – Б. 19.
7. Яркулов А. Нахшабнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихидан. Ўзбекистон археологияси, 2011, – №1 (2), – Б. 138.
8. Саъдуллаев А.С., Аминов Б.Б., Якубов Б.С. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997. – Б. 5.
9. Ҳудуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б. 13.
10. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Ўзбекистон, 1996. – С. 62.
11. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2008. – Б. 191.
12. Раимкулов А.А., Мамадиев Б.Б. Қарши қальясининг тарихий топографиясига доир // O'zbekiston arxeologiyasi, – №1, – Самарқанд, 2010. – Б. 96.

**Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ҚЎШИН ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

**Худойқулов Т.Д. (Шахрисабз давлат педагогика институти)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда қадимдан ҳарбий соҳанинг шаклланиб бориши ва умумий ҳолати бўйича маълумотлар таҳлил қилинади. Ҳусусан, Ўзбекистон худудида шаклланган қабила, уруғ вакиллари, шаҳар давлатлардан чиқкан моҳир саркардаларнинг жаҳон ҳарбий санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшганилиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, ҳозирга қадар колдиқлари сақланиб қолган, катта меҳнат билан қурилган мудофаа деворлари, қалъа-истехқомлари, Амир Темур кўллаган ҳарбий тактика ва қўшин тузилишлари нафакат минтака, балки жаҳон ҳарбий санъати ривожида катта ўрин тутганлиги эслаб ўтилади.

**Таянч сўзлар:** ҳарбий тактика, Аҳамонийлар, Александр Македонский, Араб ҳалифалиги ва Чингизхон қўшинлари, Бақтрия ва Марғиёнада яшаган аҳоли, Ҳом гиштдан қурилган мудофаа деворлари, ииғма камарлар.

## ВОЙСКО И СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Аннотация.** В данной статье анализируются данные о становлении и общем состоянии военной сферы в Узбекистане с незапамятных времен. В частности, было отмечено, сформировавшийся на территории Узбекистана, также внес достойный вклад в развитие мирового военного искусства умелыми военачальниками, вышедшими из городских государств. Также вспоминается, что до сих пор сохранились останки, возведенные с большим трудом оборонительные стены, фортификационные сооружения, военная тактика и армейские формирования, используемые Амиром Темуром, сыграли огромную роль в развитии мирового военного искусства, и не только региона.

**Ключевые слова:** военные тактики, Ахемениды, Александр Македонский, войска Арабского халифата и Чингисхана, жители Бактрии и Маргiana, оборонительные стены из кирпича-сырца, складные пояса.

**Аннотатион.** This article analyzes the data on the formation and general condition of the military sphere in Uzbekistan from time immemorial. In particular, it was noted that the clan of the tribe, formed on the territory of Uzbekistan, also made a worthy contribution to the development of World Military Art by skillful warlords who came out of urban states. It is also remembered that until now, the remains have been preserved, the

defensive walls built with great Labor, the fortifications, the military tactics and army formations used by Amir Temur played a huge role in the development of World Military Art, and not only the region.

**Keywords:** *military, Achaemenid, Alexander Macedonsky, troops of the Arab Caliphate and Genghis Khan, residents who lived in Bactria and Marghiana, defensive walls built of raw brick, folding belts.*

**Кириш.** Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида профессионал армияни шаклантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. “Мудофаа соҳасида олдимизда янги ва муҳим вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Аввало, Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак”. Мазкур вазифаларни бажариш учун ўтмишда ҳалқимиз ҳарбий санъатида катта ўрин тутган илғор анъаналарни ўрганиш ва керакли сабоқлар чиқариш катта амалий аҳамият касб этади. Миллий давлатчилигимиз асосларини, унда амалга оширилган ислоҳотларни, давлат бошқарув идораларининг марказлашув жараёнларини тарихий фактлар ҳамда манбалар асосида ўрганиш, уни илмий нуқтаи назардан кенг жамоатчиликка етказиш янги тарихий шароитда келажагини қураётган, миллий давлатчиликни тиклаётган давлат учун ғоятда муҳим жараёндир. Ўз ўрнида ушбу жараён келажакда ўзининг тарихий илдизига таяниб ҳаёт кечирса ажаб эмас.

**Методлар ва ўрганилганлик даражаси.** Мавзу тарихшунослик ва манбашунослик таҳлилларига асосланади. Ўзбекистон тарихининг турли даврлари ва йўналишлари, ҳарбий фанлар тарихи бўйича етакчи мутахассислар томонидан, кўплаб тадқиқотлари амалга оширилган. Хусусан, М.Филанович “Ўзбекистон тарихидаги қадимги ҳалқларнинг қурол-яроғлари ва ҳарбий маҳорати”, А.Отахўжаевнинг “Сўғд чоқарларининг ҳарбий маҳорати ва қурол-яроғлари”, М.Хотамованинг “Турк ҳоқонлиги даврида ҳарбий кўшин ҳолати”, Ф.Хўжаниёзовнинг “Қадимги мудофаа иншоотлари”, А.Хўжаевнинг “Қораҳонийлар даврида ҳарбий сиёsat ва кўшин”, Б.Негматовнинг “Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий иш тарихи”, Ю.Буряков ва Х.Дадабоевларнинг “Амир Темур – буюк давлат арбоби ва етук саркарда”, Р.Муқминова ва Г.Агзамоваларнинг “Хонликлардаги ҳарбий иш ва кўшин ҳолати”, Д.Зияеванинг “Мустамлака даврида ҳарбий сиёsat”, “Совет ҳокимиятининг инқизози ва армиядаги салбий муаммолар”, Қ.Ражабовнинг “Совет армияси ва унга қарши муҳолиф қуролли кучлар” номли монография ва дарсликлар чоп этилган.

**Тадқиқот натижалари.** Тарихий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ватанимиз худудида давлатчилик ривожланиб, жадал тараққиёт содир бўлган даврларда ҳарбий санъат ҳам ривожланиб, юксалган.

Аждодларимиз ҳамиша ўз жасорати, шиҷоати ва ватан ҳимояси учун фидоийлиги билан ажralиб турган, уларнинг ҳарбий маҳорати ва матонати эса ўнлаб мамлакатларни забт этиб, йирик салтанатлар барпо этган Аҳамонийлар, Александр Македонский, Араб ҳалифалиги ва Чингизхон қўшинларига ҳам панд бериб, хайратга солган. Шунингдек, аждодларимиз жаҳон ҳарбий санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Хусусан, милоддан аввалги даврларда отлиқ суворийнинг ўқ-ёйдан моҳирона фойдаланиши ва душманни ҳамла билан құксизлантириб, тўсатдан чекиниш орқали чалғитиш ва тўсатдан яна қайта ҳужумга ўтиш орқали мағлуб этиш усули, ғилдираклари пичокли жанговар аравалар, кичик-кичик тўдаларнинг тўсатдан ҳужум қилувчи партизанлик кураш усуллари, милодий аср бошларида оғир қуролланган отлиқ қисмларга асос солиниши, уларнинг жанг тактикалари, қурол-аслаҳалари, ҳозирга қадар қолдиқлари сақланиб қолган, катта меҳнат билан қурилган мудофаа деворлари, қальба-истеҳкомлари, Амир Темур қўллаган ҳарбий тактика ва қўшин тузилишлари нафақат минтақа, балки жаҳон ҳарбий санъати ривожида катта ўрин тутган.VI аср ўрталарида келиб, Марказий Осиёда Ашина қабиласи ҳукмдори Бумин ябгунинг таъсири кучайиб, ўзини «эл-ҳоқон» деб эълон қилиши билан ташкил топган янги давлат Турк ҳоқонлиги қисқа фурсатда шарқда Корея бўғозидан гарбда то Шимолий Қора денгиз бўйларигача, шимолда Урол тоғлари, Енисей ва Байкалбўйидан жанубга томон Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худудларни эгаллашга муваффақ бўлади. XX аср туркшунос олими Л.Н. Гумилев қайд этганидек, «Туркуллар

(қадимги турклар) нинг эришган ғалабалари туфайли дунёнинг ярмига эгалик қилишлари тасодиф эмас эди. Ишонч билан айтиш мумкинки, улар умумкүчманчилик даражасидан анча юқори бўлган кўшин ва бошқарув тизимини яратдилар ҳамда шунга яраша ғалабаларга сазовор булишди». Бу даврга оид ёзма манбалардаги маълумотлар ва қадимги турк жангчилари тасвириланган қоятош расмлардан маълум бўлишича, кўшин икки турда қуролланганини аниклаш мумкин: 1) оғир қуролланган совутли (зирхли) отликлар; 2) ёнгил қуролланган жангчилар. Турк ҳоқонлигининг Фарбий қанотида кўшин иккита қанотдан иборат «ўн ўқ» тизимидан ташкил топган эди [4]. Ўн ўқ қабилалар иттифоқи ҳар бири 5 та қабиладан иборат шарқий ва гарбий иттифоқка бўлинган. Шарқий қисми 5 та қабиладан иборат Дулу иттифоқи деб юритилган ва уларга 5 та «чур» бошчилик қилишган. Фарбий қисми эса Нушиби қабилалар иттифоқи бўлиб, уларни 5 та «эркин» бошкарган.

Сомонийлар (875-999) даврида ҳарбий кўшин доимий маҳсус гвардия ва муваққат қўшинга бўлинган. Давлат ва подшо саройи ҳаётида сарой гвардияси

катта роль уйнаган. Гвардия таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган ёш ҳарбийлар қаторида асир қилиб олингантуркий ғуломлар ҳам бор эди.

Сарой гвардиясида вусоқбоши (3 ғуломга бошлиқ кичиккомандир), ҳожиб (гвардиячи ғуломларнинг олий мансаби), ҳайлбоши (ҳожибдан кўйи, вусоқбошидан юқори) мансаблари мавжуд эди. Сомонийлар даврида уруш ёки бошқа зарурият туғилганда маҳаллий ҳукмдорлар, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросондаги алоҳида вилоятлар эгалари катта миқдорда кўнгиллилар кўшини - халқ лашкарини тўплаганлар.

Ғазнавийлар кўшинида маҳсус тузилмалар ҳам бўлган. Маҳсус тузилмаларда зодагонлар вакиллари ҳамда қарам кишилар, амир хизматида бўлган ҳарбий асирлар, ғуломлар бор эди. Улар, асосан, Мовароуннаҳр, Тароз, Кошғар ва Хўтондан келган ғуломлар бўлиб, кейинчалик хусусий ва сарой мактабларида маҳсус ўқув курси ва ҳарбий тайёргарликни ўтаганлар. Ғуломлар бир қанча категорияларга бўлинганлар, шулардан сарой ғуломлари кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг сони 4000 та бўлган. Булардан ташқари султонга тансоқчилар ва байроқдорлардан иборат яна 300 та ғулом бўлган [5].

Салжуқийлар даврида давлат бошқарув тизимида маъмурӣ ва фуқаролик муассасалари билан бир қаторда, «*девони ариз ал-жайш*» деб номланган ҳарбий идора ҳам мавжуд бўлган. Уни бошқарувчи бўлмиш *ариз ал-жайш* турли вилоятларда ўз бўлинмаларига, ўз ноиби (ўринбосар ёки ёрдамчи) га эга бўлган. *Ариз* ҳарбий нозир вазифасини бажарган. У кўшинга бериладиган иш ҳақи ва нафақаларни қаттиқ назорат қилган, даволовчи ва хизматчилар штатларига эга бўлган даволаш ва алоқа воситаларига ҳомийлик қилган, вақти-вақти билан кўшинни текширувдан, яъни кўрувдан ўтказиб турган, хизматдаги ва сафдан чиққан ҳарбийларнинг рўйхатларини аниқлаб, шахсий таркибни текшириш ва ҳисобга олиш ишлари ҳам амалга оширилган. Ҳарбий бошқарманинг маҳсус дафтарида кўшин таркибига бериладиган иш ҳақи турлари ва миқдори белгилаб қўйилган. Буларнинг барी *аризнинг* бевосита мажбурияти бўлган.

Марказий Осиё ҳалқлари тарихида ўзига хос ўрин тутган давлатлардан бири Қораҳонийлар ҳукмронлиги эди. Туркий давлатчилик анъаналари асосида шаклланган мазкур давлат X асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Жанубий Тангриот олдидаги худудларда ташкил топган. Давлатнинг барпо бўлишида қарлуқ, чигил, яғмо каби йирик туркий қабилалар етакчилик қилган. Қораҳонийлар сулоласи ҳукмдорлари Арслонхон ва буғроҳон унвонлари билан юритилган. Тахтга чиққан Арслонхон ёки буғроҳон, улуғҳон, яъни қораҳон деб аталган. Баъзида қораҳон, «хонлар хони», «табғачхон» деб ҳам юритилган.

Қораҳонийлар ҳоқонлигининг қуролли кучлари масаласи уйғур олими Ҳожи Нурхажининг араб алифбосига асосланган уйғур тилида нашр этилган «Қадимги уйғурлар ва қораҳонийлар» номли асарида келтирилади [6]. Асарнинг учинчи боби «Қораҳонийлар давридаги ҳарбий кўшин» деб номланган бўлиб, ушбу бобда келтирилган маълумот ўрганилаётган мавзуга қатор аниқликлар киритишга ёрдам беради. Қораҳонийлар кўшиналарида 9 хил туғ ишлатилган. Бу ҳақда Махмуд Кошғарий «туғ - алам демактур,

түккиз туғлиқ хон дейилади, майли вилоят канча кўп бўлсин, мартабаси устун бўлсин, туг тўққиздан ортиқ булмайди. Чунки 9 сони хосиятли бўлади», - деб ёзган [7]. Туғларнинг ранги сарғиш қизил (оч қизил) бўлган ва ипак ёки пахта матодан тўқилган [8]. Хоразмшоҳлар давлатида қўшин таркиби ҳарбий юришлар кўламига боғлиқ равища ўзгариб турган. Масалан, 1195 йилда хоразмшоҳ Такаш (1172-1200) нинг девони дафтарида 170 минг отлиқнинг номи рўйхатга олинган бўлса, ундан кейинги Хоразмшоҳ, Аловуддин Мухаммад (1200-1220) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида бир неча кун давомида 70 мингга яқин отлиқ уруш майдонига кирган [9]. Кўшинда ўз аҳамиятига кўра иккинчи лавозим ҳарбий нозир(нозир ал-жайш) хисобланиб, у қўшин девони назоратида фаолият юритган. Хоразмшоҳлар қўшини қўмондони қоъид ёки муқаддам увоннига эга бўлган. Бу лавозимга буюк ва қобилиятли амирлардан бири сайланган.

Ҳарбий санъат тарихи Соҳибқирон Амир Темурни ҳақли равища жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида эътироф этади. Буюк ҳарбий истеъдод эгаси асосан икки йўналишида: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда сифатида ёрқин намоён бўлган. Амир Темур тузган армия ўта интизомли бўлиб, саркарда муҳораба чоғи қўшин кисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовни тадбиркорлик билан ошиб ўтишга, лашкарнинг жанговар руҳини зарур даражада саклашга мусассар бўлган. Кўшинлар таркиби Мовароуннаҳр, Даشتி Қипчоқ, Хурросон, Эрон, Бадаҳшон, Мўғулистан, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари жойлардан йигилган аскарлардан иборат эди. Кўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил килиниб, унинг жанговар тартиби жангданжангга такомиллашиб борган, армия энг илгор қурол-аслаҳалар билан қуролланган, қисмлар бир-биридан кийим-боши, байроғи ва туғи билан фарқланган. Бу жанг пайтида қўшинни бошқаришда қўл келган [10].

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич, жуволдиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери ҳалтага эга бўлган. Сара жангчиларнинг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг ҳар бири дубулға, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва бўйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган. Ҳарбий санъат сир-асорорини билган, душман сафини пароканда қилиш йўл-йўригини яхши эгаллаган, мушкул пайтларда дадил ҳаракат қиласиган, ҳеч қандай тўсиқдан тап тортмайдиган, қўшинда содир бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаган тартибсизликни вақтида бартараф эта оладиган ёвқур ва моҳир жангчиларгина лашкарбошиликка қўйилган [11].

Соҳибқирон Амир Темур ўз қўшинининг ҳарбий такомилига катта эътибор бериб, “амир ва амирул-умаро”, яъни “бош амир” каби юқори даражали ҳарбий увоннлар жорий этади. Шу каби олий даражали увоннларга эга бўлган иқтидорли саркардаларга у ҳатто вилоят ҳокимлиги ёки ноиблигини инъом этган.

Лашкар “туман” – ўн минглик, “ҳазора” – минглик, “қўшун” – беш юзлик ва “айл” – ўнлик бирикмаларга бўлинган. Туманларда аскарлар сони ўн минг, қўшинда юз нафардан ортиқ бўлган. Амир Темур ўн минглик учун “туман оғаси”, минглик бўлинмалар учун “мириҳазора”, юзликлар учун “қўшунбоши” ва ўнликлар учун “айлбоши” каби ҳарбий мансаблар таъсис этган, уларнинг ҳақ-хуқуқи, маоши белгилаб берилган.

Ҳар вилоят асосий – “асл” ҳамда захира – “изофа” қисмларни тўплаб берган. Вилоятлар тош отар – сангандоз, девор бузувчи – манжанақ, ўт отар ёки тўп – раъдандоз ва нафтандоз ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлар эди. Аскарий қисмларни тўплаш билан тавочи вазифасидаги амалдорлар шуғулланган.

Жангда баҳодирлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Қайси амир бирон қўшинни енгса ёки вилоятни фатҳ этса, у туг, ногора, баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига кириш ҳуқуки ҳамда бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийланган. Ҳар бир зобит жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала ва адолатли бўлиши лозим эди.

Тактика жиҳатидан Амир Темур армияси қўшини ёттига қисм-кучларга бўлинган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жангтоҳда зарур даражада ҳаракат қилиши учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, уларни жанг чоғида бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Қисмлараро алоқа юқори савияда бўлиши, ҳарбий бошлиқларнинг тўғри танланганлиги муҳораба натижасига самарали таъсир кўрсатган.

Клавихонинг таърифига кўра, темурий лашкарбоши тинчлик чоғида зархал ип билан тикилган ҳаворанг сатин кўйлак кийган. Унинг бошида дур ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган бўрк бўлган. Бўркнинг остидан уч қатор қилиб ўрилган икки кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсинда ўрилган соchlар Темурбек аскарларининг нишони эканлигини алоҳида қайд этади.

Юриш олдидан Соҳибқирон аркони давлат, вазирлар, саркардалар, амирзодалар, беклар ва амирларни ҳарбий кенгаш – машваратга тўплаган, сўнгра аскар йигиш учун маҳсус буйруқ эълон қилинган, қисмлар ҳарбий кўриқдан ўтказилган. Амир Темурнинг ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири қўшин қанотларини жанг чоғида душман хужумидан муҳофаза қилиш ва, аксинча, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм - канбулнинг жорий этилишидир.

Маълумки, Шайбонийхон асос солған давлат кўчманчи ва маҳаллий ўтроқ маданият негизида ташкил этилган бўлиб, ҳарбий амалдорларнинг асосий даромади хон томонидан инъом этилган ер-мулклар ҳамда уларнинг ўзлари сотиб олган ерлар хисобидан шаклланган. Маъмурӣ-ҳарбий амалдорлар хон томонидан тайинланган. Давр анъанасига кўра нисбий равиша аштархонийлар ҳарбий бошқаруви ҳам деярли шайбонийлар ҳарбий бошқаруви анъаналарини такрорлади. Шайбонийлар ҳарбий бошқарувига кўра - маъмурӣ ҳарбий (нақиб, кўкалдош, парвоначи, мушриф, шиговул, доруға, соҳиб ихтиёр, мироҳур, маҳрам, баковул, хон ясовули, қўшбеги, мунши) ва ҳарбий унвон ва мартабалар (қўшбеги, чухрабоши, нўён, тугбеги, қурчи, тўпчибоши, коровулбеги, ясовул, тавочи, жевачи (жибачи), мингбоши, юзбоши, қозиаскар, қози муфти) га бўлинган [12].

Аштархонийларда ҳам нақибларнинг сайидзодалардан эканлиги, улар хонга яқин, расмий мажлис, тадбирларда хоннинг чап томонидан жой эгаллаб, олий ҳукмдорга маслаҳат бериб турганлигини инкор этиб бўлмайди. Шунингдек, у ҳарбий юришларни ташкил қилувчи, режа ва сулҳ тузувчи, хонга ўз сўзини ўтказувчи унвон соҳиби бўлган [13]. Хавфсизлик масалалари ва ички тартиб эшикоғабошининг зиммасида эди. Хон томонидан таниқли шахслар ҳамда ҳарбий саркардаларга бериладиган совға-саломларнинг хисоб-китобини мушриф юритган. Шаҳар, вилоят ва қалъа беклиги доруга ёки кутвол тасаррӯфида бўлиб, улар қўли остида ҳарбий бўлинма ҳам бўлган. Хон саройи ва ҳарбий қисм бошлиғига нисбатан соҳиб ихтиёр атамаси қўлланилган.

Мунший хоннинг котиби бўлиб, у фатхномалар ёзган ва ҳарбийлар рўйхатини тузган. Баковул ҳарбийларнинг озиқ-овқати учун масъул бўлган. Ҳарбий уловларнинг озуқаси билан мироҳур шуғулланган. Чухрабоши хоннинг шахсий соқчилари бошлиғи бўлган. Ҳарбий юришдаги тўхташ жойлари – қўшларнинг бошқарувчиси қўшбеги деб аталган. 10 минглик аскарни нўён ёки туманбоши бошқарган. Тугбеги байроқ учун, қурчи эса қурол-ярог омбори ва ҳарбий аслаҳа устахоналарига жавобгар ҳисобланган. Тўпчибоши артиллерия ёки тўп-замбаракчилар гурухини бошқарган. Қоровуллар бошлиғи коровулбеги деб аталган ҳамда хавфсизлик учун масъул бўлган. Қўшинда ҳарбий қонунларга риоя этилиши устидан назоратни қозиаскар ва ёргучи олиб борган [14].

Қўшинни ташкил этиш, унга қобилиятли, тажрибали жанговар кучларни жалб қилиш, уларни қурол-ярог билан таъминлаш хонлиқдаги энг муҳим вазифалардан саналган. Бўлинмалардаги ҳарбийлар таркиби бир хил бўлмаган. Оддий аскарлар, асосан, элотия (кўчманчи аҳоли) ва алоҳида худудлардан танлаб олинган [15]. Қўшин отлик ва пиёдалардан ташкил топган. Табиблик қўшиндаги энг муҳим касблардан бўлиб, табиблар турли касалликлар билан бирга, лат еган ва ярадор аскарларни даволаганлар ва зарур доридармонлар билан таъминлаганлар. Бухоро қўшини таркибида мусиқачилар ҳам бўлиб,

улар, асосан, шариат ижозат этган пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғу асбоблари билан ҳарбий юришларда қўшинга ҳамроҳлик қилишган [16].

Мангитлар сулоласи ҳокимият тепасига келган дастлабки йилларда амирлик ўзининг мунтазам қўшинига эга эмас эди. Амирликда мавжуд бўлган оз сонли ҳарбийларнинг асосийвазифаси амир ва унинг аъёнларини қўриқлаш ҳамда шаҳар осойишталигини таъминлаш ишлари билан изоҳланар эди.

Уруш вактларида амир буйруғи билан ҳалқ лашкарлари тўпланиб ҳарбий ҳаракатларга жалб этилган. Бухоро давлатида қўшин тузилишига келсақ, темурийлар салтанати парчалангандан то XIX асрнинг I чорагига қадар бу масалада деярли катта ўзгаришлар кузатилмайди [17].

XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб мангит амирлари ҳарбий соҳада жиддий ўзгаришлар амалга ошира бошлади. Бундай ислоҳотлар қисман бўлса-да, мангитлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Раҳимтомонидан олиб борилди. Бухоро амирлигининг ҳарбий қудрати, айниқса, Амир Насруллоҳукмронлиги даврида ўзининг энг юкори нуқтасига етди. Унинг даврида Бухорода мунтазам армия – сарбозлар (сипоҳ) қўшини ташкил этилди. Уларнинг сони 40 мингта яқин бўлган. Кўшинлар отлик ва пиёда жангчилардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қуроллари асосан қилич, найза ва ўқ-ёйдан иборат эди. Бухоро амирлиги қўшинлари мамлакатнинг барча шаҳарларида, айниқса, чегара шаҳарлар (Жиззах, Ўратепа, Қоракўл, Марв)да жойлаштирилган.

Бу даврда Бухорода замбараклар ясовчи чет эллик (эронлик) мутахассислар ҳам бўлганлиги маълум. Бироқ, шунга қарамай, қўшинни замонавий милтиқлар ва замбараклар билан қуроллантириш соҳасида бошланган ишлар тугалланмасдан қолиб кетди. Натижада XIX асрнинг 2-ярмига келиб, Бухоро амирлигининг катта қисми Россия қўшинлари томонидан босиб олинди. Фикримизча бу ҳолатни XVII – XIX асрларда миңтақамизда ҳарбий соҳада ҳеч қандай юксалиш бўлмаганлиги ҳамда замонавий қурол-ярголарнинг етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Хонликда ўрта асрчилик бошқарув тизимининг узоқ сақланиши тараққиёт ва қўшин куч-қудратига салбий таъсир кўрсатган. Қўшинда дастлаб мисдан, XIX аср бошларида чўяндан қуийлган бир неча тўп бўлган. Сарбозлар ўқ-ёй, найза, қилич, ойболта каби ибтидоий қуроллар билан қуролланганлар. Хонликда қўшин асосан отликлардан ташкил топган. XVIII аср охиридаги маълумотларга кўра, хон 10 минг кишилик қўшин тўплаш имконига эга бўлган. XIX аср 30-йилларида ёлланма аскарлар сони 19 минг киши бўлиб, улар хизматини турли шаҳар ва ҳарбий истеҳкомларда ўтаганлар. XIX аср ўрталарида ҳарбий қисмлар, шунингдек, тўп ва милтиқлар сони ортган. Умумий қўмондонлик амири лашкар зиммасида бўлган.

Бухоро амирлиги давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлар катта ўрин тутган [18]. Бухоро амирлигига олий бош қўмондан амир бўлиб, у қўшинни турли даражадаги ҳарбий амалдорлар ёрдамида бошқарган. Мамлакат қўшини ҳам Чингизхон ва Амир Темур қўшинлариdek, 10 минглик корпуслар – туманларга бўлинган. Уларга нўён деб аталувчи ҳарбий саркардалар бошчилик қилган. Туманлар ўз навбатида, минглик, юзлик, ўнликларга ажралган. Амирликда қўшинни жангга ҳозирлаш, ҳарбий амалдорлар ва навкарларга маош тўлаш ва бошқа ташкилий ишлар билан маҳсус амалдор - тавочи шуғулланган. Қўшинни қурол-ярг билин таъминлашга масъул бўлган амалдор жевачи бўлиб, у амирнинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар ҳисобланган. Ҳарбий амалдорлар ва навкарларга хазинадан бериладиган маошдан ташқари, ҳарбий юришлар пайтида қўлга киритилган ўлжадан ҳам маълум миқдорда улуш ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларидан бири бўлган Хива хонлиги Марказий Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва ҳалқаро муносабатларида катта из қолдириган давлат бўлиб, унинг ҳар бир ҳукмдори юритган ички ва ташқи сиёsat ҳамда унинг оқибатларини ўрганиш алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қиласди. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Хива хонлигининг айрим ҳукмдорлари даври сиёсий парокандалик, иқтисодий тушкунлик ва ўзаро урушлар билан изоҳланса, айрим

хукмдорлари даври сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг тараққиёти билан изоҳланади.

Ҳарбий - сиёсий функциялар ташки ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳарбий кўшиналарни ташкил этиш, воҳалар ҳудудларида мудофаа ишларини амалга ошириш, туман ва воҳалар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ҳамда мунозарали масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида шаклланниб ривожланган. Хива хонлиги мисолида ҳарбий ҳолатнинг амалга оширилишини айрим манбалар асосида таҳлил қилиб кўриш мумкин [19].

Юқорида Абулғозий Баҳодирхоннинг Хивада гегемон қабилалардан бўлмиш ўзбеклардан 360 нафарига турли вазифа ва унвонлар, амаллар бергани айтилди. Хивада ҳам давлат бошқаруви қўйи ва юқори ҳамда горизонтал шаклда мавжуд бўлган. Давлат бошқарувидаги дунёвий, диний, ҳарбий, қозихона иши, молиявий бошқарув якка хукмронлик қонуниятига таянган ва жамият идораси учун хизмат қилган.

Давлатдаги энг олий ҳарбий амалдор хоннинг ўзи эди. Кўп ҳолларда шахсан хон бошчилигига, айрим ҳолларда таниқли саркардалар бошчилигига бошқа ҳудудларга юришлар уюштирилган. Энг юқори ҳарбий-маъмурий лавозим амир ул-умаро эди. Ундан кейинги расмий равишда юкори саркарда ясовулбошилик мансаби эди. Хонликда улар икки киши бўлиб, бири ёвмуд туркманларига, иккинчиси эса човдиirlарга қўмондонлик қилар эди. Хон ҳузуридаги расмий қабул маросимларида ясовулбошиларнинг доимий ўринлари бўлмаган. Лекин улар хон ҳузурида бўладиган тор кенгашда меҳтар, қўшбеги ва девонбеги билан бир қаторда қатнашар эдилар. Ясовулбошига ясовуллар, миршаблар, шотирлар, эшикоғалари итоат этганлар.

Ясовулбошидан кейинги ҳарбий унвон мингбоши эди. Ҳарбий юришлар пайтида мингбошиларга катта масъулият юклangan, яъни улар қўшинни айтилган ерда тўплаши, уларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилиши, жанг пайтида қўшиннинг маълум гуруҳига йўлбошлиқ қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам архив ҳужжатларига кўра мингбошилар яхши инъомлар олганлар.

Хива хонлигига ҳарбий истеҳқомлар – қалъалар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар маъмурий-мудофаавий вазифани бажарган. Бундай қалъалар кутвол (қалъабон) қўлида эди.

Хива қўшинларида саркардалар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Саркардалар бир неча юздан бир неча мингача бўлган навкарга бошчилик қилганлар. Юришлар пайтида саркарда бошчилигига туг (байрок) қўтариб борилган. Байроқ қўтариб борувчиларга түғбеги бошчилик қилган. Қўшинда юзбоши, панжшоҳбоши (элликбоши), даҳбоши (ўнбоши), қоровул, маҳрам, навкар каби вазифалар бўлган.

Умуман олганда, Хива хонлигига ҳарбий-маъмурий унвонларга қуйидаги: амир-улумаро, бек, бекларбеги, бий, божбон, ботирбоши, бухри, вазир, вакил, дарвозабон, даҳбоши (ўнбоши), девонбеги, доручи, дорға, жаллод (насақчи), жаллодбоши, жигачи, имоми жилов, иноқ, кутвол, маҳрам, маҳрамбоши, маҳрам даҳбоши, мерган, меҳтар, милтиқоз, миршаб, муфти аскар, навкар, нақиб, ноиб, отчопар, оталиқ, панжсадбоши (беш юзбоши), сипоҳий, сарбоз, сардор, саркарда, сартиб, сарҳанг, соқчи, тунотар, тунқотар, тугчи, түғчибоши, тўпчи, тўра, удайчи (хидоячи), шамхолчи, шиговул, шотир, элликбоши, эшикоғаси, юзбоши, ясовул, ясовулбоши, ўнбоши, қиличкор, қозиаскар, қози урду, қоровул, қоровулбеки, қўшбеги, ҳоким каби мансаб ва вазифалар кирган.

Асрлар давомида шаклланган ҳарбий тизим ўзининг асосий хусусиятларини XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам сақлаб қолган. Буни Кўқон хонлигига тадқиқотга тортилган давр чегарасида мавжуд бўлган ҳарбий мансаблар ва улар эгалари вазифаларини таҳлил этиш орқали ҳам кузатиш мумкин. Гарчи, Кўқон хонлигидан олдинги даврларда Марказий Осиёда, хусусан, Амир Темур давлатида мавжуд бўлган ҳарбий бошқарув соҳасидаги маҳсус девон бўлмаган бўлса-да, турли тоифадаги ҳарбий амалдорлар бўлиб, давлат томонидан улар зиммасига юклстилган вазифалар аниқ тизимга солинган эди. Тарихий манбалар маълумотларига асосланган ҳолда Кўқон хонлигига уч тоифадаги – олий, ўрта, қўйи даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар борлигини кузатиш мумкин.

Олий даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар тоифасига – мингбоши, амирлашкар, күшбеги, ботирбоши, волий (ноиб), қалъабон, қўрбоши, ёвар, тўпчибоши, тўқсабо, понсадбошилар кирган.

Ўрта даражали мансаб ва унвонлар сирасига эса юзбоши, элликбоши, даҳбоши, коровулбегиларни киритиш мумкин.

Қуйи даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар аскар, сарбоз, навкар, мерган, маҳрам, ботур, жазоилчи, тўпчи, қўрчи, коровуллардан иборат эди.

Бу мансаб ва унвонларга даъвогарлик қилувчи шахслар хон томонидан тайинланган. Тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, хонликдаги барча табака ва уруғ вакиллари турли ҳарбий мансаб ва унвонларга эгалик қилишлари мумкин бўлган. Ҳ. Бобобековнинг қайд этишича, Қўқон хонлигига маъмурӣ ва ҳарбий мансабларнинг биринчи даражасидан то еттинчи даражасигача, асосан ўзбеклар вакилларидан тайинланган деган фикрни илгари суради. Лекин ёзма манбалардаги маълумотларда, хонликдаги энг юқори ҳарбий лавозим ҳисобланган мингбошиликка XIX асрнинг 50 – 60 йилларида тожик Шоди, қирғиз Алиқули, Тошкент ҳокими этиб эса, келиб чиқиши қул бўлган Лашкарбекларбеки тайинланган эди дейилган [20].

Ҳарбий юришлар вақтида мингбошига амирлашкар унвони ҳам берилган ва хонликнинг ҳаракатдаги барча қўшини унга бўйсунган. Буни Қўқонда яшаган ва кўрган кечирғанларини ёзиб қолдирган В. П. Наливкиннинг қуйидаги маълумоти ҳам тасдиқлади: «Қўқонда яшаган сарбоз ва тўпчилар фақат алоҳида вазифадаги ноиб, додҳоҳнинг доимий тасарруфида бўлганлар. Уруш даврида ноиб, додҳоҳ ўз қисмига ҳаракатдаги қўшиннинг ҳамма сарбозларини қабул қилган, унга вақтинчалик бошчилик қилишни маҳсус тайинланган амирлашкар (бош қўмондон)га топширади». [21]. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўшиннинг барча бўлинмалари бир лашкарбоши қўли остида бирлашганилиги Ҳакимхон ибн Сайд Масумхоннинг «Мунтаҳаб ут-таворих» асарида ҳам тасдиқланади.

**Хулоса** килиб айтганда, Ўзбекистонда ҳарбий қўшин, қурол-яроғ ва жанг тактикаси жуда қадимдан шаклланиб, асрлар давомида такомиллашиб келган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш. Древние тюрки на Тянь-Шане. Новосибирск, 2009. – С. 107.
- Зияева Д. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (қадимги даврдан ҳозиргача)/ Ўзбекистон фанлар академияси. – Т.: Шарқ, 2012. – 256 б.
- Хожи Нурхажи. Қадимги уйгурлар ва қораҳонийлар. – Урумчи, 2001. – 3276.
- Махмуд Кошгари. Туркий тилли девони. З-жилд. – Урумчи. – 1766.
- Хожи Нурхажи. Кўрсатилган асар, – Б. 316.
- Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097 -1231). – М.: Наука, 1986. – С. 89.
- <http://dkm.gov.uz/uz/soibkiron-amir-temurning-arbij-sanati>
- Муқимов З. Амир Темур тузуклари. (тарихий-хукукий тадқиот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамарДУ, 2008. – 131 б.
- Замонов А. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа док-ри. дисс-я автореф. – Т. 2018. – Б.77.
- Хофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. – Б. 326.
- Фиёсиддин Хумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. – Б. 862.
- Иванин М. Икки буюк саркарда. – Б. 32.
- Замонов А. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа док-ри. дисс-я автореф. – Т. 2018. – Б.77.
- Мукминова Р., Агзамова Г. Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий иш. – Б. 152.
- Арендаренко Г. Бухарские войска в 1880 г. // Туркестанский сборник. Том 297. – С. 129.
- Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқаруви тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди. II. 2019. – Б. 337.
- Вохидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигига унвон ва мансаблар. – Б.89.
- Турсунов Б. Қўқон хонлигига ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70 йилларигача). Монография. – Наманганд, 2014. – Б.136.
- Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Т., 1996. – Б. 43.
- Вохидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар. – Т., 1996. – Б. 6.
- Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства.– Казань, 1886. – С. 209.

**Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган**

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ФАЛАБАГА АСАКАЛИКЛАРНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Хошимов С. (АнДУ)**

**Аннотация.** Иккинчи жаҳон уруши ер юзи аҳолиси бошига оғир мусибатларни келтириди. Айниқса, собик Иттифоқ ҳалқлари бу урушдан энг кўп зарап кўрди. Фашистлар Германияси ҳамда милитаристик Япония устидан қозонилган ғалаба замирида кўплаб қурбон ва йўқотишлар ётади. Ушбу мақолада асакалик ўғлонларнинг иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилиши, буюк ғалабага уларнинг қўшган ҳиссаси масаласи янги архив маълумотлари асосида ёритилган.

Мақолада, шунингдек, фронтга жалб қилинган асакаликларнинг ёши, миллий таркиби, уларнинг ҳарбий тайёргарликдан ўтмай туриб фронтга сафарбар қилиниши оқибатида кўплаб ўспирип ёшларнинг жанггоҳларда қурбон бўлганлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Асакалик ўғлонлардан иккинчи жаҳон уруши фронтларида мардлик, матонат намуналарини кўрсатиб, қаҳрамон бўлган гвардиячи капитан Гуломжон Ёкубов, катта сержант Мансур Идиатович Абдуллинларнинг совет – финн уруши ҳамда совет – герман фронтларидағи жасоратлари янги фактик маълумотларга таянилган ҳолда ёритилган.

Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Асака шахридаги барча корхоналар ҳарбий ҳолат мақомига кўчирилиб, уларда ҳакиқий меҳнат фронти руҳида иш ташкил қилинганлиги, асакаликларнинг бутун ўзбекистонликлар ортини қатори фронт мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, Асака шахрига кўчириб келтирилган болаларга халкнинг кўрсатган ғамхўрликлари, кўплаб болаларнинг маҳаллий аҳоли томонидан хонадонларга тарбияга олиниши масалалари архив манбалари асосида очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** *Ғарбий фронт, Совет-фин уруши, Совет-Германия фронти, меҳнат фронти, "қуролсиз аскарлар", ижтимоий-иктисодий ҳаёт, уруши қаҳрамонлари, мудофаа бўлими, Асака, Ўзбекистон, болалар уйи, ишчи батальони, ҳарбий хизмат, авиация бомбалари, снарядлар, хотира майдони.*

### УЧАСТИЕ ПАРНЕЙ АСАКИ ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

**Аннотация.** Вторая мировая война принесла тяжелое горе всему человечеству. От этой войны особенно пострадали народы бывшего Союза. В основе победы над нацистской Германией и милитаристской Японией лежат многие утраты и принесенные жертвы.

В этой статье, на основе новых архивных данных, рассматривается мобилизация молодых парней Асаки во вторую мировую войну, их вклад в Великую победу.

В статье также уделено особое внимание возрастному и этническому составу асакинцев, мобилизованных на фронт, а также вопросам отправки их на фронт без прохождения военной подготовки, в результате которой большинство молодых парней пали жертвами в сражениях.

На основе новых фактических сведений освещена отвага асакинцев – гвардии капитана Гуломжона Якубова и старшего сержанта Мансура Идиатовича Абдуллина, проявившие героизм и стойкость на фронтах Второй мировой войны – на советско-финской войне и советско-германском фронте.

В статье, на основе архивных источников, показаны вопросы перевода всех предприятий города Асака в военный режим, организации работы в них в духе истинного трудового фронта, вклад, внесенный асакинцами, как и все узбекистанцы, в дело укрепления тыла, проявления заботы о детях, эвакуированные в город Асака, принятия местным населением множества детей на воспитание в свои семьи.

**Ключевые слова:** *Западный фронт, Советско-Финляндская война, советско-германский фронт, трудовой фронт, «солдаты без оружия», социально-экономическая жизнь, герои войны, отдел обороны, Асака, Узбекистан, детский дом, трудовой батальон, военная служба, авиационные бомбы, снаряды, Площадь памяти.*

### INVOLVEMENT OF ASAKA LADS IN SECOND WORLD WAR

**Annotation.** Second World War was a catastrophe for all mankind. The peoples of the former Soviet Union, in particular, have suffered the most from this war. Many victories and losses lie at the heart of the victory over Nazi Germany and militaristic Japan. This article deals with the mobilization of the Asaka boys in World War II, their contribution to the great victory, based on new archival data.

The article also focuses on the age and ethnic composition of the Asaka people involved in the front, as well as the fact that many teenagers were killed in battles as a result of their mobilization to the front without military training.

The courage of Guards Captain Gulomjon Yakubov and Senior Sergeant Mansur Idiatovich Abdullin, who were heroes of the Second World War on the fronts of Asaka, was revealed on the basis of new facts.

The article states that during the Second World War, all enterprises in Asaka were transferred to martial law, where work was organized in the spirit of a real labor front. The contribution of the people of Asaka, as well as all Uzbeks, to the strengthening of the rear, the people's care for the children relocated to Asaka, the upbringing of many children in the homes of the local population are revealed on the basis of archival sources.

**Key words:** western front, Soviet-Finnish war, Soviet-German front, labor front, “unarmed soldiers”, socio-economic life, war heroes, defense department, Asaka, Uzbekistan, orphanage, labor battalion, military service, aviation bombs, shells, memory space.

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрда Германиянинг Польша сарҳадларига бостириб кириши билан бошланди. Уруш киска муддат ичидаги дунёдаги жуда кўп давлатларни ўз домига тортди. 1941 йил 22 июнда фашистларнинг 191 дивизияси (шундан 153 таси бевосита Германиянинг ўзига тегишли, қолгани унинг иттифоқчилари тегишли эди) сабиқ СССРнинг Болтиқ дengизидан тортиб то Қора дengиз худудларигача чўзилган чегаралари бўйлаб хужумга ўтган. Шу тариқа сабиқ Иттифоқ ҳалқлари, жумладан, ўзбекистонликлар ҳам иккинчи жаҳон урушига тортилган эди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев 2021 йил 9 май куни хотира ва қадрлаш кунига бағищланган тантанали маросимдаги нутқида шундай деганди: “Минглаб чақирим олисларда кечган беаёв жангларда кўксини душман ўқига қалқон қилган, юрт соғинчи ва қадрдонлар дийдорини дилга туғиб, курашларда жон олиб, жон берган ўзбек ўғлонларининг матонати қалбларимизда мангу яшайди... Ватан ва ҳалқ озодлиги, келгуси авлодларнинг баҳту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт мангудир” [1].

Иккинчи жаҳон уруш йиллари ҳам Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисмидир, чунки 1941 йил арафасида республикамизда яшаган 6 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг қарийб 2 миллиони қўлида қурол билан фронтда қатнашган. Уларнинг 500 мингдан зиёди жангларда ҳалок бўлган [1]. Дарҳакикат, ўзбекистонликлар уруш йилларида ҳам фронтда, ҳам фронт ортида мислсиз ватанпарварлик наъмуналарини кўрсатдилар. Жумладан, асакаликлар ҳам.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Андижон вилояти Асака тумани аҳолисининг қўлига қурол олишга қодир бўлган барча ўғлонлари ҳарбий ҳизматга олинди. Улар СССРнинг ғарбий худудларини душмандан ҳимоя қилишга сафарбар этилиб, бирин кетин фронтга йўл олдилар. Асака туманидан 1939 йилда 1787 киши, 1940 йилда 1130 киши, 1941 йил 1636 киши, 1942 йили 3625 киши, 1943 йили 2512 киши, 1944 йили 401 киши, 1945 йили 284 киши ҳарбий ҳизматга жўнатилган эди [2; 1-61]. Улар иккинчи жаҳон уруши фронтларида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб душмани маглуб этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Биргина, Асака шаҳрининг ўзидан 1941 – 1945 йиллар оралиғида 2351 киши, шу жумладан, 17 нафар аёллар ҳарбий ҳизматга чақирилиб, фронтга жўнатилди [3; 24].

Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, иккинчи жаҳон уруши фронтларида сафарбар қилинган асакаликларнинг 19–22 фоизи 1904 – 1905 йилларда, 20–22 фоизи 1906 – 1914 йилларда туғилган бўлса, қолган аксарият чақирилувчилар 1915–1922 йиллар оралиғида туғилган, ўспирин ёшлар бўлган. Уларнинг 90 фоиздан ортиғи ўрта маълумотли бўлиб, аксарияти колхоз ёки совхозларда, айримлари эса заводларда ишчи ёки ҳизматчилар бўлган. Ҳарбий ҳизматга чақирилувчилар орасида ўқитувчи, муҳандис, шифокор бошқа касб эгалари, олий маълумотли кишилар ҳам бўлган. Бироқ ҳарбий ҳизматга олинганларнинг аксарияти умуман ҳарбий тайёргарликка эга эмас эди, шунга қарамай, 1941–1942 йилларда ҳарбий ҳизматга чақирилганлар тўғридан тўғри уруш жанггоҳларига жўнатилган [4]. 1942 йилнинг охиirlари 1943 йил бошларида ҳарбий ҳизматга чақирилувчилар Тошкент, Фарғона, Андижон шаҳарларида ташкилланган ҳарбий

қисмларда тайёргарлик машқларини ўтаб, кейин иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларига жўнатилган [4].

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий хизматга чақирилган асакаликлар урушнинг турли фронтларида душманга қарши мардонавор жанг қилдилар. Асакалик аскарлар қай фронтда бўлмасин, жангларда жасорат ва фидойилик наъмуналарини қўрсатиб ғалабага ўзининг муносиб хиссасини қўшдилар.

Уруш даврида фронтлардаги қўрсатган жасорати учун асакаликлардан икки нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганди. Улардан бири гвардиячи капитан Гулом Ёқубовдир. У 1915 йил 15 майда Андижон вилояти Асака тумани Мирзобод қишлоғида дехқон оиласида туғилган [5; 87]. Умумтаълим мактабининг 6-синфини тамомлаган. 1937-1939 йилларда Ленинград ҳарбий округининг қисмларида ҳарбий хизматда бўлган. 1939 йил 26 ноябрда Совет Иттифоқи Финляндияга қарши урушга киради. Натижада 1939 йил декабрида собиқ СССР агрессор давлат сифатида Миллатлар Лигасидан чиқарилган (собиқ СССР Миллатлар лигасига 1934 йилда кирган) эди. Бошланган Совет-Фин урушининг ҳарбий ҳаракатлари Карелия бўғозидан то Баренцово денгизигача бўлган масофадаги фронтларда кечган. Ҳарбий ҳаракатларнинг асосий жанглари Финляндиянинг энг йирик ҳарбий кучлари тўпланган Карелия бўғозида юз берган эди.

Финляндияга қарши Ленинград (хозирда Санкт-Петербург) ҳарбий округи қўшинларининг хужуми 1939 йил 30 ноября бошланади. Фин қўшинларининг қаттиқ қаршилигига қарамай совет қўшинлари олга силжиб финларни таслим этади. Финларга қарши жангларда асакалик Гуломжон Ёқубов мардларча курашиб, ажойиб мардлик наъмуналарини қўрсатган эди.

1940 йилнинг 4 марта ғотиришни кечаси 7-армия қўшинлари Болтиқ флоти кучларининг ҳимояси остида Виборг қўрфазида душманни тор-мор этишади. Финляндия ўзининг енгилганилигини эълон қилади. Мана шу жангда Гуломжон Ёқубов ўнг қўлидан оғир яраланади. Сержант Гулом Ёқубов госпиталда даволаниб қайтгач, у ҳозирги Кўргонтепа тумани худудида ташкил этилган “Савай” пахтачилик совхозига директор ўринбосари лавозимига ишга тайинланади [6; 20]. Гуломжон Ёқубов бу ерда ҳам фидокорона меҳнат қилади. Чўлни ўзлаштириш, пахтачиликни ривожлантиришда жонбозлик қўрсатади.

1941 йил фашистларнинг СССРга агрессияси натижасида у яна 1941 йил ноябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилган [7.87]. Шу йили командирларни қайта тайёрлаш курсини тамомлаган. 1942 йилнинг ноябридан фронтдаги жангларда иштирок эта бошлаган. 1944 йилдан Гуломжон Ёқубов 1-Белоруссия фронти 3-армия 169-ўқчи дивизиясига қарашли 556-ўқчи полкнинг автоматчилари ротасига командирлик қила бошлади [8; 11-13]. У шиддатли жангларда турли хавф-хатарлардан чўчимай матонат наъмуналарини қўрсатиб, ўзи ўрнак бўлиб қўл остидаги жангчи йигитлар, аскар ҳамда зобитларни душманга қарши шиддатли жангларга чорларди. Жангчи йигитларни доим ғалабага руҳлантириб жанг майдонига иштироқини таъминлар эди.

Гуломжон Ёқубов немис босқинчиларига қарши бўлган Сталинград, Днепр учун бўлган шиддатли жангларда иштирок этиб, қаҳрамонлик наъмуналарини қўрсатган эди. Жумладан, Могилёв учун бўлган жангларда Гуломжон Ёқубов юксак матонат намуналарини қўрсатди. Ушбу жанг 1944 йил 22 июндан 23 июнга ўтар кечаси рўй берди. Гуломжон Ёқубов қўл остидаги автоматчилар ротаси билан Могилёв обlastининг Бихов районидаги Лудчица қишлоғининг жануби-шарқий қисмидаги 150,9 рақамли номаълум тепалик яқинида полкнинг чап томонида жанг олиб бораарди. Унинг ротаси тез ва дадил ҳаракат қилиб душман мудофаасини ёриб ўтади ва қишлоқнинг жануби- гарбий чеккасига чиқиб олади. Бироқ шу пайт гитлерчилар З батальонга яқин пиёда аскарлардан иборат кучни тўплаб, миномётлардан шиддатли ўт очиб, қарши хужумга ташланади. 20 соат давомида Гуломжон Ёқубов ротаси душманнинг кирқдан ортиқ қарши хужумини бартараф этади ва 400 дан ортиқ душманни ер тишлатади. Бироқ, охир-оқибатда Ёқубов ротаси душман куршовида қолади. Шунга қарамай, Ёқубов ротаси жангчилари саросимага

тushmanай, куч жиҳатдан анча устун бўлган душманнинг барча хужумини қайтариб турадилар. Рота шахсий таркибининг кўпчилиги шаҳид кетади, жумладан, Ғуломjon Ёкубовнинг ўзи ҳам ушбу тенгиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади [3; 24-25]. Бирок у ва унинг бригадаси қўлга киритилган маррадан бир қадам ҳам орқага чекинишмайди, душман улар жойлашган мэррани эгаллай олмагач, ниҳоят ортга чекинишга мажбур бўлади.

Фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Ғуломjon Ёкубовга вафотидан сўнг, Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди. Бугунги кунда ҳам асакаликлар ўзларининг жасур ўғлони Ғулом Ёкубовни хотирасини муқаддас саклаб келмоқдалар. Ҳозирги кунда, Асака шаҳарининг энг сўлим ва марказий кўчаларидан бири унинг номи билан аталади. Шу кўчада, Шахрихонсой соҳилида Ғуломjon Ёкубов майдони бунёд этилиб, тепа қисмида қаҳрамонга ёдгорлик ўрнатилган. Ҳар йили Асакадан ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни ушбу майдонга тўплаб, йигилиш ўtkазилиб гвардиячи капитан Ғуломjon Ёкубовнинг жангларда кўрсатган мислсиз қаҳрамонлик наъмуналарини ёдга оладилар, уруш фаҳрийларининг хотираларини тинглайдилар. Ватанга ўз ҳамشاҳарлари Ғуломjon Ёкубов ва бошқа фронт жангчилари сингари садоқат билан хизмат қилишга қасамёд этадилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Иттифоқи қаҳрамони бўлган яна бир асакалик қаҳрамон Мансур Идиатович Абдуллиндир. У 1919 йил 15 сентябрда Бошқирдистоннинг Мияки тумани Киргиз-Мияки қишлоғида дехқон оиласида туғилган. Маълумоти ўрта. Мансур Идиатович дастлаб ўзи туғилиб ўсган қишлоқда меҳнат қилган. Кейинроқ, Андижон вилояти Асака шаҳар Халқ банкининг бўлим тафтишчиси лавозимида ишлаган [9; 75-77]. Ҳарбий хизматга 1939 йилнинг май ойида ҳозирги Андижон (Фарғона) вилояти Асака тумани ҳарбий қисмидан чақирилган [10; 3]. 1941 йилдан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 йил нояброда жангда яраланиб, ҳарбий госпиталда даволаниб, 1942 йилнинг июлидан яна жанг майдонларига қайтган. 1-Украина фронтида ўқчи дивизиясида жанг қилган. Тўп командири гвардиячи катта сержант Мансур Идиатович Абдуллин 1943 йил 10 июлда Орёл (Курск) вилояти Фатеж тумани Молотичи қишлоғи ёнида немис-фашистлари билан бўлган шиддатли жангда мислсиз мардлик, жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатди [8; 14].

Душманнинг пиёда аскарлари 60 та танки ёрдамида батареянинг позициясига уч маротаба хужум қилди. Тўплар атрофидаги бутун ер авиация бомбалари, снарядлар ва миналар зарбасидан остин-устун бўлиб кетган эди. Фашистлар Мансур Абдуллин тўпчилари эгаллаб турган позицияга деярли 150 дан ортиқ авиабомба ва бир неча юзлаб снаряд ҳамда миналарни ташлашган эди. Абдуллиннинг тўпчилари душман пиёда батальонининг аскарлари ва танкларининг кетма-кет қилган хужумларини мардонавор қайтариб туради. Мансур Идиатовичнинг ўзи душманнинг 8 та танкини ишдан чиқарди ҳамда танклар орқасидан хужум қилаётган фашист пиёда автоматчиларини қириб ташлайди [8;15].

Катта сержант Мансур Абдуллин наводкачи (нишонни белгиловчи) Рабкин билан биргаликда то душман снарядлари тўпларини ишдан чиқаргунича, ўзлари эса снаяд парчаларидан ярадор бўлгунларигача душманга қарши мардонавор жанг қилади. Бу жангда Мансур Идиатович оғир яраланади.

Фашизмга қарши курашдаги мазкур жангдаги кўрсатган мардлиги ва жасурлиги учун СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1943 йил 7 авгуистдаги Фармонига биноан Абдуллин Мансур Идиатовичга уруш Қаҳрамони унвони берилган. Ҳарбий госпиталдан даволаниб қайтган Мансур Идиатович 1944 йил октябрда захирага бўшатилган [6; 23]. Мансур Идиатович Абдуллин 1945 йил фронтдан қайтиб Асака шаҳрида яшаган. Кейинчалик Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрига бориб Бошқиристон давлат педагогика институтида ўқиган. У қарийб 40 йил давомида ҳалқ таълими тизимида ишлаган. Стрелибашшего қишлоғида 109-мактабда ва Уфа шаҳридаги 2-мактаб-интернатда директор лавозимларида ишлаб 1996 йил 8 июнда вафот этган. Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрида дағн этилган [6; 23].

Асакалик яна бир уруш қатнашчиси Фозилжон Асомиддинов 1941 йил Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқиши тамомлаб, Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. У Калинин фронтига қарашли 234 ўқчи дивизияси полкларидан бирида тиббиёт ротасининг бош врачи вазифасида хизмат қилди. Ярадорларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни жанг майдонларидан олиб чиқиши, даволаш ва жанговар сафга қайтариш каби ўта машақкатли ва масъулиятли ишларга бош-кош бўлади. Лейтенант Фозилжон Асомиддинов жангларда кўрсатган жасорати учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Урушдан сўнг у бир қанча тиббий муассасаларда фаолият кўрсатиб, ҳамюртларимизнинг саломатликларини мустаҳкамлаш ишига муносиб хисса қўшди [3; 24-25].

Фашизм ҳамда япон милитаристларига қарши жангларда кўрсатган жасоратлари учун Асака шаҳрининг ўзидан 180 нафар жангчи жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида У. Сотовлдиев, А. Каримов, А. Муратов, В.Г. Емельянов, Х. Курбонов, М.М. Бекчинтаев, Р. Курбонов, С. Ахмедов, Г. Маҳмудов, И.Юнусов, С.Марасулов, И.У.Стаханов, Ф.Аблямитова, Г. Шайдуллина ва бошқалар бор.

Асака туман мудофаа бўлими томонидан иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматга олинганлар рўйхатида меҳнат фронтига олинганлар ҳам борлиги аниқланди. Маълумки, 1941–1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган, улар ўша йилларда “куролсиз аскарлар” деб номланган. Улар ҳам ўзларининг қаҳрамонона меҳнати билан буюк ғалабага муносиб хиссасини қўшганлар.

Асакаликлардан меҳнат фронтига, яъни “куролсиз аскарлик”ка Шомахмедов Яшнур 1924 йил туғилган, 1942 йил 7 ноябрда Ҳабарск шаҳар Амур қурилиш бригадасига, Пирматов Турғун 1900 йил туғилган, Ҳалимов Абдураҳмон 1913 йил туғилган, Холбеков Мажид 1914 йил туғилган, Ҳасанов Мамазулинлар 1942 йил 29 сентябрда Урал темир йўли қурилишига сафарбар этилган [11; 63].

Афсуски, иккинчи жаҳон уруши йиллари биргина Асака шаҳрининг ўзидан фронтга сафарбар этилган 931 нафар жангчи йигитлар жанг майдонларидан қайтиб келмадилар. Улар ўз ҳаётларини тинчлик ва фаровонлик учун қурбон қилдилар. Ҳалқимиз шаҳид кетган ҳамюртларимиз хотирасини унутмайди. Уларнинг номларини абадийлаштириш учун Асака шаҳрида бунёд этилган ёдгорликлар, майдон ва кўчаларга улар номи берилганки ушбу масканлар ҳар доим улар хотирасини ёдга солиб туради. Жумладан, Асака шаҳрининг марказидаги майдонга Ғуломжон Ёқубов номи берилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Асака шаҳридаги барча корхоналар беистисно ҳарбий ҳолат мақомига кўчирилиб, уларда ҳақиқий меҳнат фронти руҳида иш ташкил қилинганди. Бу даврда асакаликлар ҳам бутун Ўзбекистонликлар қатори фронт орқасини мустаҳкамлашга, фронтлардаги жангчиларни моддий, маънавий қувватлаб туришга, бутун эътиборни қаратганди. Уруш йилларида ҳалқимизнинг юксак инсонпарварлиги ва сабр бардошлилиги яққол намоён бўлди. Шаҳар ижроқўми қошида тузилган комиссия ҳарбий хизматчиларнинг оиласаларига зарур моддий ёрдам кўрсатиш чораларини амалга ошириди. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудига ота- оналаридан уруш туфайли жудо бўлган минглаб етим гўдаклар ҳам келтирилганди. 1941 йилнинг охиirlарида Асака шаҳрига келтирилган болаларнинг бир қисми болалар уйига жойлаштирилди, бир қисми маҳаллий аҳоли томонидан хонадонларда тарбияга олинди. Уларга ҳалқимиз кўлидан келганича меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатди. Уруш йиллари Асака шаҳрида 4та болалар уйи фаолият кўрсатган эди [3; 25].

Хуллас, иккинчи жаҳон уруши бутун ўзбек ҳалқи қатори асакаликлар учун ҳам кучли синов даври бўлди. Ҳалқимиз ўзининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, инсонпарварлигини ушбу даврда ёрқин намоён этди. Икинчи жаҳон уруши фронтларида ҳам фронт ортида ҳам ҳалқимиз фидокорона меҳнати билан буюк ғалабага ўзининг муносиб хиссасини қўшди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аждодларимизнинг бекиёс қаҳрамонлиги инсоният тарихига агадий ўчмайдиган, буюк саҳифа бўлиб ёзилган // “Янги Ўзбекистон”, 2021 йил 10 май. – №94(350).
2. Асака туман Мудофаа ишлар бўлими жорий архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 120-иш.

3. Раҳмонов С. Асака. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
4. Асака туман Мудофаа ишлар бўлими жорий архиви 3-фонд, 1-рўйхат, 120-иш.
5. БрезнякН.Г. Герои Советского Союза Узбекистанцы. –Ташкент: Узбекистан, 1984.
6. Асака туман Мудофаа ишлар бўлими жорий архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 120-иш.
7. Жўраев Т.Ж. Ватанинг содик фарзандлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1964.
8. Муҳиддинов З., Султонов А. Андижонлик қаҳрамонлар. – Андижон, 1995.
9. Асака туман Мудофаа ишлар бўлими жорий архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 120-иш.
10. Асака туман Мудофаа ишлар бўлими жорий архиви, 4-фонд, 1-рўйхат, 121-иш.

*Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган*

## **НАВОЙИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Раупов Х.Р. (Навоий КМК)**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда кон-металлургия саноатининг йирик корхонаси бўлган Навоий кон-металлургия комбинатинини малакали мутахассис ва ишчилар билан таъминлаш борасида бир томонлама олиб борилган сиёсат, кадрлар тайёрлаш бўйича ташкил этилган олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалар фаолияти ёритилган.

**Таянч сўзлар:** кон-металлургия саноати, малакали мутахассис, маҳаллий кадрлар, институт, техникум, ўқув маркази, кечки ва сиртқи таълим.

### **ВОПРОСЫ КАДРОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В НАВОИ**

**Аннотация.** В статье описаны односторонняя политика обеспечения Навоийского горно-металлургического комбината, являющегося крупным предприятием горно-металлургической промышленности Узбекистана квалифицированными специалистами и рабочими, а также деятельность высших и средних специальных учебных заведений, созданных для подготовки кадров.

**Ключевые слова:** горно-металлургическая промышленность, квалифицированный специалист, местные кадры, институт, техникум, учебный центр, вечернее и заочное обучение.

### **ISSUES OF STAFFING INDUSTRIAL ENTERPRISES IN NAVOI**

**Annotation.** The article describes the unilateral policy of providing Navoi Mining and Metallurgical Company, which is a large enterprise in the mining and metallurgical industry of Uzbekistan, with qualified specialists and workers, as well as the activities of higher and secondary specialized educational institutions created for training personnel.

**Key words:** mining and metallurgical industry, qualified specialist, local personnel, institute, technical school, training center, evening and distance learning.

XX аср 30-50 йилларида геологлар томонидан Қизилқум саҳросида ҳам кенг кўламли геологик қидирав ишлари олиб борилди. Учқудук худудида топилган уран конларини ўзлаштириш ва маъданларни қайта ишлаш мақсадида Совет ҳукуматининг 1958 йил 20 февралдаги 206-99-сонли қарори билан Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилди.

Янги ташкил этилган корхонани малакали мутахассислар билан таъминлаш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш масалалари асосан Марказ томонидан ҳал қилинди. Мазкур комбинат учун ишчи-ходимлар билан бир қаторда раҳбарлик лавозимига ҳам бошқа республикалар, асосан, Россия ва Украина корхоналарида ишлаётган ҳамда олий ўқув юртлари ва касб-хунар мактабларини тутатганлар олиб келинди.

Корхона ташкил этилган кундан бошлаб, асосан, бошқа худудлардан кадрлар олиб келинди ва улар йиллар ўтган сари кўпайиб борди. 1964 йил 1 январь ҳолатига қўра комбинатда 8251 нафар ишчи-ходимлар фаолият кўрсатган бўлса, унинг 790 нафарини

муҳандис-техник ходимлар, 450 нафарини хизматчилар, 2928 нафарини ишчилар, 300 нафарини ҳарбийлар ва 176 нафарини шогирдликка олингандар ташкил этган[1].

Корхонага зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш жуда зарур эди. Республиkanи ўзида ҳам кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди. 1963 йилда Навоий шаҳрида кон-металлургия ва кимё саноати корхоналарини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1963 йил сентябрь ойида Ўрта Осиё политехникумининг ва ноябрь ойида Тошкент политехника институтининг кечки ўкув маслаҳат пунктлари очилди [2]. Тошкент политехника институтининг кечки ўкув маслаҳат пунктида тўртта: фуқаро саноат курилиши, ноорганик моддалар технологияси, электр таъминоти, металл қирқиши ва машинасозлик технологияси мутахассисликлари мавжуд бўлган. 1967 йилда кечки ўкув маслаҳат пункти Тошкент политехника институтининг Навоий умумтехника факультетига айлантирилди[3]. Мазкур факультетда 1965-1966 йилларда бор-йўғи 509 нафар талаба таҳсил олган[4]. Комбинат эҳтиёжлари учун 1967 йилда факультетдаги 479 нафар талаба билан бир қаторда Навоий кечки техникумидаги 980 нафар ўкувчи ва ёш ишчилар мактабида 1725 нафар, яъни жами 2884 нафар киши таҳсил олган[5].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур кечки техникумда тайёрланадиган кадрлар тўлиқ Иттифоқнинг Ўрта машинасозлик вазирлиги ихтиёрида бўлган. Мазкур кечки техникум директори ва ўкув ишлари бўйича ўринбосари мазкур вазирлик номеклатурасида бўлган. Вазирликнинг 1965 йил 28 июлдаги 276-сонли бўйруғи билан техникум директори этиб А.В.Вехова, ўкув ишлари бўйича ўринбосар этиб В.К.Малишев тайинланганлиги бунинг исботидир [6].

Ўрта машинасозлик вазирлигининг 1959 йил 31 декабрдаги бўйруғи билан комбинат ўкув маркази қошида корхона учун зарур бўлган оддий ишчиларни тайёрлаш мақсадида мактаблардаги 9-11 синф ўкувчилари учун курслар ташкил этилди. 1964-1965 ўкув йилида мазкур курсларда 168 нафар ўкувчилар слесарь, металл бўйича токар, чизмачи-конструктор каби касбларга ўқитилди [7].

1980 йилда Тошкент политехника институтининг Навоий кечки факультети Навоий филиалига айлантирилди ҳамда талабаларни кундузги ва кечки таълим шаклларида ўқитиш бошланди. 1988 йилга келиб, филиалда 3 та факультет, 17 та кафедрада 254 нафар профессор-ўқитувчилар, шундан 3 нафар профессор, 52 нафар фан номзодлари талабаларга таълим беришган [8].

Аммо, Навоий кон-металлургия комбинати учун зарур бўлган, олий маълумотли кончилик иши, металлургия, геология каби мутахассисликлар тайёрланмаган. Бундан кўриниб турибдики, ҳудудда ўша пайтда мавжуд бўлган йирик саноат корхоналари учун олий маълумотли маҳаллий кадрларни тайёрлаш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Негаки, Навоийда ўша пайтда НКМК корхоналаридан ташқари “Навоийазот” бирлашмаси, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Навоий электркимё” ва “Навоийцемент” заводлари ҳам фаолият олиб борган. Уларга ҳам ишчи ва мутахассислар, асосан, бошқа республикаларда олиб келинган. Шу ўринда бир фактни қайд этиш керакки, архивдаги маълумотларга кўра, 1967 йилда Навоий кимё заводида (ҳозирги “Навоийазот” АЖ) меҳнат килган 6450 нафар аёлларнинг бор-йўғи 5,7 фоизи ёки 368 нафари маҳаллий хотин-қизлар бўлган [9]. Бу кўрсаткич кўп йиллар давомида ўзгармай келган.

ССР даврида йирик саноат корхоналарида маҳаллий кадрларнинг камлиги ҳам бунинг яққол исботидир. 1980 йилларнинг охириларида Навоий кон-металлургия комбинатида маҳаллий раҳбар кадрлар 8,2 фоизни ташкил этарди [10] ҳамда бошқа йирик саноат корхоналарида ҳам шундай ҳолат эди. 1990 йилда Навоий шаҳрида 120 минг аҳоли яшаган бўлса, унинг 61 фоизини руслар, 23 фоизини 70 дан ортиқ миллат, 16 фоизини маҳаллий миллат вакиллари[11] ташкил этганлигини ўзи вазият қай даражада бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Саноат корхоналари учун ўрта бўғин мутахассислар, асосан, Навоий саноат техникуми, Зарафшон шаҳридаги ўкув маслаҳат марказида тайёрланган. 1968 йилда Навоий саноат техникумининг кечки бўлимида 1350 нафар, Зарафшон ўкув-маслаҳат

марказида 295 нафар талаба таҳсил олган бўлса, 1968-1970 йилларда Навоий саноат техникуми саноат корхоналари учун 830 нафар кичик мутахассислар тайёрлаб берди [12]. НКМК учун кадрларни тайёрлашда 1965 йилда ташкил этилган Навоий саноат техникумининг ўрни катта бўлган. Техникумининг Учкудуқ, Зарафшон ва Нурободдаги бўлимларида 20 дан ортиқ касблар бўйича кадрлар тайёрланган [13]. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, комбинат томонидан ишлаб чиқариш корхоналари учун техникум ва касб-хунар билим юргларида йиллар давомида, асосан, русийзабон миллат вакиллари таҳсил олишган.

Комбинатга ўрта бўғин кадрлар тайёрлаб берадиган Навоий саноат техникумида 1990 йилда кон электромеханикаси, фуқаролик ва саноат қурилиши, совутгич –компрессор машиналари, корхона электр жиҳозлари, фойдали қазилмаларни бойитиш каби мутахассисликлар бўйича 684 нафар талаба таҳсил олган бўлса, унинг 141 нафаригина маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган. Мазкур техникумда фаолият олиб борган 120 нафар ўқитувчи ва ходимларнинг бор йўғи 3 нафарини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этган [14]. Шу ўринда мазкур техникумда асосий касбий йўналишлар бўйича тайёрланган мутахассисликларда асосан бошқа миллат вакилларига асосий эътибор қаратилган. Масалан, комбинатнинг олтин ва уран билан боғлик мутахассисликларида буни кўриш мумкин. Жумладан, кон электромеханика йўналишида ўқиётган 195 нафар талабанинг 9 нафари яъни 9,4 фоизи, қазилма бойликларини бойитиш бўйича 78 нафар талабанинг 7 нафари, яъни 4 фоизини ташкил этган бўлса, фуқаролик ва саноат қурилишидаги 108 нафар талабанинг 26 нафари, яъни 24 фоизи, техник хизмат ва автомобиль таъмирлашдаги 112 нафар талабанинг 67 нафари, яъни 60 фоизини маҳаллий аҳоли ёшлари ташкил этган [15].

1990 йилда Учкудуқдаги 19-сонли, Зарафшондаги 4-сонли, Навоийдаги 20- касб-хунар билим юргларида (СПТУ) 2201 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг 904 нафари маҳаллий аҳоли ёшлари, 327 нафар ходимларнинг 252 нафари муҳандис-техник ходим, шундан 47 нафари маҳаллий ходимлар, оддий ишчиларнинг 69 нафаридан 25 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлишган [16]. Статистикага мурожаат қилсак, 20-сонли билим юртида ғишт терувчиликдаги 29 нафар ўқувчининг 27 нафари, слесарликдаги 29 нафар ўқувчининг 29 нафари, ошпазлиқдаги 55 нафар ўқувчининг 38 нафари маҳаллий миллат ёшлари бўлишган [17]. Бундан кўриниб турибдики, советлар даврида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий аҳоли ёшларини иложи борича комбинат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларига яқин келтиришмаган. Шунингдек, архив хужжатларида комбинат раҳбарияти томонидан Ўрта машинасозлик вазирлигига кадрлар, уларни тайёрлаш, ўқитиш бўйича берилган хисоботларда албатта, маҳаллий аҳоли сони кўрсатиб ўтилган.

Ўтган асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллари бошларида Навоий кон-металлургия комбинати жойлашган шаҳарлардан аҳолини кўчиб кетиш жараёни қўпайди. СССРнинг таназзулга учраши, корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан инқироз ёқасига келиб қолиши бу жараённи янада тезлаштирди. Масалан, 1990 йилнинг саккиз ойи давомида Навоий шаҳридан 4167 нафар киши кўчиб кетган [18]. Уларнинг асосий қисми русийзабон аҳоли бўлган. Шу ўринда йирик саноат корхоналарини кадрлар билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилганлигига эътибор қаратсан. СССР даврида Ўзбекистондаги Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналарни маҳаллий кадрлар билан таъминлаш масалаларига панжа остидан ёки уларга “ишонмаслик” кайфияти билан қараларди. Ўша даврда кон-металлургия саноати корхоналари учун мутахассислар Тошкент политехника институтида (хозирги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети) тайёрланарди. Аммо уларнинг ҳам асосий қисми бу корхоналарга ишга жойлаша олмасди.

Марказ томонидан барпо этилаётган атом саноати корхоналари учун кадрлар асосан Россия ва Украина олий ўқув юргларида тайёрланган. Буни учун уларга катта имтиёзлар ҳам берилган. Сабаби, атом саноати учун ўша пайтда малакали кадрлар жуда зарур эди. Буни архив хужжатларида кўриш мумкин. Масалан, 1948-1950 йилларда СССР атом саноати корхоналари учун 4600 нафар физик, кимёгар, металлург, геолог ва бошқа мутахассислар тайёрлаб берилган [19].

СССР Министрлар Советининг 1951 йил 25 апрелдаги “СССР Минстрлар Совети хузуридаги Иккинчи бош бошқарма ва СССР Бошшаҳарқурилиш учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тўғрисида”ги 1359-684сс/оп-сонли маҳфий қарори [20] билан уран ва олтин ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналар учун алоҳида бўлимлар очилиши режалаштирилди. Қарорда СССР бўйича 13 та олий ўкув юртида (Москва давлат университети, Ленинград давлат университети, Харков давлат университети, Урал политехника институти, Москва энергетика институти, Москва механика институти, Томск политехника институти, Москва рангли металлар ва олтин институти кабилар) маҳсус бўлимлар очилган. Масалан, Москва давлат университетининг маҳсус химия бўйича 115 нафар, аналитик кимё бўйича 85 нафар, физиковий химия бўйича 115 нафар, радиоактив металлар технологияси бўйича 80 нафар, жами 13 та олий ўкув юрти бўйича 1952-1955 йилларда неоорганик кимё бўйича 85 нафар, физиковий химия бўйича 115 нафар, аналитик кимё бўйича 55 нафар мутахассис тайёрлаш, Москва рангли металлар ва олтин институтида 1952-1955 йилларда маҳсус бўлимда гидрометаллургия бўйича 100 нафар, ноёб ва радиоактив металлар технологияси бўйича 80 нафар, жами 13 та олий ўкув юрти бўйича 1952-1955 йилларда 5260 нафар мутахассислар тайёрлаш режалаштирилди [21]. Бу маҳсус бўлимларда таҳсил олган талабаларга алоҳида стипендиялар ҳам жорий этилган. Бу қарордан кўриниб турибдики, уран ва олтин бўйича мутахассислар, асосан, Россия ва Украина олий ўкув юртларида тайёрланган ва кейинчалик уларнинг асосий қисми Ўзбекистонда барпо этилган корхоналарга юборилган.

Ўрта Машинасозлик вазирлиги томонидан НКМКга Ўзбекистондаги хунар билим юртларидан жуда кам миқдорда кадрлар ишга олишган. Вазирликнинг ўкув юртлари ва кадрлар бошқармаси бошлиғи Ю.Семенджевнинг 1970 йил 9 январда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг хунар техник таълим бўйича давлат қўмитаси раиси Х.Калановга юборган хатида, шу йилда комбинат учун республика хунар билим юртларини тамомлаган 30 нафар ёшлар ишга жойлаштирилишини маълум қиласди [22]. Шу билан бир қаторда 1970 йилда комбинатга Томск политехника институтидан 24 нафар талаба, 1972 йилда 30 нафар талаба дипломолди амалиётга юборилди. Уларнинг асосий қисми кейинчалик ишга олиб қолинди [23].

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 50-80 йилларида Ўзбекистон ҳудудига кадрлар “оқими”нинг кириб келиши, ўз навбатида аҳолиси Иккинчи жаҳон урушидан кейин тез кўпайиб борган Ўзбекистон учун ижтимоий тангликтни келтириб чиқариши тўғрисида ўйланмади. Бу авалло, Марказнинг маҳаллий кадрларга бўлган “ишончсиз”лиги бўлса, иккинчидан, стратегик соҳа бўлган уран, олтин ва мис ишлаб чиқаришни фақат ўзлари томонидан “монополия” қилиб олганлиги эди. Яъни, бу соҳага маҳаллий халқ вакиллари деярли киритилмади.

Ўзбекистондаги кон-металлургия саноати корхоналарига малакали маҳаллий кадрларни тайёрлаш масалалари мустақилликка эришилгандан сўнг ҳал этилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-ОД-5-рўйхат, 1781-иш, 46-47-варак.
2. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-2 рўйхат, 155-иш, 16-варак.
3. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-5-рўйхат, 2274- иш, 14- варак.
4. Навоий вилоят ҳокимлиги архиви. 795-фонд, 2-рўйхат, 1-иш, 45 варак.
5. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-5-рўйхат, 2274- иш, 14- варак.
6. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-ЛС- рўйхат, 1 –доп- иш, 14- варак.
7. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-2 рўйхат, 155-иш, 20-варак.
8. Навоий вилоят ҳокимлиги архиви. 795-фонд, 2-рўйхат, 1-иш, 46-47 варак.
9. Ўзбекистон Миллий архиви. 2600-фонд, 1-рўйхат, 96-иш, 1-варак.
10. Навоий вилоят ҳокимлиги архиви. 795-фонд, 2-рўйхат, 11-иш, 99-105 варак.
11. Навоий вилоят ҳокимлиги архиви. 795-фонд, 2-рўйхат, 1-иш, 89- варак.
12. Навоийский горно-металлургический комбинат. История создания и развития. Ответственный редактор С.Ризаев, – Ташкент: Шарқ, 2002. – С. 82.
13. Кучерский Н. Золото Кизилкумов. – Ташкент: ИПК “Шарқ”, 1998. – С.214.
14. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-ОД – рўйхат, 5928-иш, 23-варак.
15. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-ОД – рўйхат, 5928-иш, 23-варак.

16. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-ОД – рўйхат, 5928-иш, 26-варак.
17. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-ОД – рўйхат, 5928-иш, 26-варак.
18. Навоий вилоят ҳокимлиги архиви. 795-фонд, 27-рўйхат, 43-иш, 11-варак.
19. Доклад Л.П.Берия И.В.Сталину о ходе выполнения задания Правительства по развитию атомной промышленности. Атомный проект СССР: документы и материалы. Т.2. Кн.5.– С. 665-668. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,665](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,665).
20. Постановление СМ СССР №1359-684cc/оп. Атомный проект СССР: документы и материалы. Т.2. Кн.5.– С. 311-318. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,311](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,311).
21. Постановление СМ СССР №1359-684cc/оп. Атомный проект СССР: документы и материалы. Т.2. Кн.5 с 311-318. [http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr\\_t2\\_kn5\\_2005/go,311](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,311).
22. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-3-рўйхат, 371-иш, 1-варак.
23. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-3- рўйхат, 371-иш, 2-26-вараклар.

*Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган*

## **XX ASR BOSHLARIDA SURXON VOHASIDA TOJIKLAR JOYLASHUVI ETNOGRAF B.X.KARMISHEVA TALQINIDA**

**To‘rayev Sh. G. (TerDU)**

**Annotatsiya.** Ushbu maqola XX asr birinchi yarmidagi Surxondaryo hududida o‘zbek qabilalaridan keyingi yirik etnik qabila bo‘lgan tojiklar haqida. Maqlolada Tojiklarning etnik guruhlarga bo‘linganligi, Surxon vohasi bo‘ylab joylashuv hududlari, ularning soni va qaysi urug‘lar bilan yashaganligi yoritib berilgan. Bunda taniqli etnograf Bilqiz Xalilovna Karmisheva tadqiqotlari va asarlariga tayanildi.

**Tayanch so‘zlar:** *Surxon vohasi, tojik-chig‘atoylar, Boysun kuhistoni, To‘palangdaryo, Sangardak, xarduri, xo‘jalar.*

### **РАСПОЛОЖЕНИЕ ТАДЖИКОВ В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ В НАЧАЛЕ ХХ ВЕКА В ИНТЕРПРЕТАЦИИ ЭТНОГРАФА Б.Х.КАРМЫШЕВА**

**Аннотация.** Данная статья посвящена таджикам, крупнейшим этническим племенам после узбекских, в Сурхандарьинской области в первой половине XX века. В статье описывается деление таджиков на этнические группы, их размещение вдоль Сурханского оазиса, их численность и роды, с которыми они проживали. При этом опирались на исследования и труды известного этнографа Бильгиз Халиловны Кармышевой.

**Ключевые слова:** *Сурханский оазис, таджикско-чигатайцы, Байсун, Кухистан, Топалангдарья, Сангардак, хардур, ходжалар.*

### **THE LOCATION OF TAJIKS IN SURKHAN OASIS AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY IN THE INTERPRETATION OF ETHNOGRAPHER B.KH. KARMISHEVA**

**Annotation.** This article is about the Tajiks, the largest ethnic tribe after the Uzbek tribes in the Surkhandarya region in the first half of the 20th century. The article describes the division of Tajiks into ethnic groups, their location along the Surkhan oasis, their number and which clans they lived with. In this, the researches and works of the well-known ethnographer Bilqiz Khalilovna Karmisheva were relied upon.

**Key words:** *Surkhan oasis, Tajik-Chigatays, Boysun, Kuhistan, Topalang Darya, Sangardak, Kharduri, Khojalar.*

Surxon vohasi xalqlari orasida forsiy til turkumiga kiruvchi qadimgi xalqlardan biri tojiklar bo‘lib, murakkab ijtimoiy – iqtisodiy, siyosiy va geografik sharoitda shakllangan. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Pomir va Hisor vodiysining mahalliy aholisi – Temuriylar hukmronligi va undan oldingi davrlarda Movarounnahr hududlarida yashagan va yerli o‘troq dehqon aholi bilan

jadal aralashib ketgan bir qancha etnik guruhlarning avlodlaridir. Ko‘pgina etnografik adabiyotlarda mazkur hududning mahalliy aholisi sifatida, asosan, tojiklar ko‘rsatib o‘tilgan<sup>1</sup>

Etnografik adabiyotlarda ko‘pchilik o‘troq xalqlar singari Surxon vohasidagi tojiklar ham mahalliy guruhlarga bo‘linganligi bir necha bor ta’kidlangan. Tojikiston va O‘zbekistonning janubiy viloyatlari tojiklari turli omillarga ko‘ra ko‘lobi, karateginlar, varzobi, romiti, kuhistoni, boysuni, darbandi, panjobi va boshqa hududiy nomlar bilan atalgan. Har bir guruh o‘zining shevasi va moddiy madaniyati, urf- odatlari va marosimlari bilan boshqalardan ma’lum darajada farq qilar edi. Bu, ayniqsa, Ko‘lob kabi tarixiy- madaniy hududlar aholisiga taalluqlidir. Genetik tipdagi etnografik guruhlarga kelib chiqishi murakkab bo‘lgan va nomi hudud bilan bog‘liq bo‘lмаган тоjiklarga Chig‘atoy va Xarduriylarni kiritish mumkin. Tojiklar orasida etnografik guruhlardan tashqari Xo‘ja va Sayyidlarga xos etnik tusga ega sinfiy guruhlar ham mavjud edi. Tojiklar shaharlar va qishloqlarda birdek yashab, dehqonchilik, chorvachilik, savdo va hunarmandchilik kabi turli mashg‘ulotlar bilan shug‘ullanganlar.<sup>2</sup>

Surxondaryo elshunosligining sho‘rolar davridagi eng yuqori nuqtasi kelib chiqishi boshqird bo‘lgan professor Bilqis Xalilovna Karmisheva nomi bilan bog‘liqdir. Tadqiqotchi o‘zining uzoq yilar mobaynida olib borgan izlanishlari natijasida O‘zbekiston va Tojikiston aholisining etnografiyasiga doir asarini yozdi.<sup>3</sup> Aynan shu asarlar tadqiqotimiz asosidir.

1-jadval.

#### **XX asr boshlarida tojiklarning Surxondaryo viloyati bo‘yicha joylashuvi**

Hududlar		Aholi soni	Umumiyligi nisbatan foizi
Surxondaryo viloyati		40632	31.3 foiz
Boysun uyezdi		11493	47.0 foiz
Volostlar	Boysun	4000	50.3 foiz
	Darband	4978	52.1 foiz
	Qumqo‘rg‘on	2515	36.3 foiz
Sherobod uyezdi		9565	18.7 foiz
Volostlar	Poshxurd	5675	58.4 foiz
	Xatak qishlog‘i	3300	35.5 foiz
	Sherobod	Maydaariq qishlog‘i	4.7 foiz
Yurchi uyezdi		19574	36.2 foiz
Volostlar	Mirshodi	6360	35.9 foiz
	Sariosiyo	9794	61.0 foiz
	Yurchi	3420	43.6 foiz

1924-yilda O‘rta Osiyoni rayonlashtirish komissiyasi ekspeditsiyasi tojik-chig‘atoy va o‘zbek-chig‘atoylarni ro‘yxatga olgan. Surxondaryo hududida tojik-chig‘atoylarning soni salmoqli hisoblangan. Ko‘hitang tog‘larining sharqiy etaklarida 10 dan ortiq qishloq bo‘lib, ularning aholisini tojik-chig‘atoylar tashkil etgan. Ularning eng yiriklari Sherjand, Vandob, Zarabog‘, Poshxurd va Chakoblar hisoblanardi. Sherjand va Vandobda tojik tilida so‘zlashuvchi chig‘atoylar bilan bir qatorda qatag‘on- tog‘chilar ham yashagan. Zarabog‘da tojik-chig‘atoylardan tashqari o‘zbek-xo‘jalar yashagan. Katta Poshxurd qishlog‘ining aralash aholisining yarmiga yaqini chig‘atoy tojiklari edi. Bu qishloqlardan janubda, Poshxurd vodiysining janubida G‘oz, Yoqubbayqarez, Axtash, Algi, Yarmaqarez, Chorvag‘arez,

<sup>1</sup>Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. ТИИАЭ АН Тадж.ССР. – Сталинабад, 1954. Т.XXVIII. Вып.1. – С. 111 – 120.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – начало XX века) //СЭ, 1969, – № 3. – С. 44 – 50.

<sup>3</sup>Mirzayev J.Z. Surxondaryo etatlari: o‘rganilish muammolarini va istiqbollari. “Boysun bahori” ochiq folklore festivalini Jahon sivilizatsiyasidagi Boysunning moddiy va ma’naviy madaniyati” mavzusidagi Xalqaro ilmiy konferensiysi maqolalar to‘plami. – Т.: Yangi nashr, 2019. – B. 77.

Buloqqarez, Kattaqamish, Kampirbuloq kabi qishloqlar umumiy Karezat nomi bilan mashhur bo‘lib, ularning aholisi korez suvidan foydalangan. Bu qishloqlarning ayrimlarida o‘zbeklar-*qo‘ng‘irotlardan tashqari, chig‘atoylar ham yashagan.* Shuningdek, Gaz qishlog‘i ikki qismga bo‘lingan – birinchisi Tentak qishloqda qo‘ng‘irotlar, ikkinchisida esa chag‘atojiklar bo‘lgan. Buzrug‘obodda xo‘jalar bilan birga chig‘atoylar ham birga tinch-totuvlikda yashaganlar.

Sheroboddaryo havzasida uchta yirik tojik qishloqlari Sayrob, Panjob va Darband bo‘lgan. Ro‘yxatga olingen nomlarning har biri bitta qishloqqa emas, balki har birining o‘ziga xos nomiga ega bo‘lgan kichik bir guruhg‘a tegishli edi. Ular bir- biridan ma‘lum masofada joylashgan bo‘lib, odatda, bitta soy vodiysi bo‘ylab zanjir bo‘ylab cho‘zilgan, aholi gavjum bo‘lib yashagan. O‘rtal asr manbalarida Darband nomi bilan tilga olingen mashhur tog‘ dovoni yaqinida joylashgan Darbant hududida 11 ta qishloq bo‘lgan. Bular Qapchig‘ay, Axmachit, Ispandiyor, Qizilqishloq, Birg‘abir, Sang‘chilsoy, G‘urum, Chambul, Sesangi, Jalg‘uzbuloq, Koshasiya qishloqlaridir. Ular Sheroboddaryoning Machay dasasidan chiqqanidan so‘ng uning ikkala qirg‘og‘ida joylashgan edi. Eng baland qishloqning Qapchig‘ay deb atalishi bejiz bo‘lmagan, chunki u o‘zbek tilining qipchoq shevalarida, xususan, qo‘ng‘irotlar shevasida “Darbandilarning eng yaqin qo‘shnilari”, “baland qoyali dara” degani ma‘noni anglatadi. Buloq yonida o‘sgan ulkan chinorlari bilan mashhur Sayrobda ham tojiklar talaygina bo‘lishgan. Bu hudud Chinor, Kabuti, Paykob, Obgir, Jindikamar va Jiziljar qishloqlaridan tashkil topgan. Bu davorda Panjob Tashqi va Ichki qishloqlarga bo‘linardi. Sababi daralardan tashqarida va ichkarida joylashganligi bilan bog‘liq edi.

Poshxurd vodiysi va Sheroboddaryoning yuqori oqimidagi sanab o‘tilgan qishloqlar Chig‘atoj qishloqlarining o‘n qismi deb ataladigan qishloqlar qatoriga kirgan. U Daxparakent deb atalib, adabiyotlarda geografik nom sifatida uchraydi. Ushbu toponim dax-pora-kent so‘zlaridan tashkil topgan. Dax so‘zi “o‘n, pora so‘zi “bo‘lak”, ‘parcha”, kent so‘zi “uy, xonodon” degan ma‘nolarni anglatadi<sup>1</sup>.

B.X. Karmisheva tadqiq etgan Daxparakentni 10 ta qishloq tashkil etgan. Bular Darbant, Sayrob, Panjob, Xatak, Zarabog‘, Qorabog‘, Vandob, Sherjand, Poshxurd, Karezat qishloqlari edi. Xatak qishlog‘ida asosiy o‘rinda qatag‘on- tog‘chilar yashagan, ammo ular tili va turmushi jihatidan o‘zbek tilida so‘zlashuvchi chig‘atoylarga yaqin edilar. Ikkinchisi xatak tojiklarini edi. Ularning chig‘atoylar bilan aloqadorligi soliq yig‘ishda Xatakning qo‘shni Laylagan qishlog‘iga qo‘shilishidan biliшимиз mumkin.

Darbant haqida ham xuddi shunday deyish mumkin. Uning aholisi chig‘atoylar deb hisoblanmagan, ammo soliq undirish uchun ular chig‘atoylarga biriktirilgan. Aholisi chig‘atoj-tojiklaridan iborat Quytan qishlog‘ining o‘zi ham Daxparakent tarkibiga kirishi mumkin edi, chunki bu katta qishloqning asl aholisi zarabog‘liklarga qarindosh bo‘lgan chig‘atoylar bo‘lgan. Darxaqiqat, Poshxurd vodiysining shimoliy qismi, shuningdek, Xatak, Pandjob va uning atrofidagi aholi uchun Quytan bozori eng yaqin yirik savdo markazi edi. Daxparakent Chig‘atoj qishloqlari aholisi sug‘orish manbalarining past quvvati va yog‘ingarchilikning yetarli emasligi tufayli qishloq xo‘jaligini yurita olmaganligi sababli ko‘plab chorva mollari boqib, yarim ko‘chmanchi hayot turini tanlashgan. Ular kunlar isishi bilan qishloqlarini tashlab, chorvalari bilan dasht va tog‘larga ko‘chib ketishadi, yoz va kuzni bog‘larda o‘tkazadilar. Shu bilan birga, deyarli butun yil davomida, xuddi qo‘ng‘irotlar singari, turli joylarda faoliyat yuritib, qishki qisqa vaqt ichida qishloqlardagi uylarda istiqomat qilishganlar.

XIX asrda Boysun Surxondaryodagi 3 ta beklikdan biri bo‘lib, unda badavlat o‘zbek aholisi yashagan<sup>2</sup>. 1924-yilgi ma‘lumotlarga ko‘ra 4000 ming kishi qayd etilgan. Boysun tog‘li daradan chiqish joyda daryo bo‘yida joylashgan. Boysun shahar va shahar atrofidagi 14 qishloqning asosiy aholisini tojik chag‘atoylari tashkil qilgan. Shayit qishlog‘ida bozor va bir qancha hunarmandlar bo‘lgan. Boysun tog‘ dasasidan kichik daryoning chiqishida joylashgan edi. Avlod, Sariosiyo va Kuchqak qishloqlari ikkinchisida joylashgan bo‘lsa, qolganlari keng vodiya tarqalib ketgan. Daryodan chiqib ketayotganda daryodan ikkita kanal tortilgan. Ulardan biri o‘ng qirg‘oqdagi Passurxi, Qo‘rg‘oncha, Qorabo‘yin, Bibishirin, Mirqorakuz va boshqalarini suv bilan

<sup>1</sup> Tursunov S., Umarov I. va b. O‘zbekistonda toponimik nomlar va ularning tarixi. – Termiz:Surxon-nashr, 2017. – B. 92.

<sup>2</sup> Tursunov S., Rashidov Q. Boysun. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 15.

ta'minlaydigan Passurxiariq, keyinigisi Shayit, Bagibolo, Chinor, Qizilqarez, Payg'aboshi, Ko'kchi, Shursoy va G'azo kabi qishloqlarni sug'oradigan Egriaariq edi. Bibishirin, Kuchkak, Bog'ibolo, Chinor va Ko'kchi qishloqlarida, asosan, tojik chig'atoylari yashagan. Boshqa qishloqlarning aholisi aralash edi. Passurhida tojiklar ikki guruhga bo'lingan: ko'pchilik xo'jalar, ozchilik chig'atoylar edi. Avlodda xojalar va chig'atoylardan tashqari o'zbeklar qatag'on-tog'chilar ham bo'lgan. Shayit, G'azo, Payg'aboshi, Shursay va Qoraboyun qishloqlarida chig'atoylar o'zbeklar-qo'ng'irotlar bilan birga yashaganlar. G'azo va Shayitda ham Qarshi vohasidan kelgan o'zbeklarning kichik bir guruhi bo'lgan. Qizilqarezda turli hududlardan to'plangan chig'atoylar orasida o'zbek-tog'chilar ham yashagan. Surxonning yuqori oqimidagi Xalkayar, Sangardak va To'palang irmoqlarida ham chig'atoylar keng tarqalgan edi.<sup>1</sup>

Chig'atoy-tojiklari Sangardak havzasidagi tog' daralarida ham yashagan. Garchi Sangardak darasining o'zida 10 qishloqdan faqat ikkitasi - Sangardak va Xubonda tojiklar bo'lib, qolganlari o'zbeklar bo'lsa-da, tojiklar soni bo'yicha ko'pchilikni tashkil qilgan. Bu yerdagi eng katta qishloq Sangardak edi. Sangardakning chap irmog'i Xonjizadaryo vodiysida ham chig'atoy tojiklari yashagan. Bu yerda Deybodam, Deysurx, Xonjiza va Xo'jasmin qishloqlari bo'lgan. Ularning barchasida chig'atoy-tojiklardan tashqari xo'jalar ham yashagan. Chig'atoylar Surxon vohasi hududida turlicha tarqalgan (1.2-jadval).

2-jadval

### XX asr o'rtalarida Surxon vohasi hududida Chig'atoylarning joylashuvi

Hudud	Soni
Sherobod daryosining yuqori oqimi	1127 kishi
Poshxurd vodiysi	1000 kishi
Sherobod vodiysi	500 kishi
Surxondaryoning quyi oqimi va Termiz hududi	2160 kishi

Surxon vohasida chig'atoy nomli qishloqlar ko'p bo'lgan. Bu, albatta, ushbu hududda istiqomat qiluvchi aholi etnik tarkibi bilan bog'liq bo'lgan. Uncha katta bo'lman Chig'atoy qishloqlari Nilu va Pannom Sangardakning chap irmog'iда joylashgan edi. To'palang havzasiga tegishli bo'lgan qo'shni darada Xufarning katta Chig'atoy qishlog'i, To'palangning quyi oqimi chap qirg'og'ida Sariosiyoning yana bir katta Chig'atoy qishlog'i bo'lgan. Ularda qisman yoki to'liq chig'atoy tojiklari istiqomat qiladigan yana bir qancha kichik qishloqlar bo'lgan. Surxon vodiysining o'rta qismida chig'atoy tojiklari Yurchi shahrida va uning tumanidagi bir qancha qishloqlarda, xususan, uning g'arbidagi tog' etaklarida yashagan. Katta Sino, Qo'kabuloq, Kuyausuv qishlog'ida faqat chig'atoy tojiklari yashagan, Ushor va Daxanakami-Kaltatoy qishloqlarida o'zbeklar bilan birga yashaganlar.

Xarduri tojiklarining asosiy qismi Qashqadaryo havzasining janubi-sharqiy qismida joylashgan bo'lib, Surxondaryo hududida ular juda oz sonda, asosan, Machaydaryo vodiysida, Sheroboddaryoning yuqori qismi ko'rsatilgan. Bu yerda xarduriylar Xo'jadeyak va Yuqori-Machayda yashaganlar. Machayda 300 tagacha xonodon bo'lgan, ularning yarmi turklar edi. Vaqt o'tishi bilan o'zbeklar ta'sirida asta-sekin o'zbek tiliga o'tib, o'zlarini o'zbek xarduriylari deb atagan. Ular shu yerda yashagan o'zbek chig'atoylari bilan aralashgan. Xarduri qishlog'i ham Boysun yaqinida edi. Uning aholisi o'zlarini Kichi-Uryadaryoning yuqori oqimida, Machaydan unchalik uzoq bo'lman joyda joylashgan Bashcharvag qishloqlaridan deb hisoblashgan. Bashcharvatda tojik-harduriylar sonidan tashqari turklar ham yashagan. Hammasi bo'lib, Boshcharvagda o'tmishda, 1200 ta fermer xo'jaligi bo'lgan. 1926-yilgi aholini ro'yhatga olishda ular o'zbek sifatida qayd etilgan. Xarduri atamasi "hamma joydan kelganlar" degan ma'noni anglatadi.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Кармышева Б.Х. Очерк и этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1976. – С. 60.

<sup>2</sup>Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1976. – С. 45-66.

To‘palangdaryoning ko‘plab manbalari joylashgan tog‘ daralari bo‘ylab tarqalgan qishloqlarda faqat tojiklar yashagan. Surxon vodiysi aholisi ularni tog‘lilar- kuxistonliklar deb atagan, lekin ular o‘z qishloqlari nomi bilan atashgan, masalan, malyandi, xurvotoni, zevari va boshqalar. Masalan, Daray- Chosh darasida Chosh, Dug‘oba, Nigovod, Qarsh, Istochibob, Urax qishloqlari bo‘lgan. Ular orasida eng mashhurlari Chosh, Dugoba va Qarsh edi. Shuningek, Tirk‘oroni-pas va Tirk‘oroni-bolo qishloqlariga hamda Yurchi shahri yaqinida Qarshi qishlog‘iga asos solganlar.

Voha tojiklari tarkibiga Xo‘jalar ham kirgan. Ular uchun aholi orasida rivoyatlarga tayanilib yuqori izzat-ikrom ko‘rsatilgan va mahalliy hokimiyat tomonidan turli imtiyoz va yerlar taqdim etilgan. Ular orasi Eshon pirlar ham ko‘p uchragan. Xo‘ja nomi bilan mashhur bo‘lgan bu guruh tojik va o‘zbek tilida so‘zlashuvchi chig‘atoy aholini ham o‘z ichiga olgan. Ularning alohida qishloqlari ham mavjud bo‘lgan. Xo‘jalar Sayrob umumiy nomi bilan mashhur qishloqlar guruhidagi Kabuta va Jindiqamar qishloqlarida, Boysunda Shaint, Passurxi, Sariasnya va Avlod qishloqlarida (oxirgilarida o‘zbek-tog‘chilar ham yashagan) qayd etilgan. Shuningdek, ularni Sangardak havzasidagi qishloqlarda, To‘palangning tog‘dan chiqishida joylashgan Langar qishlog‘ida, Sharg‘undaryoning yuqori oqimidagi Zag‘nobod qishlog‘ida va boshqa ko‘plab hududlarda uchratish mumkin bo‘lgan. Xulosa qilib aytganda Surxon vohasida tojiklar keng tarqalgan bo‘lib, bu hozirgi kunlarda ham kuzatiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyyotlar**

1. Mirzayev J.Z. Surxondaryo elatlari:o‘rganilish muammolari va istiqbollari. “Boysun bahori” ochiq folklor festivalini Jahon sivilizatsiyasidagi Boysunning moddiy va ma’naviy madaniyati” mavzusidagi Xalqaro ilmiy konferensiysi maqolalar to‘plami. – T.: Yangi nashr, 2019. – B. 77.
2. Tursunov S., Umarov I. va b. O‘zbekistonda toponimik nomlar va ularning tarixi. – T.: Surxon-nashr, 2017. – B. 92.
3. Tursunov S., Rashidov Q. Boysun. – T.: Akademnashr, 2011.– B. 15.
4. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1976. – С. 45-66.
5. Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. ТИИАЭ АН Тадж.ССР. – Сталинабад, 1954, Т.XXVIII. Вып.1. – С. 111 – 120.
6. Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – начало XX века) //СЭ, 1969,- № 3. – С. 44 – 50.

*Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan*

### **НАСАФ ВОҲАСИДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ТАРИХИ ВА МУТАСАВВУФЛАР ФАОЛИЯТИ**

**Хўжаёров А. (КарДУ)**

**Аннотация.** Ушбу маколада Насаф воҳасида тасаввуф таълимотининг шаклланиши, мутасаввув алломалар, уларнинг ҳаёт йўллари ва яратган асарлари ҳақида тарихий манбалар ва сўнгги йилларда бу йўналишда олиб борилган тадқикотлар асосида маълумот берилади.

**Таянч сўзлар:** *тасаввуф, Насаф воҳаси, Абу Туроб Нахшабий, Муъоз ибн Яъқуб Косоний, Абул Аббос Мустағфирий, Абул Мутеъ Макхул ибн Фазлуллоҳ Насафи, Абу Ҳафс Умар Насафи*

### **ИСТОРИЯ ТЕОРИИ СУФИЗМА И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СУФИСТОВ В ОАЗИСЕ НАСАФ**

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения о становлении суфизма в оазисе Насаф, суфийских ученых, их жизненный путь и труды на основе исторических источников и исследований, проведенных в этом направлении в последние годы.

**Ключевые слова:** *суфизм, оазис Насаф, Абу Турраб Нахшаби, Муаз ибн Якуб Косани, Абул Аббас Мустағфири, Абул Мутеъ Макхул ибн Фазлулла Насафи, Абу Ҳафс Умар Насафи.*

## HISTORY OF THE DOCTRINE OF SUFFS AND THE ACTIVITIES OF THE SUFFS IN THE OASIS OF NASAF

**Annotation.** This article provides information about the formation of Sufism in Nasaf oasis, Sufi scholars, their life paths and works based on historical sources and research conducted in this direction in recent years.

**Keywords:** *Sufism, Nasaf oasis, Abu Turab Nakhabi, Mu'az ibn Ya'qub Kosani, Abul Abbas Mustaghfiri, Abul Mute' Makhlul ibn Fazlullah Nasafi, Abu Hafs Umar Nasafi.*

Тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чукур кириб бориб, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. IX – XI асрларда Нишопур, Миср, Дамашқ ва Бағдод сўфийлик мактаблари билан бирга Марказий Осиё тасаввуф мактаблари ҳам вужудга келди. Марказий Осиё сўфийлик мактабарининг Марв, Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд зоҳидлик мактаблари фаолият анчайин самарали бўлган. Ушбу мактабларда ҳакимия, сайёрия ва маломатия оқимлари вакиллари ўз фаолиятларининг олиб боришган [1:12].

Қашқадарё воҳасида шаклланган зоҳидлик мактаби Марказий Осиёда VIII – IX асрларда мавжуд бўлган – Марв, Бухоро ва Самарқанд диёрларида шаклланган ва ривожланган тўртта асосий зоҳидлик мактабларидан бири ҳисобланган [1:46]. Унинг асосий вакиллари Абу Туроб Нахшабий ва Муъоз ибн Яъкуб Косонийлар бўлиб, асосий гоялари зуҳд, вараъ, таваккул ва футувват ҳисобланган.

Насаф воҳасида шаклланган тасаввуф мактабининг йирик вакили Абу Туроб Нахшабий бўлиб, алломанинг Аскар ибн Ҳусайн Нахшабий ҳисобланади. Нахшаб (Насаф) шаҳрида милодий 806 йилда таваллуд топган. У бошлангич билимларини ўз шаҳрида олиб, кейинчалик қўргина ислом мамлакатларига сафар қилиб, машхур тасаввуф шайхлари ва уламолари билан илмий сұхбатларда қатнашган [2: 3 – 4]. Аллома Бухоро ва Сарахс мадрасаларида таҳсил олган. Фиқҳ илмини Аҳмад ибн Ҳанбалдан ўрганган. Басрада шайх Ҳасан Басрийдан таълим олган ва унинг қўлидан хирқа кийган [3: 70 – 73].

Фаридуддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” асарида Абу Туроб Нахшабий ҳақида: “у бало сафларини бузувчи, такво девонининг ягонаси, Ҳак набийнинг меросхўри, замона шайхи, валийлик саҳросининг сайёхи, факр дарёсининг кемачиси, машойих улуғларидан, Хуросон тупроғидан Мужоҳада ва тақво ичра Ҳакни омонат қилган, ишорат ва калималар ичра нафаси олий, кўп йиллар давомида оркасини тўшакка, бошини ёстиққа қўймаган эди” [4:345 – 347], дейди.

Марказий Осиёда шаклланган тасаввуф таълимотидаги Насаф воҳаси зоҳидлик мактабининг асосчиси ҳисобланади. Бу ўринда гап ушбу сўфий тўғрисида келтирилган маълумотларнинг кўплигига эмас, балки унинг, эслатиб ўтилаётган Марказий Осиёдаги аксарият зоҳидлардан фарқли ўлароқ, тасаввуф тарихида машхур сўфийлар рўйхатидан жой олганлигидадир. Суламий ва ундан кейинги бошқа муаллифлар Абу Туроб Нахшабийни сўфийларнинг яшаган даври ва тасаввуф тарихидаги ўрнига қараб аввалига беш, кейинчалик эса олти табақага бўлинган тизимидағи биринчи табақада – тасаввуфа асос колган ilk сўфийлар каторида келтиришган [5, 6].

Абу Туроб Нахшабий ўз фаолияти билан Марказий Осиё зоҳидлик мактабининг яна бир тармоғи – Қашқадарё тармоғига асос колган. Зеро, ушбу сўфийдан сўнг мазкур диёрда зоҳидлик ҳаракатининг кенг ёйилганлиги кузатилади. Суламий ва Самъонийнинг маълум килишича, Хуросоннинг Балх ва Ироқнинг Басра шаҳарларида сўфийлик таълимини олган Абу Туроб Нахшабий ўзининг зоҳидлик фаолиятида футувват, таваккул, зуҳд ва вараъ гояларини тарғиб қилган. Эътиборлиси шундаки, Марказий Осиёдан чиққан бу сўфийдаги футувват гояси футувватни ўзининг бош гояларидан бири сифатида танлаб олган ва уни кенг тарғиб қилган Нишопур сўфийлик мактаби вакиллари ҳамда қассория сўфийлик оқимининг асосчилари Ҳамдун Кассор (ваф. 271/883) ва Абу Ҳафс Ҳаддод Нишопурий (ваф. 270/883) фаолиятидан олдин вужудга келган [1:44].

Абу Туроб Нахшабий Ҳаким Термизийнинг замондоши ва унинг устозларидан бири ҳисобланиб, у билан дўстона муносабатда бўлганлиги кўплаб манбаларда зикр қилинган. Исломшунос олим Иброҳим Усмонов футувват, таваккул, зуҳд ва варъя гояларини тарғиб

килган Абу Туроб Нахшабийни Ҳаким Термизийга маслақдош сўфийлардан бири сифатида эслатади [7:19 – 20].

Ҳаким Термизий эса ўз даврида ҳакимия сўфиийлик оқимига асос солган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳакимия сўфиийлик оқими Абу Туроб Нахшабий – Ҳаким Термизий (205/820 – 320/932) – Абу Бакр Варроқ Термизий (ваф. 296/909) – Абу-л-Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/953) устоз-шогирдлик силсиласи оркали шаклланган бўлиб, унда зуҳд, вараъ, футувват, валоят, қалб маърифати ва нафс билан курашиш foялари тарғиб қилинади [8:4 – 26]. Ҳаким Термизийдаги сўфёна қарашларнинг шаклланишида Балх, Нишопур каби шаҳарларда Абу Туроб Нахшабий билан учрашиши, шунингдек, Нишопурда маломатийлар ҳаракати билан алоқалар ўрнатиши муайян ўрин тутган [9:58 – 69]. Ҳаким Термизий ўзи яшаган даврда маломатия ҳаракатининг қарашларига кўп тўкнаш келган.

Маълумки, Абу Туроб Нахшабий маломатия ҳаракатининг маънавий асосчиси Ҳамдун ал-Қассорнинг устози ҳисобланиб, унинг кўплаб қарашлари ал-Қассорнинг таълимотида ўз аксини топган. Маломатиянинг яна бир асосчиси Абу Ҳафс ал-Ҳаддод эса Аҳмад ибн Ҳазровайҳ (ваф. 240/854) билан учрашган ва у ҳақида жуда юқори фикрлар билдирган. Шу билан бирган Аҳмад ибн Ҳазровайҳ Абу Туроб Нахшабийга яқин кишилардан бўлган [10:58].

Шу ўринда маломатия ҳаракати ҳақида қисқагина тўхталиб ўтсак. Ушбу ҳаракат ҳижрий учинчи, яъни милодий IX асрнинг иккинчи ярмида Нишопурда пайдо бўлиб, асосий гояси нафс тарбияси ва риёзати ҳисобланади. Маломатийларни бошқа замондош тасаввуфий тоифалардан фарқлаб турувчи асосий томони, улар Аллоҳ таоло хузурида ихлосга эришиш учун нафсни айб ва иллатлардан муолажа қилишга эътиборни қаратади. Кейинчалик маломатия ҳаракатининг асосий таълимларидан бўлган махсус кийимга бурканиб олмаслик; жаҳрий зикрдан махфий зикрни афзал кўриш; мақсадсиз дарбадар юришдан қайтариш каби айрим қоидалари XIV асрда вужудга келган нақшбания тариқати томонидан ўзлаштирилган [11:158].

Абу Туроб Нахшабийнинг кўплаб муридлари ва шогирдлари бўлган. Улардан бири машҳур шайх Ҳамдун Насафийдир. Машҳур донишманлардан Абу Абдуллоҳ Жалол, Абу Обид Басрийлар унинг кўлида таълим-тарбия олганлар [2:5]. Ҳаким Термизий, Али ибн Саҳл, Юсуф ибн Ҳусайн Розий, Шоҳ ибн Шусаъ Кирмоний, Абу Ҳамза Хурносоний, Абу Ҳамза Бағдодий, Аҳмад ибн Ҳазровайҳ ва Ҳамдун Қассорларни унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган машҳур сўфиийлар қаторига киритиш мумкин [12:243 – 244]. Манбаларда алломанинг атрофида 120 қишидан иборат шогирд ва маслақдошлари жамоаси бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди [13:30].

Абу Туроб Нахшабий сўфиийлик билан бир қаторда ҳадис илми билан ҳам шуғулланганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар мавжуд. Жумладан, Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайрдан ҳадис ривоят қилган бўлса, у кишидан Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусъаб ва Яъқуб ибн Валидлар ҳадис ривоят қилган [14:311].

Аллома Абу Туроб Нахшабий Боязид Бистомий ва Шақиқ Балхийлар билан замондош ҳисобланиб, улар билан яқин дўст бўлган. Мухаммад Сиддик Рушдий у зотни “огоҳликдан умид қилувчиларнинг паҳлавони”, “такво осмонининг ойи”, “ҳақиқат илмининг орифи”, “қутби замон” номлар билан ўз асарида зикр қиласи [15:191 – 199].

Абу Туроб Нахшабий 860 (хиржий 245) йилда Басрада вафот этган [14:311].

Қашқадарё заминидан етишиб чиқсан зоҳидлик даврининг машҳур вакилларидан яна бири Абу Абдураҳмон Муоз ибн Яъқуб Насафий ал-Косоний (III/IX а.) бўлиб, у нафақат ўз шахсий ҳаёти билан зуҳд ва вараъ намуналарини кўрсатган, балки зоҳидлар учун масжид, работ ва бошқа иншоотлар бунёд этиш ишига ҳисса кўшган. Самъоний унинг 219/834 йили жомеъ масжиди, бундан ташқари, “Сиккат уз-зухход” (“Зоҳидлар кўчаси”) деб номланувчи мавзеда масжид, работ, кудук ва таҳоратхона қурдирганлигини, кейинчалик бу кўча “Абу Абдураҳмон аз-Зоҳид кўчаси” деб ҳам аталганлигини ёзib колдирган [16:473].

Марказий Осиё тасаввуфининг иккинчи яъни, сўфиийлик мактаблари ва оқимлари даврида Қашқадарё воҳаси ҳам алоҳида ўрин тутган. X – XI асрларда бу диёрда Абу Наср

Мұхаммад ибн Тайиб Кеший аз-Зоҳид (ваф. 318/931), Абу Бакр Абд ибн Абу-л-Аббос ал-Ёний Насафий (ваф. 326/939), Абу-л-Бадиъ Аҳмад ибн Мұхаммад Насафий Макхулий (ваф. 331/943), Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Назр ал-Муаддиди аз-Зоҳид ал-Муждувоний (IV/X аср), Абу-л-Ҳасан Ҳумайд ибн Наим ал-Фақиҳ Аншамисний (ваф. 376/987), Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад Ҳомид ал-Ҳомидий (ваф. 396/1006), Абу Мұхаммад Усмон ибн Мұхаммад Насафий ал-Мувоний (ваф. 422/1032), Абу Наср Аҳмад ибн Наср ал-Яғнавий (ваф. 460/1069) каби сўфийлар яшаб ўтган [17].

Ушбу сўфийларнинг аксарияти ислом илмлари олимлари – фақиҳлар ва муҳаддислар орасидан чиқкан бўлса-да, улардан бири Абу Жаъфар Мұхаммад Муждувоний ёзувчи ва шоир бўлган. Бу эса мазкур даврда тасаввуф руҳонийлар ва уламолар доирасидан ташқарига чиқиб, бошқа соҳалар вакиллари, жумладан, адабиёт аҳли орасида ҳам кенг ёйила бошлаганини кўрсатади. Мазкур сўфийлар нафақат ибодат, зуҳд ва тақвода, балки кароматлари билан ҳам машхур бўлган. Жумладан, Самъоний Абу Бакр Абд ибн Абу-л-Аббос ал-Ёнийнинг муаззин, зоҳид, солих бандада ва дуолари ижобат бўладиган кишилар сирасиданлигини айтади [14:319].

X – XI асрлар Насаф воҳаси тасаввуфи олдинги даврларда бу диёрда чукур илдиз отган зоҳидлик ҳаракатининг белгиларини ҳам ўзида акс эттирган. Абу-л-Аббос Мустағфирий (IV/ X а.) 376/987 йили сўфий Абу-л-Ҳасан Ҳумайд Аншамисний билан “Зуҳҳод” (“Зоҳидлар”) масжидида бир кун ўтирганлигини ёзиб қолдирган. Бу даврдаги Қашқадарё сўфийлик мұхитининг яна бир мұхим хусусияти унда, Бухоро мұхитида бўлгани каби, тасаввуфнинг назарий асослари – тасаввуфга оид асарлар яратила бошлаганидир. Самъоний 331/943 йили вафот этган насафлик сўфий Аҳмад ибн Мұхаммад Насафийнинг тасаввуфга бағишланган “Ал-Луъюту фи-з-зуҳд” (“Зуҳддаги гавҳарлар”) китобини ёзганлигини эслатади [1:58 – 59].

Абул Мутеъ Макхул ибн Фазлуллоҳ Насафий (ваф. 930 й.) ҳам тасаввуф илмига оид “Китоб фи-т-тасаввуф” (“Тасаввуф ҳақида китоб”) асарини ёзган. Асар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, муаллифнинг сўфийлик қарашлари ўз аксини топган [17:25].

Самъоний ўзининг “Китоб ал-ансоб” асарида Насаф вилоятидаги Базда қалъасида яшаган бухоролик сўфий Тоҳир ибн Мұхаммад Бухорий Ҳаддодий (ваф. 406/1015 й.) ҳақида маълумот келтириб, унинг “Китоб уйун ал-мажолис ва сурур ад-дорис” (“Мажлислар қаймоғи ва шогирдлар қувончи китоби”) асари борлигини эслатиб ўтади [18:315].

Кейинги даврда ҳам Насаф воҳасида тасаввуф таълимотига доир бир қатор асарлар яратилди. Жумладан, насафлик қомусий аллома Абу Ҳафс Умар Насафий (460/1068 – 537/1142) нинг ушбу йўналишда яратган асарлари ҳам кенг тарқалган. Хусусан, алломанинг “ал-Китоб фи байон ал-мазоҳиб мутасаввиға” (“Тасаввуф фирмаларининг баёни борасидаги китоб”) асаридир. Мазкур асар “ар-Рисола Умар ан-Насафийа”, “Рисола ат-тасаввуф”, “ар-Рисола ан-нажмийа” каби номлар билан ҳам машхур. Муаллиф асарда ўз даврида мавжуд бўлган тасаввуф аҳлларни куйидаги 12 гурухга (фирқа) ажратади: ал-ҳабибийя, ал-аулийийя, аш-шамрахийя, ал-ибахийя, ал-ҳалийя, ал-хулулийя, ал-хурийя, ал-вағиқийя, ал-мутажамилийя, ал-мутакасалийя, ал-илҳомийя, аҳли ал-ҳаққ. Абу Ҳафс Насафийнинг фикрига кўра, санаб ўтилган фирмалар ичидаги факат “аҳл ал-ҳаққ” фирмасигина ҳақ йўлда бўлиб, колганлари залолат йўлидадир [18: 43 – 44].

Абу Ҳафс Насафийнинг мазкур асарининг бир неча нусхаси ЎзФА ШИ кўлёзмалар фондида бешта нусхаси сакланади. Улар алоҳида китоб шаклида эмас, балки ўз ичига турли асарларни камраб олган матнлар таркибидан ўрин олган. “ал-Китоб фи байон ал-мазоҳиб мутасаввиға” асари Марказий Осиёда мавжуд бўлган тасаввуфий фирмалар тарихини тадқиқ қилишда мұхим ўрин тутади. Ушбу асарнинг ёзилишига Абу Ҳасан Ҳужвирий (ваф. 464/1071 й.)нинг “Кашф ул-маҳжуబ” (“Сирларни кашф этилиши”) китоби бирламчи манба бўлиб хизмат қилган.

Абу Ҳафс Насафий бу соҳада мустақил асар ёзиш билан бир қаторда Имом Кушайрийнинг “Рисолату Кушайрия” асарини форс тилига таржима қилган. Алломанинг асарларида Хурросонда ривожланган тасаввуфий мактабни Мовароуннаҳрга олиб киришга уриниши сезилиб туради. У руҳий тарбияяга доир Куръон оятлари ва ҳадисларни шарҳлашда хурросонлик

Абдурахмон Суламий ва Абу Наср Кушайрийларнинг меросларидан унумли фойдаланиб, Самарқандда тасаввуф мактаби ривожланишига сезиларли ҳисса күшган [19:46 – 47].

Шунингдек, Ҳожи Ҳалифа тасаввуфга оид Абу Ҳафс Насафийнинг “Татвил ал-асфор ли-таҳсил ал-ахбор” (“Хабарларни тўплашда узоқ сафар қилиш”) номли асарини ҳам зикр қилиб ўтади [18:44]. Лекин бу асарнинг сақланиб қолгани ҳакида маълумотлар мавжуд эмас.

Хуллас, Марказий Осиёда вужудга келган тасаввуф мактаблари минтаقا аҳолисининг маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутади. Шундай сўфиийлик ҳаракатлари Насаф воҳасида ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосий ғояларини зуҳд, вараъ, таваккул ва футувват ташкил этди. Кейинчалик воҳада ушбу таълимот бўйича маҳсус асарлар ҳам яратила бошланди. Насаф воҳасидаги тасаввуфий қарашлар Хурросон, Бухоро ва Самарқанд сўфиийлик мактаблари билан алоқа натижасида анчайин тараққий этди.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII – XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 400 б.
2. Райхонов И. Абу Туроб ан-Нахшабий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 16.
3. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Масъул мухаррир З. Исҳоқова. Тўлдирилган нашри. – Тошкент: “O'zbekiston” НМИУ, 2016. – 392 б.
4. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Наршга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов, ўзбек тилига ўғириувчилар М.Ҳасаний, Ҳ.Аминов, А.Ҳасаний, А.Мадраимов. – Тошкент: Factor-press, 2023. – 528 б.
5. Абу Абдурахмон ас-Суламий. Табоқат ус-суфия (араб тилида). Аҳмад аш-Шаброс таҳрири остида. – Қоҳира: Дор аш-Шуб, 1419/1998.
6. Шайхулислом Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий Ҳиравий. Табоқат ус-суфия (форс тилида). Тахрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Абдулхай Ҳабибий. – Кобул: Давлат матбааси, 1962.
7. Усманов И. Ҳаким Тирмизи. Ответственный редактор Шейх А. Мансур; Ташкентский исламский университет, Научно-исследовательский центр исламоведения, Управление Мусульман Узбекистана. – Ташкент: Movaqounnahr, 2016.
8. Комилов Н., Ёкубов А. Марказий Осиё ҳалқлари тафаккури ривожида тасаввуфнинг тутган ўрни (X – XV асрлар). – Тошкент: Академия, 2005.
9. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Имом Бухорий ҳалқаро маркази. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Убайдулла Уватов. – Тошкент: Маънавият, 2010.
10. Усмонов И. С. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари хадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба.: Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ТИУ, 2005.
11. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва, 2004. – 453 с.
12. Mehmet Demirci. Ebû Türkâb en-Nâhşebî. – İslâm Ansiklopedisi. 10-cild. – İstanbul, 1994.
13. Prof. Dr. M. Es'ad Coşan. Tabakâtü's-Sûfiyye Sohbetleri. – İstanbul, 1996. – 731 б.
14. Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ибн Мансур ат-Тамими ас-Самъоний. Насабнома. Таржимонлар Абдулғофур Раззок Бухорий ва Комилжон Раҳимов. – Т.: Hilol-Nashr, 2017. – 336 б.
15. Мухаммад Сиддик Рушдий. Авлиёлар сultonи – туронлик валийлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи И. Остонакулов. – Тошкент: Book Media Nashr, 2019. – 304 б.
16. Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ибн Мансур ат-Тамими ас-Самъоний. Ал-Ансоб (араб тилида). Сўзбоши ва иловалар муаллифи Абдуллоҳ Үмар ал-Борудий. Маданий тадқиқотлар маркази. 5-жилдлик. 5- жилд. – Байрут: Дор ул-жинон, 1408/1988.
17. Мухаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX – XX асрлар). Тазкира. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. – Т.: Faafur Fudom НМИУ, 2006. – 128 б.
18. Шамсиддин К. Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ас-Сам‘ани и его труд “Китаб ал-ансаб”. Важный источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2018. – 389 с.
19. Мухаммадаминов С. А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари).: Тарих фан. номз. дисс. – Т., 2012. – 194 б.
20. Аллоқулов А. А. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари тахлили: Тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 153 б.

**Нашрга проф. О.Бўриев тавсия этган**

## МИРЗО УЛУГБЕКНИНГ ИЛМИЙ МАКТАБИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Отахонов А.М.** (Наманган муҳандислик-курилиш институти)

**Аннотация.** Муаллиф ушбу мақолада Темурийлар даврининг забардаст олими Мирзо Улуғбек ҳамда унинг илмий мактаби ҳақида сўз юритиб, бу мактабнинг етук намоёндалари фаолияти масалаларини манбалар асосида ёритиб берган.

**Таянч сўзлар:** Самарқанд расадхонаси, машҳур астроном, Улуғбек мадрасаси, Гиждувон мадрасаси, Зайниддин Восифий, Султония, Самарқанд академияси, маҳаллий олимлар.

### ОТДЕЛЬНЫЕ РАМЫШЛЕНИЯ О НАУЧНОЙ ШКОЛЕ МИРЗО УЛУГБЕКА

**Аннотация.** В данной статье автор рассказывает о Мирзо Улугбеке, ведущем ученом тимуридского периода, и его научной школе, а также на основе источников объясняет деятельность зрелых представителей этой школы.

**Ключевые слова:** Самаркандская обсерватория, известный астроном, медресе Улугбека, медресе Гиждуван, Зайниддин Восифи, Султания, Самаркандская академия, местные учёные.

### ABOUT MIRZO ULUG'BEK'S SCIENTIFIC SCHOOL SOME CONSIDERATIONS

**Annotation.** In this article, the author talks about Mirzo Ulug'bek, the leading scientist of the Timurid period, and his scientific school, and explains the activities of mature representatives of this school on the basis of sources.

**Key words:** Samarkand observatory, famous astronomer, Ulugbeka madrasa, Gijduvan madrasa, Zayniddin Vasifi, Sultaniya, Samarkand Academy, local schools.

Дунё илм фанига шарқнинг иккинчи ренессанси дея таъриф билан кирган XIV – XV асрларда ижод этган мутафаккир-у, алломалар орасида темурий хукмдор Мирзо Улуғбек ҳам бор эди. Машҳур астроном, математик, тарихчи, Самарқанд расадхонасининг асосчиси ва ундаги илмий мактаб раҳбари Улуғбек, жаҳоннинг энг йирик астрономлари қаторидан жой олган олимдир. Мирзо Улуғбек таҳтидаги мамлакат шоҳи ва олим бўлиши билан бирга, маънавияти юксак, адолатпарвар инсон эди. Ушбу мақолада мавжуд манба ва адабиётлар асосида Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаби ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Демак, Мирзо Улуғбекнинг тўлиқ исми ўзининг “Зиж” асарини кириш қисмида ёзилган: “Улуғбек ибни Шоҳруҳ ибн Темур Кўрагон бундай дейди” [1:64-66], дея бошланувчи жумлагага таянадиган бўлсақ, унинг исми Мирзо Улуғбек ибни Шоҳруҳ ибн Темур Кўрагондир. Улуғбек 1394 йилнинг 22 марта Эроннинг гарбий қисмида жойлашган Султония шаҳрида бобоси Амир Темурнинг “беш йиллик уруши” (1392-1396 йиллар) оралиғида Мордин қальласи қамали чоғида дунёга келган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”<sup>1</sup> асарида ёзилишича Амир Темур ҳузурига чопар келиб Улуғбек туғилганлиги ҳақидаги ҳушхабарни айтади. Мунажжимлар гўдакнинг келажакда ҳам олим, ҳам хукмдор бўлиши тўғрисидаги башоратларини айтишади. Амир Темур бу ҳушхабардан сўнг Улуғбекка улкан ихлос қўяди ҳамда Мордин қальласи қамалини тўхтатиб, қалья ахлига қўйилган барча талабларни бекор қиласди.

Амир Темурдаги илм-фан, санъатга бўлган эътиборни фарзанд ва набираларида ҳам кўриш мумкин. XV аср бошида Самарқандда Мовароуннаҳр таҳтини шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек (1409-1449) бошқарди. Бу даврда Самарқанд йирик сиёсий, илм-фан, маданий марказга айланди. Улуғбек олим, маърифатпарвар сифатида илм-фанга катта эътибор бериб, Самарқандда йирик олимларни жамлашга уринди. Самарқанд, Бухоро, Фиждувонда кўплаб мадрасалар қурдирди. Мирзо Улуғбек давлат ишлари билан биргаликда илм-фан ҳомийисига ҳам айланди. У астрономияга оид “Зижи жадиди кўрагоний”, тарих фани илмига оид

<sup>1</sup>Шарафиддин Али Яздий Тарф (Эрон) кишлогида дунёга келган. 1419-1425 йилларда ўзининг асосий асари хисобланган “Зафарнома” (“Фотиглар китоби”) ни ёзган.

“Тарихи арба улус” каби асарларни ёзиб қолдирди. Улугбекни ўз навбатида бир қанча шаҳарларда илм-фан ахлига ўз бағрини очган “Мадрасалар бунёдкори” дейиш мумкин.

Ушбу бунёдкорлик ишлари орасида энг машхурлари Самарқандда жойлашган. Улугбек мадрасасининг курилиши 1417 йилда бошланган ва уч йил мобайнида куриб битказилган. Бу илмгоҳда дарс берган мударрислар орасида Қозизода Румий ва Тафтазоний каби машхур олимлар ҳам бўлган. Қозизода Румий маслаҳати билан Улугбек Фиёсиддин Жамшид Кошонийни Самарқандга таклиф қиласди.

1420 йилда мадрасанинг очилиши вақтида бу ерга тўпланган олимлар сони 100 дан ортиб кетади. Ўз даврида Самарқанддаги ушбу зиё маскани “Мадрасайи олия” деган ном билан улуғланган [3:535]. Зайниддин Восифий “Бадоий ул-вакои” китобида ёзишича “...бош мударрис сифатида Шамсиддин Мухаммад Ҳавофий тайинланган”<sup>1</sup>, деган маълумот беради. Шунингдек, мадрасада Қозизода Румий, Фиёсиддин Коший, Мирзо Улугбек, Али Қушчилар асосий маърузаларни ўқиганлар. Ушбу мадраса ҳозирги кунда ҳам “Регистон ансамбли”да ўзининг қадимиyllиги ва улуғворлиги билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Яна шундай мадрасалар рўйхатида 1417 йилда Бухорода, 1433 йилда Фиждивонда қад рослаган мадрасалар ҳам бор эди. Улар толиби илм пешволари учун зиё маскани сифатида фаолият юритган.

Самарқанддаги мадрасада устози Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид ибн Маъсуллар билан бирга, Улугбекнинг ўзи ҳам дарс берган. Мадраса биносида “Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздор”, - деган сўзлар халқни илм олишга чакиравчи чуқур маъноли даъват бўлган. Улугбек нафақат ўз замони, балки башарият олими сифатида дунё тарихида қолди. Улугбекнинг илмий фаолияти ва умуман, илм-фан йўлидаги ҳаракатлари Европада «Самарқанд академияси» деб шуҳрат топган. Ушбу академия ўша давр талабларига тўла жавоб берар, унинг қошида яхши жиҳозланган расадхона, бой кутубхона ва ўз даврининг олий ўкув юрти – мадраса бор эди.

Расадхонада маҳаллий олимлардан ташқари бир қатор турли юрт ва элатлардан ташриф буюрган астроном ва математиклар ҳам фаолият юритганлар. Астроном ва математикларнинг ўзаро ҳамкорлиги шунда кўринардики, астрономлар сайёralар ҳамда юлдузларнинг самодаги жойлашуви ҳолатини кузатишар, аниқланган маълумотларга эса илмий даргоҳ қошидаги математиклардан иборат ҳисобдонлар математик ишлов беришарди. Шу тариқа астрономик ва тригонометрик жадваллар яратилар эди.

Мирзо Улугбек расадхона ёнида, яъни Күҳак тепалигининг Фарбий қисмida оромбахш бир боғ ҳам қурдирган. Мазкур боғ ўз даврида Боги Майдон номи билан шуҳрат топган. Боги Майдон ҳакида «Бобурнома»да шундай дейилган: «(Улугбек Мирзо) яна пуштайи Күҳакнинг доманасида Фарб сари бое солибтур. Бое Майдонга мавсум. Бу боғнинг Ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна, стунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржалар кўториб турларким, юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждандур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур, баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондур, стунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарқ қилибтурлар. Ву имораттин пуштайи Күҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичидаги бир улуғ тош таҳт қуобтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлгай, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоғ улуғ тошни хили йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз булубтур. Дерларким, ушбу ерда келтирилгандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний. Чиннихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур» [5:368].

Улугбек бошчилигидаги ушбу «академия» олимлари ўша давр мезони билан олганда, астрономик кузатишларда ажойиб муваффақиятларга эришганлар. Жумладан, эклиптиканинг оғвалигини, бешта саёранинг – Зухра (Венера), Зухал (Сатурн), Мирриҳ (Марс), Муштарий (Юпитер) ва Уторуд (Меркурий)нинг йиллик ҳаракатини, юлдуз

<sup>1</sup>[www. https://tarix.uz](https://tarix.uz).

йилининг узоқлигини, 1018 юлдузни ўз ичига олган жадвал ва ниҳоят, аҳоли яшайдиган пунктлардан 683 тасининг географик координаталарини тузганлар. Улуғбек Али Қушчи, Чалабий ва бошқа шогирдлари билан коинот сирларини илмий ўрганиб, “Зижи Кўрагоний” илмий асарини ёзди. У бир йил 365 кун, олти соат, 8 минут, 12 секунддан иборат эканлигини аниқлаб, бугунги кун фан тараққиёти ҳисоби бўйича 58 секундга адашган холос. 1449 йилда Улуғбек вафот этгандан сўнг бу расадхона ходимлари турли худудларга илм ёғдуси сифатида тарқалиб кетганлар.

Улардан бири Али Қушчи эди. Мирзо Улуғбекнинг севимли шогирди Аловиддин Али ибн Мухаммад ал-Қушчи ҳакида тўхталашибдан бўлсақ, шуни айтиш ўринлики, у тахаллуси сингари серғайратлиги билан расадхона фаолияида ҳам жиддий ишларни олиб борган. Қозизода Румий ва Жамшид ал-Коший вафотидан сўнг расадхонадаги илмий ишлар бутунлай Али Қушчи зиммасига тушган ва у бу вазифаларни муваффақиятли уddaлаган. 1438 йили Мирзо Улуғбек Али Қушчини ўзининг ишончли вакили сифатида Хитой императори ҳузурига элчи сифатида юборади. Хитойдан қайтгач, Али Қушчи ўзининг “Математик ва астрономик жуғрофия” асарини ёзади. Унда келтирилган маълумотлар ва янгиликларнинг барчаси бир неча йиллик илмий изланишларнинг натижаси бўлган.

В.Л.Вяткиннинг тадқиқотлари натижасида 1908 ва 1914 йилларда Улуғбек обсерваториясининг қолдиқлари топилди ва қазиш ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар М.Е.Массон томонидан 1941 йилда, А.А.Пулявин томонидан 1943 йилда ва В.А.Шишкин томонидан 1948 йилда давом эттирилди. Европалик астрономларга Улуғбекнинг юлдузлар каталоги 1648 йили Оксфордда чоп қилинганидан кейин маълум бўлди. Асарни чоп этилиши Оксфорд университети профессори Жон Гревс (1602-1652) ташаббуси билан амалга оширилди ва унга шарҳ ҳам ёзди. Бундан 17 йил ўтгач, Оксфорддаги Бодлеян кутубхонасидаги олим – сақловчиси Томас Хайд (1636-1703) асарни форс ва лотин тилларида тайёрлаб чоп этириди.

Улуғбекнинг илмий академиясида Жамшид ал-Коший алоҳида ўринга эгадир. Унинг математика борасидаги эришган билимлари жуда ҳам юксак эди. Кошийнинг таржимаи ҳоли бизгача етиб келмаган бўлса-да, унинг икки – “Мифтах ал-хисоб” (“Арифметика қалити”) ва “Рисола фил-муҳития” (“Айланा ҳакида рисола”) асарлари етиб келган [6:12]. Ал-Коший “Арифметика қалити” асарини тажрибали ҳисобчилар уни синаш учунми ёки ҳақиқатдан ҳам билмаганликлари учунми берган саволларига жавоб тариқасида ёзган ва Улуғбекнинг кутубхонасига совға қилган. “Айланা ҳакида рисола” асарини ёзишдан мақсад  $\pi$  сонини<sup>1</sup>, яъни айланана узунлигини унинг диаметрига нисбатини Кошийгача маълум бўлган аниқликдан ҳам каттароқ аниқликда ҳисоблашдан иборат эди. Бу асарлари орқали ал-Коший математика фани тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб кетди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Мирзо Улуғбекни тарих илмлари соҳасида ҳам қалам тебратган олим сифатида биламиз. Унинг тарих фани илмига оид “Тарихи арбаб ўлус” асари у яратган асарлар орасида алоҳида ўрин тутади. Шуни айтиш керакки, «Тарихи арбаб ўлус» Мирзо Улуғбекнинг илмий раҳбарлиги ва шахсан иштирокида яратилган. Асар 1425 йили ёзиган тамомланган. Ушбу асар «Улус-а арбабъ-и Чингизий» («Чингизийларнинг тўрт улуси») ва «Тарихи арбаб ўлус» («Турт улус тарихи») номлари билан ҳам машҳур. Лекин, Европа шарқшунослари орасида ушбу асарни биринчилар қатори ўргангандан унинг қисқартирилган инглизча таржимасини эълон қилган полковник Майлс, етарли асоси бўлмагани холда бу китобни «Шажарат ул-атрок» («Турк (ҳоқон)ларининг шажараси») деб атайди [8:4]. Чуқур ва атрофлича ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, асарнинг фақат Ёғас ўғлон ва унинг ўғли Туркхон ҳамда фарзандлари татар-мўғул билан турк табакалари, шунингдек, уларнинг подшоларигина «Шажарат ул-атрок» асосида ёзилган, холос. Асарни Чингизхоннинг улуғ аждоди Бузунжор қоондан ва Мовароуннахрни XIII - XIV асрнинг биринчи ярмида идора қилган Чигатойхон авлоди

<sup>1</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Пи\\_\(число\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Пи_(число))

тариҳини ўз ичига олган қисми «Улус-и арбъя-йи Чингизий» ёки «Тарих-и арбъя улус» деб аталади. Бу қисм Мирзо Улуғбек ва унинг ёрдамчилари тарафидан ёзилган.

«Тарих-и арбъя улус» маълум даражада «Шажарат ул-атрок»га асосланган. Яна бир жойда эса бундай дейилган: «Чингизхоннинг тўрут улуси тарихи» номли ушбу мажмуъада Туркхон ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлмиш подишоҳлар номи зикр этилади. Мазкур рисолада келтирилган Туркистонзамин ҳоқонларининг номлари Султон ас-Саъид Улуғбек мирзойи шаҳид тарафидан битилган тўрут улус ҳоқонлари ҳақидаги мажмуъадан олинди». Бу қайдлар, айниқса сўнгиси биринчидан, асарнинг аниқ номи «Улус-и арбъя-йи Чингизий» эканлигини, иккинчидан унинг бутунлай Мирзо Улуғбекнинг қаламига мансублигини кўрсатиб турибди.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, «Тарих-и арбъя улус» Рашидуддиннинг машҳур «Жамиъ ут-таварих» асари сингари тарихчи олимлар жамоаси тарафидан, Мирзо Улуғбекнинг бевосита иштироқи ва раҳбарлиги остида ёзилган.

«Тарих-и арбъя улус»нинг нусхалари жуда кам. Тадқиқотчи олим Б.Ахмедовнинг айтиб ўтганидек, асарнинг тўлиқ нусхаси ҳали топилганича йўқ. Бугунги кунда унинг қисқартирилган (мижмуъа) тўртта нусхаси сақланган бўлиб, унинг иккитаси Англияда, бир нусхаси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳри кутубхонасида, тўртинчи нусхаси АҚШнинг Харвард университетида сақланади.

Мирзо Улуғбек билан бир даврда, Амир Темур давлатининг иккинчи қисми Хурсон (Афғонистон, Фарбий Эрондан Дехлигача бўлган ерлар) пойтахти Ҳирот адабиёт, тасвирий санъат ва маданиятнинг йирик марказига айланди. Хурсонни Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ Мирзо (1409-1447) бошқарар эди. У ўта диндор киши бўлиши билан бирга, Ҳиротда илм-фан ва маданият тараққиётига бош бўлди.

Буюк Алишер Навоийнинг таърифига кўра, Улуғбек ажойиб шоир ҳам бўлган. «Тухфату сурур» китоби эса унинг буюк мусиқа билимдони эканлигидан далолатdir. «Мухит аттафвик» китобида Улуғбекнинг «Билужий» «Шодиёна» (бу асар бизгача этиб келган), «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усули баҳрий» сингари катта мусиқа асарларини ижод этганлиги кўрсатилган. «Мухит ут таворих» асарида ёзилишича, Улуғбек Мирзо зўр шинаванда мусиқашунос ҳам бўлган. У катта ва кичик нақоратларда ижро этиладиган булужий, шодиёна, ахлоқий, улусий ва усули равон каби мусиқа асарларини яратган. Шунингдек, «Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Мухаммад Ҳайдар Мирзо Улуғбек Мирзонинг етук олим бўлганлигини таърифлаб, «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди ва «Тарихи арбъя улус» (Тўрут улус) тарихини ёзиб қолдирган эди», - дейди. Бу ҳақида тарихчи Фиёсиддин Хондамир (1475-1534) ҳам маълумот берган [8:308].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Мирзо Улуғбек яратган академия ўз илмий фаолияти билан ҳамда унда фаолият юритган бир қатор олимларнинг меҳнати эвазига бугунги кун учун фахрли ҳисобланади. Ўша даврда яратилган бир қатор асарлар бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Шундай экан, тарихий бурилиш палласида яшаган буюк инсонлар амалга оширган ишлари билан ҳар доим фахрга муносибидилар.

Мирзо Улуғбекни ҳақли равища юлдузлар илмининг етакчиси дейиш мумкин. Ўз даври илм-фанига ҳам хукмдор ҳам олим сифатида қўшган улкан ҳиссаси эса авлодлар хотирасида умрбод яшайди ва улар ўз илмий ишларида ҳали кўп маротаба Улуғбекнинг бой илмий меросига мурожаат қилишади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзо Улуғбекнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти / 2023 йил 25 апрелда ўтказилган “Мирзо Улуғбек – буюк мутафаккир олим ва давлат арбоби” мавзусидаги илмий-амалий анжуман. – Б. 64-66.
2. Абдусаттор Жуманазар. – Бухоро: Академнашр. – Т., 2017. – Б. 535.
3. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча. 1989. – Б. 368.
4. Суюнова К. Улуғбек академияси ва унинг жаҳон фанининг ривожига қўшган ҳиссаси. "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.567 (SJIF) December 2022 / Volume 3 Issue 12.

5. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 4.
6. Ашраф Аҳмад. Улугбек Мухаммад Тарагай. – Т., 1994. – Б. 28.
7. Мирзо Улуг‘бек академиясининг илмий фаолияти / 2023 йил 25 апрелда ўтказилган “Мирзо Улугбек – буюк мутафаккир олим ва давлат арбоби” мавзусидаги илмий-амалий анжуман. – Б. 67-71.
8. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 306-310.

**Наирга проф. Б.Эшов тавсия этган**

## HOZIRGI TOLIBON HOKIMIYATI OSTIDAGI AFG’ONISTON VA UNDA O’ZBEKİSTONNING SIYOSIY QARASHLARI

**Shoyimov S.S. (Toshkent moliya instituti)**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Afg’onistondagi notinchlikning asosiy sababi, hozirgi Tolibon hokimiyyati ostida yuz berayotgan o’zgarishlar hamda mana shunday holatda O’zbekiston tomonining Afg’onistonga nisbatan siyosiy qarashlari to‘g’risida fikr yuritilgan.

**Tayanch so‘zlar:** Sovet kuchlari, Doha uchrashuvi, inkylyuziv konsensus, Richard Bennet, “Texrik-e Tolibon”, “Sug’diyona trans”, baynalmilal.

### ПОЛИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АФГАНИСТАНА И УЗБЕКИСТАНА ПРИ СОВРЕМЕННОЙ ВЛАСТИ ТАЛИБАНА

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются основная причина беспорядков в Афганистане, изменения, происходящие при нынешнем режиме талибов, и политические взгляды Узбекистана в этой ситуации.

**Ключевые слова:**Советские войска, встреча в Дохе, инклюзивный консенсус, Ричард Беннет, «Техрик-е Талибан», «Судьиена транс», международный.

### POLITICAL VIEWS OF AFGHANISTAN AND UZBEKISTAN UNDER THE CURRENT TALIBAN AUTHORITY

**Annotation.** This article discusses the main cause of unrest in Afghanistan, the changes taking place under the current Taliban regime, and the political views of Uzbekistan in this situation.

**Key words:**Soviet forces, Doha meeting, inclusive consensus, Richard Bennett, "Tehrik-e Taliban", "Sugdiyona trans", international.

Har qachon global muammo sifatida qolayotgan Afg’oniston masalasi Rossiya – Ukraina urushi sabab, dunyoning “ikkilamchi tashvish” i sifatida bir oz e’tibordan chetda qoldi, go‘yo. Xo’sh, hozirgi Afg’onistondagi 40 yildan ortiq vaqt davom etib kelayotgan notinchlikni ildizi qayerda?

Bunga sabab sifatida, 2 ta asosiy omilni keltirib o’tamiz. Birinchisi, Sovetlarning Afg’oniston hududiga qo‘sishin tushirishi bilan boshlanuvchi, buyuk davlatlarning sovuq urushda Afg’oniston hukumatini o’zlariga “xayrixoh”ligi uchun kurashishi va Zohirshoh hokimiyatining ag’darilishi natijasida bu tendensiya yana ham avj olishi oqibatda Afg’onistonga SSSR kuchlarining kiritilishi, unga qarshi kuch sifatida AQSh tomonidan mujohidlarning qurollantirilib, ishga solinishi bilan izohlanadi. Umumiy ma’noda Afg’oniston uchun buyuklarning “tortishuvi” va ularning bu yerda har birining manfaat va maqsadlari mavjud ekanligi muammoni ildiz otishiga sabab bo‘ladi. Ikkinchidan, Afg’oniston tuprog’ida yashovchi mahalliy etnik diasporalarni boshqaruvchi yaxlit markaziy hukumatning tashkil etilmaganligi. Bu hududda bir necha asr oldingi shoh hukumatiga davrida etnik ozchiliklarning haq-huquqlari uchun kurashi deyarli sezilmasdi. Ular yagona shoh hukumatiga bo‘ysunardi. Sovet qo‘sishinlarining bu yerga kiritilishi natijasida mahalliy aholining ajnabiylarga qarshi go‘yo birikib kurashgandek, ko‘rinsa-da, ushbu 10 yillik Ichida shimoldagi etnik o‘zbeklar Abdurashid Do‘stum boshchiligidida, Markaziy Kobul pushtun M.Najibullo boshchiligidida Sovetlarga yordam berdi va ularning bu yerda tarafдорлари edilar. Ularga qarshi kuch sifatida asosan janubi-sharqda yashovchi etnik pushtun va tojiklar Gulbiddin Hikmatyor hamda Ahmadshoh Ma’sud boshchiligidida kurash olib bordilar.[1:442-445] Sovetlar bu hududni tark etishganidan so‘ng, Afg’onistonda fuqarolar urushi boshlandi. Hokimiyat tepasiga kelgan etnik guruh vakillari ichida nizo va konsensusning

yo‘qligi ularni hokimiyatda uzog‘i bilan 3-4 yildan ortiq qolishmasliklariga asosiy sabab edi. Va natijada to hozirgacha tashqi ta’sirlarning aralashuvi natijasida ham yagona markaziy hukumat qaror topmadi. Bu tuzilmani qaror toptirish muammoligicha qolmoqda.

Bugunda hokimiyat tepasiga kelishganiga 1,5 yil bo‘lgan Tolibon muvaqqat hukumatini haligicha dunyo davlatlari nega tan olishmayapti?

Bunga juda ko‘p sabablarni keltirish mumkin. Tolibon vakillari hokimiyatga kelishlaridan oldin AQSh bilan Doha va boshqa markazlarda tashkil etilgan uchrashuvlarda juda ko‘p vadalarni berishgan edi. Biroq, hokimiyatga kelishlari bilan bu vadalar umuman bajarilmadi va deyarli bajarilmayapti. Xo‘s, hozirgi hukumat AQSh va BMT tomonidan Afg’istonida ta’minlanishi yoki bekor qilinishi kerak bo‘lgan qanday majburiyatlarni ijro qilishmayapti? – Hokimiyatga kelishganidan so‘ng, bu yerda yashovchi etnik millat vakillarining ham xohis-istiklarni inobatga olib, hukumat tarkibini shakkantirish zarur edi;

- Davlatning nomi qanday atalishi yoki shariat asosida bo‘lishidan qat’i nazar inson huquqlar poymol qilinmasligiga vada berishgan edi;

- Ayollar va qizlarga jamiyatda erkinlik berilishi, ular ham erkaklardek, o‘zлari yoqtirgan mashg‘ulot bilan band bo‘lishi va eng asosiysi ularning ta’lim olishlariga bo‘layotgan taqiqlar;[2]

- Hokimiyatning birdan bir manbayi bo‘lib qolayotgan giyohvand moddalarning butunlay bekor qilinish va u bilan bog‘liq savdo amaliyotini taqiqlash;

- shuningdek, terrorizmni qo‘llab-quvvatlamaslik, unga yo‘l qo‘ymaslik, Afg’iston turdida turli terroristik guruhlar uchun boshpana bermaslik kabi majburiyatlarni bajarishlari shart edi.

Dastlabki, omilni izohlab o‘tadigan bo‘lsak, Afg’iston ko‘p millatli zona ekanligini hisobga olsak, hozir Tolibon muvaqqat hukumati boshqa etnik millatlarning ham xohishlarini inobatga olmog‘I lozim. Bu Afg’istonidagi davlatchilikni yo‘lga qo‘yishda hamda tinchlik uchun muhim yechim bo‘lib xizmat qiladi. Hozirgi muvaqqat hukumat buning teskarisini qilmoqda. Muvaqqat hukumat a’zolarining 30 nafaridan atigi 5 nafari tojik (2), o‘zbek (2) va nuristonlik (1) millatiga mansub, amaldagi hukumat diniy qarashlariga mos, safdoshlardan iborat etib tuzilgan [3]. Bunda sobiq hukumat a’zolari va bir qancha hukumatni boshqarishda tajribaga ega bo‘lgan partiyalar, harakatlar rahbarlari hisobga olinmagan. Pushtun millatchiligi davom etmoqda. 2023-yilning fevral oyida Faryobdag‘i o‘zbeklar yerlarini pushtunlar olib qo‘yishdi. Natijada o‘zbek qo‘mondoni Tolibon safidan chiqqan edi. Xullas, tarkibi asosan, pushtunlar bo‘lgan Tolibon muvaqqat hukumati bu yerdagi mahalliy ozchiliklarning haq-huquqlarini hisobga olishmas ekan hali-hanuz Afg’on tuprog‘ida yashovchi millatlarning rozi-rizoligiga erishmaydi va oqibatda bu uning xalqaro miqyosda tan olinishiga to‘siq bo‘lishi, shubhasiz.

Tolibon hokimiyatga kelgan kundan buyon inson huquqlari muhofazasi uchun biror amaliy ish qilgani yo‘q. Asosan, keskin shariat tartibi bo‘yicha aholini boshqarilishi turli noroziliklarga sabab bo‘lmoqda. Tolibon jamiyatda o‘g‘rilik qilgan shaxsga qo‘lini kesish va ustunga bog‘lab, qamchi bilan savalash orqali jazo qo‘llamoqda. Yoki fokishalik qilgan ayollarni toshbo‘ron qilmoqda. Buni ham islom salafiyligi bo‘yicha jazo sifatida tushunish mumkindir. Lekin, erkaklarning zamonaviy kiyim kiya olmasligi, soqol qo‘yib yurishlari shartligi, ayollarning paranjisiz va mahramsiz ko‘chaga chiqa olmasligi, uyda televizor va shunga o‘xshash vositalardan faqatgina diniy yoki hukumat telekanallarini ko‘rish uchun mumkinligi, OAV ustidan cheklangan nazorat o‘rnatalishi, insonlar estetik zavq oladigan tarixiy obida va haykallarni yo‘q qilinishi(vandalizm, yaqinda Hirotdagi Navoiy haykali buzib tashlandi), ommaviy to‘y marosimlarini (aralash tarzda) taqiqlash va boshqa shunga o‘xshash “vaxshiy” qarorlari bilan aholini “qamoq” rejimida tutishga harakat qilishmoqda. BMT ning Afg’istonistonidagi ma’ruzachisi Richard Bennet hisobotida keltirilishicha, 2022 yil iyul-dekabr oyalarida OAV da 280 nafar ayol va bolaning o‘ldirilganligi haqida ma’lumot berildi [4].

Shuningdek, jamiyatda ayollarning haq-huquqlari tobora cheklanganligi. Birgina jamoat parklarida ayollar kirishiga izn berilmasligi, ko‘chaga mahramsiz chiqmasligi (yaqinda bir ayol shunday ish qilgani uchun otib tashlangandi), ular uchun kasblarning cheklanganligi va ulaning ta’lim olishlariga bo‘lgan to‘siqlar nihoyatda achinarli ahvolda. Eng muhimi, Afg’istononda

xotin-qizlarning ta’lim olish borasida to‘siqlarning hukumat tomonidan hal etish o‘rniga chigallashtirilayotganligi mahalliy aholining ham, xalqaro hamjamiyatning noroziligiga sabab bo‘lmoqda. Avvalroq, Tolibon rasmiylari maktab va oliy ta’limda aniq va dunyoviy fanlarni o‘qitilishiga qarshi farmon e’lon qilishgandi. Bu shariatni o‘zining maslagi sifatida biladigan Tolibon faqat dinda erkaklar uchun ta’lim olish farz etilmaganligi hamda diniy ilmlardan boshqa ilmni o‘rganishga dinimizda taqiq yo‘q ekanligidan xabardor ekanliklari bizga qorong’u bo‘lsada, dinni asosiy qurol va g’oya o‘rnida ishlatajigan Tolibon vakillari uchun hokimiyat va kuch muhim ekanligiga bu dalolat qiladi.

Tolibon hokimiyatga kelganidan so‘ng, uning rahbari Haybatulloh Oxundzoda Afg’istonon hududida birorta ham narkotik vositalari ekilmasligi va ishlab chiqarilmasligi to‘g’risida qaror e’lon qilgandi. Xo‘s, Tolibon muvaqqat hukumat a’zolari o‘zlariga qarshi bo‘lgan qarshilik milliy alyans a’zolariga hamda mamlakat ichkarida kirib, turli qo‘poruvchilik bilan shug’ullanayotgan terroristik guruhlarga qarshi mamlakat mudofaasi uchun mablag’ni qayerdan olishmoqda degan savol tug’ilishi tabiiy hol, albatta. BMT ning Narkotiklar va jinoyatchilik bo‘yicha boshqarmasi ma’lumotlariga ko‘ra, Afg’istonondagi afyun daromadi bir yil ichida uch barobarga oshganligi aytildi. Ularning ma’lumotlariga ko‘ra, o’sish 2021-yildagi 425 mln dollardan joriy yilda 1,4 mlrd dollarga yetgan. 2022-yilda yakuniy hosil o‘tgan yilga nisbatan 10 % ga kam – 6,2 ming tonna opiy olindi, shuning o‘zi ham 350-380 tonna (50-70 %) geroin ishlab chiqarish uchun yetarli bo‘ladi. Afg’istonon afyun yetish bo‘yicha dunyo bozorining 80 % ini egallab kelmoqda. Hozirgi inqiroz va Afg’istonon hukumatining tan olinmasligi, dunyo davlatlari bilan cheklangan aloqalar hukumatni baribir bu sohadan asosiy daromad olishiga sabab bo‘lmoqda.

Hozirgi inqirozli Afg’istononda muammoning “uyasi” bo‘lib qolayotgan terrorizm yanada faollandashmoqda. Tolibon hokimiyatga kelgan kunidan boshlab, terroristik guruhlar Afg’istonon hududiga joylashib olishga harakat qilishmoqda. BMT bosh kotibi Antonio Guterrishning BMT Xavfsizlik Kengashiga bergen so‘nggi hisobotida quydagilarni ta’kidlagan edi.

- Afg’istononda 2022 yilning noyabridan yanvar oyigacha 1201 ta xavfsizlik intsidenti sodir bo‘ldi, bu o‘tgan davrga nisbatan 10 foizga ko‘p (1088 ta);
- qurolli to‘qnashuvlar 35 foiz, havo zarbalari 2 barobarga ko‘p, portlashlar 7 foiz (56 marta) qotilliklar 24 foizga kamaygan o‘tgan davrga nisbatan (77 dan 58ga);
- Ishid faoliyati nominal ravishda kamayib, 7 ta viloyatda 53 ta terakt sodir etilgan bo‘lsa, endi 4 viloyatda 16 terakt sodir bo‘lgan;
- avvalroq, Aybak shahridagi Al-Jihodiy madrasasi jangarilar tomonidan portlatib yuborilganligi va bu teraktni kim amalga oshirganligi noma’lumligicha qolayotganligi aytildi (Bu teraktni muxolifat – Afg’istonon ozodlik fronti mas’uliyatni o‘z zimmasiga oldi va madrasa Tolibon jangarilari tayyorlash markazi deb e’lon qildi [5]).

Hozirda Afg’istonon hududida 23 ta qurolli guruh borligi BMT tomonidan axborot berilgan edi. Ularning asosiyları – Afg’on-tojik (ISHID va Al-Qoida), Afg’istonon-Pokiston (Texrik-e Tolibon) chegarasida joylashib olib harakat qilishmoqda. Agarda Tolibon muvaqqat hukumati inklyuziv hukumat tashkil etmas ekan, bu yerda nafaqat, Afg’istonon muxolifati tomonidan ham, balki terroristik guruhlar tomonidan ham aholining jabrlanishi va o‘lim soni xavfining ortishiga olib keladi.

Shunday holatda qo‘sni davlatlar bo‘lgan Markaziy Osiyo davlatlari befarq qarab turmaslik shart va zarur. Afg’istononing tinchligi Markaziy Osiyoning barqarorligi va rivojlanishiga zamin yaratadi. Shu sababdan O‘zbekiston hukumatining Afg’istononga nisbatan qarashlari haligacha bir xil holatda qolmoqda. O‘zbekistonning Afg’istononga nisbatan olib boradigan siyosati asosan uch sohada namoyon bo‘ladi.

Birinchisi – Xavfsizlik masalasi. Albatta, busiz iqtisodiy va boshqa aloqalarda davom etib bo‘lmaydi, Shuning uchun ham O‘zbekiston hukumati o‘z mustaqilligining dastlabki yillaridanoq, bu yerdagi vaziyatni barqarorlashidan manfaatdor holatda Xalqaro hamjamiyat bilan kelishgan holda BMT doirasida uchrashuvlar va poytaxt – Toshkentda Afg’istonon masalasida konferensiyalar o’tkazib kelmoqda. Masalan, 2022 yilning 26-iyul kuni Toshkentda

“Afg’oniston: xavfsizlik va iqtisodiy taraqqiyot mavzusida xalqaro konferensiya bo‘lib o‘tdi. Konferensiya yakunlari bo‘yicha qo‘shma bayonot qabul qilinib, unda asosan: “Afg’oniston iqtisodiyotini tiklash va mustahkamlash ustuvor vazifa bo‘lishi kerak – bu mamlakatda tinchlikka erishishning muhim omilidir. Afg’onistonning mintaqalararo iqtisodiy jarayonlarga integratsiyalashuviga ko‘maklashish, ijtimoiy ahamiyatga ega va infratuzilmaviy loyihalarni amalga oshirish, shu jumladan, transmintaqaviy koridorlarni shakllantirish bo‘yicha Toshkent tomonidan ilgari surilgan tashabbuslar jumladan, transafg’on temir yo‘li bo‘ylab Surxon – Puli – Xumri elektr tarmog’i, Termiz Cargo transport-logistika habi, Termiz shahrida Afg’oniston uchun kadrlar tayyorlash bo‘yicha o‘quv klasterini tashkil etish va boshqa masalalar ushbu hujjatda keltirib o‘tilgandi [6]. Konferensiyanan so‘ng O‘zbekiston yuqoridaqgi masalalarni amalga oshirish bo‘yicha faol ish yuritmoqda. Shuningdek, Dunyoda Afg’oniston masalasi ikkinchi emas, birinchi global muammo sifatida qolayotganligini yana bir bor isboti sifatida 2023-yilning 7-mart kuni Toshkentda Afg’onistonga qo‘sni davlatlar maxsus vakillarining birinchi uchrashuvi bo‘lib o‘tdi [7]. Tadbirda O‘zbekiston, Eron, Xitoy, Pokiston, Tojikiston, Turkmaniston va Rossiya vakillari ishtirok etdi. Yig’ilishda asosiy e’tibor ushbu mamlakatga insonparvarlik yordamini yetkazish, Kobulning yangi hukumati tomonidan afg’on ayollariga nisbatan ularning huquqlarini cheklovchi choralarini qayta ko‘rib chiqish, afg’on ayollarining mehnat va ta’lim olish huquqini ta’minalash, amaldagi de-fakto afg’on hukumatidan mamlakatdagi terrorchilik guruhlarini yo‘q qilish bo‘yicha yanada samaraliroq choralar ko‘rishga, norasmiy hukumatning narkotik tahdidi kuchayib ketishini oldini olish, ularni ishlab chiqarish va sotishiga qarshi choralar ko‘rishda davom etishi muhimligi haqidagi masalalar muhokama qilinib, ta’kidlandi. Ushbu uchrashuv bo‘yicha Rossiya Federatsiyasi Prezidentining Afg’oniston bo‘yicha maxsus vakili Zamir Kabulov shu yilning aprel oyi o‘rtalarida Toshkentda 6+1 formatida vazirlar yig’ilishi bo‘lib o‘tishi haqida aytib o‘tgan. O‘zbekiston xavfsizlik masalasini kundan kunga mintaqaga darajasida hal etishga harakat qilmoqda.

– Ikkinchi masala bu – iqtisodiy aloqalar. Afg’onistonni inqirozdan olib chiqib ketishning birdan bir yo‘li sifatida uning iqtisodiyotini tiklash va Markaziy Osiyo bilan bog’lash eng muhim ustuvor vazifa hisoblanadi. Shu maqsadda, O‘zbekiston hukumati tomonidan O‘zbekistonni Afg’oniston orqali Pokiston portlariga olib chiquvchi, qiymati 8 mlrd dollarga tushishi taxmin qilinayotgan Termiz – Mozorisharif – Kobul – Peshovar transafg’on temir yo‘li loyihasi ustida 2018-yildan buyon qurilish ishlari davom etib kelmoqda. Albatta, bu temiryo‘l qurilishiga Afg’onistondagi notinchlik jiddiy to‘siq bo‘lib qolmoqda. Ushbu temir yo‘lning transit sig’imi 20 mln tonnani tashkil etadi. Temiryo‘l qurilishi natijasida O‘zbekiston va mintaqा mamlakatlari o‘z yuklarini Afg’onistonga va u orqali Hind okeaniga chiqib, o‘z tovarlari sotishlari mumkin bo‘ladi. Eng muhimi, ushbu temiryo‘lning Afg’oniston uchun foydasi nihoyatda bo‘lib, har bir o‘tgan yuk uchun boj tariflari orqali yoki xizmat ko‘rsatish sohasidan davlat budgetiga juda ko‘p miqdorda pul kelib tushishiga olib keladi. Bu esa hukumatni boshqa noqonuniy manbalardan tiyilishga va asosiy e’tiborni halol iqtisodiy faoliyatga qaratishga sabab bo‘lishi mumkin. Va yana temir yo‘l sohasida “Hayraton – Mozori Sharif” temir yo‘li yo‘nalishidagi yuklarni yetkazib berish hamda unga xizmat ko‘rsatish bo‘yicha 2011-yildan beri O‘zbekistonning “Sug’diyona trans” ushbu temiryo‘lga xizmat qilib kelayotgandi. Biroz avval Qozog’istonning “Mansur Fateh” kompaniyasi bilan Tolibon vakillari ba’zi sabablarga ko‘ra, shartnoma imzolagan edi. Biroq, ushbu kompaniyaning temiryo‘lga qoniqarli xizmat ko‘rsata olmaganligi bois, shu yilning 8-10 fevral kunlari Afg’oniston-O‘zbekiston temiryo‘llari boshqarmasi delegatsiyalarining Toshkentdagи uchrashuvida Hayraton-Mozori Sharif temir yo‘liga xizmat ko‘rsatish yana 2 yilga “So‘g’diyona trans” kompaniyasiga berildi [8].

Shuningdek, Tolibon bilan O‘zbekiston o‘rtasida 2023-yilgacha elektr energiyasi yetkazib berish bo‘yicha shartnoma imzolangandi. Biroq, Afg’on tomonidan o‘zbek tomonning majburiyatlarni bajarmayotgani ta’kidlayotgandi. O‘zbekiston energetika vazirligi sovuq qish tufayli elektr energiyasidagi muammolar hamda “Nayibobot 2” liniyasini ta’mirlash tufayli elektr energiyasi eksport kamayganini ma’lum qilgandi. Yanvar oyi oxirlariga kelib, O‘zbekiston

Tashqi ishlar vazirligi energiya yetkazib berish tiklanganligini e'lon qildi. Hozirda Afg'onistonga 250 MVT elektr energiyasi yetkazib berilmoqda.

– Uchinchi muhim soha – baynalmilal yordam berish yo'nalihi bo'lib, bu Afg'oniston uchun juda muhim hisoblanadi. Shu yilning yanvar oyida BMT bosh kotibining Afg'oniston bo'yicha maxsus vakili o'rinnbosari Ramiz Alekperovning ma'lum qilishicha, qishki sovuqqa tayyorgarlik ko'rish sa'y-harakatlarini qo'llab-quvvatlash uchun 768 mln dollar kerak. "Yil oxirigacha yana 614 mln dollar kerak. Biz yil davomida moliyalashtirish uchun kurashdik", - deb ta'kidlagandi. Ma'lumotlarga ko'ra, bugungi kunda taxminan 6 mln afg'on favqulodda darajadagi oziq-ovqat ta'minotidan aziyat chekmoqda. 2023-yilda Afg'oniston aholisining uchdan ikki qismi (28 mlndan ortiq kishi) gumanitar yordamga muhtoj bo'ladi.[9] Shuni anglagan holda O'zbekiston hukumati qo'shni xalqqa 2022-yilning 12-dekabr kuni birlamchi oziq-ovqat mahsulotlari va kiyim-kechaklardan iborat 170 tonnalik yordam yukini Balx viloyatiga yetkazib berishdi. Ismatulla Ergashevning ta'kidlashicha, bu – 2022-yil hisobidan Afg'onistonga topshirilgan yordamning 7 partiyasi bo'lgan. Ushbu yordam uchun chuqur minnatdorchilik bildirgan edi, Balx viloyati gubernatori, Mullo Muhammad Dovud Muzammil.

Xullas, O'zbekiston hukumati yuqoridagi manfaatlarni hisobga olganda hozirgi Afg'onistondagi vaziyatlarni tahlil etishga va uning hududida barqaror muhitni paydo bo'lishidan manfaatdor va shunga harakat qilmoqda.

#### **Foydalanilganabiyotlar**

1. Коргун В.Г. История Афганистана. –М.: XX век Москва ИВ РАН Издательство Крафт, 2004. – 529 с.
2. 20 dekabr 2022. <https://www.bbc.com/russian/news-64045803>
3. Sputnik Afganistan August 15, 2022 <https://telegra.ph/Talibam-god-08-14>
4. Ayollar va bolalar "Biz o'chirildik." 2022-yil 10-oktyabr <https://www.ohchr.org/en/stories/2022/10/we-are-erased>
5. The situation in Afghanistan and its implications for international peace and security. General Assambly Security Council. 27 February 2023. 34 p.
- 6.<https://mfa.uz/ru/press/news/2022/zayavlenie-strany-organizatora-mezhdunarodnoy-konferencii-po-afghanistanu---32014> TIV matbuot xizmati 26-iyul 2022.
- 7.<https://mfa.uz/uz/press/news/2023/afgonistonga-qoshni-davlatlar-maxsus-vakillarining-birinchichurchashuvu-bolib-otdi---33576> TIV matbuot xizmati 7-mart 2023.
8. [https://railway.uz/ru/informatsionnaya\\_sluzhba/novosti/31988/O'z Temiryo'llar AJ matbuot xizmati 7-dekabr, 2022.](https://railway.uz/ru/informatsionnaya_sluzhba/novosti/31988/O'z Temiryo'llar AJ matbuot xizmati 7-dekabr, 2022)
- 9.OHCR Eritreya va Afg'oniston bo'yicha bayonoti. 2023. 6-mart. <https://www.ohchr.org/en/news/2023/03/human-rights-council-hears-human-rights-situation-eritrea-remains-dire-and-shows-no>

*Nashrga prof. S. Choriyev tavsija etgan*

## НАВОЙ МЕРОСИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРИНИНГ ГУМАНИСТИК ТАЛҚИНИ

Норов Т.О. (ТДИУ)

**Аннотация.** Ушбу мақола буюк мутафаккир Алишер Навоининг фалсафий қарашлар тизимидағи иқтисодга оид қарашларига бағышланган. Унинг иқтисодий муносабатлари солик, божхона, бозор, этакчилик, савдо, сотик, хайрия фаолияти мисолида таҳлил қилинган. Мақола унинг “Махбубул-кулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Хайратул-аброр”, “Садди Искандарий” каби хикматлари, амалий ишлари ва ёзишмаларига асосланади.

**Таянч сўзлар:** адлия, иқтисод, солик, божхона, бозор, поябзalчи, савдо, савдогар, хайрия, вақф, муҳтасиб(солик инспектори), тиббиёт, закот, дeҳёнчилик.

### ГУМАНИСТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В НАВОЙСКОМ НАСЛЕДИИ

**Аннотация.** Данная статья посвящена взглядам великого мыслителя Алишера Навои на экономику в системе философских взглядов. Его экономические отношения были проанализированы на примере налоговой, таможенной, рыночной, сапожной, торговли, коммерции, благотворительной деятельности. Статья основана на его мудрости, практической работе и переписке в таких произведениях, как «Махбубул-гулуб», «Муншаот», «Вакфия», «Хайратул-аброр», «Садди Искандарий».

**Ключевые слова:** правосудие, хозяйство, налог, таможня, рынок, сапожник, торговля, купец, благотворительность, пожертвование, муҳтасиб (налоговый инспектор), медицина, закят, земледелие.

### HUMANISTIC INTERPRETATION OF ECONOMIC ISSUES IN THE NAVOI HERITAGE

**Annotation.** This article is devoted to the views of the great thinker Alisher Navoi on economics in the system of philosophical views. His economic relations were analyzed on the example of tax, customs, market, cobblers, trade, commerce, charitable activities. The article is based on his wisdom, practical work and correspondence in such works as "Mahbubul-qulub", "Munshaot", "Waqfiya", "Hayratul-abrор", "Saddi Iskandariy".

**Keywords:** Justice, economy, tax, customs, market, cobbler, trade, merchant, charity, endowment, muhtasib(a tax inspector), medicine, zakat, farming.

Алишер Навоий ижоди кўпкіррали ва кенг қамровли бўлиб, у қалам юритмаган мавзуу деярли йўқ. Мутафаккир ижодининг умумий яхлитлигини таъминлаган асосий мавзуу – инсонпарварлик мавзуси бўлиб, инсон, унинг табиати, шаклланиши, тарбияси ва камолоти, эрки, хуқуқи ва манфаатлари устувор масала қилиб қўйилган. Унинг фалсафий мероси деярли, инсоннинг маънавий камолоти ва моддий фаровонлиги муаммоларига қаратилган. Шу сабабли асарларида ижтимоий муносабатлар, иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Эътиборли жиҳати шундаки, унинг асарларида бу каби масалалар юксак бадий-фалсафий тарзда акс этган бўлса, ўзи иирик давлат арбоби сифатидаги фаолиятида иқтисодий масалаларда бевосита раҳбарлик қилган ёки темурий хукмдорларга маънавий раҳнамо ва маслаҳатчи сифатида амалий фаолият олиб борган. Навоий мероси аксар ҳолларда унинг бадий маҳорати, адабиёт тарихи, поэтик талқин, манбашунослик, матншунослик, адабиётшунослик, тилшунослик каби ихтисосликлар доирасида тадқиқ қилиб келинган.

*Афсуски, улуғ мутафаккир меросидаги иқтисодиётга оид қарашлар тадқиқотлар доирасидан четга қолиб келмоқда. Уибу мақоламизда Навоининг ижоди ва амалий фаолиятидаи иқтисодиёт билан боғлиқ мавзуларни қисман тадқиқ қилишига ҳаракат қилдик.*

Навоий шахсига темурий шаҳзодалар орасида жуда катта ҳурмат ва эътибор билан мумомала қилинганлиги тарихий манбалар ва Ҳусайн Бойқаронинг унга муносабатлари унга битилганд мактублар у ҳақидаги ҳужжатларда акс этган бўлиб, уларда мутафаккирнинг салтанатдаги мақоми акс этган.

Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”сида, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий билан ёзишмаларда унга йўллаган мактубларда ул жанобнинг лақабларини бундай деб ёзар эдилар: *Ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиши жойи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муасссаларига равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоҳларни қўлидан етакловичи, хоқон давлатининг умиди, сulton ҳазратларининг яқин дўсти, ҳакиқат ва дин низоми амир Алишер*<sup>1</sup> деган маълумотлар бор.

Бобур ўзининг “Бобурнома”сида Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги даврида юз берган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар таърифига тўхталар экан, ҳукмдорнинг амалга оширган ишларида унинг ёнида турган содиқ кишиларидан энг машҳури бу сергайрат, обрўли ва шуҳратли Алишер Навоий бўлғанлигини қайд этади. Унинг таъкидлашича, Ҳусайн Бойқаро давлатчилигини ривожлантиришда ундаги тартиб ва тинчликнинг сақланиши, ҳаётнинг фаровонлашувида “Алишербекча тарбия берувчи ва мададкор киши ҳеч бўлган эмас. Ҳирот кишиларидан бирор киши бирор нарса ихтиро қилса, уни Алишер номига қўяр эди, чунки Навоийнинг ўзи жуда кўп янгиликлар яратар эди”<sup>2</sup>, - дейди.

Масалан, Навоийнинг машҳур шахслар ва темурий шаҳзодалар, хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро билан олиб борган ёзишмаларидан ташкил топган “Муншаот” асарида қуидаги мазмундаги кўрсатмаларани кўрамиз: “Мухтасиб ҳафтада икки қатла бозор ахлининг нархларидин вукуф топсалар”<sup>3</sup>. Яъни, мухтасиб, ҳафтада бозорлардаги ахвол, хусусан, нарх-наволардан воқиф бўлишлари лозим дейилади.

Навоий ҳукукий муносабатларни тартибига солиш, ҳалқ ва давлатнинг иктисодий ҳаётини фаровонлик сари олиб бориш масалаларида ҳукм ва масъулларга йўриқномалар берганлиги манбалардан маълум. Ҳусусан, “Муншаот” да: “Закотни шаръ ва ҳукм йўсуни била закотчилар алардин мустахлас қилсалар. Закотчилар ишидан тавочи моҳ-бамоҳ, балки ҳафта-баҳафта вукуф топиб, арзга еткурсалар. Жузвий жарима қилғанини куллий сиёsat қилилса, бок йўқдур, то бу овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг ружуъи кўпрак бўлса”<sup>4</sup>.

Мактубнинг мазмуни қуидагича: Навоий четдан келган савдогарлардан солиқ олмаслик тарафдори. Улар кўпроқ бу ерга келиб савдо қилишга интилсин. Агар закотчи кичик бир хатога йўл қўйса ҳам, унга катта жазо берилсин, токи бунинг овозаси бутун оламга ёйилсин-да, хорижий савдогарларнинг бу мамлакатга интилиши кўпаяверсин. Бу насиҳатлари Навоийнинг буюк сиёsatшунос, иктисодчи эканлигини билдиради. Давлат ва иктисодиёт ривожида эса назоратнинг, конунчиликнинг аҳамиятини ҳам тўғри кўрсатади.

Навоийнинг “Маҳбубул-кулуб” асари, мутафаккирнинг умри давомида тўплаган билим ва тажрибаларининг холосаси сифатида яратилган ижтимоий, сиёсий, иктисодий масалаларга бағишлиланган илмий-фалсафий асардир. Унинг биринчи қисмида 40 дан зиёд ижтимоий гурухларга таъриф ва тавсиф берилади. Жумладан, жамиятни моддий фаровонлиги хусусида қимматли фикрлар баён қилинган. Бу масалалар хусусида гапирав экан Навоий иктисодий ҳаёт билан боғлиқ ҳолатларни аччиқ танқид остига олади. Жамиятдаги жирканч иллатларни жуда аччиқ тил билан очиқ, холис танқид қиласи.

“Маҳбубул-кулуб”нинг “*Тижорат аҳли зикрида*” фаслида: “Тижоратчилар сайёҳ бўладилар, у бутун иқлиmlар ва ўлкалар, шаҳарлардаги ахволдан хабардор, у ўлкалар ҳакида ажойиб ва гаройиб хабарлар айтувчи нодир кишилардир.

<sup>1</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент: – Akademnashr, 2011. – 326 б.

<sup>2</sup> Бобур Захирiddин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.

<sup>3</sup> Навоий Алишер. Муншаот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: ФАН, 1998. 14 жилд. – Б. 188.

<sup>4</sup> Навоий Алишер. Муншаот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: ФАН, 1998. 14 жилд. – Б. 191.

Улар фойда топиш учун, тоғларларни тошларию сахро құмларида түя етаклаб, дарё ва денгизлар мавжлари түгёнида фойда-зиён күради. Ҳалол ризқ топиш учун узок масофалярни кезади, жамиятни ботин ва зохир жиҳатлари уларга аён.

Бири юз бўлгунича бошида минг хил савдо, бўзи катон бўлгунича кўнглида неча хил орзу-ҳавас. Уларни асл мақсади фақат фойда топиш бўлиб, шу йўлда қаттиф ранж чекадилар, савдо учун денгизга кема сурадилар, дур олиш учун наҳангни оғзига қадам урадилар, пул ва молни кўпайтириш хаёлида, ўз таналари саломатлиги учун чопон киймайдилар, лазиз таомларни хидлаб, қуруқ (қотган)нон ейдилар, фойдалари оркасидан кўнгиллари фарогат, таскин топмайди, сафардан мақсади азизлар сухбатига етиш эмас, шаръий закот бўйнида қолади, молини азиз қилиб ўзини хор қилса, молини бож тўлашдан қочиб яширса, унга залолат етади, топганини фақат мерос учун йиғса, фақат фойдани кетидан қувса, аслда бундай киши хожа(бой) эмас, балки бир хизматкорга, мардикорга ўҳшаган кишидир”, дейди<sup>1</sup>.

Асарнинг “Шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида” бобида, -“Шаҳар савдогари ўзига фойда орттириш учун мусулмонларни қақшатади. Элни зиёни унинг фойдаси, у молни ўзи ҳоҳлаган даражада арzon олиб қиммат сотмоқ унинг мақсади (молни енгил деб олиб, оғир деб сотиш иллати, яъни тарозидан уриш ҳам назарда тутилади). Оладиган моли катон (қимматбаҳо мато) бўлса бўз баҳосида олиб, бўзни минг хил мақтовлар билан катондан қиммат баҳода сотади. Шолни тўрка (қимматбаҳо мато) ўрнида ўтказади, бўйрани зарбафт ўрнида сотади. Унинг дўконида инсофдан бошқа ҳамма матоҳ бор. Мол оларда фақат молни нуқсонини айтиб ерга уради. Мусоғир тижоратчилар уни найрангини жабрини тортади. Унинг икки ёнида ёлғончи, кazzоб даллоҳ худди худди заифани кўрикловчи аскарга ўҳшаб туради”<sup>2</sup>, дейди.

Шу асарнинг “Бозор косиблари зикрида” бобида: “Бозорнинг косибу- савдогари Тангрига хоин ваъдабоз кazzобдир. Бирга арзимайдиган нарсани юзга сотмоқ уларга минг фаҳрдир, мингга тегарни юзга олмоққа уларда уят йўқ. Ростлик билан савдо қилиш улар наздида зиёнкорлик, ваъдага вафо қилиш эса уларга гуноҳ ўрнида. Фойда топиш учун ўғли отасига фирибгарлик қиласди...”<sup>3</sup>

Асарнинг ўттизинчи боби “дехқончилик зикрида” - “Дехқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. ...Оlam маъмурлиги алардин, олам ахли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қиссалар ҳаракот, элга ҳам кут еткуур, ҳам баракот.

Навоий дехқонни захматли меҳнатидан нафакат инсонлар балки, ҳайвонот, қушлар, курт-қумурқалар, умуман бутун жонзотлар манфаатдор деб, дехқонни Одам Атога ўхшатади: Шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то доноси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундоқ дехқон Одамнинг фарзанди, халағидур, балки марзуқлар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур”<sup>4</sup>.

Унда дехқонни ҳосилини орқасидан жуда кўп касб кор эгалари манфаатдор эканлиги, меҳнат тақсимотининг замонавий назарияларидан мукаммалроқ иқтисодиёт назариясининг бадиий услубда яратган.

Навоий бу ҳақда “Муншаот” асарида шундай ёзади: “Яна улким, шаҳр доругасидин беклар била Ҳожа Фалон андоқ соҳиб вуқуф бўлсаларким, жузвий ишидин куллий имдод тиламасалар”<sup>5</sup>. Шаҳар доругаси ишидан доим воқиғ бўлиш керак, у арзимаган баҳоналар билан оз бир ишдан кўп тамагирлик қилмасин.

Доруға - туман, шаҳар ёки вилоят соқчилар бошлиғи. Улар раиятни (аҳолини) рўйхатга олиш, аскар тўплаш, солиқларни йиғиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий хукмдорларни назорат қилиши ва бошқалар билан шуғулланган<sup>6</sup>.

Шариат асосида ижтимоий таркибни назорат қилиш ва маънавий бузуқчиликларни олдини олишга мўлжалланган таркиб мұҳтасиблар деб аталган. Улар бозорлардаги тошу тарозилардан уриш ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олганлар, тартиб сақлаганлар

<sup>1</sup>Навоий. А. Маҳбуб ул-кулуб. МАТ: 20 томлик. 14 т., – Т.: Фан, 1998. – Б. 34.

<sup>2</sup>Навоий. А. Маҳбуб ул-кулуб. МАТ: 20 томлик. 14 т. – Т.: Фан, 1998. – 35 б.

<sup>3</sup>Навоий. А. Маҳбуб ул-кулуб. МАТ: 20 томлик. 14 т., – Т.: Фан, 1998. – Б. 35.

<sup>4</sup>Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 14 т., Маҳбуб ул-кулуб . – Т.: Фан, 1998. – Б. 34.

<sup>5</sup> Навоий Алишер. Муншаот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: ФАН, 1998. 14 жилд. – Б. 189.

<sup>6</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳи луғати. – Тошкент: ФАН, 1983. Т. I. – 505 б.

ва ўз вазифаларидан келиб чиқиб жазолаш ишларини олиб борганлар. Бу ҳақда “Мушаот” асарида қуйидаги қайдларни ўқиймиз: “Мұхтасиб ҳафтада икки қатла бозор ахлининг нархларидин вукуф топсалар”<sup>1</sup>.

Тарози ҳақидан уриш ва маънавий бузукликларни жазолаш учун жазони ижро этиш масъул кишилар ихтисоб ахли деб юритилған, уларга мұхтасиб бошчилик қылған. Мұхтасиб берадиган жазо қуйидагича бўлған: мұхтасибининг паҳлавон бир навкари мужрим (айбдор)ни опичган, иккинчиси унинг этагини кўтариб иштонини туширган, учинчиси думбасига раис айтган миқдорда дарра урган. Шундан кейин мужрим ўзини йиғиштириб олиб, мұхтасибга таъзим билан тавба килиб, кўзини очиб қўйғанлиги учун унга миннатдорчилик билдирган. Тавба ва миннатдорчилик мухим шартлардан бўлиб, адо қилинмаган тақдирда жазони давом эттириш эҳтимоли бўлған.

Шарқ демократиясининг айрим ўзига хос хусусиятлари назарий ва амалий асосларини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Шоҳ Баҳром образини талқин этиш Навоийгача ҳам Шарқ адабиётида мавжуд бўлған. Хусусан, машҳур файласуф “Сиёсатнома ёки сијар ул-мулк” асари билан ўчмас из қолдириган мутафаккир салжуқийлар подшоҳлари вазири – Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий (Низомулмұл) (1018-1092) асарида ҳам Баҳромни саргузашти давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳикоятлар орқали ёритилған. Унинг “Сиёсатнома”сида, хусусан, давлат бошқарувида асосий ўринда турувчи вазир эканлигини уқтиради. Лекин мулк бошлиғи (подшоҳ) вазирларини доимо текшириб туришларини таъкидлайди. Низомулмұлк “Сиёсатнома”да бу масалани ажойиб ҳикоятлар орқали ёритади.

Навоийда Баҳромнинг ўз хатоларини англаши билан боғлиқ ҳолат бошқачароқ тарзда тасвирланған. “Хайрат ул-абброр”да ҳам ажойиб тарзда тасвирланған. “Хайрат ул-абброр”нинг 59-боби “Баҳромнинг май таъсиридан баҳтининг кўзи уйкуга кетиб, мамлакатнинг биноси бу селдан йиқилгани ва мазлумлар фарёдидан уйғониб, бунинг чорасини кўргани”<sup>2</sup> баён қилинади. Бу ерда гап, айнан солиқчилар элга ўтказған ситамлардан, мамлакат фуқаролари бошқа мамлакатларга кўчиб кетганлиги айтилади.

Улуг мутафаккир инсонпарварликнинг олий кўринишини ўзининг ҳаётий фаолиятида, хайрия фаолияти орқали амалий намуна кўрсатади. Ўзи факирона, сўфиёна ҳаёт кечирган холда асосий мол-мулкини вақф сифатида ҳалқ фойдаланишига бағишлиади. Оддий ҳалқ фойдаланиши учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлған кўплаб иморатлар курдиради. Бошқача айтганда, у ўз умри ва бутун фаолиятини инсонпарварликнинг ёрқин кўриниши бўлған *хайрия*ишиларига багишилади.

Шу ўринда “Вакф” сўзига ҳам қисқача изоҳ бериб ўтиш лозим деб ўйлаймиз: “Вакф” арабча сўз бўлиб, дин йўлида ажратилған мол-мулқидир. Ислом дини анъанасида давлат ва айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжид мадраса ва бошқаларга ажратилған мол-мулқ<sup>3</sup>.

Хондамирнинг қайд қилишича, XV асрнинг 80-йиллари давомида Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 та масжид, 10 хонақоҳ, 9 та ҳаммом, 9 қўпприк, 20 га яқин ҳовуз қурдириган ёки таъмирлаган. Улар орасида Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Холосия” хонақоси, “Шифоия” шифохонаси, Қуръон тиловот қилувчилар учун “Дорул-хуффоз” биноси, Марвда “Хусравия” мадрасаси ва Машҳадда “Дорул-хуффоз” хайрия биноси ва бир қатор ноёб ижтимоий бинолар қурдириган бўлиб, улар ҳозиргача бетакрор меморчилик иншооти сифатида ҳам тарихий қимматга эга<sup>4</sup>.

“Вакфия”да мол-мулклар, ерларнинг, тақсимоти ва назорати тизимини қуйдагича тавсифлаш мумкин:

- вақф қилинган ерлар ва мулклар;

<sup>1</sup> Навоий Алишер. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: ФАН, 1998. 14 жилд. – Б. 188.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Ҳайрат ул-абброр. МАТ. (20 жилдлик). – Тошкент: Фан, 7-жилд. – Б. 316-1-317.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедия ДИН. “Вакф” мақоласи.

– Б. 79; Ислом (справочник) М.А.Усмонов таҳрири остида. – Тошкент., 1989. – Б. 79. “Вакф” мақоласи.

<sup>4</sup> Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Ф. Фулом, 1973. – Б. 233-239; Интернет маълумотлари.

- вақф қилинган бинолар, иншоотлар;
- уларни идора қилиш учун белгиланган вазифалар;
- вазифалар учун тайин қилинган маошлар;
- вақфлар таомили учун аниқланган ашёлар;
- бино ва ёдгорликлар таъмири;
- халқ учун, хусусан камбағаллар учун ўтказиладиган хайрия маросимларвауларга тортиладиган таомлар миқдори;
- мударрис ва талабалар учун жорий қилинган қоидалар;
- вақфларни сақлаш, идора этиши ва назорат қилишнинг қоида ва шартлари;
- вақф шарт ва қоидаларининг дахлсизлиги<sup>1</sup>.

Навоийнинг вақф қилдирган ерларининг ўлчов миқдори 460 жерибга<sup>2</sup> тенг бўлганлиги манбаларда ва “Вақфия”да айтиб ўтилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мутафаккир ўзига тегишли бўлган ҳамма мол-мулк, ерларини вақфга беради. Фақат бир оддий одам ейиш-ичиши ва кийиши даражасидагисини ўз эҳтиёжи учун қолдиради<sup>3</sup>.

“Вақфия”да тайин этилган вазифалар ва уларга тайинланган маош ҳамда дон-дун миқдори аниқ кўрсатилган. Масалан, икки мударрис, уларнинг ҳар бирига ўн биттадан толиби илм бўлиши керак бўлган. Мударрисларга йилига 1200 олтин (танга) нақд пул, 24 юк (айрим манбаларда харвор ҳам дейилиб, бир эшакка юк бўладиган даражадаги оғирлиқдаги юк, тахминан 80-120 кг атрофида) ошлиф (арпа, буғдой) берилиши белгиланган. Навоий талабаларни ўзлаштириш даражаси бўйича 3 тоифага бўлган:

- аълога ўқийдиган талабаларга ойига 24 олтин нақд 5 юк ошлиф;
- ўртага ўзлаштирадиган талабаларга ойига 16 олтин нақд, 4 юк буғдой;
- паст ўзлаштирувчи талабаларга 12 олтин пул ва 3 юк ошлиф берилган<sup>4</sup>.

“Яна шарт улким, ҳар ўттуз йилда мутавалли “Вақфия”ни муқаррар янги битган ва асл била муқобила қилғондин сўнгра кузот сижиллот била муқобала қилғай то айём мурури била чурумагай. Яна шарт улким, ҳеч замонда садр гумашталари ва мутаваллилар бу саркорда мадхал қилмагайлар. Модомики, шарти воқиф била мувофиқ амал қилғайлар - бу саркор амаласидин жамъ ва харж нусхаси тиламагайлар ва ҳеч навъ нима алардин олмагайларким, аларға ҳалол ва мубоҳ эмас”<sup>5</sup>.

Ислом дини ва аждодларимизнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланган вақф тизимини йўлга қўйиш ва амалиётга кенг қўлланишини Ўзбекистон Президентининг Фармони мисолида кўришимиз мумкин.

“Вақф” хайрия жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган бўлиб ўз олдига масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, диний таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-куватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш каби бир қатор ишларни мақсад қилиб қўйган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. – Тошкент, 1977. – Б. 402-403; Навоий Алишер. “Вақфия” МАТ (20 томлик). – Тошкент, 1998 14-том. – Б. 260-269.

<sup>2</sup> Жерип – ер ўлчови бирлиги, тахм 1 таноб ер. Жерибни, шунингдек, 1 жерип дон экиш мумкин бўлган ер бўлагини ҳам айтилган. Е.Э. Бертельсни изоҳлашича турли давларда жерибни миқдори турлича белгиланган - (100 дан 200 м.га қадар).

<sup>3</sup>Навоий Алишер. Вақфия. МАТ. (20 томлик). – Тошкент, 1998 14 том. – Б. 255-256.

<sup>4</sup>Навоий Алишер. Вақфия. МАТ (20 томлик). – Тошкент, 1998 14 том. –Б. 260-269; Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик), II том. – Т., 1977, – 403 б.

<sup>5</sup>Навоий Алишер. Вақфия. МАТ. (20 томлик). – Тошкент, 1998 14-том. –Б. 256-270.

<sup>6</sup>“Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил қилинди<sup>7</sup><http://www.vaqf.uz/uz>

<sup>7</sup><http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/7487-va-f-khajriya-zhamoat-fondi-tashkil-ilindi>

“Садди Искандарий”нинг XIX бобида: “Солик ёзувчи амалдор, халққа ситам килса, солик ёзувчи қўлини қаламдек қалам қилсин (тилсин, кесилсин)”<sup>1</sup>. Агар солиқчи ўзининг қийшиқ қалами, яъни, бузук нафси билан солиқни ошириб ёзган, шу орқали элга ситам қилган бўлса, уни қўли ҳам қаламдек кесилсин.

“Садди Искандарий”нинг XXXI бобида: “Агар Доро иккидан бирини бериб, унинг ҳам ярмини халқданундириб келган бўлса, биз буни (маошни) икки баравар оширамиз. Хазинадан икки хиссадан маош беринг, деди. 14. Шундай қилиб, эл ранждан қутулди. Ҳамма хазинадан маошини олди, шоҳ ўзига тобеларни шундай рози қилди”<sup>2</sup>, деган фикрларни ўқимиз. Зеро, Искандар, Навоийнинг орзусидаги ҳукмдор образи эди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Навоий ўз асарларида кўтарилиган теран фалсафий қарашлар тизимида, амалий фаолиятида эса, темурий шоҳларни, шаҳзодаларни адолатга, қонунчиликка риоя етишга Қуръони карим, ҳадислар, фикҳ илми, “Темур тузуклари” ва “Зафарнома” каби манбаъларни ўқиб, улар сабоқларидан ўз фаолиятларида ҳолис адолатли фойдаланишга чақиради.

– шоҳнинг ўзи шариат талабларига амал қилиши ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб этиши лозим;

– раиятнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш, адолат истаб келгандарнинг арзини мунтазам равишда эшитиб, золимларни жазолаш, шоҳ ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириш;

– девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қўйиш, тъмагирлик, порахўрлик, сусткашликка йўл қўймаслик.

Бу ҳолни мустақил Ўзбекистондаги қонун устуворлиги, қонунларга ҳаммани бирдек амал қилиши, унинг асоси бўлган Конституция ва қонунларни мукаммалштириш, судхукуқ соҳасини изчил ислоҳ қилиш устувор сиёsat даражасига қўйилди. Ҳозирги босқичдаги ислоҳотлар жараёнида айнан шу адолат тамойилини амалётда таъминлаш назарда тутилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Сирожиддинов.Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.
2. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
3. Алишер Навоий. Муншаот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: ФАН, 1998. 14-жилд. – Б. 188.
4. Алишер Навоий. А. Маҳбуб ул-кулуб. МАТ: 20 томлик. 14 т. Т.: “Фан”, 1998. 34 б.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. – Тошкент: ФАН, 1983. Т. I. – 505 б.
6. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аббор. МАТ. (20 жилдлик). – Тошкент: Фан, 7-жилд. – Б. 316–317.
7. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аббор” (насрый баёни). – Тошкент, 1975. – Б. 132-133.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедия ДИН. “Вакф” мақоласи. – 79 б.
9. Ислом (справочник) М.А.Усмонов таҳрири остида. – Тошкент., 1989. – 79 б. “Вакф” мақоласи.
10. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 233-239.
11. Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. – Тошкент, 1977. – Б. 402-403.
12. Навоий Алишер. Вақфия. МАТ. (20 томлик). – Тошкент, 1998 14-том. – Б. 255-256.
13. “Вакф” ҳайрия жамоат фонди ташкил қилинди.<http://www.vaqf.uz/uz>
14. <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/7487-va-f-khajriya-zhamoat-fondi-tashkil-ilindi>
15. Навоий Алишер. МАТ: 20 томлик. 11-т. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993. – 106 б.

***Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган***

<sup>1</sup>Навоий Алишер. МАТ: 20 томлик. 11-т. Ҳамса, Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993. – Б. 106.

<sup>2</sup>Навоий Алишер. МАТ: 20 томлик. 11-т. Ҳамса, Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993. – 208-209.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАОЛЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

**Абдумажидова X.** (СамДТУ)

**Аннотация.** Маколада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мағкуравий алоқалари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган. Марказий Осиёдаги хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик мухитини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи шароит ва омиллар кўрсатиб ўтилган. Марказий Осиёдаги интегратив жараёнлар ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик ва ривожланиш жараёнидан иборат бўлган яхлит жараён сифатида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** *Марказий Осиё, модернизация, интегратив жараёнлар, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мағкуравий алоқалар, хавфсизлик, барқарорлик, аҳил қўшничилик муносабатлари, унга таъсир кўрсатувчи шароит ва омиллар.*

### ВЛИЯНИЕ МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА АКТИВНОСТЬ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация.** В статье социально-философски анализируются экономические, общественно-политические, духовно-идеологические отношения Узбекистана со странами Центральной Азии. Указаны условия и факторы, влияющие на формирование среды безопасности, стабильности и гармоничного соседства в Центральной Азии. Социально-философски проанализированы интеграционные процессы в Центральной Азии как целостный процесс, состоящий из взаимообусловленности, связи и процесса развития.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, модернизация, интеграционные процессы, экономические, общественно-политические, духовно-идеологические отношения, безопасность, стабильность, дружественные добрососедские отношения, условия и факторы, влияющие на нее.

### IMPACT OF MODERNIZATION OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE ACTIVITY OF SOCIAL AND POLITICAL RELATIONS

**Annotation.** The article socio-philosophically analyzes the economic, socio-political, spiritual and ideological relations of Uzbekistan with the countries of Central Asia. The conditions and factors influencing the formation of an environment of security, stability and harmonious neighborhood in Central Asia are indicated. The integration processes in Central Asia are analyzed socially and philosophically as an integral process consisting of interdependence, connection and development process.

**Keywords:** Central Asia, modernization, integration processes, economic, socio-political, spiritual and ideological relations, security, stability, friendly good neighborly relations, conditions and factors influencing it.

### КИРИШ

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақаларро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласи бугунги кунда ташқи сиёsatдаги мухим масаладир. Ўзбекистонда ҳозирги даврда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat соҳасидаги энг мухим устувор йўналишлар-давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик мухитини шакллантиришдан иборатдир. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис аҳборот етказиш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаoliyatiнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш<sup>1</sup> каби масалалар ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент: Адолат, 2018. – Б. 27-28.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, мамлакатнинг ташқи ошкоралигини илгари суришга ҳамда регионал ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бир қатор тегишли дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, “йўл ҳариталари” тасдиқланган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ва Марказий Осиё давлат раҳбарларининг олий ва юқори даражалардаги ташрифлари давомида мамлакатларнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган фаол, очиқ, pragmatik ва чуқур ўйланган ташқи сиёсатни олиб бориш масаласига эътибор кучайтирилмоқда.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил инилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умуний келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев, – Ўзбекистон баҳсли масалаларни тезрок ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир. Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манбаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, ҳавфисизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташабbusлари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни яратмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ғоясидан иборат кун тартибини илгари сурмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиёдаги иктисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, мафкуравий жараёнларни барқарорлаштирувчи давлат сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиёда давлатлараро муносабатларнинг янги тизими шаклланиб, Ўзбекистон ушбу тизимда турли хил йўналишлар бўйича юқори фаолликни намоён қилмоқда. Натижада минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сезиларли соғломлашиш белгилари яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтирди, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича кўп томонлама ҳаракатларга фаол қўшилди. Ўзбекистон Сурхон-Пули-Хумри электр узатиш линияси ва “Термиз – Мозори – Шариф – Пешовар” темир йўл курилиши йирик лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда<sup>2</sup>. Термизда Афғонистон фуқаролари учун Таълим маркази очилиб, ҳозирги даврда афғонистонлик талабалар ушбу Таълим марказини битириб, улардан айримлари Афғонистон парламентида, вазирликлари ва муассасаларида ишламоқда, мамлакат олий таълим муассасаларида муаллимлик қилмоқда, мустақил бизнесни юритмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлиш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди. Мамлакатларимиз Марказий Осиёда радиация ҳавфисизлигини таъминлаш, “Барқарор ривожланиш учун сув” ҳаракатлари, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси каби ҳалқаро ҳужжатларни имзоладилар.

Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз-бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев, – у қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манбаатларига қарши қаратилган эмас. Бу борада, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлаган холда, биз изчил ва барқарор ривожланиб бораётган

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. 2-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 265.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б. 430.

минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқаро шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз<sup>1</sup>.

### НАТИЖАЛАР ВА МУХОКАМА

Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим давлат ҳисобланади ва алоҳида роль ўйнайди. Мамлакатнинг региондаги муҳим аҳамияти хорижий эксперт ва сиёсий доиралар вакиллари томонидан ҳам эътироф қилиб келинмоқда. Ўзбекистон минтақадаги барча қўшни давлатлар билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган бўлиб, бу юқори даражада регионал сиёсат тузиш имконини беради. Ушбу мақсадларда амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг халқаро муносабатлар тизимидағи ўрни ва ролини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ташаббуслари Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олади ва консенсус тамойилига асосланади. Тошкентнинг фаол, ташаббускор ва конструктив дипломатияси туфайли шаклланган минтақадаги янги сиёсий реаллик Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида кенг доирали масалалар бўйича ўзаро ҳаракатларни кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тошкентда 2019 йил ноябрда Марказий Осиё давлатлари ўртасида вужудга келадиган масалалар ечимини мухокамадан ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг консультатив учрашувларини ўтказиш минтақада янги халқаро ташкилот ёки ўз уставига эга ва давлат органларидан юқори турувчи бирон-бир интеграцион тузилма ташкил этилишини назарда тутмайди. Ушбу фаолият факат регионал ривожланишнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро келишиб олишни қўзда тутади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusi билан олий ва юқори даражалардаги сиёсий мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашди, парламентлараро, муассасалараро ва худудлараро алоқалар кучайтирилди. Ўз навбатида, қайд этилган даврда регионнинг барча давлат раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Таҳлил маълумотларига кўра, ушбу учрашувлар якунлари ўз самарадорлиги бўйича мисли кўрилмаган натижалар берган. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан экстремистик ва террористик тузилмалар фаолиятига қарши биргалиқда курашиш бўйича ўзаро келишувга эриши. 2018 йил июлдан сентябргача Ўзбекистон Қозогистон, Киргизистон ва Тожикистон билан қўшма антитеррористик машғулотларни ўтказган бўлса, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Киргизистон ва Тожикистон билан тегишли комплекс чора-тадбирлар режаларини имзолади. Ўзбекистоннинг Киргизистон ва Тожикистон билан давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари соҳасидаги ишлари анча илгари сурилди. Буларнинг барчаси Марказий Осиёда жойлашган давлатлар ўртасидаги даъволи масалаларни нафақат икки томонлама ҳал этиш, балки бутун регионнинг кун тартибидан ўтқир низоли масалаларни олиб ташлаш ва сиёсий ишонч даражасини ошириш имкониятини вужудга келтириди.

Ҳозирги даврда Марказий Осиё давлатлари ўртасида маданий-инсонпарварлик соҳасида яқиндан ҳамкорликни, дўстона ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Марказий Осиё-ягона ўтмиш, умумий келажак” шиори остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига жавоб беради, деб ўйлайман,-дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида эришган салмоқли ютуклари учун Марказий Осиё мукофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар форумлари ва минтақавий спорт ўйинларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда<sup>2</sup>.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш нафақат минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб беради, балки унинг қўшни регионлардаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 271.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент, Ўзбекистон, 2020. – Б. 272.

хавфсизликка таъсири нуқтаи назаридан бутун Евросиё китъасининг барқарор ривожланишига ҳам кўмаклашади.

### ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг яқин давр ичидаги ривожланиш устувор йўналишларини яна бир марта белгилаб берди, бунда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги туб ислоҳотлар билан бир қаторда фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш ҳам назарда тутилган. Янгиланган Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашган давлатларга ўзининг ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёрлигини, миллӣ манфаатларга жавоб берадиган, очик, pragmatik ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат олиб боришини амалий ишлар билан кўрсатиб келмоқда. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш буғунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг муҳим масалалардан биридир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон-таракқиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент: Адолат, 2018.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллӣ тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллӣ тикланишдан – миллӣ юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
8. Яхшиликов Ж.Я., Мухаммадиев Н.Э. Миллӣ ғоя-тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Фан, 2012.
9. Абдумажидова Ҳ. Марказий Осиёда Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг ташқи сиёсатидаги устуворлиги. НамДУ Илмий ахборотномаси. – Б. 202-207.

*Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган*

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Мелибоев А.Н. (КДПИ)**

**Аннотация.** Мақолада сифатли таълим орқали камбағалликка қарши курашда жаҳон тажрибасидан фойдаланишининг аҳамияти ва Янги Ўзбекистонда бу масаланинг зарурияти таҳлилий асосда ёритиб, бу муаммони хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда самарали ҳал этиш масаласи очиб берилган. Шунингдек, давлатлардаги кўрсаткичлар орқали қиёсий мисоллар ёрдамида асосланиб ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таққослаб, муаммога атрофлича ёндашилган.

**Таянч сўзлар:** БМТ, Ассамблея, сиёсий инқизор, Резолюция, “Минг йиллик ҳисоботи”, эвристик, ГФР.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В БОРЬБЕ С БЕДНОСТЬЮ ПОСРЕДСТВОМ КАЧЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** В статье подчеркивается важность использования мирового опыта борьбы с бедностью посредством качественного образования и необходимость этого вопроса в Новом Узбекистане, а также раскрывается вопрос эффективного решения этой проблемы с использованием зарубежного опыта. Также к проблеме подходили с социально-философской точки зрения с помощью сравнительных примеров на основе показателей в штатах.

**Ключевые слова:** ООН, Ассамблея, политический кризис, резолюция, «Доклад тысячелетия».

## THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF FOREIGN EXPERIENCES IN FIGHTING POVERTY THROUGH QUALITY EDUCATION IN THE NEW UZBEKISTAN

**Annotation.** The article highlights the importance of using world experience in the fight against poverty through quality education and the necessity of this issue in New Uzbekistan, and reveals the issue of effectively solving this problem using foreign experience. Also, the problem was approached from a social-philosophical point of view with the help of comparative examples based on indicators in the states.

**Key words:** *UN, Assembly, political crisis, Resolution, "Millennium Report", heuristic, GFR.*

Сайёрамизда турли молиявий-иқтисодий ва сиёсий инқирозларнинг кучайиши, турли савдо урушларининг авж олиши натижасида дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқалар чекланяпти. Жаҳондаги бу каби салбий ўзгаришлар мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётiga салбий таъсири қиляпти, аҳолининг тинчосуда ҳаётига хавф соляпти. Дунёда бу каби глобал ижтимоий-иқтисодий, трансмиллий муаммолар ўз ечимини топмаса, мамлакатлар миллый иқтисодиётида ЯИМ ўсишининг секинлашуви, ахоли реал даромадларнинг пасайиши, ишсизликнинг кўпайиши натижасида камбағалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. БМТнинг кузатишича, 38 энг камбағал мамлакатлардан 20 таси ёки уруш ҳолатида ёки урушдан эндигина чиқсан минтақалар. Энг кўп ночор аҳволда яшовчилар Жанубий Осиё минтақасида қайд этилган. Камбағалларнинг энг юқори қисми Африканинг Сахара чўлига яқин ҳудудларида кузатилган. Умум аҳолининг роппа-роса 46,3 фоизи катта кийинчиликларда кун кечирмоқда. Тахминан 1 млрд. одам умуман ҳеч қандай таълим ва маълумотга эга эмас. 1 млрд.дан ошироғи эса тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш имкониятидан бебаҳра<sup>1</sup>. Бундай ҳолатларда қандай иш тутиш лозим?! Бунинг бирор чораси борми?

Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри улуғ бўлган диёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга кўйган катта-катта мэрраларга албатта эришамиз<sup>2</sup> -дея таъкидлайди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Камбағалликка қарши кураш масаласи глобал масала бўлганлиги туфайли БМТ Бош Ассамблеяси камбағалликка қарши кураш бўйича ўн йилликларни эълон қилиб, тегишли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Биринчи ўн йиллик ўз ичига 1998-2007 йилларни қамраб олган бўлса, иккинчи ўн йиллик 2008-2017 йилларга тўғри келди. Ҳозир учинчи ўн йилликка мўлжалланган 2018-2027 йилларни қамраб оладиган Резолюцияси қабул қилинди. Ушбу Резолюцияда олдинги ўн йилликда эришилган натижалар даражасини сақлаб колган ҳолда қашшоқлик билан курашишни такомиллаштириш ҳамда уни мустаҳкамлаш йўлида самарали ва мувофиқлаштирилган вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир<sup>3</sup>.

БМТ тавсиясига биноан жаҳон амалиётида ахоли турмуш кечиришининг энг кам миқдори ва истеъмол бюджетининг энг кам миқдори асосида даромадлари даражаси бўйича моддий таъминоти турлича бўлган қуйидаги ахоли гурухлари ажратиб кўрсатилади:

- камбағал оиласалар – бундай оиласаларда жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдордан паст даражада ёки унга тенг;
- кам таъминланган оиласалар – бундай оиласаларда жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдор билан энг кам истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган бўлади;
- таъминланган оиласалар – бундай оиласаларда жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг энг кам истеъмол бюджети миқдори ва оқилона истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган бўлади;

<sup>1</sup> БМТнинг «Минг йиллик ҳисоботи». <https://zivouz.uz>.

<sup>2</sup> Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.

<sup>3</sup> Пардаев М.К., Пардаев О. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари // “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали. – №5, 2020. – Б. 41-48. <http://www.economyjournal.uz>

– бой оилалар – уларда жон бошига тўғри келадиган даромад оқилона истеъмол бюджети даражасидан юқори бўлади<sup>1</sup>.

Бунга асосан жуда кўплаб мамлакатлар ҳам қашшоқликдан бутунлай қутилиш режаларини ишлаб чиқкан<sup>2</sup>. Жумладан, Хитой, Покистон, Бангладеш каби мамлакатлар шу қиска даврда бутунлай камбағаллиқдан қутилиш режасини ишлаб чиқкан ва буни муваффақият билан амалга ошиrmокда<sup>3</sup>.

Аҳоли даромади тенгсизлиги ва камбағаллик билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик бўйича Д.Рикардо, Р.Солоу, А.Сен, А.Дитонт каби кўплаб мумтоз неоклассик иқтисодчилар ва Нобель мукофоти лауретлари назарий ва эмпирик тадқиқотлар ўтказган бўлиб, уларда ялпи ички истеъмол, технологик ривожланиш, меҳнат унумдорлиги, аҳоли саломатлиги, солиқ базаси ва бошқа шу каби омиллар таҳлили асосида, камбағаллик кам бўлган жамиятларда, иқтисодий ўсиш суръатлари юқорироқ бўлишини назарий исботлашган<sup>4</sup>.

Жаҳон амалиётида камбағалликни баҳолашнинг қуйидаги усууллари маълум:

- статистик: бунда аҳоли даромадларини жон бошига тақсимлаганда, энг қуйида турувчи 10-20 фоиз аҳоли камбағалларга киритилади;

- меъёрий (минимал истеъмол саватининг озиқ-овқат ва бошқа андозалари меъёрлари бўйича), яъни минимал истеъмол савати асосида;

- маҳрум бўлганлик усули -энг муҳим маҳсулот ва товарларни тўйиб истеъмол қилмаслик;

- эвристик - жамоатчилик фикри ёки сўралувчининг нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда, турмуш даражасининг етарли ёки етарли эмаслигини баҳолаш;

- стратификацион – бунда камбағалларга, илгариданоқ ўзини ўзи таъминлаш имкониятлари чекланган кишилар киритилади (қариялар, ногиронлар, тўлиқ бўлмаган ва кўп болали оилалар, ота-онасиз болалар, ишсизлар, муҳтожлар ва б.)

- иқтисодий - бу камбағаллар тоифасини, давлат уларнинг моддий таъминотига ёрдам йўналтирилган имконият ресурслари орқали аниқлайди.

Камбағалликни аниқлагач, ҳар бир давлат фақат ўзига хос бўлган вазифаларни ҳал этишга интилади. Агарда иқтисодий ривожланган мамлакатлар социал ларзаларни бартараф этиш учун аҳолининг ўрта ва камбағал қатламлари ўртасидаги чукур табакалашга йўл қўймасликка интисалар, ривожланаётган мамлакатларда эса камбағалликнинг аниқланиши аҳолининг минимал турмуш даражасини таъминлаб туриш сиёсати билан боғланган.

Камбағалликни бартараф этиш муаммоси яшаш минимумини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бир мамлакатда андоза учун қабул қилинган яшаш минимуми, бошқа мамлакатда қабул қилина олмайди.

Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германияда яшаш минимуми ойлик даромадининг 40% га тўғри келади; Финландия, Италия, Греция, Испанияда 50%, Ирландия ва Португалияда 60 фоиз; Руминия, Чехия, Славакияда "етарлича" эмаслик белгиси ўртacha жон боши даромадининг 50-60 фоиз, камбағаллик чизиги эса етарлича эмасликнинг 60-70 фоиз даражасида ўрнатилган. Болгарияда минимал иш ҳаки истеъмол савати асосида хисобланган социал минимумнинг 60-70 фоизни, камбағаллик чегараси эса минимал иш ҳакининг 65 фоизни ташкил этади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2013. – В. 230-231.

<sup>2</sup> Косимова Г.Қ. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. Scientific progress. Volume 2 | ISSUE 7 | 2021. – Б. 808-816. <http://www.scientificprogress.uz/uz>

<sup>3</sup> Косимова Г.Қ. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. Scientific progress. Volume 2 | ISSUE 7 | 2021. – Б. 808-816. <http://www.scientificprogress.uz/uz>

<sup>4</sup> Deaton A. (2013)The Great Escape: Health, Wealth, and the Origins ofInequality, Princeton, N.J.: Princeton University Press.; Ricardo, David (1817) On the Principles of Political Economy and Taxation. Piero Sraffa (Ed.) Works and Correspondence of David Ricardo, Volume I, Cambridge University Press, 1951, p. 135.; Solow, Robert M. (February 1956). "A contribution to the theory of economic growth". Quarterly Journal of Economics. 70 (1): 65–94. doi:10.2307/1884513.; Sen A. (1981) Poverty and Famines: An Essay on Entitlement and Deprivation. Oxford: Clarendon Press.

<sup>5</sup><http://geum.ru/next/art-346523.leaf-11.php>

Камбағаллик миллатнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказади. Шунингдек, унинг оқибати натижасида Давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади.

Дунёда камбағалликни қисқартиришга қаратилган самарали дастурлар, стратегия ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларда белгиланган масалаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ушбу ўринда 2019 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган олимлар ҳам айнан жаҳонда камбағалликни пасайтириш бўйича олиб борган тадқиқотлари учун мукофотланганлигини эсга олиш зарур бўлади. Булар америкалик Майкл Кремер ва келиб чиқиши асли хинди斯顿лик бўлган Абхиджит Банерджи ҳамда унинг рафиқаси Эстер Дюфло бўлиб, улар камбағалликни аниқлаш ва уни бартараф этиш борасида ижтимоий инновацияларни амалиётга татбиқ этишди<sup>1</sup>.

Уларнинг илмий тадқиқот натижаларига кўра, камбағалликни юзага келтирадиган омиллар, шарт-шароитлар диагностикаси билан бирга ҳар бир мамлакат, худуд ва оила кесимида бартараф этиш мумкинлиги аниқланди. Ўзлаштириш кўрсаткичи ва ўқувчиларнинг билим савијасини кўтарадиган асосий омил: таълим бериш шаклини ва ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ошириш, ўқувчиларга индивидуал ёндашув усусларини кучайтириш (дарс мазмунини оширишга) ҳамда болаларни қийнаб келадиган гижжа касалликларидан фориғ бўлишларини таъминлашга боғлиқ экан. Болалар организмида жойлашган паразитлардан ҳоли бўлмасдан туриб, уларга қанчалик билим берманг, унинг ақли ва тафаккури кенгайиб қолмаслигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам тасдиқлади.

Шу пайтга қадар БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон валюта ташкилоти ва турли жамғармалар томонидан камбағал давлатларга миллиардлаб АҚШ доллари қийматида молиявий ёрдамлар, субсидиялар йўналтирилганига қарамай, аҳолининг саводхонлиги ошиб, ўзини ўзи иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик қобилияти ошиб қолмади. Буларнинг барчаси бесамар кетди. Ушбу давлатлар камбағаллик балосидан кутула олишмади. Айнан, Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло ҳамда Майкл Кремер буни исботлаб беришди ва дала тажрибаси асосида камбағалликдан фориғ бўладиган “таблетка”ни кашф қилишди ҳамда ўзларининг номларини иқтисодиёт тарихида муҳрлаб қўйишид<sup>2</sup>.

Демак, олимлар ўз тадқиқотларида асосан камбағал оиласар фарзандларининг сифатли бошлангич ва ўрта маълумот олишлари, турли хил касалликларга қарши эмлаш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишга орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган механизмларни таклиф қилишган.

«Қаерда киши камбағаллиқда яшашга мажбур бўлса, у ерда инсон хукуқлари бузилади. Бу хукуқларнинг ҳурмат қилиниши учун бирлашиш ҳар кимнинг муқаддас бурчи». Жозеф Вресински томонидан айтилган ушбу сўзлар бутун жаҳон қашшоқликка қарши курашиш ҳаракатининг шиорига айланди. Ушбу ҳаракатлар натижасида 17 октябрь БМТ Бош ассамблеясининг 47/196-сонли резолюцияси (1992 йил 22 декабрь) билан Халқаро камбағалликка барҳам бериш куни этиб белгиланди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш камбағаллар мулкий хукуқларини, айниқса ерга бўлган хукуқларини кенгайтиришни талаб қилади. Самарасиз муассасалар, коррупция, ва сиёсий бекарорлик инвестицияларни сусайтиrsa, соғлиқни сақлаш, таълим ва инфратузилмани ривожлантиришга грантлар ва хукумат ёрдами эса инсон ва жисмоний капитални ошириш орқали иқтисодий ўсишга катта ёрдам беради<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Kremer, Michael (1993), Population Growth and Technological Change: One Million B.C. to 1990, The Quarterly Journal of Economics (The MIT Press) . — Т. 108 (3): 681–716.

<sup>2</sup> Камбағаллик — айб эмас, бироқ... Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 марта. <https://xs.uz/uzkr/post/>

<sup>3</sup> J.Lazarus, (2008). "Participation in Poverty Reduction Strategy Papers: reviewing the past, assessing the present and predicting the future". Third World Quarterly. 29 (6): 1205–1221.; K. Deininger (2003) "Land policies for growth and poverty reduction", World Bank Policy Research Report. A copublication of the World Bank and Oxford University Press.; R.Driscoll,; E. Alison (2005). "Second-Generation Poverty Reduction Strategies: New Opportunities and Emerging Issues". Development Policy Review. 23 (1): 5–25.

Франциядаги камбағалликнинг олдини олиш тизими намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Унинг асосида барча иш берувчилар учун, ишлаётгандарнинг асосий эҳтиёжларини қондиришга етарлича бўлган минимал иш ҳақи нормасини тўлаш мажбурияти белгиланган. Бунинг устига иш ҳақининг энг кам даражаси доимо индексацияланиб борилди. Бундан ташқари, Францияда етарли меҳнат нафақаси, сифатли тиббий хизмат, ишсизлик бўйича нафақани ўз ичига олувчи мажбурий социал суғурталаш амал қиласди. Болалар учун нафақалар ва имтиёзлар тизими ҳам катта рол ўйнайди.

Суғурта стажига эга бўлмаганлар (ёшлар, болали аёллар), шунингдек, у ёки бу турмуш шароитларига кўра ўзининг зарурий эҳтиёжларини қондира олмайдиганлар маҳсус социал хизмат кўрсатиш идораларига мурожаат қиласидилар.

АҚШда камбағаллика қарши кураш дастури 15-20 фоиз ахолини қамраб олади. Камбағал ҳисобланган ва ёрдам берилувчи тоифалардан бирига тегишли бўлган кишиларга ёрдам кўрсатилади. Улар қаторида:

ёш болали оилалар, айниқса ёлғиз ота-оналар ёки боқувчиси ишсиз бўлганлар;

65 ёшдан катта бўлган муҳтоҷ кишилар, ногиронлар, ожизлар, уруш фахрийлари, ва уларнинг оилаларига, ишловчи камбағалларга (солик имтиёзлари орқали) ва даромади белгиланган талаблардан паст бўлганларга ёрдам берилади. Бу ёрдам пул ёки буюм шаклида кўрсатилади.

Чехияда энг кам нафақа даржасидаги кафолатланган яшаш минуми ўрнатилган (агарда бу даража бўлмаса нафақа тўланади). Болгарияда даромади социал ва физиологик минимумдан кам бўлган кишилар социал ёрдам олишлари мумкин. Бундан ташқари, 70 ёшдан катта бўлган ёлғиз кишиларга ва I гуруҳ ногиронларига, агарда даромадлари белгиланган минимумдан кам бўлса, овқатланиш учун бепул купонлар берилади ҳамда коммунал хизматларнинг 50 фоиз тўланади. Ногиронлар ва болалар, автомобилга эга бўлмаган оғир касаллар шаҳар йўловчи ва шаҳар атрофи транспортида бепул юриш хукуқидан фойдаланадилар;

бошқа кўринишдаги хизматлар ҳам назарда тутилган. Социал ҳимояланмаган гурухларга йил давомида бир неча марта мавсумий кийим-кечак, ўкув қўлланмалари, киммат турувчи дори-дармонлар сотиб олишларига моддий ёрдам кўрсатилади.

Ривожланган малакатларнинг социал-иктисодий сиёсатида давлат ҳимояси усулидан кўра, кўпроқ ўзини-ўзи ҳимоялаш усулига зўр бермоқда. Бу мамлакатларда соликлар бўйича имтиёзлар бериш йўли билан даромадларнинг ишлаши, мажбурий социал суғурталашнинг ривожланиши, фирма ичидаги социал сиёсат; учинчи, нотижорат секторининг, жамоатчилик ташаббусларининг кенгайиши; фуқаролар ва бизнеснинг хайрия тадбирлариридаги иштироки; жамият барча аъзоларининг инвестициялар манбаи сифатидаги жамғарма ва омонатлардан манфаатдорлиги рагбатлантирилади. Буларнинг барчаси ўрта синфнинг гуллаб яшнашига ҳамда камбағалликка қарши курашда ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда нобель мукофотига сазовор бўлган олимлар америкалик Майл Кремер ва келиб чиқиши асли ҳиндистонлик бўлган Абхиджит Банерджи ҳамда унинг рафиқаси Эстер Дюфлоимий тадқиқот натижаларига кўра, камбағалликни юзага келтирадиган омиллар, шарт-шароитлар диагностикаси билан бирга ҳар бир мамлакат, ҳудуд ва оила кесимида бартараф этиш мумкинлиги аниқланди. Ўзлаштириш кўрсаткичи ва ўқувчиларнинг билим савиясини кўтарадиган асосий омил: таълим бериш шаклини ва ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ошириш, ўқувчиларга индивидуал ёндашув усуllibарини кучайтириш дарс мазмунини оширишга қаратилган замонавий, инноватцион жараёнларни таълим тизимига тадбиқ этиш зарурияти камбағалликка қарши курашда самарали натижалар беришига ишонамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар**

1. БМТнинг «Минг йиллик ҳисоботи». <https://ziyouz.uz>.
2. Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.

3. Пардаев М.Қ., Пардаев О. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. “Логистика ва иқтисодиёт” иммий электрон журнали. 2020. – №5. – Б. 41-48. <http://www.economyjournal.uz>
4. Инсон тараққиёти. Дарслик: и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2013. – В. 230-231.
5. Қосимова Г.Қ. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. Scientific progress. Volume 2 | ISSUE 7 | 2021. – Б. 808-816. <http://www.scientificprogress.uz/uz>
6. Қосимова Г.Қ. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. Scientific progress. Volume 2 | ISSUE 7 | 2021. – Б. 808-816. <http://www.scientificprogress.uz/uz>
7. Deaton A. (2013)The Great Escape: Health, Wealth, and the Origins of Inequality, Princeton, N.J.: Princeton University Press.; Ricardo, David (1817) On the Principles of Political Economy and Taxation. Piero Sraffa (Ed.) Works and Correspondence of David Ricardo, Volume I, Cambridge University Press, 1951, p. 135.; Solow, Robert M. (February 1956). "A contribution to the theory of economic growth". Quarterly Journal of Economics. 70 (1): 65–94. doi:10.2307/1884513.; Sen A. (1981) Poverty and Famines: An Essay on Entitlement and Deprivation. Oxford: Clarendon Press.
8. Kremer, Michael (1993), Population Growth and Technological Change: One Million B.C. to 1990, The Quarterly Journal of Economics (The MIT Press) . – Т. 108 (3): 681–716.
9. Камбағаллик – айб эмас, бироқ... Халқ сўзи газетаси, 25 Март 2020. <https://xs.uz/uzkr/post/>
10. J.Lazarus, (2008). "Participation in Poverty Reduction Strategy Papers: reviewing the past, assessing the present and predicting the future". Third World Quarterly. 29 (6): 1205–1221.; K. Deininger (2003) "Land policies for growth and poverty reduction", World Bank Policy Research Report. A copublication of the World Bank and Oxford University Press.; R.Driscoll.; E. Alison (2005). "Second-Generation Poverty Reduction Strategies: New Opportunities and Emerging Issues". Development Policy Review. 23 (1): 5–25.
11. United Nations Development Programme. (2019). Human Development Report 2019: Beyond income, beyond averages, beyond today: Inequalities in human development in the 21st century. United Nations Development Programme.
12. <http://geum.ru/next/art-346523.leaf-11.php>
13. <https://www.un.org/ru/observances/day-for-eradicating-poverty>

*Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган*

## MADANIYATGA ASOSLANGAN TA'LIMNING AHAMIYATI

**Elmurodova S.A. (SamDCHTI)**

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada madaniyat jamiyat yoki ijtimoiy guruhning o‘ziga xos ma’naviy, moddiy, intellektual va hissiy xususiyatlari yig’indisi ekanligi, uzlusiz ta’lim tizimida ma’naviy tarbiya asoslarini kuchaytirish lozimligi, umuman ta’lim va madaniyat chambarchas va uzviy bog’liq jarayon ekanligi, ta’lim orqali nafaqat bilim berilishi, balki ko‘nikma, qiziqish, munosabat, intilish va qadriyatlар rivojlantirilishi, ijtimoiy va madaniy taraqqiyotga ko‘maklashishi, shu bilan birga odamlarning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy saviyasini ko‘tarishi yoritib berilgan.

**Tayanch so‘zlar:** *madaniyat, ta’lim, shaxsni shakllantirish, madaniyatni asrash, madaniyatni uzatish, madaniyatni targ’ib qilish.*

## ВАЖНОСТЬ КУЛЬТУРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** В данной статье утверждается, что культура – это совокупность уникальных духовных, материальных, интеллектуальных и эмоциональных характеристик общества или социальной группы, о необходимости укрепления основ духовного образования в системе непрерывного образования, о том, что образование и культура в целом тесно связаны между собой. Объясняется, что образование – это непосредственный процесс, не только дающий знания, но и развивающий навыки, интерес, взгляды, стремления и ценности, способствующий социальному и культурному развитию, и в то же время повышающий социальный, экономический и культурный уровень людей.

**Ключевые слова:** *культура, образование, формирование личности, сохранение культуры, трансляция культуры, популяризация культуры.*

## THE IMPORTANCE OF CULTURE-BASED EDUCATION

**Annotation.** In this article, it is stated that culture is a collection of specific spiritual, material, intellectual and emotional characteristics of a society or social group, that it is necessary to strengthen the foundations of spiritual education in the continuous education system, that education and culture in general are closely related. It is explained that education is a direct process, not only imparting knowledge, but also developing skills, interest, attitudes, aspirations and values, contributing to social and cultural development, and at the same time raising the social, economic and cultural level of people.

**Key words:** *culture, education, personality formation, culture preservation, culture transmission, culture promotion.*

Madaniyat asosan ma'lum bir jamiyat, jamoa, mamlakat tomonidan baham ko'rilgan urfodatlar, e'tiqodlar va turmush tarzidir. Madaniyat jamiyat yoki ijtimoiy guruhning o'ziga xos ma'naviy, moddiy, intellektual va hissiy xususiyatlari yig'indisi sifatida qaralishi kerak va u san'at va adabiyotdan tashqari, turmush tarzi, bиргаликда yashash usullari, qadriyatlar tizimi, an'analar va e'tiqodlarni o'z ichiga oladi. Madaniyat insonning dunyoqarashini va jamoalarning o'z jamiyatlaridagi o'zgarishlar va muammolarni hal qilish usullarini shakllantiradi. Shu sababli, ta'lif ushbu qadriyatlar tizimini uzatish, shuningdek, insoniyatning dunyoqarashlari xilmayxillagini o'rganish, kelajakdag'i ijodkorlik va innovatsiyalarni ilhomlanirish uchun muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. Madaniyatga asoslangan ta'lif – bu har qanday madaniyatning asosi bo'lgan qadriyatlar, me'yorlar, e'tiqodlar va amaliyotlar asosida o'qtish va o'rganishning yondashuvidir. "Aynan ta'lif – tarbiya va ma'rifat jamiyat barqarorligining asosiy omillaridan hisoblanadi, insonlarni ezbilikka da'vat etadi, saxovatli, sabr-qanoatlari bo'lishga undaydi. Uzluksiz ta'lif tizimida ma'naviy tarbiya asoslarini kuchaytirish lozim"[1.273]. Garvard professori Jerom Brunerner ta'kidlashicha, "Madaniyat ongni shakllantiradi, u bizga nafaqat dunyomizni, balki o'zimizni va kuchlarimizni qurish uchun asboblar to'plamini beradi"[2.76].

Madaniyatning ta'limga ta'siri.

Ta'larning asosiy maqsadi jamiyatga sivilizatsiyani olib kirishdir va agar ta'lif yuksalish va farovonlikni ta'minlashda muvaffaqiyatsiz bo'lsa, u foydasiz deb hisoblanadi. Ta'lif shaxs ichida o'zgarishlarga olib keladigan eng kuchli vosita hisoblanadi. Bir tomonidan, ta'lif shaxsni tarbiyalaydi; ikkinchi tomonidan, jamiyat madaniyatini saqlaydi, uzatadi va rivojlantiradi. Aytish mumkinki, ta'lif va madaniyat o'zining barcha jabhalari va faoliyatida o'zaro bog'liq, bir-birini to'ldiruvchidir. Shunday qilib, ta'lif va madaniyat o'rtasidagi bog'liqlik ajralmasdir. Madaniyat inson hayotida muhim rol o'ynaydi. Madaniyatning turli turlaridan xabardorlik insonga tabiiy va ijtimoiy muhitga moslashishda, shaxsning shaxsiyatini rivojlantirishda, shaxsni ijtimoiylashtirishda, erkinlikdan to'g'ri foydalanishda va boshqa madaniyatlarni va liberallikning ma'nosini to'g'ri tushunishda yordam beradi. Tarbiyaviy jihatlar va madaniy jihatlar shaxsga ularning oilalari, jamoalari va ta'lif muassasalari orqali yetkaziladi. Madaniyatning ahamiyatini va shaxsning sotsializatsiyasi va madaniyatini shakllantirishda ta'larning rolini hisobga olgan holda, madaniyatimizdagi shakllangan o'zgarishlarni tahlil qilish maqsadga muvofiqdir.

Ta'lif va madaniyat chambarchas va uzviy bog'liq jarayon ekan, jamiyatning madaniy namunasi uning tarbiyaviy modellarini belgilaydi. Masalan, agar jamiyatda madaniyatning ma'naviy namunasi bo'lsa, u holda ta'lif shakllari hayotning axloqiy va ma'naviy qadriyatlarini ham ta'kidlaydi. Madaniyatdan mahrum bo'lgan har qanday jamiyatda aniq ta'lif tashkiloti bo'lmaydi. Shuning uchun har qanday jamiyat, mintaqasi yoki mamlakatning madaniy namunasi uning ta'lif modeliga kuchli ta'sir qiladi. Madaniyat inson hayotida tabiiy va ijtimoiy muhitga moslashishda, uning shaxsiyatini rivojlantirishda va muloqot jarayonida muhim rol o'ynadi. Aynan ta'lif orqali shaxs o'sha madaniyatga mos keladigan turli xil xatti-harakatlar usullaridan xabardor bo'ladi.

Ta'larning maqsadi - shaxsga madaniyatning tabiatini va ushbu madaniy naqshlarga qanday roya qilish kerakligi haqida ma'lumot berish; normalar, qadriyatlar, muloqot usullari, qoidalar, standartlar, siyosat, xulq-atvor va hakozo. Har bir sohada ta'lif o'quvchilarning dunyo haqida, har bir sohada vaqt o'tishi bilan qanday o'zgarishlar ro'y berganligi va o'z mamlakati tamoyillariga muvofiq vazifalarni bajarishi to'g'risida xabardor bo'lishiga sabab bo'ladi.

Individualizm nuqtai nazaridan talabalar mustaqil ishlaydi; tanqidiy fikrlashni o'rganish uchun o'zlarini bahs-munozaralarga jalg qiladi.

Zukko pedagog rasmiy va norasmiy ta'lif orqali jamiyatning paydo bo'layotgan intilishlariga mos ravishda madaniyatning yangi modellarini rivojlantirishga katta hissa qo'shamdi. Bu yoshlarning moslashuvchan qobiliyatlarini rivojlantirish va jamiyatdagi o'zgarishlarga moslashish imkonini beradi. U eski madaniy tajribalarga tayanib, yangi tajriba va innovatsiyalarni qayta qurish orqali madaniyatning dizayneridir[3.51].

Ta'lif ijtimoiy va madaniy o'zgarishlar vositasi sifatida juda katta hajmga ega. Shuni yodda tutish kerakki, ta'lif orqali nafaqat bilim beriladi, balki ko'nikma, qiziqish, munosabat, intilish va qadriyatlar rivojlantiriladi, ijtimoiy va madaniy taraqqiyotga ko'maklashadi, shu bilan birga odamlarning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy saviyasi ko'tariladi. Ta'lif madaniy o'zgarishlarni keltirib chiqaradi, bu jamiyatda ko'plab shakllarda ko'plab o'zgarishlar va yangilanishlarga olib kelishi mumkin. Bu insoniyat madaniyatining barcha jabhalarida kuzatilishi mumkin, masalan, qadriyatlar me'yordi va fikrlash usullarining o'zgarishi, moddiy madaniyatning o'zgarishi, g'oyalar, oilaviy munosabatlari, siyosiy madaniyat, mahalliy, davlat, mintaqaviy va milliy darajadagi boshqaruv shakllari, ijtimoiy faoliyatga jalg qilish, xodimlarning qobiliyatları va xulq-atvor xususiyatlarining o'zgarishi; qisqasi, inson faoliyatining barcha jabhalarida namoyon bo'ladi.

Ta'lifning madaniyatga ta'siri:

1. Madaniyatni asrash: Madaniyat jamiyatning qon tomiridir, uni asrash kerak. Madaniyat yoki ijtimoiy merosni saqlashga yordam berish ta'lifning muhim funktsiyasidir. Ta'lif o'zining ixtisoslashgan idoralari orqali o'quvchilarning nozik ongiga an'analar, urf-odatlar, qadriyatlar, san'at, axloq va hokazolarni singdirishga harakat qiladi.

2. Madaniyatni uzatish: Madaniyatni saqlashdan tashqari, mavjud madaniy tajribalar, qadriyatlar, urf-odatlar, urf-odatlar va hokazolarni turli dasturlar va darsliklar orqali avloddan-avlodga o'tkazish orqali madaniyatning uzlusizligini saqlash ta'lifning vazifasidir. Bu uzatishsiz, xalqning omon qolishi eng qiyin vazifa bo'lishi mumkin va insoniyat taraqqiyotini bo'g'ib qo'yishi mumkin. Mashhur sotsiolog Ottavey shunday deb yozadi: "Ta'lifning vazifasi jamiyatning yosh va qobiliyatli a'zolariga ijtimoiy qadriyatlar va ideallarni etkazishdir".

3. Madaniyatni targ'ib qilish: Saqlash va uzatishdan tashqari, ta'lifning yana bir muhim vazifasi mavjud madaniy naqshlarni jamiyat ehtiyojlarini va talabalarida ko'rinadigan o'zgarishlar asosida o'zgartirishdir. Ushbu o'zgarishlar madaniyatlararo o'zgaruvchilar tufayli kuchayadi. Zamon va insonning o'zgaruvchan ehtiyojlariga mos ravishda eskirgan madaniy shakllarni almashtirish va yo'naltirish orqali yangi madaniy namunalar shakllanadi. Shunday qilib, jamiyat ko'rinadigan taraqqiyotga erishadi. Ta'lifning bu qismi ta'lifning progressiv funktsiyasi deb ataladi. Shunday qilib, ta'lif madaniyatni rivojlantirish va boyitish uchun inson tajribasini doimiy ravishda qayta tashkil etish va qayta qurish orqali amalgalash oshiriladi.

4. Insonni o'zgaruvchan madaniy namunalarga moslashish uchun qurollantiradi: Ma'lumki, har bir avloddan keyingi avlod eski va arxaik madaniyat shakllarini o'zgartiradi va ularning eng yaxshi afzalliklariga yangilarini qo'shamdi. Bu ta'lif vositalari va usullari orqali mumkin bo'ladi. Bundan tashqari, ta'lif insonni yaxshiroq va muvaffaqiyatli yashash uchun o'zgaruvchan madaniy shakllar va naqshlarga moslashtirishga yordam beradi.

5. Shaxsni shakllantirish: Bu madaniyatning universal elementi bo'lib, shaxsiyat ta'lif orqali shakllanadi. Insonning shaxsiyati jamiyatning boshqa a'zolari bilan munosabatlari tarmog'ini o'rnatishda davom etsa, rivojlanadi. O'zaro ta'sirning bu shakli mavjud jamiyatning xulq-atvori yoki madaniyatiga muvofiq ta'lif orqali mumkin bo'ladi. Oddiy so'zlar bilan aytganda, madaniyat - bu shaxslarning xatti-harakatlarini kerakli tarzda shakllantirish va shakllantirishga yordam beradigan norasmiy ijtimoiy nazorat agentligidir.

6. Madaniyatning tarqalishi orqali insoniyatning birligini tiklash: Insoniyat birligini tiklash sivilizatsiyaning keskin zaruratidir. Bu madaniyatning samarali tarqalishiga yordam beradigan ta'lif orqali amalga oshirilishi kerak. Ta'lif inson madaniyatiga bir butun sifatida qarash kerak, uning gul barglari turli guruhlarni ifodalaydi.

Shuningdek, ta’lim insoniyatning bardavom saqlanib qolishi uchun hamkorlik, birdamlik, o‘zaro tushunish, insonlar birodarligi, boshqalarni sevish va qadrlash kabi zamonaviy madaniy qadriyatlarni ommalashtirishga yordam beradi.

7. Madaniy kechikishni bartaraf etish: Madaniy kechikish tushunchasi mashhur amerikalik sotsiolog Ogbornga tegishli. Moddiy madaniyat va nomoddiy madaniyat o‘rtasida farq mavjud bo‘lganda, bu tushuncha paydo bo‘ladi. Ko‘rinib turibdiki, fan va texnikaning jadal rivojlanishi tufayli moddiy madaniyat yuksalmoqda va odamlar madaniyatning nomoddiy qismini e’tiborsiz qoldirib, zamonaviy turmush tarzini qabul qilmoqdalar. Shuning uchun nomoddiy madaniyat birinchisidan orqada qoladi. Bu madaniy kechikish bo‘lib, uni turli dasturlar va ko‘plab tadbirlar orqali ta’lim orqali bartaraf etish kerak. Madaniyat ijtimoiy o‘zgarishlarga va sivilizatsiya taraqqiyotiga ziddir[4.37].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, madaniyat va ta’lim bir-biridan ajralmas va shu bilan birga ko‘plab o‘zaro ta’sir nuqtalari bilan bir-birini to‘ldiradi. Madaniyat ta’limga yo‘l ochadi, ta’lim esa hayotdagи madaniy qadriyatlarni ta’minalash uchun javobgardir. Madaniyatimiz bilan faxrlanish tuyg’usi shaxs o‘sishining barcha bosqichlarida o‘zini namoyon qilishi kerak. Boshlang‘ich ta’lim - bu erda hamma narsa boshlanadi va bola o‘zi va u sodir bo‘layotgan narsa va hodisalarni, atrofdagilarning xatti-harakatlarini ko‘rib, qadriatlarga asoslangan hayotning ahamiyatini hurmat qila boshlaydi. Shunday ekan, davlatimiz chinakam barqaror rivojlanishi uchun ta’lim va qadriatlarga asoslangan turmushning ahamiyatini yoshlarga singdirish zarur. Kuchli madaniyat va qadriatlarga asoslangan ta’lim talabalarga madaniyatning rivojlanish va ijtimoiy o‘zgarishlar kontekstidagi ahamiyatini tushunish va tan olishiga yordam beradi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. – Тошкент, 2022. – B. 273.
2. Jerom Bruner. Ta’lim madamiyati. Garvard universiteti. – Тошкент: Matbuot, 1996. – B. 76.
3. Primov T. Ta’lim falsafasi yoki ta’lim-tarbiyaning metodologik masalalari. – Toshkent, 2014. – B. 51.
4. Soumya Meri Metyus. Madaniyatni jamiyatga yetkazishda ta’limning o‘rni. – Toshkent, 2021. – B. 37.
5. Bekmurodov M., Bo‘ronov M. Ijtimoiy o‘zgarishlar va shukronalik tuyg’usi, 2015. – B. 10–30.
6. Sultonmurod Olim. Ma’naviy barkamollik sir-sinoati, 2015. – B. 14–30.
7. Тебенъкова Е. А. Осмысление идеи пропедевтики постнеклассического естественно-научного образования // Инновации в образовании, 2012, – № 4. – С. 65–73.
8. Pardayev M. va boshqalar. Ta’lim xizmatlari va ularning samaradorligini oshirish masalalari. – Toshkent, 2020. – 260 b.

*Nashrga prof. S. Choriyev tavsiya etgan*

## SAMARQAND JADIDLARI IJTIMOIY-SIYOSIY QARASHLARINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Ashurova X.S. (SamDChTI)**

**Annotatsiya.** Mazkur maqola Samarqand jadidlarining jamiyat hayoti va ijtimoiy muammolarga bag’ishlangan. Aynan jadidchilik harakatining asl mohiyati, maqsadi va vazifalarining ma’naviy ildizlarida jamiyatning ta’lim-tarbiyasini isloh qilish masalalariga e’tibor qaratilgan. Turkistonda vujudga kelgan jadidchilikning ko‘zga ko‘ringan vakillarining ma’rifatparvarlik va tarbiyaga doir fikrlari ilmiy tahlil etildi. Jumladan, Samaqand jadidlarining ijtimoiy-siyosiy g’oyalarining mohiyati va yoshlar ta’lim-tarbiyasiga doir qarashlari ilmiy tahlil qilingan. Milliy ta’lim olganlar Vatan xizmatda sobit turishining asl ko‘rinishi ma’rifatparvarlikning namoyon bo‘lishi bilan o‘zini oqlashi mumkinligi tahlillangan, Vadud Mahmudning ijtimoiy fikrlari ta’lim-tarbiya muammolari jamiyat muammosi bo‘lganligiga munosabat bildirildi.

**Tayanch so‘zlar:** drama, jadidchilik, ma’rifatparvarlik, vataparvarlik, sobitqadamlik, ta’lim dasturi, milliy ta’lim, o‘qitish tizimi, tarbiya, yoshlar tarbiyasi, ijtimoiy muhit, jadidlar konsepsiysi, oila, odob, axloq.

## ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ САМАРКАНДСКИХ ДЖАДИДОВ

**Аннотация.** Данная статья посвящена общественной жизни и социальным проблемам самаркандских джадидов. Именно в духовных корнях сущности, целей и задач джадидского движения рассматриваются вопросы реформы народного образования. Научно проанализированы взгляды видных представителей джадидизма в Туркестане на просвещение и образование. Научно проанализирована сущность общественно-политических идей самаркандских джадидов и их взгляды на воспитание молодежи. Проанализировано, что появление национально образованных людей на службе родине может быть оправдано проявлением просвещения, а общественное мнение Вадода Махмуда заключалось в том, что проблемы образования - это проблемы общества.

**Ключевые слова:** *драма, джадидизм, просвещение, патриотизм, последовательность, учебная программа, национальное образование, система обучения, образование, образование молодежи, социальная среда, джадидская концепция, семья, этикет, мораль.*

### SPECIFIC CHARACTERISTICS OF SOCIO-POLITICAL VIEWS OF SAMARKAND JADIDS

**Annotation.** This article focuses on the social life and social problems of Samarkand jadids. It is in the spiritual roots of the essence, goals and objectives of the Jadid movement that the issues of public education reform are addressed. The views of prominent representatives of Jadidism in Turkestan on enlightenment and education have been scientifically analysed. This is the essence of socio-political ideas of Samarkand Jadids and their views on youth education, which have been scientifically analysed. It has been analysed that the emergence of nationally educated people in the service of the homeland can be justified by the manifestation of enlightenment, and the public opinion of Vadod Mahmud was that the problems of education are the problem of society.

**Keywords:** *drama, jadidism, enlightenment, patriotism, consistency, curriculum, national education, learning system, education, youth education, social environment, jadidic concept, family, etiquette, morality.*

XIX asr oxiri – XX asr boshlari Turkiston tarixiga xususan, Samarqand jadidlarining qarashlari ijtimoiy-siyosiy, madaniy o‘zgarishlar, yangilanishlar davri bo‘lib kirdi. Tarixiy falsafiy nuqtayi nazardan Milliy uyg’onish harakatining vujudga kelishi va uning zamirida yangi ijtimoiy-siyosiy qarashlarning shakllangani aynan, shu davr ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayotining eng muhim xususiyatlaridan bo‘ldi. Jadidlarning ijodlarida Vatan va millat taqdiri, istiqboli masalalariga alohida va har qachongidan ham ko‘proq ahamiyat qaratildi. Bu davrda Samarqand jadidlarining ijodlarida ijtimoiy-siyosiy qarashlar badiiy tarzda namoyon bo‘ldi va mohiyatan yangilandi. Ana shu yangilangan ijtimoiy-siyosiy qarashlar voqelikda aks etish tamoyillarini falsafiy tahlil qilish ilmiy-nazariy asosda o‘rganish bugungi kundagi ilm fanning oldida turgan dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Binobarin, jadidlar faoliyatida ijtimoiy-siyosiy masalalarning qo‘yilishi va hal etilishini o‘rganish bugungi kunda yechimini kutayotgan ilmiy muammolardandir. Bular quyidagilardan iborat: birinchidan, XX asr boshlarida Samarqand jadidlarining qarashlarida ozodlik masalalarining mohiyati va ijtimoiy-siyosiy idealligi bo‘lgan bo‘lsa, ikkinchidan, Jadidlarning ijtimoiy-siyosiy hamda mafkuraviy g’oyalari hisoblanadi.

Umuman, Samarqand jadidlarining ijodiy faoliyatini o‘rganish ma’rifatparvar ziyolilarning inson ruhiy va ma’naviy dunyoqarashini boyitishga xizmat qiluvchi asarlari tahlili, yurt ravnaqiga xizmat etuvchi g’oyalardan foydalanish bugungi kunda ham o‘z ahamiyatiga egadir. Buni biz bugungi kunda olib borilayotgan ilmiy tadqiqot doiralarida ko‘rishimiz mumkin. “Mukammal jamiyat, unda ilm-ma’rifat va adolat ustuvorligiga doir orzular inson yaralgandan buyon u bilan hamroh. Milliy uyg’onish davri aynan o‘zbek adabiyotida shakllangan yangi estetik qarashlar, badiiy ijodga yangi janrlarning kirib kelishi jarayonida ham ma’rifat tushunchasi yetakchilik qildi [1; 11] deb, ta’kidlashimiz mumkin bo‘ladi.

Shuning uchun bu davrdagi ijtimoiy-siyosiy qarashlarni tadqiq etishdan avval Yevropa ma’rifatchilik adabiyotiga nazar tashlash lozim bo‘ladi. Bu davr bilan tanishish, «bir tomonidan, XVIII asr Yevropa ma’rifatchilarining asarlari arab va fors tillariga tarjima qilina boshlangani va ikkinchi tomonidan, Turkiya, Rossiya va Yevropa mamlakatlari o‘quv yurtlarida musulmon

aholisi vakillarining tahlil olishi natijasida Yevropa ma'rifatchilik g'oyalari bizning hududimizga kirib kela boshlagani va jadidchilik g'oyalarining shakllanishiga muayyan ta'sir o'tkazganini aniqlash imkonini beradi» [2.10.]. XIX asr oxiri – XX asr boshlari musulmon sharqida ham shu kabi vaziyat yuzaga keldi. Bunda tarixiy sharoitni ham e'tibordan qochirmaslik kerak. Binobarin, o'sha davrga kelib tarixiy sharoit o'zgargan, millat ijtimoiy-siyosiy, ma'rifiy va madaniy inqirozni boshdan kechirayotgan bir davr edi.

Mustaqillik va ozodlikka erishmoq uchun butun bir millat hayotining barcha jabhalarini isloh etish masalasini kun tartibiga qo'ydi. Jamiyat hayotidagi bu o'zgarishlar jadidlar faoliyatining bosh mavzusiga aylandi. Jadidlarning bu faoliyatini ijtimoiy voqelikdan ayro holda o'rganib bo'lmasligi sababi ham shunda edi, deb o'yaymiz. XX asr boshlarida jadidlarning ijtimoiy-siyosiy qarashlari zamirida jadid adabiyoti maydonga keldi va millat istiqboliga o'zini mas'ul sanagan har bir ijodkor, avvalo, ijtimoiy foydali mavzuni tasvirlashi tarafdoi bo'ldi. Shu boisdan an'anaviy obrazlar tanqid ostiga olindi.

Aynan, shu davrning yetuk vakillaridan bo'lgan Vadud Mahmud: "Ilmiy asarlarni ilmiy jihatdan, fanniy asarlarni fan nazaridan, ta'lim-tarbiyaga oidlarini o'z to'g'risidan, adabiylarini ham san'at o'lchagi bilan o'lchab tekshirish vaqtin, qisqasi, "intiqod – tanqid" zamoni keldi" [2; 71] deb ta'kidlaganida haqli edi.

Ijtimoiy asosga voqelik va badiiy adabiyot munosabatini misol qilish mumkin. Millat taraqqiy etmog'i uchun uni uyg'otish masalasi kun tartibiga qo'yilgach, badiiy adabiyot shu maqsadga yo'naltirildi. «Navoiy gumanistik konsepsiysi, Turdi va Mashrabdag'i antiklerikal ruh, Ogahiyagi xalq qudratini his qila bilish, Muqimiyl davri realistik satirasi o'rtasidagi uzviv bog'lanish. Bularga yaxlit bir jarayonning, ijtimoiy idealning adabiyotga kirib kelish jarayonining turli davrdagi turli bosqichlari deb qaralishi darkor» [3.69.] bo'ldi. Ma'rifat g'oyalari an'anaviy she'riyat mazmuniga singib borgani holda jadid adabiyotida yaxlit mohiyat kasb etdi. Ijtimoiy-siyosiy muammolar dastlab she'riyatdan, keyinchalik drama va nasr mundarijasidan ham o'rin egalladi.

Xususan, Samarqand jadidlarining ijtimoiy-siyosiy qarashlari, ularning ijodlarida namoyon bo'ldi. «Har bir asar yozuvchining badiiy niyati asosiga quriladi. Belgilangan maqsad yaratilayotgan asarning shakl va mazmunini tayin etishda muhim o'rinn tutadi. Badiiylikning mukammalligini anglatuvchi mezonlardan biri mazmun va shakl birligidan tashqari har ikkisining ijodkor ideali bilan nurlangan uyg'unligi ham mavjud» [4; 11] degan xulosaga kelishimiz mumkin.

XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi ma'rifatchilik ozodlik mafkurasining bo'yog'i quyuqligi, ruhiy kechinmalar, qalb evrilishlaridan ko'ra ko'proq ijtimoiy-siyosiy mazmuni bilan alohida ajralib turadi. «Uzun tartibsizliklar orqasida buzilgan, bitkan o'lkamizning oqibat o'ldirguvchi istibbdod idorasi ostida ijtimoiy va iqtisodiy hayotimizdagi pastlanish adabiyot tariximizda ochiq seziladir. Chunki tariximizning hech bir davrida iqtisodiy va ijtimoiy holimiz bu qadar pastlangan davri yo'qdir» [5; 11-12.] deya ta'kidlaganida Vadud Maximud jamiyatda sodir bo'ladigan xaos xolatining muntazam holatda bo'lib to'rshiga munosabat bildirib o'tgan edi.

Vadud Mahmudning bu fikrlarida ijtimoiy muammolarning ko'pligi o'sha davrning ijtimoiy hayotiga naqadar muhim ta'sirini isbotlaydi. Zeroki, bu davr xalqimiz boshdan kechirgan ijtimoiy – siyosiy muammolari dolg'ali voqealar talqini hamdir. O'tmisht g'oyalardan farqli o'laroq milliy uyg'onish davri g'oyalari ma'rifat g'oyalardan amaliy harakatga aylandi. Vadud Mahmud "Navoiy gacha turk adabiyoti" maqolasida Navoiy yashagan zamoni O'rta Osiyoning "oltin davri" [6; 30.] deb aytganida jamiyat hayotida sodir bo'lgan mutadilllikning ideal holatini ochib bergen.

Binobarin, Samarqand jadidlarining qarashlarida ijtimoiy-siyosiy muammolarning dolzarblii keng holda zamonaviy ko'rinish kasb eta borgan. Bu davrdagi aksariyat ijod namunalarida jaholat, o'z hayotiga loqayd kishilar, fiksizlik qattiq tanqid qilindi. Xususan, jadidlardan Abdulla Avloniyning ideal maktab, ma'rifat tushunchalari bilan bevosita bog'liq bo'lgan "Oila munozarasi" she'rida davr muammozi ziddiyatlar, qarama-qarshiligidagi ifodalangan. Mazkur she'rdagi yangilikdan xabardor, maktabni targ'ib qiluvchi shaxs – er obraqi ijodkor idealini belgilagan. "Bir necha yildan beri adabiyot otida bir-ikki she'r majmuasidan

boshqa nima chiqdi? Bu bilan adabiy ishlarimiz tuzuk boradir, deyish mumkinmi? Albatta yo‘q” [7; 102] deb ta’kidlaydi Vadud Mahmud o‘z maqolalarining birida.

Demak, Vadud Mahmudning qarashlarida jamiyat manfaatlariga xizmat qiluvchi ma’rifatparvarlar va xalqning taqdiridan qayg’urib yozgan fikrlaridan ko‘rinadiki, ijtimoiy g’oyalarning rivoji uchun Fitrat aytmoqchi bo‘lganidek “singirlarni o‘ynatib, qonni qaynatadigan” asarlar darkor. Jadidlar ijodida 1917-yilgacha ko‘proq ma’rifat, jaholat mavzusi talqin qilingan bo‘lsa, 1916-1917-yillar oralig’idagi talato‘plar natijasida biroz tushkun kayfiyat, umidsizlik ruhi ifodalanganini ko‘rishimiz mumkin. Darhaqiqat, yangi jamiyat va uning a’zolariga xos oliy fazilatlarni kuylagan jadidlar endi asar markaziga inson omilini olib chiq qoshladilar. 1917-yil milliy istiqlol harakati namoyandalari bo‘lgan jadidlar uchun ham, xalq uchun ham og’ir va fojiali kelganligi tarixiy faktdir. Bu hol jadidlarning barcha faoliyatlarida o‘ziga xos tarzda aks etdi. Bundan ko‘rinadiki, vatanparvarlik to‘yg’usi ma’rifatchilikdan milliy istiqlol orzusi qadar o‘zgarib bordi. Bu g’oya qariyb barcha turkiy xalqlar ziyolilari va ma’rifatparvarlarining ijodlari uchun ham xos bo‘ldi.

O‘z davrida Teatrning milliy ongga ta’sirini yaxshi anglagan jadid ziyolilar uni “ibrat oynasi” deb atadi. Teatr taraqqiyotning birinchi sharti ekanligi to‘g’risida Behbudiy o‘zining (“Tiyotr nadur?”) nomli maqolasida e’lon qiladi. Subyektning o‘rganilayotgan obyektga munosabatida mohiyatga qarab ijobiy yoki salbiy yondashuv yuzaga keladi. Uni qoniqtirmayotgan voqeliklar, jamiyat va inson borlig’iga nisbatan nafrat asarda fojia yoki hajviy yo‘li bilan ifodalishi mumkin. “Padarkush”dagi boyning “xambozasini ko‘rib xalq beto‘xtov kulishi”ning sababi shunda edi. Bu obrazning antipodi – Domulla va Ziyolining fikri bir nuqtada tutashib, Behbudiyning ideali – zamona odamlarini tarbiyalash va millat ravnaqi yo‘lida xizmat ettirishdek ulug’vor g’oyani tashkil etganini ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi.

Hoji Muinning “Eski maktab, yangi maktab” dramasidagi Komilboy obrazi ham zamonasining “ochiq fikrli, yangi maktab tarafdoi” sifatida Behbudiy orzusidagi ziyoliga juda yaqin edi. Aynan “Eski maktab va yangi maktab” dramasida Hoji Muinning ijtimoiy muammolarga munosabati aks etganligini ko‘rishimiz mumkin. Muallifning ideali bo‘lgan Komilboy yangilik tarafdoi edi. Eski maktab mudarrisi Domla esa Behbudiy asaridagi Domullasining tamoman aksi, jadid maktablariga munosabati salbiy. Asardagi shu obraz aynan adib ideali – Komilboyni yaqqolroq tasavvur etish imkonini beradi. Bu Komilboy ham “Padarkush”dagi Ziyoli va Domulla kabi jamiyatning faol a’zosi sifatida atrofida kechayotgan inqirozga chora istaydi. Asardagi g’oya «Inqirozdan qutulmoq uchun birgina yo‘l borki, ul ham maorif yo‘lidan iboratdur. Shohrohi maorifga kirmoq uchun yana bir yo‘l borki, ul yangi maktabdur» [8; 260.] deb o‘z fikrlarini ijodiy bayon qiladi.

Jadidlar jamiyatdagi ijtimoiy muammolarni isloh etishda, avvalo, oilalarning o‘rni beqiyos ekanligini alohida ta’kidlashadi. Shuning uchun ham yoshlar tarbiyasini oshirishda axloqiy tarbiyani oiladan boshlash lozimligi haqida kuyinib yozganlar. Turkiston jadidlari ijodida oila xususida o‘nlab asarlar yozilganligini bevosita ko‘rishimiz mumkin. Samarqand jadidlarining yorqin vakillaridan bo‘lgan Hoji Muinning «Oila tarbiyasi» asari bunga yaqqol misol bo‘ladi. Yoki bo‘Imasa uning «Mazluma xotin» dramalarida ham xuddi «Biz va Siz»dagi kabi avvalo oila timsolida ma’rifat va jaholat ziddiyati muallifning ijtimoiy-siyosiy muammolarga munosabatini aks ettiradi. Asar qahramonlari ta’rifida ham ma’rifatli kishilar obrazi muhabbat bilan tasvirlanadi. Masalan, Hoji Muin «yangi fikrlik va to‘g’ri so‘zlik, usuli jadidchi» muallim timsolida yangicha axloq egalarini ko‘rgan edi. 1911-yilda Behbudiyning “Padarkush” pyesasi orqali yangi janrga asos solingen bo‘lsa, 1917-yildan keyingi dramalar shakl va mazmun mukammalligi bilan bu yangilikni yuqori darajaga olib chiqsa organini ko‘rishimiz mumkin. Chunki bu asarlarda o‘z davrining ijtimoiy-siyosiy muammolarining ko‘rinishlari eng og’ir obrazlarda olib chiqilgan edi.

Aynan 1916–1929-yillarda yaratilgan dramatik asarlarda ma’rifatchilik emas, jamiyatdagi siyosiy kurashga targ’ib qiluvchi ruh yetakchilik qildi. Mardikorlikka qarshi isyon, Turkiston Muxtoriyati singari milliy ozodlik harakatlarining fojeali bostirilishi, erkinlikka tahdidning kuchayishi, ijtimoiy turmushning og’irlashuvi singari omillar shunga olib kelgan edi. Bu davrdagi

asarlar mavzu ko‘lami, ijtimoiy-siyosiy ruhning va milliy istiqlol g’oyasining o‘ziga xos talqini bilan yangicha estetik idealni aks ettirdi. Bu davrning ilg’or ma’rifatparvarlaridan bo‘lgan Vadud Mahmud fikriga ko‘ra: “O‘zbek sahnalarida shu kungacha o‘ynalib kelgan pyesalarning eng kuchlisi, eng buyugi o‘tkur yozuvchimiz Fitratning hind turmushidan olib yozg’on “Chin sevish” pyesasi ekanligini hamma iqror etsa kerak” [9; 17-22] deb, ta’kidlaydi. Haqiqatda ham mazkur drama millatning milliy ozodligi g’oyalarini falsafiy tarzda ifodalaydi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, ma’rifatparvar jadidlar o‘zlarining ilg’or faoliyatlarida, albatta, ijtimoiy muammolarni tahlil qilgan. Xususan, Vadud Mahmud istiqlol va tenghuquqlilikni ya’ni bu “Hind ixtilolchilar”ning bosh g’oyasi deya ta’kidlaydi. Vadud Mahmud dramani “...adabiyotimizda birinchi o‘rinni tutadurg’on mukammal tasvirlarga, istioralarga, mubolag’alarga boy bir asardir,” [10; 17-23] – deb baholaydi. Samarqand jadidlarining ijodlarida inson va hayotning turli qirralari turfa ko‘rinishlarda, goh o‘tmish, goh kelajakka ekskurs tarzida mualliflarning ijtimoiy, siyosiy, axloqiy, ma’naviy va falsafiy tarzda aks etgan asarları bugungi kunda falsafiy ehtiyoj nuqtai-nazardan tahlil etilmoqda. Samarqand jadidlarining ijtimoiy-siyosiy qarashlari yurt istiqloli, ma’rifatli avlod tarbiyasi, teng huquqqa erishish singari millat ehtiyojini ifodalovchi ijtimoiy ideallarda aks etgan bo‘lib, ideal jamiyat bonyodkorlarining o‘zi komil fazilat egasi bo‘lishi lozimligi ayniqsa, yaqqolroq namoyon bo‘ladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov.I.A. Biz kelajagimizni o‘z qo‘limiz bilan quramiz.Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q. – T.: O‘zbekiston, 7-jild. 1999. – B.153.
2. Jabborov N. Ma’rifat nadir. – T.: Ma’naviyat, 2010. – B.3-11.
3. Saidov U. Yevropa ma’rifatchiligi va milliy uyg’onish. – T.: Akademiya, 2004. – B. 10.
4. Vadud Mahmud. Tanlangan asarlar. – T.: Ma’naviyat, 2007. – B. 71.
5. Qosimov B. Izlay-izlay topganim. – T.: Adabiyot va san’at, 1983. – B. 69.
6. Sarimsoqov B. Adabiyotda shakl va mazmun munosabatlarining ayrim muammolari // O‘TA, 1997. – №6. – B.11.
7. Vadud Mahmud. Turk shoiri Ajziy // Inqilob, 1924. – №1 – B. 11-12.
8. Hoji Muin. Eski maktab, yangi maktab. Sh. Rizayev. Jadid dramasi. – T.: Sharq, 1997. – B.260.
9. Vadud Mahmud. Chin sevish. “Qizil bayroq”, 1921, 17-, 22-sentyabr.
10. Vadud Mahmud. “Hind ixtilochilar” haqida // Turkiston, 1923-yil 17-, 19-, 23-oktabr sonlari.
11. Bozorov M. IDEAS OF HUMANITY IN CENTRAL ASIAN SUFIS. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 10, 2020. ISSN: 1475-7192/ 2887- 2892-p.
12. Martaba Melikova. Towards A Philosophical Analysis Of Alisher Navoi’s Heritage. Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 12, Issue-06, 2020. 1112- 1116-p.
13. Martaba Melikova. THE CONCEPT OF A HARMONICALLY DEVELOPED PERSONALITY IN THE SPIRITUAL HERITAGE OF ALISHER NAVOI.European Journal of Research volume 5 issue 1 2020 pages 29-33. 29-33-p.
14. Kubaeva Sh.T. Innovative mentality and thought in civilization development: as the driving force for economic growth// European Journal of Research. Vienna, Austria, №7-8 2018. – P. 92-97. (IMPACT FACTOR: 5.088 IFS 3,8/ UIF 2,7).

*Nashrga prof. S. Choriyev tavsiya etgan*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎРТА ИЖТИМОИЙ ҚАМЛАМНИНГ РОЛИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШ

**Оқюлов X.O.** (Тошкент Молия институти)

**Аннотация.** Мақолада ривожланган мамлакатларда ўрта ижтимоий қатламнинг ўсиб бориши тенденциялари, уларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва такомиллаштиргани ўрни, бу соҳадаги Farb мамлакатлари тажрибаси таҳлил этилади.

**Таянч сўзлар:** фуқаролик жамияти, демократик жамият, ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ижтимоий онг, бозор иқтисодиёти.

## РОЛЬ СРЕДНЕГО ОБЩЕСТВА В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И НАЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ

**Аннотация.** Анализируются тенденции роста среднего социального класса в развитых странах, его роль в развития и совершенствования гражданского общества, а также опыт западных стран в этой области.

**Ключевые слова:** гражданское общество, демократическое общество, право, правовое государство, правосознание, правовая культура, общественное сознание, рыночная экономика.

### THE ROLE OF THE MIDDLE SOCIETY IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN UZBEKISTAN: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL DEVELOPMENT

**Annotation.** The growth trends of the middle social class in developed countries, its role in the development and improvement of civil society, as well as the experience of Western countries in this area are analyzed.

**Key words:** civil society, democratic society, law, rule of law, legal awareness, legal culture, public consciousness, market economy.

Яқин ўн йилліктерде синфлар, страталар, социал қатламлар структураси ва ўзаро алоқалари хусусиятларыда жиддий ўзгаришлар рўй берди: ички синфи фарқланиш жараёнлари фаоллашди, социал бирликларнинг харакатчанлиги (мобиллiği) кучайди, янги қатламлараро гурухлар шаклланди. Фарб жамиятларини учта синфга бўлиш русумга кирди: юқори, ўрга, пастки.

Ана шу таснифлаш асосида олий синфи таҳлил этишга мисол тариқасида АҚШ жамиятини келтириш мүмкин: ўтган ўн йилліктерда юқори қатламнинг тезлик билан бойиб борганлиги кузатилди. 200 мингдан 400 мингача одамни ташкил этган (АҚШ аҳолисининг 0,1-0,2 %) 10 млн. доллардан кам бўлмаган мулкка эга бўлиб, йилига бир неча млн. доллар даромад олади. Тахминан 200 мингта юқори синф вакиллари 5 дан 10 млн. долларгача, яна 300 мингтаси эса 2 млн.дан 5 млн. долларгача йиллик даромадга эга бўлади<sup>1</sup>.

АҚШда тахминан 1,5 млн.га яқин ННТ фаолият юритади. ННТ жамиятнинг ҳамма соҳаларини ўзига қамраб олган бўлиб, улар ташки сиёsat, сайловлар, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, аёллар ҳукуки, иқтисодий ривожланиш, ёшлар ва қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби йўналишларда аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этади ва ҳимоя қиласиди<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамиятига нисбатан американча ёндашув бу соҳадаги энг машҳур ва кенг танилган – Мэриленд штатидаги Балтимор шаҳрига жойлашган Жон Хопкинс университетининг «The Comparative Nonprofit Sector Project» лойиҳасида яққол кўзга ташланади. Бу лойиҳадан келиб чиқиб ННТнинг фаолият турлари 12 та йўналиш бўйича белгиланди: 1) маданият ва дам олиш; 2) таълим ва тадқиқот; 3) соғлиқни сақлаш; 4) социал хизматлар; 5) атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; 6) локал ҳамжамиятларни ривожлантириши; 7) инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш; 8) филантроплар<sup>3</sup> учун воситачилик қилиш; 9) ҳалқаро; 10) диний; 11) касбий, уюшмалар бизнес ива касаба уюшмалари; 12) бошқа йўналишлар.

Мазкур лойиҳа мезонлари доирасида 35 та мамлакатда (16 та ривожланган, 14 та ривожланаётган, 5 ўтиш даври иқтисодиётини ўз бошидан кечираётган) ННТнинг структураси, ҳажми, улар фаолиятидаги муаммолар ва натижаларга доир тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг якунлари натижаси ўлароқ қуидагилар аниқланди: Бу мамлакатларда ЯИМдаги учинчи сектор ҳиссаси 1,3 трл. ёки ЯИМлар йифиндисини 5,5 фоизини ташкил этган. ННТда деярли 40 млн. одам (шундан 20 млн. киши иш ҳақи олиб ишлаган) фаолият

<sup>1</sup>Социальные классы в США//Взято со страницы: [https://spravochnick.ru/sociologiya/socialnye\\_klassy/socialnye\\_klassy\\_v\\_ssh/](https://spravochnick.ru/sociologiya/socialnye_klassy/socialnye_klassy_v_ssh/)

<sup>2</sup>История НКО в США Блог посольства США в Москве <http://embassy-voices.livejournal.com/19048.html>.

<sup>3</sup>Филантроп [юнон. philanthropes] – филантропия билан шуғулланувчи, хайр-эҳсон килувчи шахс.

юритиб, бу күрсаткыч 35 та мамлакатдаги иқтисодий фаол ахолининг 4,5 фоизини ташкил этган<sup>1</sup>.

Хозирги даврга келиб юқори синф мұраккаб ички структурасындағы әгалиги билан тавсифланады: у мулк ташкилий шаклларига боғлиқ ҳолда тоифалашған гурухлардан иборат әканлиги; құшымча капитал үлчами ва соҳаси; касбий фаолиятининг (олий даражали менежерлар, сиёсатчилар, башқарувчилар) тури; турмуш тарзининг хусусиятлари; сиёсий мақсади ва йұналиши; этник, ҳудудий, демографик ва бошқа белгилари.

Постиндустриал мамлакатлар юқори синфи социал таркибидаги ўзгаришлар қуидагилар билан бирга содир бўлмоқда:

Бу синфнинг миқдорини факат тахминан чамалаб айтиш мумкин: бу күрсаткыч иқтисодий фаол ахолининг тахминан 3-4 фоизини ташкил этади.

Машхур тарихчи Арнольд Тойинбининг фикрича, замонавий цивилизация – бу ўрта синф цивилизацияси. Ривожланган мамлакатлар жамияти структурасыда ўрта синфнинг хиссаси 60-70 фоизни ташкил этади. Турли илмий мактаблар ўрта синфни социал бирлик сифатида ажратиб күрсатиш учун турли мезонлардан фойдаланади. Кўпинча макомнинг ўзини ўзи баҳолаши ва даромад мезон сифатида қўлланилади. Гарб жамиятларининг учдан икки қисми ўрта синфга яқин даромад олади, кммбагаллар ва бойлар учналиқ кўп эмас, деб ҳисоблашлар кенг тарқалди. Яна аксарият таҳлилчилар ҳозирги ўрта синф ишлаб чиқариш воситаларига майда мулкий эгаллик қилувчилардан иборат деган фикрни билдиради. Бу каби майда ишбилармөнлар – “эски ўрта синф” деб аталувчи АҚШ фермерлари ва Буюк Британия савдо-сотиқ корчалонлари 10-15 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатлардаги “янги ўрта синф” ёки “менежерлар ва мутахассислар синфи” деб аталувчи социал бирлик 20-25 фоизни ташкил этиб, уларнинг аксарият қисми олий маълумотли мутахассислар, ақлий меҳнат ходимлари, эркин касблар вакилларидан иборатдир.

Ўрта қатламлар жамиятнинг фаровон яшаши учун зарур бўлган барча эҳтиёжларни қондиради: ишчи ўринлари, истеъмол моллари, тибиий ёрдам, илмий кашфиётлар ва бошқ. Жамиятшунос олимларнинг фикрича, ўрта қатламлар – синфлар-муҳолифлар ўзаро ихтилофларини юмшатувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Социал-иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, ўрта синфга турли касблар меҳнати ичидағи, шаҳар билан қишлоқ турмуш тарларидағи ўзаро зиддиятларни камайтириш тамойили хосдир. Оила муносабатларида ўрта синф жамиятнинг аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратишида, анъанавий оиласлар қадриятларини ёювчи омил сифатида намоён бўлади. Сиёсий жиҳатдан ўрта қатламлар анъаналар, меъёрлар, билимларни ташувчи, юксак фуқаролик ва мустақил шахсликни намойиш қилувчи марказга оид (центрлик) ҳаракатларнинг ижтимоий таянчи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ривожланган мамлакатлар жамиятлари социал структурасыда ўрта қатламнинг асосий ўринни эгаллаши, пастки қатламлар ўртасыда онда-сонда ижтимоий-сиёсий тангликтининг ўсишига қарамасдан, жамиятни барқарор равищда яшаши учун кенг имкониятлар яратади. Бу каби тангликлар кўпчиликнинг (ўрта синфнинг) бетараф вазиятда туриши натижаси ўлароқ юмшатилади. Энг муҳими – бу ўрта синфнинг фуқаролик жамиятининг таянчи, демократия ва ўзгаришларнинг сиёсий асоси сифатида намоён бўлишидир. Шу билан бирга, ўрта синф юкорининг таъсири ва пастдан бўладиган босим остида - “икки қаватли парда” ўртасидаги зиддиятли вазиятда тургани учун ҳам турли зиддиятли ижтимоий кескинлар юмшатилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup>Санович С. Исследования гражданского общества и НКО в Европе и США (краткий обзор). Материал подготовлен специально для информационно-аналитического портала "Socpolitika.ru" // [http://www.socpolitika.ru/rus/ngo/foreign\\_experience/document4692\\_print.shtml](http://www.socpolitika.ru/rus/ngo/foreign_experience/document4692_print.shtml).

<sup>2</sup>Қаранг: Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.

<sup>3</sup>Okyulov Kh.O. THE ROLE OF THE MIDDLE CLASS IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL DEVELOPMENT. #8(60), 2020 part 2. East European Scientific Journal

Ривожланган мамлакатлар жамиятлари социал структураларидаги сезиларли ўзгаришлардан бири – бу меҳнат қилаётган аҳолининг реал даромадларини ўсиб бориши ҳисобланади. Шу билан бирга, даромадларнинг тақсимланиши тенгизлик асосида рўй беради. Энг ой 20 фоиз ва энг камбағал қатламлари даромадларининг ўзаро нисбати АҚШда 12:1, Францияда 9:1, Буюк Британияда 8:1, ГФР, Швеция, Нидерландия Кироллигига 5:1, Японияда 4:1 каби тенгизликларни ифодалайди.

Ривожланган мамлакатлар жамиятларининг социал тоифалашуви қуидагилар билан тавсифланади: бир неча синфларни белгиларини ўзида ифодалайдиган кўп сонли гурухларни пайдо бўлиши; ички синфий табакаланишларни фаоллашуви; структура унсурлари ҳаракатчанлигини ўсиши; моддий ҳаёт даражасининг ошиб бориши. Бу жаранлар кўп жиҳатлардан ривожланган мамлакатларни барқарор ривожланиши ва фуқаролик жамияти ғояларини янада чукурлашуви учун имкониятлар яратади. Ҳозирги даврдаги ривожланган мамлакатларнинг асосий стратегик вазифаси – турли социал гурухларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш йўли билан умум фуқаровий консенсусга эришиш, жамиятни интеграциялашга қаратилган фуқаролик бирдамлигини таъминлашдан иборатдир<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти анъанавий жамиятларнинг бир неча минг йиллаб ривожланиб ва такомиллашиб боришининг мантиқий натижаси ва ҳосиласи ўлароқ шаклланди.

XXI аср бошларига келиб фуқаролик жамияти ғоялари ва бу каби жамият қуриш тажрибаси Осиё ва Лотин Америкаси мінтақасидаги мамлакатлар учун ҳам янгилик бўлмай қолди. Фуқаролик жамияти ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун зарурӣ шарт-шароит, “маънавий ижтимоий ресурс” сифатида ўзини намоён қила бошлади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда Ш.М.Мирзиёевни президент этиб сайданиши, унинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояга асосланган ҳолдаислоҳотларни янги даврини бошланиши натижасида кейинги уч ичида бу соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да фуқаролик жамиятини ривожлантириш асосий ва биринчи йўналиш сифатида белгиланди.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолиятининг самараదорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-хукуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни янада ривожлантириш мақсадларида ННТ институционал база яратилди. Ҳозирги даврда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд ННТ жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда асосий институтлар сифатида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгashi ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси сифатида қуидагилар белгиланди:

ўрта муддатли ва узок муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

илмий ва экспертлар гурухлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни

<sup>1</sup>Қаранг: Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.

<sup>2</sup>Okyulov Kh.O. MEDIUM CLASS IN UZBEKISTAN: EVOLUTION AND PROBLEMS . #1(52), 2020 part 4 East European Scientific Journal

ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиши, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва маҳсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёrlанишини ташкил этиши;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш<sup>1</sup>.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотлари бу соҳадаги туб ўзгаришларга қаратилди. 2019 йилнинг 1 апрелига кўра кичик корхона ва микрофипмаларнинг сони 289,4 мингтага етди. Улар ўтган бир йил ичida 21,4 фоизга ўсади<sup>2</sup>. Мамлакатда ўрта ижтимоий қатлам жамиятда ўзгаришлар қилишга қодир куч сифатида ўзини намоён қила бошлади. Шунингдек, жамиятда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантиришга муҳим аҳамият берила бошланди. Бу соҳадаги ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатда тадбиркорлик ва диний эркинлик соҳасида ҳам амалга оширила бошланди. Шунинг учун ҳам кейинги уч йил ичida хорижий мамлакатлар эксперталари ва жамоат арбобларининг Ўзбекистондаги ўзгаришларга нисбатан қизиқишлари ортиб бормокда. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти принципларини амал қилишини таъминлаш, бозор муносабатлари тизимини ташкил этишда рақамли иктисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт шароитлардан фойдаланиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Социальные классы в США//Взято со страницы: [https://spravochnick.ru/sociologiya/socialnye\\_klassy/socialnye\\_klassy\\_v\\_ssha/](https://spravochnick.ru/sociologiya/socialnye_klassy/socialnye_klassy_v_ssha/)
2. История НКО в США Блог посольства США в Москве <http://embassy-voices.livejournal.com/19048.html>.
3. Санович С. Исследования гражданского общества и НКО в Европе и США (краткий обзор).Материал подготовлен специально для информационно-аналитического портала "Socpolitika.ru"// [http://www.socpolitika.ru/rus/ngo/foreign\\_experience/document4692\\_print.shtml](http://www.socpolitika.ru/rus/ngo/foreign_experience/document4692_print.shtml).
4. Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.
5. Okyulov Kh.O. THE ROLE OF THE MIDDLE CLASS IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL DEVELOPMENT. #8(60), 2020 part 2. East European Scientific Journal
6. Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.
7. Okyulov Kh.O. MEDIUM CLASS IN UZBEKISTAN: EVOLUTION AND PROBLEMS . #1(52), 2020 part 4 East European Scientific Journal
8. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони маълум қилинди//<https://kun.uz/57586214/>

*Наширга проф. С. Чориев тасия этган*

## **ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК УЙҒУНЛИГИНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИДАГИ ЎРНИ**

**Каршиев Б.Э.** (Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали)

**Аннотация.** Мақолада дунёвийлик, динийлик, уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари, дунёвийлик ва динийлик уйғунлигининг жамият хавфсизлиги ва барқарорлигининг таъминлашдаги ўрни, мамлакат тараққиётидаги аҳамияти хақида сўз боради.

**Таянч сўзлар:** динийлик, жамият, дин, маънавият, секуляризм, модернизация.

<sup>1</sup>Ўша жойда.

<sup>2</sup>Қаранг: Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони маълум қилинди//<https://kun.uz/57586214/>

## РОЛЬ СЕКУЛЯРНОСТИ И РЕЛИГИОЗНОЙ ГАРМОНИИ В СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В статье говорится о светскости, религиозности, их специфических характеристиках, роли гармонии светскости и религиозности в обеспечении безопасности и стабильности общества, ее значении в развитии страны.

**Ключевые слова:** *секуляризм, религиозность, общество, религия, духовность, модернизация.*

### THE ROLE OF SECULARITY AND RELIGIOUS HARMONY IN SOCIETY STABILITY

**Annotation.** The article talks about secularism, religiosity, their specific characteristics, the role of harmony between secularism and religiosity in ensuring the security and stability of society, its significance in the development of the country.

**Key words:** *secularism, religiosity, society, religion, spirituality, modernization.*

Дунёвийлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамиша уйғунлик касб этиб келган. Дунёвийлик догма эмас, у мунтазам равища тақомиллашиб борувчи ҳодиса. Илмий тиңда айтганда, дунёвийлик бу модернизация деб номланувчи жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи. У жамият илмий салоҳиятининг ривожланиб бориши, техника ва технологик тараққиётнинг ривожланиши, жамият иқтисодий ҳаётининг рационаллашуви, инсонлар маданиятининг юксалиб бориши каби муҳим жараёнлар билан уйғун равища тақомиллашиб боради.

Ағсуски, энг машхур изоҳли луғатларда ҳам “дунёвийлик” тушунчасига аниқ таъриф берилмаган: дунёвийлик – бу дунёвий тушунчалар талабларга жавоб берувчи (яъни, гайридиний, дунёвий, фуқаровий – динийликнинг акси), каби мужмал изоҳ билан чекланилади. Дунёвийлик тушунчаси плюралистик, хурфикрлилик тамойилига асосланади. Инглиз тилидаги “secularity” ҳамда рус тилидаги “светскость” тушунчалари билан тулаш “дунёвийлик” деган истилоҳнинг қандай талқин этилиши ҳар қандай мамлакатдаги давлат билан дин ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунёвий давлат қуриш ва шу асосда мамлакатни ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистонда “дунёвийлик”нинг мазмун-моҳияти тўғри англаб этилди.

Ўзбекистонда дунёвийлик тамойили бир-биридан ажralmas уч қадриятга асосланади. Булар:

1. Виждан эркинлиги;
2. Барча дин ва диний ташкилотларнинг қонун олдида тенглиги;
3. Диннинг сиёсатдан ажратилганлиги.

Ўзбекистонда динга бўлган муносабат муайян меъёрий-хуқуқий хужжатлар ва қонунлар орқали тартиба солинади. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлари жамиятнинг эътиқод эркинлигини ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмuni, кишилар ўртасидаги ижтимоий-маънавий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш лозимлиги ўз аксини топган. Диний дунёқарааш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатнинг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш хуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган.

Тарихга назар ташласак, тадрижий ривожланиш жараёнида диний ва дунёвий асосларнинг ўзаро нисбати, уларнинг тўқнашуви жаҳоннинг кўпгина давлатлари ва халқлари тақдирига катта таъсир кўрсатганини кўрамиз. Бу ҳодисанинг энг кескин шакллари Шарқ мамлакатларида кузатилган ва айни пайтда ҳам кузатилмоқда. Ушбу мамлакатларда маънавий изланишлар ҳамда сиёсатга диннинг таъсирининг кучайиши XX аср охирига хос хусусиятдир. Бу ҳодисалар ислом динини ҳам четлаб ўтмади. Натижада жаҳон

жамоатчилиги ижтимоий онгидар “ислом уйғониши”, “қайта исломлашув”, “исломомили” түшунчалари пайдо бўлди. Умуман олганда, Шарқда жамиятнинг дунёвийлашуви ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эгадир.

Диний можаролар ер юзидағи барқарор ва тинчликка таҳдид солаётган ҳозирги кунда дин ва сиёсатнинг ўзаро алоқаси, уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири муаммосини тадқиқилиш ўта долзарб бўлиб, нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Дин билан сиёсатнинг ўзаро нисбатини тавсифлаш учун илмий адабиётларда “секуляризм” атамаси қўлланилади. Бу атама лотинча “saeculum” сўзидан келиб чиқкан “секуляризация” терминидан олинган. “Секуляризм” атамасига Вебстер изоҳли лугатида кўйидагича таъриф берилади: “секуляризм – дин ёки диний ақидаларга нисбатан мўътадил позицияда бўлиш”. Оксфорд қисқа лугати секуляризмни “Худога ишонч, эътиқоддан холи бўлган ҳаётда инсон фаровонлиги ҳақида қайғурадиган маънавиятга асосланган доктрина” деб таърифлайди.

Мутахассислар эса секуляризмни таърифлашда уни беш қисмга бўлишади:

1. Диннинг инқизози;
2. Замонавий ҳаёт тартиб-коидаларига риоя килиш;
3. Диннинг давлатдан ажратилганлиги;
4. Диний ақидалар ва диний институтларнинг кучсизланиши;
5. Дунёнинг десакрализациялашуви (муқаддасликдан узоқлашиш).

Юқоридаги таърифларга қўра, замонавий араб жамиятида “секуляризм” “алманий” (علمانيه), “секуляризация” эса, “алмана” (علمنة) атамалари билан ифодаланади.

Секуляризм нима? Секуляризм бу – барча динлар ҳамда турли қарашларни тенг хурмат қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигидир. Секуляризм атамаси бир маъноли түшунча бўлмай, вакт, давр, минтақа ва мамлакатга қараб тинимсиз ривожланиб боради.

Юқоридаги түшунчалардан келиб чиқсан ҳолда, Марказий Осиёда дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат, унинг шаклий ўзгаришлар доимо муҳим ўрин эгаллаб келганлигига гувоҳ бўламиз. Худуддаги ижтимоий-сиёсий воқеалар дунёвий-маърифийлик ва динийлик ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Собиқ иттифоқ даврида жамиятни даҳрийлаштиришда секуляризациядан никобсифатида фойдаланилди. Бунинг исботи учун ўша даврда нашр қилинган китобдан иқтибос келтирамиз: “...Социалистик жамиятда диннинг социал илдизлари қўпориб ташланган, шунинг учун бу шароитда секуляризация жараёни чукур, кенг ва тўлиқ амалга ошади. Дин барҳам топиб бориши билан бир қаторда оламга илмий-материалистик қарашлар, кишилар онги, хулқ-атвори ва муносабатларида чинакам инсоний нормалар ва қадриятлар қарор топиб бораверади”.

Юқоридаги талқинларнинг асосий сабаби тараққиётнинг дунёвий йўли собиқ мафкура “қолиплари”га тушмаслиги, яъни бу түшунчанинг даҳрийлик ҳам ва айни пайтда, динийлик ҳам эмаслиги билан боғлиқ. Бундан “дунёвийлик-зикр этилганки қарама-қарши кутбнинг оралигига жойлашган маънавий-маданий ҳолат”, деган холосага келиш мумкин. Чунки у динийликни ҳам, даҳрийликни ҳам инкор этмайди, уларнинг ҳар иккаласини объектив ижтимоий ҳодиса деб эътироф этади. Бундан келиб чиқадиган мантиқий холоса шуки, дунёвийлик түшунчаси плюралистик, хурфикрилилк тамойилига асосланади.

Ҳар қандайadolatпеша жамият, у дунёвийми ёки динийми бундан қатъийназар, ўз аъзоларини ҳалол, тўғри сўз, одоб-ахлоқли, имон-эътиқодли этиб тарбиялашни хоҳлайди. Бунга қанчалик даражада эриша олади, бу тўғри йўлнинг танланишига боғлиқ.

Жамиятда эътиқод эркинлиги икки хилда намоён бўлади. Биринчиси бу инсоннинг ички эркинлиги, тафаккур ва ижод эркинлиги, яъни позитив (ижобий) саъй-харакат ва фаолият эркинлиги сифатида юзага чиқади. Иккинчиси эса, ташқи эркинлик бўлиб, эътиқод эркинлигини амалга ошириш учун давлатда тегишли ҳуқуқий асосларнинг қабул қилиниши ва кафолатланиши, жамиятда қарор топган хайрихоҳлик муҳити каби эркинликлардир.

Эътиқод эркинлиги учун зарур шарт-шароит яратиш, уни кафолатлаш адолатли жамиятнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Зеро, у инсон имкониятлари ва эркинлигини юзага чиқаришнинг ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий ва интеллектуал негизини ташкил қиласиди.

Шу сабабли дунёвий давлатларда эътиқод (виждон) эркинлиги, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги конституция ва тегишли конунлар орқали мустаҳкамлаб қўйилади.

Фақат дунёвий давлатгина эътиқод эркинлигини тўла таъминлашга қодир. Чунки у, дин ишига аралашмайди, шунингдек, диний жамоалар фаолиятини бевосита ёки бил восьита чекламайди. Бундай давлатда дин давлатдан ажратилган, лекин жамиятдан ажратилмайди, аксинча жамиятнинг эътиқод эркинлиги таъминланади.

Ўзбекистон–дунёвий давлат бўлиб, унда 16 диний конфессияларга оид 130 дан ортиқ турли миллатлар ва элатлар яшайди. Конституциямизнинг 31,12-моддаларида виждон эркинлиги ҳамда фикрлар хилма-хиллиги, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаслиги кафолатланган бўлиб, мустакиллик йилларида бунга тўла амал қилиб келинмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик: азалий мухолифат. – Тошкент : Akademiya, 2008. – 93 б.
2. Пахрутдинов Ш. Таракқиётга таҳдид: назария ва амалиёт. -Т.: Академия, 2006. –158 б.
3. Parutdinov S. Democratic society and responsibility of leaders in new Uzbekistan. – 2023.
4. Pakhrutdinov Shukriddin Ilyasovich Uzbekistan: Responsibility for Sustainable Development and Intensity of Rapid Changes// Advances in Social Sciences Research Journal. Vol.6, No.8
5. Жиртуева Н. С., Галяс И. А. Эволюция религиозности в социокультурной жизни западного общества //Ученые записки. Электронный научный журнал Курского государственного университета, 2023. – №1 (65).
6. Яковлев Александр Иванович Религиозный фактор в мировой политике в эпоху глобализации: от секуляризации к фундаментализму // Вестник Московского университета. Серия 25. Международные отношения и мировая политика, 2013. – №4.
7. Авазов К. Х. Угрозоустойчивость общества в системе политического исследования //Общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история, – 2018. – С. 46-50.
8. Авазов К. Х. Противодействие современным угрозам и поддержание политической стабильности в системе национальной безопасности Узбекистана //Вопросы политологии, 2017. – №. 3. – С. 122-128.
9. Авазов К. Х. Терроризм как глобальная проблема //Міжнародний науковий журнал, 2016. – №. 6 (3). – С. 70-75.
10. Avazov K. External and internal threats of modernity, security and stability in society, and their relationship//Russia and the Muslim world-Moscow, 2017, p. 23.
11. Avazov K. Modern factors of society stability//American Journal of Research in Humanities and Social Sciences. Volume 7, | Dec., 2022.Pp.13-22.

*Нашрға проф. С.Чориев тавсия этган*

## JAMIYAT BARQARORLIGINI TA'MINLASHDA SIYOSIY PARTIYA VA PARTIYAVIY TIZIMNING AHAMIYATI

**Qarshiyev M. (O'zMU),**

**Annotatsiya.** Zamonaviy dunyoda mamlakatlar rivojini ta'minlashda siyosiy partiyalarning ahamiyati ortib bormoqda. Jamiyatda fuqarolar huquq va erkinliklari, ularning farovon hayotining kafolatlovchisi sifatida davlat institutining to'g'ri tashkil etilganligi bevosita siyosiy partiylar faoliyati bilan chambarchas bog'liqdir.

Siyosiy tuzumi demokratiya bo'lgan mamlakatlar erkin, adolatli va shaffof saylovlar orqali boshqaruvni shakllantiradi hamda ularning faoliyati nazoratini, xalq oldidagi hisobdorligini ta'minlashda aynan partiyalarning keng ishtirokidan foydalanishadi. Siyosiy partiya ham davlat boshqaruviga ham jamiyatga tegishli bo'lgan, boshqa nodavlat notijorat tashkilotlaridan ajralib turuvchi siyosiy lashgan, jamiyat rivojini ta'minlovchi institutdir.

**Tayanch so'zlar:** *siyosiy partiya, partiyaviy tizim, jamiyat, demokratiya, saylov, fuqarolik jamiyati, davlat, huquq.*

### ЗНАЧЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ И ПАРТИЙНОЙ СИСТЕМЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В современном мире возрастает значение политических партий в обеспечении развития стран. Правильная организация государственного института как гаранта прав и свобод граждан и их благополучной жизни в обществе тесно связана с деятельностью политических партий.

Страны с демократической политической системой формируют правительство посредством свободных, справедливых и прозрачных выборов и используют широкое участие партий для обеспечения контроля над их деятельностью и их подотчетности перед народом. Политическая партия – это обособленный от других неправительственных и некоммерческих организаций политизированный институт, который принадлежит как государственному управлению, так и обществу и обеспечивает развитие общества.

**Ключевые слова:** *политическая партия, партийная система, общество, демократия, выборы, гражданское общество, государство, право.*

### THE SIGNIFICANCE OF THE POLITICAL PARTY AND THE PARTY SYSTEM IN ENSURING THE STABILITY OF THE SOCIETY

**Annotation.** In the modern world, the importance of political parties in ensuring the development of countries is increasing. The right organization of the state institution as the guarantor of the rights and freedoms of citizens and their prosperous life in the society is closely related to the activity of political parties.

Countries with a democratic political system form a government through free, fair and transparent elections, and use the broad participation of parties to ensure the control of their activities and accountability to the people. A political party is a politicized institution that is separate from other non-governmental and non-commercial organizations, and provides for the development of society, which belongs to both state administration and society.

**Key words:** *political party, party system, society, democracy, election, civil society, state, law.*

**Kirish.** Dunyoning ilg'or rivojlangan mamlakatlar jamiyatlari taraqqiyoti tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak eng avvalo, ko'plab murakkab siyosiy jarayonlarni boshidan kechirganligini ko'rishimiz mumkin. Ular taraqqiyotning hozirgi bosqichiga etib kelishiga va nisbatan barqaror jamiyatni shakllantirishiga jamiyat va davlat instituti o'rtasidagi ikki tomonlama manfaatlari kelishuvning mavjudligi bilan izohlashimiz mumkin. Aynan mana shunday kelishuvlarni amalga oshirish vositasi ya'ni, siyosiy ko'prik sifatida siyosiy partiylar muhim rol o'ynaganligi va har doim ham ikki tomonlama aloqani muvozanati ularga bog'liq ekanligi muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda ham 2016-yildan buyon taraqqiyotning yangi bosqichiga qadam tashlandi va o'tgan davr mobaynida barcha sohalarni jadal sur'atlarda liberallashtirish siyosati olib borilmoqda. 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son farmoni asosida 2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasining qabul qilinganligi va ushbu strategiyaning birinchi ustuvor yo'naliishi "Inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini

yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish” deb nomlanishi, uning 7-maqсади “Mamlakatimizdagi islohotlarni izchil davom ettirishda Oliy Majlis palatalari va siyosiy partiyalar rolini yanada oshirish”[1]ga doir vazifalar belgilab berilganligi siyosiy partiyalar faoliyatini yangi bosqichga ko‘tarishga qaratilgan muhim qadamlardan biri bo‘ldi. Shuningdek, siyosiy partiyalar to‘g’risidagi alohida qonunlarning, 2019-yilda qabul qilingan “Saylov Kodeksi”ning va eng asosisiysi bosh qomusimiz hisoblangan O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida siyosiy partiyalar faoliyatiga doir alohida moddalarning mavjudligi jamiyatimiz taraqqiyotida siyosiy partiyalarning naqadar muhim ahamiyat kasb etishiga yaqqol misoldir. Masalan, yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 71-moddasida “Konstitutsiyaviy tuzumni zo‘rlik bilan o‘zgartirishni maqsad qilib qo‘yuvchi, O‘zbekistonning davlat suverenitetiga, hududiy yaxlitligiga va xavfsizligiga qarshi chiquvchi, urushni, ijtimoiy, milliy, irqiy hamda diniy adovatni targ’ib qiluvchi, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklariga, aholining sog’ligiga, ijtimoiy ahloqqa tajovuz qiluvchi siyosiy partiyalarning, boshqa nodavlat notijorat tashkilotlarining shuningdek, milliy va diniy belgilariga ko‘ra, siyosiy partiyalarning, harbiylashtirilgan birlashmalarning tashkil etilishi va faoliyati taqiqlanadi.

Maxfiy jamiyatlar va birlashmalar tashkil etish taqiqlanadi” [2, -B. 27] deb belgilab qo‘yilishi siyosiy partiyalarning faqat va faqatgina jamiyat farovonligiga uning ravnaqiga xizmat qilishi zaruratini anglatadi.

Shuningdek, prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning 2017-yil 12-iyulda Oliy Majlis palatalari, siyosiy partiyalar hamda O‘zbekiston Ekologik harakati vakillari bilan bo‘lib o‘tgan uchrashuvida “Parlementimiz haqiqiy demokratiya maktabiga aylanishi, islohotlarning tashabbuskori va asosiy ijrochisi bo‘lishi kerak” deb nomlangan ma’ruzasida quyidagilarni ta‘kidlagan edi: “Bugun zamonning o‘zi siyosiy partiyalarning ish uslubini tubdan o‘zgartirish, ularning aholi, elektorat bilan muloqotini tizimli yo‘lga qo‘yishni talab etmoqda. Endi “Mudrab yotgan” siyosiy partiyalar uyg’onishi lozim. Ular balandparvoz gaplarni chetga surib, aniq amaliy ishlar bilan odamlarimiz, saylovchilar ishonchini qozonishi, ularning qalbidan joy olishi kerak[3, -B. 554].

Yuqoridaqilardan kelib chiqadigan bo‘lsak, mamlakatimizda farovon jamiyatni barpo etish yo‘lida siyosiy partiyalarning roli tobora oshib bormoqda. Ularning davlat boshqaruvidagi ishtirokini yanada kengaytirish, aholining turli qatlamlari manfaatlarini, o‘z elektoratining siyosiy irodasini ifodalashdagi ahamiyatini oshirish yo‘lida keng imkoniyatlar yaratib berilmoqda.

### **Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review)**

Jahon mamlakatlarida ijtimoiy-siyosiy vaziyatlarning tez o‘zgarayotganligi, unga globallashuv sharoitida turli ichki va tashqi omillar ta’sirining kuchayib borayotganligi zamonaviy siyosiy fanlar oldiga ham qator savollar qo‘ymoqda. Siyosatshunoslikning markaziy mavzularidan bo‘lgan siyosiy partiya mavzusini ko‘plab olimlar, mutaxassislar tadqiq qilib kelmoqdalar. So‘nggi yillarda mamlakatimizda ham siyosiy fanlar rivojiga berilayotgan e’tibor sababli mazkur mavzuni tadqiq qilayotgan olimlar soni oshib bormoqda.

Siyosiy partiyalar, partiyaviy tizimlarni o‘rganishga, ular to‘g’risidagi nazariyalarni yaratishda faollik ko‘rsatgan olimlar, tadqiqotchilar asosan g‘arb davlatlari hissasiga to‘g’ri keladi. Umuman siyosiy partiyalar to‘g’risidagi dastlabki nazariyalarni Aristotel va uning davri bilan bog‘lovchi siyosatshunos olimlarga ko‘ra, u haqidagi nazariyalar partiyalar mohiyatini beruvchi guruh, klub, tuzilmalar paydo bo‘lishi bilan vujudga kelgan. Siyosiy partiya va partiyaviy tizimlarni o‘rgangan g‘arb olimlariga M.Dyuverje, M.Veber, J.Brays, R.Mexels, P.Meyr, J.Kermonn, J.Sartori, K.fon Boyma, K.Janda kabilarni, rus olimlardan M.Ya.Ostrogorskiy, V.Baturin,V.P.Pugachyov, A.I.Solovev, B.Isayev, S.A.Lansov, S.A.Nekonenko kabilar, o‘zbek olimlaridan M.Qirg’izboyev, Q.Nazarov, I.Ergashyev, X.Odilqoriyev, B.Yakubov, X.Axmedov kabilar o‘rganishgan.

Siyosiy partiya va partiyaviy tizimning jamiyat taraqqiyotida muhim ahamiyatga ega, uning zamonaviy davlatchilikni rivojlantirishdagi markaziy institutlardan ekanligiga ko‘plab siyosatshunos olimlar to‘xtalib o‘tishgan. Masalan, M.Qirg’izboyevga ko‘ra, “Partiyaviy tizimlar partiyaviy birlashmalarga ega bo‘lmagan yoki bunday birlashmalarning mavjudligi faqat tashqi ko‘rinish uchun bo‘lgan siyosiy hokimiyat shakllari bilan kelisha olmaydi (masalan, totalitar,

sobiq sotsialistik va boshqa mamlakatlarda bo‘lgani kabi). Ba’zi tasnifashtirishlarda bunday hokimiyat shakllariga bir partiyaviylikning o‘ziga xos alohida ko‘rinishdagi tizimi sifatida qarash lozim, deyiladi” [4, 227].

Zamonaviy siyosiy fanlarda siyosiy partiyalariga nisbatan turli siyosatshunos olimlar turlicha ta’rif beradi. Ularga xos bo‘lgan xususiyatlarni ham turli yondashuvlar asosida tadqiq qilishida. Ko‘plab manbalarda siyosiy partiyaning yagona ta’rifi mavjud emasligi, ammo ularga xos xususiyatlarda, hokimiyatga intilish, ma’lum bir guruhning manfaatlarini ifodalash va x.k.larda umumiylig mayjudligini e’tirof etishadi. Jamiyatda ma’lum bir siyosiy tizim sharoitida siyosiy partiya yoki bir nechta partiyalarning ayni zamon va makondagi faoliyati majmui – partiyaviy tizimni tashkil etadi.

Har bir mamlakatdagi siyosiy partiyalar butun siyosiy tizim ichida alohida quyi tizimni tashkil qiladi. Bunday quyi tizim ko‘pincha o‘ziga xos tuzilma va faoliyat ko‘rsatish shakllariga ega bo‘lgan nisbatan mustaqil partiya tizimi sifatida qaraladi. Siyosatshunoslikda partiyalar tipologiyasining ko‘plab variantlari bilan bir qatorda partiyaviy tizimlar tipologiyasining ham bir qancha variantlari mavjud. Ko‘pincha biz uchta asosiy turdagи partiyaviy tizimlar haqida gapiramiz: bir partiyali, ikki partiyali va ko‘p partiyali. Bu yerda mezon shunchaki har bir alohida mamlakatda faoliyat yuritayotgan partiyalar sonidir” [5, -B. 300]. Shuni ham alohida ta’kidlab o‘tishimiz kerak-ki, zamonaviy siyosatshunoslikda ikki yarim partiyaviy tizim tushunchasi ham hozirda keng qo‘llanilmoqda.

Siyosiy partiyalar jamiyat barqarorligini, uning taraqqiyotini ta’minlashda hamda o‘z faoliyati samaradorligini oshirishda mafkuraviy, institutsional o‘zgarishlarni amalga oshirishi zarur bo‘lsa, bu partiyaviy tizimga qay darajada ta’sir qiladi. Umuman, zamonaviy jamiyat uchun partiyaviy tizimning qaysi bir turi ko‘proq mos tushadi degan savollarga javob topish qiyindir. Ko‘pchilik siyosatshunos olimlar ko‘ppartiyaviylik tizimini zamonaviy jamiyatlar uchun mos va eng yaxshi tizim sifatida e’tirof etib kelishadi. Buning sababi, ko‘ppartiyaviylik demokratianing asosini tashkil etuvchi institut, uni kafolatlovchisi sifatida qaralayotganligidadir. Masalan, amerikalik siyosatshunos olim K.Janda fikriga ko‘ra, “demokratiya fuqarolarni vakillik qilish qobiliyatiga ega kuchli va barqaror siyosiy partiyalarga muhtoj va ular jamiyat manfaati uchun boshqarish qobiliyatini namoyish etadigan siyosiy tanlovlarni taqdim etadi. Fuqarolar va ularning saylangan etakchilari o‘rtasidagi aloqaning kuchayishi asnosida, siyosiy faollikning pasayishi va antidemokratik kuchlarning foallashuviga qarshi demokratik siyosiy partiyalar doimiy ravishda kurash olib boradi” [6, 1] degan fikrni ilgari suradi.

### **Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology)**

Mazkur tadqiqot ishida institutsional yondashuv, shuningdek, tizimli – tarkibiy, funksional, tizimli–tahlil, mantiqiylik, tarixiylik yondashuvi, kompleks yondashuv metodologiyalaridan foydalанилди.

### **Tahsil va natijalar (Analysis and results)**

Jamiyat barqarorligini ta’minlashda siyosiy partiya, partiyaviy tizimning ahamiyati tobora ortib bormoqda. Jamiyat turli guruh, ijtimoiy qatlamlardan tashkil topganligini hisobga olsak, unda fikrlar, qarashlar va manfaatlar xilma-xilligi kuzatiladi. Ushbu qatlamlarning davlat boshqaruvidagi ishtirokini ta’minlashda muayyan institutsional tuzulmaga ehtiyoj seziladi. Demak, siyosiy partiya bu – jamiyatni tashkil qiluvchi guruh, ijtimoiy qatlamlar manfaatlarini hamda ularning siyosiy irodasini ifodalovchi institutdir. Shuningdek, siyosiy partiyalarning mohiyatini ochib berishda davlat instituti hamda hukumat tuzulmalari bilan bog’lagan holda berilgan ta’riflar ham ko‘p uchraydi. Bunga misol sifatida quyidagi ta’rifni keltirishimiz mumkin: “Siyosiy partiyalar – ijtimoiy guruhlar manfaatlarini ifodalovchi, ularning eng faol vakillarini birlashtiruvchi siyosiy tashkilotlar, siyosiy partiyalar jamiyat siyosiy tizimining muhim qismi, ular davlatning siyosiy yo‘nalishini belgilashda ishtirok etadi, hukumatning vakillik va ijro etuvchi muassasalarini shakllantiradi” [7, 108].

Partiyalar majmui yuqorida ko‘rib o‘tganimizdek partiyaviy tizimni tashkil etadi. Jamiyatda barqaror rivojlanish, taraqqiyot, farovonlik bo‘lishi uchun ma’lum bir partiyaviy tizimning mas’ulligi aynan jamiyatga ham vakolatlarni saylash, saylanish orqali uzatadi.

Partiyaviy tizimlar o‘rtasidagi farqlarni uning ijobiy, salbiy tomonlarini tarixiy tajriba qolaversa, unda namoyon bo‘ladigan xususiyatlarni tadqiq qilish orqali ajratish mumkin. Hozirgi zamonaviy jamiyatlarda eng optimal partiyaviy tizim sifatida e’tirof etiladigan ko‘ppartiyaviylik tizimining ham yutuqlari bilan bir qatorda kamchiliklari mavjud. Masalan, J.Sartoriga ko‘ra, jamiyatda beshtadan ortiq partianing bir vaqtda faoliyat yuritishi boshqaruv uchun xavf tug’dirishi mumkin. Ya’ni, partiyalar sonining ko‘pligi markaziy boshqaruvning izdan chiqishiga, o‘zaro kelishuvlarga, murosaga kela olmaslikka umuman olganda parokandalikka olib keladi degan yondashuvni ilgari suradi. Yuqorida keltirilgan salbiy jihatlariga qaramasdan zamonaviy dunyoda eng yaxshi partiyaviy tizim sifatida aynan ko‘ppartiyaviylik e’tirof etib kelinmoqda.

Mamlakat siyosiy hayotining barcha sohalarini, davlat va jamiyat qurilishini erkinlashtirishda, fuqarolarning siyosiy, iqtisodiy faolligini kuchaytirish va insонning o‘z qobiliyatini to‘la ro‘yobga chiqarishi uchun tegishli shart-sharoit yaratishda, odamlarning o‘z xohish-irodasini erkin ifoda etish, o‘z manfaatlarini ro‘yobga chiqarish va himoya qilish huquqini rivojlantirish va amalda namoyon qilishda, jamiyatimizda mavjud bo‘lgan turli manfaatlarini ro‘yobga chiqarish va himoya qilish huquqini rivojlantirish hamda amalda namoyon qilishda, jamiyatimizda mayjud bo‘lgan turli manfaatlar, qarama-qarshi kuchlar va harakatlar o‘rtasidagi muvozanatni ta’minlaydigan samarali mexanizmni shakllantirishda ko‘ppartiyaviylik tizimi muhim rol o‘ynaydi” [8, 198].

Bir partiyaviylik tizimining salbiy jihatlariga esa boshqaruvning haddan tashqari markazlashuviga (hokimiyat markazlashuvi), ijtimoiy adolatning buzilishiga, muayyan aholi qatlamlarining e’tibordan chetda qolib ketishi holatlarini misol keltirishimiz mumkin.

Mamlakatimizda ham ko‘ppartiyaviylik tizimi joriy qilinib o‘tgan davr mobaynida uni rivojlantirish, mustahkamlash yo‘lida qator islohotlar amalga oshirilib kelinmoqda. Ayniqsa, 2016-yildan keyingi davrda partiyalarning jamiyat taraqqiyotidagi o‘rnini oshirishga e’tibor yangi bosqichga ko‘tarildi. Bunga misol tariqasida 2022-yil 18-yanvarda PF-60-son O‘zbekiston Respublikasi prezidenti farmoni asosida 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining qabul qilinishi va uning 7-maqсадида “Barcha sohalarda vaziyatni har tomonlama o‘rganish va mayjud muammolarni hal etish uchun ta’sirchan choralar ishlab chiqishda Oliy Majlis palatalari va siyosiy partiyalar rolini yanada kuchaytirish, qabul qilingan qonunlarning amaliyotda so‘zsiz va to‘liq ijro etilishini ta’minalashda parlamentning ishtirokini kengaytirish” [2] vazifasi belgilab berilganligi jamiyat barqarorligini ta’minalashda siyosiy partiyalarning ishtirokini ta’minalashga e’tiborning qaratilayotganligidan dalolatdir. Shu bilan bir qatorda Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasida uzoq yillar mobaynida amal qilib kelingan “**davlat – jamiyat – inson**” tamoyilining “**inson – jamiyat – davlat**” tamoyiliga o‘zgartirilganligi mamlakatimizda demokratiyaning, fuqarolik jamiyatining rivojini yangi bosqichga chiqayotganligining shu bilan bir qatorda unda siyosiy partiyalar ishtirokining yanada kengayotganligining isbotidir. Siyosiy partiyalarning ham eng quyi, elektorat bilan bevosita ishlaydigan boshlang‘ich partiya tashkilotlaridan endilikda yangi tashabbuslarning ilgari surilayotganligi partiya institutining yanada aholiga yaqinlashayotganligidan dalolatdir. Bu esa jamiyat farovonligida, uning barqaror rivojlanishida siyosiy partiya va partiyaviy tizimning roli va ahamiyatini oshirishga xizmat qiladi.

#### **Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations)**

Xulosa sifatida shuni aytib o‘tishimiz joizki, jamiyat barqarorligini ta’minalashda siyosiy partiyalar asosiy markaziy institutlardan biriga aylanib bormoqda. Jahon tajribasidan bizga ma’lumki, jamiyatdagi ijtimoiy zo‘riqishlarni yumshatishda partiya instituti samarali vosita hisoblanadi. Siyosiy partiyalar o‘z dasturlarida fuqarolarning hayot faravonligini oshirish, elektorating ehtiyojlariga, davlatning e’tiborini qaratishga erishishni ularning umummilliy resurslardan foydalanishdagi ishtirokini kengaytirishni asosiy vazifalar sifatida ifodalashga harakat qiladi. Mamlakatimizda ham so‘nggi yillarda siyosiy partiyalarning jamiyat taraqqiyotidagi ishtiroki ortib bormoqda. Siyosiy partiyalar siyosiy, madaniy, ijtimoiy, iqtisodiy islohotlarda o‘z elektorati manfaatlaridan kelib chiqib o‘z pozitsiyalarini dadil bildira olmoqda.

Yuqorigidagilardan kelib chiqib quyidagilarni taklif qilamiz:

- Siyosiy partiyalar va partiyaviy tizimlarning jamiyat barqarorligini ta'minlashdagi ishtiroki yuzasidan etakchi, ilg'or xorijiy tajribalarni yanada chuqurroq o'rganish;
- Ilmiy tadqiqotlar natijalarini mamlakatimizda mavjud siyosiy partiyalarga tadbiq qilishni kuchaytirish;
- Oliy ta'lif muassasalarida mavjud siyosatshunoslik yo'nalishi talabalarini tajriba tariqasida siyosiy partiyalar bilan hamkorlikda indual ta'lif shaklida o'qitishni yo'lga qo'yish.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. [Matn] Rasmiy nashr. – T.: O'zbekiston, 2023. – 80 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son “2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'llimizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz.– Toshkent: “O'zbekiston” NMIU. 2017. – 592-b.
4. Qirg'izboyev M. Siyosatshunoslik: oliy o'quv yurtlari talabalari uchun o'quv qo'llanma. – T.: Yangi asr avlod, 2013. – 524-b.
5. Лансов С.А. Политология: Учебное пособие.– Питер: СПб. 2011. – 544с.
6. Kenneth Janda. Political parties and democracy in theoretical and practical perspectives. Adopting party law. Washington DC 20036. p.30. (Website:[www.NDI.ORG.](http://www.NDI.ORG.)).
7. Hasanov R., O'tamuradov A. Fuqarolik jamiyat: nazariya va amaliyot. Uslubiy qo'llanma. Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti, Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomchilik va dizayn instituti. – T., 2016. – 224b.
8. Jalilov A., Muhammadiyev U., Jurayev Q. va boshq. Fuqarolik jamiyat asoslari. O'quv qo'llanma. – T., 2015. – 264b.

**Нашрга проф. С.Чориев тавсия этган**

## **ДАВЛАТ БОШҚАРУВНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛИ**

**Мирзабаев К.Б.(ЎДЖТУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат бошқаруви модернизациялаш жараёнида давлат хизматчиларини тайёрлаш уларнинг захирасини шакллантириш бугунги даврнинг долзарб масалаларидан бири сифатида қаралган. Мамлакатда бошқарув кадрлари тизимининг асосларини ўзгариб бориши мамлакатнинг тараққиёт стратегияси, демократик ривожланишнинг тамоилилари, ислоҳотларнинг мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқлиги асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** кадрлар захираси, давлат хизмати, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, Маъмурӣ ислоҳотлар, кадрлар сиёсати.

## **ПЕРСПЕКТИВЫ ПОДГОТОВКИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ В ПРОЦЕССЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ**

**Аннотация.** В данной научной работе подготовка государственных служащих и формирование их резерва в процессе модернизации государственного управления рассматривается как одна из актуальных проблем сегодняшнего времени. Обосновано, что изменения основ системы управленических кадров в стране неразрывно связаны со стратегией развития страны, принципами демократического развития, целями и задачами реформ.

**Ключевые слова:** кадровый резерв, государственная служба, стратегия действий, стратегия развития, административная реформа, кадровая политика.

## **THE PROSPECTS OF TRAINING CIVIL SERVANTS IN THE PROCESS OF MODERNIZING PUBLIC ADMINISTRATION**

**Annotation.** In this scientific work, in the process of modernizing public administration, the training of civil servants and the formation of their reserve is considered as one of the urgent problems of today. It

is substantiated that changes in the foundations of the system of managerial personnel in the country are inextricably linked with the country's development strategy, the principles of democratic development, the goals and objectives of the reforms.

**Keywords:** *personnel reserve, civil service, practical strategy, development strategy, administrative reform, personnel policy.*

Замон давлат бошқаруви органларининг ҳар бир тармоғидан замонавий билим ва малакага эга бўлган кадрлар захирасини шакллантиришни талаб этмоқда. Айниқса мамлакат тараққиётида мухим ўрин тутувчи маҳаллий ижро органларида кадрлар захирасини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва вазифаларига тайинлаш тизимининг ташкилий-хуқуқий асосларни такомиллаштириш мухим хисобланади.

Кадрлар масаласи доимо эътибор талаб қиласидиган, давлат бошқаруви органларининг мухим фаолият йўналишларидан хисобланади. Маълумки ҳар бир давлатнинг ривожланишида, давлат ислоҳотларни амалга оширишда салоҳиятли кадрларга бўлган талаб доимо юқори бўлади.

Кадрлар захираси деганда зарур касбий, ишбилармонлик, шахсий ва маънавий-ахлоқий хусусиятларга эга бўлган, эгаллаб турган лавозимларида ўзини ижобий намоён қилган, давлат хизматида маълум лавозимларни эгаллаш учун зарур тайёргарликни ўтган истиқболли ишчилар гурухи тушунилади.

Е. Ю. Иванова ўзининг “Государственная кадровая политика: Сущность и актуальные проблемы”<sup>1</sup> номли мақоласида Ижроия органлари тизимида кадрлар сиёсатининг моҳияти давлат ва муниципал хизмат соҳасида юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, мустаҳкамлаш ва улардан самараали фойдаланиш, уларнинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши, касбий салоҳиятларини рӯёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш ва шу асосда давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг самараали фаолиятини таъминлашдан иборат”–деб, таъкидлаган.

Давлат бошқарув органлари хусусан ижро органларини малакали ходимлар билан таъминлаш тартиби қандай ташкил этилишига қараб, уларнинг иши самарадорлигига баҳо бериш мумкин. Давлат аппаратини кадрлар билан таъминлашнинг ўлжа (spoils system) ва хизматлар (merit system) турлари мавжуд.

Ўлжа – тизимида раҳбарлик вазифасига эга бўлган шахс мухим вазифаларга ўзининг тарафдорларини жойлаштиришни маъқул билади. Бу тизим самара бермаслиги кўплаб мисоллар орқали ўзининг исботини топган. Бунда йиллар давомида кадрлар сифати ҳар томонлама пасайиб бориши оқибатида мамлакат тараққиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Хизматлар - тизимида мутахассислар давлат томонидан ташкил этилган очик ва мустақил танловлар орқали саралаб олинади. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, ҳар томонлама шаклланган, билимли ходимларни давлат органларида ишга қабул қилиш ва истиқболли кадрлар захирасига киритиб улар билан мунтазам ишлаш, лозим бўлганда уларга мухим давлат лавозимларни ишониб топшириш мумкин бўлади. Ҳозирда ривожланган давлатларда давлат хизматчиларни лавозимга тайинлашнинг “Англосаксон” тизимидан Буюк Британия, АҚШ, ҳамда “Роман-Герман” тизимидан Германия Япония каби давлатларда фойдаланилади. Роман-Герман тизимида ўсиш тамойили асосида бўш турган ўринларга қуий турувчи ходимларни жалб этиш орқали, англосаксон тизимида очик танлов асосида амалга оширилади.

Континентал ҳамда англосаксон хуқуқий тизимлар ўлжа тизимидан воз кечилиб, хизматлар тизимида ўтганлар. Хизматлар тизимини ўлжа тизимидан асосий фарқи давлат хизматчисининг сифати унинг давлат бошқаруви соҳасидаги малакасига бўлган маҳсус талаблардир. Давлат хизматига кадрларини тайёрлаш ва саралашнинг ташкил этиш бўйича француз тизимида давлат хизмати учун умумий таълим қаторида ихтисослаштирилган

<sup>1</sup> Иванова Е. Ю. “Государственная кадровая политика: Сущность и актуальные проблемы”: Социально-экономические явления и процессы. – № 1-2 (023-024), 2011.

таълим олиш мажбурийлигини келтириш мумкин. Францияда бундай таълим миллий маъмурий мактабда берилади.

Японияда давлат хизматига кадр танлашнинг хизмат тизими ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Бунда давлат хизматига кирувчилар учун танлов жорий этилади. Танловда иштирок этган номзодлар орасидан белгиланган мезонлар асосида баҳолангандан энг юкори балл олган иштирокчини танлаб олиш тартиби жорий этилган. Лавозими бўйича ўстириш тартиби ҳам шу тариқа иштирокчиларнинг билими ва малакасини аттестациядан ўтказиш орқали танлаб олинади.

Кадрлар захираси таркибини шакллантириш, коида тариқасида, иккита босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда кадрлар хизматлари томонидан тегишли бўлинмаларнинг раҳбарлари иштирокида кадрлар захирасига бўлажак номзодлар бўйича қидирув, олдиндан танлов, ўрганиш ва баҳолаш олиб борилади. Иккинчи босқичда кадрлар захирасига номзодларни касбий билимларини, кўникмаларини ва тажрибасини баҳолаш, номзодни хусусиятлар йигиндисини захираланаётган лавозим учун зарур бўлган талаблар билан таққослаш, номзодларни битта лавозим учун таққослаш ва захираланаётган лавозимга мос номзодни танлаб олишдан иборат. Номзодларни кўп томонлама баҳолаш уларни танлаб олиш жараёнини холислигини таъминлайди, субъектив факторлар таъсирини пасайтиради.

Номзодларни танлашда ходимнинг малака даражаси, касбий, ишбилармонлик, ахлоқий ва шахсий хусусиятлари тўғрисидаги барча маълумотларни комплекс, ҳар томонлама баҳолаш натижаларидан, щунингдек унинг фаолиятини аниқ натижаларининг баҳоланишидан фойдаланилади. Бунинг асосида масъул давлат лавозимини эгаллаш бўйича номзодларни салоҳият имкониятлари тўғрисидаги якуний ҳар томонлама асослантирилган хulosга чиқарилади<sup>1</sup>.

Номзодларни вазифага тайинлашда маҳаллийчилик, уруғ аймокчилик, коррупция каби иллатларга йўл кўймаслик учун кадрларнинг танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий асоси ва механизмини мустаҳкамлаш талаб этилади. Кадрлар белгиланган муддатларда аттестациядан ўтказиб туриш механизми мавжуд бўлсада, кадрларни дастлабки тайинлаш, уларни вазифаси бўйича ўстириш бошқа ишга ўтказиш, лавозимидан тушириш ёки озод қилиш каби масалаларнинг аниқ мезонлар асосида ташкил этиш тизимини такомиллаштириш лозим.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Маъмурий ислоҳотлар концепциясида<sup>2</sup> бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш иили”да<sup>3</sup> амалга оширишга оид давлат дастурида “Замонавий давлат бошқарувини босқичма-босқич жорий қилиш” белгиланган. Унга кўра:

- давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ва услублари ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРП) жорий қилиш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш. Бунда ойлик иш ҳақини давлат хизматчиси томонидан қилинаётган ишлар, уларнинг натижадорлиги, сифати, мураккаблиги, амалиётда тўғри ишлаётганлиги ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб белгилаш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш эвазига ижтимоий ҳимоя ва қайта тайёрлаш чораларини кўрган ҳолда давлат хизматчиларининг сонини қисқартириш;

<sup>1</sup> Ниязимбетов. В. Б. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида кадрлар захирасини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари: Дис. 2015, – Б 33.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда. <https://lex.uz/docs/3331174>

<sup>3</sup> Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон, 21.05.2019 й., 06/19/5722/3154-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон. <https://lex.uz/docs/4168749>

- вазирлик ва идораларнинг, айниқса, иқтисодиёт комплексига кирган ташкилотларнинг такрорланаётган функцияларини аниқлаш ва уларни тегишли идораларга ўтказиш ёки бекор қилиш;

- давлат хизматчилигининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Ташки савдо вазирликлари, Туризмни ривожлантириш ва Инвестициялар бўйича давлат қўмиталари фаолиятида синов тариқасида жорий этиш<sup>1</sup> белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5843-сон Фармонида<sup>2</sup> қўйидагиларни назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши белгиланган:

- мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган мақсад ва вазифаларига мос, давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини яратиш;

- табақалаштирилган ёндашувни инобатга олган ҳолда, ходимларни интеграциялашган энг муҳим самарадорлик кўрсатичлари (КРІ) асосида бошқариш ва фаолиятини баҳолашнинг замонавий усусларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш орқали ҳар ерда татбиқ этиш;

- давлат фуқаролик хизматчиларида коррупцияга қарши маданиятни ва коррупцияга тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатни шакллантиришнинг таъсирчан механизmlарини жорий этиш;

- истиқболли ва иқтидорли шахсларни, айниқса, ёшлар орасидан излаб топиш ва саралаб олиш, давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини (маҳаллаларни) кенг жалб қилиш орқали ушбу жараёнда гендер тенгликни таъминлаш;

- таълим муассасаларида танлов асосида давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш;

- ёш кадрлар учун давлат органлари ва ташкилотларидағи тажрибали раҳбарлар ва мутахассислар томонидан устозлик институтини жорий қилиш;

- давлат фуқаролик хизматида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича энг муҳим прогноз кўрсаткичларни ва уларни таъминлаш механизmlарини тасдиқлаш, давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш;

- давлат фуқаролик хизматчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва саломатлигини давлат томонидан мажбурий сугурталаш;

- давлат фуқаролик хизматчиларини ротация қилиш ва хизмат текширувларини ўтказиш механизмини жорий қилиш;

- давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш каби вазифалар белгиланган.

Давлат бошқаруви органлари, уларнинг раҳбар ва ходимларини баҳолаш кадрлар салоҳиятини юксалтиришга, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш тизимини жорий этишга амалий замини яратади. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг халқаро рейтингини яхшилаш имкониятини таъминлайди.

Энг асосийси, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан –

<sup>1</sup> 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ийли»да амалга оширишга оид давлат дастури. <https://strategy.uz/files/static/63145/dasturiyrosi01012020.pdf>

<sup>2</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон. <https://lex.uz/docs/4549998>

Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуидаги еттига устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида давлат бошқаруви органлари фаолиятини «фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш» тамойили асосида трансформация қилиш белгиланган<sup>1</sup>.

Бунда, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ тартиби, уларни бир-биридан фарқловчи мезонларни назарда тутивчи ҳуқуқий механизmlарни ишлаб чиқилиб, амалдаги давлат бошқаруви тизимини қайта кўриб чиқиш, давлат бошқаруви органларининг штат бирликларини оширишга чеклов ўрнатишнинг тартибини ҳамда кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезонларни белгилаш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш ва мазкур жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, вазирлик ва идоралар фаолиятининг барча йўналишларини «Давлат – халқ хизматчиси» тамойили асосида фуқарога хизмат қилишга йўналтириш назарда тутилган.

Кўпгина хорижий мамлакатларда давлат хизмати масалалари бўйича маҳсус ваколатли органлар фаолият юритади. Жумладан, **Франция**да маҳсус Давлат хизмати, **Давлат ислохоти ва марказ тасарруфидан чиқариш вазирлиги** мавжуд бўлиб, унинг таркибига **Маъмурият ва давлат хизмати бош дирекцияси** киради. Буюк Британияда мазкур масала Бош вазирнинг анъанавий раҳбарлиги остидаги Фуқаролик хизмати вазири бошқармаси томонидан амалга оширади. Фуқаролик хизмати ички ва дипломатик хизматларга бўлинади. Японияда Давлат хизмати соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ходимлар иши бўйича кенгашга юклатилган. Кенгаш парламентга, маҳкамага ва айрим вазирликларга кадрлар масаласи бўйича тавсиялар берувчи орган сифатида фаолият кўрсатади. Кенгашнинг бошқа ваколатлари орасида ўз ваколатлари доирасида давлат хизмати бўйича қоидалар ва кўрсатмаларни чоп этиш, давлат хизматчилари устидан шикоятларни кўриб чиқиш ва танлов имтиҳонларини ўтказиш ҳам мавжуд. **Канадада** бу Давлат хизмати комиссияси, **Америка Кўшма Штатларида** – Ходимларни бошқариш хизмати, **Германияда** – Федераль ходимлар кўмитаси. Бу органлар давлат хизмати сиёсатининг умумий йўналишларини ишлаб чиқади (Франция, Германия). Шу билан бирга, иккинчи навбатда, назорат вазифалари берилади. Аксарият ҳолларда бу маҳсус органлар давлатнинг энг юқори мансабдор шахслари ва органлари: Президент, Бош вазир, умуман Вазирлар Маҳкамаси ва парламентга бўйсунадилар ёки ҳисобдорлар.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатига доир номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишини таъминловчи, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга норматив-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очиқ ва мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

Кўпгина мамлакатларда давлат хизматига қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартиби, очиқлиги ва шаффошлиги қонун билан тартибга солинган. Бундан ташқари, давлат лавозимининг хусусиятидан келиб чиқиб, қабул қилиш тартиби фарқ қилиши мумкин. Мисол учун, Буюк Британияда мутахассис лавозимига хизматга қабул қилиш учун Фуқаролик хизмати ишлари бўйича Комиссия томонидан мутахассислик бўйича ўтказиладиган танловдан ўтиш шартлиги белгилаб қўйилган. Франция ва **АҚШ**да танлов ўтказишнинг “очиқ” ва “ёпиқ” тизими мавжуд. Биринчиси энг кенг тарқалган бўлиб, имтиҳон шаклида ўтказилади. Иккинчиси давлат аппаратининг энг юқори лавозимларига шунингдек, аниқ вазирликлар ва идораларга (давлат хавфсизлиги,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти Фармони.

соғлиқни сақлаш) татбиқ этилади ва мансаб ўсиши (иш стажи) тартибida рақобат шаклида бўлади.

**Сингапурдаги давлат хизмати** Осиёдаги энг самарали давлат хизматларидан бири ҳисобланади. Бу самарадорлик амалдорларнинг қатъий интизомга эгалиги, тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги, порахўрлик даражасининг пастилиги, меритократия тамойиллари асосида энг салохиятли номзодларнинг ишга олиниши, аъло тайёргарлик, тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида мунтазам ўтказиладиган тадбир-компанияларнинг; мамлакат сиёсий етакчилари томонидан кўйиладиган юксак талабларнинг, мукаммалликка тинимсиз интилиш натижасидир.

Давлат истиқболли ўқувчиларни эрта ёшданоқ аниқлаб олади, кузатиб боради ва уларнинг бутун ўқиши давомида рағбатлантириб боради. Улар университетларга кириш учун нафақалар олади, айримлари хорижга кетади. Ўз навбатида умидбахш ўқувчилар тўрт-олти йил давомида хукуматга ишлаб бериш мажбуриятини олади, булардан айримлари эса Халқ ҳаракати партиясига (ХҲП) киришга жалб қилинади. Энг яхши ва иқтидорли кишилар давлат хизматига киради. Сингапурдаги давлат билан боғлиқ компанияларга эса ушбу инсоний захираларга йўл очик.

Ҳақиқатан ҳам олий тоифадаги айрим амалдорлар ана шундай компанияларда бошқарув аъзолариdir ва уларда доимиy асосда ишлашга жалб қилиниши мумкин. Рақобатбардош маош истеъодли хизматчилар хусусий сектордаги маошга учмаслиги гаровидир.

Сингапурча меритократиянинг энг ғаройиб жиҳати унинг сиёсий етакчиларга ҳам тегишли эканидир. Сингапур хукуматида истеъодли кишилар кўп. Етакчиларнинг биринчи авлоди давлат тепасига келганда мерократия яхши давлат асоси бўлиб хизмат қилди.

Кўпгина хорижий мамлакатларда давлат хизмати лавозимига узил-кесил тайинлангунга қадар мансабдор шахслар синов муддатини ўтиши зарур. Жумладан, **Германияда синов муддатининг давомийлиги** амалдорлар даражасига боғлиқ. Бу муддат кўйи даража амалдорлари учун бир йилни, ўрта даража учун – икки йил, юқори даража учун – уч йил, олий даража учун – тўрт йилни ташкил этади. Бу энг кам синов муддати бўлиб, уни камайтиришга йўл кўйилмайди.

Шунингдек, айрим давлатларда давлат хизматчиларини рағбатлантириш турларининг рўйхати Давлат хизмати тўғрисидаги қонунларда белгиланган (**Қозогистон, Қирғизистон, Болгария, Латвия, Германия**)

Ўзбекистон сўнгги йилларда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар натижасида юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг қонун дориасида тартибга солинишига, шунингдек давлат хизматчиларини кучли ижтимоий ҳимоя, шунингдек хизмат пиллапоялари бўйича ўсиши адолат мезонлари асосида таъминлашга, давлат хизматини замон эҳтиёжларига мос равишда малакали мутахассислар билан таъминлашга асос яратилди. Хусусан, **“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”**ги<sup>1</sup> қонуннинг қабул қилиниши билан давлат фуқаролик хизматчиларининг хукукий макомини белгилашга, уларнинг ижтимоий ва хукукий ҳимояси масалаларини тартибга солишга ҳамда давлат фуқаролик хизмати соҳасида самарали фаолият йўлга кўйилишига хукукий замин яратилди.

Мамлакатда бошқарув кадрлари тизимининг асосларини ўзгариб бориши мамлакатнинг тараққиёт стратегияси, демократик ривожланишнинг тамойиллари, ислоҳотларнинг мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқ.

**Бунда**, раҳбар ва бошқарув кадрлар ҳамда профессионал давлат хизмати тизимининг инновацион усул ва воситаларини шакллантиришда ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятларига таянган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади, шунингдек ривожланган хорижий давлатларнинг замонавий кадрлар сиёсатида давлат хизматига қабул қилиш ва ротацияни кўллашда энг катта эътибор ходимларни танлаш услугига қаратилмоқда. Бунда давлат хизматини ташкил этишдаги мавжуд барча ижобий ёндашувлардан максимал фойдаланишга, катта иш тажрибасига эга бўлган профессионал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 08.08.2022 йилдаги ЎРҚ-788-сонли “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун

кадрларни сақлаш ва такомиллаштириш хисобидан унинг барқарорлигини таъминлашга интилмоқдалар. Раҳбар ходимларни ҳамда давлат хизматчиларини ўқитиш жараёнида асосий ургу назарий билимларгагина эмас, балки катта ташкилотларни бошқариш кўнімларини эгаллашга, амалий муаммоларни аниқ таҳлил қилишга ва уларни ҳал этиш стратегиясини ишлаб чиқиши масалаларига берилмоқда. Бу соҳадаги хориж тажрибасини Ўзбекистонда ҳам қўллаш имкониятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Иванова Е. Ю. Государственная кадровая политика: Сущность и актуальные проблемы: Социально-экономические явления и процессы. – № 1-2 (023-024), 2011
2. Ниязимбетов В. Б. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида кадрлар захирасини шакллантиришнинг ташкилий-хукукий асосларид, Дис. 2015, – Б. 33.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда. <https://lex.uz/docs/3331174>
4. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиши йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. <https://strategy.uz/files/static/63145/dasturiyrosi01012020.pdf>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 08.08.2022 йилдаги ЎРҚ-788-сонли “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун.

*Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган*

## **BO'LAJAK OFITSERLARNING MA'NAVIY TAFAKKURINI TAKOMILLASHTIRISH OMILLARI**

**Burxanov T.M. (O'zR Qurolli Kuchlari Akademiyasi)**

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada bo'lajak ofitserlarni ma'naviy tafakkurini takomillashtirish omillari ilmiy-amaliy jihatdan ochib berilgan. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tizimida ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish konsepsiyasidan kelib chiqqan holda akademiya tizimida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarning maqsad va vazifalari ilmiy nuqtayi nazardan asoslangan.

**Tayanch so'zlar:** *ma'naviyat, ma'naviy kamolot, milliy armiya, millat, shaxs, insoniy faoliyat, axloqiy ideal, ta'lim, tarbiya, iroda, jasorat, ezuq maqsad, talabchanlik, intellektual salohiyat.*

## **ФАКТОРЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДУХОВНОГО ПОЗНАВАНИЯ БУДУЩИХ ОФИЦЕРОВ**

**Annotatsiya.** В данной статье с научно-практической точки зрения обоснованы факторы мышления духовного развития будущих офицеров. А также, научно рассматриваются цели и задачи, осуществляемых работ и предпринимаемых мер, исходя из концепции повышения эффективности духовно-просветительских работ в системе Вооружённых Сил Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** духовность, духовное совершенство, национальная армия, нация, личность, человеческая деятельность, этический идеал, образование и воспитание, подвиг, благая цель, требовательность, интеллектуальный потенциал.

## **FACTORS FOR IMPROVING SPIRITUAL MENTALITY OF FUTURE OFFICERS**

**Annotation.** In this article, from a scientific and practical point of view, the spiritual development of future officers is justified. And also, the goals and objectives of the ongoing work and measures taken

are scientifically considered based on the concept of increasing the effectiveness of spiritual and educational work in the system of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** spirituality, spiritual perfection, national army, nation, personality, human activity, ethical ideal, education and upbringing, feat, good goal, exactingness, intellectual potential.

Bugungi kunda Qurolli Kuchlar tizimidagi muammolarni hal etishda, yangi bilimlarning vujudga kelishida nufuzli, ishonchli manbalarga asoslanib muhokama yuritish zamonaviy harbiy xizmatchining tafakkur madaniyatining o‘ziga xos xususiyatini ifodalaydi. Hozirgi davrda hayot sur’atlarining beqiyos darajada tezlashuvi, axborot oqimining kuchayishi Qurolli Kuchlar tizimidagi nufuzli manbalarning yangicha ma’no kasb etib, turli ko‘rinishlarda namoyon bo‘lishiga sabab bo‘lmoqda.

Mamlakatimiz Asosiy Qonunida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari davlat suverenitetini va hududiy yaxlitligini, aholining tinch hayoti va xavfsizligini himoya qilish uchun tuzilganligi alohida belgilab qo‘yilgan. Shu boisdan ham ushbu vazifalarni samarali amalga oshirishda mamlakatimiz xavfsizligi, xalqimiz tinchligi va osoyishtaligini ishonchli ta’minlaydigan professional hamda safarbar milliy armiyani shakllantirishga yordam beradigan yangi qonunlar, boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarni ishlab chiqish jarayonini muntazam davom ettirish muhim ahamiyatga ega. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari Akademiyasida zarur bilim, qobiliyat va ko‘nikmalarga, yuksak jangovar va ma’naviy fazilatlarga ega, o‘z Vatanini munosib himoya qilishga qodir yuqori malakali ofitser kadrlarni tayyorlash bo‘yicha samarali tizimni tashkil etishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Zero, bugungi kunda “Yuqori professional, harbiy va vatanparvarlik burchiga sadoqatli, fidoyi va mard harbiy xizmatchilarni tarbiyalash O‘zbekiston Respublikasining mustaqilligi va hududiy yaxlitligini himoya qilishning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi”[1]

Markaziy Osiyo mintaqasida, mavjud tahdidlarning, terrorchilik ko‘rinishidagi xavf-xatarlar va keskinliklarning kuchayishi mamlakatimiz xavfsizligi va hududiy yaxlitligini, jamiyatimizda hukm surayotgan tinchlik va totuvlikni ta’minlash naqadar dolzarb ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatadi. Bularning barchasi oldimizda paydo bo‘layotgan xalqaro va mintaqaviy tahdid va xatarlarga munosib javob berishga doimo tayyor bo‘lishni talab etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari Akademiyasida tahlil olayotgan bo‘lajak ofitserlar o‘z mamlakatining fuqarosi ekanliklarini bilishlari, o‘zlaridagi iroda va jasoratni, maqsadga intiluvchanlikni, ezgulik va talabchanlikni tarbiyalashi, maqtanchoqlikka, zo‘ravonlikka, loqaydlikka, boylikka ortiqcha ruju qo‘yish, boqimandalikka, zararli xulq-atvorlarga qarshi tura olishlari, vatanni, vatandoshlarini sevishlari, barcha millat vakillari bilan do‘splashishni uddalashlari, o‘qishda, san’atda, har qanday ishda ijodkorlikni namoyon etishga intilishi kerak.

Professional harbiy kadrlarni tayyorlashda O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi alohida o‘rin egallaydi. Zero, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondoni Shavkat Mirziyoev 2018-yilning 10-yanvarida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasida bo‘lib o‘tgan Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan yig‘ilishida so‘zlagan nutqida, “...o‘sib borayotgan avlodning turli terrorchi va radikal guruhlar tarkibiga qo‘shilishiga yo‘l qo‘ymaslik uchun ma’rifatga, yoshlarning axloqiy tarbiyasiga alohida e’tibor qaratish muhimdir”, deb ta’kidlagani ham bejiz emas?![2]

O‘zbekiston Respublikasi OHTM kursantlari o‘z vataniga daxldor bo‘lgan barcha narsa va hodisalarga jonli qiziqish bildirishi, ijtimoiy faol bo‘lib, jamiyatning yangilanishi, ijtimoiy boylikning ko‘payishi, mamlakat ravnaqi, tinchligi va osoyishtaligi, o‘z shaxsiy hissasining ko‘payishi uchun qayg‘urishi; Vatanga va do‘slikka sodiq bo‘lishi, o‘zidagi ezgulik, xayrixohlik, hamdardlik, shafqatlichkeit, samimiylilik, sabr-qanoatlilik, kamtarlik, andishalilik, mardlik, intizomlilik xislatlarini barqarorlashtirishi kerak. Zero, “Ma’naviyat, - deb yozadi A.Erkaev - millatning asrlar davomida shakllangan, ildizlari uning tarixiy tajribalari va ijtimoiy madaniy rivojlanishi bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan ichki (aqliy) intellektual va sobit hissiy (emotsional) dunyosidir”[3].

Insoniyat turmush tarzining tarixiy rivojlanish jarayoniga nazar tashlaydigan bo‘lsak, yuksak ma’naviyat har qanday vaziyatda ham jamiyat taraqqiyotining assosiy omillaridan biri bo‘lgan, uni yanada barqarorlashtirish esa, mamlakatda ro‘y beradigan tub burilish bilan bevosita bog‘liq bo‘lib, uning mazmun-mohiyatini tushunib yetish barcha uchun, milliy qadriyatlarga asoslangan holda unga amal qilish bo‘lajak ofitserlarni tarbiyalashda muhim ahamiyatga egaligi o‘tmish haqiqatlaridan biridir.

Xususan, oliv harbiy ta’lim muassasalarida ma’naviy-ma’rifiy yo‘nalishda dunyoqarashi va fikrlash doirasi keng bo‘lgan ofitserlarni tayyorlash hamda O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tizimidagi ma’naviy-ma’rifiy va madaniy soha uchun zardonlarning qurʼonini qo‘shishga, qurʼonning qurʼoniy qoidalari bilan ishlash, ularning muammolarini o‘rganish va hal etish ishlari lozim talablariga javob bermaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari ma’naviy-ma’rifiy ishlarni tashkil etishda davlat va jamoat tashkilotlari bilan samarali hamkorlik tizimi yaratilmagan. Harbiy xizmatchilarning oilalari bilan ishslash, ularning muammolarini o‘rganish va hal etish ishlari lozim darajada yo‘lga qo‘yilmagan[4].

Mamlakatimiz jahon hamjamiatiga tobora chuqur integratsiyalashib borayotgani, xalqimizning jahondagi rivojlangan millatlar qatoridan joy olishga intilishi moddiy – iqtisodiy omillar, yuksak texnologiyalar bilan bir qatorda, ma’naviy omillarni rivojlantirishni ham taqozo etadi. Lekin har ikki guruh omillarni rivojlantirishning o‘zi inson tafakkurining o‘sishiga, ijodiy yaratuvchilik salohiyatining kuchayishiga bog‘liq. Tub islohotlarning chuqurlashishi jarayonida ijtimoiy ongdagi o‘tmishdan qolgan ba’zi qolqo tushunchalar, ma’muriy buyruqbozlik illatlari, boqimandalik kayfiyatlarining sekin barham topayotgani yoki ba’zi yoshlarga buzg‘unchi, yot g‘oyalar ta’sir ko‘rsatayotgani, mafkuraviy immunitet yetishmasligi tafakkur erkinligi masalasining dolzarbligini oshirmoqda.

Shu o‘rinda O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tizimida ma’naviy-ma’rifiy ishlarni samaradorligini oshirish konsepsiyasidan kelib chiqqan holda O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi kursantlarining bilim va tajribalarni yuksaltirish bo‘yicha zamonaviy ta’lim va tarbiya tizimi talablarga javob beradigan ishlarni o‘lga qo‘yilganligini alohida ta’kidlash lozim. Darhaqiqat, mazkur tizim bugungi kunda harbiy kadrlarni nafaqat o‘z mahoratini, nazariy va amaliy bilimlarini takomillashtirish imkonini beradi, balki ularga kelajakda jangovar xizmat faoliyatida tajriba hamda mahoratga ega bo‘lish uchun keng imkoniyatlar yaratadi. Bu borada yangi “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining axloqiy-ruhiy ta’minoti konsepsiyası”[6] ishlab chiqildi.

O‘z navbatida, bo‘lajak ofitserlarni o‘qitish va tarbiyalash ishlari yangicha fikrlaydigan, Vatani, xalqi va mamlakatiga sodiq ofitser kadrlarni shakllantirishni ta’minlaydigan mutlaqo yangi o‘quv-texnik hamda ma’naviy-axloqiy tizimni yanada takomillashtirishni taqozo etadi. Bizning nazarimizda, ma’naviyat millatni taraqqiyotga yetaklovchi, davlatning qudratini oshiruvchi muhim omil sanaladi. Chunki qayerda, qaysi mamlakatda ma’naviyat bo‘lsa, o‘sha joyda, o‘sha mamlakatda johillik, hasadgo‘ylik, beparvolik, xudbinlik, yalqovlik, manmanlik, tekinox‘rlik, ko‘rolmaslik, yovuzlik, tuhmat qilish kabi salbiy illatlarga o‘rin qolmaydi. Shu nuqtayi nazardan O‘zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari akademiyasi kursantlarining ma’naviy kamolotini yuksaltirish zamini – bo‘lib xizmat qiladigan milliy-ma’naviy qadriyatlarimizni asosiy turlarga ajratishga va ularning ma’naviy fazilat sifatida ularga o‘rgatish muhim hisoblanadi. Bo‘lajak ofitserlar kundalik faoliyatida ma’naviyatning moddiy kuchga aylanishi avvalo ularning xatti-harakatlarida, o‘z oilasi, millati va Vataniga bo‘lgan munosabatlarida namoyon bo‘ladi.

Bo‘lajak ofitserlarning bilishga bo‘lgan qiziqishini orttirishda ular o‘rtasidagi ilmiy-ijodiy raqobatning ahamiyati katta. Bu raqobat dars jarayonida, ilmiy to‘garak majlislarida, ilmiy-nazariy, ilmiy-amaliy yig‘inlarda va turli daraja va yo‘nalishga ega bo‘lgan ko‘rik va olimpiadalarda yanada o‘tkirlashadi va bu kursantlarga izlanish rag‘batini beradi. Bu borada akademiya tizimida samarali ishlarni amalga oshirilmoqda. Ammo ularga zamonaviylik va talabchanlik, ijodkorlik ruhini ko‘proq singdirish lozim. Bu raqobat davlat tashqarisiga chiqishi, mamlakat yoshlari o‘z ilmiy salohiyatlarini milliy g‘urur va iftixor sifatida xalqaro

auditoriyalarida ham namoyish qilishlari kerak. Zero, bugungi kunda “...ko‘rilayotgan chora tadbirlarga qaramasdan, harbiy kadrlarni tayyorlash tizimi zamон talablariga to‘liq javob bermaydi. ...harbiy o‘quv yurtlarida zamонави shart-sharoitlarni xo‘jako‘rsinga yaratгanımız yo‘q. ...Aksincha, kursantlarimiz va tinglovchilarimiz ta‘lim sohasida eng ilg‘or, innovatsion bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lishi zarur. Mana, bizning asosiy maqsadimiz” [7].

Tarixga nazar tashlasak, yurt ozodligi yo‘lida dushmanga qarshi mardonavor kurashgan Shiroq, To‘maris, Jaloliddin Manguberdi, Najmuddin Kubro, Amir Temur, Bobur kabi buyuk vatandoshlarimizning jasoratlari bilan bugun barchamiz faxrlanamiz.

Ajdodlarimiz, garchi buyuk bunyodkor va jahongir bo‘lishsa-da, kuch-qudrat zo‘rlik va zo‘ravonlikda emas, aksincha,adolatda, hamjihatlik va hamkorlikda ekanini nihoyatda chuqr anglaganlar. Ularning davlatni oqilona boshqarishlari, o‘ta mushkul va imkonsiz vaziyatda ham to‘g‘ri yo‘l, tadbir topa olish qobiliyatları, noyob aql-zakovatlari har qanday odamni hayratga soladi.

Ularning turmush tarzları, bosib o‘tgan yo‘llari, faoliyatları, olib borgan siyosatlari, hayotiy ijodi bilan tanishib, har birining Vatanining sodiq farzandi sifatida yurtiga sadoqat bilan xizmat qilganliklarini tahlil qilsak, u zotlar ona tuprog‘ining zarrachasiga ham dog‘ tushmasligi uchun mard, jasur bo‘lib, zamonasining fidoiy harbiylari bo‘lganliklariga guvoh bo‘lamiz.

Xususan, insonlarda yuksak vatanparvarlik ruhini yanada rivojlantirish maqsadida **ASKAR** – **Ayovsiz**, **Sergak**, **Kuchli**, **Adolatli**, **Raqib** so‘zlaridan tashkil topgan iborani o‘z yurtini sevadigan har bir inson o‘zi uchun shior sifatida qabul qilib, uni keng ma’noda quyidagicha talqin qilish mumkin:

- **ayovsiz** tarzda dushmanga qarshilik qilish, matonatli, qat’iyatli, eng muhim bergan qasamyodiga sodiq o‘g‘lon bo‘lish;
- **sergak**, hushyor turib, har qanday tahdidlarga nisbatan hech qachon ziyraklikni yo‘qotmaslik;
- **kuchli**, mard, jasur, qo‘rqmas, botir farzand bo‘lib, mavjud tajovuzlarni yengish, Vatan ravnaqi yo‘lida o‘z oldiga qo‘ygan yuksak maqsadiga erishish;
- **adolatli**, bilimli, dono, komillik ila, ona yurtiga sadoqat bilan xizmat qilish;
- **raqib** sifatida, yengilmas qudratli pahlavon kabi metinday turib, har qanday yovuzlikni yanchish.

**Ayovsiz** bo‘lib dushmanga, sodiq qolsang qasamyodga,  
**Sergak**, hushyor, ziyrak tursang, har qandayin tahlidiga,  
**Kuchli**, jasur, mard bo‘lsang, tajavvuzni yengishda,  
**Adolatni** qilsang toj, gar chiqargan xukmingda,  
**Raqib** paxlovon debon, yo‘qolgay yov shu onda.

Demak, vatanparvar – bu oddiy askar yoki ofitser, ishchi yoki xizmatchi, dehqon yoki tadbirkor, xodim yoki rahbar bo‘lishidan qat‘i nazar “yurtimning sodiq farzandiman” deb sadoqat bilan xizmat qiladigan insondir.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, professional harbiy kadrlarni tayyorlash davlatimiz, milliy armiyamiz oldidagi eng muhim vazifalardan hisoblanadi. Shundan kelib chiqib aytish mumkini, jamiyat taraqqiyotining har bir yangi bosqichi kishilarning ma’naviy kamolotida ham yangi davrning yuzaga kelishi bilan xarakterlanadi. Ma’naviyatsiz adolatli, yuksalish imkoniyatiga ega bo‘lgan jamiyat bo‘lmaganidek, jamiyatsiz ma’naviyatning ham bo‘lishi mumkin emas. Jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy sohalarida mavjud bo‘lgan muammolarni ma’naviyatni ko‘tarish, unga tayanish orqali hal etish mumkin. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, harbiy kadrlarda ma’naviy-ahloqiy fazilatlarni rivojlantirish ularning o‘z milliy-tarixiy, madaniy merosiga qanchalik sodiqligini qaror toptirish bilan chambarchas bog‘liq desak to‘g‘ri bo‘ladi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 08.08.2018y., 07/18/3898/1622-son; 11.12.2019y., 06/19/5892/4134-son; 23.04.2020y., 06/20/5983/0490-son
2. Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasida bo‘lib o‘tgan Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan yig‘ilishida so‘zlagan nutqi // 10.01.2018y.
3. Erkaev A. Ma’naviyat – ustun yo‘nalish.//Iqtisod va hisobot, 1996. 2-son. – B. 20-22.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 4-avgustdagi PQ-3898-son "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilarining ma'naviy-ma'rifiy saviyasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi Qarori. "O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami", 2018-yil 13 avgust, 32-soni, 656-modda.

5. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 08.08.2018y., 07/18/3898/1622-soni; 11.12.2019 y., 06/19/5892/4134-soni; 23.04.2020y., 06/20/5983/0490-soni

6. O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 2-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari axloqiy-ruhiy ta'minoti konsepsiyasi".

7. Mirziyoev Sh. Xavfsizlik kengashi majlisidagi "Qurolli kuchlarimiz – mamlakatimiz barqarorligi va taraqqiyotining mustahkam kafolatidir" mavzusidagi nutqi. Xalq so'zi gazetasi, 2018-yil, №3.

*Nashrga prof. S. Choriyev tavsiya etgan*

## ZAMONAVIY O'ZBEK PUNKTUATSIYASINING G'OVAYVIY-ETNIK TARAQQIYOTI VA DOLZARB MUAMMOLARIGA DOIR

Baxriddinova B.M. (QarDU)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tinish belgilarining funksional taraqqiyoti, punktuatsiyaning umumiy nazariy asoslari, o'zbek punktuatsiyasining xususiy – milliy-etnik taraqqiyoti, zamonaviy o'zbek tilshunosligida punktuatsiya muammolari va ularning yechimlari xususida so'z boradi.

**Tayanch so'zlar:** punktuatsiya, interpunksiya, muallif punktuatsiyasi, reklama matnlari punktuatsiyasi, internet matnlari punktuatsiyasi, punktuatsion sinonimiya, punktuatsion polisemiya, punktuatsion omografizm, punktuatsion minimum, punktuatsion arxaizm, punktuatsion kalka, o'rindosh (alternativ) belgilar, fakultativ belgilar, variativ belgilar, punktuatsion transformatsiya, punktuatsion usus

### ОБ ИДЕОЭТНИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ И АКТУАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМАХ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПУНКТУАЦИИ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются функциональное развитие знаков препинания, общетеоретические основы пунктуации, специфически – национально-этническое развитие узбекской пунктуации, проблемы пунктуации в современном узбекском языкоznании и их решения.

**Ключевые слова:** пунктуация, интерпункция, авторская пунктуация, пунктуация рекламного текста, пунктуация интернет-текста, пунктуационная синонимия, пунктуационная полисемия, пунктуационный омографизм, пунктуационный минимум, пунктуационный архаизм, пунктуационная калка, замещающие (альтернативные) знаки, факультативные знаки, вариантные знаки, пунктуационная трансформация, пунктуационный узус

### ON THE IDEOETHNIC DEVELOPMENT AND CURRENT PROBLEMS OF MODERN UZBEK PUNCTUATION

**Annotation.** This article discusses the functional development of punctuation marks, the general theoretical foundations of punctuation, the specific national-ethnic development of Uzbek punctuation, the problems of punctuation in modern Uzbek linguistics and their solutions.

**Key words:** punctuation, interpunctuation, author's punctuation, advertising text punctuation, Internet text punctuation, punctuation synonymy, punctuation polysemy, punctuation homographism, punctuation minimum, punctuation archaism, punctuation call, replacement (alternative) signs, optional signs, variant signs, punctuation transformation, punctuation usus.

Keyingi yillarda mamlakatimiz ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotida ro'y bergan o'zgarishlar davlatning ramziy belgilaridan biri, aloqa-aratashuvning muhim vositasi, ijtimoiy-ruhiy hodisa bo'lgan til va uning tadqiqi bilan shug'ullanuvchi tilshunoslik taraqqiyotida ham yangi davrni boshlab berdi. Mustaqil davlatning rasmiy tili sifatida ona tilimizning me'yoriyligiga talab yanada ortdi. Tilning me'yoriyligini imloviy, punktuatsion, uslubiy qoidalar darajasi belgilab beradi.

Tinish belgilari boshqa til hodisalari kabi yozma nutqqa xos fenomen va tilning yordamchi axborat uzatish vositasi bo'lib, inson ruhiyati bilan bog'liq turli tushunchalarning nutqiy vogelikka ko'chirish vositasi hisoblanadi. Bu esa so'nggi yillarda jahon tilshunosligida tinish belgilari tadqiqiga nafaqat punktuatsiya, ortologiya va grammatika, balki uslubshunoslik, matn lingvistikasi, kompyuter va korpus lingvistikasi, kognitiv tilshunoslik, psixologiya, pedagogika, lingvopoetika, nutq madaniyat, semiotika va boshqa fanlarning muammozi sifatida yondashish zaruratini yuzaga keltirdi.

Punktuatsiya taraqqiyotining zamonaviy antropotsentrik bosqichida tinish belgilarining umumiy nazariy asoslarga bo'ysunmagan, "subyektiv" lingvistik tafakkur xususiyatlari bilan bog'liq milliy-etnik rivoji diqqatni torta boshladи. Ilg'or punktuatsion an'analarning me'yorga aylanishi – punktuatsion uzus bilan birga tartibga solinmagan, mavjud me'yorlarga amal qilmaydigan noodatiy punktuatsiya shakllandi<sup>1</sup>.

Ayniqsa, muayyan muallif – shaxs yoki uslubga xos bo'lgan muallif punktuatsiyasi tushunchasining paydo bo'lishi badiiy, ilmiy, rasmiy, ommabop matnlari,

<sup>1</sup> **Qarang:** Дондик Л.Ю. Функционирование пунктуационных знаков в тексте: сопоставительное исследование на материале французского и русского языков: автореф. дис... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2007. - 22 с. 4

*punktuatsiyasi, internet matnlari, ijtimoiy tarmoqlar punktuatsiyasi* kabi tushunchalarni yuzaga keltirdi<sup>1</sup>. Tinish belgilarining kommunikativ-pragmatik, lingvopoetik, semiotik, kognitiv, emotsiyonal-ekspressiv, estetik, stilistik aspektlariga bag'ishlangan tadqiqotlar yuzaga keldi. Tinish belgilari matematika, kompyuter va korpus lingvistikasi, pedagogika, psixologiya fanlarining muammosiga aylandi<sup>2</sup>. *Punktuatsion sinonimiya, punktuatsion polisemiya, punktuatsion omografizm, punktuatsion minimum, punktuatsion arxaizm, punktuatsion kalka, o'rindosh (alternativ) belgilar, fakultativ belgilar, variativ belgilar, punktuatsion transformatsiya, punktuatsion uzus* kabi yangi-yangi tushunchalar paydo bo'ldi<sup>3</sup>.

Garchi o'zbek tilshunosligida punktuatsiya bo'yicha antropotsentrik yo'nalishda deyarli maxsus tadqiqotlar olib borilmagan bo'lsa-da, tinish belgilari tadqiqiga nisbatan yangicha yondashuvlarni K.Nazarov, S.Karimov, B.Bahriiddinova, "O'zbek tili me'yirlari (punktuatsiya)" kitobi, shuningdek, F.T.Karimov, O'.J.Esonov, N.M.Qambarov, I.Nurmurotovlarning ishlardida uchratish mumkin<sup>4</sup>. So'nggi yillarda bu sohada bajarilgan salmoqli ishlardan biri sifatida D.To'rayevning dissertatsiyasini alohida aytib o'tish mumkin. U hozirga qadar dunyoning aksariyat tillari, xususan, ingliz, rus tillari uchun amal qiluvchi umumiy punktuatsion sistema va o'zbek punktuatsiyasini bog'lovchi umumiy mantiqiy-grammatik asoslar va ularning mustaqil taraqqiyoti bilan bog'liq nazariy va amaliy jihatlarni qiyosiy o'rganish asosida o'zbek punktuatsiyasining joriy me'yorlarini isloh qilishga doir ilmiy-amaliy tavsiyalarni taklif qildi<sup>5</sup>.

Zamonaviy punktuatsiyada taraqqiyoti turli tillarda shu til mansub jamiyatning ijtimoiy-madaniy, iqtisodiy-siyosiy taraqqiyoti, qolaversa, axborot-kommunikativ texnologiyalarning rivojlanishi, virtual muloqot shakllarining ko'payishi bilan bog'lanadi. Amaldagi punktuatsion tizim punktuatsiyaning klassik an'analarini bilan uyg'unlashgan zamonaviy konsepsiylari, xususan, ayrim tinish belgilarining funksional evolyutsiyasi kuzatilayotgani bilan e'tiborni tortadi.

"Davlat tili haqida"gi Qonunning 7-bandida "Davlat tili rasmiy amal qiladigan doiralarda o'zbek adabiy tilining amaldagi ilmiy qoidalari va normalariga rioya etiladi", deb qat'iy belgilab qo'yilgan bo'lsa-da, so'nggi yillarda imloviy va uslubiy me'yorlarga nisbatan tinish belgilarini qo'llash bilan bog'liq ilmiy qoidalarning buzilishi ko'zga ko'proq tashlanib qolmoqda. Ayniqa, nuqta, vergul, tire kabi ko'p funksiyali tinish belgilarining loqaydlik bilan pala-partish ishlatalishi yozuv madaniyatiga, u orqali milliy madaniyatga putur yetkazmoqda.

Yozuvning bir qismini tashkil etuvchi tinish belgilari sistemasi va ularni qo'llash qoidalari o'tgan asr o'rtalaridayoq ishlab chiqilgan. Biroq zamonaviy o'zbek adabiy tilida:

1) qoidalashtirishda ko'p o'rinnlarda punktuatsiyaning umumiy me'yirlari (punktuatsion kalka)dan kelib chiqilganligi va garchi ularning aksariyati zamonaviy yozuv amaliyotida ahamiyatini yo'qotgan, iste'moldan chiqqan bo'lsa-da, mazkur qoidalarning hanuz amal qilibi kelayotgani;

2) o'zbek tili grammatikasining milliy nuqtai nazardan tadqiq qilinishi natijasida tilning grammatik qurilishi talqinida yuz bergan o'zgarishlar;

3) inson omili, yozuvchi va noshirlarning bilim darajasi, individual yondashuvlari, matbuot, nashriyot ishlarining taraqqiy etishi, muayyan tipografiya, nashriyotlarning o'ziga xos ish uslubi, an'analar;

<sup>1</sup> **Qarang:** Захарова Е.О. Нерегламентированная пунктуация как признак рекламного текста: автореферат диссертации...к.ф.н. – Томск, 2010. – 24 с.; Parkes M.B. Pause and effect: an introduction to the history of punctuation in the west. Aldershot, Hants: Scholar Press, 1992.

<sup>2</sup> **Qarang:** Кольцова Л.М. Художественный текст через призму авторской пунктуации: диссертация ... докт. филол. наук. – Воронеж, 2007. –377 с.; Канафьева А.В. Функции авторской пунктуации в художественном тексте: Дисс... канд. филол. наук: – М., 2000. – 121с.

<sup>3</sup> **Qarang:** Meyer C.F. A Linguistic Study of American Punctuation. N-Y.: Lang, cop., 1987.- 159р.; McDermott J. Punctuation for Now. Basingstoke; L.: Macmillan, 1990. – 213р.; Nunberg G. The Linguistics of Punctuation. Stanford: Center for the study of lang. and inform, 1990. – 141 р.

<sup>4</sup> **Qarang:** Назаров К. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. –Тошкент: Фан, 1974. –68 б.; Баҳриддинова Б.М. Замонавий ўзбек пунктуацияси асослари. Монография. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 125 б.; O'zbek me'yirlari (punktuatsiya).Tuzuvchilar: N.Mahmudov, A.Madvaliyev, N.Mahkamov, D.Andaniyozova. – Toshkent: Zamin nashr, 2021. – 232 б.

<sup>5</sup> To'rayeva D.M. Umumiy va xususiy punktuatsion me'yorlar hamda ularning mantiqiy-grammatik asoslari (o'zbek, rus va ingliz tili materiallari misolida): Filol. fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)... diss. – Termiz, 2023. – 142 b.

- 4) adabiy til uslublarining taraqqiy etishi, yozma nutq madaniyatining o'sishi;
- 5) ijod maktablarining an'analari, "muallif punktuatsiyasi", badiiy adabiyot va publisistikada turli qoliplarga daxlsiz erkin ijodga keng yo'l ochilishi natijasida tinish belgilarining mavjud qoidalarga bo'ysunmagan holda poetik maqsadlarda ishlatilayotganligi;
- 6) axborot-kommunikativ texnologiyalarning rivojlanishi, virtual muloqot shakllarining ko'payishi.
- 7) punktuatsion ta'limotda sinonimiya, vazifadoshlik, ko'pma'nolilik kabi tushunchalarining paydo bo'lishi;
- 8) nutqni ixchamlashtirish, ta'sirchanlikni oshirish uchun xizmat qiluvchi ayrim tinish belgilari vazifalarining ortishi, funksional jihatdan murakkab bo'lgan ba'zi tinish belgilarining siqb chiqarilishi va boshqalar sohada yangi-yangi muammolarning kelib chiqishiga sabab bo'ldi.

Sanab o'tilganlar amaliyotdagi mavjud punktuatsion me'yorlarni o'zbek tilining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib isloh qilish masalasini kun tartibiga qo'ymoqda.

Mustaqillik til hodisalariga milliy nuqtayi nazardan yondashish, uni turli zamonaviy usullar asosida tadqiq etish imkonini berdi. Tilshunoslikning barcha sathlarida sezilarli o'zgarishlar yuz berdi. Fe'lning turkiy tillar gap qurilishida tutgan o'rniga ko'ra mustaqil so'zlar ichida birinchi o'ringa chiqarilishi, kesimning gap markazi sifatida talqin qilinishi, tobe tarkibili qo'shma gaplar tasnifi va tadqiqida yuz bergen o'zgarishlar ayrim tinish belgilarining qo'llanilishi masalalarini ham milliy til nuqtai nazaridan qayta ko'rib chiqish ehtiyojini yuzaga keltirdi. Shuningdek, adabiy til uslublarining taraqqiy etishi, nashriyot, matbaachilikning rivojlanishi, nutqni ixchamlashtirish, ta'sirchanlikni oshirish uchun xizmat qiluvchi ayrim tinish belgilari funksiyasining ortishi, badiiy adabiyot va publisistikada turli qoliplarga daxlsiz erkin ijodga keng yo'l ochilishi ham sohada muammolarning kelib chiqishiga sabab bo'ldi. Ulardan ayrimlarini ko'rib o'tamiz:

1. Yaqinga qadar ergash gapning kesimi deb qaralganligi sababli ravishdosh, ko'makchi qurilmali yoki kelishikli sifatdosh, harakat nomi shakllaridan so'ng qo'shma gap tarkibidagi sodda gaplarni ajratish maqsadida vergul ishlatilgan: *Buni Saidiy keyinchalik Munisxon dan eshitib, Kenjaga bo'lgan adovati yanada ortdi.* (A.Q.) Buning ta'sirida hatto ergash gapning kesimi bo'lib kelmagan hollarda ham mazkur shakllardan so'ng vergul ishlatish odatga aylangan: *Saidiy hikoyani bir haftada tamom qilib, Ilhomga ko'rgani bergen edi.* (A.Q.) *O'ringa kirib, uyquga ketguncha qaldirg'ochdan ko'z uzmas edik.* (X.Do'stmuhammad)

Oqibatda ravishdosh, ko'makchi qurilmali yoki kelishikli sifatdosh, harakat nomi shakllaridan so'ng ergash gapning kesimi deb qaralgan hollarda ham, kengaygan birikmali hol bo'lib kelganda ham ayrim hollarda vergulning ishlatilishi, ayrim hollarda ishlatilmasligi bilan bog'liq xilma-xillik yuzaga keldi: *Shahodat xola mandarindan bittasini archib, og'ziga soldi.* (O'.Umarbekov) *Shahodat xola ko'zini daryo qilib xatni Qoravoyning qo'lidan oldi...* (O'.Umarbekov) *Tomosha qilib turib, ilohiy qushligiga ishonib qolasan...* (X.Do'stmuhammad) *Hiddan qo'nglim ayniganday bo'lib chol o'tirgan ayvonga yo'l oldim.* (N.Eshonqul)

Tilshunosligimizning keyingi taraqqiyoti davomida kesimning zamon, shaxs-son, mayl, tasdiq-inkor ma'nosiga ega bo'lib gapdagi barcha bo'laklarni o'ziga bevosita yoki bilvosita tobelantiruvchi mutlaq hokim bo'lak, gap markazi ekanligi isbotlandi. (7) Ravishdosh, kelishik yoki ko'makchi qurilmali sifatdosh, harakat nomi shakllari kesimlik belgilariga ega bo'limganligi bois bugungi kunda – *Ufq qizg'ish tusga kirib, tong yorishardi.* (Sh.R.) *Erkalatgach onasi, taltayadi bolasi.* (Maqol) *Arava omborga borib-kelguncha, lavlagini xirmon qilib o'yib tashlaymiz* (O'.H.) *Vodiylarni yayov kezganda, bir ajib his bor edi menda.* (H.O.) *Tong otishi bilan, yo'nga tushdik* – tipidagi gaplarga kengaygan birikmali hol ishtirok etgan sodda gap sifatida qaraladi. Yuqoridagi bo'limlarda aytilganidek, har qanday to'xtam, sintagmadan so'ng tinish belgisini qo'llashga asos yo'q. Shu sababli bunday holatlarda vergulning ishlatilishi o'rinsiz.

Tilshunosligimizda vergulning ishlatilish o'rinnari qat'iy belgilangan. An'anaviy tilshunoslikda *Bahor kelib, kunlar isidi* tipidagi gaplar tobe gapli qo'shma gap sifatida qaralgani uchun ular orasida vergul ishlatilgan; *Bilsam aytardim* tipidagi gaplar sodda gap sifatida qaralgani uchun tarkibida vergul qo'llanmagan. Sodda va qo'shma gaplarni ajratishda shakllangan (zamon, shaxs-son, mayl, tasdiq-inkor) kesimning gapda ishtirokiga tayanuvchi sistemaviy tilshunoslik

nuqtai nazaridan *Bahor kelib kunlar isidi* gapida ravishdosh kengaygan birikmali holdan so‘ng (*Bahor kelib*) vergulga ehtiyoj yo‘q. Biroq *Bilsam, aytardim* tipidagi gaplar harakat bitta bajaruvchi – egaga tegishli bo‘lsa-da, shakllangan kesim birdan ortiq bo‘lganligi sababli qo‘shma gap hisoblanadi va ularning qismlari vergul bilan chegaralanadi.

Nutqimizda yuqorida har ikki holatga tegishli bo‘lmagan quyidagi tipdagisi gaplar ham keng ishlataladi: *Milliy maskura nazariy faoliyat bilan bog‘liq bo‘lib, u ma‘naviyatning tarkibiy qismini tashkil etadi.* (Gaz.) *Ularning uyi biznikidan ikki uy narida bo‘lib, maktab hovlisi bilan tutashib ketgan edi.* Bunday gaplar bir qarashda ikkita shakllangan kesimiga egaligi bilan (*bog‘liq, tashkil etadi; narida, tutashib ketgan edi*) qo‘shma gapga, birinchi gap kesimi bog‘lamali bo‘lib, bog‘lama mustaqilligini yo‘qotayotganligi sababli sodda gapga yaqin turadi. Ahamiyatlisi, bu tipdagisi gaplarni keyingi tadqiqotlarda sodda va qo‘shma gaplar orasidagi uchinchiligi hodisa sifatida talqin qilinayotgan uyushgan gaplarga kiritish ham munozarali. Sababi uyushgan gap qismlari orasida o‘zaro tenglik saqlanadi, bunda ravishdosh shaklidagi bog‘lamaga teng keluvchi nomustaqlil fe’l tobe tarkibli qo‘shma gaplardagi bog‘lanishni eslatadi. Hikoya, bayon uslubidagi mazkur gaplarda aksariyat hollarda birinchi gapning kesimi o‘tgan zamon ma‘nosidagi *bo‘lib, hisoblanib, sanalib, deyilib* kabi bog‘lamalar bilan shakllangan ot-kesimiga teng keluvchi qurilmalar, ba’zan sifatdosh+*bo‘lib* shaklidagi fe’l-kesimiga teng keluvchi qurilmalar bilan ifodalanadi: *Bu bola asli Buxoroda tug‘ilgan bo‘lib, ayni paytda Qarshida istiqomat qilar edi. Hovli chinnidek tozalangan bo‘lib, atrofsda hech kim ko‘rinmasdi. U guruh yetakchisi hisoblanib, hamma unga bo‘ysunardi. Lola a‘lochilardan sanalib, guruhda o‘ziga xos o‘rnini bor edi.* Мазкур курилиши gaplar o‘zbek tilida qo‘shma gaplar tasnifidan joy olmagan. Biroq gap qismlari alohida mantiqiy urg‘u, ohang butunligi, predikativlikka egaligi bilan tobe tarkibli qo‘shma gaplarni eslatyapti. Bunday ravishdosh shakllari nafaqat ikki so‘zni, balki tobe tarkibli qo‘shma gap qismlarini bog‘lash imkoniyatiga ham ega degan xulosa kelib chiqadi. *Deb so‘zi kabi bo‘lib yordamchisi ham tobe gapni hokim gapga bog‘lashi mumkin: Bolalar qiyalmasin deb, mavzu sodda tushuntirildi / Xonaga kirganimda allaqachon dars tugagan bo‘lib, bir-ikkitagina bola qolgan edi.* Bunday qurilishli gaplar orasida vergul ishlatilishi o‘rinli. Umuman, sodda va qo‘shma gaplar orasidagi ushbu hodisa alohida tadqiq etishni talab etadi.

2. Muallif uslubiga ko‘ra ajratilgan izoh bo‘laklarning ba’zan tire, ba’zan vergul bilan gapdan chegaralanishi, ba’zan faqat bir tomonidan, ba’zan ikki tomonidan ham tinish belgisi bilan ajratilishi uzlusiz ta’lim bo‘g‘inlarida tinish belgilariga doir mavzularni o‘qitish ishlarida muammolarni keltirib chiqarmoqda. Jiddiy nashrlarda tinish belgilarini ishlatishda qat’iy belgilangan me’yorlarga amal qilinadi va ushbu me’yorlar haqida gapirliganda, odatda, shunday matnlardan misollar keltiriladi. Ammo, darsliklarda mavzuni o‘qitishda badiiy asarlardan tinish belgilarini muallif uslubiga ko‘ra qo‘llangan matnlar berilganda chigallik yuzaga keladi. Deylik, o‘quvchiga “Ushbu gapda // belgisi o‘rnida qanday tinish belgisi ishlatiladi? Ayol // sochlari parishon, oyoqlari yalang, yoqasi ochiq // ko‘chaga otildi. A. Nuqta B. Vergul S. Tire D. Ikki nuqta” tipidagi savol berildi. Ushbu o‘rinda vergul ham, tire ham ishlatilishi mumkin. Mavjud qoidalarga tayanib o‘quvchi “Tire” variantini tanlaydi. Biroq yozuvchi matnda verguldan foydalangan. Bizningcha, qat’iy qoida (ajratilgan izoh bo‘laklarning uyushib o‘z ichida vergullari bo‘lganda gapdan tire bilan, boshqa barcha hollarda vergul bilan gapdan chegaralanishi) va muallif uslubi (vergul-tire sinonimiyasi) ajratilib, ta’limning quyi bo‘g‘inlarida o‘quvchining yosh xususiyatini hisobga olib darsliklarning muammoli holatlardan xoli bo‘lishini ta’minlash kerak.

3. Ko‘rinishidan muallif gapi va ko‘chirma gapni eslatadigan, aslida sifatdosh kengaygan birikmali aniqlovchi yoki ravishdosh kengaygan birikmali holdan so‘ng vergul, tire yoki ulardan birining ba’zan qo‘yilishi, ba’zan qo‘yilmasligi: *Onam sho‘rlik qaldirg‘ochlar uya qoldig‘ini olib yana joyiga yopishitirib qo‘yadi degan ilinjda shunday qildilar.* (X.Do‘stmuhammad) *O‘rinboy og‘amning o‘rnini bosar deb, O‘rinboy ot qo‘yuvdim.* (X.Sultonov) “Yaxshi niyatli odam eshikni bunaqa ehtiyyotlik bilan ochmaydi”, degan fikr vujudini qalqitib yubordi. (T.Murod) *Men ellik yil muqaddam hech kimdan tuhfa olmayman deb Allohga qasam ichganman, mabodo, sovg‘a olguday bo‘lsam, albatta, sendan olgan bo‘lardim.* (Sh.Bo‘tayev)

Bunday o‘rinlarda, bizningcha, hech qanday tinish belgisini qo‘llashga ehtiyoj yo‘q. Nutqda tinish belgisi ohang, mazmun, sintaktik vazifa bajarsa, gapdan anglashilayotgan mohiyatni to‘g‘ri anglashga yordam bersagina qo‘llash o‘rinli. Ularni ortiqcha qo‘llash va bu holatni qoidalashtirishga hech qanday asos yo‘q. Qolaversa, keyingi tadqiqotlarda turkiy tillarda ko‘chirma gap va muallif gapining chegarasi aniq bo‘lganligi bois nutqni soddalashtirish maqsadida tinish belgilarini tejash masalasi ilgari surilmoqda. (8)

Yuqoridagi masalalarning yechimi punktuatsiyaning tilshunoslikning boshqa sohalari – sintaksis, orfografiya, grafika bo‘limlari, shuningdek, adabiyotshunoslik, kompyuter lingvistikasi fanlari bilan hamkorlikdagi taraqqiyoti davomida oydinlashib boradi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

- Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р. ва бошк. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – 391 б.
- Abdullayeva D. Muallif gapi tarkibi // Til va adabiyot ta‘limi, 2002. – №4. – В. 17.

## BOLALAR LATIFALARINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Temirova F.** (Navoiy davlat pedagogika instituti)

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada muallif tomonidan latifalar xususan, bolalar latifalarining o‘ziga xos xususiyatlari, uning alohida janr sifatidagi ahamiyati yoritib berilgan. Shuningdek, ingliz va o‘zbek tillarida bolalar latifalarining tarjimasi bilan bog‘liq jihatlar tahlil qilingan.

**Tayanch so‘zlar:** *latifa, janr, xalq og’zaki ijodi, hajviya, satira, humor, hozirjavoblik, zukkolik.*

## СВОЕОБРАЗИЕ ДЕТСКИХ ШУТИЧНЫХ АНЕКДОТОВ

**Аннотация.** В данной статье автор разъясняет особенности анекдотов, в частности детских, и их значение как отдельного жанра. Также были проанализированы аспекты, связанные с переводом детских анекдотов на английский и узбекский языки.

**Ключевые слова:** *анекдот, жанр, фольклор, комедия, сатира, юмор, непосредственность, остроумие.*

## CHARACTERISTICS OF CHILDREN'S JOKES

**Annotation.** In this article, the author explains the features of jokes, especially for children, and their significance as a separate genre. Aspects related to the translation of children’s jokes into English and Uzbek were also analyzed.

**Key words:** *anecdote, genre, folklore, comedy, satire, humor, spontaneity, wit.*

Latifa janri XX asrdan boshlab tadqiqot obyekti sifatida ko‘plab olimlarning e’tiborini tortdi. Latifalar ustida maxsus tadqiqotlar olib borila boshlandi. Latifa janriga oid umumiy tadqiqotlar olib borildi. Latifa epik, qisqa, tugallangan syujetga ega ekanligi bois ham uni bolalar adabiyotiga olib kira boshlashdi. Latifalarning bolalar mutolaasidagi o‘rni kengaya bordi. Jumladan, Shukur Sa’dulla (1912-1972) – xalq og’zaki ijodi bilimdoni. U bolalar uchun turli janrlarda ijod etdi: poema, hikoya, qissa, opera va bir qancha she’riy ertaklar yozdi. Hatto xalq ijodiyotiga mansub ayrim an’naviy janrlarni yozma adabiyotga omixtalashtiradi. Xalq latifalari asosida “Ikki donishmand”, “Afandining ko‘ylagi”, “Afandi tegirmonchi va ko‘sa” kabi she’riy latifalardan topishmoq janri talablarini saqlagan holda topishmoq - she’r namunalarini yaratadi.

Bunday hajviy asarlar bolalar adabiyotining qiziqarli va rang-barang bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Garchi latifalar qadimiy bo‘lsada, davr, voqeа-hodisalar, odamlar turmush tarzi o‘zgargan bo‘lsada har qanday davr insonlarining estetik fikrlash shakliga moslashaveradi. Yosh doirasida ham xuddi shunday ya’ni latifalar har qanday yoshdagи o‘quvchilar uchun mos va xos bo‘laveradi. Sababi, latifalarni nafaqat erkin janr balki, boshqa mashhur asarlar tarkibida ham uchratishimiz mumkin. Masalan, Gogolning barcha satirik asarlari syujeti anekdot asosida qurilganiga guvoh bo‘lishimiz mumkin [1, 17]. Ba’zida latifalar asardagi vaziyat yoki

qahramonlarning xatti – harakatlari haqida chuqurroq mulohaza qilishga chorlaydi. O‘quvchilarga to‘g’ri xulosa chiqarish, tanqid qiluvchi yoki tarbiyaviy xarakterga ega ekanligi bois ma’lum darajada masallarga, kichik ertaklarga yoki topishmoqlarga ham moslashib ketaveradi.

Agar yozma adabiyotda ijobiliy va salbiylik, oqillik va nodonlik, go‘zallik va xunuklik ijobiylar salbiy obrazlar vositasida berilsa, latifalarda ana shu ikki xil xislat birligina tip – Nasriddin Afandi obrazi zimmasiga tushadi [2, 6]. Shu kungacha jamlangan eng katta va eng mukammal latifalar to‘plami 1990 – yil B. Sarimsoqov, F. Yo‘ldosheva “Afandi latifalari” to‘plamidan o‘rin olgan. To‘plamdagagi “Afandi va bolalar” bo‘limi bolalar va ularning kundalik hayotdagi, oila davrasidagi munosabatlari, maktabdagagi sarguzashtlariga oid 22 ta latifani o‘z ichiga olgan. Bolalar mavzusiga oid latifalar mazmunan yana ham sodda va lo‘nda, o‘zida beg’araz kulgini mujassam etgan holda bo‘ladi. Bolalar latifalarida ham Nasriddin Afandi asosiy qahramon hisoblanadi. Ba’zi bir latifalarda yosh Nasriddin timsolida gavdalansa, boshqalarida bolalar bilan muloqot qilayotgan ota, ustoz yoki umuman begona inson qiyofasida gavdalananadi. Har ikkala holatda ham Nasriddin Afandi bolalarga xos har qanday qiyin sharoitda topqirligi, hozirjavobligi, dono va zukkoligi bilan oson qutulib ketadigan obrazda gavdalananadi. Sababi Nasriddin Afandi obrazi har qanday hayotiy vaziyatga, har qanday ijtimoiy etapga yoki har qanday yosh doirasiga mos keladigan darajada tipiklashtirilgan. Bolalar latifalari mazmunan sodda bo‘ladi. Siyosiy-ijtimoiy yoki tanqidiy mazmunga ega latifalar bolalar muhit uchun mos emas. B. Sarimsoqov, F. Yo‘ldoshevalarning fikriga ko‘ra latiafalarni 2 xil tipiklashtirish mos tushadi bular sotsial-maishiy tipiklashtirish hamda sotsial-siyosiy tipiklashtirish [2, 6]. Har ikki holat ham Nasriddin Afandi obraziga xos va mosdir.

1. Sotsial-siyosiy tipiklashtirish. Bunday turdagagi tipiklashtirishda Afandining tabib, hukmdorlar, qozi yoki boshqa davlat amaldorlari bilan bo‘lgan munosabati namoyish etiladi, hamda ijtimoiy illatlar, zolimlarning talon – tarojlari, itoatsizlarning jazolanishi, nomard insonlarning jabr-zulmlari, oddiy yoki ilmli xalqning xo‘rlanishi, diniy aqidalarining noto‘g’ri talqini kabi xunrezliklar ochiqlanadi va latifaga xos ixcham va lo‘nda shaklda aks etadi [2, 8]. Masalan,

*Bir kambag‘al eshagini yo‘qotib qo‘yib, Afandiga hasrat qildi. Afandi unga maslahat berdi.*

- *Eshaging qozi, muftiy domla – imomlardan birining yo‘liga tushib qolmagan bo‘lsa, albatta qaytib keladi, agar ulardan birortasini yo‘liga tushib qolgan bo‘lsa, o‘lguncha ishlataladi, o‘lgandan keyin eshak go‘shtining halolligiga shariat kitoblardan birorta rivoyat topib go‘shtini so‘yib yeydi.*

2. Sotsial-maishiy tipiklashtirish esa Afandi oilaviy hayotda – oilasi, xotini, bolalari davrasida, qo‘ni-qo‘shni mahalla davrasida tasvirlanadi. Bunday latifalarda kishilar orasida uchraydigani soddalik, no‘noqlik, noziklik, kaltafahmlik, ishyoqmas va dangasalik, uddaburonlik va kansuqumlik, ayyorlik va nodonlik, yuvoshlik va muttahamlik, ochko‘zlik va sahiylik, kabi xislatlar ustidan kulgi qilinadi. Bunday xususiyatga ega latifalarda yumoristik ruh, samimiylkulgi ruhi yetakchilik qiladi [2, 7]. Masalan,

*Afandi madrasada arabcha o‘qir edi. Domla bir kuni uni imtihon qilmoqchi bo‘lib so‘radi:*

- *Afandi, arablar buzoqni nima deydi?*

- *Arablar buzoqni sigir bo‘lguncha sabr qiladilar, sigir bo‘lgandan keyin*

*“baqar” deydar deb javob beribdi.*

Demak sotsial-maishiy tipiklashtirilgan latifalar bolalar dunyosini tashkil etadi. Latifa janrining eng muhim xususiyatlaridan yana biri shundagi uning hamma vaqt hayot bilan hamnafas, hamqadam borishida namoyon bo‘ladi. Qaysi davr bo‘lsin u o‘quvchilari uchun o‘sha davrga xos va mosdir. Bolalar latifalari ham xuddi shunday xususiyatga ega ya’ni bolalar latifalaring mavzusini asosan muktab muhitida ustozlar bilan bo‘ladigan voqealari hodislar, oila va do‘stlar orasidagi munosabatlardan tashkil etadi va bu vaziyatlar barcha davr bolalariga mos keladi. Shuning uchun ham hajviy asarlar necha asrlardan buyon bolalar adabiyotining ajralmas bo‘lagi ekanligini guvohi bo‘lyapmiz.

Shuningdek latifalarni nafaqat kulgi balki bolalar ta’limi va tarbiyasiga oid pand-nasihat xarakteriga ega ekanligini guvohi bo‘lishimiz mumkin, bunda humor va tarbiyaviy muhit birga jonlanadi. Masalan, Kaykovusning fors-tojik tilidagi “Qobusnom” asarida shunday mazmundagi

katta-kichik latifalarini uchratishimiz mumkin. “Qobusnoma”da ham jismoniy, ham aqliy tarbiyaning barcha qirralari teran tahlil etilgan, inson shaxsining shakllanishi uchun muhim detallarga e’tibor qaratilgan. Shu bois pandnomalar farzandga mo’ljallangan bo‘lsa-da, unda katta hayotiy tajribaga ega inson qarashlari didi, saviyasi, e’tiqodi va ijtimoiy mavqeyi, nuqtayi nazari ustuvor. “Qobusnoma” o‘z davri xalq pedagogik qarashlarini umumlashtira olgan asar sifatida ham e’tirofga loyiq. Mumtoz bolalar kitobxonligi ana shunday pedagogik risolalar, pandnomalar bilan to‘lib borib, didaktik adabiyot namunalarini ham qamrab ola boshlaganini ko‘rishimiz mumkin. Sa’diy Sheroyiuning “Guliston” va “Bo’ston” forscha-tojikcha yaratilgan mumtoz kitobxonlik namunasi bo‘lsa, Alisher Navoiyning didaktik asarlari turkiy bolalar kitobxonligidan keng o‘rin olgan. Ushbu asarlarning tarkibida hajviy hikoyalari latifalar orqali ta’lim-tarbiya berish maqsad qilingan.

Bundan tashqari kichik va o‘s米尔 yoshdagagi bolalar uchun mo’ljallangan “Harry Potter” asarlaring mutolaasi jarayonida ham bir qancha anekdot (latifa)larga duch kelamiz. Jumladan, Albus Dumblor o‘zining bosh ustoz bilan bo‘lgan bahsida o‘zining qasrida olgan bilimlari haqida shunday deydi:

*“Oh, I would never dream of assuming I know all Hogwarts’ secrets, Igor. Only this morning, for instance, I took a wrong turn on the way to the bathroom and found myself in a beautifully proportioned room I had never seen before, containing a really rather magnificent collection of chamber pots. When I went back to investigate more closely, I discovered that the room had vanished”.*

*Oh , Igor bilasanmi, men Hogvardni barcha sirlarini bilaman deb o‘ylamagan bo‘lardim. Masalan, bugun ertalab men hammomga boradigan yo‘lda noto‘g’ri yo‘lga chiqdim va o‘zimni ilgari umuman ko‘rmagan go‘zal xonada topdim. U yerda tungi tuvaklarning ajoyib to‘plamini uchratdim. Yaqinroq borib tekshirib ko‘rmoqchi bo‘lganimda, ular birdan g’oyib bo‘ldi.*

Darhaqiqat, asarlarda berilgan latifalar, hajviy hikoyalari asarda qiziqarli va hajviy muhit yaratadi. Bunday asarlar turli janrlarga boy bo‘lib o‘quvchi birligini asar o‘qishi bilan bir nacha adabiy janrlarning guvohi bo‘ladi. Bu esa mutolalaning qiziqarli va mazmundor bo‘lishini ta’minlaydi.

Latifalarni bolalar mutolaasiga keng targ’ib qilishning yana bir munim jihatni shundaki, latifalar bolalar adabiyotini kayfiyatini ko‘tarishga xizmat qiladi. Masalan, bolalar uchun mo’ljallangan jurnallar “Bolalar adabiyoti”, “Gulxan”, “G’uncha”, “Nega” va maktabgacha bo‘lgan yosh doirasidagi bolalar uchun mo’ljallangan “Aqlvoy” jurnali haqiqatdan ham bolalarning vaqtini maroqli o‘tkazishda, bilim-ko‘nikmalarini va dunyo qarashlarini oshirishga xizmat qiladi. Ushbu jurnallarning maqsadi bolalar ongiga milliy va umuminsoniy qadriyatlarni singdirish, madaniy-tarixiy meros va jahon adabiyoti durdonalari bilan tanishtirish dunyoviy bilimlar olamiga olib kirish, ulardagagi ijodkorlik kurtaklarini parvarishlash, rag’batlantirish do’stlik va qardoshlik tuyg’ularini qaror toptirish, milliy iftixon, vatanga sadoqat, mustaqillik tuyg’usini shakllantirishdan iborat. Mavzularning rang – barangligi jihatidan badiiy adabiyot, san’at, xalq og’zaki ijodi, turli sport o‘yinlari, bilim bellashuvlari targ’ibotchisi hisoblanadi. Ushbu jurnallardan o‘rin olgan katta kichik hajviy hikoyalari, latifalar, komikslar jurnallarning qiziqarlilik ahamiyatini yanada oshirishga xizmat qiladi. Jurnallardagi latifalar, hajviya yoki kulgi bo‘limlari rang-barang suratlar, eskizlar bilan boyitilganligi ahamiyatga molik jihatdir.

Shunday ekan, bolalar mutolaasi materiallarida latifalarning sonini oshishirish, ularning ingliz tilidagi tarjimalarini taqdim etish nafaqat bolalarning ongida xalq og’zaki ijodi bilimlarini oshirish balki, xorijiy tillarga bo‘lgan qiziqishini va salohiyatini oshirishga xizmat qiladi deb hisoblaymiz.

Latifa janri jamiyat hayotida katta tarbiyaviy ahamiyatga ega. Mazkur janr namunalarida insonlarning o‘zaro munosabatlari ochib beriladi, turli ijtimoiy guruqlar vakillarining fe’l-atvorlari tavsifalanadi. Shunday ekan latifalar ham xuddi masal va ertaklar kabi ma’rifiy-ma’naviy ahamiyatga ega manba hisoblanadi. Lekin, maktabning ingliz tili darsliklariga nazar tashlaydigan bo‘lsak, darsliklarda hajviy hikoyalari, latifalar sonining juda ham kam miqdorda ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Aslida o‘quvchilarni o‘rganayotgan tilning madaniyati va adabiyoti namunalari bilan tanishishi juda ham o‘rinli va foydali deb hisoblaymiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Николаев Д. Смех – оружие сатиры. – М.: Искусство, 1962.
2. SarimsoqovB., Yo'ldoshevaF. Afandilatifalari. – Т.: Adabiyotvasan'at nashriyoti, 1990.
3. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. 5-jild. – Т.: Davlat ilmiy nashriyoti, 2003.
4. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Т., 2010.
5. Suvanqulov B.M. Nomzodlik dissertatsiyasi. O'zbek xalq latifalarining janr xususiyatlari. – Т., 2007.
6. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english>
7. [Anecdote: Definition and Examples | LiteraryTerms.net](#)

*Nashrga f.f.d. G.Tojiyeva tavsiya etgan*

### MUHAMMAD AMINXO'JA MUQIMIY G'AZALINING O'QUV ADABIYOTLARDAGI TALQINLARIGA OID

**Shermamatova Sh.B. (QarDU)**

**Annotatsiya.** Maqolada Muhammad Aminxo'ja Muqimiyning "Axtaring" radifli g'azali tahlil etilgan. Shuningdek, unda shoir asarlarining sho'ro davri mafkurasi ta'sirida talqin qilingani, matniy o'zgarishlar sodir etilgani xususida atroflicha to'xtalingan va muhim xulosalar chiqarilgan.

**Tayanch so'zlar:** *g'azal, talqin, podshoh, gado, mumtoz adabiyot, an'ana, izdoshlik, oshiq, ma'shuqa, tasavvuf.*

### ОБ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ГАЗЕЛИ МУХАММЕДА АМИНХОДЖИ МУКИМИ В УЧЕБНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

**Аннотация.** В статье анализируется лучистая газель "Ахтаринг" Мухаммада Аминходжи Мукими. Также, всесторонне раскрыта интерпретация и введенные логические изменения произведений поэта под влиянием идеологии шуринской эпохи и сделаны важные выводы.

**Ключевые слова:** газель, интерпретация, король, гадо, классическая литература, традиция, влюбленный, госпожа, суфизм, масаввүф.

### REGARDING INTERPRETATIONS OF MUHAMMAD AMINKHO'JA MUQIMI'S GHAZALS IN EDUCATIONAL LITERATURE

**Annotation.** The article analyzes the radiative ghazal "Akhtaring" by Muhammad Aminkhoja Muqimi. It also pointed out that the poet's works were interpreted under the influence of the ideology of the Shura period, textual changes were made and important conclusions were drawn.

**Key words:** *ghazal, interpretation, padishah, gado, classic literature, tradition, in love, mistress, Sufism, following.*

### KIRISH

Adabiyotimiz tarixida XIX asrning ikkinchi yarmi XX asr boshlarigacha bo'lgan davrni o'z ichiga oluvchi Milliy uyg'onish davri alohida o'rinn tutadi. Bu davrda Qo'qon adabiy muhitida ijod qilgan Muhammad Aminxo'ja Muqimi ijodi ham har doim mutaxassislar diqqat markazida bo'lgan. Shoir ijodi yuzasidan ko'plab tadqiqotlar olib borilgan. Lekin mazkur davr tadqiqotlarida shoir asarlari sho'ro mafkurasi doirasida bir yoqlama talqin qilingan yoki butunlay o'sha mafkuraga bo'ysundirilgan. Buning natijasida, shoir she'riyati o'zining asl mazmun-mohiyatidan tamomila uzoqlashgan. Ta'kidlash joizki, Muqimi sheri yati borasida ayrim noto'g'ri yondashuvlar istiqlol yillaridagi taqdiqotlarda ham kuzatiladi. Shu bois adabiyot tarixida muhim iz qoldirgan ulug' shoirlar merosini bugungi davr talabi va mezonlari asosida qayta ko'rib chiqish maqsadga muvofiq. Zero o'tmish adabiy merosini bugungi va kelajak avlodga bezavol yetkazish sohaning eng muhim vazifalaridan hisoblanadi.

**ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA** Muqimi ijodi yuzasidan o'tgan asrda va istiqlol yillarida qilingan tadqiqotlardan namunalar olindi. Shu bilan birga mumtoz she'riyat namunalaridan tortib istiqlol yillarida yaratilgan she'riyatlardan ham foydalanildi.

Tadqiqot mavzusini yoritishda struktural, lingvistik, qiyosiy-tarixiy tahlil usullaridan foydalanildi.

**MULOHAZALAR VA NATIJALAR** Muqimiy ijodining o‘rganilishi borasida filologiya fanlari doktori Qo‘ldosh Pardayev o‘zining “Muqimiy lirik asarlarinig matniy-qiyosiy tahlili” nomli maqolasida quyidagi fikrlarni bayon qiladi: “Shoir ijodi namunalari yuzasidan ko‘plab tadqiqotlar amalga oshirilgan. Taassufki, ularda Muqimiy asarlari sho‘ro mafkurasini talabiga ko‘ra bir tomonlama talqin qilingan. Natijada, shoir nazmiy merosi o‘zining asosiy mohiyatidan uzoqlashtirildi. Ya’ni asarlari tahrirga uchradi, qisqartirildi, manbalarda qolib ketdi. Bu esa, o‘z navbatida shoir adabiy merosini yangicha mezonlar asosida xolis va haqqoniy o‘rganish zaruratinini taqozo etmoqda”<sup>1</sup>

Shu maqsadda biz ham maqolamizda Muqimiyning bir g‘azali – “Axtaring” radifli g‘azalini bugungi fan nuqtai nazari bilan tahlil qilishga, baholashga harakat qildik.

Sho‘ro davridagi tadqiqotlar kuzatilganda, shoir she’riyatining quyidagicha talqinlari ko‘zga tashlanadi:

*birinchidan, hukmron mafkura ta’sirida ushbu she’rlar tub mohiyat, asl g’oyadan maxsus uzoqlashtirildi;*

*ikkinchidan, ayrim she’rlar o’ta sayoz talqin qilindi;*

*uchinchidan, shoir badiiy tafakkuri mahsuli bo‘lgan qator she’rlar matni qasddan o‘zgartirildi.*

Avvalo, muqimiyyunoslikdagi mazkur g‘azal ustida olib borilgan tadqiqotlar tarixiga diqqat qaratish zarur. Jumladan, u sobiq ittifoq davridagi tadqiqotlardan birida quyidagicha talqin qilingan: “Muqimiyning ramzlar, kinoyali iboralar bilan yozilgan “Axtaring” radifli she’rining mazmunidan ma’lum bo‘lishicha, Muqimiy qandaydir bir “jinoyat”da ayblanib hukumat ma’murlari tomonidan ta’qib etilgan va qochishga, yashirinishga majbur bo‘lgan. Muqimiy o‘z she’rida ma’murlar ustidan istehzo bilan kulib, o‘zini qayerlardan qanday qilib axtarish kerakligi to‘g‘risida so‘zlaydi. She’r “podshoh hukumati”ning ta’qib qilib axtarayotganlariga ishora bilan boshlanadi va unda oxirigacha ularga qarshি qaratilgan achchiq kinoya davom etadi”<sup>2</sup>

Yuqorida ta’kidlanganidek, mazkur davr tadqiqotlaridagi noto‘g’ri talqinlarning bosh sababi hukmron mafkuraga tobek natijasi edi. Lekin uning ta’siri istiqlol yillarda olib borilgan ishlarda ham sezilishi achinarli hol. Xususan, biz diqqat qaratgan g‘azal talqiniga ayni shunday noto‘gri yondashuv mustaqillik yillarda yaratilgan ayrim darslik va o‘quv qo‘llanmalarda ham ko‘zga tashlanadi. Jumladan, 2004-yilda chop qilingan “Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyoti” darsligida quyidagicha mulohaza yuritilgan:

“Shoirning yana bir she’ri:

*Podshoh yo‘qlatsalar, nogah gado, deb axtaring,*

*Tutmang hargiz nomimi, baxti qaro, deb axtaring, -*

matla’i bilan boshlanadi. Undan Muqimiyning qandaydir bir “ish”da ayblanib, ta’qib etilgani anglashiladi”<sup>3</sup>

Bizningcha, mazkur g‘azalni hasbi hollik nuqtayi nazaridan talqin qilish noto‘g’ri qarashni yuzaga keltiradi. Agar g‘azalning umumiyligi mazmuni, g‘oyasiga chuoqroq kirilsa, unda mutlaqo o‘zga mohiyat ko‘rinadi. Avvalo, mazkur g‘azal ulug’ salaflar ijodi ta’sirida yuzaga kelgan. Xususan, g‘azalning matla’siga diqqat qilinsa, u Alisher Navoiyning “Istangiz” radifli g‘azalini yodga soladi:

*Istaganlar, bizni sahroi baloda istangiz,*

*Vodiyo hijron ila dashti fanoda istangiz.<sup>4</sup>*

“Axtaring” radifli g‘azali nafaqat shakliy, balki mazmun jihatidan ham Navoiy g‘azaliga juda yaqin. *Birinchidan*, har ikki g‘azalning radifi – “istangiz” va “axtaring” so‘zlarini ham bir-biriga ma’nodoshdir; *ikkinchidan*, mazkur g‘azallarning ikkisi ham ishq asosiga qurilgan:

*Kimsa bilmaydur mani, nom-u nasab qilsang bayon,*

*Lola yanglig‘ dog‘i g‘amga mubtalo, deb axtaring.*

<sup>1</sup> Pardayev Q. Muqimiy lirik asarlarining matniy-qiyosiy tahlili / Oltin bitiklar 1: 2019. – B. 24.

<sup>2</sup> Karimov G‘. O‘zbek adabiyoti tarixi. 3-kitob. – Toshkent: O‘qituvchi, 1975. - B. 86.

<sup>3</sup> Qosimov B. va boshqalar. Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyoti. – Toshkent: Ma’naviyat, 2004. – B. 99.

<sup>4</sup> Alisher Navoiy. Badoye’u-l-vasat. TAT. III jild. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2012. – B. 205.

Baytda oshiq uning nom-u nasabini bayon qilganing bilan hech kim tanimasligi, undan ko‘ra, lola ko‘ksidagi qonli dog‘dek g‘amga mubtalo, deb axtarish to‘g‘riligini ifodalamoqda. Bundan ma‘lum bo‘ladiki, el uning nom-u nasabini bilmasa-da, oshiqi devonaligidan boxabar.

Muqimiy g‘azalida ham Navoiyning zikr etilgan g‘azali kabi haqiqiy ishq yetakchilik qiladi. Jumladan, quyidagi bayt bunga yaqqol dalil bo‘la oladi:

*Layli topg‘il, desalar, Majnuni sargardonini(ng),*

*Ko ‘zlarining yoshidir rangi xino, deb axtaring...*

Ushbu baytda shoir talmeh san‘atidan foydalanib, yorini chiroyda tengsiz Layliga, o‘zini esa ishq yo‘lida sargardon, cho‘l-u biyobonlarni kezgan Majnunga o‘xhatadiva Layliga oshiq “Majnuni sargardon”ning muhim belgisi ko‘zlarining yoshidadir, deb aytadi. Chunki hijron azobi, ishq mashaqqatining zo‘rligidan faqat uning ko‘z yoshlari xino tusiga kirgan – qonli ko‘z yoshta aylangan.

Bundan tashqari, yuqoridagi baytda ham Navoiyona uslub sezilib turadi:

*Ko ‘zlarining necha su kelgay, deb o ‘lturmang meni,*

*Kim bori qon erdi kelgan, bu kecha su kelmadi.<sup>1</sup>*

*Istagan chog‘da topay deb, bo ‘lsa ko ‘ngilda xayol,*

*Qomatidur bori mehnatdin duto, deb axtaring...*

Agar meni istagan chog‘da topishni xohlasangiz, mehnatdan qomati egilgan, deb axtaring, - deydi oshiq.

J.Lapasov tomonidan tuzilgan "Mumtoz adabiy asarlar o‘quv lug‘ati"da “mehnat” so‘zi mashaqqat, qiyinchilik mazmunini ifodalashi ta‘kidlangan.<sup>2</sup> Muqimiy g‘azalida keltirilgan “mehnat” – majoziy emas, balki Haqiqiy ishq – visolga yetishish yo‘lida oshiq boshidan kechirgan, “qomatini duto” qilgan mashaqqatlardir.

*Hajr vodiysida kezgay doimokim xo ‘blar,*

*Xoki poyidur ko ‘ziga to ‘tiyo, deb axtaring...*

Hajr vodiysi – Alloh vasliga yetishish uchun bosib o‘tilishi lozim bo‘lgan bir yo‘ldir. Ilohiy visolni maqsad qilib yo‘lga chiqqan solik bu yo‘Ining mashaqqatidan xabardor, shu bilan birga, bu vodiya kezuvchilarning ilohiy vasl bilan sharaflanishinida biladi. Shu bois shoir o‘zini kamolot hosil qilgan pirlarning xoki poyini ko‘ziga to‘tiyo qilganlardan, ya’ni ularning izdoshlaridan biri deb axtarishlarini istaydi.

*Dahr zulmidin sirishki tinmay oqib aylanur,*

*Charx javridin boshida osiyo, deb axtaring.*

Oshiqqa dahrdan yetmagan zulm qolmadi. Chin oshiqlarga dunyo hech vaqt vafo qilmagan. Bu jabru sitamlar oqibatida oshiq ko‘zlaridan shu qadar ko‘p yoshlar oqdiki, natijada falak boshiga solgan tegirmon toshini aylantirib yubordi. Muqimiy ushbu o‘rinda mubolag‘adan mohirona foydalangan.

*Yor vasliga yetolmay qolnish ul kunkim, Muqim,*

*Ushbu boisdan o ‘lumig‘a rizo, deb axtaring.*

Bu dunyo – foni, o‘tkinchi. Tariqat ahli uchun o‘lim – ozod bo‘lish demak. Ya’ni tan bir qafas, ruh esa unda tutqindir. Shunga ko‘ra, ular foni dunyoni tark etibgina Haq vasliga erishish mumkin deb hisoblaydilar.

Shu o‘rinda muhim bir jihatga diqqat qaratish zarur. Ya’ni Muqimiyning mazkur g‘azalini hasbi hol g‘azal deb talqin qilinishiga sabab bo‘lgan omil xususida ayrim mulohazalarni bildirish maqsadga muvofiqdir. Ma‘lumki, Sharq adabiyotida shoh va gado obrazni qadimiy obrazlardan hisoblanadi. Najmiddin Komilov mazkur timsollar xususida shunday mulohaza qiladi: “Sharq shoirlari asarlarini mutolaa qilar ekanmiz, darvesh, gado, faqiri sohibdil, solih, orif kabi so‘zlarga tez-tez duch kelamiz. Va aksar bu so‘zlar shoh, shahzoda, sulton, sultanat so‘zları bilan yonmayon keladi, “shoh-gado” kontrast-ziddiyatlari ibora orqali esa turli xildagi fikr-mulohazalar, ijtimoiy-axloqiy qarashlar bayon etiladi”<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Alisher Navoiy. Badoye‘u-l-vasat. TAT. III jild. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2012. – B. 613.

<sup>2</sup> Lapasov J. Mumtoz adabiy asarlar o‘quv lug‘ati. – Toshkent: O‘qituvchi, 1994. – B. 126.

<sup>3</sup> Komilov N. Xizr chashmasi. – Toshkent: Ma‘naviyat, 2005. – B. 99.

Bizningcha ham Muqimiy she'ridagi mazkur timsollarni ana shunday talqin qilish lozim. Shoir tilga olgan "podshoh" o'sha davr hukmdori emas, aslida u shoir ko'ngil qo'ygan ma'shuqa. Qilgan "jinoyat" esa yorga ko'ngil qo'yganidir. Ko'ngil mulkining podshohiga aylangan malak qarshisida oshiq bir gado kabitdir. "Baxti qaro, deb axtaring", deya murojaat qilishga sabab esa yorga ko'ngil berib ko'rgani faqirlik bo'ldi. Umidsiz oshiqning baxti ham qaro bo'ldi.

Mumtoz adabiyotimizda oshiqning ma'shuqaga murojaatida o'zini nochor sanab, yorini ulug'vorlik sifatlari ila tashbeh etish hollari ko'p uchraydi. Quyida ulardan ayrim namunalar keltiramiz: Hofiz Xorazmiy qalamiga mansub "Bandaman" radifli g'azalida ham go'zal timsollarni uchratish mumkin:

*San shahanshoh-i zamonsan husn ila,  
Hofiz-i bechoratak man bandaman.<sup>1</sup>*

Yoki:

*Suvratu ma'no birla, ey sulton,  
Shohsan, Hofiz eshicingda gado.<sup>2</sup>*

Hazrat Navoiy tomonidan "...o'z zamonasining maliku-l-kalomi erdi", deya yuksak baho berilgan Mavlono Lutfiy ijodida ham:

*Bevafolarg'a meni qilding asir,  
Sen menga sultonsan, ey dil, bandaman.<sup>3</sup>*  
Hazrat Navoiy "Judo" radifli g'azalida ham:  
*Bir eyasiz it bo'lib erdi Navoiy yorsiz,  
Bo'lmasun, yo Rabki, hargiz banda sultondin judo.<sup>4</sup>*

Yoki:

*Garchi xalq ozodasimen, yor agar bandam desa,  
Andin ortuq anglakim, bir banda ozod aylagay.<sup>5</sup>*  
Qo'qon adabiy muhitining yetakchisi Amiriyo ijodida:  
*Arzi dilimi jon ila jononima aytинг,  
Xoqon falak martaba sultonima aytинг.<sup>6</sup>*

Nodirabegim ishqiy lirkasida ham bu timsollari uchraydi. Adabiyotshunos Sultonmurod Olim quyidagi fikrlarni keltirib o'tadi: "Nodirabegim ijodida ham ma'shuqni umumiylar tarzda tasvirlash uchraydiki, bunda ham Allohga, ham Amir Umarxoniga ishora borligini sezish qiyin emas:

*Doda keldim, ey salotin sarvari, dodim eshit,  
Sen shah-u men benavo, lutf ayla faryodim eshit.*

Chindan ham, xonni "salotin sarvari" (podshohlar boshlig'i), ma'shuqini "shah" deyishi, o'zini "benavo" hisoblashi mumkin, bu ta'riflar Xudoga qaratilgan deb hisoblash ham mumkin".<sup>7</sup>

Gulxaniyning "Yetmadi Majnunga men ko'rgan balolardin biri" misralari bilan boshlanuvchi g'azalining maqta'sida ham Muqimiya xos yondashuvni ko'rishimiz mumkin:

*Gulxaniy, tinmay duo qilg'il shahi voloni sen,  
Negakim ul podshohdur, sen gadolardin biri.<sup>8</sup>*

Milliy uyg'onish adabiyotining yirik vakili Is'hoqxon Ibratning bir murabba'sida ham ayni obrazlar ishtirokini ko'rish mumkin:

*Guldek yuzingni dilbarim,  
Ko'rgoni keldim sog'inib.  
San – shohi olam, man – gado,  
Ko'rgoni keldim sog'inib.<sup>9</sup>*

<sup>1</sup> Hofiz Xorazmiy. Devon. 1-2-kitob. – Toshkent: O'zbekiston KP Markaziy komitetining nashriyoti, 1921. – B. 92.

<sup>2</sup> Hofiz Xorazmiy. Devon. 1-2-kitob. – Toshkent: O'zbekiston KP Markaziy komitetining nashriyoti, 1921. – B. 50.

<sup>3</sup> Lutfiy. Sensan sevarim. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1987. – B. 349.

<sup>4</sup> Alisher Navoiy. G'aroyibu-s-sig'ar. TAT. I jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2012. – B. 59.

<sup>5</sup> Alisher Navoiy. Badoye'u-l-vasat. TAT. III jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2012. – B. 626.

<sup>6</sup> Amiriyo. Devon. – Toshkent: Fan, 1972. – B. 131.

<sup>7</sup> Olim S. va boshqalar. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2014. – B. 145.

<sup>8</sup> Gulxaniy. Zarbulmasal va g'azallar. – Toshkent: O'zSSR Davlat badiiy adabiyot nashriyoti, 1960. – B. 62.

<sup>9</sup> Is'hoqxon to'ra Ibrat. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma'naviyat, 2020. – B. 145.

## XULOSA

Ko‘rib o‘tilganidek, Muqimiyning “Axtaring” radifli g‘azali birinchidan, sho‘ro mafkurasi talabidan kelib chiqib, o‘z mazmun-mohiyatiga zid talqin qilingan; ikkinchidan, zikr etilgan davr va istiqlol yillaridagi tahlillarda ham zohiri yondashuv ustunlik qilgan. Aslida esa, bu g‘azal adabiyot tarixidagi yirik namoyondalarga izdoshlik ruhida yozilgan, unda go‘zal an‘analar munosib davom ettirilgan. Ushbu g‘azal zohiran majoziy, botinan Haqiqiy ishq tarannum etilgan betakror ijod namunasidir.

### Foydalilanigan adabiyotlar

1. Alisher Navoiy. Xazoyinul maoniy. TAT. 10 jildlik. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU. 2012. 1-4-jild.
2. Amiriy. Devon. – T.: Fan, 1972. – B.131.
3. Gulxaniy. Zarbulmasal va g‘azzallar. – T.: O‘zSSR Davlat badiiy adabiyot nashriyoti, 1960. – B.62.
4. Hofiz Xorazmiy. Devon. 1-2-kitob. – T.: O‘zbekiston KP Markaziy komitetining nashriyoti, 1921. – B. 50, 92.
5. Ishoqxon to‘ra Ibrat. Tanlangan asarlar. – T.: Ma’naviyat, 2020. – B. 145.
6. Karimov, G‘. O‘zbek adabiyoti tarixi. 3-kitob. – T.: O‘qitivchi, 1975.
7. Komilov N. Xizr chashmasi. – Toshkent: Ma’naviyat, 2005. – B. 99.
8. Lapasov, J. Mumtoz adabiy asarlar o‘quv lug‘ati. – T.: O‘qituvchi, 1994. – B. 126.
9. Lutfiy. Sensan sevarim. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1987. – B. 349.
10. Muqimiyy. Tanlangan asarlar. 2-tom. – T.: O‘zSSR davlat badiiy adabiyot nashriyoti, 1960.
11. Nodira. Devon. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2001. – B. 78.
12. Sultonmurod Olim. va boshqalar. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2014. – B. 145.
13. Pardayev Q. Muqimiy lirik asarlarining matniy-qiyosiy tahlili/Oltin bitiklar. – T. 2014. – B. 24.
14. Qosimov B. va boshqalar. Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyoti. – T.: Ma’naviyat, 2004. – B. 99.

*Nashrga prof. N.Shodmonov taviysi etgan*

## ҲАЖВИЁТДА ДАВР ВА ЗАМОН ИФОДАСИ

**Равшанова Г.Қ. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Маколада ҳажвиётда давр ва замон ифодаси ёритилган бўлиб, унда мазмун-моҳиятнинг кенглиги, серкирралиги, ҳаётдаги барча воқеа-ходисалар, улардаги иллатлар унинг назаридан четда қолмаслиги, ҳажвнинг қирралари иллатлар ва нуқсонларни йўқотишга қаратилиши очиб берилади. Ҳажвнавислар ниҳоятда жиддий хазилни ҳам, ўтқир ҳажвни ҳам ягона эстетик марказда қуюқлаштиргани, давр манзараларини идроклаш йўсимида талқинни теран тавсифлаши, инсон дунёси, даврнинг фожеликларини, ягона эстетик марказга йўналтириши: давр, инсон ва муаммо кўлами маколада хаққоний ифодасини топади.

**Таянч сўзлар:** ҳажвиёт, сатира, юмор, ижтимоий дард, маърифатпарварлик, лирик кечинма, композиция, сюжет, ҳазил-мутойиба, пародия, шеър, шўро адабиёти.

## ВЫРАЖЕНИЕ ПРОСТРАНСТВА И ВРЕМЕНИ В ХАРАКТЕРЕ

**Аннотация.** В статье основное внимание выделено на выражение эпохи и времени в юморе, раскрывается широта и разнообразие содержания, от его внимания не ускользают все события жизни, пороки в них, грани юмора ориентированы на устранение пороков и недостатков. В том, что сатирики сгущают в единый эстетический центр и чрезвычайно серьезный юмор, и острый юмор, глубоко описывают интерпретацию в способе восприятия сцен времени, направляют человеческий мир, трагедии того времени в единый эстетический центр: размах эпохи, человека и проблемы в статье находит свое истинное выражение.

**Ключевые слова:** юмор, сатира, социальная боль, просвещение, лирический опыт, композиция, сюжет, пародия, поэзия, советская литература.

## PERIOD AND TENSE EXPRESSION IN CHARACTER

**Annotation.** In the article, the expression of era and time in humor is highlighted, it reveals the breadth and diversity of the content, all the events in life, the vices in them do not escape his attention, the edges of humor are focused on the elimination of vices and defects. The fact that satirists condense both extremely serious humor and sharp humor into a single aesthetic center, deeply describe the interpretation in the way of perceiving the scenes of the time, and direct the human world, the tragedies of the time to a single aesthetic center: the scope of the era, man and problem, finds its true expression in the article.

**Key words:** *humor, satire, humor, social ball, enlightenment, lyrical experience, composition, plot, humor, parody, poetry, Soviet literature.*

Маълумки, шеър – ижтимоий дард маҳсули. Уни даврнинг маҳсули дейиш ҳам мумкин, бироқ лирик кечинма якка шахс (шоир)нинг англамлари, изтироблари ва түғёнлари ҳосиласидир. XX асрнинг бошларига қадар, яъни маърифатпарварлик даври адабиёти вакилларидан фарқли ўлароқ жадид адабиётининг роли ўзбек шеъриятини тубдан ўзгаришига замин яратди. Ижтимоий дарднинг нафаси, жадид шоирларини ҳам янги замон билан ҳамнафас яашашга, уларнинг дарду изтиробларини теран ифодалашга даъват қилди. Чўлпон, У.Носир каби миллат ёлқинлари, шўро адабиёти ўз қиёфасини тўлақонли кўрсатгунга қадар миллий адабиётни ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ойбек, F.Фулом, Ҳ.Олимжон, Уйғун бадиий изланишларида ижтимоий дард бироз қуюқлашди. Шўро мафкурасининг таъсирида кўплаб бадиият жавҳарлари ўз умрини яшаб ўтди. Демак, даврнинг маҳсули лирик кечинмани бирор “тор адабий ҳодиса” сифатида юзага чиқаришга имкон берди. Аксинча маълум қолиплар – архетипларни юзага чиқаришга шароит бермади. Булар ҳақиқий истеъоддларнинг камол топишида тўскинилик қилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Туркистондек улкан муҳитда даврнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий қиёфаси янги давр ўзбек шеъриятининг ҳам шаклда, ҳам мазмунда жиддий ўзгаришларга юз буришида катта мавқе касб этди. Шеър ижтимоийликдан, давр муаммолари, уларни йўриғида намоён бўлиш малакасини теран ўзлаштиргди. Кечинма таровати шоирлар изланишларида айни шу жараёнда фаол тарғиботчилик миссиясини бажаришга бел боғлади.

Академик И.Султон: “Лирикада сюжет ва конфликтнинг ўзига хослиги лириканинг бош хусусияти билан боғлиқдир. Ҳозирги замон адабиётшунослари (масалан, Л.И.Тимофеев)нинг фикрича, бошқа адабий турлардан фарқли ўлароқ, лирик асар асосида “кечинма-образ”, яъни кишининг шу онда кечираётган руҳий ҳолати ётади, эпос ва драма эса кишини табиат ҳамда жамият билан бўлган мураккаб, фаол муносабатларда тасвир этади. “Кечинма-образ” ифодасини, шоир ҳар сафар ўзи бошидан кечирган нарсани тасвир этар экан, деган маънода тушуниш керак эмас. шоир бирорларнинг кечинмаларини ҳам (Ҳамид Олимжоннинг “Жангчи Турсун балладаси” ёки Уйғуннинг “Открытка” шеърларидаги шоирлар жангчининг ёки фронт ортидаги аёлнинг кечинмаларини худди ўз “автобиографик” кечинмаларидек тасвир этадилар)<sup>1</sup>. Дарвоқе, И.Султон масаланинг икки жиҳатига мантикий урғу бераётир: 1. **Кечинма;** 2. **Образ.** Кечинма-образ бирлиги эса ижтимоий талқин барқарорлигини таъминлаш билан унинг шаклланиш босқичларини ҳам тартиблаштиради. Негаки, инсоннинг маънавий оламида роса етилган ижтимоий дарднинг юксаклиги лирик кечинма тарзида ёрқин образларда намоён бўлади. Бунга мисол 60-йиллардан кейин шеъриятимизга кириб келган А.Ориповнинг ижтимоий мавзулар таранумига бағишлиланган қатор ҳажвий шеърларида “кечинма таровати” билан янада рангинлашади. Шоир дард ва изтиробни ҳажв йўсимида ягона эстетик марказда уюштиради. Бинобарин, ҳеч қандай “буортма” билан эмас, ўзининг кўнгил майларига жиддий эътибор қаратади. Айниқса, шоирнинг бутун кечинманинг ҳаққоний қиёфасини рангин тасвинларда идроклашга хизмат қилади. Проф.У.Тўйчиев бу ҳақда шундай фикрларни илгари суради: “Аёнки, сюжет ҳодисалар системасидир. Аммо ҳодисалар композиция талабига кўра муайян ўлчов ва меъёрда бўлади, макон ва замонда аниқ кўринади, ҳамма унсурлар, асар боши, охири,

<sup>1</sup>Иzzat Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи. 1980. – Б. 254.

китобхон кутгандай, унинг кўнглидагидай бўлиши лозим. Конфликт сюжетнингтина эмас, балки композициянинг ҳам асосида туради ва ҳамма ҳатти-ҳаракат, қиликлари тартибига солади, аммо сюжет композицияга тугаллик, бирбутунлик бахш этади, чунки сюжет асарнинг объектив мазмуни билан маҳкамроқ алоқада яшайди". Кўриб ўтганимиздек, бадиий шакл (шеър)нинг таровати сюжет ва композицион ўзига хослигида қабариб кўринади. Айниқса, ғоявий-бадиий изланишлар ўша давр ҳаётига оид турфа зиддиятларни реал моҳият касб этишини тақозолайди. А.Орипов поэтик изланишларида енгил мутойиба тагида "ним кося" борлигини адабиётшунослар ҳақли равишда эътироф этишади. Рус психологи А.Н.Лукнинг ёзишича: "Юмор кўпинча шафқатсиз масхара деб таърифланади. Биз бундай таърифга эътиroz билдиrmаймиз, лекин факат ҳазил туйғуси ҳар қандай таърифдан кенгроқ эканлигини кўшимча қилмоқчимиз, чунки бу ўта мураккаб ақлий сифат саналади".<sup>1</sup> Мазкур иқтибоснинг яна бир ўзига хослиги собиқ иттифоқ даврида "шафқатсиз масхара"га доир юзлаб асарлар яратилди. Дарвоқе, давр имкон бермагани боис ҳам, шоирсанъяткор рамзий-мажозий талқинни барқарорлаштириди. Енгил ҳазил билан жиiddий ҳазил-мутойиба ҳажвиётнинг анъаналарини янада юксалтиришга хизмат қилди. 60-йилларда А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матчон, А.Обиджон, Т.Адашбоев каби шоирлар жуда кўплаб ҳажвий, пародия шеърлар ёзди. А.Ориповнинг кўпчилик шеърларида қаҳрамон – тулки ва афанди образлари лирик кечинмани тартиблаштиради. Бироқ инсон ва унинг аччиқ қисмати билан суғорилган шеърларида катта бир фаркни кўришимиз мумкин. Гулханий, Махмур, Муқимий, Фурқат кабилар анъаналари шоир ижодига муайян даражада таъсир кўрсатган. "Жаннат" шеърини шоир ижтимоий дард залвори сифатида ёзган бўлса ажабмас. Шеър 1966 йил ёзилган бўлиб, шоир ўшанда айни йигирма беш ўшни қарши олган эди. Демак, шоир ҳазил орқали ўз даврининг ижтимоий фалсафасига ойдинлик киритгани аёнлашади:

Эртак дегани бу – болага эрмак,  
Эртак дегани бу – ширин ақида.  
Мен бир кун укамга сўйладим эртак  
Афсонавий жаннат ҳақида.  
Кавсардан гапирдим унга аввало,  
Сўнгра мақтаб кетдим ширу шарбатни.  
Дам ўтмай у йиги бошлади роса,  
Топиб бергун деди, ўша жаннатни.

Шеърнинг сюжетига эътибор беринг: шоир бу ҳазил-мутойиба билан нима демоқчи эди деган савол туғилади. Яъни шоир яшаган даврида собиқ иттифоқ даврида коммунистик ғоя илгари сурилиб, одамларни алдаб-авбраб бахт ҳамда саодат манзилига етказамиш деган турли хил шиорлар авжига чиққан пайтлар эди. Шоир ёш хусусиятига эътибор қаратинг. У ҳали энди йигитлик давридаёқ сиёсий қарашлари қанчалик юксалганини, у ўз даврининг комил одамлари қаторида турганлигини ҳис қилиш мумкин. Шоир жуда нозик ўхшатиши килади. Шеърда воқелик, яъни лирик кечинма даврининг оғриқларини, алдов ва шиорлар ичида ниҳоятда "бикиқ" бир маконда, замонда нафас олаётганини кўрамиз. У ўша кайфиятдан азият чекади. Енгил пичинг ва киноявий усул – бола дунёқарашида – жаннат нима деган саволга муносиб жавоб беришга урунганлигида қабариб кўринади. Абдулла Орипов закий, тафаккури ниҳоятда кенг ва ўтқир шоир эди. Унинг бу шеърида ниҳоятда катта умумлашма мавжуд. Унда ҳар бир инсоннинг "тузум оғриклари"ни англаб этиши муҳим бўлган қатор кирралар акс эттирилади. "Юмор билан сатира ҳажвиянинг муайян қисмлари бўлсалар-да, улар орасидаги муштарақликдан ташқари фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу фарқ, энг аввало, бадиий асардаги комиклик даражаси ёхуд кулгининг ифода шакли ва ўрни билан белгиланади. Кулги – сатира ва юморнинг асосий ифода қуроли. Кулгининг қандай кулги эканлиги заҳархонда ёки нафратли, бегараз ё дўстона, ҳазиломуз кўринишлари фаркни кўрсатувчи мезондир. Чунки кулгининг мазмун-моҳияти унинг яратилиши усули ва услубий ўзига хослигида ўз аксини топади".<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Лук А.Н. О чувстве юмора и остроумии. – Москва: Издательский дом: Искусство, 1968. – С. 39.

<sup>2</sup> Жўраева Г. Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия. –Т.: Нодирабегим. 2021. – Б. 21.

*Нима ҳам дер эдим ўйласам бундоқ,  
Тушибман мен ўзим қўйган тузоқча,  
У десам бу деди, бу десам ундоқ,  
Хуллас, қанд-курс бериб бошладим боқча.  
Жаннат деб кўрсатдим боқчани андак,  
Майли, болага бу ўйин бўлади.  
Лекин катталарга сўйламанг эртак,  
Улардан қутилиши қийин бўлади.*

Бола тасаввурни жаннатни кузатаркан, аслида ундан олинадиган хulosса, бошқачадир. Шоир боланинг истак-хоҳиши – шириналлик эканлигини яхши тушуниб турган ҳолда, пичинг, енгил ҳазил билан даврнинг “ясама ва соҳта жаннат”ни ваъда қилаётганини ўқувчига тушунтириб беришида кўринади. Уч банддан иборат ҳазил шеърда боланинг ҳиссий кечинмалари, аслида шоирнинг “муҳим” концепцияси, давр алғов-далговларида шахснинг ирода йўналиши қабариб кўринади. Даврнинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси А.Ориповни жиддий синовларга рўбаро қиласди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: болага жаннат нима учун керак? У бунинг моҳиятини сира тўлалигича тушуниб етиш даражасидами? Унинг истаклари шириналликдан бошқа нима бўлиши мумкин? Контраст усулида шоир иккинчи бир жиҳатга ҳам мантикий ургу беради: катталар наздида жаннат ҳақида ваъда қилинса-ю, уни амалда қўлланмаса, яъни катталарнинг олдида жаннатдан эртак айтиш қаҳрамонни турли балолага грифтор этиб қўйишини далолатлаб турибди. Шоир ниҳоятда жиддий ҳазилни ҳам, ўткир ҳажвни ҳам ягона эстетик марказда қуюқлаштиради. Натижаси эса боланинг “қанд-курс” еб овуниши билан ниҳояланади. Шоир давр манзараларини идроклаш йўсинида талқинни теран тавсифлайди, инсон дунёси, даврнинг фожеликларини, ягона эстетик марказга йўналтиради: давр, инсон ва муаммо қўлами ҳаққоний ифодасини топади. Шоир бу билан “Жаннат”ни шаклда эмас, мазмунда, унинг табиатдан излашга даъват қиласди. Яъни ўткинчи, тўкиб чиқарилган, ваъда қилинган жаннатдан – ҳақиқий жаннатни ажратиб олиб, уни ҳар бир инсон руҳий оламининг ажралмас қисми сифатида баҳолайди. Шу боисдан ҳам, А.Орипов замон оғриқларини теран хис қилган. Ҳазил-мутойиба билан ўқувчига энг оғир қалтис даврлар ҳаётини ҳам тушунтиришга ҳаракат қиласди.

Абдулла Орипов ҳажвий шеърларида фақат жамиятдаги баъзи иллатлар хусусида эмас, олим, шоир ва арбоблар тўғрисида ҳам катта умумлашмага эга мазмундаги фалсафий-эстетик қарашларини илгари суради. Масалан, “Икки шоир” шеъридаги композицион қурилиши – диалогик контекстда очикланади. Полифоник тафаккур шоирнинг лирик “мен”и билан уйғуллашиб, жиддий сегментларни ифодалайди:

Бир шоир арз этди иккинчисига:

– Дўстим, шоирликдан энди воз кечгум!  
Қанча интилмайин халқнинг ичига,  
Шеъримни ўқимас, ўқимас ҳеч ким

Шеър ёзилган давр Ватанимизнинг “ўтиш даври” деб номланган оғир кунларга тўғри келади. Яъни шоир ўша китобга, мутолаага бўлган муносабатни йирик бир асар ёки публицистик макола тарзида эмас, бор-йўғи икки банддан иборат шеър тарзида – икки шоир мулоқоти ёрдамида ифодалайди. Ўша “ўтиш даври”нинг қийин пайтларида ёзувчи-шоирнинг асарлари китоб бўлиб чиқиш билан ўқувчи қўлига тайинли етиб боришга анча масофа узоқлашганди. Шоир ана шу аламни, оғриқларни фақатгина “ним коса” тагида кўрсатишга дикқат қаратади. Шоирнинг бир-бирига арзу доди, муаммоси фақат нима эди: ўқишининг ҳам мазаси қочиб, бир-бириларига таскин берганлигидадир. Икки шоир ҳеч бир жанжал ёки жамиятни қоралаш билан эмас, ўзларининг оғриқларини дардга солиб, шеър қилганлигига қабариб кўринади. Масалан, халқнинг ичига кириб бориш – шеърни ўқимишли бўлишини таъминламаслигини, бу фожелик миллат фожеаси эканлигини чуқур қайғурганилигига. Бу изтироблар иккинчи шоирни ҳам четлаб ўтмаган. Уни эса бошқа бир қайғу дилини фаш қиласди:

Иккинчиси уни юпатиб деди:

– Олдинроқ кетибман мен сендан кўра,  
Халқ-ку ўқимасди мени ҳам, энди  
Ўзим ҳам ўқимай кўйғанман, жўра<sup>1</sup>.

Мана шу икки зиддият ўлароқ ҳар бир шоир оғриқлари “фожеавий” трагикомедияни юзага келтиради. Икки шоир ҳам бир-бирини шу тариқа изтиробларининг ҳовуруни босади. Бундай ўхшатишлар нафакат диалогик муносабатларда, балки полифоник тафаккур, киёсий-типологик йўсинда ҳам ўз аҳамиятини қозонади. А.Орипов нозик ўхшатишлари негизида жамиятнинг баъзи иллатларини пичинг ва кесатиқ тарзида ойдинлаштиради.

Академик Н.Каримов бу хақда шундай таърифлайди: “Золимлар ўлганда, мархумлар тирилади, деган гап бор. XX асрнинг ёвуз даҳоларидан бири Сталиннинг ўлими билан у барпо этган сиёсий тузум секин-аста нураб, ўзбек адабиёти оёқларидаги кишан парчалана бошлади. Буни янги авлод – Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов авлоди биринчи бўлиб хис этди. А.Орипов шеъриятга исёнкор шоир сифатида кириб келди. Унинг аксар шеърларида гарчанд ғафурона оҳанглар эшитилиб турса-да, моҳиятан, Чўлпон шеърлари билан кўз очган шоир. Унинг илҳоми ана шу икки кутб орасида ҳалигача парвоз қилиб, чўлпонона шеърият сари яқинлашганида, шеърлари хиссий теранлик касб этиб боради”<sup>2</sup>. Демак, ўз вақтида сиёсий қарашлари ҳеч қандай мафкурага бўйсунмаган, ўз тили ва дили бир бўлган Чўлпоннинг ўзбек шеъриятидаги бошлаб берган “исёнкор одам” тарзидаги руҳий иқлими янги авлод интилишларида янада давр руҳи ва унинг тутумлари билан муросасиз тарзда давом этди. Буни А.Ориповнинг ўнлаб ҳажвий йўсиндаги “сиёсий-ижтимоий” қарашлари негизида идроклаш муҳим семиотик калитни топишига йўл очади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи. 1980. – Б. 254.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 2016. – 432 б.
3. Адабиётшунослик терминлари лугати / Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Т.: Akademnashr, 2013. – 408 б.
4. Каримов Н. Уч буюк сиймо. –Т.: Мумтоз сўз, 2019. – Б. 200.
5. Жўраева Г. Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия. –Т.: Нодирабегим, 2021. – Б. 21.

**Нашир проф. Н.Шодмонов тавсия этган**

## **МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ОБРАЗИ ГЕНЕЗИСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИ**

**Акрамов Ш.Х. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада миллий озодлик курашчилари образини яратиш, қиёфасини янгилаш ва уларнинг асл юзини кўрсатиш хақида тўхталинган. Мақолада миллий озодлик курашчилари образи бадиий тасвирининг генезиси ва манбалари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** генезис, бадиий образ, ҳалқ оғзаки ижоди, миллий озодлик, босмачи, тарихий манба, адабий манба, раҳнамо.

## **ГЕНЕЗИС ОБРАЗА БОРЦОВ ЗА НАЦИОНАЛЬНУЮ СВОБОДУ И ЕГО ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ**

**Аннотация.** В статье говорится о создании образов-борцов за национальное освобождение и об обновлении их облика. Также изучены генезис и источники художественного описания образов-борцов за национальную свободу.

**Ключевые слова:** генезис, художественный образ, устное народное творчество, национальная свобода, босмачи, исторический источник, художественный источник, предводитель.

<sup>1</sup>Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. – Toshkent: G’G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. 2001. –Б.335.

<sup>2</sup>Каримов Н. Уч буюк сиймо. –Т.: Мумтоз сўз, 2019. – Б. 200.

## THE GENESIS OF THE IMAGE OF THE NATIONAL FREEDOM FIGHTERS AND ITS HISTORICAL SOURCES

**Annotation:** In this article, it was stated about creating the image of national liberation fighters, renew image and showing their original face. Sources and genesis of the national liberation fighters' fiction image were studied in this article.

**Key words:** *genesis, fiction image, folklore, national liberation, wrestler, historical source, literary source, sponsor.* In the article, it was stated about creating the image of national liberation fighters, renew image and showing their original face.

Ҳар бир образ ўзининг яралиш тарихига, келиб чиқиш илдизларига эга. Адабиётшуносликда образ бадий тасвири генезиси алоҳида масала саналади. Аслида Шарқ адабиётида генезис масаласи энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган.

Бадий асарнинг моҳиятини тўлиқ англаб етиш жараёнда унинг генезиси чукур аҳамиятга эга. Айни шу жиҳатдан миллӣ озодлик курашчилари образида генезис масаласини ўрганиш ғоятда долзарб масала ҳисобланади. Зеро, бадий асар генезисида бутун бошли тарих, миллат қиёфаси ва ҳаёти, ҳалкнинг орзу-умидлари каби энг улуғвор тушунчалар ётади. Адабиёт буларнинг барчасини ўзида мужассам этувчи кучдир. Дарҳақиқат, адабиёт ўтмишни гарчанд бадий акс эттираса-да, унинг моҳиятида ҳақиқат, орзу-умид, ишонч каби тушунчалар ётади. Шу жиҳатдан миллӣ озодлик курашчилари образи генезисини ёритиб беришда биз энг аввало, икки хил манбага таянишимиз жоиз:

1. Тарихий манбалар.
2. Адабий манбалар.

Демакки, бадий образлар учун асос бўлган манбаларни ўрганиш, аниқлаш биз учун образ ва бадий асар генезисини аниқлашада муҳим манба бўла олади. Миллӣ озодлик курашчилари образи генезисини аниқлаш жараёнда ёзувчи энг аввал тарихга мурожаат ётади. Миллӣ озодлик курашчилари образи генезиси ниҳоятда қадим илдизларга эга. Боиси бу образ кеча ва ёки бугун пайдо бўлиб қолған образ эмас. Ватан деган тушунча яралибдики, миллӣ озодлик курашчилари деган тушунча мавжуд. Ҳар бир даврда ҳар бир ҳалқ озодлик, ҳурлиқ истагида бўлган ва бу йўлда ўзи учун мард ва адолатпарвар бир раҳнамони танлаган. Айнан шу раҳнамо нафақат тарихнинг, балки адабиётнинг ҳам қаҳрамонига, бош образига айланган. Агар миллӣ озодлик курашчилари образи тадрижига эътибор қаратсан, уларни қуидагича кетма-кетликка ажратишимиз мумкин:

1. Энг қадимги давр адабиётида қаҳрамонлар ҳаракатининг акс этиши ва уларнинг раҳнамодари образи.
2. Ўзбек мумтоз адабиётида озодлик ҳаракати йўлбошчилари образининг поэтик талқини.
3. Миллӣ уйғониш даври ўзбек адабиётида истиқлол қаҳрамонлари образининг бадий такомили.

4. Мустақиллик даври ўзбек адабиётида миллӣ озодлик курашчилари образи тасвири.

Кўриниб турибдики, озодлик курашчилари образи генезиси масаласи ниҳоятда чукур ва бу масалани батафсил баён этиш анчайин мушкул жараёндир. Шу жиҳатдан озодлик ҳаракати курашчилари образи генезиси масаласини юқоридаги биринчи гуруҳ асносида, яъниэнг қадимги давр адабиётида қаҳрамонлар ҳаракатининг акс этиши ва уларнинг раҳнамолари образини қисқа ва аниқликда ёритиб беришга карор қилдик.

Туркий ҳалқлар қадимдан озодликка интилиши, тобеъликка кўнмаслиги билан бошқа ҳалқлардан тамомила ажralиб туради. Бу холат ифодаси неча минг йилликларга бориб тақалувчи тошбитикларда ҳам ўз аксини топади. Бу даврлар адабиёти учун миллат қаҳрамонлари бўлмиш Тўньюқуқ, Култегин, Билга қоон каби образлар қиёфаси муҳим ўрин тутади. Бу қаҳрамонлар мадҳ этилган асарларда бош мақсад ҳалқни ўз юртини севишга, ўз хукмдорларини қадрлашга ундаш бўлгани боис бундай асарларда ундов, чакириқ оҳанглари етакчилик қиласи, Ватан энг улуғ тушунча эканлиги, уни асрар мұқаддас бурчлиги бадий акс эттирилади. Тўньюқуқнинг ўз ҳалқи, Ватани тақдиридан мудом хавотир олиши, ёвнинг она тупроққа ҳужум қилишга тайёрланаётганини эшитгандаги безовталаниши қуидагича тасвиrlанади: “Ўша хабарни эшитиб тунлари уйқум келмади,

кундузлари ўтиргим келмади. (Ўл сабиг эшидип тун удисиқим келмади, кунтуз ўлурсиқим келмади)" [1]. Айни шу ифоданинг ўзига хослиги, чуқур мазмун ва дардни ифода этиши туркий адабиётнинг миллий озодлик курашчилари образини яратиш генезисидаги мукаммаллик, ўзига хослик, бадиийлик ниҳоятда бетакрор ва қадимилигини кўрсатади. Ўзбек адабиётида миллий озодлик курашчилари образини яратиш анъана даражасида турган дейиш мумкин. Тўғри, бу образлар қиёфасини қайта тиклаш, бутунлай ўзгартирилиб таҳлил қилинган тарихни англаш ва англатиш осон ҳодиса эмас эди. Аммо айни шу улкан хатоликни тузатиш, миллатни ўз ўтмишининг чинакам моҳияти билан таништириш масъулияти адабиётнинг елкасида туриши ҳам табиий ҳол эди. Шу жиҳатдан бу вазифани адо этиш истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бошланди. "Кўктўнликлар", "Кўрбоши Мадаминбек", "Сайднаби қоровулбеги", "Мадаминбек", "Шермуҳаммадбек кўрбоши" сингари асарлар айни шу вазифа йўлидаги дастлабки уринишлар сирасидан бўлди. Тоҳир Маликнинг "Ов"каби асарларда ҳам миллий озодлик курашлари ҳақидаги ўзига хос қарашлар давом эттирилди. Таъкидлаш жоизки, бу асарларнинг барчасини бирдек бадиий жиҳатдан пишиқ, мукаммал композицион қурилишга эга асарлар деб баҳолаб бўлмайди. Бироқ улардаги тарихнинг бузилган кирраларини чархлашга уриниш, илмий асослар ва тарихийликка эгалик каби хусусиятлар бу асарларнинг тарих ва адабиёт олдидаги мавқенини анчайин мустаҳкамлаб беради. Зоро, узоқ йиллик бузилган ўтмиш ғиштлари орасидан бутун ғиштларни топиб ҳақиқий тарих биносини яна қайта қуриш осон иш эмас эди. Қолаверса, бу ишни қилишга ҳам барча ёзувчida бирдек жасорат топилавермаслигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Сайднаби қоровулбеги каби образларнинг асл қиёфасини аниқлашда тарихга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ жоиз. Боиси, миллий озодлик курашчилари образи, қиёфаси тарихда узоқ йиллар мобайнида тамоман бузилиб, бошқа шаклда талқин этилган эди. Бу образларга тарихий ва бадиий жиҳатдан тўғри ёндашиш 90-йилларнинг бошларига тўғри келади. Муаллифлар бу образларга ҳам тарихий, ҳам бадиий жиҳатдан ёндашмоги зарурий эҳтиёж. Зоро, тарихни чинакам моҳиятини англашда ва "Адабий манба ва унинг матнини тадқиқ этишда Д.С.Лихачев таъкидлаганидек, танланган манба билан бирга илмий жамоага маълум унга тегишли бошқа манбаларда берилган далилларга ҳам атрофлича эътибор қаратиш лозим" [2]. Шу жиҳатдан муаллифлар миллий озодлик курашчилари образини яратишда энг аввало, тарих билан ҳамкорликда иш олиб боришилари зарурий эҳтиёж эди.

Зотан, миллий озодлик курашчилари образининг яратилиш генезиси энг аввало, ҳалқ ва унинг ижоди билан бориб туташади. Адабиёт ҳар бир даврда ҳалқнинг орзу-умидларини, ўй-хаёлларини ўзида акс эттиради. Тарихдаги ҳар бир воқелик ҳалқ оғзаки ижодида ўз аксини топади. Миллий озодлик курашчилари, мардикорлик воқеалари ҳалқ орасида чуқур баҳс-мунозараларга сабаб бўлибина қолмай, уларнинг адабиётида, қўшиқлари-ю ривоятларида, латифаю ҳангомаларида ўз аксини кўрсатиб борди. Бундай маълумотлар нафақат бадиий асарларда, қолаверса, тарихий асарларда ҳам акс этади: "Мадаминбек фожеали равища ҳалок бўлса ҳам, унинг порлоқ номи Туркистон истиқлолчилари ўртасида тилларда достон бўлишда давом этди. Мадаминбек ҳақида турли қўшиқлар тўкилиб, истиқлолчилар томонидан куйланди" [3]. Демакки, Мадаминбек образи энг аввало, ҳалқ томонидан яратила бошланди ва кейинчалик бадиий адабиётига кўчди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, "кимки бу дунёда курмоқчи, яратмоқчи, норасо тартиб-коидаларни ўзгартироқчи, хур ва эркин, озод яшамоқчи, ҳақталаб бўлса замонлар унга дор тутган, чоҳ казиган, отган, хўрлаган, эзган, янчган" [4]. Бироқ ҳалқ ўз қаҳрамонларини ҳеч бир даврда унутмайди, уларнинг хотирасидан воз кечмайди. Шу маънода миллий озодлик курашчилари образи генезисини даставвал ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан излаш мақсадга мувофиқ. Масалан, "Фарғонажон" номли қўшиқда Мадаминбек ва унинг шонли ҳаёт йўли ҳақида сўз бориши баробарида, шундай мардлар туғилган диёрдан нега яна шундай паҳлавонлар топилмаётгани ҳақида куйиниб сўз юритилади:

*Фарғонажон, Фарғонажон –  
Ботирлар туққан онажон,  
Мадаминбекнинг диёрида  
Юраги ёнган зотлар қани?*

Бу каби мисралар аста-секин Мадаминбекни бадий адабиётимизнинг энг етакчи образларидан бирига айланишига ҳам ёрдам берди. Зеро, бундай образлар нафақат халқ учун, балки адабиёт учун ҳам зарурый образлардан бири эди дейиш мумкин. Миллий озодлик курашчилари ўз даврларида истиқлол учун жон фидо қилган бўлсалар, миллатнинг зиёлилари ҳам қайсиdir маънода уларни қўллаб-кувватладилар. Зеро, курашчиларнинг ҳам, зиёлиларнинг ҳам танлаган йўллари битта эди. Шу маънода, уларнинг барчаси халққа қилинаётган ноҳақликлар ва адолатсизликларга шунчаки кўз юмиб кетишлари имконсиз бир ҳолат эди. Абдулла Авлонийнинг куюниб: “Биз осиёликлар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз. Қаймоқ беруб, сут ошаймиз, нон ўрнига кесак тишлигиз!” каби фикрлари сўзларимизнинг исботидир [5]. Халқнинг онгу шуури уйғоқ ҳар бир фарзанди бундай ҳодисаларни чукур англар, яхши тушунар эди. Айни шу сабабга қўра миллий озодлик курашчилари қиёфаси тарих қатида қолиб кетиши, бадий адабиётга кўчмаслиги асло имконсиз бир ҳолаттир. Моҳиятан ўйлаб кўрилганда, муаллиф бирор воқеликни ўргана, аниқлар экан унга нафақат тарихий факт асосида, балки ички туйғулар асносида ҳам ёндашади. Миллий озодлик курашчилари қиёфасини яратиш жараённида ижодкорлар тарих ва адабиёт уйғунылигига иш кўришар экан, тарихга бадийлик, жонлилик, тъясирчанлик баҳш этадилар. Миллий озодлик курашчилари образи генезиси тарихнинг энг олис кунларига, қийин вазиятларига бориб тақалади. Бу образлар генезисини чукур тушуниш, англаш ва англатиш ижодкордан улкан маҳорат, бадий шижаот ва билимни талаб этади. Зеро, чинакам адабиёт ва ёзувчи мақсадлари мавжуд ерда бадий жиҳатдан баркамол асарлар яратилиши баробарида тарихий ҳақиқат тикланади, юзага чиқади.

Хуллас, Миллий озодлик курашчилари образини яратиш албатта, бирданига такомилга етиб қолмади. Бу образларнинг асл қиёфасини, келиб чиқиш генезисини аниқлаш учун йиллар керак бўлди. Аста-секинлик билан Мадаминбек, Шермуҳаммадбек каби тарихий шахслар қиёфаси ўзининг асл моҳиятини очиб борди. Натижада, ўзбек адабиётида миллий озодлик курашчилари образи ва қиёфаси пайдо бўлди. Ишончимиз комилки, бу анъана кейинчалик ҳам ўзбек адабиётида давом этади ва миллат ҳимоячилари образи генезиси ҳам янада чуқурлашиб, бойиб, конкретлашиб бораверида.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Kafolat print company, 2021. – Б.9.
2. Лихачев Д.С. Приучастие А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – С-Петербург: Алетейя, 2001. – С.34.
3. Rajabov Q.Madaminbek. – Т.: Abu-matbuot konsalt, 2011. – В. 30.
4. Ганиев И., Афокова Н. Озод рух фалсафаси. – Тошкент.: Фан, 2006. – Б. 48.
5. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. – Тошкент.: Маънавият, 1998. Ж. 1. – Б. 48.

*Наширга проф. Н.Шодмонов тавсия этган*

## К ПРОБЛЕМЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКВИВАЛЕНТНОСТИ И АДЕКВАТНОСТИ ПЕРЕВОДА

**Бобоев У.Н. (СамГИИЯ)**

**Аннотация.** Статья посвящена актуальной проблематике эквивалентности и адекватности перевода. Целью статьи является изучение природы и сущности данных понятий, а также выявлению основных проблем, связанных с их обеспечением в переводческой деятельности. Методами исследования стали: анализ научной литературы, индукция, дедукция, синтез и комплексный анализ. Автор статьи приходит к выводу о том, что эквивалентность и адекватность соотносятся как общее и частное. Адекватный перевод имеет более глубокий смысл относительно

эквивалентности и предполагает качественный перевод с достаточной полнотой межъязыковой коммуникации в конкретных условиях. Все известные современные способы и стратегии перевода лингвокультурологических реалий текстов направлены на максимально адекватную трансляцию с одного языка на другой их смысла, эмоциональной окраски, интертекста и многих других особенностей, позволяющих читателю (слушателю) на языке перевода воспринять сообщение таким, каким его задумывал автор на языке оригинала.

**Ключевые слова:** переводоведение, эквивалентность, адекватность, соотношение понятий, лингвокультурологические реалии.

### TO THE PROBLEM OF ENSURING EQUIVALENCE AND ADEQUACY OF TRANSLATION

**Annotation.** The article is devoted to the topical issues of equivalence and adequacy of translation. The purpose of the article is to study the nature and essence of these concepts, as well as to identify the main problems associated with their provision in translation activities. The research methods were: analysis of scientific literature, induction, deduction, synthesis and complex analysis. The author of the article comes to the conclusion that equivalence and adequacy correlate as general and particular. Adequate translation has a deeper meaning regarding equivalence and implies a high-quality translation with sufficient completeness of interlingual communication in specific conditions. All known modern methods and strategies for translating linguoculturological realities of texts are aimed at the most adequate translation from one language to another of their meaning, emotional coloring, intertext and many other features that allow the reader (listener) in the target language to perceive the message as the author intended it in the target language. original.

**Key words:** *translation studies, equivalence, adequacy, correlation of concepts, linguoculturological realities.*

### TARJIMA EKVIVALENTLIGI VA ADKVIVALENTLIGINI TA'MINLASH MUAMMOSI

**Annotatsiya.** Maqola tarjimaning ekvivalentligi va adekvatligining dolzarb masalalariga bag'ishlangan. Maqolaning maqsadi ushbu tushunchalarning mohiyati va mohiyatini o'rganish, shuningdek ularni tarjima faoliyatida ta'minlash bilan bog'liq asosiy muammolarni aniqlashdir. Tadqiqot usullari: ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish, induksiya, deduksiya, sintez va kompleks tahlil. Maqola muallifi ekvivalentlik va adekvatlik umumiyligi va xususiy sifatida o'zaro bog'liq degan xulosaga keladi. Adekvat tarjima ekvivalentlik nuqtayi nazaridan chuqurroq ma'noga ega va muayyan sharoitlarda tillararo muloqotning yetarli darajada to'liqligi bilan yuqori sifatlari tarjimani anglatadi. Matnlarning lingvokulturologik vogeliklarini tarjima qilishning barcha ma'lum zamonaviy usullari va strategiyalari ularning ma'nosini, hissiy bo'yoqlari, intertekstlari va boshqa ko'plab xususiyatlarni bir tildan ikkinchi tilga eng adekvat tarjima qilishga qaratilgan.

**Tayanch so'zlar:** *tarjimashunoslik, ekvivalentlik, adekvatlik, tushunchalar o'zaro bog'liqligi, lingvokulturologik vogeliklar.*

Рассмотрим соотношение таких понятий, как «эквивалентность» и «адекватность» перевода, поскольку именно их достижение становится целью применения стратегий, методов и способов перевода. Вопрос оценки качества перевода публицистических текстов, содержащих разные виды труднопереводимой лексики активно исследуется научным сообществом. Им занимались многие ученые. Однако следует особо отметить вклад таких известных лингвистов, как Г. Верmeer, В.Н Комиссаров, Дж. Кэтфорд, К. Райс, Я.И. Рецкер и многие другие.

Адекватный перевод сегодня представляет собой довольно абстрактный термин, который подразумевает максимально возможную передачу смыслов и конструкций с языка оригинала на язык перевода. Адекватность является одним из основных концептов в теории и практике перевода. Современное переводоведение сформировалось в 1950-1960-е гг., когда понятие адекватности опиралось на идею перевода как обеспечения полного соответствия смысла текста оригинала смыслу текста на языке перевода. Иными словами, под адекватностью понималась смысловая полнота и точность перевода, а также учитывалась его стилистическая эквивалентность.

При появлении и последующем развитии машинного перевода специалисты стали разрабатывать формальные, но эффективные критерии адекватности, предназначенные для

программирования машин. Ученые ориентировались на степень понимания исходного текста носителем языка и переведенного текста носителем языка перевода. Вместе с тем данные критерии учитывали исключительно оценку восприятия, поэтому их часто критиковали.

В действительности обеспечить полностью адекватный перевод невозможно вследствие существенных различий языковых, грамматических, лексических форм, наличия непереводимых реалий и лексики, не имеющих эквивалентов в языке перевода. В связи с этим ученые, исследующие данную проблему, разрабатывают разные определения термина «адекватность». В частности, Я.И. Рецкер указывает на то, что, если критерием адекватности является обеспечение соответствия фрагменту действительности, представленному в тексте оригинале, то равноценность применяемых при переводе средств должна стремиться к тождеству, а, значит, окажется максимально приближенной по степени воздействия к тексту оригинала. Исследования переводов, в которых представлен высокий уровень мастерства, свидетельствуют о том, что следует вести речь о функциональной, а не формальной равноценности языковых средств, поскольку последняя во многих случаях невозможна.<sup>1</sup> Проблема адекватности перевода – это проблема соотношения оригинального и переводного текстов, когда достигается конкретная цель, например, речь может идти о лингвистическом или учебном переводе. Адекватность направлена на достижение высокого уровня качества перевода, на процесс и связана с понятием эквивалентность перевода.

В теории перевода это две главные категории. Данные термины часто применяются в качестве синонимов. Их толкование определяет решение многих вопросов переводоведения: сущность перевода, вольный и буквальный перевод. Р. Левицкий в своем исследовании отмечает, что термины «адекватность» и «эквивалентность» во многих случаях взаимозаменяемы.<sup>2</sup> Некоторые ученые противопоставляют друг другу данные понятия. В частности, по мнению В.Н. Комиссарова, это взаимосвязанные, но не тождественные категории. Он указал на то, что «адекватный перевод» является более широким понятием, чем «эквивалентность», которая представляет собой смысловую общность равнозначных единиц языка и речи.<sup>3</sup>

К. Раис и Г. Вермеер полагают, что «эквивалентность» распространяется на взаимоотношения отдельных знаков и в целом текстов. Вместе с тем эквивалентность отдельных знаков совсем не обязательно ведет к эквивалентности текстов, а также эквивалентность текстов вовсе не предполагает эквивалентность всех их частей. Одновременно эквивалентность текстов проявляется, не только на уровне языка, но и культуры.

Развитие в теории перевода данной проблематики привело к тому, что ученые создали ряд типологий и определили разные типы эквивалентных отношений, которые определяются уровнем взаимоотношений единиц перевода (уровень морфем, слов, фраз и предложений) или типа информации (денотативная, коннотативная и прагматическая информация). В частности, В. Коллер в своих трудах писал о референциальной (денотативной) эквивалентности, которая позволяет сохранить предметное содержание текста; коннотативной эквивалентности, передающей коннотации текста посредством целенаправленного подбора языковых средств – синонимов, когда единицы языков оригинала и перевода у их носителей формируют идентичные или похожие ассоциации; контекстуальной (текстуально-нормативной) эквивалентности, которая направлена на разные жанровые характеристики текста, нормы языка и речи, когда языковые единицы в основном используются в одном и том же или похожем контексте; прагматической эквивалентности, предполагающей конкретную установку на получателя информации, когда единицы языков у их носителей вызывают одинаковые или похожие эмоции; формальной эквивалентности, которая передает художественно-эстетические, индивидуальные,

<sup>1</sup> Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М., 2007. – С. 19.

<sup>2</sup> Левицкий Р. О принципе функциональной адекватности перевода // Сопоставительное языкознание. – София, 1984. – Т. 9. – № 3. – С. 15.

<sup>3</sup> Комиссаров В.Н. Теория перевода: (лингвистические аспекты) / В.Н. Комиссаров: учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. – М.: Высш. шк., 2010. – С. 100.

каламбурные и иные формальные характеристики оригинала, когда слова имеют орфографические или фонетические сходства.<sup>1</sup>

В связи с этим не представляется возможным сформулировать единое общепринятое требование (критерий), составляющее основу эквивалентности, требования к ней неодинаковые для разных текстов. Довольно часто ученые используют понятия адекватности и эквивалентности как взаимозаменяемые, в частности, Дж. Кэтфорд приравнивает переводческую эквивалентность к адекватности перевода.<sup>2</sup> При этом другая группа лингвистов считает, что эквивалентный и адекватный перевод не являются тождественными понятиями, но признают их тесную взаимосвязь. В целом адекватный перевод понимается как качественный, поскольку обеспечивает достаточную полноту межъязыковой коммуникации в определенных условиях, а эквивалентность подразумевает смысловую общность единиц языков оригинала и перевода (речи).

Мы разделяем определение понятия эквивалентности, которое разработал Л.С.Бархударов, который указал на то, что эквивалентность является семантической категорией, проявляющейся в смысловой идентичности (максимально возможной степени схожести) текстов на языках оригинала и перевода.<sup>3</sup> По мнению А.В. Федорова, вместо термина «эквивалентность» следует оперировать понятием «полноценность», подразумевающим полную передачу смысла оригинального текста.<sup>4</sup>

Применительно к «адекватности» научное сообщество полагает, что необходимо обеспечивать соответствие текста перевода цели перевода<sup>5</sup>, при этом лингвисты отмечают, что данное понятие носит оценочный характер и предполагает правильный подбор средств перевода. По мнению В.Н. Комиссарова, адекватный перевод призван решать pragматические задачи перевода с максимально соответствующим цели уровнем эквивалентности. Переводчику необходимо соблюдать нормы или узус языка перевода, жанрово-стилистические требования, предъявляемые к текстам конкретного типа и общие конвенциональные правила перевода.<sup>6</sup>

Иными словами, «адекватный» - это качественный перевод, который максимально качественно передает смысл для полной реализации межъязыковой коммуникации. Применительно к эквивалентности важно различать потенциальную эквивалентность, подразумевающую максимальное обеспечение общности оригинального и переводного текстов, и переводческую эквивалентность, направленную на максимальное реальное сближение двух текстов. Существуют разные типы эквивалентных отношений оригинального и переводного текстов. В частности, В.Н. Комиссаров выделил следующие типы:

- эквивалентность, направленная на общее описание ситуации в текстах на разных языках, когда в них речь идет об одном и том же;
- эквивалентность по коммуникативной цели, когда общность содержания оригинального и переводного текстов минимальна;
- эквивалентность по способу описания ситуации, когда помимо единой цели коммуникации и содержания информации сохраняются также понятия, посредством которых описывалась ситуация в тексте оригинала;
- эквивалентность по структуре высказывания, когда помимо указанных выше общих элементов присутствуют инвариантные синтаксические конструкции оригинала и перевода;

<sup>1</sup> Koller, W. Equivalence in Translation Theory // Ed. A. Chesterman, Readings in Translation Theory. – Helsinki: Oy Finn Lectura Ab., 1989. – P. 102.

<sup>2</sup> Schulte, H., Teuscher, G. The Art of Literary Translation. – London: German Literature, Art and Thought, 1993. – P. 237.

<sup>3</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Междунар. отношения, 2021. – С. 117.

<sup>4</sup> Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983. – С. 118.

<sup>5</sup> Алексеева И.С. Введение в переводоведение: Учеб. пособие для студ. филол. и лингв. фак. высш. учеб. заведений. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ; Издательский центр «Академия», 2020. – С. 135.

<sup>6</sup> Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 2014. – С. 18.

- эквивалентность по семантике лексических единиц, при которой смысловая общность минимальна, поскольку ее практически невозможно обеспечить между оригиналом и переводом.<sup>1</sup>

Адекватность и эквивалентность перевода являются оценочными категориями. Вместе с тем эквивалентность направлена на результат перевода, а адекватность ориентирована на процесс межъязыкового общения. Эквивалентность позволяет понять, соответствует ли переведенный текст оригиналу, а адекватность показывает, соответствует ли процесс перевода конкретным условиям коммуникации.

Достижение полной эквивалентности означает, что максимально выполнены требования, связанные с переводом текста, если речь идет об адекватности, то переводческое решение может быть компромиссным. По мнению В.Н. Комиссарова, точный перевод следует считать адекватным, если в результате выполнена задача передачи фактической информации, однако при этом точный перевод может быть лишь частично эквивалентен, а эквивалентный перевод всегда обязан быть точным.<sup>2</sup>

Таким образом, эквивалентность и адекватность в переводческой практике разграничивается как общее и частное. При этом адекватный перевод наделен более глубоким смыслом по сравнению с эквивалентностью и подразумевает качественный перевод, способный обеспечить достаточную полноту межъязыковой коммуникации в определенных условиях. Все известные современные способы и стратегии перевода лингвокультурологических реалий текстов направлены на максимально адекватную трансляцию с одного языка на другой их смысла, эмоциональной окраски, интертекста и многих других особенностей, которые позволяют читателю (слушателю) на языке перевода воспринять сообщение именно так, как это задумывал его автор в оригинале.

#### Список литературы

1. Алексеева И.С. Введение в переводоведение: Учеб. пособие для студ. филол. и лингв. фак. высш. учеб. заведений. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ; Издательский центр «Академия», 2020. – 428 с.
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Междунар. отношения, 2021. – 374 с.
3. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. – М.: Высш. шк., 2000. – 386 с.
4. Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – М.: Международные отношения, 1973. – 410 с.
5. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 2014. – 265 с.
6. Комиссаров В.Н. Теория перевода: (лингвистические аспекты) / В.Н. Комиссаров: учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. – М.: Высш. шк., 2010. – 288 с.
7. Левицкий Р. О принципе функциональной адекватности перевода // Сопоставительное языкознание. – София, 1984. – Т. 9. – № 3. – С. 13-21.
8. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М., 2007. – 370 с.
9. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983. – 358 с.
10. Koller, W. Equivalence in Translation Theory // Ed. A. Chesterman, Readings in Translation Theory. – Helsinki: Oy Finn Lectura Ab., 1989. – 244 p.
11. Schulte, H., Teuscher, G. The Art of Literary Translation. – London: German Literature, Art and Thought, 1993. – 382 p.

*Рекомендовано к печати доц. Ё.Хамраевой*

## MORFEM STRUKTURADA SODDALASHISH TAMOYILLARI

Usmonova M. K. (QarDU)

**Аннотация.** Maqolada so‘z morfem tarkibining o‘zgarishi – soddalashish hodisasining o‘rganilishi haqida fikr yuritilgan. O‘zbek tilidagi soddalashishga uchragan birliklarning turli xil fonetik o‘zgarishlar asosida yuzaga kelganligi ko‘rsatib o‘tilgan. Hozirgi o‘zbek tili lug’at tarkibidagi fonetik strukturasini

<sup>1</sup> Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. – М.: Высш. шк., 2000. – С. 167.

<sup>2</sup> Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – М.: Международные отношения, 1973. – С. 76.

murakkablashgan, bir bo‘g’inlilikdan ko‘p bo‘g’inlilikka o‘zgargan, lekin morfem strukturasi soddalashishga uchragan (yaxlitlashgan, turli sabablarga ko‘ra asos bilan qo‘srimcha singishib ketgan) so‘zlarning struktur-semantik, fonetik-derivatsion taraqqiyoti ochib berilgan.

Bir bo‘g’inli tub so‘zlar fonetik strukturasining tarixiy taraqqiyot jarayonida ko‘p bo‘g’inli fonetik strukturalarga ega bo‘lish sabablari asoslangan.

**Tayanch so‘zlar:** soddalashish, asos, affiks, murakkab komponent, o‘zak, fonetik struktura, morfema, tovush almashinishi, semantika, tub so‘z, etimologik tahlil, emotsiyonallik ifodalash.

### ПРИНЦИПЫ УПРОЩЕНИЯ В СТРУКТУРЕ МОРФЕМ

**Аннотация.** В статье рассмотрено исследование феномена изменения морфемного состава слова – упрощения. Было показано, что упрощенные единицы узбекского языка возникли на основе различных фонетических изменений. Фонетическая структура современной узбекской лексики стала более сложной, изменилась от одного слога до многих слогов, но структура морфем упростилаась.

Обоснованы причины приобретения многосложных фонетических структур в процессе исторического развития фонетической структуры односложных корневых слов.

**Ключевые слова:** упрощение, основа, аффикс, сложный компонент, форма, фонетическая структура, морфема, звукообмен, семантика, корневое слово, этимологический анализ, эмоциональность выражение.

### PRINCIPLES OF SIMPLIFICATION IN MORPHEME STRUCTURE

**Annotation.** The article gives an idea of the change in the composition of the word morpheme – the study of the phenomenon of simplification. It is indicated that the units that have undergone simplification of the Uzbek language are based on various phonetic changes. The phonetic structure of the modern Uzbek lexicon has become more complex, changed from one syllable to many syllables, but the morpheme structure has been simplified.

The phonetic structure of single-syllable root words in the process of historical development is based on the reasons for the acquisition of multi-syllable phonetic structures.

**Keywords:** simplification, predicate, predicate, compound, predicate, phonetic structure, morpheme, sound interchange, semantics, root word, etymological analysis, emotionality expression.

Hozirgi o‘zbek tilida ba’zi so‘zlarga qo‘srimchalar qo‘shilganda tovush orttiriladi va bu hodisa so‘z tuzilishida, ayniqsa, o‘zakda o‘zgarish bo‘lishiga olib keladi. Jumladan, u, bu, shu, o‘sha kabi olmoshlarga -cha, -gacha, -cha, -da, -dan, -day, -dek, -doq, -daqa qo‘srimchalarni qo‘shtiganimizda so‘zlar tarkibida bitta n tovushi: unaqa, bunaqa, o‘shanaqa, shunaqa, shunda, unda, bunda, o‘shanda; unday, bunday, shunday, o‘shanday; uncha, shuncha, buncha, o‘shancha; ungacha, bungacha, shungacha, o‘shangacha kabilar. Bunday n orttirilishi holatini yana ko‘pincha, bo‘yincha; ichinda, tashinda, yoshinda, boshinda, qoshinda kabi so‘zlarda ham kuzatish mumkin. Keyingi qo‘llashlarda n undoshining orttirilishi boshqa sabab bilan, ya’ni ma’lum maqsad bilan yuz beradiki, bularni shunday izohlaymiz. Yuqorida keltirilgan misollarda bitta n undoshining orttirilishi so‘z fonetik strukturasini o‘zgartirgan, ana shu o‘zgarish, ayniqsa, bunaqa, shunaqa, unaqa, buncha, muncha tarzidagi o‘zgarishlar o‘zak morfemaning uqilishiga ta’sir o‘tkazadi, so‘zlarni yaxlit tasavvur qilishga olib keladi. Demak, bu so‘zlarda soddalashish tomon siljish kuzatiladi.

O‘zbek tilida so‘zlarning soddalashish tomon siljishining boshqa sabablari ham bor. Bunda so‘zlarga so‘z yasovchi qo‘srimchalar qo‘shiladi va undoshlar qabatlanishi yuz beradi. Misollarga murojaat qilamiz: achi+q=achchiq, isi+q=issiq, sasi+q=sassiq, qat(qot)+iq=qattiq; cho‘k+a=cho‘kki kabilar. Ko‘rinib turibdiki, qattiq so‘zi, qot- fe’lidan yasalgan, unga sifat yasovchi -iq qo‘srimchasi qo‘shilgan. Shu jarayonda bitta t undoshi orttirilgan, ayni vaqtida o>a o‘tish holati ham yuz bergen, o‘zak morfemaning mohiyatini anglashni qiyinlashtirgan. Keltirilgan boshqa so‘zlarda ham shu holat yuz bergen va soddalashish sodir bo‘lishini ta’minlagan.

A.G’ulomov serray, so‘ppay, qappay, qaqqay, qo‘qqay, cho‘chchay kabi so‘zlardagi tovush ikkilanishi hodisasini emotsiyonallik ifodalash bilan bog’laydi. Olimning bu fikri achchiq, sassiq, issiq, qattiq, eshshak kabi so‘zlarga ham tadbiq etilishi ham mumkin. Biroq prof.Y.Tojiyev bu o‘rinda talaffuzni osonlashtirishga ko‘maklashish uchun ochiq va yopiq bo‘g’inlarni shakllantirishda ma’lum qonuniyatlar asosida shu hodisa sodir etilgan, degan taxminni aytadi [1, 28-33].

Chunki so‘zlarning o‘zaklari achi-, sasi-, qot-, isi- kabi ko‘rinishda bo‘lib, tovush orttirilgandan keyin achchiq, sassiq, qattiq, issiq shaklini olgan. Demak, bu yerda so‘z morfemalarining asl ko‘rinishi xiralashgan. Shu o‘rinda bir narsani ta’kidlab o‘tish lozimki, aniq tub so‘z sifatida (tub fe’l) qaraluvchi alohida fe’llar guruhi bor. Bunday fe’llar hali o‘zbek tilshunosligida biror olim tomonidan o‘rganilmagan. Faqat professor Y.Tojiyev bitmoq fe’li haqida ma’lumot bergen, bunday fe’llar borligiga ishora qilib o‘tadi [2,7-71]. Ya’ni, bit- fe’li o‘qi-, yoz-, kel-, ket-, tur-, o‘tir-, bor- tarzidagi deyarli boshqa hamma fe’llar kabi mustaqil tarzda ikkinchi shaxsga qaratilgan buyruqni mantiqan ifodalay olmaydi. Chunki bit tarzida buyruq berib bo‘lmaydi, bu fe’l “o‘zining tugallan-” ma’nosini ifodalay olmaydi. O‘qi-, yoz- fe’llari esa bu vazifada qo‘llana oladi. Sen o‘qi; sen yoz kabi. Biroq sen bit tarzida qo‘llash mantiqan to‘g’ri kelmaydi, ammo Sen bitir yoki Sen bitkaz tarzida qo‘llash mumkin. Shuningdek, o‘zbek tilida achi-, -sasi, isi-, qot-, -tuga, to‘l- kabi fe’llar ham ana shunday xususiyatlarga ega. Ularning soni 50 tadan ortiq bo‘lib, sen achi; sen sasi, sen tuga, sen to‘l tarzida qo‘llash mumkin emas. Yasama so‘zlarda, masalan, sen bolala tarzida ham qo‘llash kuzatilmaydi, u bolaladi deyish esa ham grammatik, ham mantiq jihatdan to‘g’ri. Demak, o‘qi-, yoz-, bor-, tur- kabi mustaqil holda kesim vazifasida kela oladigan, ikkinchi shaxsga qaratilgan buyruqni ifodalovchi fe’ldan farq qiluvchi achi-, isi-, sasi-, qot-, tugakabi alohida fe’llar guruhi bo‘lib, ular biror qo‘shimcha bilan qo‘llanishi mumkin: achidi, achigan, achib kabi. Biroq achi shakli alohida olingan holatda qo‘llanishi noo‘rin. Bu holat ularning mustaqil holda qo‘llanishi cheklanganligini ko‘rsatadi. Keltirilgan so‘zlar achchiq, bitkaz, sassiq, issiq, tugal, to‘liq yasalmalari tarkibida, shu kungacha yasovchi asos sifatida qaralsa-da, aslida ularning semantikasi yasovchi asos sifatida, masalan, o‘qi- fe’li bilan tenglashtirib bo‘lmasligini ko‘rsatadi, o‘qi ham, o‘qit ham alohida qo‘llanaveradi, biroq achit- qo‘llangani holda achiqo‘llanmaydi. Bu ham soddalashishning bir ko‘rinishi hisoblanadi.

Hozirgi o‘zbek tilida o‘zaklarga (ularning ayrimlari aslida bir bo‘g’inli o‘zaklar hisoblanib, ko‘pchiligi tarixan yasama o‘zaklar bo‘lsa ham, hozirgi tub o‘zak sifatida baholanadi) so‘z yasovchi ayrim qo‘shimchalarni qo‘shganda, o‘zak tarkibida tovush almashinishi hodisasi yuz beradi. Odatda,

-a, -la, -q, -v, -il, -k kabi so‘z yasovchi qo‘shimchalar qo‘shilganda shunday almashinish ko‘p kuzatiladi: ot+-a=ata, yosh+-a=yasha, son+-a=sana; ong+

-la=angla; alda+-v=aldov (alda+ -qchi =aldoqchi), sayla+-v=saylov, silta+

-v=siltov, so‘ra+-v=so‘rov, tanla+-v=tanlov, terga+-v=tergov, to‘la+

-v=to‘lov, qutla+-v=qutlov, yoqla+-v=yoqlov, chayqa+-v=chayqov; tara+

-q=taroq, yara+-q=yaroq (yarog’), bo‘ya+-q=bo‘yoq, sava+-q=savoq, sayra+

-qi=cayoqi, sana+-q=sanoq; bu holat so‘ra-, taya-, tarqa-, tirma-, to‘lg‘a-, qada-, o‘yna-, qayra-, chanqa-, charcha- kabi yasovchi asoslarga -q qo‘shimchasini qo‘shilgan holatlarda ham sodir bo‘ladi. Shu bilan birga chuchi+-k=chuchuk, quri+-q=quruq, sovi+-q=sovuj kabi so‘zlarda a unlisining o unlisiga yoki i unlisining u unlisiga almashishi ko‘rinishida yuz beradi. Natijada yasovchi asoslar tarkibida o‘zgarish sodir bo‘ladi[3, 9-80], bu ularning soddalashish tomon siljiganini ko‘rsatadi. Ana shunday holat faqat bir so‘z doirasida so‘z yasovchi -r undoshi qo‘shilganda ham sodir bo‘ladi: ishqqa+-r=ishqor kabi. Keltirilgan so‘zlarning hammasida o‘zakning uqilishi xiralashgan. Natijada ularda soddalashish yuz bergen deyish mumkin.

O‘zbek tilida oxiri k yoki q undoshi bilan tugagan so‘zlarga egalik qo‘shimchasi qo‘shilganda o‘zak oxiridagi tovush jaranglilashadi: bilak+im, tilak+im; chiroq+im, qayroq+im, o‘roq+im kabilar. Bunday hollarda ham bilagim, tilagim, chiroq’im, o‘rog’im, qayrog’im so‘zleri o‘zaklaridagi o‘zgarish bilan asosning anglanishi qiyinlashadi va soddalashish tomon siljish kuzatiladi. Biroq bunday shakllangan so‘zlarni to‘la soddalashgan birliklar qatoriga kiritish qiyin.

Hozirgi o‘zbek tilida jamlovchi son hosil qiluvchi -ov va -ala qo‘shimchalari ikki, olti, yetti sonlariga (unli bilan tugovchi sonlarga) qo‘shilganda o‘zak tarkibida tovush tushishi sodir bo‘ladi yoki tovush almashadi: ikki+-ov=ikkov; olti+-ov=oltov; yetti+-ov=yettov yoki ikki+-ala=ikkala; olti+-ala=oltalasi; yetti+-ala=yettala kabi. Bunday hollarda ham soddalashish tomon siljish holatinining belgilari mavjudligi kuzatiladi, biroq hali to‘la soddalashish sodir bo‘lmagan.

Ana shu soddalashish jarayoni boshlangan birliklar qatoriga tashqari, ichkari, teskari; yuqori, ilgari, singari so‘zlarini ham kiritish mumkin. Shunisi xarakterlik, bu 6 ta so‘zda soddalashishning 3 xil darajasi kuzatiladi: a) tashqari, ichkari so‘zlarida tarixan jo‘nalish kelishigi qo‘shimchasi bo‘lgan -ga va -ru qo‘shimchalari birlashib ketib, qo‘shma affiksni hosil qilgan va shu so‘zlardagi soddalashish endi boshlanganini ko‘rsatadi. Xususan, tash va ich so‘zlarining ma‘no ko‘lamida ham o‘zgarish yuz bergen yoki shu tarzda morfemalarning mustaqil qo‘llanilishi cheklana boshlagan, ot turkumiga oid so‘z sifatida alohida qo‘llanish cheklangan;

b) teskari so‘zida soddalashish holati tugallangan. Bunga -kari (-qari, -gari) [4, 44] qo‘shimchasi qo‘llanishining ancha ilgari, XI asrlardayoq, kamaya boshlagani sabab bo‘lgan bo‘lsa, bundan ham ters so‘zi tarkibidan

-kari qo‘shimchasi qo‘shilishi bilan -r undoshining tushib qolganligi ko‘proq muhimroqdir. Teskari so‘zidagi tes qismi zohiriy shaklini yo‘qotganligi tufayli uni alohida so‘z sifatida belgilash qiyin. Shunga ko‘ra, unda soddalashish jarayoni tugagan deyish mumkin;

v) yuqori, ilgari, singari so‘zlarida soddalashishning yuqori bosqichi amalga oshib bo‘lgan.

Yuqori so‘zi A.G’ulomov etimologiyasiga ko‘ra aslida yuk (yuk, yo‘q) otiga -qari qo‘shimchasini qo‘shish bilan hosil qilingan[5, 86]. Bu o‘rinda ham tovush tushishi (g, q tushib qolgan), ham tovush almashinishi sodir bo‘lgan va bu narsa uning to‘la soddalashishiga sabab bo‘lgan. Ilgari va singari so‘zlarida, aslida mavjud bo‘lgan il, sing o‘zaklari to‘la iste’moldan chiqqanligi sababli bu so‘zlarda ham to‘la soddalashish yuzaga kelgan. Bu uch so‘z jiddiy etimologik tahlil orqaligina morfemalarga ajratilishi mumkin. Hozirgi kunda ular tub so‘z sifatida baholanadi, chunki bu so‘zlarda o‘ta soddalashish yuz bergen.

O‘zbek tilidagi qarindosh so‘zida ham soddalashish hodisasi sodir bo‘lgan, deyish mumkin. Chunki qorin so‘ziga -dosh qo‘shimchasi qo‘shilishi jarayonida tovush almashinishi ( $\text{o} \rightarrow \text{a}$ ) sodir bo‘lganligini anglash qiyin emas. O‘zbek tilidagi yoqimli, yoqimsiz, o‘simga, o‘simlik kabi ko‘pgina so‘zlarda ham soddalashish belgilari ko‘rinadi. Bu so‘zlarda yoqim, o‘sim qismlari bordek tuyulsa-da, ular alohida morfema sifatida ajratilmaydi; yoq, o‘s o‘zaklari sezilib tursa ham, keyingi qismni alohida ajratib bo‘lmaydi. Shuningdek, -imli, -imsiz yoki -imta, -imlik qo‘shimchalariga murakkab qo‘shimcha sifatida qarash ham mumkin emas. Shunga ko‘ra (xuddi qo‘sh+imcha kabi) ular soddalashgan so‘zlar sifatida baholanadi va morfemalarga ajratilmaydi.

Hozirgi o‘zbek tilida yana shunday so‘zlar borki, ular tarkibida muayyan qo‘shimcha yoki ikki affiksning birlashishidan hosil bo‘lgan murakkab komponent mavjudligi sezilib turadi. Biroq bu so‘zlar ikki jihatga ko‘ra hozirgi kunda morfemalarga ajratilmaydi; a) o‘zak morfema tamomila iste’moldan chiqqan; b) qo‘shimcha ham nihoyatda kam mahsul bo‘lib, so‘z yasash bo‘yicha faoliyatni to‘xtab bo‘lgan.

Bunday so‘zlar qatoriga -kay (-qay) qo‘shimchasi bilan yuzaga kelgan munkay, engkay (enkay), cho‘nqay, cho‘qqay, chapaqay, o‘naqay, besunaqay, qaqqay, qo‘qqay, qo‘nqay, tiraqay so‘zlarini keltirish mumkin. Jumladan, qaqqay so‘zi aslida qab so‘zidan -qay qo‘shimchasi bilan yasalganligi qayd etiladi[6,339-420; 7,537]. Shu qatorga kiruvchi barcha so‘zlarda o‘zak morfema ham, qo‘shimcha ham iste’moldan chiqqanligi sababli ularda soddalashish sodir bo‘lgan. Ana shu, oldin qayd etilgan qatorga, aslida -shay qo‘shimchasi bilan yasalgan tumshay, shumshay, ishshay, o‘shshay so‘zleri qatorini ham qo‘shish lozim. Bu so‘zlarda soddalashishga sabab bo‘lgan narsa, o‘zakning iste’moldan chiqishidan tashqari qo‘shimcha shakllanishidagi singishish, qayta bo‘linish yoki qo‘shimcha qo‘shilganda bitta -sh undoshining qabatlanishi ham rol o‘ynagan: ish+ay=ishshay, o‘sh+ay=o‘shshay kabi. Ammo bu fikrni tumshay, shumshay so‘zlariga nisbatan ayтиб bo‘lmaydi. Bu yerda qadimda iste’molda bo‘lgan tum, shum taqlid so‘z hisoblangan o‘zaklarga o‘sha davorda shakllanib bo‘lgan -shay qo‘shimchasi qo‘shilib hosil qilingan. Har ikkala qism iste’moldan chiqqanligi sababli ularda soddalashish sodir bo‘lgan. Shu qatorga iljay-, irjay-, so‘ljay-, tirjay- so‘zlarini ham kiritish mumkin. Jumladan, irjay- so‘zining eski o‘zbek tilidagi ir taqlidiy so‘ziga -jay qo‘shimchasinini qo‘shish bilan yasalganligi lug’atlarda qayd etiladi: ir+jay=irjay so‘zining shakllanishi uchun l→r tovush almashinishi asosiy rolni o‘ynagan. Bu so‘zlarda ham o‘zak morfema hamda qo‘shimcha iste’moldan chiqqanligi sababli soddalashish sodir bo‘lgan, hozir ular tub so‘z sifatida baholanadi.

Hozirgi o‘zbek tilidagi yalpay-, qappay-, shalpay-, to‘ppay-, so‘ppay-, do‘ppay-, po‘ppay-, qo‘ppay-, sho‘ppay- kabi so‘zlarda ham soddalashish sodir bo‘lganligini ko‘rish mumkin. Bunga ikki holat sabab bo‘lgan: a) yalpay-, shalpay- so‘zlarini tarkibidagi yalp, shalp qismlarining iste’moldan chiqqanligi; b) ba’zi tovushlarning almashishi masalan, do‘mbay→ do‘ppay kabi yoki o‘zakka -ay qo‘shimchasi qo‘shilganda p undoshining qabatlanishi: so‘p+ay=so‘ppay singari. O‘zbek tilidagi so‘rray- so‘zida ham shu holat kuzatiladi, ya’ni r undoshi qavatlangan.

Soddalashish hozirgi o‘zbek tilidagi qurumsoq, sarimsoq so‘zlarida ham sodir bo‘lgan. Bu soddalashish ikki xil yo‘l bilan voqelangan. Ya’ni, qurumsoq so‘zining asl o‘zagi qurimoq fe’liga aloqador. Biroq qo‘shimcha qo‘shilganda sodir bo‘lgan tovush almashinishi (i>u) hamda -soq (-sa+q) qo‘shimchasining iste’moldan chiqishi bu so‘zning soddalashishini ta’minlagan. Hozir qurum qismi fe’l shakli sifatida iste’molda yo‘q. Sarimsoq so‘zida esa sar qismi umuman uqilmaydigan bo‘lib qolgan. Demak, har ikki so‘zda ham soddalashish yuz bergen. Biroq, qurumsoq va sarimsoq so‘zlarini tarkibidagi qurum va sarim qismlarining yasama ekanligi sezilib turganligi tufayli soddalashish butunlay yakunlanmagan deyish mumkin.

O‘zbek tilida tarixan yasama ekanligi aniq sezilib turgan sopqon, chaqqon, o‘pqon, chipqon, qopqon, bosqon, qalqon kabi tublashgan so‘zlar mavjud. Bu so‘zlar tarkibidagi -qon qismi O‘TELda alohida qo‘shimcha sifatida qayd etilgan. Jumladan, bosqon so‘zining bas- fe’liga -g’an qo‘shimchasining qo‘shilishidan yasalganligi, o‘pqon so‘zining o‘p- fe’liga -qan qo‘shimchasining qo‘shilishidan hosil bo‘lganligi qayd etiladi. Shunga qaramay, ular hozirgi kunda tub so‘z sifatida qaralishi kerak. Albatta, berilgan so‘zlarda soddalashish ikki xil darajadadir: a) sapqon, chaqqon, o‘pqon, chipqon, qalqon so‘zlarida soddalashish tugallanib bo‘lgan, ularning soddalashganiga shubha yo‘q. Chunki o‘zak umuman o‘z mohiyatini yo‘qotgan; b) bosqon, qopqon so‘zlarida soddalashish kechimi davom etmoqda, chunki ularning o‘zak qismi o‘z leksik vazifasini tamom yo‘qotgani yo‘q. Garchi, bos va qop qismlarining ma’nosida xiralashish, o‘zgachalik sezilib tursa ham, biz ularni ham soddalashgan so‘zlar qatoriga qo‘shamiz. O‘TELda botqoq so‘zi tahlil qilinar ekan, uning bat- fe’liga -qaq qo‘shimchasi qo‘shish bilan yasalganligi qayd etiladi. Bu so‘zning ham tahlilini noto‘liq deb baholash mumkin. Chunki aslida bat so‘zi jiddiy tahlil qilinganda parchalanadi. Qiyoslang: bat-, bas-, bal-; ba+t, ba+s, ba+l kabi +iq- sifat yasovchisi +-iq-ot yasovchi tarzida shakllangan: bat+-iq +-oq=batiq+aq=batqaq=botqoq kabi. Bu so‘zda ham soddalashish bosqon so‘zidagi singari shakllangan.

Hozirgi o‘zbek tilidagi bukchay-, chaqchay-, cho‘chchay- so‘zlarida ham soddalashish sodir bo‘lgan. Bukchay, so‘zi aslida, bukmoq fe’liga aloqador, unga qo‘shilgan -cha hamda -y qo‘shimchalari o‘zaro singishib ketganligi, shuningdek, buk- qismining fe’l emas, ot ekanligini ham nazarda tutiladigan bo‘lsa, unda soddalashish tugallangan. Cho‘chchay so‘zida esa o‘zak (qadimgi ot) o‘zligini yo‘qotgan va -cha, -y qo‘shimchalari singishib ketganligi tufayli soddalashish muayyanlashgan. Chaqchaymoq fe’lida ham shu holat kuzatiladi. Demak, har uch so‘zda ham soddalashish yuz bergen.

O‘zbek tilidagi dumba, damba, sumba, o‘qray-, so‘rray-, dumg’aza, bo‘sag’ a kabi so‘zlarda ham soddalashish hodisasi yuz bergenligini lisoniy tahlillarsiz ham sezish qiyin emas. Jumladan, dumg’aza, dumba so‘zlaridagi o‘zak qismning hozirgi dum so‘zi bilan aloqasi uzilgan, o‘sha ma’noda qo‘llanmaydigan bo‘lib qolgan, shuningdek, -ba va -g’aza affikslari qo‘shimcha sifatida iste’moldan chiqib bo‘lgan. Tildagi o‘qray-, so‘rray- so‘zlarining soddalashida ikki holat ko‘zga tashlanadi: a) o‘zak o‘z mohiyatini yo‘qotgan; b) qo‘shimchalar birlashib ketib (-ir+ay) yaxlitlashgan. Ana shu yaxlitlashish va o‘zakning iste’moldan chiqishi ularning soddalashishi uchun omil bo‘lgan.

Demak, o‘zbek tilida soddalashish jarayoni davom etayotgan so‘zlar ham anchagina bo‘lib, bu holat qo‘shimcha qo‘shilishi bilan tovush tushishi, ortishi, almashinishi, o‘zaklarning iste’moldan chiqqa boshlagani, qo‘shimchalarning o‘zaro singishib ketishi va so‘z yasash imkoniyatini to‘xtatishi kabi sabablarga ko‘ra soddalashish sodir bo‘layotganligini ko‘rsatadi. Tilimizdagи bir qancha so‘zlarda soddalashish iyerarxik holatda yuzaga kelayotganligini ko‘rsatadi: qo‘ppay-, cho‘nqay-, yalpay, so‘ppay, so‘ljay-; bo‘sag’ a, chaqqon, sarimsoq singari so‘zlarda esa soddalashish hodisasi tilimizning keyingi taraqqiyot bosqichlarida yuzaga kelmoqda.

**Foydalilanigan adabiyotlar**

1. Tojiyev Y. Bir bo'g'inli so'zlar tadqiqiga doir // O'zbek tili va adabiyoti. 2010. – № 2. – B.28-33.
2. Tojiyev Y. O'zbek tilida affiksal sinonimiya. – T.: Universitet, 1992. – B.7-71.
3. Hojiyev A. O'zbek tilining so'z yasalish tizimi – T.: Fan, 2007. – 165 b.
4. Abdurahmonov G., Shukurov Sh. O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. – T.: O'qituvchi, 1973. – 320 b.
5. Ayyub G'ulomovning ilmiy merosi (1-kitob). – Toshkent: Universitet, 2005. – 135 b.
6. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
7. Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining etimologik lug'ati. – T.: Universitet, 2000. – 537 b.

*Nashrga f. f. d. G.Tojiyeva tavsiya etgan*

## ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА ТҮЙ МАРОСИМЛАРИ ЛЕКСИКАСИННИГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Намозова К.Б. (БухДУ)**

**Аннотация.** Мақолада ўзбек түй маросимларининг тарихий шаклланиши, анъаналар, урфодат ва маросимлар шунингдек, уларнинг лексикаси миллий-маданий хусусиятлари манбалар асосида таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** маросим, лексик бирлик, миллий, маданий бирлик, тўй, қурултой, зиёфат, фольклор, тантана, саруно, масаллиқ, урф-одат, расм-русум.

### NATIONAL-CULTURAL FEATURES OF THE LEXICON OF WEDDING CEREMONIES IN MODERN LINGUISTICS

**Annotation.** In the following article the historical formation of Uzbek wedding ceremonies, traditions, customs and rituals, as well as the national-cultural characteristics of their lexicon on the basis of sources are analyzed.

**Keywords:** ceremony, lexical unit, national, cultural unit, wedding, Congress, banquet, folklore, celebration, attire, ingredients, tradition, customs

### НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСИКИ СВАДЕБНЫХ ОБРЯДОВ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

**Аннотация.** В статье на основе источников анализируется историческое становление узбекских свадебных церемоний, традиций, обычаяев и ритуалов, а также национально-культурные особенности их лексики.

**Ключевые слова:** церемония, лексическая единица, национальная, культурная единица, свадьба, конгресс, банкет, фольклор, торжество, наряды, ингредиенты, традиция, обычаи.

Тарихий манбаларда сақланиб қолган маълумотларга қараганда “тўй” атамаси туркий сўз бўлиб, “той” ёки “қурултой” шаклида мӯғуллар ва чигатой хонлари даврида ҳам кенг қўлланилган. XIV асрда Мовароуннахр ҳудудига саёҳат қилган Ибн Баттута эсдаликларига асосан “той” – бу ҳар йили ўтказиладиган йифин (курултой) бўлиб, унда Чингизхон авлодлари, амирлар ва туркий беклар, обрўли аёллар ва лашкарбоши иштирок этган. Якунланган муддати 1864 йил 5 май (хижрий 1280 й) бўлган “Тавориҳи хоразмшоҳия” тарихий асарида учрайдиган маълумотга кўра, вазир XасанМурод қушбегининг ўғли Мухаммад Юсуфбек хоннинг қизига уйланган бўлиб, зиёфат – той (тўй) бир неча кун ва тун давом этган. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида тўй сўзига қўйидагича изоҳ берилган: Тўй – Кўпинча базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи. 1. Кудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ куёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо-сурук, масаллиқ ва шу кабилар мажмуи. 2. Бирор воқеа-ходисага багишлаб зиёфат ва ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган тантаналар. Тўй сўзининг тўй юбормоқ маъносида қўлланиши, шу сўзниг этнографизмлашуви натижасидаги маъносидир.

Жаҳон замонавий тилшунослигида ҳар бир халқнинг оғзаки бадиий ижоди умумжаҳон цивилизациясига нечоғликхисса бўлиб қўшилганлиги, унинг ўрнини аниқлашга қизиқиши ва эътибор ниҳоятда кучайиб бормоқда. Ўзбек фолклори намуналари

билин бир қаторда ўзбек халқининг тўй маросимлари лексикаси унинг миллий маданий хусусиятлари ҳам бу жиҳатдан хорижий мамлакатларда ўрганиш учун инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинмоқда. Турли миллий маросимлар, тўй тантаналари, улар билан боғлиқ расм-руссумларни ифодаловчи бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда маънавий қадриятлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлган маросим фольклори матнларига оид илмий тадқиқотлар фольклоршунослик, таржимашунослик, чоғиштирма тилшунослик ва қиёсий адабиётшунослик, маданиятшунослик, социология соҳаларида ҳар қачонгидан қўпроқ кўламда амалга оширилмоқда. Замонавий дунё таржимашунослигига маросим фольклори матнларини шунингдек, ўзбек тўй маросимларининг миллий-маданий хусусиятларини кўрсатиб берувчи матнларни нашрларга тайёрлаш, уларни таржима қилиш ва уларнинг лингвомаданий масалаларига оид изланишларга қизиқиши ошиб бормоқда. Халқ тилида оғзаки яратилган, локал хусусиятли, миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқ миллий-маданий матнларни хорижий тилларга ўгириш, аслият маъно-мазмунини таржимада қайта яратиш, адекват таржимага эришиш мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос тамойилларини ва усулларини аниқлаш, таркибида тўй маросимлари лексик бирликларининг берилишини ҳамда улар орқали миллийликнинг акс эттирилишини ўрганиш заруриятга айланган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш учун олиб борган курашлари ва интилишлари натижаси 1989 йил 21 октябъ том маънода событ қадамлар эканлигига щубҳа йўқ. Чунки, миллатни рухи унинг бошқа миллатлар, халқлар орасидаги ўзига хос белгиси ва маданиятининг воситаси сифатида тил муҳим ўрин тутади. Миллий истиқлол гоясини, миллий мағкурани яратишда аждодлар мероси, давлатчилигимиз тарихи, миллий қадриятларга, халқнинг ўлмас анъаналари, тўй, маросим, урф-одат ва маънавий дурдоналарига ҳамда халқнинг она тилигава унинг замирида шаклланган авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган лингвистик факторларига алоҳида аҳамият берилди.

Тарихдан маълумки, халқнинг дунё халқлари томонидан тан олиниши унинг номи билан эмас. Ўша халқнинг тарихи, тили ва маданияти билан, мазкур халқнинг маънавий ривожланишига хос қадриятларининг миллий қобигдан умуминсоний даражага кўтаришларни мурасимларни, уларнинг урф-одатлари, анъаналари билан уйғунлашган қадриятлари халқнинг ўзини-ўзи англашида, ўз тили маданияти, тарихи билан фууруланиши, ифтихор туйғуларини туйишида, ўсиб келаётган ёш авлодни шу руҳда тарбиялашида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек халқнинггурурива ифтихори, садоқати, ватанпарварлиги маънавий-руҳий юксалишига хизмат қиласди. Шу маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар асосини ташкил этган халқимизга муносаб турмуш тарзини яратиш, халқнинг кўп асрлик маданияти, тарихини тиклаш ва ёрқин келажагини қуришга қаратилган сай-ҳаракатлар замирида ҳам ушбу маъно мужассам. “Азиз фарзандларимиз, набираларимиз баҳтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини қўзлаб, олдимизга улкан вазифалар кўймоқдамиз. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади” [1.56]. Шужихатдан, баҳтли-саодатли келажак миллатнинг бугунги глобаллашувнинг шиддатидан эсон омон ўз тилини маданияти, қадриятларини саклаб қолишига ҳам боғлиқ. Глобалашув ташиётган катта маданиятлар, қўштироқ ичидаги “оммавий маданият” бошқа қадриятларимиз қаторида ўзбек тилимиз соғлигига ҳам путур етказиши мумкин. Ўзбек тилининг бардавомлилиги унинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш кейинги авлодларга бус бутун етказишга ҳам боғлиқ. Сўнгги вакъларда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиши хорижий мамлакатлардаҳам ортиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Лекин ана шундай эътибор билан хорижий тилларга таржима қилинган ва қилинадиган ўзбек тилидаги асарларнинг тил хусусиятларини қиёсий таржимашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, чоғиштирма усулда текшириш уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиш заруратини оширилмоқда. Чунки, ўзбек

тилидаги тўй маросимлари лексикаси билан боғлиқ тадқиқотларда сўзларнинг маъно-моҳиятини, услубий вазифаларини таржима тилида тўғри, асл маъносига яқин ҳамда оригиналликка зарап етказмай ифодалай олиш жуда катта истеъод, иқтидор, билим ва маҳорат талаб қиласи. Ҳар бир ўзбек тилидаги матн ёки ўзбек тўй маросимларига хос сўзларни ҳар томонлама тўғри таржима қилиниши, ифодаланиши ўзбек миллатининг маданияти ва тилига бўлган ҳурматини ҳам англатади. Ёки бошқа миллатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунда албатта тил ҳусусиятлар ҳисобга олинади. Ўзинианглаган таниган тилини, маданиятини қадриятларини эъзозлайдиган ҳар бир ҳалқ бунга бефарқ бўла олмайди. Айниқса, ўзбек ҳалқи ҳамшу ўз тилини соф ҳолда саклашга қайси тилга таржима қилинишидан қатъи назарўзбек тилидаги тўй маросимларида қўлланиладиган сўзларнинг, лексик бирликларнинг шу билан бирга мазкур қадриятга хос ҳусусиятини, ўзбек руҳиятини қадрсизланишига турли маъносиз оригиналликдан узоқ таржималарни қабул қила олмайди. Бу ўз ўрнида таржимашуносликнинг энг долзарб муаммоси ва асосий масалаларидан бири сифатида хорижий таржимонлар олдига ўзбекча сўзларимизни тўғри қўллаш, аслиятга яқин таржима қилиш талабини кўяди. Шу нуқтаи назардан қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳусусиятларини янада долзарб аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистонда миллий тилимизни ривожлантириш уни ривожланган дунё мамлакатлари тиллари билан қиёсий ўрганиш, унинг ўзига хос бой тил эканлиги, бошқа тиллардан қолишимайдиган услубий имкониятларини кўрсатиб бериш масаласи жиддий тадқиқотларни талаб қилмоқда. Шу маънода ушбу тадқиқотимизнинг ҳам ўзбек тўй маросимлари лексикасининг миллий-маданий ҳусусиятларини ўрганишга қаратилганлиги билан юқоридаги муаммоларни ечимларини топиш, бошқа тиллардан кам бўлмаган имкониятларини очиб бериши билан шу йўналишдаги тадқиқотлардан фарқ қиласи.

Шу жиҳатдан, бизнингча:

- 1) ўзбек тўй маросимлари лексикасини таснифлаш;
- 2) ўзбек тўй маросимлари лексикасининг миллий-маданий ҳусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш;
- 3) тўй маросимлари лексик бирликларини таржималар асосида ўрганиш;
- 4) инглиз тилидаги тўй маросимлари фольклори матнлари таржималарини лингвомаданий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш;
- 5) ўзбек ва инглиз тилидаги таржима асарларда ўзбек тўй маросимларига оид матнларни чоғиштирма таржимашунослик тамойиллари асосида миллий-маданий ҳусусиятларини очиб бериш муҳимдир.

Шу билан бирга, ўзбектилининг ўзига хос жиҳатларини, бойлигини бошқа тиллардан кенгроқ имкониятларга эга эканлигини кўрсатишда тўй маросимлари лексикасининг миллий-маданий ҳусусиятларини ўрганишнинг алоҳида ўрни бор. Тўй маросимларини ифодаловчи лексик бирликларнинг миллий-маданий ҳусусиятлари, лексик бирликларнинг лисоний тавсифлаш ва лингвокултурологик ҳамда уларда миллийликнинг акс эттирилишини ўрганиш бугунги тилшуносликнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Тўй маросимларини ифодаловчи миллий-маданий ҳусусиятларга эга лексик бирликлар тилда муҳим ўрин эгаллади.

Шунингдек, инсон ҳаётида юз берадиган туғилиш билан боғлиқ (бешик тўй, ақиқа, суннат тўй) уйланиш (никоҳ, фотиха тўй,) ҳамда бошқа маросимларнинг ва улар билан ўзаро алоқадор бўлган удумлар, расм-руsum, анъаналарнинг номлари, турли миллий ҳамда эътиқодий қарашларни ўзида акс эттирувчи тушунчалар, ҳалқ қарашларига доир лексик бирликларни “этнографизмлар” деган умумий атама билан юритиш кўплаб тадқиқотларада ўз ифодасини топган. Шу маънода, этнографизмлар тилшунослик ва адабиётшунослик соҳалари предмети сифатида ҳам ўрганиш мумкин. Шу жиҳатдан, уни а)лекик этнографизмлар; б)адабий этнографизмларга ажратиш мумкин.

Тилшунослик соҳасида лексик этнографизмлар алоҳида изланишлар обьекти сифатида ўганилади. Лексик этнографизмлар инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, тўй маросимлари ҳам алоҳида ўринга эга муҳим кунларни қайд қилиш, нишонлаш, ташкил

этиш, халқ орасида мухим қадриятга айланган, анъана сифатида шаклланган хатти-харакатларнинг, оила даврасида ёки жамоатчилик билан ташкил қилинадиган маросимлар, улар таркибига кирувчи удум ва расм-русумлар, ирим-сиримларнинг номлари, халқ эътиқодий қарашлари ва қадимги тасаввур-тушунчалари билан алоқадор лугавий бирликлар тушунилади. “Этнографиклексика” ёки “этнографизм” атамаси билан юритиладиган бу каби лугавий бирликлар ўзбектилининг сўз бойлигини ташкил этади. Й.Бобоҷонов фикрига кўра, этнографик жараёнлар фольклорва унинг материали бўлган тилда ўзизини мустаҳкам қолдиради.

Халқимизнинг маданий турмуш тарзида анъаналар, оиласи-маиший маросимлар мухим ўрин тутади. Табиийки, уларга алоқадор бўлган фольклор намуналари ҳам шу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади. Уларсиз миллӣ маданиятимиз ҳамда бетақрор анъаналаримиз тизимини тасаввур қилиш ҳам мушкул. Миллӣ қадриятларимиз тизимидан муносиб ўрин эгаллаган бу номодий мерос халқимиз томонидан ҳамиша ардоқланиб, авлоддан-авлодга етказиб келинган. Янги Ўзбекистонда ҳозирги даврга келиббу масалаларга эътибор, кизиқишининг ортиб бораётгани тилимизнинг имкониятларини очиб бериш нуқтаи назаридан эътиборга сазовор. Шу туфайли ҳозиргача халқимиз оиласи-маиший маросимлар никоҳ тўй маросимлари айрим намуналари Р.Шинвари, Г.Гадамер, К.Леви-Стросс, А.Тойнби, Й.Хайзингнинг ишларида ўрганилиб, инглиз тилига таржима қилингани кузатилади.

Ўзбекларда қадимдан никоҳнинг бир неча тури мавжуд бўлган [2.15]. Булар, асосан, қалинлик никоҳ, қалинни бекор қилувчи одатлардан бел қуда (одатида ҳали тугилмаган болалар унаштирилган бўлиб, тўйнинг қалиндан бошка расм-русумларига амал қилинган), бешик қуда (бешик кетди, бешик керти, қулоқ тишлар, қулок тишлатар; Сурхондарё ўзбек қўнғиротларида – этак чартиш, этак йиртиш) одатида 5-6 яшар (ё ундан катта) бола билан киз чақалоқ (ё ундан катта) унаштирилган), қарши қуда (суюк олмаш, қиз алмашиш, қалинни бекор қилувчи одатлардан бири бўлиб, унга кўра қиз олган хонадон, шу хонадонга ўз қизини ҳам беради), куч куёв (кучук куёв, одатига кўра, қалин тўлашга қурби етмаган йигитлар қизнинг отасинида қалин ўрнига ишлаб бериши керак бўлган), ичкуюв (оиласда бир неча киз ёки битта киз бўлиб, ўғил бўлмаган холларда куёвга келиннинг уйида яшаш шарти билан киз беришган. Ич куёв куч куёв деб ҳам аталган. Бу оиласда эркак кучига эҳтиёж бўлган) айтиш мумкинки, буларнинг ҳар бири ўзига хос маросим сифатида қайд қилинган. Уларнинг ўзига миллий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи дексик бирликлари мавжуд, албатта, Гарб ёки Шарқ олимлари шу соҳада олиб борётган тадқиқотлари уларнинг мавжуд атамалар этимологияси, хорижий тилдаги эквивалентларини топишдек, машақкатга дуч қилади. Уларнинг ўз аслига яқин маънода таржима қилиш унданда машақкатлироқ. Ўзбек халқи турмуши, меҳнати, хулқ-атвори, мuloқоти ва оиласи муносабатларига сингиб кетган тўй маросимлари, ўзбек халқини бирлашиб, яқдиллиқда эл-юрт, қўшилар, дўстлар билан ўтиши жиҳатидан инсонларнинг, қариндош-уругларнинг жисплигини, аҳиллигини, ўзаромеҳр-оқибатини янада кучайтиришда мухим аҳамият касбэтади. Шунинг учун оиласардаги турли муносабатлар билан ўтказиладиган тўй маросимлари барча давларда эътиборда, эъзозда бўлиб келган. Шунингдек, уларнинг хилма-хиллиги, ранг-баранг удумлар билан бойитилиб бориши ҳам эътиборни тортиб келган.

Шунингдек, никоҳ тўйи юқорида номларини санаб ўтганимиз тўй турлари орасида алоҳида аҳамият касб этадигани хисобланади. Оила деб аталмиш муқаддас қўргоннинг илк пойдевори ҳисобланмиш никоҳ тўйи турли халқларнинг ўзига хос миллӣ маданияти, дини, қадриятлари ва менталитети билан боғлиқ расм-русумлар ва урф-одатлар билан нишонланади. Никоҳ арабча сўз бўлиб, луғатларда қуйидаги маънолари талқин этилган: نکاهەد – никоҳ аҳди; қилмоқ аҳд – عقدگردنەد – шартнома, келишув; بندىعەد – никоҳ риштасини боғлаш шартномаси; тўй, унаштириш – عقدکانعقدنامه – никоҳ шартномаси; عقدى – қонуний аёл (хотин). 1) نکاه – никоҳ – эр-хотинлик риштасини боғламоқ, никоҳ шартномаси, эр-хотин; 2) عقد – ақд – боғламоқ, боғланмоқ; 3) ازدواج – издивож – жуфт бўлмоқ, жуфтлашмоқ, жуфт олмоқ, хотин олмоқ (уйланмоқ), эрга тегмоқ (турмушга чиқмоқ); 4) شوبيونز – зану шўйи – эр-хотинлик. Ўзбекистоннинг барча воҳаларида никоҳ тўйларида никоҳ тўйларида ранг-баранглик бор.

Уларнинг ҳар қайсисида бир-биридан ўзаро фарқланувчи урф-одат, удум ва маросимлар мавжуд. Узоқ тарих ва анъаналарга эга бўлган қадим Сурхон воҳасининг тўй маросимлари ҳам ўзига хосдир.

Маълумки, оилавий тўй маросимларнинг деярли ҳаммаси, турлича босқичларда ўтказилиб борилади. Шунинг учун уларни ўтказишда ранг-баранг урф-одатлар, ритуалларни амалга ошириш ўзига хос катта тайёргарлик, ортиқча вакт ва харажатни талаб этиши табиийдир. Хорижликлар учун эса бу гайриоддий жараён бўлиб туюлади. Шу жиҳатдан улар ўзбек халқининг бағрикенглигига, меҳмондўстлигига ҳайрат ва ҳавас билан қарашади. Б.Очилованинг фикрича, “маросим – урф-одатнинг амалий ифодаси. Маросим қатъий тартиб-қоида, олдиндан белгиланган расм-руслар, режалаштирилган таомиллар бўлиб, муайян меъёр асосида ўтказилади. Унинг қонун-коидаларига барча амал қилишга уринади, озгина бўлса-да, меъёрдан чиқиши жамоатчилик томондан қораланади”[3.61]. Ўзбек тўй маросимлари ҳам ҳам ўз меъёrlарига эга бўлган. Баъзан уни биринчи бор гувоҳи бўладиган бошқа миллатлар ёки хорижий олимлар учун ҳам чексиз чеграсиз маросимлар силсиласига ўхшаб кўриниши мумкин. Шу маънода, “Анъана – ижтимоий ҳодиса бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб турадиган ва жамоатчилик томонидан асраб-авайланадиган урф-одатлар, маросим ва таомиллар, одат ва одоб қоидалари, меъёр ва талаблар мажмуасидир”[4.60]. Урф-одат – ўта кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига ҳаётнинг барча томонини оддий кундалик удум, расм-руслар, ирим-сирилар ўзаро муомала тарзи ҳамда барча маросимларни бутунича қамраб олади. Урф-одат дейилганда кишиларнинг турмушига сингиб кетган маълум муддат такрорланиб турувчи хатти-харакат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмаси тушунилади.

Маросим нисбатан тор тушунча бўлиб, у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган, кўпинча, рамзий характерга эга бўлган ва маълум кишилар гуруҳи томонидан маҳсус уюштириладиган намойишлардан иборат [5.121].

Шунингдек, маросим – инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмуши талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган ҳодисалардир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди [6.152]. Бошқача қилиб айтганда, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий характерларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

Ушбу маросим ва урф-одатга берилган қисқача қайдлардан ҳам кўриниб турибдики, урф-одат тушунчasi халқ ҳаётининг барча соҳасини қамраб олса, маросим тушунчasi ҳаётнинг муайян соҳаларигагина алоқадор, холос. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки кўпчилик томонидан бажарилиши шарт бўлган хатти-харакатдир [7.13]. Жумладан, кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўпчиликка камчиликнинг салом бериши каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир.

Урф-одатлар биланмаросим орасидаги ўзаро фаркни улар ичидаги рамзий характерларнинг кўлланилиши даражаси орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, урф-одат ўз ичига рамзий ва рамзий бўлмаган ҳаракатларни тўла қамраб олса, маросим факат рамзий характердаги хатти-харакатлардангина иборат бўлади. Колаверса, урф-одат муайян халқ учун, асосан, бир хил –ўзгармас қоида, норма бўлса, маросим бир халқ доирасида кескин локал фарқланишларга ҳам эга бўлади. Шунингдек, ҳар қандай маросим ўзи мансуб бўлган халқ урф-одатларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу боис маросимдан урф-одат элементларини қидириб топиш мумкин. Лекин урф-одатдан маросимни қидириб бўлмайди. Бу ўринда тадқиқотчи Б.Саримсоқов таъбири билан айтадиган бўлсак, ҳар қандай маросим урф-одат ҳисобланади. Аммо ҳар қандай урф-одат маросим бўла олмайди [8.13]. Тадқиқотчи олимлар томонидан ўзбек маросимлари икки гурухга бўлинади.

- оилавий-маиший маросимлар
- мавсумий маросимлар.

Биз мазкур икки гуруҳ маросимлар, ҳақиқатан ҳам, маросимларнинг асосий турларидан эканлигини рад этмаган ва мазкур таснифлашни эътироф этган ҳолда маросимлар таснифига диний, этномаданий маросимларни ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки маросимларни моҳияттан таҳлил қиласиган бўлсак, диний маросимларда байрамлар алоҳида мустақил туркумни ташкил этишини англаш қийин эмас. Инсоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда бажариладиган маросимларнинг аксариятини оилавий урф-одат ва маросимлар ташкил қиласиди. Оилавий-маиший маросимларни эса оиланинг у ёки бу аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қўйидагиларга ажратиб қўрсатиш мумкин:

- оилада фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимлар;
- никоҳ-тўй маросимлари;
- оила аъзосини сўнгги йўлга кузатиш, яъни дағн этиш ва таъзия билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.

Маросимлар таркибидаги иккинчи катта туркумга йилнинг турли фасллари билан боғлиқ мавсумий маросимлар, яъни кишки, баҳорги, ёзги, кузги маросимлар киради.

Диний маросимларга ҳайитлар, мавлуд, бибимушкулкушод, бибисешанба, бибичоршанба, зикр каби маросимлар киради. Зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларни ҳам диний маросимларга киритиш мумкин.

Урф-одат ва маросимлар маиший турмуш ва оила ҳаёти билан боғланган ижтимоий ҳодисадир. Урф-одат ва маросимлар жамият тараққиётининг илк давлариданоқ шаклланиб, ривожланиб келган. Кишилар ўз ҳаёtlари давомида кўплаб урф-одат ва маросимларда иштирок этадилар.

Ҳар қандай урф-одат ва маросимлар муйян халқнинг бошқа халқлардан фарқланиб туришини таъминловчи муҳим этноэстетик белгилардан биридир. Айни вақтда, ушбу урф-одат ва маросимларда этник жиҳатлар ҳам акс этиб туради. Чунки, ҳар бир халқقا хос маданият мазкур халқнинг бошқа халқлар билан узоқ давом этган этногенетик ва тарихий-маданий алоқолари натижасининг маҳсулидир. Бундай жараён маънавий маданиятда ҳам, жумладан, урф-одат ва маросимларда ҳам намоён бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2019. – Б. 56.
2. Расулова З. А. Тошкент шаҳри ўзбекларининг оила-никоҳ муносабатлари (XX аср охири – XXI аср бошлари): Тарих фан номз... дисс. автореф. –Т., 2009. – Б. 15.
3. Очилова Б.Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 61.
4. Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. –Т.: Ўзбекистон, 2004. –Б. 60.
5. Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Т.: Ўқитувчи, 1990. –Б. 121.
6. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. –Т.: Фан, 2008. – Б. 152.

*Наширга проф. Б.Бахриддинова тавсия этган*

## KONVERSIYA TUSHUNCHASI VA UNING ORONIM YASASH XUSUSIYATLARI

Begimov O. T. (QarMII)

**Annotatsiya.** Maqolada konversiya, onomastik konversiya tushunchalarining lingvistik adabiyotlarda qo'llanishi, shuningdek, onomastik konversiyaning oronimlar yasash xususiyatlari Janubiy O'zbekiston oronimik materiallari asosida tadqiq etilgan.

**Tayanch so'zlar:** konversiya, onomastik konversiya, apellyativ leksika, onim, oronim, oronimiya, derivatsiya.

## ПОНЯТИЕ КОНВЕРСИИ И ЕГО РЕЧЬЕВЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ

**Аннотация.** В статье исследуется использование понятий конверсии и ономастической конверсии в лингвистической литературе, а также особенности ономастической конверсии при образовании оронимов на материалах Южного Узбекистана.

**Ключевые слова:** конверсия, ономастическая конверсия, appellative, onym, ороним, оронимия, деривация.

## THE CONCEPT OF CONVERSION AND ITS SPEAKING CHARACTERISTICS

**Annotation.** The article explores the use of the concepts of conversion and onomastic conversion in linguistic literature, as well as the features of onomastic conversion in the formation of oronyms on the materials of Southern Uzbekistan.

**Key words:** conversion, onomastic conversion, appellative, onym, oronym, oronymy, derivation.

O‘rganilayotgan hudud oronimiyasining tadqiqi shuni ko‘rsatadiki, oronimlar tarkibiga ko‘ra turli xil tillarga tegishli lug‘aviy birliklardan tashkil topgan. Ular, birinchidan, o‘z qatlamga tegishli til materiallari asosida yaratilgan bo‘lsa, ikkinchidan, o‘zlashgan qatlamga tegishli, uchinchidan esa, o‘zlashgan lug‘aviy birliklardan o‘zbek tili qonuniyatlari asosida hosil qilingan nomlardan iboratdir. Bizni qiziqtirgan nom hosil bo‘lishi jarayoni – onomastik konvertsiya - lingvistik adabiyotda ikkinchi darajali nominatsiya deb ataladi, bu allaqachon mayjud nominativ vositalardan yangi funktsiya uchun foydalanish deb tushuniladi. Chunki, bu jarayonda mayjud lug‘aviy birliklar yoki tilning ichki manbalaridan foydalangan holda yangi nominativ birlik yaratiladi.

Tilning lug‘at boyligini ichki imkoniyatlar hisobiga kengaytirish haqida gapirganda, shuni ta’kidlash kerakki, yangi so‘zlar faqat yasovchi qo‘srimchalar va boshqa so‘z yasash yo‘li bilan emas, balki yangi shakllangan so‘zning shakllar yig‘indisini, uning paradigmasini o‘zgartirish orqali ham yasalishi mumkin.

Bizning nazarimizda muayyan tilning so‘z yasalishini o‘rganishga alohida qiziqish uyg‘otadigan holatlarda so‘zning grammatic (morphologik) usulda hosil bo‘lishi yagona so‘z yasash vositasi sifatida namoyon bo‘ladi. Motivlavchi so‘zning asosiga so‘z yasovchi affikslar bilan qiyinchiliksiz yuzaga keluvchi derivatsiya jarayonlarini kuzatganimizda, hozirgi zamon tilshunosligida bizni qiziqtirgan ko‘plab atamalarning qo‘llanishi muammosi bilan to‘qnash kelamiz.

Rus tilshunosligida har qanday so‘z yasovchi vositalarsiz yangi so‘z hosil qilish hodisasini nomlashda turlicha yondashuvni kuzatish mumkin. Jumladan, A.A. Shaxmatov “so‘z shaklini o‘zgartirmasdan bir so‘z turkumidan boshqasiga o‘tishi mumkin”, deb hisoblagan va o‘tish natijasida yangi so‘z, aniqrog‘i, uning semantik-grammatic jihatdan qayta shakli yuzaga keladi, deydi [22, 423]. L.V. Shcherba so‘z yasalishining uchta muhim usulidan biri sifatida “eski so‘zlarni boshqacha qo‘llash orqali yangi tushunchalarni anglatishi” usulini ko‘rsatadi [23, 17]. V.V. Vinogradov, o‘z navbatida, bu hodisani so‘z yasalishining leksik-semantik usuli deb atagan [3, 213]. Z.A. Potixa buni hozirgi zamon rus tilidagi uchta asosiy so‘z yasash usullari orasida morfologik-sintaktik usul sifatida ko‘rsatadi. Uning fikricha, usulning mohiyati ma’lum sintaktik sharoitda so‘zning tashqi o‘zgarishlarsiz bir so‘z turkumidan boshqasiga o‘tishidadir [17, 151].

N.P. Golubevaning fikricha, bir kategoriyanan boshqasiga o‘tish hodisasini tavsiflash uchun transformatsiya atamasini qo‘llash ma’qulroq, chunki so‘z turkumlari tizimidagi o‘tish hodisasi transformatsiya turlaridan biridir [6, 1-4]. Transformatsiya jarayonida allaqachon ma’lum bo‘lgan grammatic shakl yangi leksik-grammatic ma’nolarga ega bo‘lib, boshqa grammatic kategoriyalarga o‘tadi. Shu bilan birga, ular torayish yoki kengayish kabi semantik hajmni o‘zgartirish qobiliyatiga ega bo‘ladilar [7, 50-59].

N.D. Arutyunova «обратная деривация» ("teskari derivatsiya"), «несобственная деривация» ("o‘zgacha derivatsiya") atamalarini kiritish orqali bir qator aniqlashliklar bilan to‘ldiradi. Muallif yuqoridaq terminlar bilan ataladigan usulning mohiyatini so‘zlarni “maxsus so‘z yasovchi morfemalar ishtirokisiz” hosil bo‘lishida ko‘radi. Shuning uchun yangi hosil bo‘lgan so‘zlarning o‘zaklarida affikslar bo‘lmaydi”, deb hisoblaydi [1, 78].

A. Y. Zagoruiko: "Konversiya – so‘z yasashning morfologik-sintaktik usuli bo‘lib, unda bir gap bo‘lagining so‘zi ikkinchisining o‘zak yoki so‘z shaklidan yasaladi va yagona vosita so‘zning paradigmasi (yoki nol paradigmasi) yoki uning boshqa so‘zlarga mos kelishidir" [8, 12].

Ko‘pgina tilshunos olimlar muhokama qilinayotgan jarayonni "konversiya" deb atashadi (A.I.Smirnitskiy, M.Dokulil, E.G.Soshalskaya, S.P.Safranova, P.A.Soboleva, N.V.Smirnova, Y.A.Jluktenko, Y.S.Stepanov, I.A.Melchuk, E.S.Kubryakova, B.M. Nikityevich va boshqalar).

A.V. Superanskaya va N.K. Frolov onomastikada apellyativning so‘z yasovchi affikslar qo‘llanilmagan holda onimga o‘tishini tavsiflashda aynan konversiya atamasidan foydalanishgan. Shu munosabat bilan biz ham onomastik konversiya, toponimik konversiya tushunchalari bilan bo‘liq ravishda "so‘z yasovchi konversiya" tushunchasini toponimikaning tarkibiy qismi sifatida oronimiya sohasiga kiritishga harakat qilamiz.

Tatar tilida konversiya usulida so‘z yasalishi masalasini tadqiq etgan T.A.Ganiyevning fikricha, konversiya biror lug’aviy asosni so‘z hosil qilishning boshqa paradigmasi o’tkazib yangi so‘z yasashdir [4, 6].

Hozirgi moldaviya tili doirasida konversiya hodisasini o‘rgangan N.G. Korletyanuning maqolasida quyidagi fikrlarni o‘qish mumkin: "So‘zlarning bir turkumdan ikkinchisiga o‘tishi so‘z yasashning morfologik va sintaktik usullariga taalluqlidir. Biroq, umumiylatma mavjud bo‘lib, u so‘z yasashning ushbu maxsus turi haqida gap ketganda, ya’ni leksik birliklar qo‘shimcha va old qo‘shimchalar shaklida morfologik so‘z yasovchi elementlardan foydalanmasdan tuzilganda qo‘llaniladi. Konvertatsiyani shunday atama deb hisoblash kerak" [10, 85].

Shuni qayd etish lozimki, ko‘pgina ilmiy adabiyotlarda konversiya va transpozitsiya aynan bir xil hodisa sifatida talqin qilinmoqda, Jumladan, Y.S.Kubryakova konversiyani transpozitsiyaning bir turi sifatida qaraydi. Uning fikricha, so‘z yasash xarakteriga ega bo‘lgan morfologik transpozitsiya konversiya hisoblanadi [11, 75]. Y.V. Potapov [16, 11-14], A.A. Kizyukevichlar [9, 1-17] ham bunday o‘tish hodisasini "so‘z yasovchi transpozitsiya" deb ataydilar.

"Konversiya termini tabiiy ravishda rus tilida qo‘llanadigan turlicha ataladigan "morfologik-sintaktik" va "affikssiz so‘z yasalishi" hodisalarini ifodalash mumkin [13, 509].

S.P. Safronovaning keltirishicha, xorijiy tilshunoslida 50-yillarda konversiya hodisasiga nisbatan ikki xil nuqtayi nazar ma’lum bo‘lgan. Ayrim chet el tilshunoslari konversiyani bir xil so‘zning qo‘llanishi (J.Kennedi, J.Vandries) yoki bir xil so‘z shaklining turli so‘z turkumlari vazifasida qo‘llanishi (O.Jespersen) deb hisoblaydilar, bu yerda gap so‘zning bir turkumdan boshqasiga "o‘tish" haqida ketmoqda. Konversiya nazariyasi asoschisi G. Svit boshqacha fikrdi bo‘lib, u "konversiya" va "so‘z hosil bo‘lishi" o‘rtasidagi ba’zi o‘xhashliklarni qayd etadi. D. Li, M. Bize garchi konversiyani faqat bir xil til birligining boshqa funksiyasi sifatida talqin qilsalar ham uni so‘z yasash vositasi sifatida tan oladilar [18, 4]. N.Marchand konversiya so‘zning morfologik va leksik o‘zgarishlarsiz, uning uchun g’ayrioddiy sintaktik vazifada qo‘llanilishi bilan albatta birga bo‘lishi kerak, deb hisoblaydi [12, 77]. Binobarin, tilshunoslari "konversiya" ostida turli til hodisalarini umumlashtiradilar va konversiyaning so‘z yasalish mexanizmi haqida savol qo‘ymaydilar.

A.I. Smirnitskiy 1950-yillarda birinchi marta konvertatsiyaning aniq ta’rifini ishlab chiqdi va konversiyada so‘z yasash nimani anglatadi, degan savolga javob berdi. Uning ta’kidlashicha, konversiya shunchaki so‘zning leksik ma’nosini yoki uning sintaktik funktsiyasini o‘zgartirish emas, konversiyani shunchaki "nutqning bir qismidan ikkinchisiga o‘tish" deb atashning o‘zi yetarli emas (konversiya ungacha shunday talqin qilingan. Bu oxir-oqibat hech narsa bermaydi va asosiysi konversiya so‘z yasalish usulidir, chunki bu jarayon natijasida yangi so‘z yuzaga keladi. Konversiya, Smirnitskiyning fikricha, so‘z yasash (so‘z yaratish) usuli bo‘lib, unda faqat so‘z paradigmasingin o‘zi so‘z yasash vositasi bo‘lib xizmat qiladi [19, 24].

Shuni ta’kidlash kerakki, tilshunoslarning ko‘pchiligi Smirnitskiyga ergashib, konversiyani so‘z yasash usuli sifatida tan oladilar. 1960-yillarning boshlarida A.I. Smirnitskiy va uning izdoshlari ishi bilan parallel ravishda, chet el tilshunoslari – M. Dokulil va N. Marchandlar ham konversiyani so‘z yasalish usuli sifatida ko‘rib chiqadilar va uning o‘ziga xos so‘z yasash xususiyatlari haqidagi savolga javob beradilar. Konversiyaning asosiy belgisi konversiya bilan bog’liq bo‘lgan so‘zlarning har qanday so‘z yasovchi affikslar bilan farqlanmasligidir.

Demak, konversiya (lat. conversio – aylanish, o’zgarish) - so’zning fonetik va morfologik jihatdan o’zgarmay, bir so’z turkumidan boshqa bir so’z turkumiga o’tishi, shu yo’l bilan yangi so’z hosil bo’lishi [26, 51].

Tildagi ana shu oddiy konversiyadan onomastik konversiyani farqlash lozim. Onomastik konversiya usuliga ko’ra apellyativ hech qanday grammatic o’zgarishsiz atoqli otga aylanadi. A.V.Superanskaya izohlashicha, onomastik konversiya tildagi mavjud leksemalarning hech qanday o’zgarishsiz yoki sezilarsiz holdagi o’zgarishlar bilan atoqli ot vazifasiga ko’chishidir [20, 93].

N. Uluqovning fikricha, konversiya usuli mohiyatan so’z yasashning leksik-semantik usuliga to’g’ri keladi. Nomshunoslikka oid so’nggi ilmiy manbalarda leksik-semantik usul onomastik konversiya deb yuritilmoxda [Uluqov N. 162].

Toponimiyyada joy nomlarining konvertsiya usulida yasalishini birinchi bo’lib A.V. Superanskaya ilmiy amaliyotga kiritgan edi [20,92 - 93]. A. V. Superanskayaning ko’rsatishicha, onomastik konversiya tildagi mavjud leksemalarning hech qanday o’zgarishsiz yoki sezilarli o’zgarishlarsiz atoqli ot vazifasiga ko’chish hodisasidir [20, 93].

Toponimlarni bu usulda hosil bo’lishi haqidagi tahlillar va tadqiqotlar topnomiyya tadqiqiga bag’ishlangan ko’pgina ishlarda nazariy jihatdan asoslangan va amaliy jihatdan ko’rsatib berilgan. Jumladan, N.M. Uluqovning o’zbek tili gidronimlarning tarixiy-lisoniy tadqiqiga bag’ishlangan monografik ishida ham gidronimlarning hosil bo’lishi va transonimizatsiya xususiyatlari nazariy jihatdan asoslangan va amaliy jihatdan asosli misollar yordamida ko’rsatib berilgan [25].

Shuningdek, konversiya va transonimizatsiya tushunchalarining qo’llanishi va ularning farqlanish xususiyatlarga nisbatan fikrlar bayon qilingan. Ma’lumki, atoqli otdan atoqli hosil bo’lish hodisasi onomastik terminologiyaga oid lug’atlarda konversiya va transonimizatsiya deyiladi [15, 152-153]. Bundan ko’rinib turibdiki, aynan bir xil bo’lgan til hodisasiga nisbatan ikki xil termin qo’llangan.

O’. Oripov o’z ishida konversiya va transonimizatsiya hodisasini ichki konversiya va tashqi konversiya sifatida farqlaydi [14, 15].

A.S. Aslonov ham onomastik konversiyani ikki guruhgaga ajratib tahlil etadi: ichki konversiya va tashqi konversiya. U ichki konversiya usulida yasalishga onomastik tizimning o’z ichidagi nomlarning topomin vazifasiga o’tishi, ya’ni onomastik birliklar (atoqli otdan)dan topomin (atoqli ot) yasalishini kiritadi [2, 20].

Namangan viloyati gidronimlarini lingvistik jihatdan tadqiq etgan N.M.Uluqov onomastik konversiya, jumladan, gidronimik konversiya obyektning nomlanish motivatsiyasi, ya’ni uni nomlashda qanday belgi-xususiyatlarni narsa va voqe-a-qodisalarni asos qilib olinishi bilan bog’liq holda shakllanishini ko’rsatadi. N.M.Uluqov ham gidronimik konversiyani qanday manba doirasida yuzaga kelishiga ko’ra tashqi gidronimik konversiya, ichki gidronimik konversiya kabi ikki turga ajratadi. Ta’kidlanadiki, tashqi gidronimik konversiyada onomastik sathga mansub bo’lmagan lug’aviy birliklar, ya’ni apellyativ so’zlardan gidronimlar yasaydi.

Ichki gidronimik konversiyada til lug’at tarkibining onomastik sathi birliklaridan, ya’ni atoqli otlardan suv obyekti nomlari yasaladi. Bunda antropomin, etnonim, fitonim, zoonimlar hamda topominning boshqa turlari: oykonim, oronim, nekronim va boshqa atoqli nomlardan gidronimlar yasalishini ko’rsatadi [25, 39].

N.M. Uluqovning fikricha, turdosh otlardan hech qanday o’zgarishsiz atoqli otlar: topominlar, jumladan, gidronimlar, antropominlar, zoonimlar, fitoonimlar hosil bo’lishiga nisbatan konversiya, bir atoqli otdan boshqa atoqli ot, ya’ni antropominidan topomin, oykonimidan gidronim hosil bo’lish hodisasiga nisbatan transonimizatsiya terminini qo’llash maqsadga muvofiq [25, 39].

Samarqand viloyati oronimlarining lisoniy tadqiq etgan Sh. Temirov sodda tarkibli oronimlar ko’pincha konversiya asosida hosil bo’lishini ta’kidlab, ularni sodda tub oronimlar va sodda yasama oronimlarga ajratadi.

Sodda tub oronimlar, asosan, apellyativlarning onomastik konversiya usuli asosida oronimga ko’chishidan hosil bo’ladi deb hisoblaydi va ularni morfologik jihatdan ot asosli sodda

tub oronimlar (Majrum (dovon), Ismat (tog’), Chambar (tog’)), sifat asosli sodda tub oronimlar (Qizil (qir)) kabi [21, 19].

Onomastik konversiyaga ko’ra appelyativ hech qanday grammatik o’zgarishlarsiz to’g’ridan-to’g’ri atoqli otga aylanadi. Bu hodisa toponimiyaning boshqa turlarida bo’lgani kabi oronimlarning hosil bo’lishida ham kuzatiladi.

Toponimiyaning boshqa turlarida bo’lgani kabi oronimlarning hosil bo’lishida ham onomastik konversiya muhim o’rin tutadi. Janubiy O’zbekiston oronimiyasining tadqiqi shuni ko’rsatadi, oronimik konversiya usulida hosil bo’lgan oronimlarni ikki guruhga ajratish mumkin:

1. Tub asosdan hosil bo’lgan oronimlar: bunda: a) orografik terminlar oronimlashadi: Ag’ba (dovon), Kamar (tog’li hududlarda), Gaza, Kachar (adir), Sangar (yaylov), Tarpi (balandlik), Taqir (balandlik); Ko’tal (joy, q-q.), Chimgan (adir), Qayg’i (adir), Qasaba (balandlik); b) etnonimlar oronimlashadi: Barmoq (yaylov, balandlik), Lochin (cho’qqi), Manqa (adir), O’imas (tog’); v) gidrografik terminlar oronimlashadi: Kariz (adir), Orna (jar).

2. Yasama so’zlardan hosil bo’lgan oronimlar. Bu guruhga kiruvchi oronimlarni tarkibiy tuzilish xususiyatiga ko’ra yana ikki ichki guruhga ajratish mumkin: a) sodda tarkibli yasama so’zlardan hosil bo’lgan oronimlar: Abrikli (adir), Andizli (dara), Arnali (adir), Ahalli (adir), Xavdonli (yaylov), Chaqishli (adir), Cho’yanli (adir), O’rdali (tepa), Qarg’ali (tepa, adir) va b.; b) qo’shma tarkibli so’zlardan hosil bo’lgan oronimlar: Avg’ontaxta (balandlik), Ajinazov (balandlik), Aylanatumshug’ (balandlik), Archamaydon (tog’), Asqartepa (tepa), Asqarcho’qqi (cho’qqi) va b.; v) izofali birikmalardan hosil bo’lgan oronimlar: Bog’ibaland, Go’rimor, Go’riqalmoq, Darayituko, Darixitoy, Dashtikalta, Dashtichinor, Dahmidarg’oz, Zaxakimaron, Kamariturk va b.;

g) predikativ birikmalardan hosil bo’lgan oronimlar: Kontushdi (tepa), Lo’limurda (adir), Shuturmurda (dara), Xarduzd (tog’), Darg’amurda (adir), Asppar (dara), Xamixukkushtagi (adir), Ayiquchdi (dara).

Z. Do’simov ta’kidlab ko’rsatganidek, onomastik konversiya usulida toponim, gidronim yasalganda, leksema o’z vazifasini, sintaktik qurshovini o’zgartirish bilan birga o’z paradigmashini ham o’zgartiradi [5, 42]. Toponimlarning, jumladan, oronimlarning yasalganligini belgilashda ushbu jihatlarni e’tiborga olish lozim, bu narsa, ayni paytda, ularning morfologik tuzilishini belgilashda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa qilib aytganda, oronimlar konversiya usulida hosil qilinganda ularning quyidagi o’ziga xos xususiyatlari namoyon bo’ladi: 1. Tub asosli so’zlardan oronimlar hosil bo’lishida, asosan, orografik, gidrografik tushunchalarni ifodalaydigan so’zlar, etnonimlar ishtirot etadi. 2. Sodda tarkibli yasama so’zlardan oronimlarning hosil bo’lishida, asosan tog’, dasht, cho’l sharoitlariga xos bo’lgan o’simliklar, daraxtlar nomlari, orografik tushunchalarni ifodalaydigan so’zlar asos vazifasini bajarib, ularga mavjudlikni bildiruvchi o’zbekcha -li affaksi, turdosh otlardan atoqli ot yasash xususiyatiga ega bo’lgan o’zbekcha -cha, tojikcha -ak affiksleri foal qo’llanadi. 3. Qo’shma tarkibli va izofali birikma shaklidagi so’zlardan konversiya usulida oronimlarning hosil bo’lishida nomning bosh komponenti hisoblangan so’z asosan oronimik indikatorlardan, unga qo’shilib yoki birikib, aniqlovchi komponent bo’lib kelgan so’z esa o’simliklar, daraxtlar, hayvonlar, jonivorlar nomlarini ifodalovchi ot turkumiga, turli belgi-xususiyatlarni ifodalovchi sifat turkumiga xos apelliativlardan, shuningdek antraponimlar, etnonimlar, gidrografik tushunchalarni ifodalaydigan so’zlardan va predikativ birikmalardan iborat bo’ladi.

#### Foydalilgan adabiyotlar

1. Арутюнова Н.Д. Обратное словообразование и вопросы несобственной деривации // ВЯ. – 1960. – № 3. – С. 71-79.
2. Aslonov A. S. Shofirkontumanimikrotoponimiyasininglingvistiktahlili: филол. фан. номз. дисс. автorefer. – Toshkent, 2005. – В. 20.
3. Виноградов В.В. Словообразование в его отношении к грамматике и лексикологии // Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – М., 1975. – С. 213.
4. Ганиев Т.А. Конверсия татарском языке. – Казань, 1985. – С.6.
5. Do’simov Z. Xorazm toponimlari. – Toshkent: Fan, 1985. – 104 b.
6. Голубева Н.П. Изменение лексико-грамматических признаков прилагательных, связанное с субстантивацией: автореф. ... канд. филол. наук. – Киев, 1963. – С. 1-20.

7. Журавлев А.Ф. Технические возможности русского языка в области предметной номинации // Способы номинации в современном русском языке. – М., 1982. – С. 45-109.
8. Загоруйко А.Я. Конверсия – морфолого-синтаксический способ словообразования: (на материале современного английского языка): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1961. – 27 с. 12.
9. Кизюкевич А.А. Структурно-семантические и ономасиологические аспекты транспозиции как осо-бого способа наименования явлений действительности: автореф. ... канд. филол. наук. – М., 1989.– С. 1-17.
10. Корлэтяну Н. Г. Конверсия в современном молдавском языке // Вопр. языковедения, 1956. – № 3. – С. 84–93.13, б. 85.
11. Кубрякова Е. Деривация, транспозиция, конверсия // ВЯ, 1974.– №5. – С. 64 – 76.
12. Лопатин В.В. Способы именного словообразования в современном русском языке (нулевая аффиксация, субстантивация): автореф. ... канд. филол. наук. – М., 1966. – С. 3-15.
13. Мельчук И. А. Словообразование и конверсия // Русский язык в модели «смысл-текст» / И. А. Мельчук. – М.: Вена, 1995. – С. 505–512.
14. Oripov O'.A. Nurota tumanı makro- va mikrotöponimiyasining lisoniy tahlili: Filol. fan. nomz... disser. avtoref. – Toshkent, 2003. – B.22.
15. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С. 152-153.
16. Потапов Ю.Б. Словообразовательная транспозиция в персидском языке в сопоставлении с русским: автореф. ... канд. филол. наук. – М., 1987. – С. 1-14.
17. Потиха З.А. Современное русское словообразование. – М., 1979. – С. 150-152.
18. Сафонова С.П. Конверсия в древнеанглийском языке: автореф. ... канд. филол. наук. – М., 1955. – С. 3-7.
19. Смирницкий А.И. Так называемая конверсия и чередование звуков в английском языке // Иностранные языки в школе. – М., 1953. – № 5. – С. 21-31.
20. Суперанская А.В. Структура имени собственного (фонология и морфология). – М., 1969. – 206 с.
21. Temirov Sh. Samarqand viloyati oronimlarining lisoniy tadqiqi: Filol. fanlari nomzod. ... dis. avtoref. – Samarqand, 2019. –B.19.
22. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – М., 1914. – С. 423.
23. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М., 1957. – С. 186.
24. Uluqov N. O'zbek tili gidronimlarining tarixiy-lisoniy tadqiqi (Monografiya). – Toshkent: Fan, 2008. – 192 b.
25. Uluqov N.M. O'zbek tili gidronimlarining tarixiy-lisoniy tadqiqi: Filol. fan. dokt... disser. avtoref. – Toshkent, 2010. –B. 45
26. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent: "O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti. – B. 158. www.ziyouz.com kutubxonasi.

*Nashrga prof. B.Mengliyev tavsiya etgan*

## TARIXIY ROMANLARGA KO'CHGAN AMIR TEMUR SIYMOSI

**Yaxshiyeva Z.R. (TATU Qarshi filiali)**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'zbek va jahon adabiyotshunosligida yaratilgan Amir Temur haqidagi tarixiy romanlar ilmiy nazariy tahlil etiladi. Nazariyotchi olimlarning tarixiy romanlar yaratish asoslari va mezonlari Temur shaxsini prototip sifatida olgan badiiy asarlar bilan solishtirilgan holda tadqiq etiladi.

**Tayanch so'zlar:** *tarixiy roman, qahramonlik eposlari, badiiy-an'anaviy romanlar, asl epos, epik janlar.*

### THE IMAGE OF AMIR TEMUR, WHO MOVED TO HISTORICAL NOVELS

**Annotation.** In this article researched a scientific theoretical analysis of historical novels about Amir Timur, which created in Uzbek and world literary studies. In addition, discussed the fundamentals and criteria for creating historical novels by theorists in comparison with fiction that takes the identity of Timur as a prototype.

**Keywords:** *historical novel, heroic epos, fiction-traditional novels, original epic, epic genres.*

## ОБРАЗ АМИРА ТЕМУРА, ПЕРЕШЕДШИЙ В ИСТОРИЧЕСКИЕ РОМАНЫ

**Аннотация.** В данной статье проведен научно-теоретический анализ исторических романов об Амире Тимуре, которые были созданы в узбекском и мировом литературоведении. Кроме того, обсуждались основы и критерии создания исторических романов теоретиками в сравнении с художественной литературой, берущей личность Тимура за прототип.

**Ключевые слова:** исторический роман, героический эпос, художественно-традиционные романы, оригинальный эпос, эпические жанры.

Adabiyotshunoslikda tarixiy roman bo'yicha xilma-xil, ayrim hollarda o'zaro zid nuqtayi nazarlar mavjud. Ayrim tarixchi olimlar va munaqqidlar tarixiy romanlarning yozilishi uchun eng zarur omil – bu tarixiy shax obraqi deb hisoblashsa, ba'zi tarixiy asarlarda esab adiy to'qima mahsul bo'lgan obrazlar bosh qahramon sifatida gavdalananadi. Jumladan, B.G.Belinskiy tomonidan "Tarixiy romanlar otasi" deb baholangan Volter Skottning aksariyat tarixiy romanlarining bosh qahramonlari yirik tarixiy shaxlar sifatida bo'Imasa-da, ulug'vor burilishlarni, ulug'vor o'zgarishlarni qamrab oladigan voqelar fonida roman yozishda maqsad qilingan masala yechimi berilgan.

Jahon tarixiy romanchilik taraqqiyoti jarayonida tarixiy romanning, qo'yidagi ikki shakli yuzaga kelgan:

1. An'anaviy tarixiy romanlar. Bu atama jahon va har bir milliy adabiyotda o'ziga xos hususiyat kasb etishi mumkin. O'zbek adabiyotshunoslida an'anaviy tarixiy roman shakli romanchilikda tarixiy romanlarning alohida shakli sifatida qaralmagani. Shu bois, badiiy poetik shaklga taalluqli asarlar, Nurali Qobulning Temuriylarga bag'ishlangan romanlar turkumini bu shakl jihatlarini o'ziga singdirgan.

2. Tarixiy biografik romanlar. Bunday romanlarning, tarixiy-qahramonlik, tarixiy-inqilobi, tarixiy-fantastik, tarixiy-ijtimoiy kabi turlari tadqiqotchilar tomonidan ko'rsatilgan. Amir Temur shaxsi qahramon sifatida tanlangan asarlarga G'iyosiddin Ali ibn Jamol al-Islom "Amir Temurning Hindistonga yurishlari haqidagi xotiralari"; Nizomiddin Shomiyning "Zafarnoma", Ibn Arabshohning "Amir Temur tarixi", Sharafiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma", Kastiliya va Leon elchisi Rui Gonzales de Klavixo "Samarqandga sayohat kundaligi" xotiralari; Sultoniyalik arxiyepiskop, Fransiyaga Temur elchisi sifatida yuborilgan Iaon "Temur hayoti va saroyi" xotiralarini, Tunislik tarixchi, geograf Ibn Xaldun xotiralarini tarixiy biografik romanlar sirasiga kiritish mumkin. Shuningdek, Lyusen Keren. "Amir Temur saltanati", Marsel Brion. "Menkim Sohibqiron-Jahongir Temur" asarlarini tarixiy-inqilobi, Kristafor Marlou (Buyuk Temur) dramasi tarixiy fantastik, Muhammad Alining "Ulug' saltanat" tetralogiyasini tarixiy-ijtimoiy romanlarga misol bo'la oladi. Eng ahamiyatlisi, Mustavning "Tarixi hayrat", Hofizi Abro'ning "Ravzat us-Safo", Abdurazzoq Samarqandiyning "Matla' us-sa'dayin", Mirxonondning "Ravzat us-safo", Muiniddin Natanziyning "Xotiralar'i, arman tarixchisi Foma Mesopskiyning asarları, Rene Grussenning "Cho'l imperiyalari", rus tarixchilaridan Ivaninzing "Ikki buyuk sarkarda" asarları Temur haqida yozilgan tarixiy-qahramonlik asarlar silsilasida boshqa tarixiy biografik romanlarga tayanilgan holda yozilgan romanlardir.

Markaziy Osiyo adabiyotida tarixiy roman dastavval an'anaviy tarixiy roman sifatida vujudga kelib, taraqqiy etdi. Tarixiy romanlar bo'yicha o'z ilmiy tadqiqotlarini olib borgan adabiyotshunos olim G'ayrat Murodovning fikricha: "Adabiy badiiy jarayonning keyingi bosqichlarida tarixiy-biografik roman yuzaga keldi. Bu o'rinda tarixiy biografik roman shakllanishida an'anaviy tarixiy roman asosiy manbalarda biri bo'ldi" [1;10]. Ushbu fikrdan kelib chiqqan holda, biz yuqorida sanagan asarlarda muayyan tarixiy davrning tasviri, asar bosh qahramoni hayotda yashab o'tgan shaxsning prototipi sifatida tanlangani va u asar markazida turishi, ayrim tarixiy voqealar tasviri tarixiy voqeiliklarga mos kelishini inobatga olib, ularni tarixiy asarlarga daxldorligi aniqlanadi.

Asarlardagi bosh qahramonlarning ham jismonan, ham aqlan mukammallik belgilari uning folklor va mumtoz adabiyotda unga o'xshash ajdodlari mavjudligidan dalolat beradi. Turk, Fors tojik bahodirlilik dostonlari va afsonalarining Afrosiyob (Alp er To'nga), Rustam, Manas,

Alpomish, Go‘ro‘g‘li qahramonlari Amir Temur haqida yozilgan asarlarning bosh qahramonlariga yaqinlik, mushtaraklik va aloqadorlikdan namunadir.

Istiqlol bergan imkoniyat samarasi o‘laroq el farzandlari vatanparvarlik, tarixda yashab o‘tgan, o‘z hayot yo‘li bilan faxrlanishga, o‘rnak olishga, o‘rganishga arzirli shaxslar bilan ularni yaqindan tanitish adapbiyotshunoslar oldiga qo‘yilgan muhim vazifalardan bo‘ldi. Shu ma’noda vatanga Temur yodini qaytarish, dunyonи zabt etgan sarkardani faqatgina bosqinchi va jangchi sifatida emas, inson, badiiy asarlar bosh qahramoni, shu elning suyukli va ardoqli farzandi tuyg‘usini shakllantirish vazifasi turibdi. Yozuvchi Muhammad Alining “Ulug‘ saltanat” tetralogiyasi Amir Temurni inson sifatida, oila boshligi, mahramlari va farzandlari, eli-millari rahnamosi sifatida ko‘rsatib bera olgan epopik ahamiyat kasb etgan polotno bo‘la oldi. Dunyonи, tarixiy sharoitni, “monologik tasvirlash usuli” adibga o‘sha davrni, jiddiy, olamshumul, insonparvarlik tafakkurini, muallifning xos qarashlarini badiiy, ta’sirchan, qabariq tasvirlash imkonini berdi. Bunday usuldan mohirona foydalana olish o‘zbek romanchiligi asoschisi “Abdulla Qodiriyni monologik tasvirning buyuk ustasi Lev Tolstoy adapbiy merosi bilan bir safga qo‘ygan edi”<sup>1</sup>.

Amir Temur siy whole o‘z asarining prototipi sifatidda olgan XVI asr ingliz adapbiyotida Kristafor Marlouning “Buyuk Temur” dramasi, XVII asr ingliz sahnalarini bezagan Charlz Sanderzning “Temur”, XVIII asrda dovro‘g‘i doston bo‘lgan Nikolas Rouning “Temur” asarini yozish jarayonlariga nazar tashlasak, munaqqid ta’kidlaganidek, ifodalananayotgan hodisa va qahramonlarning muallif dunyoqarashidan kelib chiqib tasvir etilishi, inson, jamiyat va borliq ijodkor badiiy tafakkuriga asosan baholanishi va badiiy tajassum topishi aynan mana shu asarlarga singdirilgan monologik tafakkurning birlamchi talablaridan bo‘lib, ular mazkur adiblarga davrning keskin, og‘riqli va dolzarb ijtimoiy falsafaviy muammolarini ko‘tarib chiqdi. Chunki, ingliz adapbiyotidacherkovning g‘oyaviy zo‘ravonligiga qarshi kurashish, qirov va kiborlarning manmanliklari va kibrleri, ayniqsa toju taxt Yaratganning ilohiy ne’mati va unda oddiy insonlar daxl qilishi mumkin emas qabilidagi ishonchlari, adiblar ko‘nglidagi og‘riqlarni asarlarga ideal obraz Temur misolida olib chiqish ehtiyojini keltirib chiqardi. Ayniqsa, ularni badiiy talqin etishi, ularga bilvosiya asarlari orqali munosabat bildirishi ya‘nijismoniy va ma’naviy komil inson ideali, real tashqi dunyoning go‘zalligining va inson kechinmalari murakkab dunyosining san‘at tomonidan kashf etilishi, antik dunyo madaniyati turli qirralarining chuqur egallanishi masalalari tarixiy asarlarda ko‘rina boshlandi.

Ahamiyatlisi, tarixiy voqealar va shaxsga asoslanish tarixiy asarlarning bosh mezoni sanalar ekan, ingliz adapbiyotida Amir Temur shaxsi prototipiga asoslangan uch asarning ushbu uch asaridagi bosh qahramoni Temurning asardagi obraz xarakteri, voqealar rivoji reallahib boradi. XVI asrdan to XX asrgacha dunyo adapbiyotida Temur obrazining zohiriy qiyofasi ijobiliyashib bordi. Kristafor Marlow asaridagi Temur obrazining bosqinchi va jangchi sifatida ko‘rsatilishiga Grek va Turkarning g‘anim sarkardasiga nisbatan hissiy nafratomuz qarashlari va afsonalari asos bo‘lganligi ta’kidlansa, XVIII – XIX asr adapbiyotida Temur obrazzi Yevropani muqarrar qullikka yuz tutishi va Boyazid bosqinlaridan saqlab qolgan haloskor sifatida ko‘rsatila boshlandi.

Asarlardagi inson qiyofasi, jismoniy tuzlishi bilan uning fe’l-atvori, xarakterini mutanosiblikda ko‘rish “asl epos”, folkloarning epik janrlari, asotir, ertak, xalq dostonlari namunalari xos xususiyatdir. Salohiddin Toshkandiyning “Temuriynoma” jangnoma asari bosh qahramoni Temur ham mana shunday jahon folklori, epik janrlar tizimida juda qadimdan mayjud bo‘lgan tasvirlash usullarini ijodiy-badiiy o‘zlashtirib, ijobiylashib salbiy personajlar ichki va tashqi dunyosiga mutanosib tasvirlagan. Bu xususiyat XVIII ingliz adapbiyotining eng mashhur adapbiy namunalardan biri Nikolas Rouning “Temur” asari Tamerlan va Bajaset (Temur va Boyazid) obrazlari timsolida ezgulik va yovuzlik kurashi natijasini ko‘rsatib berishi bilan xarakterlanadi.

Adabiy-badiiy jarayonlar silsilasi, ularning o‘zbek, rus va jahon adapbiyotshunosligida tadqiqidan xulosalash mumkinki, har qanday mukammal badiiy matnning yetakchi qahramonlari muayyan adapbiy tajriba, badiiy adapbiyot boshidan kechirgan so‘z sanatining adapbiy qahramonlari

<sup>1</sup> Murodov G. Tarixiy romanlarning mushtaraklik va o‘ziga xoslik uyg‘unligi muammolar. Filol. fan. dokt. diss, 2018. – B.16.

silsilari uning negizida yotgan tarixiy manbalarga suyanildi. Bu esa adabiy mushtaraklikning tarixiy-adabiy birlik sifatidagi milliy adabiyot [3;33] namunalarini yaratilishiga olib keldi. Masalan, Amir Temur haqida eng asosli manbalar deb tan olingen “Temur Tuzuklari”, Nizomiddin Shomiy va Sharafiddin Ali Yazdiylarning “Zafarnoma”lari, Ibn Arabshoh “Amir Temur tarixi”, Kastiliya va Leon elchisi Rui Gonzales de Klavixoning “Samarqandga sayohat kundaligi”, Sultoniyalik arxiyepiskop, Fransiyaga Temur elchisi sifatida yuborilgan Iaonning “Temur hayoti va saroyi” xotiralari, Tunislik tarixchi, geograf Ibn Xaldun xotiralari Sharq adabiy olamida yaratilgan ko’plab badiiyat namunalarining tayanchi bo’ldi. Mustavning “Tarixi hayrat”, Hofizi Abro’ning “Ravzat us-Safo”, Abdurazzoq Samarqandiyning “Matla’ us-sa’dayn”, Mirxondning “Ravzat us-safo”, Muiniddin Natanziyuning “Xotiralar”i Amir Temur hayot va faoliyati haqida to’ldiruvchi manbalar sifatida yuqorida manbalarga asoslanib yozilgan asarlar sirasiga kiradi [4].

Ingliz va boshqa xalqlar adabiyotida yaratilgan Sohibqiron obrazi tahlillarida ko’rish mumkinki, jahon so’z san’atining badiiy qahramonlari silsilasi bir-biri bilan genetik-shajaraviy, badiiy-poetik xalqlar bilan jipslashgan. Bunday aloqa bog’lanishlar badiiy adabiyotning yaxlit tizim ekanligi, uning asrlar davomida bevosita va bilvosita rivojlanib, o’sib borishidan dalolat berib turibdi. Adabiyotshunos O. Dadaboyevning o’rganishicha: “*XVI-XVII asrlarda Yevropaliklar Amir Temurni Allohning yerga yuborgan g’azabi, aniqrog’i, Boyazidni jazolash uchun yuborilgan Alloh qahri*” [5;66] deb hisoblashgan. Chunki, bu ta’rif Charlz Sanderz asarida aynan keltirilgan:

*Tamerlane: Behold my greatest  
Most dreadful foe, see my Heaven’s fatal scourge  
Sent from above to purge the sickly earth  
By blood from Bloody tyrants [6;61].*

Ma’nosи:

*Tamerlan: mening shon shavkatim zamiri butkul  
O’lim nafasi ufurgan janglarda omon saqlangan  
Zotdurmene, qonsiragan qotillar qo‘lidan mazlumlar xaloskori, (Z,Y)*

Aynan Xudoning g’azabi ta’rifi va g’oyasi bir necha sharq va g’arb afsonalarida va asarlarida ham uchraydi. Jumladan, Mahmud Qoshg’ariyning “Devonu lug’otut turk” asarida shunday keltiradi: “*Ulug’ tangri aytди: mening bir toifa askarim bor, ularni turk deb atadim, biror xalqdan g’azablansam, turklarni ularga qarshi yo’llayman*” [7;334]. M.Qoshg’ariyning bu ma’lumoti Yevropa xalqlariga xususan arablar istilosiga ostida bo’lgan Ispaniyaga yetib borgan. Shu bois, *Yevropa xalqlari Atillaga, u bosib olgan yerlar xalqlari Chingizxonga aynan shu nom “Xudoning g’azabi” deb baho berishgan* [8;894]. Ahamiyatlisi, ushbu ikki hukmdorning har ikisi ham Temur kabi Sharqlik edi. Adabiyot olamida mana shunday sochilib ketgan turfa qarashlar mushtarakligi adabiy jarayonda tadbiq etilaveradi.

Zamonaviy o’zbek adabiy jarayonlarida Amir Temur va temuriylar haqidagi izlanishlari, bu davrning ijtimoiy-ma’rifiy ko’lami, ayniqsa tarix sahifalarida jangchi sifatida ko’rsatib kelingan Temurbek shaxsining insoniy fazilarlari, oilaviy turmush tarzi, uning otalik va oila boshliq sifatidagi roli, qavmi va eliga mehribon rahnamo sifatidagi xislatlari yangicha ko’lamda tasvirlanishni maqsad qilgan epik polotno asar “*Ulug’ saltanat tetraloyiyasi*” muallifi Muhammad Alining faoliyati katta bir mavzu. Muallif ushbu roman epopiya qahramonlari xarakterini badiiy aks ettirishda so’z san’atining umumtipologik xususiyatlaridan unumli, ijodiy foydalangan. Qahramonlar tiynati va faoliyatini ochib berishda ayniqsa, Amir Temurning to’rt ustuni to’rt o’g’li Jahongir Mirzo, Umarshayx Mirzo, Mironshoh va Shohrux Mirzolarning har birini bir roman shakliga joylab kashf etishda bu jihatlar yaqqol ko’zga tashlanadi. Bosh qahramon tiynati va faoliyatini ochib berishda esa jahon adabiyotidagi ijobiy obrazlarning yetakchi fazilatlari-xalqparvarlik, insonparvarlik, tinchliksevarlik va o’z mahrami va yaqinlari oldidagi mas’uliyat, xatti-harakatlar asosini, saltanat ishlarini murosayu-madora, muruvvat, sabr-toqat va chidam bilan [9;74] yurgizgan badiiy obrazini kitobxonga ishonarli tarzda ko’rsata olgan.

Umuman olganda, jahon va o’zbek tarixshunoslari va temurshunoslari, adiblari va shoirlari tomonidan Amir Temur va uning vorislari haqida juda ko’plab asarlar yaratilgan. Dunyoning ko’pgina yozuvchilari Amir Temur shaxsiyatiga kuchli qiziqish bilan qaragan, ular bu shaxsn badiiy solnomada qay tarzda ifodalay oldi, buni vaqtning o’zi isbotlab turibdi.

**Foydalilanilgan adabiyotlar**

1. Murodov G‘. Tarixiy romanlarning mushtaraklik va o‘ziga xoslik uyg‘unligi muammolari: Filol. fan. dokt. diss., 2018. – B. 10.
2. Дюришин Д. и колектив. Систематика межнулитературного процесса. – Братислава: Веда, 1988.– С. 33.
3. Z. R. Yaxshiyeva. Historical reality and its artistic interpretation. Neuroquantoigynovember 2022. Volume 20 | issue 15 | page 2510-2513.
4. Dadaboyev O. G‘arb va sharq adabiy kontekstida Amir Temur shaxsi talqini: Filol. fan. fal. dok. diss., 2019. – B. 66.
5. Charles Saunders. Tamerlane the great. –London? 1681. – 61 p.
6. Mahmud Koshg’ariy. Devonu lug’otit turk. Tom. 1. Tarjimon va nashrga tayyorlovchi C.Mutallibov. – Т., 1960. – 500 b.
7. Потанин Г. Восточные мотивы и средневековом европейском эпосе. – Москва, 1989. – 894 с.
8. Temur tuzuklari. Tarjimon va nashrga tayyorlovchi H.Karamatov. – Toshkent: O‘zbekiston, 2019. – 74b.

*Nashrga prof. D.To‘rayev tavsiya etgan*

## ТИЛДА ФЕНОТИПИК ТАФОВУТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ БИЛАН БОҒЛИК ГЕНЕОЛОГИК ТАЛҚИН

Кенжәева З. С. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Мақолада ўзгармас – монолит деб тушуниладиган лисоний бирликларнинг бир сатҳ доирсадин чиқиб тармоқланиш хусусиятини касб этиш омиллари тасниф этилган. Шунингдек, ҳар бир сатҳ аъзоларининг ассоциатив белгилари уларни бир неча сатҳлар доирасида тармоқлана олиши имкониятлари мавжудлиги баён этилган

**Таянч сўзлар:** интеграция, дифференциация, монолит бирлик, гомогенлик, гетерогенлик, аллел, доминант аллел, рецессив аллел, фонетика, акустика.

### ГЕНЕОЛОГИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПРИЧИНЫ ФЕНОТИПИЧЕСКИХ РАЗЛИЧИЙ В ЯЗЫКАХ

**Аннотация.** В статье в рамках одного уровня классифицируются факторы языковых единиц, которые понимаются как неизменные - монолитные. Утверждается также, что ассоциативные символы членов каждого уровня имеют возможность их разветвления в пределах нескольких уровней.

**Ключевые слова:** интеграция, дифференциация, монолитная единица, гомогенность, гетерогенность, аллель, домinantный аллель, рецессивный аллель, фонетика, акустика.

### A GENEOLOGICAL INTERPRETATION OF THE CAUSE OF PHENOTYPIC DIFFERENCES IN LANGUAGE

**Annotation.** In the article, the factors of linguistic units, which are understood as unchanging - monolithic, are classified within the framework of one level. It is also stated that the associative symbols of the members of each level have the possibility of branching them within several levels.

**Key words:** integration, differentiation, monolithic unit, homogeneity, heterogeneity, allele, dominant allele, recessive allele, phonetics, acoustics.

Тил ижтимоий ҳодиса бўлғанлиги сабабли унинг бағрида турли-туман ўзгаришлар – эскириш ва янгиланиш, формал ва семантик жиҳатдан тафовутланиш, тиллар орасидаги интеграция ҳам дифференциация ва ҳоказолар бўлиши табиий. Бундай фарқланиш бир неча тиллар доирасида бўлганидек, айрим олинган бир тил ичida ҳам содир бўлади.

Шунингдек, феноменлар орасида воқеланадиган фарқ ва тафовутлар бир тизим қамровидан чиқиб ўзга тизимлар доирасига ҳам кира олади. Бунда юз берадиган типланишлар алоҳидалик, хусусийликлар касб этса-да, барибир улар доминант феноменнинг семантик таркибий қисми бўлиб қолаверади.

“Тил ўзида” тамойили асосида иш кўра бошлаган структурализм даврида унинг ички қурилиш хусусиятлари биринчи планга кўтарилганлиги сабабли, маданият феноменига қарашлар маълум даражада сусайгандек туюлади ва буни муқаррар ҳолат, фан тараққиётининг маълум бир босқичида юз бериши лозим бўлган ҳодиса сифатида тушуниш керак<sup>1</sup>.

Лингвокультурология маданият феноменини бор бўйи билан ўз тасарруфига олади. Унинг сирасига этномаданият ҳам этномаънавият ҳам, миллий маданият ва миллий маънавият ҳам, ҳалқ маданияти ва ҳалқ маънавияти ҳам тил кўзгусида баҳоланади.<sup>2</sup>

Аслини олганда, тил сатхлари ҳар доим барқарор – монолит характеристида бўладигандек тасаввур ўйготади. Бу ҳукм бир қадар бир ёқламалик – субъективлик моҳиятига эга. Тиббиёт ва биологияда ўзгарувчанлик қаватланувчанлик муносабатга киравучи бирликлар “аллел” атамаси билан номланади. Бу номланиш мазкур феноменнинг доиравий – систематик қийматини белгилаш имконияти билан мавжуд саналади.

Аллеллар (юон тилидан. *ἀλῆλōν* – бир-бiri билан, ўзаро боғланиш) – гомолог хромосомаларнинг бир хил бўлимларида (локусларида) жойлашган бир хил геннинг турли шакллари муайян белгининг ривожланиш йўналишини белгилайди. Диплоид организмда бир хил геннинг иккита бир хил аллели бўлиши мумкин, бу ҳолда организм гомозиготли ёки “икки хиллилик” деб аталади, натижада гетерозиготали организм пайдо бўлади.

Оддий диплоид соматик ҳужайралар битта геннинг иккита аллелини (гомолог хромосомалар сонига кўра), гаплоид гаметаларда эса ҳар бир геннинг фақат битта аллелини ўз ичига олади. Мендел қонунларига бўйсунадиган белгилар учун *доминант* ва рецессив аллелларни ажратиш мумкин. Агар индивиднинг генотипида икки хил аллел бўлса (индивид гетерозигот бўлса), белгининг намоён бўлиши улардан фақат биттасига – доминантлик хос бўлади. Рецессив аллел фенотипга фақат иккала хромосомада бўлсагина (индивидуал гомозигот) таъсир қила олади. Шундай қилиб, доминант аллел рецессивдан устунлиги, яъни қаватланиш хусусиятини намоён қила олиши билан фарқланади. Мураккаб ҳолатларда аллел ўзаро таъсирларнинг бошқа турлар билан алоқадорлиги кузатилади<sup>3</sup>.

Умуман олганда, “аллел” термини биринчи марта 1909 йилда Вилгельм Ёгенсен томонидан “Elementen der exakten Erblichkeitslehre” монографиясида таклиф қилинган ва “аллеломорф” атамаси ушбу нашрда биринчи бор ишлатилган. Аллеле Жогенсен атамаси илк марта инглиз тилида “Hereditas” журналидаги маколада 1923 йилда ва немис тилида 1926 йилда чоп этилган монографиясининг учинчи нашрида кўлланган.

Бу атама бошқа юон тилида ҳам мавжуд бўлиб, *allelil*<sup>4</sup>, яъни “бир-бiri билан боғлик” маъносини ифода этади. Рус тилида биринчилардан бўлиб “Аллел” сўзини Константин Андреевич Фляксбергер 1935 йилда Грегор Мендел китобининг таржимасида ишлатган. Немис тилидан олинган рус тилидаги сўзларнинг аксарияти accented “-el” билан тугайди. Бироқ замонавий илмий адабиётларда ушбу сўзнинг ишлатилишини таҳлил қилиш уни эркак жинси учун ишлатишнинг барқарор тенденциясини кўрсатади<sup>4</sup>.

**Доминант аллел** – доминантлик ёки устуворлик – бу битта ген аллеллари ўтрасидаги муносабатлар шакли бўлиб, унда улардан бири (доминант) иккинчисининг (рецессив) намоён бўлишини тақозо қиласи (никоблайди) ва шу билан ҳам доминант гомозиготаларда, ҳам гетерозиготаларда белги намоён бўлишини белгилайди<sup>5</sup>.

**Рецессив аллел** – X-боғланган рецессив мерос жинсга боғлик мерос турларидан биридир. Бундай ирсият генлари X хромосомасида жойлашган ва фақат гомозигот ёки гемизигот ҳолатда пайдо бўладиган белгилар учун хосдир.

<sup>1</sup> Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий, коммуникатив, прагматик аспекти: филол. фан. бўйича фалс. докт (PhD) дисс. – Фаргона, 2018. – Б. 91.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996; Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М., 1997; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001.

<sup>3</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BB%D0%BB%D0%B5%D0%BB%D0%8B>

<sup>4</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BB%D0%BB%D0%DF>

<sup>5</sup> <https://www.google.com/search?q=%D0%94%D0%BE%D>

Ушбу турдаги ирсият одамларда бир қатор туғма ирсий касалликларга эга, бу касалликлар жинсий X хромосомасыда жойлашган ҳар қандай геннинг нұксони билан боғлиқ ва худди шу геннинг нормал нұсхаси бўлган бошқа X хромосома бўлмаса пайдо бўлади. XR қисқартмаси адабиётда X билан боғлиқ рецессив меросни кўрсатиш учун ишлатилади<sup>1</sup>.

Доминант ва рецессивлик белгиси тил сатҳларининг барчасида кузатилади, чунки мазкур бутунлик система бўлиб, унинг бирликлари барқарор алоқадорлик муносабатини ўзида мужассам этган.

Аслини олганда, ўзбек тилининг фонетик тизими, одатда, товушларни ўрганувчи сатҳ сифатида қаралади. Чунончи:

“Фонетика тилнинг товушлар тизими, уларнинг тузилиши, нутқ аппарати, бўғин ва унинг турлари, сўзда [товушларнинг алмашиниши ва ўзгаришини, шунингдек, урғу ва унинг ишлатилиш ўринларини ўргатади.

Қисқа қилиб, инсон нутқи товушларини илмий ва амалий жиқатдан ўргатадиган тилшуносликнинг бир бўлимига фонетика деенилади”<sup>2</sup>.

Фонетика грекча *phone* “төвуш”, тіка ”таълимот” яъни товуш ҳақидаги таълимот демақдир. Нутқ товушларини текширадиган, ўрганадиган тилшуносликнинг бир бўлими фонетика дейилади. Муайян маънода ўзбек тили фонетикаси шу тилдаги товушлар тизимини, уларнинг ҳосил бўлиш ва ўзгариш қонуниятларини, сўзларни ажратишдаги ўрнини текширади. Шунингдек, фонетикада урғу, бўғин каби ҳодисалар ҳам ўрганилади<sup>3</sup>.

Кўринадики, бу таърифлар фонетика сатҳининг бир укладли эканлиги урғу берилган, унинг монолит характерли бўлиб ўзариш имкониятлари чекланганлиги уқтирилган.

Ёки: “Фонетика ва унинг бирлиги. Фонетика деганда энг қуий лисоний сатҳ ҳам, тилшуносликнинг шу сатҳни ўрганадиган соҳаси ҳам тушунилади. Фонетика (гр. πχονετικος – товушга, овозга ҳос) тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, нафақат ўрганиш манбайнинг функционал томонини, балки нутқ товушини ҳосил қилувчи талаффуз аппаратини, шунингдек, уларнинг акустик ҳоссасини ва тил эгалари томонидан қабул қилиниш жиҳатларини ҳам текширади. Фонетикада тилшуносликнинг бошқа фан соҳалари, адабиётшунослик, физиология, физика, психология каби фанлар билан алоқаси янада яққол намоён бўлади. Бу фанлардан фарқли ўлароқ, фонетика товушга сўз, қўшимча ва гапга моддий қиёфа берувчи тил тизими унсури сифатида қарайди. Фонетика нутқдаги товуш ўзгаришлари ва алмашинишини, урғу ва унинг турини ҳам ўрганади”<sup>4</sup>.

“Тилшуносликнинг фонетика (грекча *phone* – “төвуш”) қисми тилнинг нутқ товушлари ҳақидаги фандир. Фонетика тил товуш системасининг элементлари бўлган нутқ товушларини ўрганади. Фонетика икки хил ўрганиш объектига эга: а) талаффуз органлари орқали нутқ товушларининг пайдо бўлиши ва уларнинг акустик (эшитилиш) табиатини физиологик-акустик жиҳатдан ўрганади; б) фонемалар системаси ва уларнинг турли кўринишларини фонологик жиҳатдан текширади”<sup>5</sup>.

“Фонетика (грекча *phone* – төвуш сўзидан олинган) тилшуносликнинг товушлар системаси тўғрисидаги бўлимиdir. Фонетика бирор тилдаги нутқ товушларини, унли ва ундошларни, уларнинг пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини, бир-биридан фарқларини ўрганади, комбинатор, позицион ўзгаришлар ва уларнинг варианtlари ҳақида баҳс этади. Шунингдек, у нутқ аппарати, бўғин ва уларнинг тузилишини ҳам текширади. Шуни таъкидлаш лозимки, фонетика табиатдаги ҳар қандай товушларни эмас, балки социал қийматга эга бўлган нутқ товушларини ўрганади. Шунда ҳам у нутқ товушларини тўлигича эмас, асосий қисмини қамраб олади.

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/X-%D1%81%D1%86%D0%B5%D0%BF%D0%BB%D0%B5%D0%BB>

<sup>2</sup> Киличев Э.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилии. (Конспект курс). – Бухоро: Бухоро университети нашриёти, 1999. – Б. 16. (– 228 б).

<sup>3</sup> Rahimov S., Umurqulov B. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: O‘qituvchi, 2003. – В. 44.

<sup>4</sup> Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent, 2010. – В. 72.

<sup>5</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 78.

Табиатдаги бошқа товушларни эса физика фанининг акустика қисми текширади<sup>1</sup>.

“Инсоннинг нутқ ғаолияти сезги аъзолари асосида ҳис қилинувчи нутқ бирликлари – товуш ёки товушлар тизими воситасида рўёбга чиқади. Нутқ товуши ўзида уч жиҳатни бирлаштирган мураккаб нутқий бирлик сифатида намоён бўлади. Улар қуидагилар:

- а) талаффуз аъзолари билан бошқариладиган марказий нерв системаси маҳсули (физиологик жиҳат);
- б) табиатдаги ҳар қандай товуш каби акустик табиатга эга (физик, акустик жиҳат);
- д) кишиларнинг ахборот узатиш, коммуникация воситаси (функционал, социал, лисоний жиҳат)<sup>2</sup>.

Кўринадики, деярли барча тилшуносликка доир адабиётларда фонетика товушни, баъзи бирларидагина фонемани ўрганиши қайд этилади, яъни бу сатҳ бирликларининг доминант аллеллик белгиси унлиликда воқеланиши уқтирилади.

Фонетик моҳиятга бошқа томондан ёндашиладиган бўлса, фонетик бирлик ўзининг бу асосий хусусиятидан чекиниб ўзга рециссив аллеллик қийматини ҳам намойиш килишини кўриш мумкин. Хусусан, у:

- 1) унли, бўғин, ургу;
- 2) тақлид сўз;
- 3) ундов сўз

бўлиб кела олиши билан гетерогенлик моҳият касб этади. Бу фонетик бирлик фонетик сатҳ доирасидан морфология ва синтаксис сатҳларининг бирлиги бўлиш қобилиятини намойиш эта олади. Гарчи, бу ерда доминант аллеллик белгиси унлилик хусусиятида кўринса ҳам, бу тизимдан чиқиб кетиш орқали гетерогенлик қийматини ўзида намоён этади; бу лисоний бирликнинг тақлид сўз ҳамда ундов сўз бўлиб тизимда мавжудлиги унинг рециссив аллеллик қийматига боғлиқ ҳолат саналади.

Зоро, “Тил системаси тил бирликлари бўлмиш фонемалар, лексемалар, морфемалар, шунингдек, сўз бирикмаси моделлари ва гап моделлари каби турли сатҳларга оид бўлган кичик системаларнинг ўзаро ташкил этувчилик роли асосидаги боғланишидан вужудга келган. Сўзловчи тил бирликларини ўз хотирасида маълум тартибда сақлайди ва улардан кераклигини хоҳлаган вақтда танлаб олиб, конкрет материал (моддий) шаклга киритади ва нутқ ҳосил қилиш учун фойдаланади. Тил системасининг қурилма марказини лексемалар ташкил этади: улар маълум турдаги тил бирликлари (фонемалар ва морфемалар) ни ўзига ташкил этувчилар сифатида қабул қиласи ва ўзлари муҳим ташкил этувчилар сифатида бошқа бирликлар (сўз бирикмалари ва гаплар) ни ташкил этишда қатнашади. Буларнинг барчasi маълум бир жамият учун тайёр, умумий ва мажбурийdir<sup>3</sup>”.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий, коммуникатив, прагматик аспекти: филол. фан. бўйича фалс. докт (PhD) дисс. – Фаргона, 2018. – 144 б.
2. Қиличев Э.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилии. (Конспектив курс). – Бухоро: Бухоро университети нашриёти, 1999. – 228 б.
3. Rahimov S., Umurqulov B. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: O'qituvchi, 2003. – 216 b.
4. Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent, 2010. – 592 b.
5. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 266 б.
6. Ҳожиев А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 444 б.
7. Sayfullayeva R.R. va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent, 2010. – 592 б.
8. Несъматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 34 б.

**Нашрга ф.ф.д. Г. Тоғиевга тавсия этган**

<sup>1</sup> Ҳожиев А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 33.

<sup>2</sup> Sayfullayeva R.R. va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'limgazirligi tomonidan darslik sifatida tavsiya etilgan. – Toshkent, 2010. – B. 71.

<sup>3</sup> Несъматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 24.

## SUV KONSEPTIGA OID TADQIQOTLAR TAVSIFI

**Mo'minova M.G.** (ToshDO'TAU)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada “suv” komponentli lisoniy birliklarning sistem-struktur, antroposentrik jihatdan o’rganilishi, dunyo tilshunosligidagi mavzuga oid tadqiqtolar tasnifi, tahlillari keltirib o’tilgan.

**Tayanch so’zlar:** *konsept, leksema, lingvokulturologik, sistem-struktur, antroposentrik, paradigm, komponent, valentlik, konnotativ, mental ong, lingvomadaniyat.*

### ОПИСАНИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ ВОДЫ

**Аннотация.** В данной статье представлено системно-структурное, антропоцентрическое исследование языковых единиц с компонентом «вода», классификация и анализ исследований по данной теме в мировой лингвистике.

**Ключевые слова:** *концепт, лексема, лингвокультурный, системно-структурный, антропоцентрический, парадигмальный, компонент, валентность, коннотатив, ментальное сознание, лингвокультура.*

### DESCRIPTION OF RESEARCH ON THE WATER CONCEPT

**Annotation.** In this article, system-structural, anthropocentric study of linguistic units with the "Water" component, classification and analysis of research on the subject in world linguistics are presented.

**Key words:** *concept, lexeme, linguistic-cultural, system-structural, anthropocentric, paradigm, component, valence, connotative, mental consciousness, linguistic culture.*

Jahon tilshunoslik ilmida konseptlarning lingvistik birliklar orqali ifodalanishi, lug‘aviy birliklarda borliq haqidagi axborot, olam manzarasining namoyon bo‘lishi, til sohibining turmush tarzi, madaniy munosabatlari bilan aloqador belgilarning aks etishiga doir tadqiqtolar amalga oshirilmoqda. Antroposentrik tilshunoslik yo‘nalishi hisoblangan lingvokulturologiyada leksema, uning axborot berish, milliy-madaniy belgilarni to‘plash va yetkazish funksiyasi, konnotativ xususiyatlari, til sohibi lisoniy ongidagi manzarasi, idrok etilishi bilan bog‘liq xususiyatlar ilmiy asosda tahlil etilmoqda. Leksema semantikasidagi shakl va mazmun munosabatini, til sohibining dunyoqarashi, ijtimoiy turmush tarzi, madaniy munosabatlari bilan bog‘liq belgilarni lingvokulturologik konsept nuqtayi nazaridan tahlil qilish tilning ijtimoiy vazifalarini yoritishda, olam manzarasining mental ongdagi aksini o‘rganishda ahamiyatlidir.

*Suv* tiriklik uchun zarur bo‘lgan ne’mat hisoblanib, uning xususiyatlari tabiiy fanlar kesimida tadqiq qilingan. *Suvning* agregat holatlari, fizik va kimyoviy xossalari, agrotizimdagи o‘rnı aniq va tabiiy fanlar doirasidagi asosiy mavzulardan biri sanalsa, ijtimoiy fanlar, xususan, falsafada, adabiyot, tilshunoslik sohalaridagi *suv* bilan aloqadorlikdagi talqinlar moddaning agregat holati va xususiyatlari bilan bog‘liq. Ijtimoiy-gumanitar sohalarda *suv* va inson xarakter-xususiyatlari, temperament, mijoz, xulqning o‘zaro bog‘liq jihatlari haqidagi qarashlar keng tarqalgan. Aniq va tabiiy fanlarda *suv* mavjud moddiylik, kimyoviy ashyo sifatida tadqiq qilinadi. Ijtimoiy-gumanitar sohalarda *suv* konsept, tushuncha, leksema darajasida tahlil qilinadi. Bugungi kunda dunyo tilshunosligida yuzga yaqin tadqiq metodlari qayd etilgan bo‘lib, lingvistik obyektning turli jihatlari va xususiyatlarini aniqlashga, dalillashga qaratilgan. Ularning aksariyatini uch paradigma asosida birlashtirish mumkin bo‘ladi: qiyosiy-tarixiy paradigma; struktur-sistem paradigma; antroposentrik paradigma. Mazkur paradigmalar ketma-ketligini har bir leksema, lingvistik kategoriylar tadqiqlida ko‘rish mumkin.

Shunga asoslanib, *suv* leksemasi bilan bog‘liq izlanishlarni tadqiqt yo‘nalishiga ko‘ra uch guruhga ajratish mumkin:

1. Qiyosiy-tarixiy paradigma asosidagi tadqiqtolar.
2. Sistem-struktur paradigma asosidagi tadqiqtolar.
3. Antroposentrik paradigma asosidagi tadqiqtolar.

Mazkur maqolada *suv* tahliliga oid qiyosiy-tarixiy va sistem-struktur paradigma asosidagi tadqiqtolar borasida to‘xtalamiz.

Qiyosiy-tarixiy paradigma asosidagi tadqiqtolar. Dunyo tilshunosligidagi dastlabki va yirik lingvistik tadqiq paradigmasi qiyosiy-tarixiy paradigma hisoblanadi. Ushbu paradigma XIX

asrning boshlariga qadar tilshunoslikdagi asosiy tadqiq metodi va usuli bo‘lib, bu yondashuv asosida dunyo tillari, ularning fonetik, leksik, grammatic tuzilishidagi o‘xshash va farqli jihatlar o‘rganilgan. Qiyosiy-tarixiy paradigma asosida dunyo tillari yirik va tizimli tarmoqlarga birlashgan, qardosh va qardosh bo‘lmanan bo‘lmanan tillar oilalari tushunchasi shakllangan. Bugungi kunda ham filologik tadqiqotlarda qiyosiy-tarixiy paradigma metodlari, xususan, qiyosiy va chog‘ishtirma metodlardan keng foydalilaniladi. Xususan, dunyo tilshunosligida *suv* leksemasi tadqiqida ham qiyosiy va chog‘ishtirma metodlar asosidagi xulosalar bayon qilingan. Jumladan, qadimgi dunyo tillari va ularning umumiyligi oilalarga birlashishi va umummadaniy so‘zshakllar mavjudligi, dunyo tillarida keng qo‘llanadigan inglizcha *water* va ruscha *voda* leksemalarini qiyosiy aspektida tadqiq etilgan. Umumiyligi oilalarida *suv* leksemasining ham fonetik, ham lisoniy belgilari o‘zaro o‘xshash, ularning lingvistik-lisoniy tarkibi aynan bir o‘zakdan kelib chiqqanligi haqida fikr-mulohazalar bildirilgan. Inglizcha [water] va ruscha [voda] leksemalarining umumbashariy xarakterga ega ekanligi, umumiyligi asos - [wetV] o‘zagidan kelib chiqqani qayd etilgan. Yirik til oilalariga ko‘chish jarayonida struktur-grammatik jihatdan o‘zgarishlarga uchragan. Mazkur qarashlar nostratik gipoteza asosidagi talqinlar bo‘lib, unga ko‘ra bir qator tillardagi o‘xshashliklar e’tirof etiladi. Tilshunoslik nazariyasiga oid manbalarda nostratik gipotezaning mohiyati yoritilgan: “...an’anaviy til oilalaridan kengroq bo‘lgan, bir-biriga qardoshligi to‘la asoslanmagan til oilalarini “makro til oilalari” deb nomlash taklif qilingan. V.M.Ilich-Svitich tadqiqotlarda aks etgan nostratik gipoteza (lotin tilida noster “bizniki” ma’nosini beradi) til oilalarini yanada kengroq doiradagi genetik asosga birlashtirishni nazarda tutadi. Nostratik makro til oilasiga hind-yevropa, ural, oltoy, kartvel, dravid tillari kiritilgan”. Leksemani nostratik gipoteza asosida tahlil qilgan TelejkoG.M. “*suv*” leksemasining umumiyligi tillarga xos bo‘lgan ko‘rinishlarini keltirgan: hind-yevropa oilasida: *dō(w)-*; oltoy oilasida: *t’uja*; ural oilasida: *toye*; dravid oilasida: *ta-*. Tadqiqotchi qadim zamonalarda “*suv*” va “yomg‘ir” ma’nosini bildiruvchi o‘zakning semantik tarkibida “bermoq” va “tuhfa” semalari bo‘lganligini aytadi. Leksemaning mazkur jihatini bilan bog‘liq fikr-mulohazalar boshqa yirik lisoniy paradigmalarda ham leksemaning hosila semalariga nisbat berilgan holda talqin etiladi”.

*Suv* tushunchasini ifodalovchi leksemalarning qardosh tillar o‘rtasidagi mushtarak xususiyatlarini ko‘rsatishga qaratilgan tadqiqotlar ham amalga oshirilgan. Mazkur tadqiqotlarda so‘zning tashqi (fonetik) va leksik-grammatik belgilarida ham o‘xshashlik kuzatilishi qayd etilgan. A.Borisova rus va polyak tilidagi *вода/woda*<sup>2</sup> so‘zlarini qiyoslab, ularni birlashtirib turuvchi korrelyativ semalarni besh yirik guruhga birlashtiradi:

1. *Suv* – suyuq, shaffof, tiniq, kimyoviy jihatdan vodorod va kisloddan tarkib topgan element. Bu sema har ikki tilda ham so‘zning bosh ma’nosini uning hosila semalari vujudga kelishi uchun asos bo‘ladigan dominant semasidir.

2. *Suv* – makon: *suv* to‘plangan va mavjud bo‘ladigan joy nomlari – ko‘lmak, ko‘l, irmoq, ariq, kanal, daryo, dengiz, okean va h.k. Mazkur birliklar suvning mavjud bo‘lish o‘rnini semasidan kelib chiqib, tarkibiga ko‘ra bosh va hosila semalarga ajraladi.

3. *Suv* – havo: mazkur guruh suvning agregat holatlaridan biri gaz holati bilan bog‘liq bo‘lib, tabiatda ham ayni holat bilan bog‘liq bo‘lgan hodisalarini aks ettiradi: bug‘, par, tuman. Mazkur birliklarni ham bosh va hosila semalarga ajratish mumkin.

4. *Suv* – qattiq jism: mazkur guruh ham suvning atmosferadagi agrerat holatlaridan biri qattiq jism holatini ifodalaydi: muz, qor, qor parchasi, sumalak, do‘l. Leksemalar tarkibini bosh va hosila semalarga ajratish mumkin.

5. *Suv* – tomchi – atmosferadan tomchi ko‘rinishida yerga tushadigan hodisalar: yomg‘ir, jala. A.Borisova tasnifi istalgan til oilalarini qiyosiy, chog‘ishtirma aspektida o‘rganishda ahamiyatli.


Qiyosiy-tarixiy paradigma asosidagi tadqiqotlar tarixiy manbalardagi leksemalar ma’nosini tahlil qilishga ham qaratilgan.

<sup>1</sup> Тележко Г.М. О Смысловой структуре нарративной лексемы со значением “вода” // Universum: филология и искусствоведение: электрон. научн. журн. 2021. 8(86). URL: <https://7universum.com/ru/philology/archive/item/12191> (дата обращения: 07.06.2022).

<sup>2</sup> Борисова А.В. Особенности лексико-семантической корреляции единиц поля вода / woda в русском и польском языке / Филология и искусствоведение, 2012. – С. 166-68.

Suv hayotga tenglashtirilgan millatimizda daryolar, buloqlar haqidagi bilimlar asrlar davomida xalq xotirasida saqlanib kelmoqda<sup>1</sup>.

Struktur-semantik tahlillar birinchi navbatda tilning sinxron ko‘rinishiga bag‘ishlangan, leksemaning semantik tarkibi, leksik-semantik maydoni va qurshovi, ma’no xususiyatlari xususidagi tadqiqotlarni o‘z ichiga oladi. Xususan, rus tilshunosligida *suv* leksemasi va uning semantik xususiyatlari, semantik tarkibi xususidagi tadqiqotlar ko‘p miqdorni taskil etadi. Jumladan, Y.Zinsova birinchi navbatda dunyoda suyuqlik xususiyati va ushbu xususiyatga ega bo‘lgan hodisalarining mavjudligi tabiiy ravishda istalgan til va uning lisoniy manzarasi uchun juda katta imkoniyat ekanligini ta’kidlaydi. Jumladan, “suyuqlik” leksemasini semantik qurshovga ajratish jarayonida leksemaning dominant ma’nosini va asosiy belgisi bo‘lgan suyuqlik xossasi mutlaqo o‘zgarib ketishi mumkin ekanligini aytadi. “Suyuqlik” leksemasining yadrosini *suv* semasi tashkil qiladi. Undan keyingi pog‘onalarni *suv* xususiyatiga ega istalgan jism tashkil qilishi qayd etilgan.



### 1-chizma. Y.Zinsova tasviriga ko‘ra “suyuqlik” leksemasining semantik qurshovi.

Tadqiqotchi so‘zning leksik inkoniyatlariga to‘xtalar ekan, so‘zning qurshovidagi eng oxirgi xalqalar suyuqlik xususiyatidan mutlaqo uzoq ekanligini aytadi.

Tadqiqotchi so‘zning grammatik va sintaktik imkoniyatlarini yoritib, nemis tilida 31 o‘rinda ot vazifasini bajarib kelishiga qayd etadi. Sifat, ravish, fe’l so‘z turkumlarida ham mazkur leksema bilan bog‘liq o‘rinlar mavjud ekanligini ta’kidlagan.

Tadqiqotlarda so‘zning grammatik xususiyatlari, so‘zning valentligi, chastotasi, qo‘llanish o‘rni ham tahlil etilgan. Sistem-struktur yo‘nalishda *suv* so‘zi va uning valentligi monografik planda o‘rganilgan. Dunyoning aksariyat tillarida so‘z keng valentlik imkoniyatlarini namoyon qiladi. Leksema morfologik birliklar va ularning mohiyatini yuzaga chiqarish imkoniyati hamdir. Dunyo tillarida “*suv*” ma’nosidagi leksemalar shakl yasovchi va grammatik mazmun kategoriyalarni to‘g‘ridanto‘g‘ri qabul qila oladi<sup>2</sup>.

T.Mirzayeva tadqiqotida *suv* leksemasining semantik ko‘lami, leksemaning mifopoetik (olamning yaratilish xususidagi qadimgi afsona, rivoyat va xalq og‘zaki ijodidagi boshqa ko‘rinishlari) ma’nosini va semalari, xalq marosimlari, zodagon va saroy muhitidagi o‘rni va u bilan bog‘liq semalari va falsafiy mohiyati yoritilgan. Voda – *suv* leksemasining semantik qurshovidan kelib chiqqan holda: *suv* – mavjudlik, makon; *suv* – ohang; *suv* – olamlararo muloqot vositasi; *suv* – oyna paradigmalari ajratilgan. *Suvni* oynaga qiyoslashda uning tiniqlik belgisi asos bo‘lgan. Shu bilan birga *suv* oynadek narsa-buyum, shaxsning aksini ko‘rsatadi. Oynaning o‘zi ham suvdan, suyuq holdagi qorishmadan hosil qilinadi. Daryo suvining bir kismi bor ichidan oqib o‘tar ekan, oynaday tiniq, kulchalar hosil qilgan. Shuning uchun bu yerga «Oynabor» deb nom berilgan edi (PQ,93)<sup>3</sup>

*Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, dunyoning turli tillarida suv tushunchasi bir necha sememalardan iborat bo‘lgan, murakkab leksik tizimni tashkil qiladi. Ushbu sememalar tizimida suvning funksional, tabiiy va agregat holatlari, joylashuv o‘rni va xususiyatlari asos bo‘ladi.*

<sup>1</sup> Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Ўрга Осиё сув илми тарихига оид маълумотлар. –Тошкент: Университет, 2006. – Б. 10.

<sup>2</sup>The lexeme in descriptive and theoretical morphology.

<sup>3</sup> Qodirov P. Avlodlar dovonisi. – Toshkent: Yoshlar, 2019. Nashr sahifalari (PQ) tarzida ko‘rsatildi.

*Uning konnotativ sememalari talqini esa ancha murakkab, u diniy omil asosida shakllangan bo'lib, o'zida tarixiy, ijtimoiy-iqtisodiy axborot saqlaydi.*

*Lingvistik yondashuv va tadqiqotlar tadrijida leksemaning mohiyati kengayib, abstraktlashib boradi. Dunyo tilshunosligi tajribasida, leksema tadqiqi uchun tanlangan metodlarni o'rganish, tahlil qilish shu jihatni bilan ahamiyatligi, ulardan o'zbek tilidagi suv leksemasining mohiyati, umumturkiy jihatlarga ishora qilishi, milliy-lisoniy manzaradagi ahamiyati va poetik xususiyatlarini yoritishda foydalanish mumkin.*

O'zbek milliy mentalitetida va jamiyatning moral axloq qoidalari musaffolik, soqlik, tozalik tushunchalari bilan assotsiatsiya hosil qiluvchi suv so'zining lingvistik, lingvokulturologik, kognitiv-semantik xususiyatlarini va umumlingvistik jihatlarini shu nuqtai nazaridan ko'rsatish dolzarblik kasb etadi. Suv so'zi va u ishtirok etgan turg'un birikmalarning semantikasiga alohida tadqiqot obyekti sifatida qarash, ularning lingvokulturologik va umumlisoniy mushatarakligi mohiyatini ochishga qaratilgan tadqiqotlar ko'lami va sifatini oshirish milliy qadriyatlarni yoritishda, til sohibining obyektiv olamni suv orqali kodlashtirishida muhim o'rinn tutadi.

Suv leksemasi o'zbek tilshunosligida sistem-struktur tilshunoslik nuqtayi nazaridan o'rganilgan. Ayrim tadqiqot ishlarida suvleksemasining assotsiativ xususiyatlari bilan bog'liq semalar tahlil qilingan.

#### **Foydalanilgan adabiyyotlar**

1. Тележко Г.М. О Смысловой структуре ностратической лексемы со значением “вода” // Universum: филология и искусствоведение: электрон. научн. журн. 2021. 8(86). URL:<https://7universum.com/ru/philology/archive/item/12191> (дата обращения: 07.06.2022).
2. Борисова А.В. Особенности лексико-семантической корреляции единиц поля вода/ woda в русском и польском языке / Филология и искусствоведение, 2012.
3. Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Ўрта Осиё сув илми тарихига оид маълумотлар. –Тошкент: Университет, 2006.
4. Кошғарий Маҳмуд. Девону луготит турк. I, II, III томлар. –Тошкент: Фан, 1960-63.
5. Радлов В. Опыт словаря тюркских наречий. –Санктпетербург: Типогр. Императорской Академии наук, 1989. Т.II.-Ч.I.
6. Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Том II. –Ташкент: Наука, 1971.
7. Содиков Т. Об компонентли сўзлар / Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1982.
8. Qodirov P. Avlodlar dovoni. – Toshkent: Yoshlar, 2019.

**Наширга проф. Б.Менглиев тавсия этган**

## **ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ВАРИАНТЛИЛИК ҲОДИСАСИГА ДОИР МУАММОЛАР ХУСУСИДА**

**Базарова Д. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мақолада тилда лексик вариантилилк мұаммолари унинг тарихи билан муштаракликда ёритилган, бу лисоний ходисанинг салбий ва ижобий жиҳатлари бадий адабиётдан олинган далиллар асосида таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** *вариант, вариантилилк, имловий “демократия”, қатъий имловий режим, имлода факультативлик, индивидуаллик, тартибсизлик.*

## **О ПРОБЛЕМАХ, СВЯЗАННЫХ С ФЕНОМЕНОМ ВАРИАЦИИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Аннотация.** В статье проблемы лексической вариативности языка освещаются во взаимосвязи с его историей, анализируются отрицательные и положительные стороны этого языкового явления на основе фактов художественной литературы.

**Ключевые слова:** *вариант, вариантилилк, написание «демократия», строгий орфографический режим, факультативность в написании, индивидуальность, беспорядок.*

## ON PROBLEMS RELATED TO VARIATION PHENOMENON IN UZBEK LANGUAGE

**Annotation.** In the article, the problems of lexical variation in the language are covered in conjunction with its history, the negative and positive aspects of this linguistic phenomenon are analyzed based on evidence from fiction.

**Key words:** *option, variant, spelling "democracy", strict spelling regime, facultativeness in spelling, individuality, disorder.*

Ҳар қандай даврда тил бирликларини ифодалашда вариантилилк асосий масалалардан бири бўлиб келган. Унда тилнинг асосий, энг муҳим бирлиги сифатида сўзниң ўзгаришини ўрганиш алоҳида ўрин тутади.

Вариантилилк ҳодисаси, унинг бирликлари бўлмиш вариантдош сўзлар масаласи бўйича Европа тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, дастлаб бу лингвистик тушунча сифатида рус олимлари томонидан махсус ўрганилган. XX асрнинг ўрталарига келиб, ўзбек тилшунослигида ҳам баъзи тадқиқотларда ёзувчи тили ва услуби, бадиий асар тили ҳақида фикрлар юритилиб, бадиий матнларда учрайдиган вариантилилк ҳодисасига ҳам эътибор қаратила бошланди.

Ш.Рахматуллаев, Р.Шукров, А.Бобоева, Д.Набиеваларнинг ишларида вариантидошлик ҳақида фикрлар билдирилган. Хусусан, Р.Шукров сўз вариантлари масаласи ҳақида фикр билдирар экан, сўз вариантлари бу бир сўзниң икки хил ёзилиши ҳамда бир ёки иккитасини адабий тил нормаси сифатида танланишидир<sup>1</sup>, – дейди. Айрим тадқиқотчилар бир сўзниң иккидан ортиқ (баъзан ўнлаб) вариантлари мавжудлиги нормал бир ҳол бўлгани учун, улардан бирини танлаш лозимлигини айтадилар, лекин бунда, кўпинча, ўз дидларига асосланадилар. Р.Шукров ўз ишларида кўп вариантлардан бирини танлаб олишда муайян қонун қоидаларга, тилда бор фактларга, масалан, қайси вариантларнинг кўп кўлланишига, шу тилда ўхшаш сўзларнинг бор-йўқлигига амал қилиш зарур<sup>2</sup>лигини таъкидлаб, кейинчалик шу қарашлари асосида “Сўз вариантларининг имло лугати”<sup>3</sup>ни нашр этади.

Албатта, имловий тамойилларнинг ривожи ва юридик мақомга эга бўлиши нуқтаи назаридан вариантилилк, вариантидошлик ва вариантдорлик тушунчаларига муносабат тарихийлик хусусиятига эга. Бу ўзбек тилида ўзига хослиги билан характерланади.

Вариантилилк амал қилишининг **илк даври** сифатида имло қоидаларининг юридик кучга эга бўлмаган даври сифатида 1956 йил 7 апрелгача, яъни “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” қабул қилингунча бўлган даврни белгилаш мумкин. Бу давр имлода индивидуаллик, тартибсизликнинг ҳукмронлиги, ягона имло мезонларининг мавжуд эмаслиги билан характерланади. Айниқса, араб ёзувига асосланган алифбонинг ўзбек талаффуз имкониятлари ва хусусиятларини ўзида акс эттираслиги бу даврда вариантилилкнинг жуда кенг кўламли ва қамровли тус олишига сабаб бўлган. Шунингдек, ягона адабий тил талабининг қўйилмаганлиги ҳам бу муаммонинг ўткирлашувига олиб келган. Айниқса, XX асрнинг биринчи чорагида араб алифбосининг ислоҳ қилиниши имлода вариантилилкнинг қуюшқондан чиқиш даражасида кучайишига олиб келди.

Вариантилилк мавжудлигининг **иккинчи муҳим даври** ягона орфографик “режим”нинг мутлақлиги даври бўлиб, бу даврда ягона имло қоидасига риоя қилишининг қонуний асослари яратилганлиги вариантларни кўллашни ҳам қонунийлаштириди. Вариантларни кўллаш индивидуаллик доирасидан чиқиб, фақат услубий характер касб этди. Ўзбек тилининг икки томли изоҳли лугатида ва имло лугатларида қайд этилган вариантидош сўзларнинг барчасида ана шу услубий талаб яққол кўзга ташланади:

аввалан – аввало – аввали, адo – адойи, аёқ – оёқ, бевоши – бебоши,

бекбачча – беквачча, бениҳоят – бениҳоя, гина-гудрат – гина-кудурат – гина-гудур, илоҳо – илоё – худоё, индинга – индинига, инс-жинс – инсу жинс каби.

<sup>1</sup> Р.Шукров. Сўз вариантлари ҳақида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987.– Б.19.

<sup>2</sup> Шукров Р.. Сўз вариантлари ҳақида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987. – Б. 19.

<sup>3</sup> Шукров Р. Сўз вариантларининг имло лугати. –Тошкент: Фан ва технология. 2014. – Б. 100.

Үтган асрнинг 30-йиллари қатъий имловий режимни мактабда жорий қилиш борасида бурилиш йиллари бўлди, дейиш мумкин. ВКП (б) МКнинг “Бошлангич ва ўргатиши” (1932), “Мактабда ягона имловий режим” (1935) ва бошқа хужжатларда бошлангич синфларда она тилига ўргатиши, ўкувчиларда тўғри ёзиш ва ўқиши кўникмаларини шакллантириши жараёнининг қонуний асослари яратилди. Бу собиқ иттифоқ доирасида кенг қамровли компания даражасига кўтарилди. Натижада оғзаки ва ёзма нутқни қаттиқ назорат қилиш бўйича мутахассислар томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Буни рус мактаблари бўйича қилинган ишлар мисолида олимлар қайд этишди.

Тилшунос С.И.Ожегов имло луғатларида вариантилийкка йўл қўйиб бўлмаслигини уқтириди. У “вариантсизлик миллатнинг юкори даражадаги маданиятидан далолат бериши”ни таъкидлайди<sup>1</sup>. Имладаги факультативлик имло учун мутлако яроқсиз тамойилдир, чунки у “орфографик фанлардаги бошбошдоқликка замин яратади”<sup>2</sup>. Букчиннинг қайд этишича: “факультативлик анархия ва ва бошбошдоқлик билан tengdir; имлода факультативликка йўл қўйиш тўла маънода саводсизликни келтириб чиқаради; факультативлик тамоилии бу тилдаги чиркин муросасозлиқдир”<sup>3</sup>.

Албатта, бу даврдаги факультативликдан қочиш, вариантилийкни инкор қилиш давр мафкуравий муҳити, тоталитар режим сиёсати билан боғланиши ҳам мумкин. Тилда вариентдорликдан қочиш, албатта, адабий тил меъёрлари талаби билан мувофиқ. Бироқ ундан мутлақ қочиш ҳам, унга мутлақ йўл қўйиб бериш ҳам ўзини тўла оқламайди. Тўла қочиш, албатта, тилнинг имкониятлари ранг-баранглилигига маълум даражада соя солади, сўз қўллашда услубий муҳитни инкор қилишга, тилнинг гўзалликларини нутқ вазияти ва нутқ шароити, услуб қонуниятлари талаби билан қўллаш имкониятини йўқ қилишга олиб келиши табиий. Буни айрим тилшунослар имлода ҳам услубий эгилувчанлик, чекланган факультативлик “демократияси” сифатида ҳам талқин қилдилар.<sup>4</sup>

Үтган асрнинг 70-йилларига келиб мутлақ меъёрдан чиқишига интилиш ҳоллари ҳам учрай бошлади. Хусусан, мутлақ меъёрнинг ҳаракат чегарасини чеклаш зарурлиги ҳақида таклифлар, мулоҳазалар билдирила бошлади (“имловий амалиётда расмий идораларгина тўғри ёзишининг барча қоидаларига риоя қилишлари керак”). Булар эса хусусий ҳолларга нисбатан талабларни заифлаштириди ва вариантилийкка маълум даражада яшил чироқ ёқди.<sup>5</sup>

ХХ асрнинг охирида дунё миқёсида глобаллашувнинг юз бериши, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар тилларнинг ривожи, ўзаро таъсири, имловий “демократия”нинг ҳам кучайишига олиб келди. Үтган асрнинг 90-йилларидан бошланган имловий “кўтарилиш”нинг дастлабки палласи тилларга давлат тили мақомининг берилиши, иккинчи томондан имлонинг алмashiши, хусусан, ўзбек ёзуви сифатида лотин алифбосига асосланган ёзувнинг қабул қилиниши натижасида юз берган ўзгаришлар билан характерланади.

Тилларга янги сўзлар шу даражада шиддат билан кириб кела бошладики, уларни лексик тизим қайд қилишга “улгурмас эди”, бу эса сўз қўллашда бекарорлик ва тартибсизлик, образли қилиб айтганда, “имловий хаос”ни келтириб чиқарди. Ҳатто ўзбек тилида мавжуд европача сўзларни ўзбекча талаффузга мослаш ҳоллари юз бера бошлади. Бу, айниқса, вактли матбуотдаги турли мақолаларда, сухбат, хотира ҳамда қайдларда яққол кўзга ташланади:

*Европа – Оврупа – Европо // Қадимда Оврупода хамшираларни “мехрибонлик олиҳалари” деб шарафлашган экан. (Т.Малик. Шайтанат. 5-китоб, 8-бет).*

<sup>1</sup>Ожегов С.И. Очередные вопросы культуры речи // Вопросы культуры речи Вып. 1. – М., 1955. -№ 1. – С. 5-34.

<sup>2</sup>Шапиро А.В. Упорядоченное русское правописание. К выходу «Правил русской орфографии и пунктуации». – М., 1956. – 38 с.

<sup>3</sup>Букчина Б.З. “Правила русской орфографии и пунктуации” 1956 г. и орфографическая практика // Изд. АН СССР. Сер.лит.и языка. 1974. Т.33. - № 1. – С.44-52.

<sup>4</sup>Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М. 1957. – 296 с. – С. 209.

<sup>5</sup>Текучев А.В. Методика преподавания русского языка в средней школе. – М.1958. 2-е изд. – М., 1970; 3-е изд. – М., 1980. – С. 76.

*Корея – Күрия // Мен Жанубий Күрияда бўлдим.* (А.Орипов.Танланган асарлар. 4-жилд. Олтин зинапоянинг илк погонаси. Мақола. 148-бет).

*Москва – Москов // Вақтида масковлик раҳбарлар бу саройни қуришга ҳеч бир ҳожат йўқ эди, деб бениҳоя безовта бўлишган.* (А.Орипов.Танланган асарлар. 4-жилд. Югурик даврондир асли бу даврон. 196-бет).

*Россия – Ўрисия – Ўрусия // Ўша пайтлари ичи инқизозни бошидан кечираётган Ўрусия подшоси ваъдага вафо қилмайди, қорақалпоқларга ёрдам бермайди.* (А.Орипов. Танланган асарлар. 4-жилд. Танланган асарлар. Қорақалпоқ достони, 286-бет).

*Америка – Амриқо*

*Кенг жаҳон бир бўлди мен учун,  
Менга ҳам очилди олам дарчаси.  
Йироқ Амриқода тафт сочар бу кун,  
Ўзбек қуёшининг олов парчаси.*

(А.Орипов. Т.А. “Уммон ортидаги маконим”, 294-бет)

*Олмон тупрогида бир немис аёл,  
Кўзда ёш ўзбекча айлади савол.*

(С.Сайид. “Ватан абадий”)

Бундай вариантдош сўзлар сирасини хоҳлаганча давом эттириш мумкин:

*Германия – Олмония, Африка – Африқо, Франция – Фарангистон каби.*

Буни миллий эҳтиросларнинг жунбушга келиши, одатланилмаган эркинлик ҳислари сифатида баҳолаш мумкин, албатта. “Ретроспектив кодификация, моҳият эътибори билан, барча янги сўзларни ўз вақтида имловий “тамғалаш”га ҳар доим ҳам улгуравермайди, бу эса цензура ва автоцензура сусайган пайтда янги имловий вазиятни келтириб чиқаради”<sup>1</sup>. “Имловий нуқтаи назардан мукаммал матнлар ўзининг аввалги қимматини йўқотди, бугунги кунда мавжуд реклама доскаларидаги, пешлавҳалардаги, оммавий матбуот нашрларидаги ҳатто ҳамма қарийб қўникиб бўлган хатоликлар шундан далолат беради. Ҳатто имловий луғатлар ҳам (албатта, тижорий нашриётлардан чиқсан) бир сўзнинг турли имловий варианtlарини тавсия этишади”<sup>2</sup>. Адабий тилда бир сўзнинг иккита тўғри варианти бўлмаслиги керак, вариантларнинг мавжудлиги тилнинг “касал” эканлигидан далолат беради.

Чунки ҳар қандай луғат кўпинча олдин тузилган луғатларга асосланади ҳамда орфография тамоиллари ва қонун-қоидаларига мурожаат қилинган ҳолатларни камдан-кам кўриш мумкин. Масалан, бугунги кунда тузилаётган аксарият луғатларда хатоларни “намойиш қилиш” файришуурый тенденцияси кучайганлигини кузатиш мумкин. Бу эса луғатчилик амалиёти вариантлиликни босиб ўтиб, вариантдорликни тарғиб қилиши даражасига “кўтарилаётганлик”дан далолат беради. Зоро, имло луғатлари ёзма нутқ маданиятини, имловий саводхонликни янада такомиллаштиришнинг муҳим қуролидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- Шукуров Р.. Сўз варианtlари ҳақида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987. – Б. 19.
- Шукуров Р. Сўз варианtlарининг имло луғати. – Тошкент: Фан ва технология. 2014. – Б. 100.
- Ожегов С.И. Очередные вопросы культуры речи // Вопросы культуры речи Вып. 1. – М., 1955. – № 1. – С. 5-34.
- Шапиро А.В. Упорядоченное русское правописание. К выходу «Правил русской орфографии и пунктуации». – М., 1956. – 38 с.
- Букчина Б.З. “Правила русской орфографии и пунктуации” 1956 г. и орфографическая практика // Изд. АН СССР. Сер.лит.и языка. 1974. Т.33. - № 1. – С.44-52.
- Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М. 1957. – 296 с. – С. 209.
- Текучев А.В. Методика преподавания русского языка в средней школе. – М.1958. 2-е изд. – М., 1970; 3-е изд. – М., 1980. – С. 76.
- Скляревская Г.Н. Тольковый словарь русского языка конца XX в.: Языковые изменения. – СПб.: Фолио-Пресс, 1998. – С. 7.

*Наширга проф. Б.Менглиев тавсия этган*

<sup>1</sup>Скляревская Г.Н. Тольковый словарь русского языка конца XX в.: Языковые изменения. – СПб.: Фолио-Пресс, 1998. – С.7.

<sup>2</sup>Григорьева Т.М., Пономарева С.В. Норма и вариантность в русской орфографии. – С.35.

## QAYTA TUG'ILGAN “ALISHER NAVOIY” ROMANI

**Kenjayev Z.O.** (Shahrisabz “Temurbeklar maktabi” harbiy-akademik litseyi)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romanining kompozitsiyasi, ba’zi tarixiy voqealarning tarixiy manbalarga mos kelishi va ayrim badiiy to’qimalarning asardagi o’rnini tahlil qilingan.

**Tayanch so’zlar:** *Isajon Sultan, Alisher Navoiy, tarixiy voqe, tarixiy obraz, badiiy to’qima, Husayn Boyqaro.*

### ВОЗРОЖДЕНИЕ РОМАНА “АЛИШЕРА НАВОИ”

**Аннотация:** В данной статье анализируется композиция романа Исаджона Султана «Алишер Навои», сочетаемость некоторых исторических событий с историческими источниками, роль некоторых художественных фактур в произведении.

**Ключевые слова:** *Исаджон Султан, Алишер Навои, историческое событие, исторический образ, художественная фактура, Хусейн Бойгаро.*

### THE REBORN NOVEL OF “ALISHER NAVOYI”

**Annotation.** This article analyzes the composition of Isajon Sultan's novel "Alisher Navoi", the compatibility of some historical events with historical sources, and the role of some artistic textures in the work.

**Key words:** *Isajon Sultan, Alisher Navoi, historical event, historical image, artistic fabric, Husayn Boygaro.*

O’zbek adabiyoti tarixida Mirkarim Osimning “Astrobod”, “Zulmat ichra nur” qissalari, Uyg’un va Izzat Sultonning “Alisher Navoiy” dramasi, Oybekning “Navoiy” hamda Omon Muxtorning “Ishq ahli” kabi kamsonli romanlarda Alisher Navoiy obrazi ma’lum darajada jonlantirilgan. Ushbu asarlarning aksariyati yaratilgan davr siyosati, tuzum, adabiyotga – so’z san’atiga bo’lgan adabiy qarashlarni e’tiborga olsak, “shams ul-millat” Navoiyning tom ma’nodagi qiyofasini ko’ra olish mushkul deyish xato bo’lmasa kerak, nazarimda. Shunday ekan, XXI asrda estetik hodisa sifatida paydo bo’lgan Yangi o’zbek adabiyotida shoirlarning sulton Navoiy obrazini yangidan yaratishga ehtiyoj paydo bo’ldi. Shunday mas’uliyatli vazifa bugun kitobxonlar orasida “Oydinbulloq” va “Suvdag’i kosa” hikoyalari, “Munojot” qissasi, “Boqiy darbadar”, “Ozod” romanlari bilan tanilgan O’zbekiston xalq yozuvchisi Isajon Sultan tomonidan bajarildi.

Yozuvchi ushbu asarga qo’l urishdan oldin Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonida keltirilgan quyidagi baytlardan ilhom olgan bo’lsa ajab emas.

*Ani nazm etki tarhi toza bo’lg’ay,  
Ulusqa mayli beandoza bo’lg’ay.  
Yo’q ersa nazm qilg’onni xaloyiq  
Mukarrar aylamak sendan ne loyiq?*

Yozuvchining “Alisher Navoiy” romani tuzilishi, uslubi, obraz yaratishga yondashuvi, ularga yuklatilgan vazifalari o’zgachaligi bilan ajralib turadi.

Dastlab romanning tuzilishi – kompozitsiyasi o’quvchining e’tiborini tortadi. Asarning kompozitsiyasi Alisher Navoiyning “Xazoyin ul-maoniy” lirik to’plamining ichki tuzilishiga mos ravishda to’rt qismidan iborat bo’lib, har bir qism o’ziga xos muqaddimalar (1-qism “Muqadima”, 2-qism “Hamd”, 3-qism “Hamd”, 4-qism “Hayrat”) bilan boshlanadi.

Romanning “G’aroyib us-sig’ar” deb nomlangan birinchi qismi Alisher Navoiyning 4-5 yoshligidagi voqealar bilan boshlanadi. Ushbu qismda Shohruh Mirzo davridagi obod Hiriydagiga go’zal tantanalar, sayllar, “Mantiq ut tayr” bilan tanishuv, maktabdagagi dastlabki saboqlar, Iroq safari, Sharafiddin Ali Yazdiy, mavlono Lutfiy, Pahlavon Muhammad, Kamol Turbatiy kabi o’z davrining komillari bilan uchrashuvlar, Mashhad ta’limi va Samarqandga yo’l olish voqealari turli tarixiy manbalardagi faktlar asosida, ba’zan go’zal to’qimalar asosida badiiy tasvirlangan.

“Navodir ush-shabob” – romanning ikkinchi qismi. Yigitlik yillari, og’ir va mashaqqat bilan boshlangan Samarqanddagi hayot, ta’limni tugatib siyosatga qadam qo’yish voqealari, otanonasining vafoti haqidagi xabar va ruhiy iztiroblar juda ham ta’sirli aks ettirilgan.

Alisher Navoiyning o’rtalida yoshda ko’rgan-kechirganlari, Navoiyni kuchli davlat arbobi, siyosatchi sifatida gavdalantiruvchi boblar, saltanat obodligi yo’lida olib borgan ishlari, saroydagi

fitna-fasod, xalq hayotini yaxshilash borasidagi sa'y-harakatlari romanning uchinchi qismi – “Badoye’ ul-vasat”da tasvirlanadi.

“Favoid ul-kibar”. To’rtinchi qism nisbatan katta o’rinni egallaydi. Bu tabiiy hamdir. Zero, Navoiyning ijodi har jihatdan pishib yetilgani, aynan, bashariyatning adabiy zavqi, o’zbek adabiyoti va, umuman, dunyo adabiyoti ma’nolar xazinasiga taqdim etgan durdona asarlari umrining aynan o’sha yillarida yozilgani tarixiy haqiqatdir<sup>1</sup>.

“Xamsa” quvonchi, Navoiy merosining gultoji – “Xazoyin ul-maoniy”, “Lison ut-tayr” hayratlari, “Mahbub ul-qulub” hikmatlari, Astrobodga hokimlik, barcha o’quvchini larzaga soluvchi Mo’min Mirzoning qatl etilishi, Sulton Husayn va farzandlari o’rtasidagi ziddiyatlarni murosaga keltirish voqealari orqali yozuvchi Alisher Navoiyning tengi yo’q ijodkor, vatanparvar, xalqparvar siyosatchi, sadoqatli do’st siyemosini yaratadi.

Tarixiy asar yaratish jarayonida har bir ijodkor tarixiy manbalarni chuqur o’rganishi tabiiy holdir. Isajon Sulton Navoiyning “Vaqfiya”, “Munshaot”, “Majolis un-nafois”, “Xamsa”, “Munojot”, “Xazoyin ul-maoniy”, “Muhokamat ul-lug ‘atayn”, “Xamsat ul-mutahayyirin”, “Holoti Sayyid Hasan Ardascher” kabi asarlarida aks etgan o’zining shaxsiy hayoti, ijtimoiy faoliyati va ba’zi asarlarning yozilish tarixi bilan bog’liq ma’lumotlardan ijodiy foydalanganini ko’rishimiz mumkin.

Shuningdek, Mirxonndning “Ravzat us-safo” (“Soflik bog’i”), Davlatshoh Samarqandiyning “Tazkirat ush-shuaro” (“Shoirlar tazkiras”), Husayn Boyqaroning “Risola”, G’iyosiddin “Makorim ul-axloq”, Zayniddin Vosifiyning “Badoye’ ul-vaqoye” (“Go’zal voqealar”), Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asarlaridagi tarixiy ma’lumotlarga murojaat etgan.

Ayniqsa, Alisher Navoiy hayot yo’li haqidagi ishonchli tarixiy manba hisoblanmish G’iyosiddin Xondamirning “Makorim ul-axloq” asarida berilgan tarixiy faktlarga salmoqli o’rin ajratib, badiiy qayta ishlaganiga, voqealarni qayta jonlantirganiga guvoh bo’lish mumkin. Xususan, Husayn Boyqaro va Mirzo Yodgor o’rtasidagi ziddiyatli voqealar romandagi “Havzi Mohiyonda iftor”, “Urush mashvarati”, Qo’shin”, Hiriy isyoni, “Sabzavor maslahati” deb nomlangan boblarida batafsil tasvirlangan. Jangga tayyorgarlik, qo’shin ahvoli, harbiy asbob anjomlar, qo’shin tarkibi va boshqa masalalarga ijodiy yondashadi, dialoglarda esa aynan tarixiy manbada keltirilgan so’zlarni o’zgartirishdan qochadi.

“...Shunda “Hazrati Sultonning yaqin kishisi” degan maqom va darajaga ega bo’lgan ul oliv Hazrat darhol shunday arz qildi: “Hozir munajjim chaqirishdan hamda [hozirgi] vaqtning [dushmanga qarshi hujum boshlayotgan qo’shinlarimiz uchun] omadli yoki omadsiz ekanligini tekshirib o’tirishdan hech qanday foyda yo’q. Chunki [hozirgi] vaqt [qo’shinlarimizning dushmanga qarshi hujum boshlashlari uchun] munosib bo’ladimi yoki munosib bo’lmaydimi, [bundan qat’i nazar,] ushbu ishdagi har qanday imillash yoki to’xtalish [qo’shinlarimizning g’alabaga erishishlariga] to’sqinlik qiladi. Shu sababli ham [dushmanga qarshi harakat qilishda] shoshilish oldimizda turgan zarur masalalardan hisoblanadi...”<sup>2</sup>.

“... Ya’ni munajjim chaqirishdan va vaqtning dushmanga qarshi hujum uchun omadli yoki omadsiz ekanligini tekshirib o’tirishdan hech qanday naf yo’q, - dedi Alisher Navoiy. – Chunki hozirgi vaqt qo’shinlarimizning dushmanha qarshi hujum boshlashi uchun munosib bo’ladimi – yo’qmi, bundan qat’i nazar, ushbu ishdagi har qanday imillash yoki to’xtalish qo’shimizning g’alabaga erishishiga to’sqinlik qiladi. Shu sababli ham dushmanga qarshi harakat qilishda shoshilish lozim”<sup>3</sup>.

Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romanida tarixiy manbalardan tashqari, xalq og’zaki ijodida Alisher Navoiy haqida uchraydigan rivoyatlardan va badiiy to’qima syujetlardan unumli foydalanganini ko’ramiz. Xususan romandagi yulduz uchishi (“Dumli yulduz “bobi”), tush tasviri (“Qazo-yu qadar” bobo), tog’ni teshib suv chiqarmoqchi bo’layotgan Xisrov bilan bog’liq voqealarni (“Kelajak bilan uchrashuv” bobo) misol qilib olishimiz mumkin.

Romanning syujet chizig’ida ramziy ma’no tashuvchi samoviy dumli yulduz tafsili, uning harakatiga Hazrat hayoti davomida bir necha bor guvoh bo’lishidan adib hikmat izlaydi<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Karimov B. Hazrat Alisher Navoiyga ehtirom yoxud insoniyat quyoshi ta’rifida bitilgan roman to’g’risida bir-ikki og’iz so’z. <https://yuz.uz> 2021-yil 10-avgust ]

<sup>2</sup>G’iyosiddinXondamir “Makorimul-axloq”.– Toshkent: Yoshlarnashriyotu, 2018. – B. 25-26.

<sup>3</sup>Sulton I. Alisher Navoiy. – Toshkent: Adabiyot, 2021. – 185b.

<sup>4</sup> Karimov B. Hazrat Alisher Navoiyga ehtirom yoxud insoniyat quyoshi ta’rifida bitilgan roman to’g’risida bir-ikki og’iz so’z. <https://yuz.uz> 2021-yil 10-avgust.

Darhaqiqat, romanda dumli yulduz ramziy obrazi bilan bog'liq voqealarga tayyorlaydi. Har uch holatda ham Alisher Navoiy hayotida ijobjiy o'zgarishlar yuz beradi. Bu orqali yozuvchi o'quvchini go'yo keyingi voqealarga tayyorlaydi.

Lutfiyning e'tirofi, Abulqosim Bobur saroyida xizmat qilishi, Kamol Turbatiy, Pahlavon Muhammad, Samarcand hokimi Ahmad Hojibek bilan uchrashuv, Husayn Boyqaroning Hirot taxtiga kelishi, ona vatanga qaytish, saroyda turli lavozim va unvonlarga sazovor bo'lishi, ijoddakamolotga yetishi: "Xamsa", "Xazoyin ul-maoniy", "Lison ut-tayr" singari asarlarining paydo bo'lishi aynan samoda dumli yulduz ko'rinishi voqealaridan keyin Navoiy hayotida yuz bergan ijobjiy o'zgarishlar hisoblanadi.

Bu to'qima syujet orqali muallif hattoki koinotdagi yulduzlar ham Alisher Navoiyning kelajakda buyuk shaxs bo'lshini istayotgandek, taqdirlari azal ham shuni xohlayotganiga ishontiradi.

Dumli yulduz voqeasi, mo'tadil ob-havo tasviri bilan Navoiy hayotida ijobjiy o'zgarishlar yuz berishiga ishontirsa, tush tasviri, sovuq, rutubatli ob-havo vositasida Navoiy hayotidagi noaniq, mavhum noxush voqealarga ishora qiladi.

"Shu holida u g'alati bir tush ko'rди. Bir chamanzor emish. U chamanzorda ikki kabutar "g'u-g'u"lashib, qanotlarini tapirlatib, goh ko'kka parvoz qilar, goh qo'nar emishlar. Shu mahal ko'kda ikki burgtay paydo bo'lib, har ikkisiga ham changal solib, chinqirtirib ko'kka ko'tarib ketdi. Yerda u sho'rliklarning to'zg'igan patlari qoldi, xolos"<sup>1</sup>. Ushbu tasvirni o'qigan zukko o'quvchi ikki kabutar vositasida Alisher Navoiyning ota-onasi vafotiga ishora borligini qalban his qiladi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, Isajon Sultonning "Alisher Navoiy" romanini kompozitsiyasi, uslubi, obrazlar tizimi jihatidan o'zidan oldin yaratilgan asarlarning hech birini takrorlamaydi. Alisher Navoiy hayoti va faoliyatiga oid yangi-yangi kashfiyotlar, go'zal tasvirlar, Qur'on nuri, hadis ziyyosi bilan tarbiyalangan va buni o'z hayot yo'lida nuqson siz qo'llay olgan Navoiy obrazi, shubhasiz, asarning eng katta yangiligi va yutuqlari deb aytish mumkin.

#### **Foydalilanigan adabiyotlar**

1. Karimov B. Hazrat Alisher Navoiyga ehtirom yoxud insoniyat quyoshi ta'rifida bitilgan roman to'g'risida bir-ikki og'iz so'z. <https://yuz.uz> 2021-yil 10-avgust
2. Quronov S. "Alisher Navoiy" romanida tarixiy shaxs konsepsiysi // "Gumanitar tadqiqotlar", 2021, – № 5.
3. Sulton I. Alisher Navoiy. – Toshkent: Adabiyot, 2021. – 512 b.
4. Karimov B. Hazrat Alisher Navoiyga ehtirom // Yangi O'zbekiston, 2021-yil 10-avgust.
5. G'iyosiddin Xondamir. Makorim ul-axloq. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018.

*Nashrga prof. G.Ernazarova tavsiya etgan*

### **АЛИШЕР НАВОЙЙ ДОСТОНЛАРИДА БЕРАНГЛИК, БЕХИЖОБЛИК, БЕХУШЛИК ҲАМДА ФАНО ВА МАВТ МАСАЛАСИ**

**Қаххорова Ш.А. (ҚардУ)**

**Аннотация.** XV асрда тасаввуф ва у билан боғлиқ қарашлар ижтимоий ҳаётнинг муҳим бир маърифий, ахлоқий, тарбиявий категорияларини белгилаб берувчи таълимот ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, тасаввуф таълимотининг муҳим бир тушунчаси ҳисобланган *факру фано* масаласи ҳам бу улкан адабий мероснинг, айтиш мумкинки, шу пайтгача етарли ўрганилмаган мавзуларидан бири ҳисобланади. Ушбу маколада мазкур истилоҳ маъносининг кенгайишига сабаб омилларлардан беҳушлик, беранглик, ҳамда мавт масаласи, уларнинг талқинлари Алишер Навоийнинг "Ҳамса" достонлари мисолида тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** *солик, мақом, сулук, фано, бақо, ваҳдат ул-вужуд, унс, нафс, нафси аммора, тавҳид, жамъ, тафриқа, саъф, сукр, зикр.*

<sup>1</sup>Sulton I. Alisher Navoiy. – Toshkent: Adabiyot, 2021. – 126-bet.

## ПРОБЛЕМЫ БЕСЦВЕТНОСТИ, БЕССОЗНАНИЯ, ФАНА И МАВТ В ЭПИЧЕСКИХ КНИГАХ АЛИШЕРА НАВОЯ

**Аннотация.** В 15 веке суфизм и родственные ему взгляды считались важными нравственными и воспитательными категориями общественной жизни. С этой точки зрения вопрос о факру фана, который считается важным понятием суфизма, является одной из тем этого великого литературного наследия, недостаточно изученного до сих пор. В данной статье среди факторов, обуславливающих расширение смысла этого стиля, рассматривается проблема беспамятства, смятения и смерти, их интерпретации на примере эпоса Алишера Навои «Хамса».

**Ключевые слова:** налог, макам, сулук, фано, бака, вахдат уль-вуджуд, унс, страсть, нафси аммара, таухид, джас', тафрика, сахф, сукр, зикр.

### THE PROBLEMS OF COLORLESSNESS, UNCONSCIOUSNESS, FANA AND MAWT IN ALISHER NAVOY'S EPIC BOOKS

**Annotation.** Sufism and its associated ideologies were seen as significant moral, educational, and educational social life characteristics in the 15th century. From this point of view, the issue of faqr and fana, which is considered an important concept of Sufism, is one of the topics of this great literary heritage that has not been sufficiently studied until now. In this article, among the factors causing the expansion of the meaning of this revolution, the question of unconsciousness, cololesness, and mawt, their interpretations are studied on the example of Alisher Navoi's "Khamsa" epics.

**Keywords:** *wanderer, parking lots, wandering, nonexistence, eternity, proximity, friendship, soul, soul inclined to evil, the unity of God, gathering together, disconnection, spiritual sobriety, spiritual intoxication, ecstasy, dhikr, mawt.*

Дунё динлари, фалсафаси ҳамда илм-фанида тасаввуф адабиётидаги сўфийликка хос кўплаб ҳолат, вазият ва тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар, хусусан, факру фано ҳакидаги қараашлар, бу борада фаолият олиб борган, соҳа тараққиётида муҳим ўрин тутган олимлар илмий лабораторияси атрофлича таҳлил этилган. Бугунги кун навоийшунослари шоир ижодида тасаввуфнинг бадиий талқини масаласи ҳали тўлиқ илмий ечимини топмагани, мунозарали жиҳатлари кўп эканини таъкидлайдилар. Алишер Навоий ижодидаги марказий, қолаверса, энг йирик ва мураккаб тушунчалардан бири – фано ана шундай масалалардан эканига шубҳа йўқ. Шоир ижодига дикқат килинса, унинг фано хусусидаги қараашлари, илми чуқур экани, балки фанодаги ҳоли юксак эканини сезиш қийин эмас. Биз ушбу мақолада Ҳазрат Навоий достонларидағи фано талқинларини тадқиқ этишда, аввало, достонларда беранглик, беҳижоблик ва бехушлик (хушдан кетиш), фано ва мавт муносабати масаласига дикқат қаратишни мақсад қилдик.

**Аввалимбор, беранглик, беҳижоблик ва бехушлик (хушдан кетиш) хусусида.** Беранг – форсча *рангиз*, *рангизлик* деган маънени англатади. Ориф рангизлик мақомида ҳар бир рангни кўради, билади, баҳолайди ва шунга қараб харакат қиласди. Зоро, у фанода “Аллоҳнинг ранги” (الله بِعْدَهُ – Сибгатуллоҳ) бўлган рангизликка эришади ва етмиш икки миллат ёки машрабнинг тилини тушуниб, гапирадиган ҳолга етади. [11:52] Бунда сўфийлар “Куръони Карим”даги Бақара сураси 138 оятида келтирилган “Аллоҳнинг бўёғига кирингиз! Аллоҳнидан яхшироқ бўёқ борми?!” [13:112] буйруfiga таянадилар. Мутакаллимлар бу ердаги “Аллоҳнинг ранги”дан мурод Оллоҳнинг дини эканини таъкидлашади. Навоий достонларининг кўп ўринларида қаҳрамонларнинг дунё билан алоқадор ўзлук бўёғидан кутулиб, бехуш бўлганликларига гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин”да қаҳрамонларнинг бехушлик ҳолига уйғун тарзда муаллифнинг ҳам бехушликка интилгани (11, 31, 41-бобларда – Ш.Қ.)ни учратиш мумкин:

*Кетур, соқий, шароби бехудона  
Ки, бехудлуқ била бўлдум фасона.  
Ажаб бехуш ўлубмен ишқ аро бил,  
Мени бир жом ила бехушироқ қил.* [6/6:523]

Адабиётшунос олимлар И.Фафуроғ ҳамда Н.Комиловларга кўра, “Лайли ва Мажнун”да Мажнун беш маротаба хушизлиқ ҳолатига тушади. [14:6] Навоий ва Фузулий “Лайли ва Мажнун”ларини қиёсий тадқиқ этган Ю.Абдулҳакимова эса Навоий достонида Мажнуннинг бехушлик ҳолати саккиз маротаба рўй берганини таъкидлайди. [1:16]

Профессор Н.Комилов ҳам беҳушлик масаласига алоҳида эътибор қаратиб, шундай дейди: “Хушдан кетиш кўпроқ сўфийларга хос руҳий-психологик кечинма. Айниқса, улар Аллоҳ ёдида ўта жазавага берилганда, бутун руҳий куч-куватини ишга согланда хушдан кетиш, ўзини унтиб қўйиш даражасига бориб етадилар. Навоий Мажнун образида сўфийликнинг ана шу ҳолатини кўз олдимизда гавдалантиради. Бундан ташқари, айни шу ҳолда Ёр жамолини кўнгил кўзгусида хис этиш ҳайратидан хушдан кетиш содир бўлади. Бу ҳайрат мақомига етган солик руҳиятидир”. [5:81] Олимнинг ушбу фикрларидан яна бир холосамиз янада қатъийлашади: ўзлукни унтиб беранг, беҳуш бўлиш, яъни фано ҳоли Фано мақомидан ўзга мақомларда ҳам юз бериши мумкин. Демак, беранглик, беҳушлик, беҳижоблик кабилар фано ҳолининг кўринишидир. Бу ҳолнинг энг юксак кўринишларини Навоий достонларидағи “Меърожнома” бобларда учратиш мумкин. Хусусан, айни ҳол “Сабъаи сайдер” меърожномасидаги жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг Аллоҳ хузуридаги тасвирлари келтирилган қуйидаги байтларда яққол гўзал ифода этилади:

Ул ҳарим ичра дөги урди қадам,  
Ҳараму парда борча бўлди адам.  
Топтилар васл ошиқу маъшуқ,  
Борча холиқ ародা йўқ маҳлук.  
Ёр мавжуду анда йўқ агёр,  
Ёрдин ўзга, балки йўқ дайёр. [6/7:292]

Кушайрий фанони учга ажратади: Илк фано – банданинг ўзидан ва ёмон сифатларидан фоний бўлиши; иккинчи фано – Аллоҳ таолога тафаккур килган банданинг Аллоҳнинг сифатларидан ҳам фоний бўлиши; учинчи фано – Ҳақнинг борлигига йўқ бўлган ўзининг ўқклигини кўришидан ҳам фоний бўлишидир. [11:107-108] Эътибор килинса, Кушайрий таърифидаги фанонинг энг юқори – учинчи даражаси айни беранглик, беҳижоблик, беҳушлик ҳолида содир бўлиши ҳамда юқоридаги байтларда ана шу ҳол тасвири келаётгани аён бўлади.

**Фано ва мавт масаласи.** “Ўлим – мавт тасаввудаги катта тушунчалардан бири бўлиб, ҳатто баъзи мутасаввифлар тасаввупнинг ўзини ўлимга боғлаб тушунтирадилар”. [2:102] Масалан, сўфий шоир Бобо Тоҳир шундай дейди: “Тасаввуп – ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни нафсоний-ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ”. [5:122] Тарикат соҳиби Нажмиддин Кубро “Усули ашара”да ўлимнинг беш турини санаса [10:226], Яссавий ҳикматларида “Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадиси кўп бора тилга олинади. Мавлоно Румий ҳазратлари ҳам руҳни юксаклик, тараққиёт сари етакловчи ўлим ҳақида сўзлайдилар. [5:253]

Тасаввуп мағкурасида ўлим билан боғлиқ қарашларнинг шаклланиши ва тараққий топишида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Муту қабла анта муту”, яъни “Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадислари муҳим ўрин тутган. Сўфийлик тушунчасининг негизини ташкил этган ушбу ҳадис “сўфий, эран, абдол – хуллас, Ҳақ ошиқлари учун илоҳий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган” [6/10:641]. “Ўлмасдан бурун ўлиш” сифати ва ҳолини камолга етказмасдан тасаввупий ҳаёт ва ахлоқда, ишқу ошиқлиқда олий мақомларга юксалиб бўлмайди, деб хисобланган. Шунинг учун Имом Раббоний, “...ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча, муқаддас Зотга етиб бўлмас... Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк қадам ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражаси эрур”, деганлар. Ҳақ таолонинг хос одамлари сайру сулукда ишни “ўлмасдан бурун ўлиш”дан бошлаган ва бу муроқаба тарзида амалга оширилган бўлиб, унинг ижро шаклини Муҳаммад Нурий Шамсиддин Нақшбандий мукаммал тасвирлаб берганлар [6/10:641].

Мутасаввифларга кўра, Ҳақ ошиқлари учун икки туғилиш мавжуд:

1. Жисмоний туғилиши;
2. Маънавий туғилиши – қалб кўзининг очилиши.

Ўлим ҳам икки турли:

1. Жисмоний ўлим;
2. Ўлмасдан бурун ўлиши.

Иккинчи турли туғилиш, яъни қалб кўзининг очилиши иккинчи турли ўлиш, яъни ўлмасдан бурун ўлиш ҳолига етганлардагина юз беради. Масалан, Жалолиддин Румий Шамс Табризий билан учрашганда қалб кўзи очилганидек, Навоий достонининг қаҳрамони Фарҳод Суқрот билан юзлашганда иккинчи бор туғилади.

Ўлмасдан бурун ўлиш ҳайвоний нафсни ўлдириш мартабасидир. Фанога яқинлашишни истаган соликлар – Ҳак йўлчилари йўлчиликни нафсга қарши кураш, нафс тарбиясидан бошлашади. Жаноб пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Ман арафа нафсаҳу фақод арафа Роббаху” – “Ким нафсини таниса, Роббисини танибди!” – сўзлари соликлар учун дастурдир. Шу сабабли Навоийнинг фано водийсига қадам кўйган қаҳрамонлари нафс билан қаттиқ курашадилар. Жумладан, “Лисону-т-тайр”нинг СХ бобида келтирилган ҳикоятга кўра, Арастунинг илму ҳикматда бошқа барча шогирдларидан устун, севимли бир шогирди бор бўлиб, улуғ устоз келажакда бу хос муриди ўзига ўринбосар, Искандар ҳузурида маслаҳатгўй, маҳрам бўлишидан умидвор экан:

*Кўнглида мундоқ хаёл айлаб ҳаким,  
Ким Скандарга они қилгай надим,  
Ким ўзи бир сориким қилса хиром,  
Бўлгой ул фарзандек қойим маҳом.  
Ҳикмат ичра нуктаи мавзун била,  
Сўз дегай мајслисда Афлотун била.[6/9:161]*

Аммо кунларнинг бирида бу шогирд йўлда борар экан, ноз билан юз динни яғмо қилувчи бир “кофири сангиндили сийминбар”га кўзи тушиб унга ошику бекарор бўлади. Кўп саът қилиб, унинг васлига етгач, сабоқ ишларини буткул унутиб маҳвашга буткул боғланиб қолди. Ҳолатга гувоҳ бўлган устоз кўрдики, бирор чорасини қилмаса, неча иллик заҳмати, шогирдига берган илму ҳикмати зоеъ кетади. Ҳакими беназир кўп фикр қилгач, муаммога шундай чора топди:

*Махфий ондин ўзни тутти чорага,  
Берди муҳлиқ доруе маҳпорага,  
Ким ииқилди оҳу афғон тортибон,  
Дам-бадам ул нотавонлиг ортибон.[6/9:162]*

Йигит ёрининг дардига чора тополмай ожиз қолгач, хижолату малолат билан устозидан ёрдам сўрайди. Устози эса:

*Дедиким: – “Кўп, сен бу кун хизматқа бор,  
Тур Скандар ҳазратида бандавор.  
Мен мудово айлайн беморинга,  
Еткурай сиҳнат париваши ёринга”. [6/9:163]*

Бу таклифни қабул қилган шогирд Искандар ҳузурига равона бўлди. Арасту эса медани тозалайдиган кучли бир дори тайёрлаб беморга ичиради ва маҳрамларга хабардор бўлиб туришни, хаста нимаики қайт қилса, барчасини тўкиб юбормай олиб кўйишни буюради. Ниҳоят:

*Ҳастанинг тобу тавони қолмади,  
Жисмида бир қатра қони қолмади.  
Балгаму, сафрову савдо бирла қон  
Дафъ ўлуб, бўлди суманбар нотавон. [6/9:163]*

Кечқурун қайтиб келган йигит маъшуқаси ҳузурига кириб, уни таний олмайди ва сарв бўйли, лола рухсор ёри қаерда эканини сўрайди. Шунда Арасту маҳрамларга нозанин қайт қилган идишни келтиришни буюради. Нажас билан тўла идишни келтиришгач, шогирдига паризоди бу эканини айтади:

*Деди: – “Олгилким паризодинг будур,  
Гул жабинлиқ сарви озодинг будур.  
Будур улким мубтало бўлмиши эдинг,  
Ошиқу вола мунга бўлмиши эдинг”.[6/9:164]*

Йигит устози қаршисида қаттиқ хижолат чекади. Буни Арасту:

*Деди: – “Эй фарзанд, күрдүм эхтиёж,  
Йүк анга, билким – санга қилдим илож.  
Сен дөги ошиңсөнү маҳбубунг ул,  
Зору шайдо айлаган матлубунг ул.  
Бүйла ошиңлиқдин, эй олуда зот,  
Пок ишк ахли қошиндадур уёт!” [6/9:164]*

Адабиётшунос Рашид Жумаев түгри таъкидлаганидек, ушбу ҳикоятда “ҳақиқий ишкә эришмоқ учун нафс ва нафсоний эхтиёжларни енгиш, покланишнинг никоятда оғир машакқатларига бардош бера билиш тажрибасига эътибор қаратилган”.[4:51] Бизнингча, никояда подшоҳ, яъни Искандар – ҳақиқий ишкә мазҳар, Арасту – ҳақиқий ишк сирридан огоҳ пири комил, шогирд – нафс билан мужодаладаги солик, шогирд шайдо бўлган паризод эса нафс ҳийласидир. Демак, Навоийнинг бадиий талқининг кўра, ҳақиқий ишкә эришиш, Ҳақ васлига этиш ва У билан ҳамсұхбат бўлиш учун нафс шиддатини сўндириш, нафсни фано қилиш, яъни ўлмасдан бурун ўлиш лозим.

Ўлим, яъни мавт – нафсни туб илдизи билан куритмоқ, ундан буткул халос бўлмоқ. Нажмиддин Кубро “Усули ашара” рисоласида бундай ўлимни беш турга ажратиб кўрсатганлар:

1. Мавти иродий – инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши, яъни фанойи қуллийга етишиши.
2. Мавти аҳмар – “қирмизи ўлим”. Бу – нафснинг истакларига қарши тура олиш, чидамда уларни бартараф эта олиш демакдир.
3. Мавти абяз – “оқ ўлим”. Очлик йўли билан нафс ва тамаъни забун айлаш. Шунда кўнгил покланиб, шаффофлик, яъни оқлик касб этади.
4. Мавти ахзар – “яшил ўлим”. Ямоқдан кийим тикмак ва киймак. Чунки янги ва чиройли кийим ўзгаларнинг диққатини жалб қилурки, бу – шуҳрат нишонаси ҳисобланади.
5. Мавти асвад – “қора ўлим”. Бу – қайгу ва мусибатларга таҳаммул этиш, халқу халойикнинг ҳар қандай жабру жафосига чидашдир. [10:226]

Демак, мавтнинг барча турлари нафсни тарбиялаш орқали фанога эришишга хизмат қиласи. Хусусан, манбаларда мавти асваднинг фанофилюҳ мақомига мос ҳол ва халқдан келадиган ситамларни Ҳақдан деб билиш мақоми экани айтилади. [7:234] Фанофилюҳ – банданинг зоти ва сифати Аллоҳнинг зоти ва сифатида фоний бўлиши. Бунда банда ўз нафсидан – барча дунёвий манфаатидан юз ўғириб, тўлиқ иноят билан Аллоҳнинг ваҳдат масканига юзланади. [11:108]

Тасаввуфда нафс ҳижоб истилоҳи билан ҳам ифода этилади. Ҳижоб – парда, моддий олам билан маънавий олам орасида бўлган нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга монеъ бўладиган ёпқич. Ҳақ ва ҳақиқат орасида пардаси бўлган кишига маҳжуб дейдилар. “Ҳижоб ва парда фақат нафсdir”.[11:368] Ниқоб, ҳижоб – ошиқни маъшуқдан тўсиб турувчи монеъликлар ва сулук йўлида соликларга юзланадиган тўсиқлар. Бирок бу тўсиқлар маҳбуб ё муҳиб томонидан эмас, тариқатдаги лозим нарсалардан юзага келади. [11:357] Фано банда нафсининг йўқолиши билан тавҳиднинг амалга ошишини билдиради. Бу ҳолат тавҳиднинг энг олий даражасидир. Банда Аллоҳ таолонинг тафаккурида шу қадар банд бўлиб қоладики, ўзини ўзи йўқотади. Бунга фано фит-тавҳид дейилади.

Фано холида банданинг ниятлари ва хатти-ҳаракатлари, ахлоқи тадрижий яхшидана боради. Фано энг олий мақсад – васлга етмоқ йўлидир:

*Фониё, лофи фано урмогни қўй,  
Васл эса коминг, фано ўтига куй. [6/9:246]*

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз достонларида лирик асарларидаги каби фанонинг бадиий талқини масаласига жиддий ёндашган. Фанонинг нозик маъно товланишларини юзага чиқара олган. Бу мавзунинг достонларда ёритилиш масаласини тадқиқ этиш ҳамда достонлар моҳиятини чуқур англашда факр ва фано ўртасидаги нозик тафовутлар, фанонинг шартларидан бўлган зикр тушунчаси, қолаверса,

беранглик, беҳижоблик, беҳушлик, мавт истилоҳларининг фано билан алоқаси хусусида атрофлича фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулҳакимова Ю. Алишер Навоий ва Мухаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” достонларининг қиёсий таҳлили: Филол.фан. бўйича фалс.док.дисс.автореф. – Тошкент, 2022.
2. Авазназаров О. Алишер Навоий ижодида соқий образи: Филол. фан. фалс. д-ри. ...дисс. – Қарши, 2020.
3. Bertrand Russell. History of Western Philosophy, Routledge, 1995.
4. Жумаев Р. Мавлоно Жалолиддин Румий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
5. Комилов Н. Ҳизр чашмаси/ Ишқ оташининг самандари. – Тошкент: Маънавият, 2005.
6. Навоий Алишер. ТАТ. Ж. 1-10. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2012.
7. Şemsettin Aydaoḡan. Tasavvuf Ehline Yöneltilen Tenkitlerin Değerlendirilmesi: İbn Teymiyye, Mecmûu Fetâvâ Örnegî. Yüksek lisans tezi. Malatya: 2020.
8. UludağS. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – İstanbul: Marifet Yayınları, 1995.
9. Фалсафа (қисқача изоҳли луғат) / Муаллифлар: М.Н.Абдуллаева, М.Абдурашидов, У.Абилов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2004.
10. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004.
11. Ethem Cebecioğlu. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. Ağaç Kitabevi Yayınları, 2009.
12. Yüksel Göztepe. Abdülkerim Kuşeyri'de hâller ve makâmlar: Doktora Tezi. – Ankara, 2006.
13. Куръони каримнинг машҳур суралари фазилати. – Тошкент: Faafur Fулом НМИУ, 2021.
14. Faafurov I. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987.

*Наирга проф. Н.Шодмонов тавсия этган*

## СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РУССКИХ И УЗБЕКСКИХ ПОСЛОВИЦ

**Базарова Н.Ш. (КарГУ)**

**Аннотация.** Данная статья представляет собой сопоставительный анализ русских и узбекских пословиц. В рамках исследования были проанализированы большое количество русских и узбекских пословиц с целью выявления сходств и различий в их содержании и выражении. Были выделены особенности лексического и грамматического строения пословиц каждой культуры, что позволило увидеть специфические черты и характеристики каждого народа.

**Ключевые слова:** компаративный анализ, пословица,держанность, склонность, зоонимы, классификация, категория.

## COMPARATIVE ANALYSIS OF RUSSIAN AND UZBEK PROVERBS

**Annotation.** This article presents a comparative analysis of Russian and Uzbek proverbs. The study involved analyzing a large number of Russian and Uzbek proverbs to identify similarities and differences in their content and expression. The authors highlighted the peculiarities of lexical and grammatical structures in proverbs from each culture, allowing for the recognition of specific traits and characteristics of each nation.

**Key words:** comparative analysis, proverb, restraint, inclination, zoonyms, classification, category.

## RUS VA O'ZBEK MAQALLARINING QIYOSIY TAHLILI

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada rus va o'zbek maqollarining qiyosiy tahlili berilgan. Tadqiqot rus va o'zbek maqollarining ko'p sonini tahlil qilib, mazmuni va ifodasidagi o'xshash va farqli tomonlarini aniqlashdan iborat edi. Mualliflar har bir madaniyatga mansub maqollardagi leksik va grammatik tuzilmalarning o'ziga xos xususiyatlarini ajratib ko'rsatib, har bir xalqning o'ziga xos xususiyati va xususiyatlarini tan olish imkonini berdi.

**Tayanch so'zlar:** qiyosiy tahlil, maqol, cheklov, mayl, zoonimlar, tasnif, kategoriya.

**Введение.** Компаративный анализ русских и узбекских пословиц представляет собой академическое исследование, направленное на анализ сходств и различий между

пословицами этих двух культур. В данной статье автор проводит детальный анализ ряда пословиц из обеих культур с целью выявления их общих характеристик и особенностей.

Исследование начинается с тщательного рассмотрения основных характеристик пословиц и их значений в контексте русской и узбекской культур. Особое внимание уделяется тому факту, что пословицы представляют собой жанр народной культуры, который содержит мудрые и глубокомысленные высказывания, отражающие аккумулированный опыт и моральные нормы, передаваемые из поколения в поколение.

Сравнительный анализ русских и узбекских пословиц обнаруживает различия в мировосприятии. Русские пословицы больше акцентируют внимание на коллективе, семье и обществе, в то время как узбекские пословицы подчеркивают роль религии, семейных ценностей и национальной идентичности. Этот анализ позволяет выявить существенные различия в мировоззрении и ценностных ориентациях этих двух народов.

Русская культура и менталитет обладают определенными особенностями, которые находят свое отражение в пословицах. Русские пословицы выражают сдержанность, склонность к размышлению и внимательному наблюдению за окружающим миром. Они подчеркивают ценность труда, мудрости и глубокого понимания человеческой природы. Например, пословица "Тише едешь, дальше будешь" отражает русскую философию осторожности и предусмотрительности в действиях. Русские пословицы часто основаны на наблюдении за природой и событиями в жизни людей, что отражает интерес к гармонии с окружающим миром.

В узбекской культуре и менталитете также присутствуют свои уникальные черты, которые находят свое выражение в пословицах. Узбекские пословицы отражают кочевой образ жизни, богатую историю, религиозные убеждения и национальные традиции. Они выражают глубокое почтение к старшим, важность семейных связей, гостеприимство и религиозные ценности. Узбекское мировоззрение отличается отношением к природе как к дару Аллаха, к мудрости как к ценному достоянию и к религии как к основе жизни. Например, пословица «Кто семь раз по двери проходит, тому Аллах открывает» отражает узбекскую веру в справедливость и помощь Аллаха.

Сопоставление зоонимов, используемых в русской и узбекской поговорках, позволяет выделить группы, характеризующие домашних животных, диких животных, птиц и пресмыкающихся, наиболее типичными представителями, которых в пословичном фонде обоих языков являются "баран", "теленок", "осел", "овца", "курица", "медведь", "волк", "лев", "соловей", "ворона", "змея". Основной характеристикой исследуемых выражений является наличие оценочности состояния, качества, поведения и привычек человека, к которому применяется поговорка.

#### **Материалы и методы.**

Материалы: для проведения сопоставительного анализа были использованы следующие материалы:

Коллекция русских пословиц: была составлена коллекция русских пословиц из различных источников, таких как литературные произведения, фольклорные источники и современные публикации. Коллекция включала пословицы, представляющие различные тематические категории, такие как семья, дружба, работа, любовь и т. д.

Коллекция узбекских пословиц: была составлена коллекция узбекских пословиц, основываясь на узбекской литературе, фольклоре и современных источниках. Коллекция включала пословицы, отражающие различные аспекты узбекской культуры, такие как гостеприимство, семейные ценности, мудрость и т. д.

Методы: Для проведения сопоставительного анализа были применены следующие методы: Сбор данных: Был проведен обширный сбор данных из различных источников, включая письменные источники, электронные ресурсы и устные источники. Пословицы были записаны и систематизированы для дальнейшего анализа; Классификация и категоризация: Собранные пословицы были классифицированы и категоризированы по различным тематическим и смысловым критериям. Это позволило выделить общие темы

и мотивы в русских и узбекских пословицах и облегчило последующий анализ; Сравнительный анализ: Был проведен сравнительный анализ русских и узбекских пословиц с целью выявления сходств и различий в их содержании, форме и использовании. Были идентифицированы уникальные особенности каждой культуры и обнаружены схожие концепты и мировоззрение в пословицах; Интерпретация и выводы: Полученные результаты были интерпретированы с учетом культурных и исторических контекстов русской и узбекской культур. Были сделаны выводы о сходствах и различиях в использовании пословиц, а также их роли в каждой культуре.

Таким образом, сопоставительный анализ русских и узбекских пословиц был проведен с использованием собранных материалов и применением методов сбора данных, классификации, сравнительного анализа и интерпретации:

В узбекской культуре существует пословица, которая описывает ситуацию, когда два совершенно разных человека не могут сосуществовать в одном месте: «*В одном котле не сварить две бараны головы*». Русский вариант этой паремии звучит следующим образом: «*Две бараны головы в один котел не лезут*» или «*В одной берлоге двум медведям не жить*». Эти пословицы передают негативную характеристику действий человека, используя зооним «волк». Например, в узбекских пословицах встречаются фразы: «*Волка пожалеешь, он набросится на овец*», «*Волчонка и в меховой шапке не удержишь*», «*Не думай, что волка нет, он под твоей шапкой; не думай, что врага нет, он прячется*». Аналогичные русские пословицы звучат следующим образом: «*Худо овцам, где волк воевода*», «*Сколько волка не корми, он все в лес смотрит*», «*Сказал бы словечко – да волк недалечко*». В узбекском языке существует пословица «*Кто боится медведя, тот в лес не пойдет*», которая характеризует робкого человека, не обладающего достаточным мужеством для совершения отчаянных поступков. В русском языке для выражения того же значения используется пословица «*Волков бояться – в лес неходить*». Еще одна узбекская пословица «*Одна паршивая овца все стадо портит*» и русская пословица «*От одной паршивой коровы все стадо хворает*» описывают человека, который оказывает отрицательное влияние на окружающих. В узбекской культуре присутствуют пословицы, где используются зоонимы «теленок» и «курица», чтобы передать ограниченность возможностей человека. Например, говорят: «*Теленок может только до кормушки добежать*» или «*Курица может долететь только до крыши*». Аналогичные русские пословицы звучат так: «*Заячий прыжок – три шага*» и «*Лягушка всю жизнь скакет, а дальше пруда не отходит*». Также стоит упомянуть узбекскую пословицу «*У перепелки дома нет, куда ни пойдет – пить-полоть*», которая описывает беспоместного человека, не имеющего постоянного места жительства. Аналогичные русские пословицы звучат так: «*Живет как беспоместная ворона*» или «*Перелетный соловей, то на сосну, то на ель*».

В узбекском и русском языках пословицы с лексической единицей «лошадь» могут ассоциироваться как с положительной, так и с отрицательной коннотацией. В узбекской пословице

«*Пока есть у тебя лошадь, познавай землю; пока у тебя есть отец, познавай народ.*»

– Отинг борида, эл тани; отанг борида, эр тани положительная оценка дана человеку, который торопится делать добрые дела, пока есть возможность, и ему сопутствуют благоприятные условия. Вариант русской пословицы

«*Куй железо, пока горячо*» имеет положительную этическую оценку, но в её составе отсутствует зоонимический компонент.

В пословицах узбекского и русского языков с зоонимом «лошадь» прослеживается отрицательная оценочная деятельность потерявшего былые высоты человека:

«*Хотя он слез (упал) с лошади, но с седла не сошёл.*»

– Отдан тушса ҳам, эгардан (ўзангидан) тушмайди.

При этом русские варианты

«*Кобыла изыхает, а траву хватает;*»

«Умерла щука, да зубы остались» имеют более образную эмоциональную характеристику.

Сопровождаются назидательной коннотацией и такие узбекские пословицы с зоонимом «лошадь»:

*Не проходи мимо лошади, которую не испытал.*

– *Синамаган отнинг сиртидан ўтма;*

*Не думай, что лошадь не лягается, а собака – не кусается.*

– *Отни тепмайди дема, итни қопмайди дема.*

Идентичны пословицы русского языка: не проходи мимо коня неиспытанного; К собаке сзади подходи, а к лошади – спереди, которые предупреждают, что не следует доверяться незнакомому человеку.

Следует отметить также, что для образной характеристики человека в узбекском и русском языках используются пословицы с зоонимическим компонентом, выражающие отрицательное эмоциональное отношение к объекту оценки. Так, о слабохарактерном, не способном постоять за себя человеке говорят: *как мокрая курица*. Русской пословице соответствует узбекский вариант:

*«Как упавшая в воду кошка.» – Сувга тушган мушукдек.*

Узбеки – гостеприимная нация, однако, когда у хозяев тесно, а гость ведёт за собой своих знакомых, актуальны пословицы с зоонимами «мышь», «верблюд»:

*«Мышка в нору и так не влезала, а ещё решето к хвосту привязала.»*

– *Сичқон, сизмас инига, галвир боғлар думига;*

*«Говорят, верблюд и так не вмеещался в ворота базара, а ещё захотел войти в паре с другим верблюдом.»*

– *Ўзи бозорга сизмаган тия қўшини билан кирибди.*

Аналогичная русская пословица

*«Пустил Бог бабу в рай, а она и корову ведёт, чтоб молоко там хлебать»* менее экспрессивна и употребляется с другим зоо-компонентом.

Сопоставительное рассмотрение пословиц русского и узбекского языков с компонентом-зоонимом позволяет выделить группы, характеризующие животных, типичными представителями которых являются «медведь», «телёнок», «овца», «волк», «лошадь», «корова», «собака».

Часть пословиц с зоонимами в узбекских и русских пословицах амбивалентна и обладает как положительной, так и отрицательной коннотацией.

Пословицы с компонентом-зоонимом в русском и узбекском языках, с одной стороны, могут совпадать по значению, содержанию, словарному составу, а с другой, – могут различаться по образности и пстроению.

Результаты и обсуждение. Исследователи пословиц и поговорок обратили внимание на выборочный, точнее, человекоориентированный характер смысловой нагрузки народных поговорок: они охватывают преимущественно те аспекты реальности, которые прямо связаны с человеком, его восприятием, оценкой окружающего мира, описанием психологических особенностей личности – познавательных процессов, эмоционально-волевых аспектов деятельности, индивидуально-типологических характеристик и так далее. Вместе с тем, выделяются семантические группы, которые характеризуют: а) социальное происхождение человека: каждому - своя Катерина, князю - княгиня, боярину - Марина; б) социальное положение человека и его оценка: Фома - дворянин в бедном городе, все лакеи у меня были Мокеи, но теперь сам Мокей стал лакеем; в) семейное положение и родственные связи: если мать и бабушка хвалят, значит, дочь Аннушка хороша; свою невесту везут, а Фому - за невестой; г) характеристики характера, в основном отрицательные: до Дмитрадевки был хитрый, а после - ещё хитрее (когда вышел замуж); Андрону нужно перекреститься, потому что он приезжает; д) умственные способности, внешние и физические качества и состояния человека: каждый Аксён умён в своём мире (умный); прозорливый, как Аввакум; косит, как Соловей - разбойник (который смотрит

одним глазом на Киев, другим на Чернигов); у Тараса разыгрались три вши на лысине; есть только один Сысой, и он ещё косой; Дунька не самая умная. У узбеков пословицы имеют двойную ценность. Они являются и мудрыми словами, сказанными в нужный момент, и эталоном здравого смысла, связанным с конкретной жизненной ситуацией, действием или высказыванием. Пословицы являются любимым народным жанром в Узбекистане. Узбекские пословицы - это своего рода образные формулы, метафоры, воплощающие опыт жизни.

### **Заключение.**

При анализе русских и узбекских пословиц следует обратить внимание на их общие черты, характерные для сравниваемых языков, а также на их специфические отличия. Эти пословицы не только позволяют нам увидеть разнообразие культурных перспектив и ценностей, но и раскрывают сходства и различия в использовании метафор, образов и мудрых высказываний.

Таким образом, исследование русских и узбекских пословиц предоставляет нам возможность углубить наше понимание культурных особенностей и ценностей, а также насладиться мудростью, заключенной в народных выражениях каждой из этих культур.

### **Список литературы**

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М., 1998.
2. Виноградов, В. В. (2008). Русская фразеология. – Москва: АСТ.
3. Дмитриев, Ю. И. (1998). Культура узбеков. – Москва: Наука.
4. Махмудов, А. (2010). Современная узбекская фразеология. – Ташкент: Ўзбекистон.
5. Прокофьева, И. В. (2004). Русская пословица. Мудрость народа. – Москва: Эксмо.
6. Телия В.Н. Человеческий фактор в языке. Языковые механизмы экспрессивности. – М., 1991.
7. Теория метафоры / Под ред. Н.Д.Арутюновой. – М.,1990.
8. Фразеологический словарь современного русского языка / Под ред. А.Н. Тихонова. В 2-х тт. – М.: Флинта, 2004. [http://Bookle.ru›1087918/books\\_229133/](http://Bookle.ru›1087918/books_229133/)
9. Хосилов Х. (2011). Узбекская народная пословица и поговорка. – Ташкент: Ўзбекистон.
10. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 290 б.

*Рекомендовано к печати доц. Ё. Хамраевой*

## **САЛИМ АШУР ШЕЪРИЯТИНИНГ МАВЗУ КЎЛАМИ**

**Мустафаева С.Б.** (Халқаро инновацион университет)

**Аннотация.** Ушбу мақолада шоир Салим Ашурнинг шеъриятда мавзу танлаш маҳорати масаласига эътибор қаратилиб, ижодкорнинг шеърий асарлари таҳлилга тортилган.

**Таянч сўзлар:** шеърият, шеърий вазн ,шеър техникаси, сарбаст, индивидуаллик, индивид, диалогик нутқ.

### **ТЕМАТИЧЕСКИЙ УРОВЕНЬ ПОЭЗИИ САЛИМА АШУРА**

**Аннотация.** В данной статье уделяется внимание умению поэта Салима Ашура выбирать тему в поэзии, анализируются его поэтические произведения.

**Ключевые слова:** поэзия, поэтическая масса, поэтическая техника, самостоятельный, индивидуальный, индивидуальный, диалогический.

### **THEMATIC LEVEL OF THE POETRY OF SALIM ASHUR**

**Annotation.** In this article, the poet Salim Ashur's ability to choose a topic in poetry is paid attention to, and the author's poetic works are analyzed

**Keywords:** poetry, poetic weight, poetic technique, independent, individual, individual, dialogic.

Албатта, ҳар бир ижодкор ўз асарини яратар экан, дунёни қай тарзда идрок этиши, ён-атрофга муносабати ва кўнгил кечинмаларидан келиб чиқиб мавзу танлайди. “Бадий асар ижодкорнинг борлиқ билан муносабати маҳсули ўлароқ воқе бўлади. Яъни борлиқда

яшаётган индивид сифатида ижодкорни муайян муаммолар ўйлатади, ташвишга солади... Ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадиий идрок этиш учун кенг ва қулай имкон берувчи ҳаёт материалини танлайди ва тасвирлайдики, бу бадиий асар мавзусидир<sup>1</sup>.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида ўзбек шеъриятида юз берган эврилишлар, бу даврда қатор шоирларнинг адабиётга кириб келиши, уларнинг индивидуал ижод йўли ҳамда услубини яратганилиги катта воқелик сифатида қабул қилинди. Айниқса, 60-, 70-, 80-, 90-йиллар авлоди шеъриятидаги ўзига хослик поэтик сўзнинг янги қирраларини кашф этиш билан бирга, мавзу диапазони кенглиги билан ҳам аҳамият касб этди.

Бу шоир Салим Ашур ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Шоирнинг илк шеъри тинчлик ҳақида бўлиб, “Кушча қўшиғи” деб номланади. Бу ҳақида унинг ўзи шундай дейди:

“...7-синфда эдим, туман газетасида “Кушча қўшиғи” сарлавҳали машқим босилган. Кейинги синфларда ўқиётганимда шу газетада бир қанча шеърларим, новеллаларим, хикояларим чиқкан. Улар, албатта, оддий машқлар эди. Қалам машқларда чархланади<sup>2</sup>”. Аслида, ёш шоирнинг оддий машқлари ҳам ўйловчан мулоҳазаларга бой кўринади. Шеър сокин руҳда ёзилган бўлиб, мазмунидан болаларча софликка йўғилган кичиккина фалсафани ҳам топиш мумкин. Унда тинчликни тараннум этгувчи шиорбоп сўзлар қизил чизик тортмагани, айниқса, дикқатга мойил. Шу ўринда шеърни тўлиқ келтиришни лозим топдик:

*Богимдаги ҳой қуичча,  
Овозинг тиниқ мунча.  
Куйлайсан роса жўшиб,  
Айтасан қандай қўшиқ?  
– Тинч бўлсин дейман дунё  
Уруши бўлмасин асло.  
Дала-боглар яшиасин,  
Кўркам ҳаёт яшиасин!  
Шудир куйлар қўшигим,  
Мен тинч ҳаёт ошиги!*

Диалогик муносабат тарзида битилган ўн мисрадан иборат ушбу шеърга дунёни шоирона нигоҳ билан кўра бошлиган кичик шоирнинг тинчлик мавзусига доир тушунчаларининг шеърий талқини деб қараш жоиз. Шеър ўспириннинг тинчликнинг мазмун-моҳиятини англаши (**“Мен тинч ҳаёт ошиги”**) ҳамда уни табиат билан вобаста эта олишига кўра аҳамиятлидир. Шеърнинг сарлавҳаланиши (“Кушча қўшиғи”), мавзусининг танланиши (тинчлик), қофияланиш тизимига эътибор қаратилиши, образ яратишга усталик ва ўз истакларини кушча тилидан изҳор этилиши илк шеъриданоқ шоирда шеър техникасига амал қилиш кўникмасининг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Салим Ашур қайси мавзуда қалам тебратмасин, у хоҳ муҳаббат мавзуси бўладими, хоҳ Ватан ҳақидами, ёхуд ухровий, тарихий, ота-она ва ё табиат мавзуси бўладими, шеърияти туйғулар ранг-баранглиги, мисралар оҳангдорлиги, тасвирлар қуюқлиги, маъно заминдорлиги, образларнинг жонлилиги каби жиҳатлари билан ўқимишилдидир.

Шоирнинг “Ватан”, “Юртим менинг”, “Иссиқ уй”, “Юрак мулки”, “Қайдан бошланасан, қишлоғим”, “Ота ховли”, “Тупроғим” ва бошқа қатор шеърларида она Ватан манзаралари рангин сатрларда бўй кўрсатиб туради. Бу мавзудаги шеърлари айрим ижодкорлар ижодида учрайдиган маддоҳбозлик, зўрма-зўракилиқдан йироқ, қизил сўз ва шиорлардан ихоталанганнадир.

*Отам ўз жонини  
Топширган тупроқ,  
Ҳар бир зарранг билан  
Сен меникисан!*

<sup>1</sup> Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. –Тошкент: Akademnashr, 2013. –Б. 158.

<sup>2</sup> Бекмуродова И. Адабиёт ҳаётга таълим беради. Самарқанд давлат университети сайти. 2022 йил 17 май.

“Юрак мулки”<sup>1</sup> номли ўн бешта шеърдан ташкил топган туркум шеърида ўз она ерини қалб мулкига айлантириб олган шоирнинг қадим тупрок, ундаги ҳар бир иссиқ жон, дарё-сойлари, дала-даштлари, тоғларини мадҳ этиб битгандар бор бутунича Ватан манзумаси янглиг янграйди. “Мангу эл” китобининг ўн етти бети(114-130)ни эгаллаган каттагина ҳажмли бу шеърга географик шеър дея таъриф келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз. Унда юртнинг мард, танти одамларидан тортиб, шифобахш гиёхлари, иқлими, осмони, юлдузлари, ой-қүёши, зилол сувлари, тоғ тошлари, табиат ҳодисалари бўлмиш ёмғир, шамол ва бошқалар ҳақида сўз боради. “Бу ерлар жигарим, ўткамдир, Сөвукдан, иссиқдан тўғсанман”, “Шишинади тарвуз, қовун, Кўл ташлаган палакларда”, “Бу қозон бунчалар ярқироқ, Бу косов бунчалар суюмли”, “Боболар чой ҳўплаб мудрайди, Момолар қўлида урчуги”, “Отамни шу ердан топаман, Онамни топаман шу ердан”, “Ҳансираиди мумтоз қуёши, Қадим осмон бунча бой”, “Тонг отади, кун ботади, Отмас, ботмас гурунглар”, “Тобланаман иссиқ қўмда, Кулча бўлиб куяман”, “Юрагимнинг ичичида гулдирайди тегирмон”, “Куилар қўшик қиласида машқ, Бир-бирига муаллим”, “Тоғ ортига, ҳайрон қолдим, Бир ҳандалак ботади”, “Уйлар, уйлар... бир-бирига дарвозани ёпмайди”, “Тоғ фалак арасидек Чўққиларни карчлайди” каби ўзбекона мисраларни исталганча мисол қилиб келтириш мумкин. Косовнинг суюмлилиги, қуёшнинг мумтозлиги ёхуд унинг ҳандалак мисоли ботиши, уйларнинг бир-бирига дарвоза ёпмаслиги, тоғнинг чўққиларни карчлаганида миллий хусусиятлар намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Шоирнинг кўнгил кундалигидаги саҳифаларнинг ярмидан кўпроғи мухабbat ҳақида битилган шеърлар билан тўлиб тошган. Унинг ижодида мухабbat мавзуси етакчилик қилади. Кўпгина шоирларимиз мухаббатга ўхшатиб таърифлар келтиришган, жумладан, Салим Ашур ҳам. Лекин ҳеч ким унинг сингари севгига адабий терминлардан келиб чиқиб, “САРБАСТ СЕВГИ” таърифини келтирмаган бўлса керак. Шоирнинг бир шеъри юқоридаги ном билан аталади.

*Қиз уйининг бўғотларига  
Илдим ундов белгиларимни.  
Ойнасига нақшлаб кетдим  
Ўжар, сарбаст севгиларимни<sup>2</sup>.*

Келтирилган мисраларни ўқиган синчи ўқувчидаги дастлаб севига сарбаст дея таъриф берилишининг боиси нимада деган савол туғилиши, шубҳасиз. Шеърий вазн (ритмик ҳодиса, ўлчов)лар нуқтаи назаридан олиб қаралганда, аruz вазни қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гурухланиб келишига асосланса, бармоқ шеър тизими мисраларда бўғинлар сонининг тенглиги ва бир хил тартибда гурухланиб тақрорланишига кўра белгиланади. Сарбаст вазни эса ҳеч қандай тартиб қоидаларга амал қилмайдиган, яъни эркин шеърий вазн ҳисобланади. Демак, юрак учун ҳеч қандай буйруқнинг, расмиятчиликнинг аҳамияти йўқ. Унга кимнидир севиши мажбурлаб, севмасликни уқтириб бўлмайди. Юрак бир хил ритмда урмайди. У гоҳ тезлашиб, гоҳ сокинлашади. Бу ритмнинг кўтарилиб тушиб туриши кардиограммага ўхшаб ҳам кетади. У ҳаттоқи ўз соҳибига-да, бўйсунмайдиган ўжар, у сарбаст сингари эркиндин. Шу боисдан ҳам, у севилмишнинг уйи томига севгили томонидан уни севиши ҳақида ҳаяжонланиб, минг титроқларнинг зарбини бера оладиган ундовларни илиб қўя олади.

Салим Ашур шеърлари билан яқиндан танишган ўқувчи унинг шеърията портрет яратиш маҳоратига эга ижодкор эканлигини англайди. Жумладан, “Отам портретига чизгилар”, “Онам портрети”, “Укам портрети” каби шеърлари юқоридаги фикримизни далиллайди. Шоир ушбу шеърларида ота-она ва укани бадиий тасвирлаш йўлидан бориб, уларнинг характеристи, сифатлари, турмуш тарзи орқали бу образларни ўқувчи тасаввур эта оладиган даражада ортиқча бўёқларсиз, асл ҳолича, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, рангиз ифодалаб, портретлар яратади. “Отам портретига чизгилар” туркум шеърлари

<sup>1</sup> Ашур С. Мангу эл. –Тошкент: Adabiyot, 2022. –Б. 114-130.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба. –Б. 20.

1985-1987 йиллар оралигыда ёзилган бўлиб, турли ҳажмдаги 36 шеърдан иборат<sup>1</sup>. Ушбу шеърда отанинг қиёфаси давр ижтимоий дардининг таҳлили мисолида чизиб берилган. Шеърий мисраларда отани гоҳ Пахтазорда унтуилган кетмонга, гоҳ темир изга тушган вагонга ўхшатаркан, “*Қовоқлари қуёши тугади – Шарақлаб очилар қўзлар – деразалар*” мисраси орқали дастлаб унинг кулиб турган қўзларини тасвиirlайди. Сўнгра тиззасигача сув, белигача гўза, кўкрагигача хирмон кечган; елкалари эзилган, суюклари кетмонга пайванд бўлиб кетган; бўйидан баланд тупроқли куюнга ўралган, ернинг шўрини юва-юва пешонаси шўрланиб кетган аҳволдаги ота портрети чизилади. Шоир ўғил учун объект бўлган ота тимсолида нафақат минг-минглаб оталарнинг, балки жамиятнинг аянчли қиёфаси гавдалантирилади. Шу аҳволда ҳам унинг “*Қўкрагига бир нон ёпилган, Қобиргалар тишлаб туради*”. “*Бешик. Пахтазор, Қабр*” мисраси отанинг оғир кечмиши ва қисқа таржимаи ҳолини эслатади.

“Укамнинг портрети” ҳам шунга монанд. Ушбу шеър уч мисрадангина ташкил топган:

*Боботогнинг кўкракларидаи  
Қаварибди меҳнаткаш қўзлари  
Кафтлари гўзадай очилган укамнинг.*

“Онамнинг портрети” шеърида эса онанинг сурати кўринмайди. Она портрети, унинг ботиний олами ҳасратнинг суратида аксланиб туради.

*Бахтларимдай териб оламан,  
Марҳум ҳасратларнинг расмини.*

Юқоридаги каби мисоллар Салим Ашурнинг лирик қаҳрамон ичкин кечинмалари ва ижтимоий борлиқ муаммоларини ёритища ҳаёт материалини танлай билгани ва уни ишончли тарзда ифода этганлигини исботлайди. Шу жиҳатидан олиб қаралганда, шоир ижоди тадқиқотларга лойикдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Куронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. –Тошкент: Akademnashr, 2013.
2. Ашур С. Мангу эл. –Тошкент: Adabiyot, 2022. – Б. 114-130.
3. Ашур С. Катта офтоб. –Тошкент: Akademnashr, 2013. –Б. 103-119.
4. Ашур С. Сиз эртага келасиз. –Тошкент: Ёзувчи, 2000.
5. Ашур С. Титроқ. –Тошкент: TAMADDUN, 2013.

*Наширга проф. Н.Шодмонов тавсия этган*

---

<sup>1</sup> Ашур С. Катта офтоб. –Тошкент: Akademnashr, 2013. –Б. 103-119.

# ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

## Илмий-назарий, услугбий журнал

Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кӯчабоғ кӯчаси, 17.

Индекс: 4071

Теришга 13.08.2023 йилда берилди.  
Босишга 19.08.2023 йилда рухсат этилди.  
24.08.2023 йилда босилди.  
Офсет қофози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.  
Times New Roman гарнитураси.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 20,25.  
Буюртма рақами: № 89.  
Адади 100 нусха. Эркин нархда.